

Лев Толстой

Анна
Каренина

Иккинчи китоб



УЎК: 821.161.1-3

КБК: 84(2Рос=Рус)

Т - 64

Толстой, Лев

Анна Каренина: роман. Лев Толстой / Рус тилидан Мирзакалов Исмоилӣ таржимаси. Иккинчи китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 608 б.

ISBN 978-9943-27-787-8

Жамиятда юқори мавқега эга бўлган хонадон бекаси қалбидаги кемтикликни муҳаббатдан излайди. Унга ўша муҳаббат насиб ҳам бўлади. Хўш, Анна нега унда атрофидаги майда муаммолардан қатъи назар, меҳр-муҳаббатдан сармаст бўлиши керак бўлган паллада ўзинга сўнгги чора – ўлимни раво кўрди? Вронский-чи? У Аннанинг васлига эришгач, қалби дарё, муҳаббати йўлида собит аёлга ҳамипша яна нимадир етишмаётганини англаши, ҳис қилиши қийинмиди?

Дарҳақиқат, Лев Толстой бу асари ҳақида «Анна Каренина – мен узим», деб айтади. Анна тимсоли орқали ёзувчи ҳаёт-мамот, инсон тақдири, яшашдан мақсад, одамзотнинг маънавий камолоти, аъмоли кабиларга ўзининг ҳаққоний ва самимий муносабатини билдиради.

Романда келтирилган Каренинлар, Облонскийлар ва Левинлардан иборат учта катта оиланинг турмуш-тарзи, уларни боғлаган ришталар, қаҳрамонлардаги эътиқод масаласи, Вронскийни Аннага (ёки Аннани Вронскийга) томон талпинтирган куч, ниҳоят Аннанинг ҳалокатли ўлими тасвирларини ўқиркан, китобхон ўзини бениҳтиёр Толстойга яқиндек, Толстойга ҳамфикрдек, балки Толстой қалбини ўқиётгандек ҳис этади.

УЎК: 821.161.1-3

КБК: 84(2Рос=Рус)

Рус тилидан
МИРЗАКАЛОВ ИСМОИЛӢ
таржимаси

ISBN 978-9943-27-787-8

© Лев Толстой, «Анна Каренина». Фафур Гулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил.

© Лев Толстой, «Анна Каренина». Иккинчи китоб. «Янги аср авлоди», 2017 йил.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

I

Княгиня Шчербацкая қизининг тўйини беш ҳафтадан сўнг келадиган рўза кунларигача қилиб бўлмайди, деган фикрда эди, чунки қизига бериладиган сепнинг ярми бу муддатгача тайёр бўлмасди; аммо Левин рўзадан кейинга суриш ҳам тўйни ҳаддан зиёд кечиктириб юборади, деган фикрни айтганда, княгинянинг бу фикрга ҳам қўшилмай иложи қолмади, чунки князь Шчербацкийнинг қари холаси оғир касал бўлгани учун ўлиб қолиши мумкин эди, унда азахонлик тўйни яна ҳам орқага суриб юборарди. Шу сабабдан княгиня қизига бериладиган сепни икки қисмга, яъни катта ва кичик қисмларга бўлиб беришга қарор қилиб, тўйнинг рўза кунларигача ўтказилишига рози бўлди. Княгиня сепнинг кичик қисмини ҳозирданоқ тайёрлаб беришга, катта қисмини эса тўйдан кейин юборишга қарор қилди-ю, бунга розими-йўқлигини жиддийроқ айтмагани учун Левиндан қаттиқ жаҳли чиқди. Сепни икки қисмга бўлиб бериш маъқул эди, чунки ёшлар тўй ўтиши биланоқ қишлоққа чиқиб кетишар, сепнинг катта қисмига у ерда зарурат қолмас эди.

Левин кунларни шундай бир телба ҳолатда ўтказардики, унинг назарида, ўзи билан бахти бутун мавжудотнинг гўё асосий ва бирдан-бир мақсадини ташкил қиларди, шунинг учун ҳам энди ҳеч нар-

санинг рамини емаслиги, ўйлаб ўтирмаслиги керак, чунки ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлаверади, унинг учун ҳамма ишни бошқалар қилади. Келажак ҳаёти учун ҳатто режаси ҳам, муайян мақсади ҳам йўқ эди; ҳамма ишнинг кўнгилдагидек бўлишини билгани учун бу масаланинг ҳаллини бошқаларга ташлаб қўйди. Нима қилиш кераклигини Левинга ўз акиси Сергей Иванович, Степан Аркадьич ва княгиня кўрсатиб туришди. Левин эса нимаики таклиф қилинса ҳаммасига жон-дили билан қўшилди. Акиси унинг учун пул қарз олди, княгиня тўйдан кейин Москвадан кўчиб кетишни маслаҳат кўрди. Степан Аркадьич эса чет элга жўнаш маслаҳатини берди. Левин ҳаммасига ҳам рози бўлди. •Ихтиёрларингиз, кўнгилларингизга нимаики ёқса, қилаверинглар. Мен бахтлиман, нимаики қилманглар, бундан менинг бахтим камайиб ҳам қолмайди, кўпайиб ҳам», деб ўйларди. У Степан Аркадьичнинг чет элга жўнаш тўғрисидаги маслаҳатини Китига айтганда, Китининг бунга кўнмаганлигини, келажак ҳаётлари тўғрисида муайян талаблари борлигини билиб, жуда-жуда ҳайрон қолди. Кити Левиннинг қишлоқда яхши кўрган иши борлигини биларди. Кити бу ишнинг қандайлигини тушуниш у ёқда турсин, тушунишни истамаганлигини ҳам Левин кўриб турарди. Шундай бўлса ҳам, бу нарса ўша ишни жуда муҳим иш деб ҳисоблашига халақит бермас эди. Шунинг учун Кити уйларининг қишлоқда эканлигини билар, шу сабабли бориб туришмайдиган чет элга эмас, бориб туришадиган қишлоқдаги уйларига жўнашни истар эди. Бу аниқ баён қилинган фикр Левинни ҳайрон қолдирган эди. Лекин ўзига бари бир бўлгани учун, Левин дарҳол Степан Аркадьичдан (гўё бу унинг вазифасидек) қишлоққа чиқиб, ҳамма ишларини нозик таъби, дидига мувофиқ тўғрилаб келишни илтимос қилди.

Степан Аркадьич ёшларнинг қишлоққа чиқиб боришларига ҳамма нарсани тахт қилиб қайтгандан сўнг Левиндан:

– Менга қара, рўза тутганинг тўғрисида шаҳодатноманг борми? – деб сўраб қолди.

– Йўқ. Нима бўпти?

– Бусиз никоҳ қилиб бўлмайди.

– Бай, бай, бай! – деб юборди Левин. – Чамамда тўққиз йилчадан бери рўза тутмайман. Эсимга ҳам келгани йўғ-а.

Степан Аркадьич кулиб:

– Чакки эмассан! – деди. – Тарин мени нигилистсан деб юрасан! Йўқ, бу ишинг тўғри келмайди. Рўза тутишинг керак.

– Қачон тутаман? Фақат тўрт куни қолди-ку.

Степан Аркадьич бу масалани ҳам бир ёқлик қилди. Левин рўза оғиз бўлиб қолди. Левин дин-ақидага ишонмайдиган ва айни замонда дин-ақидага ишонадиган бошқа одамларни ҳурмат қиладиган бир киши бўлгани сабабли черковга бориш ва ҳар хил тоат-ибодатларда қатнашиш унинг учун ниҳоятда оғир эди. Ҳамма нарсага ҳассослик билан қараб, кўнган юмшаб юрган ҳозирги пайтларида ўзини диндорликка солиш мажбурияти Левинга ёлғиз оғир эмас, балки унга имкон хорижида ҳам бўлиб кўринарди. Мана энди шуҳрат қозонган, гуллаб-яшнаган бир пайтда ё риёкорлик ёки гумроҳлик қилиши керак. Левин уни ҳам, буни ҳам қилишга қодир эмаслигини ҳис қиларди. Левин Степан Аркадьичдан: «Рўза тутмасдан шаҳодатнома олиб қўясанми?» деса бўлмайдимми? деб ҳар қанча сўраса ҳам Степан Аркадьич иложи йўқ деб туриб олди.

– Нима, икки кунга ҳам чидай олмайсанми? Поп жуда одамшаванда, ақлли чол. Оғриб турган тишинини шундай суғуриб оладики, ўзинг сезмай қоласан.

Левин ўн олти ёшидан бошлаб ўн етти ёшга тўлгунча кучли диний ақида билан яшаган эди; шу биринчи ибодатида ана ўша ўсмирлик хотираларини жонлантиришга уриниб кўрган бўлса ҳам, бунинг сира-сира иложи йўқлигига дарҳол қаноат ҳосил қилди. У бу нарсаларнинг ҳаммасига визит қилиш¹ одати сингари ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган беҳуда одат деб қарашга ҳам уриниб кўрди; аммо бу нарсанинг ҳам уддасидан чиқа олмаслигини сизди. Левин ҳам, замондошларининг кўпчилиги қатори, динга муносабати жуда ноаниқ эди. Динга ишонишга ишона олмас, шу билан бирга, бу нарсаларнинг ҳаммаси бекорчи гап деган қаттиқ ақидада ҳам эмас эди. Қилаётган нарсасининг муҳимлигига ишонишга, бу нарсаларга беҳуда расмиятчилик деб қарашга қодир бўлмагани учун, ўзи англамаган, бинобарин, қалби айтиб турганидек, ёлгон ва ёмон нарсалар қилаётгани учун рўза кунларида хижолат чекиб, ўнрайсиз аҳволга тушди.

Левин ибодат маҳалида ўқилаётган дуо ва оятларга ўз қарашларига монанд маъно беришга тиршиб қулоқ солар, гоҳ бу оят ва дуоларни тушуна олмаслигини, уларни қоралаши кераклигини сезиб қулоқ солмасликка тирришарди, бунинг ўрнига ўз ўйлари, кузатишлари ва хотиралари билан машғул бўларди: черковда бекор турган пайтида бу нарсалар миясида ажойиб бир равшанлик билан саф тортиб ўтарди.

У эрталабки, кундузги ва кечки ибодатларда ҳозир бўлди, эртасига ҳам, одатдагидан барвақтроқ уйронди-ю, наҳор ҳам қилмасдан, эрталабки ибодатда бўлиш ва тавба-тазарру қилиш учун эрталаб соат саккизда черковга жўнади.

Черковда битта гадо солдат, иккита кампир ва черков ходимларидан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

¹ Таниш-билишларни йўқлаб туриш.

Юпқа ридо тагидан узун яғринининг икки кураги яққол билиниб турган ёш дьякон Левинни қарши олиб, дарҳол девор ёнидаги столча олдига келди-да, тоат-ибодат қондаларини ўқий бошлади. Ўқиб турганда, айниқса: «Тангрим, раҳм қил» сўзларини тез-тез такрорлаганда, бу сўзлар «танг қил, танг қил» шаклида эшитилганда, Левин ўз фикрлари қулфбанд эканлигини сезиб, уларни безовта қилиб бўлмаслигини, акс ҳолда чувалашиб кетишини ўйлар, шунинг учун дьякон орқасида туриб, унинг сўзларига қулоқ солмас, маъносига ҳам бормас, фақат ўз ўйларини давом эттирар эди. Кеча бурчакдаги стол ёнида Кити билан бирга ўтирган пайтини эслаб: «Қўл ҳаракатларидаги ифода одамни ҳайрон қолдиради» деб ўйларди. Кўпинча шундай пайтларда гаплашишга мавзу топиламай қолади, шунинг учун Кити қўлини столга қўйиб, панжаларини гоҳ юмиб, гоҳ очиб ўтирар, қўлининг ҳаракатига қараб ўзича кулар эди. Левин мана шу қўлни ўпганини, сўнгра пушти кафтидаги туташган чизиқларни кўздан кечирганини эслади. Кейин у таъзим қилаётган дьяконнинг кифтлари ҳаракатига қараб ўзи ҳам таъзим қилди ва чўжиниб туриб: «Яна танг қил», деб ўйлади. «Сўнгра Кити менинг қўлимни ушлаб, кафтимдаги чизиқларга қаради: – Қўлингиз ажойиб экан, деди». Шу ўйидан кейин ўзининг қўлига, дьяконнинг ҳам калта қўлига бир қараб олди. «Ҳа, тезда тамом бўлади, – деб ўйланди. Сўнгра оятга қулоқ солиб: – Йўқ, чамамда яна бошидан тушди, – деб тағин ўйланди. – Йўқ, тугатяпти; ана, ерга эгилиб таъзим қиляпти – охирига яқинлашганда ҳамма вақт шундай қилишади».

Дьякон, бахмал енги қайтариб қўйилган қўл билан уч сўмлик қоғоз пулни секин, сездирмасдан олди-да, «хўп, ёзиб қўяман», деди; кейин, бўш черковнинг плаита полини янги этиклари билан парч-ғурч босиб, меҳробга борди. Бир дақиқачадан сўнг у ер-

дан туриб Левинни имлади. Левиннинг ҳозиргача миясида қарахт бўлиб ётган фикр қимирлай бошлади, аммо Левин уни дарҳол қувиб юборди. «Бир амали бўлар», деб ўйлади-ю, амвонга¹ қараб юрди. Поғоналардан чиқиб ўнгга бурилди, шунда попни кўриб қолди, сийрак соқоллари мошкичири бўлиб қолган чуваккина, ҳоррин кўзлари мулойим қари поп аналой² ёнида бир диний китобни варақлаб турарди. Поп, Левинга хиёл таъзим қилиб қўйиб, одат бўлиб қолган бир овоз билан дарҳол оят ўқишга тутинди. Ўқиб бўлаганидан сўнг, сажда қилди, кейин юзини Левинга ўтирди-да, Исонинг қўллари ёзилиб кафтларидан тахтага қоқилган суратига ишора қилиб туриб:

- Ҳазрати Исо сизнинг тавба-тазарруларингизни мана шу ерда кўзга кўринмай туриб эшитади, - деди. Кейин юзини Левиндан тескари ўтириб олиб ва қўллари кўксиде қовуштириб туриб, сўзини давом қилдирди: - Муқаддас черковнинг бизга берган таълимларига ишонасизми?

Левин ўзига ёқмаган бир овоз билан:

- Мен шак келтирар эдим, ҳамма нарсага шак келтираман, - деб дарров жим бўлиб қолди.

Поп, у яна бирон нарса деяриккан, деб бир неча сония сабр қилиб турди, кейин кўзларини юмиб олиб, Владимир вилояти лаҳжасида «юни бўрттириб, тез-тез гапира кетди:

- Одам боласида шак келтириш ҳоллари бўлади, лекин олло таолодан имон талаб муножот қилишимиз керак. - Кейин вақтин зое кетказмасликка тириниётгандек, гапини заррача ҳам тўхтатмасдан илова қилди: - Нима гуноҳ қилгансиз?

¹ Амвон - православ черковида, меҳрбоддаги баландлик. (Тарж.)

² Аналой - черковда бўладиган ва устига иконалар билан китоблар қуйиладиган баланд стол. (Тарж.)

– Менинг энг катта гуноҳим – шак келтирганим. Ҳамма нарсага шак келтираман, кўпинча шак-шубҳа ичида яшайман.

– Одам боласида шак келтириш ҳоллари бўлади, – деди поп яна бояги сўзларини такрорлаб, – ҳўш, асосан нималарга шак келтирасиз?

– Ҳамма нарсага шак келтираман. Гоҳи маҳаллар ҳатто худонинг борлигига ҳам шак келтираман, – Левин ихтиёрсиз шундай деди-ю, ноҳўя айтган гапидан кўрқиб кетди. Аммо Левиннинг сўзлари попга таъсир қилмагандек кўринди.

Поп мийрида бир кулимсираб кўйди-ю дарров:

– Олло таолонинг борлигига қанақа шак бўлиши мумкин? – деди.

Левин индамади.

Поп яна одатдагича тез, бидирлаб гагира бошлади:

– Холиқулқудратнинг хилқатларини кўзингиз ила кўра туриб яна бунга нечук шак келтира оласиз? Фалакни шамс-юлдузлар билан ким музайян қилди? Ерга ким тароват берди? Холиқулқудратсиз шундай нарсаларнинг бўлиши мумкинми? – деди у Левинга савол назари билан қараб.

Левин поп билан фалсафий мунозара бошлашни ўзига эп кўрмади, шунинг учун фақат саволга тааллуқли жавобнигина қилди:

– Билмайман.

– Билмайсиз? Бўлмаса ҳамма нарсани олло таоло яратганига нечук шак келтирасиз? – деди поп. Ҳайрат билан кулимсираб.

Левин ўзининг гапларни бемаънилигини ва шундай пайтда бемаънилиги муқаррар бўлишини пайқаб.

– Ҳеч нарсага фаҳмим етмайди, – деди.

– Худойи таолога муножот қилинг, сўранг, тиланг. Черков пешволари орасида ҳам шак келтирганлар бўлган, улар ҳам оллодан имон тилаганлар. Шайтоннинг кучи зўр, биз унинг васвасаларига учмаслиги.

миз керак. Худойи таолога муножот қилинг, сўранг, тиланг. Худойи таолога муножот қилинг, – деди поп яна тезгина такрорлаб.

Поп, худди хаёл сураётгандек, бир неча дам сукут сақлади, кейин кулимсираб:

– Эшитдим, сиз менинг қавмим – художўй князь Шчербачкийнинг қизига уйланмоқчи эмишсиз, – деди. – Кўп ажойиб қиз-да!

Левин попнинг гапидан қизариб:

– Ҳа, – деб қўя қолган бўлса ҳам, «тавба-тазарру пайтида бунга сўраб нима қилар экан-а?» деб ўйлади.

Поп, унинг миясига келган фикрга жавоб қилаётгандек:

– Сиз бошингизни иккита қилмоқчисиз, жуда соз, олло таоло фарзанд ато қилса ажаб эмас, шундайми? Яхши, лекин сизни куфр йўлига бошлаётган шайтоннинг васвасаларини енгмасангиз, болаларингизга қандай қилиб тарбия бера олуурсиз? – деди поп, беозор бир таъна билан. – Агар ўз пушти камарингиздан бўлган фарзандларингизни севсангиз, яхши ота бўлсангиз, болаларингизга ёлғиз давлат ва зийнат, шуҳрат ва сарват орзу қилмайсиз; сиз уларга имон тилайсиз, қалбларининг ҳақиқат ёрдуси билан мунаввар бўлишларини орзу қиласиз. Шундай эмасми? Маъсум бола мабодо сиздан: «Отажон! Бу ёруғ дунёда мени мафтун қилган ер, сув, қуёш, гул, ўланларнинг ҳаммасини ким яратган?» деб сўраб қолса, сиз нима деб жавоб берасиз? Наҳотки унга ҳам: «Билмайман» деб жавоб берсангиз? Олло таолоки ўзининг улуғ қудрати ва шафқати билан бу нарсаларни сизга кўрсатиб қўйибди, сиз билмасдан иложингиз йўқ. Ёинки болангиз сиздан: «У дунёда ҳолим нима кечади?» деб сўраб қолди. Модомики сиз ҳеч нарсани билмас экансиз, унга нима жавоб қиласиз? Қанни, нима деб жавоб қиласиз? Уни ёруғ дунёнинг орзу ҳаваслари-ю шайтоннинг васвасаларига топшириб қўясизми? Бу

яхши бўлмайди! – деди-ю поп, бошини бир ёнга эгиб, Левинга меҳрибон, мўмин кўзлари билан тикилганича жим бўлиб қолди.

Левин поп билан мунозарага киришишни хоҳламагани учун эмас, йўқ, унга ҳеч ким бу хил саволларни бермагани учун чурқ этолмай қолди; боласи шунақа саволларни берадиган бўлганда эса қандай жавоб қилишни ўйлашга фурсат топилади.

Поп сўзида давом этди:

– Сиз ўзингизга йўл танлаб олиш ва шу йўлдан бориш лозим бўлган бир даврга кириб бораётибсиз. Олло таолога муножот қилинг, у ўзининг олижаноблиги билан сизга ёрдам қўлини чўзиб, афв этгай, – деди поп сўзининг охирида. – Эгамиз, парвардигоримиз ҳазрати Исо ўзининг инсонпарварлик шафқати ва раҳмати билан осий бандасини кечирсин... – Поп ўз дуосини тутатди-да, фотиҳа бериб, Левинни чиқариб юборди.

Левин шу куни уйига қайтиб келди-да, ноқулай аҳволдан қутулгани, бунда ёлғон гапиришга мажбур бўлмагани учун қувониб терисига сирмай кетди. Бундан ташқари, меҳрибон ва дилбар чузак чол айтган гаплари аввал унга бирмунча бемаъни туюлган бўлса ҳам, ҳақиқатда ундай эмаслиги, бу гапларда аниқлаш лозим бўлгани алақандай нарсалар борлиги ҳам Левиннинг эсига тушди.

«Албатта, ҳозир эмас, кейин вақти соати билан аниқланар», – деб ўйлади Левин. У қалбида таъбини хира қилиб турган қандайдир дудмал бир нарсани борлигини, динга муносабатида эса бошқаларда равшан кўрган, ёқимсиз бир ҳолатда эканини илгариги вақтлардагидан ҳам кучлироқ ҳис этди: у маҳаллар шу сифатлари учун ошнаси Свияжскийга таъна қилар эди.

Левин оқшомни қайлири билан Доллиникида вақтичор бўлиб ўтказди ва ичига сирмаётган хур-

сандлигини Степан Аркадьичга таърифлаб туриб, ўзининг шодлигини чамбардан сакрашга ўргатилган ва ўзидан талаб қилинган нарсани ахийри тушуниб, чамбардан сакраб ўтган, суюнганидан рингшиб, думини жилпанглатиб столга, деразага ирғишлаб чиқа бошлаган итнинг қувончига ўхшатди.

II

Левин тўй куни одат бўйича қайлигини кўрмади (ҳамма урф-одатларнинг бажарилишини княгиня билан Дарья Александровна қаттиқ талаб қилди), тушган мусофирхонасида иттифоқо тўпланган учта сўққабош одам билан овқат қилди; булар Сергей Иванович, Левиннинг университетда бирга ўқишган ўртоғи, ҳозир табиий фанлар профессори Катавасов (буни Левин кўчада кўриб қолиб, номерига судраб олиб кирган эди) ва куёв жўраси, Левин билан биргаликда айиқ овлашган Москва мировой судьяси Чириков эди. Овқат устида чақчақлашиб ўтиришди; Сергей Ивановичнинг кайфи чоғ эди, у Катавасовнинг ғалати қилиқларини эрмак қилиб кулар эди. Катавасов ўз қилиқларининг таърифланганлигини, ҳамма пайқаганлигини сезиб, беш баттар ҳаволанар эди. Чириков ҳамма гапга хушчақчақлик билан қўшилиб ўтирарди.

Катавасов кафедрада орттирган одати билан сўзларни чўзиб:

– Қаранг, ошнамитиз Константин Дмитрич қандай лаёқатли йигит эди, – деярди. – Мен воянблар тўғрисида гапиряпман, чунки у одам энди йўқ. Университетни тугатган пайтларида фанни ҳам севар эди, инсоний завққа ҳам эга эди; энди эса лаёқатининг ярми ўзини алдашга, ярми эса алдамчиликни оқлашга сарф бўляпти.

– Уйланишга сизчалик тиш-тирноғи билан душман бўлган кишини ҳали кўрганам йўқ, – деди Сергей Иванович.

– Йўқ, мен душман эмасман. Мен меҳнат тақсироти тарафдориман. Қўлидан ҳеч нарса келмайдиган одамлар одам бино қилишлари, қолганлар эса бундай одамларнинг бахтли ва маърифатли бўлишлари учун кўмаклашишлари керак. Мана мен шундай деб ўйлайман. Бу икки касбни адаштириш бориб турган жоҳиллик, мен эса бундайлар жумласидан эмасман.

– Ишққа мубтало бўлганингизни кўрсам, бахтиёр булардим, – деди Левин. – Тўйингизга чақиринг-да, мени, барақа топқур.

– Аллақачон мубталоман.

– Каракатицага¹ мубталосиз. – Левин акасига қараб гапирди: – Биласанми, Михаил Семёнич овқатланиш ва яна бир нима... тўғрисида асар ёзипти.

– Қўйинг, гапки чалитманг! Нима тўғрисида бўлса ҳам фарқи йўқ. Каракатицага ишқим тушгани аниқ гап.

– Каракатица хотинингизни севишингизга халақит бермайди.

– У-ку халақит бермайди-я, хотиним халақит берди.

– Нега энди?

– Кўрасиз-да. Мана, масалан, сиз хўжалик ишларини, овни яхши кўрасиз, бошингизга тушганда биласиз.

– Бугун Архип келувди, Прудновда кийик тўлиб ётган эмиш, иккита айиқ ҳам кўрдим, дейди, – деди Чириков.

– Менсиз ҳам ўзингиз қойил қилиб ташлайсиз.

– Мана бу гапинг тўғри, – деди Сергей Иванович.

– Бундан бу ёқ айиқ ови билан хайр-маъзур қилиб кўявер, энди хотининг қўймайди!

¹ Юмшоқ денгиз шиллик қурти. (Тарж.)

Левин кулимсиради. Хотинининг овга чиқишига қўймаганлигини кўз олдига келтириб, шундай ҳузур қилдики, айиқни кўриш шавқидан узил-кесил воз кечгиси келиб кетди.

– Гап-ку шундай-ю, лекин шу иккита айиқни сизсиз қўлга туширишлари ёмон алам қилади-да! Хапиловда қилган кейинги овимиз эсингиздами? Аммо ажойиб ов буларди-да, – деди Чириков.

Левин овдан ҳам яхшироқ нарсалар борлигини айтиб унинг таъбини хира қилгиси келмади, шу вайдан ҳеч нима демади.

– Бўйдоқлик ҳаёти билан хайр-маъзур қилишлик одати бекор расм бўлмаган, – деди Сергей Иванович. – Озми-кўпми бахт кўрасан-у, лекин эркиндан айрилганинг алам қилади.

– Ростини айтинг, Гоголь пьесасидаги куёв сингари, сизда ҳам деразадан ташлаб қочиш истаги бордир?

– Албатта бордир, лекин тан бермайди-да! – деб Катавасов қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Марҳамат, дераза очиқ... Ҳозир Тверга жўнай-миз! Биттаси урғочи айиқ, инига тикка бостириб боравериш мумкин. Келинлар, соат бешдаги поезд билан жўнай қолайлик! Бу ердагилар билганини қилишсин, – деди кулимсираб Чириков.

Левин ҳам кулимсираб:

– Эркиндан айриламам деб афсус еяётган бўлсам худо урсин, кўнглимда шундай ҳис йўқ! – деди.

– Ие, кўнглингиз ҳозир шундай алаҳдаки, нима бор, нима йўқлигини билмайсиз, – деди Катавасов. – Шошманг, бир оз ўзингизни босиб олганингиздан кейин биласиз!

– Йўқ, кўнглимда ўз сезги... (у севги демоқчи бўлди-ю, айтмади) ва бахтимдан бўлак бир нарса бўлса, эркиндан айрилаётиман деган заррача афсус бўлса бошқа гап эди... Аксинча, бунақанги эркинликдан ажралаётганим учун шодман.

– Ёмон бўлибди! Тамом бўлибди бу одам! – деди Катавасов. – Келинлар, бунинг тузалиши ёки орзуларининг лоақал юздан бири ушалиши учун ичайлик. Ана унда шундай бир бахтга эришасизки, бундай бахт ҳали ер юзида бўлган эмас!

Меҳмонлар тўйга кийиниб келиш учун овқатдан кейин дарров жўнаб кетдилар.

Левин, ёлғиз қолгандан кейин ҳалиги такасалтанларнинг гапларини эслаб, ўзидан яна бир марта сўради: «Улар эркинлигиндан айрилаётганинг учун афсус еяяпсан, дейишди. Кўнглимда шундай ҳис борми?» – шу саволни бера туриб, Левин ўзидан ўзи кулимсираб юборди. «Эрк? Эркинликнинг нима кераги бор? Бутун бахт – севги ва ҳавасда, у нимани орзу қилса, ўшани орзу қилиш, нимани ўйласа, ўшани ўйлаш, яъни ҳар қандай эркинликнинг баҳридан ўтишда – бахт деб шуни айтадилар!

«Лекин унинг ўй ва фикрларини орзу ва ҳаваслари, сезги ва туйғуларини биласанми?» деб бирдан алақандай товуш шипший бошлади. Левиннинг юзидаги табассум йўқолди, у ўйланиб қолди. Шу дам юрагида ғалати бир ҳис уйғонди. Юрагида ваҳм билан гумон, ҳамма нарсадан гумонсираш ҳисси пайдо бўлди.

«Борди-ю, у мени севмаса? Борди-ю менга эрга тегиш учунгина тегаётган бўлса? Борди-ю қилаётган нарсасини ўзи ҳам билмай қилаётган бўлса? – деб сўрарди ўзидан. – У эсини йиғиштириб олиши, тўйдан кейин мени яхши кўрмаслигини ва яхши кўрмаганлигини англаши мумкин». Шундан кейин миясига Кити тўғрисида ғалати, энг ёмон фикрлар кела бошлади. Бир йил муқаддам Китини Вронский билан кўрган кечаси худди кечагина бўлиб ўтгандек, рашки келди. Кити сирларини яширди, ҳаммасини айтмади деб гумон қила бошлади.

Левин даст ўрнидан турди. «Йўқ, бундай қолдириб бўлмайди! – деди жаҳолати кўзраб. – Олдига бо-

раман, сўрайман, охирги марта айтаман: «Бошимиз очик. Тўйни тўхтатганимиз маъқул эмасми?» дейман. Ҳамиша бахтсиз, шарманда бўлиб юргандан, вафосизлик кўргандан кўра бошқа ҳар қандай жабру жафога чидаган яхши!» Левин юрагида бир исён, ҳамма одамларга, ўзига, Китига қарши бир ғазаб билан мусофирхонадан чиқиб, қайлириникига кетди.

У Китини орқа томондаги бўлмаларнинг биридан топди. Кити сандиқ устида хизматкор қизга алақандай ишлар буюриб, стулларнинг суянчиқларига ташланган, ерда ётган ранг-баранг кўйлақларини тахлатиб ўтирган эди.

Кити Левинни кўриб:

– Вой! – деб юборди-ю, суюнганидан чарақлаб кетди. – Вой, қандай келдинг, қандай келдингиз? (шу кунгача Кити уни гоҳ сенсираб, гоҳ сизсираб келарди.) Сизни келиб қоларсиз деб ўйламовдим! Қизлик кўйлақларимни олиб кўряпман, кимга қайсисини...

– О, жуда соз! – деди Левин хизматкор қиз томонга хўмрайиб.

– Бор, Дуняша, кейин ўзим чақираман, – деди Кити. Хизматкор қиз чиқиб кетгандан кейин эса уни дадил сенсираб: – Нима бўлди сенга? – деб сўради. Кити унинг авзойи бузуқлигини, юзидаги ҳаяжонни ва қовоқларидан қор ёриб турганини сезиб, ўзи ҳам кўрқиб кетди.

Левин қайлиғи олдида тўхтади-да, кўзларига мўлтираб қараб туриб:

– Кити! Қийналяпман. Ўз ёримга ўзим қовурилишга рози эмасман, – деди маъюс бир овоз билан. Левин қайлиғининг севги тўла росттўй юзини кўриб, айтмоқчи бўлиб келган гапидан ҳеч нарса чиқмаслигига ақли етса ҳам, яна кўнглини Китининг ўзи тинчителишини хоҳлар эди. – Ҳали фурсат борлигини айтгани келдим. Бу нарсаларни тўхтатиш, ишни ўнгига буриб юбориш мумкин.

- Нима? Ҳеч нарса тушунмаяпман. Нима бўлди сенга?

- Буни минг марталаб айтганман, буни миямдан ҳеч чиқаролмайман... Сенга мен муносиб эмасман. Менга тегмасликнинг йўлини тополмадинг. Ўйлаб кўр. Хато қиляпсан. Яхшилаб ўйлаб кўр. Менга кўн-гил беролмайсан... агар... яхшиси: айт-қўй, - деди Китидан кўзларини олиб қочиб. - Бебахт бўламан. Майли, ким нима деса, деяверсин: ҳамма гаплар ҳам бебахтликдан афзалроқ... ҳали фурсат бор, бир ёқлик қилганимиз маъқул.

- Ҳайрон бўлиб қолдим, - деди Кити ваҳимага тушиб, - нима, мени олмайдиган бўлдингми... қайт-япсанми?..

- Ҳа, агар мени ёмон кўрсанг.

Кити зардаси қайнаганидан қизариб, қичқариб юборди:

- Жинни бўпсан!

Аммо Левиннинг чеҳраси шу қадар аянч, хо-муш эдики, Кити ўзини босиб олиб, курсидан кўйлагини олиб ташлади-да, Левинга яқинроқ келиб ўтирди.

- Нималарни ўйлаб юрибсан? Гапир ҳаммасини.

- Мени яхши кўролмайсан, деб ўйлайман... Менинг нимами яхши кўришинг мумкин?

- Вой худо! Нима қилай ахир! - деди-ю Кити йирлаб юборди.

Левин:

- Оббо, нима қилиб қўйдим-а! - деб қичқирди-да, қиз олдида тиз чўкиб, кўлларини ўпа бошлади.

Беш дақиқачадан кейин княгиня уйга кирган-да улар алақачон алоқ-чапоқ бўлиб кетишган эди. Кити яхши кўрганлигига Левинни нишонтирибгина қолмай, ҳатто «мени нима учун яхши кўрсанг» деган саволига ҳам жавоб бериб, нимаси учун яхши кўрганлигини батафсил ўзлаб кўрсатишнинг

кўнглидаги ҳамма ниятларини тушунган, у нимани яхши кўриши кераклигини билган ва у севган нарсаларнинг ҳаммаси яхши нарсалар бўлгани учун Левинни севганлигини айтган эди. Бу гаплар Левиннинг кўнглини равшан қилди. Княгиня кирганда, улар сандиқ устида ёнма-ён ўтиришиб, Китининг кўйлақларини кўришар, Кити Дуняшага бермоқчи бўлган жигарранг кўйлақ устида талашар эди; Левин «Дуняшага ҳаво ранг кўйлагингни бера қол, мен сенга оғиз солган куним кийиб чиққан жигарранг кўйлагингни ҳеч кимга берма», деб тихирлик қилаётган эди.

– Нега тушунмайсан-а? Дуняша қорачадан келган қиз, бу ярашмайди... мен ҳаммасини ҳисобга олиб кўйганман.

Княгиня, Левиннинг нимага келганлигини билгандан сўнг, ярим ҳазил, ярим жиддий қиёфада тўнғиллаб берди. Кейин: «Китининг тараниб-тузанишига халақит берма, ҳали замон Шарль келиб қолади», деб Левинни уйига жўнатиб юборди.

– Ҳали ҳам бу шу кунларда ҳеч нима емай, озиб-тўзиб кетди, сен бўлсанг, ўлганнинг устига чиқиб тепгандай бемаъни гумонларинг билан кўнглини бузасан, – деди унга княгиня. – Жўна, жўнаб қол тезроқ, барака топгур.

Левин Китиникидан айбдор кишидек, хижолат тортиб чиққан бўлса ҳам, мусофирхонасига кўнгли тинчиб қайтди. Акаси, Дарья Александровна ва Степан Аркадьич ясанган-тусанган ҳолда унга Исо сурати билан фотиҳа бермоқчи бўлиб туришган эди. Вақт зик, шошилиш керак эди. Ҳали Дарья Александровна уйига бориб, юзига упа-элик суртилган, сочлари жингалак қилинган ўғлини ҳам олиб келиши керак, чунки келинчакни черковга Исо сурати билан шу бола бошлаб кирарди. Иннайкейин, битта каретани куёв жўрасига юбориш, Сергей Ивано-

вични олиб борадиган иккинчи каретани эса қайтариб келтириш керак... умуман, назардан қочириб бўлмайдиган ишлар ниҳоятда кўп эди. Лекин биттасига шубҳа йўқ эди: имиллаб бўлмасди, чунки соат аллақачон олти ярим бўлиб қолган эди.

Исо сурати билан бериладиган фотиҳадан ҳеч нарса чиқмади. Степан Аркадьич кулгили бир тарзда бўлиб, тантанали бир қиёфада хотинининг ёнига келиб турди, қўлига Исо суратини олди, Левинга сажда қилишни буюрди-да, мулойим ва масхараомуз бир табассум билан фотиҳани бериб, уни уч бор ўпди; Дарья Александровна ҳам шундай қилди-ю, дарҳол йўл тараддудига тушиб қолди; чиқиб кетаётиб кареталарнинг қайси бирини қаерга юбориш кераклигини яна адаштириб қўйди.

– Бўлмаса бундай қилайлик: сен бизнинг каретамизда куёв жўраникига бор, Сергей Иванович бўлса, одамшавандалик қилиб, каретада борса-ю, кейин бу ёққа юборса яхши бўларди.

– Хўп, жон деб бораман.

– Биз бу билан етиб борамиз. Нарсалар юборилганми? – деди Степан Аркадьич.

Левин:

– Юборилган, – деб жавоб қилди-да, Кузьмага кийимларини келтиришни буюрди.

III

Халойиқ, айниқса, хотин-қизлар, никоҳ ўқитиш учун ёритилган черковни ўраб олди. Черков ичига киролмай қолган одамлар деразалар ёнида уймаллашиб, бир-бирларини итаришиб, жанжаллашиб, панжаралардан ичкарига мўралашади. Йигирма чоғли каретани жандармлар кўча бўйлаб қатор қилиб тизиб қўйган. Полиция офицери, қаҳратон совуқни писанд қилмай, эшик оғзида мундирини ярақла-

тиб туради. Пайдар-пай кареталар келади, гоҳ гул кўтарган хонимлар учун этакларини йиғиштириб, гоҳ эркаклар кепкалари ё қора шляпаларини қўларига олиб ичкари киришади. Черков ичида эса ҳар иккала чилчироқ билан авлиёлар сурати ёнидаги шамлар ёқиб қўйилган. Заррин ёғду сочиб турган қизил иконастас¹ ҳам, иконаларнинг зарҳал нақшлари ҳам, исириқдон ва шамдонларнинг кумуш безаклари ҳам, пол плиталари ва гиламчалари ҳам, клирос² ёнидаги баланд зиналар ҳам, қорайиб кетган эски китоблар ҳам, ридо ва аболар ҳам нурга чўмган. Илиқ черковнинг ўнг томонида, фраклар ва оқ галстуклар, мундирлар ва штофлар, бахмаллар ва атласлар, сочлар ва гуллар, очиқ елкалар ва яланғоч қўллар, узун қўлқоплар орасида юксак гумбазда ғалати акс садо бериб турган босиқ товушлар эшитилади. Эшик ҳар сафар ғичилаб очилганда, ҳалойиқ орасидаги гурунг тўхтайдиди-да, ҳамма куёв билан келин келдимикан деб ўша ёққа қарайди. Лекин эшик ўн мартача очилган бўлса ҳам, ҳар сафар кечиккан бирор меҳмон кириб келади-ю, таклиф қилинганлар тўпига, ўнг томонга ўтиб кетар ёки полиция офицерини алдаган ёхуд уни ийитиб олган томошабин кириб, чап томондаги тўпга бориб қўшилади. Қариндош-уруғлар ҳам, ёту бегоналар ҳам кутавериш хуноб бўлдилар.

Олдин бунчалик кечикиб қолганларига ҳеч қандай маъно бермасдан, куёв билан келин ҳозир келади, деб ўйлашди. Кейин эса, бир нима бўлиб қолмадимикан, деб эшик томонга тез-тез қарайдиган бўлишди. Охирида, бу нарса ҳаммани ноқулай

¹ Иконастас - православ черковида иконалар билан безатилган ва черковнинг қолган қисмини меҳробдан ажратиб турадиган девор. (Тарж.)

² Клирос - Иконастас олдида хонишчилар учун қурилган баланд жой. (Тарж.)

аҳволга солиб қўйгандан кейин, ҳавм-қариндошлар билан меҳмонлар ўзларини куёвни хаёлларига ҳам келтирмаган, ўз суҳбатлари билан машғул бўлган кишиларга сола бошладилар.

Бош дьякон, вақтнинг қиммат эканлигини пинданда қилаётгандек, дам-бадам йўталиб, дераза ойналарини зиринглатар эди. Клиросда тоқатлари тоқ бўлган, овозларини синаётган хонишчиларнинг бурун қоқишлари эшитиларди. Поп куёв келмадимикан деб гоҳ кичик дьяконни¹, гоҳ дьяконни² тез-тез хабар олдиргани югуртирар, сафсар ридо кийган ва заррин камар таққан попнинг ўзи эса ора-сира ён эшикдан чиқиб, куёвни кутар эди. Ниҳоят, хонимлардан бири соатига қараб: «Жуда ғалати бўлди-ку!» деб юборди. Ана шундан кейин меҳмонлар бесаранжом бўлишиб, ажаблана ва норозиликларини баланд овоз билан гапира бошладилар. Куёв жўраларидан бири нима гаплигини билиб келгани кетди. Бу вақт Кити аллақачон тахт бўлган, оқ кўйлак кийиб, юзига узун, ҳарир парда тутган, бошига гулчамбар қўйган ҳолда, янгаси ва опаси Львова билан бирга Шчербацкийлар уйининг залида деразадан қараб турарди; куёвнинг черковга келганлигини куёв жўраси хабар қилиши керак эди; ярим соатдан бери унга кўзлари тўрт бўлиб турарди.

Левин бўлса, бу орада панталонда, жилетсиз, фраксиз, ўз номерида у ёқдан бу ёққа юрар, дам-бадам эшикдан суқилиб йўлакка қарарди. Лекин йўлкада уни интизор қилган киши кўринмас, у яна жирибийрони чиқиб қайтиб кўрар, бамайхотир папирос чекиб ўтирган Степан Аркадьичга қўларини силкитиб гапирарди.

¹ Кичик дьякон – православ динида энг паст мартабали черков руҳонийси. (Тарж.)

² Дьякон – православ ва католик черковиди поздан кейинги ўринда турган черков руҳонийси. (Тарж.)

– Дунёда менчалик аҳмоқ бўлган одам бормикан!
– деди у.

Степан Аркадьич уни жаҳлидан туширадигач бир табассум билан жилмайиб:

– Ҳа, хунук бўлди, – деб тасдиқлади. – Майли, ўзингни бос, ҳозир олиб келишади.

– Йўқ, бу қанақаси ахир? – деярдди Левин, ғазабини аранг босиб. – Яна бу аҳмоқона олди очиқ жилетни айтмайсанми? Эй тавба! – деди кўйлагининг рижим бўлиб қолган кўкрагига қараб. Кейин фиғони чиқиб қичқирди: – худди ўчакишгандек, ул-буларни темир йўлга олиб бориб қўйишди-я!

– Бўлмаса меникини кия қол.

– Аллақачон шундай қилиш керак эди.

– Майна бўлиш ярамайди... сабр қил! Ўнглиниб кетади.

Воқеа бундай бўлган эди: Левин кийимларини келтиришни буюрганда, қари хизматкори Кузьма фракани, жилетини, бошқа ҳамма керакли нарсаларини олиб келди. Шунда Левин:

– Кўйлак-чи?! – деб қичқирди.

– Кўйлак эгнингизда, – деб Кузьма хотиржам бир табассум билан жавоб берди.

Тоза кўйлак олиб келишга Кузьманинг фаҳми етмабди. Ҳамма ул-булни йиғиштириб, Шчербацкийларникига элтиб ташлаш тўғрисида буйруқ олгандан сўнг (куёв билан келин бутун кечқурун ўшадан жўнаб кетишарди), хўжайиннинг айтганини қилиб, фрак-жилетдан бошқа ҳамма кийимларни жойлаб юборибди. Левин эрталаб кийган кўйлаги рижим бўлиб қолгани учун олди очиқ жилет тагидан кийишга ярамас эди. Шчербацкийларникига одам юборай деса, узоқ. Дарров кўйлак сотиб олдиргани юборишди. Лакей қуруқ қайтиб келди: якшанба бўлгани учун, дўконлар берк экан. Кейин Степан Аркадьичникидан кўйлак олдириб келишди; қарашса,

ўлгудай кенг, калта экан. Охири Шчербацкийлар-
никига одам югуртириб, бўғчадан олиб келтиради-
ган бўлишди. Бу орада куёвни черковда сарғайиб
кутишар, Левин эса худди қафасга тушган йиртқич
ҳайвондай, уйда у ёқдан бу ёққа юрар, йўлакка чиқиб
қарар, боя Китига айтган бемаъни гапларини даҳшат
ва алам билан эслаб, Кити нима деб ўйлаётибди экан,
деб эзилар эди.

Ниҳоят, айбдор Кузьма қўлида кўйлак билан но-
мерга ҳалослаб отилиб кирди.

– Оз бўлмаса кеч қолардим. Аравага юклаб қў-
йишган экан, – деди Кузьма.

Левин уч дақиқадан сўнг, ярасига туз сепиб
ўтирмаслик учун соатига ҳам қарамасдан, йўлакда
чолиб чиқиб кетди.

Степан Аркадьич унинг орқасидан шошилмай
йўлга тушди-ю:

– Бекор югурасан, фойдаси йўқ, – деди жилма-
йиб. – Ишинг ўнгланиб кетади, дедим-ку.

IV

Левин қайлиғини черков зиналояси олдида учра-
тиб, у билан черковга кирганда, халойиқ орасида:

– Келишди! Ана куёв! Қайсиниси? Ёшроғими? –
Вой ўлай, келин бечоранинг рангида ранг қолмаб-
ди! – деган гаплар эшитилди.

Степан Аркадьич кечикиб келганларининг саба-
бини хотинига айтиб берган эди, меҳмонлар жил-
майишиб, ўзаро шивирлаша бошлашди. Левиннинг
кўзига ҳеч ким, ҳеч нарса кўринмас эди; у кўзлари-
ни узмай, қаллиғига тикилиб турарди.

Ҳамма Китини сўнгги кунларда ҳуснини йўқотиб-
ди, никоҳ либосида илгаригидан хунукроқ кўрин-
япти, дярди, аммо Левин бундай фикрда эмас эди.
У Китининг баланд қилиб турмакланган сочларига,

ундаги оқ парда ва оқ гулларга, узун бўйинини иф-
фат билан ёнлардан тўсиб, олд томонини очиб тур-
ган баланд бурма ёқасига, кишини мафтун қиладиган
мўрчамиён белига тикилар, у ҳозир Левинга ҳар
маҳалгидан ҳам латофатли кўринарди; бу гуллар, бу
оқ парда, Париждан келтирилган бу кўйлак ҳуснига
ҳусн қўшаётгани учун эмас, йўқ; махсус тайёрлан-
ган бу ҳашаматли безакларга қарамасдан, дилбар
чеҳраси, кўзлари, лабларининг ифодаси иффат ва
ростгўйликнинг айна ўзи бўлгани учун ҳам яхши
кўринарди.

Кити Левинга табассум қилиб:

– Сени қочиб кетдингми, деб ўйлабман, – деди.

Левин қизариб кетди.

– Йўғ-э, шундай бир бемаъни иш бўлдики, ай-
тишга одам уялади! – деди-ю, ёнига келган Сергей
Иванович томонга юзини ўтиришга мажбур бўлди.

Сергей Иванович калласини чайқатиб кулимси-
раб туриб:

– Кўйлак можароси роса бошингни қотириб-
ди-ку! – деди.

Левин нима деганларини пайқамай:

– Ҳа-ҳа, – деб қўя қолди.

Шу пайт Степан Аркадьич ясама бир ваҳима би-
лан:

– Менга қара, Костя, энди бир муҳим масалани
ҳал қилишинг керак, – деди. – Бу масаланинг қанча-
лик муҳимлигини пайқашга ҳозир қодирсан. Мен-
дан: «Ёқилган шамларни ёқайликми ё ёқилмаган-
лариними?» деб сўрашяпти. Фарқи ўн сўм, – деди
у лаблари билан кулиб. – Мен бир қарорга келдим,
лекин сен рози бўлмасмикансан, деб қўрқаман.

Левин бу гапнинг ҳазиллигини фаҳмлаган бўлса
ҳам, лекин кулмади.

– Нима дейсан? Ёқилганиними ё ёқилмаганими?
Ҳал қил.

– Хўп, хўп! Ёқилмаганини.

– Эй, хайрият, хурсанд қилдинг. Масала ҳал бўлди! – деди Степан Аркадьич кулимсираб. Кейин, Левин унга паришон ҳолда қараб қўйиб, қаллиғига яқинроқ туриб олганда, Чириковга қараб: – Одамлар мана шундай пайтларда хўп эсини еб қўйишадиди-да, – деди.

Графиня Нордсон яқин келиб:

– Хай, Кити, гиламга сен олдин ўт, – деди. Кейин Левинга қараб: – Чакки эмассиз! – деб қўйди.

Китининг қари аммаси Марья Дмитриевна:

– Қалай, қўрқаётганинг йўқми? – деб сўради.

Келинчакнинг опаси, Львова бўлса:

– Совуқ еяётганинг йўқми? Оқариб кетдинг. Шошма, эгил, – деди-да, бўлиқ, чиройли қўлларини кериб, табассум билан қиз бошидаги гулларни тузатиб қўйди.

Долли сингисининг ёнига келди, бир нима демоқчи бўлди, лекин галиролмаёй йиғлаб юборди, кейин райритабий қилиб кулди.

Кити ҳам, Левин сингари паришон, у ҳам ҳаммага бепарво қараб турарди. Ўзига айтилган сўзларнинг ҳаммасига бахт табассуми билангина жавоб берар, бу табассум унга ҳозир шу қадар ярашиб тушарди.

Бу орада черков аҳли, ибодат вақтида княдиган либосларини кийиб олдилар, поп билан дьякон черков тўридаги аналой ёнига келди. Поп Левинга қараб бир нима деди, Левин попининг сўзини уқмаёй қолди.

– Қаллиғингизни қўлидан ушлаб олиб боринг, деди Левинга кўён жўраси.

Левин ўзидан талаб қилинаётган нарсаларни анча вақтгача уқолмади. Унинг нотўғри ҳаракатлари анча вақтгача тузатишди ва охири қўл силтамоқчи ҳам бўлишди, чунки Левин чап қўли билан қизининг чап қўлини ушлаб эди, ниҳоят, ҳолатини ўзгартирмасдан, ўнг қўли билан қизининг ўнг қўли-

ни ушлаш кераклигини англади. Қаллирининг ўнг қўлини ушлаши биланоқ, поп улар олдига тушиб бир неча қадам илгари юриб бориб аналой ёнида тўхтади. Қавм-қариндошлар, таниш-билишлар ювур-ғувур гаплашиб, узун этакларини шитирлатишиб орқаларидан боришди. Бирови эгилиб келиннинг тагини тўғрилаб қўйди. Черковга шундай бир жимлик чўқдики, шам мумларининг томгани эшитила бошлади.

Оппоқ сочлари кулоқларидан ошиб икки ёққа ажраб кумушдай товланиб турган чувак поп, орқасига зарҳал кумуш хоч осилган оғир зарбоф ридо тагидан кичкина қўлларини чиқариб, аналой ёнида бир нарсаларни ола бошлади.

Степан Аркадьич секингина поп ёнига келди-да, куловига бир нима дегандан кейин, Левинга кўзини бир қисиб қўйиб, яна орқага ўтиб кетди.

Поп гуллар билан безатилган иккита шамни ёқди, чап қўли билан қийшайтириб ушлаган шамнинг мумини томизиб, келин билан куёв томонга юзини ўтирди. Левинни тавба-тазарру қилдирган поп – шу поп эди. У келин билан куёвга ҳоррин, рамгин кўзлари билан қараб хўрсинди, кейин, ўнг қўлини ридо тагидан чиқариб, куёвга фотиҳа берди, сўнгра эҳтиёткор бир назокат билан жуфтлаштирилган бармоқларини Китининг эгилган бошига қўйди. Кейин шамларни уларга бериб, қўлига исириқдонни олди-да, секин-секин улар ёнидан юриб кетди.

Левин: «Наҳотки шу ҳақиқат бўлса?» деб ўйлаб, дарров қаллирига қаради. Бир оз пастроқдан Китининг юзи кўринди; шунда лаблари билан киприкларининг хиёл қимирлашидан, ўзининг қараганлигини пайқаганини сизди. Кити ўгирилиб қарамади, лекин баланд бурма ёқаси қимирлаб кўтарилди, кичкина, пушти ранг куловига тегди. Левин қаллирининг нафаси кўкрагида туриб қолганини,

шам ушлаб турган узун қўлқопли кичкина қўлчасининг титраётганлигини кўрди.

Ҳамма тўполон, кўйлак можароси, кечикиши, ташишлар, қариндошлар билан бўлган гаплар, уларнинг норозиликлари, ўзининг кулгили аҳволи – ҳаммаси бирдан йўқ бўлди, энди унинг ичи қувончга, даҳшатга тўлди. Зарбоф ридо кийган, тараб кўйилган жингалак сочлари икки ёнда диккайиб турган басавлат, барваста бош дьякон дадил олдинга чиқди-да, одат бўлиб қолган бир ҳаракат-ла икки бармори билан орарни¹ баланд кўтариб, поп қошида тўхтади.

Ҳавони тўлқинлантириб секин-секин, бирин-кетин тантанали овозлар янгради:

«Ё пар-вар-дигор, ўзинг мадад-кор!»

Чувак поп, аналойда алланимани пайпаслаб туриб, мулойим, майин товуш билан: «Парвардигор, бугун ҳам, эртага ҳам то абадулабад мададкордир», деб жавоб қилди. Сўнгра, кўзга кўринмас создан силлиқ, жарангдор садо янграб, деразадан гумбазгача кўтарилди, кучайди, кейин секин-секин тўхтади.

Ҳар маҳалгидек, у дунё, имон, черков, подшо ҳақида муножот қилди; олло таолонинг никоҳ қилинувчи қуллари Константин билан Екатерина ҳақида дуо қилди.

«Муножот қилайликким, олло таоло буларга ишқ-у муҳаббат ато қилсин, тинч-тотув яшашсин, парвардигор мададкор бўлсин» - деяётган дьякон овози билан бутун черков нафас олаётгандек эди.

Левин бу сўзларни эшитиб, ҳайрон бўлар эди. У кейинги пайтлардаги қўрқув ва гумонларининг эслаб: «Мадад кераклигини, фақат мадад кераклигини булар қаердан билишди-я?» деб уйлاردди. – Мен нима биламан? Бу қўрқинчли ишда мадад бўлмаса, қў-

¹ Орари, дьякон либосининг бир қисми, елкасидан остириб ташлаб кўйиладиган узун лента (Тарж.)

лимдан нима келади? Менга ҳозир худди шу мадад керак».

Дьякон муножотини тугатгандан сўнг, поп никоҳ қилинувчиларга китоб билан мурожаат қилди.

«Толе ва тақдирларини, севги ва муҳаббатларини бир-бирига пайванд қилиб қовуштирувчи қудратли парвардигор, – деб мулойим, майин товуш билан ўқий кетди, – бандаларингга ибрат қолдирган Исаак билан Ревеккани қовуштирган улуф тангрим, ушбу қулбаччаларинг Константин билан Екатеринага ҳам ўзинг мададкор бўл, хайру саховатингни дарил тутма. Илло, раҳму шафқатинг, бандаларингга муҳаббатинг бепоёнди; сен ота, ўғил ва муқаддас руҳга; бутун, эрта ва илалабад қудрати илоҳига муножот қиламиз». Яна ҳавода кўзга кўринмас бир хор янгради: – «Омин!»

«Толе ва тақдирларини севги ва муҳаббатларини бир-бирига пайванд қилиб қовуштирувчи» – қанчалик маъноси чуқур сўзлар бу! Шу дамдаги ҳис ва туйғуларга нақадар монанд сўзлар бу! – деб ўйларди Левин. – Унда ҳам мендаги туйғулар бормикан?

Шундан кейин Левин ялт этиб қаради-ю, Китининг кўзларига дуч келди.

Левин унинг кўзларидан, у ҳам ўзи сингари тушуниб турганлигини англади. Лекин бу нотўғри эди. Кити ибодат сўзларини қарийб тушунмаган, ҳатто никоҳ пайтида муножотларга қулоқ ҳам солмаган эди. Унинг қулоқ солишга, тушунишга мадори қолмаган: юрагида қудратли бир ҳис уйғониб, қалбини тўлдирган, ҳамон кўчайиб бораётган эди. Бу ҳис бир ярим ойдан бери қалбида маскан топиб, шу олти ҳафтадан бери қувонтириб, қийнаб келган нарсаларнинг тўла амалга ошганидан бунёдга келган шодлик эди. Арбат кўчасидаги уйларининг залида эгнида жигар ранг кўйлак билан Левин ёнига жимгина келиб таслим бўлган кунда, худди ўша

кун ва соатда Китининг қалби ўтмиш ҳаётидаги барча нарсалар билан алоқасини батамом узган ва ўзига бутунлай номаълум бўлган тамоман бошқа, янги ҳаёт бошлаган бўлса ҳам, лекин амалда эски ҳаёт давом этиб келаётган эди. Бу олти ҳафта Кити учун энг ширин, энг азоббахш давр бўлди. Бутун ҳаёти, бутун орзу-ҳаваслари, бутун умид ва тилак-лари ҳали ҳозир ўзи яхши билмаган кишига боғлиқ бўлиб қолди, уни ўша кишига боғлаб турган ҳис эса, ўша кишидан ҳам муҳамроқ ҳис эди: бу ҳис Китини гоҳ унга яқинлаштирар, гоҳ узоқлаштирар, бунга қарамай, у эски ҳаёт шароитида яшаб келарди. Эски ҳаёт ичида яшаб турган, ўзидан ва ўтмишга алоқадор бўлган нарсаларга: буюмларига, одатларига, ўзи ҳам, ўзини ҳам яхши кўрган одамларга, ўзида пайдо бўлган парвосизликдан койиб юрган онасига, илгари дунёда ҳаммадан ортиқроқ яхши кўрган меҳрибон отасига ҳеч бир йўл билан энгиб бўлмайдиган бир парвосизлик билан қарай бошлаганидан кўрқар эди. Гоҳ бу парвосизликдан даҳшатга тушар, гоҳ бу парвосизликка сабаб бўлган нарсалардан қувонар эди. У бу одам билан бирга турмуш қилишдан бошқа ҳеч нарсани ўйламас, ҳеч нарсани орзу қилмас эди; лекин у орзу қилган янги ҳаёт ҳали келмаган, уни ҳатто равшанроқ тасаввур ҳам қилмаган эди. Юрагида бир интизорлик бўлса, бу янги ва номаълум ҳаёт ваҳми ва шодлиги эди. Мана энди интизорлик ҳам, номаълумлик ҳам, ўтмиш ҳаётдан воз кечишдан пушаймон бўлиш ҳам – ҳаммаси тугайди, янги ҳаёт бошланади. Бу янги ҳаёт номаълумлиги билан ваҳима тувдирмай иложи йўқ эди; лекин ваҳималими-йўқми бу янги ҳаёт бундан олти ҳафта бурун Китининг қалбидан жой олган: қалбида ҳачонлари бунёдга келган нарсалар мана энди муқаддаслаштириляпти.

Поп яна аналой томонга бурилди-да, Китининг кичкина узукчасини топди, кейин Левинга қўлингизни беринг деб, узукни бармоғининг биринчи бўғинига тақиб қўйди. «Олло таолонинг бандаси Константин олло таолонинг қули Екатеринага уйланыпти», деди поп; кейин Китининг бўшашган кичкина, пушти ранг бармоғига каттакон узукни тақиб, поп яна юқоридаги сўзларини такрорлади.

Куёв билан келин нима қилиш кераклигини билиб олишга урнаб кўришган бўлса ҳам, ҳар сафар адашиб қолишар, поп шивирлаб хатоларини тузатарди. Ниҳоят, поп қилиниши лозим бўлган нарсаларни қилиб бўлгандан сўнг, яна Китига катта, Левинга эса кичик узукни берди. Куёв билан келин яна адашди, узукларни икки марта қўлдан қўлга беришди, оқибат, талаб қилинган қоидани жойига келтириша олмади.

Долли, Чириков ва Степан Аркадьич уларнинг хатоларини тузатгани боришди. Ғала-ғовур, пичирлашлар, жимамайишлар бошланди, лекин келин билан куёв юзидаги тантанали ифода, мулоимлик ўзгармади; аксинча, қўлларини чалкаштириш билан қиёфалари илгаригидан анча жиддий, анча тантанали тус олди. Степан Аркадьич: «Ҳар бирингиз ўз узугингизни тақиб олинг» деб шивирлади-ю, юзида пайдо бўлган табассуми лабларида қотиб қолди. Степан Аркадьичга ҳар қандай табассум уларни ҳақорат қиладигандек туюларди.

Узуклар алмашиб тақилгандан сўнг, поп: «Сен ўзинг аввало ушбу эркак зотини ва ушбу аёл зотини бунёд қилдинг, – деб ўқий бошлади. – Бани одам уруғини кўпайтирмақ, унга кўмак бермоқ учун эркак зотига хотин юбординг. Ё парвардигори олам, осий бандаларингга ҳақиқат йўлини кўрсат, сен бизнинг паноҳимиз, мададкоримизсан, марҳаматингни дарир тутма. Банданг Константиндан ва

банданг Екатеринадан шафқат юзингни ўгирма, уларнинг никоҳларини имонлари билан, аҳиллик ва муҳаббатлари билан мустаҳкамла...»

Левин уйланиш тўғрисидаги фикрлари, турмуш қуриш тўғрисидаги орзу-ҳаваслари – буларнинг ҳаммаси ёш болалик эканлигини, булар ҳозиргача ўзининг фаҳми етмаган ва ҳозир бошига тушган бўлса ҳам, яна баттар фаҳми етмаётган нарсалар эканлигини тобора кўпроқ ҳис қила бошлади; кўксиди дам сайин кучайиб борган титроқ турди, кўзларида итоатсиз ёшлар пайдо бўлди.

V

Черковга бутун Москва, қариндош-уруғлар, таниш-билишлар тўпланган эди. Никоҳ маросимида ҳам, чироқ ёрдуларига чўмган черковда, ясан-тусан қилган аёллар, қизлар ва оқ галстуклар тақиб, фрак, муңдир кийган эркаклар орасида, одоб доирасида босиқ гурунг давом этиб турди. Гапни кўпинча эркаклар бошлар, аёллар эса бу дабдабали маросим икир-чикирларини кузатиш билан банд эдилар, чунки бундай маросимлар уларнинг ҳисларига ҳаминша қаттиқ таъсир қиларди.

Китининг иккита опаси: Доли ва чет элдан етиб келган гўзал, мулойим Львова ўзига яқин турган тўдада эди.

Корсунская:

– Марига нима бўпти, тўйга зангори кўйлак кийиб олибди, худди қора кийгандак-а? – деди.

– Юзининг рапшти одамнинг энсасини қотиради...

– деб жавоб қилди Друбецкая. – Ҳайронман, тўйни нега кечқурун қилишди экан? Савдогар зоти...

Корсунская:

– Чиройлироқ бўлади. Мен ҳам кечқурун никоҳ қилдирганман, – деди-ю, ўша куни нақадар дилбар

бўлганлигини, эри жуда кулгили тарзда унга ошиқ бўлганлигини, энди ҳамма нарса ўзгариб кетганлигини эслаб, хўрсинди.

Граф Синявин ўзига майли бўлган нозанин княжна Чарскаяга:

– Кимда-ким ўн мартадан ортиқ куёв жўраси бўлса, уйланмас эмиш. Мен уйланишдан ўзимни сақлаш учун ўнинчи куёв жўраси бўлмоқчи эдим, ўрин банд бўлиб қолибди, – деди.

Чарская фақат табассум билангина жавоб қилди. У шу тобда граф Синявин билан Кити сингари қачон ёнма-ён турар эканман, ҳозирги ҳазилини ўшанда эсига солармиканман, деган ўй билан Китига тикилиб турарди.

Шчербацкий қари Фрейлин Николаевага Китининг бошига бахтли бўлсин деб тож кийгизиш ниятида эканлигини гапирди.

Николаева қачонлардан бери қўлга туширмоқчи бўлиб юрган қари тул эркак ўзига уйланса тўйини одмигина қилиб ўтказишга қарор қилган эди, шунинг учун:

– Тож кийдириш керак эмас, мен бундай баланд парвозликни ёмон кўраман, – деди.

Сергей Иванович Дарья Дмитриевна билан ҳазиллашиб, тўйдан кейин келин билан куёвнинг жўнаб кетиш одати шунинг учун расм бўлганки, келин билан куёв ҳар вақт бир мунча хижолат тортишади, деярди.

– Укангиз фахрланса бўлади. Бу қиз – бир мўъжиза. Назаримда, кўзингиз куяётганга ўхшайди?

– Йўқ, мен ундай ёшдан ўтиб қолганман, Дарья Дмитриевна, – деди-ю Сергей Иванович, бирдан юзи жиддий, рамгин тус олди.

Степан Аркадьич қайинэгачисига талоқ сўзини пайров қилиб аския қилаётган эди, қайинэгачиси кулоқ солмай:

– Гулчамбарни тузатиб қўйиш керак, – деди.

– Аттанг, бечора хуснини йўқотиб қўйди-я! – деярди графиня Нордстон Львовага. – Бари бир, Левиннинг тирновига ҳам арзимади. Шундай эмасми?

– Йўқ, у менга жуда ёқади. Лекин у beau frere¹ бўгани учун эмас, – деб жавоб қилди Львова. – Қаранг, ўзини қандай яхши тутди-я! Ҳолбуки, одамларга кулги бўлмаслик учун, бундай пайтларда ўзини тутиш ҳам оғир. У кулги бўладиган аҳволда эмас, унда ясамалик йўқ, афтидан, таъсирланган кўринади.

– Сиз шунга тегишни хоҳлаган бўсангиз керак?

– Шундай деса бўлади. Кити уни ҳамма вақт яхши кўрарди.

– Келинг, қарайлик, қайси бири олдин гиламга оёқ босар экан. Мен Китига ўргатиб қўйган эдим.

– Бари бир, – деди Львова, – бизнинг ҳаммамиз итоаткор хотинлармиз, уруғимиз шунақа.

– Василийга текканимда, мен жўртгага олдин қадам қўйганман. Сиз-чи, Доли?

Доли булар ёнида туриб гапларини эшитаётган бўлса ҳам, графинянинг саволига жавоб қилмади. Кўнгли бузилган эди. Кўзлари жиққа ёш, бир нарса деса йиғлаб юборар эди. У Кити билан Левиннинг бахтини кўриб қувонарди; хаёлида ўз тўйини эслаб, чарақлаб турган Степан Аркадьичга ер остидан қараб қўяр, ҳозирги аҳволини унутиб, кўнгли берган дастлабки маъсум кўнларини эслар эди. У бир ўзини эмас, ўзига яқин ва таниш хотинларнинг ҳаммасини ёдлади: у хотинларнинг ҳозир Кити сингари бошларида севги чамбари, юракларида ваҳима ва умид гавҳари билан, ўтмишларидан воз кечиб, сирли келажакка қадам ташлаётган бирдан-бир тантанали пайтларини ёдлади. Шу тобда эсига тушган барча келинчаклар орасида дили-жонидан яхши кўрган ва яқинда талоқ қилинишини эшитган ўз

¹ кувён (франц.).

Аннасини ҳам эсига олди. У ҳам оқ гулчамбар ва ҳарир парда остида шундай пок сиймо билан турган эди. Энди нима бўлди?

– Жуда ҳам галати иш, – деди Ҳузича.

Фақат Китининг опалари, дугоналари, қариндош-уруғларигина бу диний маросим тафсилотларига кўз тикиб турган эмас эдилар; бегона хотин-халажлар, томошабинлар ҳам нафасларини қисиб, ҳаяжон билан кузатиб туришар, келин билан куёвнинг ҳар бир ҳаракатини, юз ифодасини кўздан қочирмасликка тиришар, ҳазиллашган ёки бошқача гап қилган парвосиз эркакларнинг сўзларини эшитмас, эшитсалар ҳам жаҳллари чиқиб жавоб қилмасдилар.

– Вой, нимага йиғлайди? Ё зўрлаб эрга беришяптимики?

– Гапингни қара, шунақа йигитга ҳам зўрлаб беришадими? Князь эмишми?

– Оқ атласдан кўйлак кийган анави жувон опасими? Ҳай, қулоқ солларинг, ҳозир дьякон: «Эрингдан кўрқ», дейди.

– Чудовскоеликми?

– Синодальныйлик.

– Лакейдан сўрадим. Ҳозир қишлоғига олиб кетади, дейди. Ўлгудай бой эмиш. Шунинг учун ҳам беришган-да.

– Йўқ, иккови ҳам бир-бирига муносиб.

– Сиз талашиб юрибсиз, Марья Васильевна, бурма юбка кенг қилиб тикилади деб. Анави напармон кўйлақлини қаранг, элчининг хотини эмиш, бир ажойиб қилиб тикибди... Бунақасига, яна бунақасига.

– Тасаддуғинг кетай келинчакни қара, ясатиб кўйилган кўтирчоқдай-а! Ҳар нима бўлганда ҳам, хотинларнинг шўри қурсин.

Черков ичига кириб олган томошабин хотинларнинг гап-сўзлари шу хилда эди.

VI

Никоҳ ўқиш маросими тугагандан сўнг, черков ходимлари черковнинг ўртасига бир парча пушти ранг шойи мато келтириб солишди. Хор чиройли ва мураккаб муножот бошлади, унда бас билан тенор овозлар бир-бирига ҳамоҳанг эди. Поп келин билан куёв томонга ўгирилиб, ерга солинган пушти матони кўрсатди. Буларнинг иккови: гиламга ким олдин қадам қўйса, оилада ўша устун туради, деган ривоятни ҳар қанча кўп эшитган бўлса ҳам, гилам томон кетишаётганда бу нарса на Левиннинг эсига тушди ва на Китининг. Баъзилар, биринчи бўлиб Левин қадам қўйди деб, бошқалари иккови баравар қадам қўйди, деб шангилашиб гап талашар, улар эса айтилган гапларни ҳам, ўртада чиққан талаш-тортишувни ҳам эшитишмас эдилар.

– Бир-бирингизнинг никоҳингизга киришни хоҳлайсизми, йўқми, бошқаларга ваъда бермаганмисиз, – каби одатдаги саволлардан ва уларнинг ўз қулоқларига ралати эшитилган жавобларидан сўнг янги ибодат бошланди. Кити, ибодат сўзларининг маъносига тушуниш учун диққат билан қулоқ солган бўлса ҳам, тушунолмади. Расм-русумлар бирин-кетин ўтган сари Китининг қалбини зўр тантава ва ёрқин шодлик ҳислари тўлдириб эс-ҳушини олиб қўйган эди.

«Парвардигори олам, бу осий бандаларингга тавфиқ бер, ўрил-қизлар ато қилиб, бошларини кўкка еткур», деб муножот қилдилар. Олло таоло хотинни ҳазрати Одам Атонинг қовурғасидан яратганини, «шунинг учун ота-онага эмас, эрга йўлдош бўлишини, улар бир жон, бир тан, зеро, бу улуғ бир сирри-асрор» эканлигини тилга олишди; олло тало Исҳоқ ва Равеккага, Юсуф ва Зулайҳога, Мусо ва Сафурага берган пушти гавҳарларни буларга ҳам берсин,

Ўғилларининг ўғилларини – невара-чевараларини кўрсатсин, деб илтижо қилишди. Кити бу сўзларни эшитиб: «Бу нарсалар ниҳоятда яхши, бундан ўзгача бўлмаслиги керак», деб ўйларди. Шунда шодлик табассуми тароватли юзини ёритиб юборди, ҳамма беихтиёр жилмайди.

Поп уларга тож қўяётганда, ҳар ёқдан:

– Бутунлай кийгизинг! – деган маслаҳатлар эшитилди; Шчербацкий уч тутмали қўлқоп кийган қўлини қалтиратиб, қизининг боши устиде тожни баланд кўтариб турган эди.

– Кийгизинг! – деб Кити кулимсираб шивирлади.

Левин ялт этиб ёрига қаради-ю, юзидаги шодлик ёрдусини кўриб асир бўлди; қизнинг қалбини тўлдирган ҳис беихтиёр унга ҳам ўтди. Унинг қалби ҳам, Китиники сингари ёришди, қувончларга тўлди.

Саҳобалар номасининг ўқилишини ва сўнгги сурада бош дьяконнинг овози гулдураб чиқишини чет кишилар сабрсизлик билан кутиб туришарди; куёв билан келин буларни эшитиб завқлари келиб кетди. Тайпоқ косадан сув аралаштирилган илиқ қизил винони ҳам вақтичорлик билан ичишди; поп ридосининг барларини очиб ташлаб, икковларининг қўлларини ўз қўлига олган ҳолда, «Исо, руҳинг шод бўлсин» садоси остида аналой атрофида айлантира бошлаганда, вақтлари яна ҳам чор бўлиб кетди. Тожларни ушлаб юрган Шчербацкий билан Чириков келинчакнинг узун этагига ўралашиб жилмайишар, нимадандир қувонишиб, гоҳ орқада қолиб кетишар, гоҳ поп тўхтаганда келин билан куёвга келиб урилишар эди. Кити қалбида ёнган шодлик учқунлари черковдагиларга ҳам ёйилиб борарди. Левиннинг назарида поп билан дьякон ҳам, ўзи сингари, жилмайгилари келиб тургандек эди.

Поп келин билан куёвнинг бошидан тожларини олиб қўйиб, ожирги оятни ўқигандан сўнг, ёшлар-

ни муборақбод қилди. Левин Китига қаради, уни ҳеч вақт мана шундай гўзалликда кўрмаган эди. У чеҳрасида барқ уриб турган янги бахт ёрдуси билан очилиб кетган эди. Левин ёрига бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин маросимнинг тутаганми-йўқлигини билмади. Поп жонига ора кирди. У саховатгўй оғзини жилмайтириб, паст овоз билан:

– Хотинингизни ўпинг, сиз ҳам эрингизни ўпинг, – деди-да, қўлларидан шамларни олди.

Левин қаллиғининг жилмайиб турган лабларидан авайлаб ўпди, қўлини тутқанди, кейин унга янги, галати бир яқинлик сезилди, черковдан чиқиб кетди. Левин бунинг ҳақиқатлигига ишонмас, ишона ҳам олмас эди. Фақат ажабланган ва ҳуркак кўзлари бир-бирига тўқнашгандагина, Левин бунинг ҳақиқатлигига ишонди, чунки ёри билан бир тан, бир жон бўлиб қолганини эндигина сизди.

Шу кеча кечки зиёфатдан кейин ёшлар қишлоққа жўнаб кетишди.

VII

Вронский билан Анна уч ойдан бери Европа бўйлаб саёҳат қилиб юрар эди. Улар Венецияда, Римда, Неаполда бўлишди. Мана ҳозиргина бир неча муддат туриш мақсадида ўртамиёна бир итальян шаҳрига келиб тушишди.

Пардоз мой суртилган, қалин сочларининг фарқи бўйнидан бошлаб очилган, эгнига фрак ва кўкраги очиқ оқ батист кўйлак кийган, юмалоқ қорини устида соат занжири осилиб турган хушрўй обон кельнер, мусофирхона эшиги олдида тўхтаган жанобга қўлларини чўнтакларига солган ва кўзларини нафрат билан қисган ҳолда тарс-турс жавоб қиларди. Нариги эшик томондан зинага чиқиб келаётган кишининг оёқ дунурини эшитиб, кельнер қайрилиб

қаради-да, мусофирхоналарида энг яхши номерга тушган рус графини кўриб, қўлларини эҳтиром билан чўнтақларидан чиқарди-ю, таъзим қилгандан сўнг, курьер келганлигини, чорвоқ ижараси ҳал бўлганлигини айтди. Бош мудир шартномани имзолашга тайёр эмиш, деди.

– Э, шундайми! Жуда соз! – деди Вронский. – Хоним уйдаларми?

– Сайр қилгани чиққан эдилар, ҳозир қайтдилар, – деди кельнер.

Вронский бошидан сербар юмшоқ шляпасини олди-да, тер босган пешонасини, сўнгра қулоқларининг ярмигача туширилиб, орқасига қаратиб таралган ва бошининг тақир жойини ёпиб турган сочларини рўмолча билан артди. Нарёқда ҳалигача ўзига тикилиб турган жанобга паришонхотир қараб қўйгандан сўнг, кириб кетмоқчи бўлди. Шунда обер-кельнер:

– Бу жаноб рус, сизни сўраяптилар, – деди.

Вронский нарироққа бориб тўхтаган жанобга таниш-билишлардан ҳеч қочиб қутулиб бўлмас эканда, деган ачиниш ва бир қолипда ўтаётган ҳаёти учун бирон эрмак топилармикан, деган истакдан иборат аралаш бир ҳис билан яна бир марта қайрилиб қаради; шу пайт икковининг кўзи ҳам барабар чақнаб кетди.

– Голенишчев!

– Вронский!

Ҳақиқатан ҳам, бу Вронскийнинг пажлар корпусида бирга ўқишган ўртоғи Голенишчев эди. Голенишчев корпусда либераллар партиясиди эди, шунинг учун корпусни гражданлик мартабаси билан битириб чиқди-ю, лекин ҳеч ерда хизмат қилмади. Бу икки ўртоқ корпусни тугатгандан сўнг ажралиб кетди, кейин фақат бир мартагина учрашди.

Ана ўша учрашувда Вронский Голенишчевнинг аллақандай олимақом бир либерал фаолиятни танлаб олганлигини, натижада Вронскийнинг фаолияти ва унвонига нафрат кўзи билан қарайдиган бўлиб қолганини пайқаган эди. Шунинг учун Вронский у билан учрашганда, маърурилик билан совуққина муомала қилди, одамларга: «Менинг ҳаёт тарзим сизга ёқадими-ёқмайдими, бунинг мен учун асло фарқи йўқ; лекин мен билан таниш-билишлик қилгингиз келса, мени ҳурмат қилишингиз керак, дегандек муносабатда бўларди. Голенишчев эса Вронскийнинг юриш-туришига нафратомуз бир парвосизлик билан қарарди. Бу учрашув уларни бир-биридан яна ҳам узоқлаштириб юбориши керакдай эди. Ҳозир эса, бир-бирларини танишлари биланоқ, юзлари ёришиб қичқириб юборишди. Вронский Голенишчевни кўрганда шунчалик суюнаман деб ўйламаган эди, бунинг сабаби – ўзининг қанчалик зерикканини билмагани бўлса керак. У, сўнгги учрашувдан қолган бемаза таассуротни унутиб, очик, шодон бир чеҳра билан эски ўртоғига қўл чўзди. Голенишчев юзидаги илгариги ташвиш аломати суюнч ифодаси билан алмашинди.

Вронский дўстона бир табассум билан пухта, оппоқ тишларини кўрсатиб:

– Сени кўриб бирам суюндим! – деди.

– Вронский деган от қулоғимга чалинди-ю, лекин қайси бири экан, деб билолмай юрувдим. Хайрият сен экансан, жуда қувондим, жуда қувондим!

– Кирайлик. Хўш, нималар қилиб юрибсан?

– Икки йилдан бери шу ердаман. Ишлайман.

– Э! – деди Вронский ачингансимон. – Қани, ичкари кирайлик.

Вронский, мусофирхона хизматчиларидан яшириш учун русча гапириш ўрнига, русларнинг одадини қилиб, французча гапириб юборди;

– Каренина билан танишмисан? Бирга саёҳат қилиб юрибмиз. – Кейин Голенишчевнинг юзига диққат билан тикилиб туриб, французча гапирди: – Мең Каренинанинг ёнига кириб кетаётибман.

– Э! Хабарим йўқ экан (лекин ўзи бундан хабардор эди), – деди бепарвогина. Кейин: – Анча бўлди-ми келганингга? – деб қўшиб қўйди.

– Тўрт кун бўлди, – деб жавоб қилди Вронский ўртоғининг юзига яна бир карра диққат билан тикилиб.

Вронский Голенишчев юзидаги ифодадан ва гални бошқа ёққа айлантириб юборганидан: «Ҳа, бу тузук одам, масалага тўғри қарайди, – деди ўзига. – Анна билан таништириб қўйсам бўлади, масалага тўғри қарайди».

Вронский Анна билан чет элда бирга ўтказган шу уч ойи мобайнида янги одамларга тўқнаш келганда, ўзининг Анна билан бўлган муносабатига бу янги одам қандай қарар экан деб ҳар вақт ўзидан сўрар ва аксар эркакларда масалага тўғри қараш борлигини кўрар эди. Агар унинг ўзидан ва «масалага тўғри» қарайдиганлардан бу иборанинг маъносини сўрасалар, ўзи ҳам, улар ҳам жавоб беришга ожизлик қилар эдилар.

Вронскийнинг фаҳмига, «масалага тўғри» қарайдиганлар ҳам ҳақиқатда бунинг нималигини англамасди, балки ҳаёти ҳар томондан ўраб олган мураккаб ва чигал масалаларга нисбатан одобни кишилар ўзларини қандай тутсалар, булар ҳам ўзларини шундай тутар эдилар – ўзларини шама ва пичингдан, таъбни хира қиладиган саволлар беришдан сақлар, одоб доирасидан чиқмасдилар. Улар ўзларини рўй берган аҳволнинг аҳамияти ва маъносини тўла туншунган кишиларга ўхшатиб кўрсатардилар, ҳатто маъқулардилар ҳам, лекин бу нарсаларни уқтириб ўтиришни ўринсиз, ортиқча деб ҳисоблардилар.

Вронский ҳозир Голенишчевни ўшандай одамлардан деб ҳисоблаб, уни кўрганига жуда-жуда хурсанд бўлди. Ҳақиқатан ҳам, Голенишчев номерга олиб кирилганда, Каренина олдида ўзини Вронский кутгандай тутди. Ўнғайсизликка сабаб бўладиган гаплардан ўзини тийиб турганлиги равшан эди.

Голенишчев илгари Аннани танимас эди, шунинг учун ҳусни жамолига, бундан ҳам ортиқроқ, ўзини ниҳоятда содда тутишига асир бўлиб қолди. Вронский уни бошлаб кирганда Анна қизариб кетди, унинг очиқ, чиройли юзини қоплаб олган ана шу маъсум ранг Голенишчевга жуда ҳам ёқиб тушди. Бегона одам ўз аҳволларини хато тушунмасин дегандек қилиб, Вронскийни дарҳол, жўрттага соддача Алексей деб атай бошлагани ва икковлари бу ерда палатца деб аталадиган уйни ижарага олиб чиқиб кетишаётганлигини айтгани унга ҳаммасидан ҳам кўпроқ ёқиб тушди. Ўз вазиятига бундай бевосита, содда муносабатда бўлиши Голенишчевга жуда ҳам ёқди. Алексей Александрович билан Вронскийни танийдиган Голенишчев Аннанинг куч-ғайратга тўлиб, меҳрибонлик билан ўйнаб-кулиб муломага қилишини кўриб, уни тушунаётгандек бўлди. Эрини бахтсиз қилиб, эри билан ўғлини ташлаб ўзининг яхши шаънига доғ туширган Анна, яна ўзининг қандай бахтиёр ва хушчақчақ бўла олишини тушунмас эди: Голенишчев эса Анна тушуна олмаган шу нарсаларни тушунаётгандек эди.

Голенишчев Вронский ижарага олган ўша палатца тўғрисида:

– Гидда¹ бор, – деди. – У ерда жуда ажойиб Тинторетто² расмлари бор. Унинг сўнги давридан.

Вронский Аннага юзланиб:

¹ Гид – томошабоп ерларни тасвир этувчи китоб.

² Маъшҳур итальян расмони.

– Биласизми? Ҳозир ҳаво жуда яхши, ўша ёққа борайлик, яна бир кўриб келамиз, – деди.

– Жуда соз-да, ҳозир шляпамни кийиб чиқаман, ҳаво иссиқ дедингизми? – Анна шу саволни берди-ю, эшик оғзида тўхтаб, Вронскийга савол назари билан қараб қўйди. Яна юзи қип-қизариб гул-гул ёниб кетди.

Вронский унинг назаридаги маънони тушунди: Анна унинг Голенишчев билан қандай муомалада бўлиш истагида эканлигини билмас, ўзимни Вронский хоҳлагандек тутяпманми-йўқми, деган хавотирда эди.

Вронский унга мулоим бир назар билан узоқ қараб турди. Кейин:

– Йўқ, унча иссиқ эмас, – деди.

Анна энди ҳамма гапга тушунгандек, айниқса Вронскийнинг ўзидан рози эканлигини фаҳмлагандек бўлди; кейин, Вронскийга бир жиламайиб қўйиб, тез одимлар билан эшикдан чиқиб кетди.

Орайнилар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди, шу пайт икковининг юзида саросима пайдо бўлди: Аннага ҳаваси келган Голенишчев унинг тўғрисида бир нима демоққа чоғланарди-ю, лекин дейдиган нарсасини тополмаётгандек кўринарди, Вронский эса унинг бир нима дейишини ҳам хоҳлар, ҳам кўрқар эди.

Вронский қандай бўлса ҳам бирон гапни бошлаш учун:

– Шунақа дегин, – деб гап бошлади. – Шу ерга кўчиб келибсан-да! – Кейин Голенишчев бир нима ёзаётган эмиш, деган миш-мишни эслаб, сўзини давом қилди: – Ҳали ҳам ўша ишинг билан бандмисан?..

– Ҳа, «Икки маншаъ»нинг иккинчи қисмини ёзаяпман, – деди Голенишчев, бу саволдан мамнун бўлиб, – яъни, аниқроқ қилиб айтсам, ҳали ёзаётганим йўқ, тайёрлаяпман, материаллар йирияпман. Бу

қисм анча кенг бўлади, қарийб ҳамма масалаларни ичига олади. Бизда, Россияда биз Византиянинг меросхўрлари эканлигимизни ҳеч ким англагиси келмайди, – деб узун, қизгин изоҳ бошлади.

Автор «Икки маншаъ»нинг биринчи мақоласини ҳаммага маълум нарсадек талқин этди; Вронский ундан беҳабар бўлгани учун олдин анча хижолат тортди. Кейин эса, Голенишчев ўз фикрларини баён қила бошлаганда, Вронский, унинг фикрларига диққат билан қулоқ солиб ўтириб, «Икки маншаъ»ни ўқимаган бўлса ҳам суҳбатдошининг гапларини мароқ билан эшитди, чунки Голенишчев жуда чиройли гапирар эди. Лекин Голенишчевнинг ўзини қизиқтирган масала тўғрисида бўрилиб ҳаяжонланиб гапириши Вронскийни бир ёқдан ҳайрон қилса, бир ёқдан хафа қилди. Гапирган сари кўзларидан ўт чақнар, хаёлий душманга эътирози ҳам тезлашиб, юзининг туси ҳақоратланган кишининг юзи сингари ҳаяжонланиб борарди. Вронский Голенишчев билан бирга ўқиб юрганда, унинг озгин, тетик, меҳрибон, олижаноб бола эканлигини, корпус ўқувчилари орасида ҳамиша пешқадам эканлигини эслаб, бу тажангликнинг сабабини ҳеч англамас, маъқул кўрмас эди. Юксак доирага мансуб бўлган Голенишчевнинг живига тегаётган алақандай пасткаш ёзувчилар билан ўзини тенг қилиб ўтириши, уларга жаҳд қилиши Вронскийга айниқса манзур бўлмади. Голенишчевдай одамга шу ярашадими? Буниси Вронскийга манзур бўлмади, лекин, бунга қарамай, Голенишчевнинг бахтсизлигини сезди-ю, унга ачина бошлади. Голенишчев, Анна кириб келганини ҳам сезмай, фикрларини шошиб, қизишиб айтиб турган пайтда, унинг ҳаракатчан, анчагина чиройли юзиде бахтсизлик, қарийб девоналик аломатлари барқ уриб турарди.

Анна бошига шляпа, эгнига енгсиз кийимни ташлаб чиқиб чиройли қўли билан шамсиясини ўйнай-ўйнай Вронскийнинг ёнига келиб тўхтаганда, у Голенишчевнинг ўзига қаттиқ тикилиб қолган кўларидан қутулгани учун енгил тортиб, вужуди ҳаёт қувончи билан тўлган гўзал дугонасига янги муҳаббат билан қаради. Голенишчев зўра ҳушини йиғиб олди; у дастлаб мунғайиб, қош-қовоғини солиб ўтирди. Лекин ҳаммага меҳрибон бўлган Анна (шу пайт қандай эди-я!) содда ва дилбар муомаласи билан уни жолантириб юборди. Ҳар турли масалалар устида гап очиб кўргандан сўнг, Анна суҳбатни расм санъати устидаги мавзуга кўчирди, чунки Голенишчев бу ҳақда жуда чиройли гапирган эди. Анна унга диққат билан қулоқ солди. Улар ижара олган уйларига пиёда келишиб, уйни кўриб чиқишди.

Қайтиб келишаётганда, Анна Голенишчевга:

– Мен бир нарсага хурсандман, – деди. – Алексей яхшигина *adtelierga*¹ эга бўладиган бўлди. Сен ўша хонани албатта ол, – деди русчалаб Анна Вронскийга. Анна, Голенишчевнинг янги хилватхоналарида ўз одами бўлиб туришига ва ундан яширинишнинг ҳожати қолмаганига ақли етиб, Вронскийни сенсираб гапирди.

Голенишчев ялт этиб Вронскийга ўтирилди-ю:

– Ия, сен расм соласанми? – деб сўради.

– Ҳа, анча вақт бўлиб қолди, энди яна бир оз машқ қиляпман, – деди Вронский, қизариб.

Анна шодиёна бир табассум билан жилмайиб:

– О, бунинг таланти зўр, – деди. – Мен ҳакам эмасман, албатта! Лекин биладиган ҳакамлар ҳам шундай дейишади.

¹ ишхона (франц.)

VIII

Анна хур-эркин юра бошлаган ва тез тузалиб бораётган шу дастлабки даврида ўзини кечириб бўлмай-диган даражада бахтли ҳис этар, ҳаёти қувонч билан тўлиб-тошар эди. Эрининг бахтсизлигини ҳар қанча эсласа ҳам, бари бир, бу унинг бахтига раҳна соломас эди. Бу эслаш, бир томондан, шу қадар даҳшатли эдики, бу тўғрисида ўйлаб бўлмас эди. Бошқа томондан, эрининг бахтсизлиги унга шу қадар катта бахт берган эдики, у пушаймон ейишга арзимасди. Касаллигидан кейин бўлиб ўтган ҳодисаларни: эри билан ярашганини, ажрашганини, Вронскийнинг ярадор бўлгани ҳақидаги хабарни, унинг келишини, ажралиш ҳаракатини, эрининг уйдан кетганлигини, ўғли билан хайрлашганини эслаш – буларнинг ҳаммаси унга туш каби туюлар, чет элда Вронский билан юрганда бир ўзи уйғонгандай ҳис этар эди. Эрига етказган жабрини эслаш эса унда жирканиш ҳиссини уйротарди, чўкиб бораётган киши ўзига ёпишиб олган одамдан ўзини ажратиб олганда шундай нарсани ҳис этади. У одам чўкиб кетди. Албатта, бу ёмон бўлди, лекин бирдан-бир нажот чораси шу эди, шунинг учун бу даҳшатли тафсилотни эсламаган яхшироқ.

Эри билан орасини узган биринчи дамда ўз қилмишидан кўнглини тинчитадиган бир мулоҳаза миясига келган эди. Бўлиб ўтган нарсаларнинг ҳаммасини ҳозир яна эслаганда, ўша битта мулоҳазани ҳам эсга олди: «Бу одамни муқаррар бахтсиз қилдим, – деб ўйлаган эди, – лекин унинг бахтсизлигидан манфаат кўрмоқчи эмасман: мен ҳам изтироб чекапман, яна чекаман: менинг учун дунёда энг қимматли бўлган нарсалардан маҳрум бўляпман – пок номимдан, севгили ўғлимдан ажраяпман. Мен ёмон иш қилдим, шунинг учун бахтиёр бўлишни хоҳламайман, талоқ олишни хоҳламайман, бад-

номлик изтиробини тортавераман, фарзанд доғида қолавераман». Лекин Анна, нақадар софдиллик билан изтироб тортишни хоҳлаган бўлса-да, изтироб тортмас эди. Ҳеч қандай бадномлик ҳам йўқ эди. Улар чет элда одоб сақлаб, рус хонимлардан ўзларини тортиб юрар, қалтис аҳволга тушмас эдилар. Ҳамма ерда шундай одамлар билан учрашардиларки, бу одамлар ўзларини буларнинг аҳволини икковларидан ҳам яхшироқ тушунадигандек қилиб кўрсатардилар. Жондан ортиқ севган ўғлидан жудо бўлгани ҳам дастлабки кунларда унга изтироб бермади. Вронскийдан орттирган қизчаси шундай ширин эдики, Анна биргина шу қиз билан қолгандан сўнг қиз уни ўзига бутунлай маҳлиё қилиб қўйди, ана шундан кейин Анна ўғлини камдан-кам эслайдиган бўлиб қолди.

Яшаш эҳтиёжи соғайиш натижасида шу қадар кучайди, яшаш шароити шу қадар янги ва ҳузурбахш эдики, Анна ўзини кечириб бўлмайдиган даражада бахтиёр сезарди. Вронскийнинг қанақалигини билган сари, унга муҳаббати ортарди. Анна уни Вронский бўлгани ва ўзини яхши кўргани учун яхши кўрарди. Вронскийга тўла-тўқис эга бўлишдан ҳамма вақт шод эди. Унинг васлидан ҳузур қиларди. Анна унинг феъли атворини бирин-кетин билган сайин, булар Аннага дилрабо бўлиб кўринар эди. Гражданча кийим қиёфасини ўзгартириб юборган Вронскийнинг чеҳрасига энди, кўнгил берган ёш қиздай, мафтун эди. У нимаики демасин, ўйламасин, қилмасин – буларнинг ҳаммасида ўзига хос олижаноблик, киборлик нишонларини кўрарди. Унга шунчалик берилиб кетгани кўпинча ўзини ҳам кўрқитарди: Анна унда бирон хунук нарса бормикан деб қарар, лекин тополмасди. У Вронскийнинг олдида ўзини ерга уришдан кўрқар эди. Буни билиб қолса, кўнгли совиб кетадигандек тую-

ларди; Анна, ҳеч қандай сабаб бўлмаса ҳам, унинг муҳаббатидан маҳрум бўлиб қолмасайдим, деб шу қадар кўрқар эдики, бошқа ҳеч бир нарсадан бунчалик кўрқмас эди. Лекин Вронскийнинг ўзига муносабатидан миннатдор бўлмай иложи йўқ эди, уни қадрлаганини ҳам кўрсатмай туролмасди. Аннанинг фикрича, Вронский давлат ишларида муайян истеъдодга эга эди, бу соҳада каттақон роль ўйнаши муқаррар эди, лекин Аннани деб бу шону шуҳратдан воз кечди, бу ҳаракатидан пушаймонлигини бирон марта ҳам билдирмади. У илгаригидан ҳам кўпроқ ошиқ эди, ҳурмат шартини ўрнига қўяр эди; Анна хижолат тортмасин деган фикр миясидан нари кетмас эди. У шунчалик мард киши бўлишига қарамай, Аннанинг иродасига ҳеч қачон қарши бормас, ҳатто ўз иродасига ҳам эга эмасди, фақат Аннанинг истакларини бажаришгагина тайёрдек кўринар эди. Вронскийнинг ўз теварагида парвона бўлиши, ташвиш ва ғамхўрлиги гоҳо малол келтирса ҳам, Анна бу нарсаларнинг қадрига етмай иложи йўқ эди.

Вронский бўлса, кўп вақтлар давомида орзу қилиб келган тилаклари батамом ушалганига қарамай, ўзини тўла бахтиёр ҳис қилмас эди. У кўп ўтмай амалга ошган тилаклари орзу қилган бахт тоғидан фақат бир дона қумгина келтирганини ҳис этди. Бу нарса – орзу-ҳавасларининг ушалиши орқалигина бахтта эришиш мумкин деб тасаввур қилиб келган одамларнинг доимий хатоларини яна бир марта кўрсатди. У Анна билан қовушиб, граждонча кийим кия бошлагандан сўнг дастлабки пайтларда илгари нималигини билмаган умуман эркинликнинг, севги эркинлигининг гаштини суриб юрди, бундан мамнун бўлди, лекин мамнунлиги узоққа бормади. Ҳадемай кўнглида истаклар истаги, эрикиш ҳисси пайдо бўлганини сездди. Ихтиёрини йўқотиб қўйиб, ҳар қандай ўткинчи орзу, инжиқликни мақсад ва истак деб билиб, унга осилиб

оладиган бўлди. Кундузнинг ўн олти соатини бирон нарса билан банд қилиш керак эди, чунки улар чет элда ўз майлларича яшардилар, Петербургдаги жамият ҳаёт шароити вақтларини банд қилиб келган бўлса, бу ерда ундай аҳвол йўқ эди. Вронский бурунлари чет элга бориб сурган бўйдоқлик ҳаётининг нашъу намолари ҳақида ҳозир ҳаёл қилиб ҳам бўлмасди, чунки ана шундай қилганида, танишлар билан қилинган кечки овқат маҳалида Анна ўксиб қоларди. Тутган мавқелари номаълум бўлгани учун маҳаллий кишилар билан ҳам, руслар билан ҳам алоқа борлаб бўлмасди. Томошабоп жойларни бориб кўриш (уларнинг ҳаммасини кўриб бўлишган эди), ақлли рус кишиси бўлган Вронскийда инглизлардаги сингари қизиқиш турдирмас эди.

Оч ҳайвон кўзи тушган ҳар қандай нарсага еса бўлармикан деб ўзини ташлаганидек, Вронский ҳам сира ўйлаб-нетиб ўтирмасдан гоҳ сиёсатга, гоҳ янги китобларга, гоҳ суратларга ёпишар эди.

Ёшлик чоғларидан расмга истеъдоди бўлгани ҳамда пулларини қаерга сарф қилишни билмай гравюралар сотиб олиб юргани учун, Вронский рассомлик санъатини танлаб, шу билан шуғуллана бошлади-ю, қондирилишини талаб қилган, ҳали ушалмаган ниятларини шунга баришлади.

Вронскийда санъатни англаш ва санъатга тўғри, дид билан тақлид қилиш лаёқати бор эди; у ўзида рассомга керак бўладиган нарса борлигини ўйлаб кўрди-да, рассомлик санъатининг қайси турини: диний, тарихий ёки турмуш манзараларини тасвирловчи, реалистик турини танласаммикан деб бир оз иккиланиб тургандан кейингина, расм чиқишга ўтирди. У рассомлик санъатининг ҳамма турларини тушунар, унисидан ҳам, бунисидан ҳам илҳомлана оларди; лекин у рассомлик санъатининг умуман қандай турлари борлигини билмасдан ту-

риб ва соладиган расми бирон маълум турга кирадими-йўқми, бунинг гамини еб ўтирмай, кўнглидаги нарсадан илҳомланиш мумкинлигини тасаввур қила олмасди. Вронский буни билмагани ва бевосита ҳаётдан эмас, санъатда тажассум қилинган ҳаёт орқали, билвосита илҳомланиб келгани учун, жуда тез, жуда осон илҳомланар ва чизган суратини ҳам тақлид қилолқчи бўлган расм турига жуда осон ўхшатиб, жуда тез соларди.

Бошқа ҳамма услублардан кўра француз услуби, салобатли ва эффеқтли услуб ёқар эди; Аннанинг итальян костюмидаги портретини худди мана шу услубда сола бошлади. Бу портрет ўзига ҳам, кўрганларга ҳам жуда муваффақиятли чиққандай туюлди.

IX

Баланд шиплари қуббали нақшлар билан ишланган, деворларига расмлар чизилган, полларига гуллар солинган, баланд деразаларига сариқ рангли офир пардалар тутилган, девор бурчакларидаги тоқчаларга ва каминларга вазалар қўйилган суратлар осилган, эшиклари ўймакор, заллари баҳайбат бу эски, ташландиқ палатцо, улар кўчиб келганларидан сўнг ўзининг ташқи қиёфаси билан Вронскийда, мен рус помешчиги ва мансабсиз ҳарбий одам эмас, кўпроқ санъатнинг мунаввар ҳаваскори ва ҳимояткоридирман, мен эса севгили бир аёлни деб киборлар жамиятидан, ёру офайнилардан, шону шуҳратдан воз кечган рассомман, деган янглиш тасаввурни кучайтирди.

Палатцога кўчиб келиш билан Вронский танлаган роль тамоман муваффақият билан натижаланди, у Голенишчев воситаси билан бир қанча мароқли шахслар билан танишди-ю, дастлаб кўнгли жойига тушди. У бир итальян рассоми-профессо-

ри раҳбарлиги остида натурадан этюдлар чизди ва ўрта аср италяян ҳаёти билан шуғулланди. Ўрта аср италяян ҳаёти сўнгги вақтларда Вронскийни шу қадар қизиқтирардики, ўзи ҳам шляпасини ўрта асрча кийиб, рўмолчасини елкасига ташлаб юрадиган бўлди, бу ўзига жуда ярашиб тушди.

Бир кун эрталаб Голенишчев уларникига келганда, Вронский:

– Биз шу шаҳарда турамиз-у, ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ, – деди. Кейин, шу бугун эрталаб олган рус газетасини унга узатиб бир рус рассоми тўғрисидаги мақолани кўрсатди: – Сен Михайловнинг суратини кўрганмисан? – деб сўради. Михайлов шу шаҳарда турарди, у қачонлардан бери оғиздан оғизга ўтиб юрган ва тугатилмасданоқ сотиб олинган суратини битирган эди. Мақолада ажойиб рассом ҳар қандай мукофот ва ёрдамдан маҳрум қолгани учун ҳукумат билан Академияга таъна қилинарди.

– Кўрганман, – деди Голенишчев. – Албатта, истеъдоди йўқ эмас, лекин тутган йўли бутунлай хато. Исога ҳам, диний суратларга ҳам ўша-ўша Иванов-Штраус-Ренанча қарайди.

– Қанақа сурат экан? – деб сўради Анна.

– Исо Пилат олдида. Янги оқимдаги реализмга амал қилиб, Исони қип-қизил яҳудий қилиб қўйган.

Суратнинг мазмуни ҳақида берилган савол Голенишчевга унинг энг яхши кўрган мавзуга кўчишга йўл очиб берди. Голенишчев дардини айта бошлади:

– Ҳайронман, қандай қилиб шунчалик кўпол хатога йўл қўйишади-я! Исонинг улуғ кексалар санъатида тажассумланган аниқ сиймоси бор. Демак, улар худони эмас, инқилобчинини ёки донишмандни суратга олмақчи бўлишса, Сократни, Франклинни, Шарлотта Кордени олишсин, лекин Исони эмас. Улар санъатда қаламга олиб бўлмайдиган шахсларни олишади, сўнгра...

Вронский рус санъатининг ҳомийларидан бўлгани учун, Михайловнинг сурати яхшими-ёмонми, лекин бунга қарамасдан рассомга ёрдам қилиш керак эди, деган ўй билан:

– Менга қара, ростдан ҳам Михайлов шунчалик камбағалми? – деб сўради.

– Унчалик эмасдир. Ўзи ажойиб портретчи. Васильчикованинг портретини чизган, кўрганмисиз? Чамамда, портрет чизишни бас қилганга ўхшайди, шунинг учун ҳам муҳтожлик тортаётган бўлса ажаб эмас. Мен шундай деб...

– Илтимос қилсак Анна Аркадьевнанинг портретини чизиб бермасмикан? – деди Вронский.

– Нега энди меникини? – деб айтди Анна. – Сенинг чизганинг етади, бошқасини хоҳламайман. Ундан кўра Аняникини чиздира қолайлик (қизалогини шундай деб атарди). Ана ўзи, – деб қўшиб қўйди, деразадан қараб. Шу пайт гўзал итальян энага қизчани боққа олиб чиққан эди; Анна шу сўзларни айтиб туриб, Вронскийга зимдан қараб қўйди. Вронский ўз картинаси учун ана шу гўзал энаганинг бошини расмга олаётган эди, Аннани ичига ўт солаётган бирдан-бир ҳасрат ҳам шу эди. Вронский расмга олаётиб унинг ҳуснидан, ўрта аср тақлидидаги сиймосидан завқланар, Анна эса, бу энагага рашки келаётганлигини бўйнига олишдан қўрқиб, ўзини ҳам, унинг кичкина ўрлини ҳам суйиб эркалар эди.

Вронский ҳам деразадан қаради, кейин Аннанинг кўзларига бир назар ташлаб, дарҳол Голенищевга мурожаат қилди:

– Биласанми сен шу Михайловни?

– Кўрганман. Бир тентак, илми йўқ одам. Ҳа, ўша, ҳозир ҳар қадамда учраб турадиган янги саёқ, ёввойи одамлардан биттаси-да. Биласиз, d'emblee¹

¹ бирдан (франц.).

шак келтириш, рад этиш ва материализм деган тушунчалар асосида тарбия олган ўша эркин фикрлилардан у. Илгарилари, билсангиз, – деярди Голенишчев, Аннанинг ҳам, Бронскийнинг ҳам гапиргилари келиб турганини сезмай ё сезишни истамай, – илгарилари, билсангиз, эркин фикрлилар ҳам туппа-тузук одамлар бўларди; диний, қонун, ахлоқ тушунчалари асосида тарбияланарди, эркин фикрлилик даражасига фақат ўзининг кураши ва меҳнати орқасидагина кўтариларди; ҳозир эса эркин фикрлиларнинг янги тоифаси пайдо бўлиб қолди; булар ахлоқ, дин ақидалари борлигини, обрўли зотлар ва фикрлар борлигини эшитмасданоқ эркин фикрли бўлиб олишяпти; кимки ҳамма нарса ни рад қилиш тушунчаси асосида тарбия топибди – у ёввойи одам. Михайлов ҳам шунақа. Чамамда, москвалик бир камер-лакейнинг ўғли бўлса керак, ҳеч қандай илм, маълумот олмаган. Академияга кириб, донг чиқаргандан сўнг, аҳмоқ одам эмасда, илм олиш пайига тушган! Назарида илм манбаи журналлар бўлган-у, ўзини журналларга урган. Биласизми, эски замонларда илм олишни хоҳлаган киши, масалан, айтайлик, француз, ҳамма классикларни ўрганишга ўтирарди: илоҳиётга, трагедияга, тарихга, фалсафага доир асарларни ўқирди; шундай қилганда, биласизми, бутун ақлий меҳнат хазинаси кўз олдида бўларди. Бу одам эса ҳозир тумшури билан бориб салбий адабиётга урилди, салбий фаннинг бутун маъзини бир зумда ҳазм қилиб, тайёр бўлди-қолди. Бу ҳам оз: бундан йигирма йил аввал бу адабиётдан обрўли кимсалар, асрлар буни давом этиб келган назарияларга қарши кураш аломатларини топган бўларди, бу курашдан бошқа хил қарашлар ҳам бор бўлганлигини тушуниб олган бўларди; лекин ҳозир шундай курашга дуч келяптики, бу кураш эски қарашлар билан мунозара

қилишни ўзига эп кўрмайди, тиккасига: ҳеч нарса йўқ. Evolution¹, танлаш, яшаш учун кураш – вассалом, дейди. Мен ўз мақоламда...

Анна Вронский билан бир неча бор секин кўз уриштириб олгандан сўнг:

– Менга қаранг, – деди у Вронскийни бу рассомнинг маълумоти қизиқтирмаслигини, балки уни рассомга ёрдам қилиш ва портрет буюртириш фикрида эканлигини биларди, шунинг учун Голенишчевнинг гапини кескин бўлиб: – Менга қаранг, олдига бора қолайлик! – деди.

Голенишчев ўзига келиб, жони дили билан рози бўлди. Рассом шаҳарнинг узоқ маҳаллалардан бирида тургани учун, коляскада боришга қарор қилдилар.

Анна, Голенишчев ва Вронский колясканинг олдинги қаторида ўтириб борди; улар бир соатчадан кейин узоқ маҳалладаги янги солинган чиройли бино олдига етиб келишди. Улар олдига чиққан ҳовли ходимининг хотинидан Михайлов ўз студиясига одам киритишини, лекин у ҳозир икки қадамча нарёқдаги уйда эканлигини билишгандан сўнг, хотинга ўз карточкаларини беришди-да, ишлаган суратларини кўришга ижозат сўраб, уни Михайловникига юборишди.

Х

Граф Вронский билан Голенишчевнинг карточкаларини олиб келишганда, рассом Михайлов, одатдагича, ишлаб турган эди. Эрта билан студиясида катта сурат билан банд бўлди. Уйга келди-ю, пул талаб қилган ўй бекаси билан муомалани ўринлатолмаган хотинига жаҳли чиқди.

– Сенга йигирма мартача айтдим: бека билан ади-бади қилишма, деб. Ўзинг ўлгудек нодонсан,

¹ Эволюция (франц.)

унга итальянча гап уқтира бошладингми, бўлди, яна беш баттар аҳмоқсан, – деди хотинига, узоқ гап талашгандан кейин.

– Ҳадеб пайсалга солаверма-да, менда айб йўқ, Қўлимда пул бўлса-ю...

– Бас, мени кўп қийнайверма, азбаройи худо! – деб қичқирди Михайлов йиғламсираб; кейин, қулоқларини беркитиб, тўсиқ орасидаги ишхонасига кирди-да, ичкаридан эшикни кулфлаб олди. Ичида «нодон» деб тўнғиллади-ю, столга ўтириб, папкасини очди-да, бошлаб қўйган суратига ралати бир иштиёқ билан дарҳол киришиб кетди.

Турмуши ёмонлашган пайтларда, айниқса, хотини билан жанжаллашган кезларида шу қадар ҳарорат ва муваффақият билан ишлардики, бошқа маҳаллар ҳеч қачон бундай бўлмасди. У ишни қилиб туриб: «Оҳ! Қаёққа бошимни олиб кетсам экан!» деб ўйларди. Михайлов разабнок бўлган одам қоматини чизаётган эди. Расми илгари солиб қўйган бўлса ҳам, кўнгли таскин топмади – ўзига ёқмади. «Йўқ, униси яхшироқ эди... қаерда қолди-я?». У хотинининг олдига чиқди, қош-қоворини солиб, унга қарамасданоқ катта қизчасидан ўзи уларга берган қорознинг қаерда эканлигини сўради. Ташланган расми қороз топилди, лекин булганган, мум томган эди. Шундай бўлса ҳам расми олиб, столга келтириб қўйди-да, нарироқдан кўзларини қисиб туриб қаради. Бирдан жилмайди, суюнганидан қўлларини силкита бошлади.

– Ҳа, шундай, – деди-ю, дарҳол қаламни олиб, шоша-пиша чиза кетди. Мум доғи суратдаги одамга янги қиёфа бериб турарди.

У ана шу янги қиёфани қорозга чизаётганда, бир кун ўзи сигара сотиб олган савдогарининг ияклари олдинга туртиб чиққан, серрайрат чехраси бирдан эсига тушиб кетди. У солаётган расмидаги одам чехрасини

ва иягини шу тахлитда чизди. Михайлов шодлигидан кулиб юборди. Расмдаги сохта, ўлик одамга бирдан жон кирди, энди у ҳеч ўзгартириб бўлмайдиган қиёфа олди. Бу расм тирик эди, унинг аниқлиги равшан ва шубҳасиз эди. Шу қоматга қараб расмни тузатса бўларди, оёқларини бошқа тахлитда, чап қўлини бутунлай бошқа ҳолатда чизиш, сочларини орқага қаратиб қўйиш мумкин, керак ҳам эди. Бу тузатишларни киритди-ю, лекин шаклини ўзгартирмади, фақат қалди-қоматини тўсиб турган нарсаларнигина чиқариб ташлади. Рассом суратни кўрсатмай, тўсиб турган пардаларнигина олиб ташлагандай бўлди: ҳар бир янги чизиқ киши қоматини ғайратлироқ, кучлироқ ва шамдан тушган дордан кейин унинг кўзига бирдан кўриниб кетган шамоилини ёрқинроқ қилиб кўрсатарди. Карточкаларни олиб киришганда, Михайлов бу расмни эҳтиётлик билан тугаллаётган эди.

– Ҳозир, ҳозир!

Михайлов хотинининг олдига чиқди.

– Бас энди, Саша, жаҳлинг чиқмасин! – деди у юраксизлик билан мулойимгина жиламайиб. – Сендан ҳам ўтди, мендан ҳам. Ўзим тўррилайман.

Михайлов хотини билан ярашгандан сўнг, бахмал ёқали жигар ранг пальтоси билан шляпасини кийиб, студияга кетди. Муваффақиятли чиққан расм алақачон хаёлидан кўтарилган эди. Энди унинг фикри-хаёли коляскада келган мўътабар рус кишиларида эди; уларнинг студияга келганларидан Михайлов қувонар, ҳаяжонланарди.

Ҳозир мольбертда турган сурати тўғрисида кўнглининг чуқур бир ерида: бунга ўхшаган расмни ҳали ҳеч ким солган эмас, деган фикр бор эди. Ўз расмини Рафаэлнинг ҳамма расмидан яхшироқ деб ўйламаса ҳамки, шу расмда кўрсатмоқчи бўлган ва кўрсатган нарсасини ҳеч ким ҳеч қачон кўрсатмаганлигини биларди, Михайлов буни жуда яхши би-

лади, расмни сола бошлаган ўша узоқ пайтлардан бери биларди; лекин одамларнинг фикрлари, улар қандай бўлишидан қатъи назар, Михайлов учун жуда катта аҳамиятга эга, уни қаттиқ ҳаяжонлантирарди. Ҳар қандай мулоҳаза, масалан, ўзи шу картинасида кўриб турган нарсаларнинг заррасини ҳакамлар ҳам кўра олганини билдирувчи кичкина мулоҳаза ҳам уни ҳаяжонга соларди. У ўз ҳакамларига ўзидан ортиқ тушунадиган кишилар деб баҳо берар, улардан суратда ўзи кўрмаган нарсаларни кўрсатиб беришади деб кутар эди. Томошабинларнинг мулоҳазаларидан кўпинча ана шундай фикрларни топаётгандек бўларди ҳам.

Михайлов шахдам одимлар билан студиясининг эшиги олдига келди-да, ҳаяжонланганига қарамай, эшикдан тушган кўланкада туриб, Голенищевнинг қизгин гапларига қулоқ солаётган, айтилган замонда яқинлашиб келаётган расмга қараётган Аннанинг чиройли қоматини кўриб ҳайратда қолди. Михайлов меҳмонлар олдига келар-келмас бу таассуротнинг ҳам, сигара сотувчи савдогарнинг ияги сингари, кўнглига жо бўлиб олганини ўзи ҳам сезмай қолди; кейин бу таассуротни керак бўлгандагина олиш учун кўнглининг чуқур бир ерига яшириб қўйди. Голенищевнинг расм тўғрисида аввал айтган гапи билан ҳафсалалари пир бўлган меҳмонлар унинг башарасини кўриб беш баттар совиб кетишди. Михайлов ўрта буй, вўлабир, майда қадам одам эди; жигар ранг шляпаси, қаҳва ранг пальтоси, аллақачон кенг шим кийиш расм бўлганига қарамай, ҳали ҳам ташламаган тор шими, айтилган япалоқ юзининг одмилиги ва юраксизлиги чеҳрасидан сезилиб турса ҳам, салобатини йўқотмасликка тиришгани ёмон таассурот қолдирди.

Михайлов ўзини парвосиз қилиб кўрсатишга тиришиб:

– Ичкарига марҳамат, – деди-да, даҳлизга киргандан сўнг чўнтагидан калитни олиб, эшикни очди.

XI

Студияга киргандан сўнг Михайлов меҳмонларга яна бир марта разм солиб чиққач, Вронскийнинг юзидаги ифодасини, айниқса ёноқларини хаёлига жо қилиб қўйди. Рассомнинг ҳис-туйғулари фаолиятини тўхтатмай материал йириб турса ҳам, суратлари устида муҳокама бошланадиган пайт дам сайин яқинлашиб келаётгани учун ҳаяжони ҳамон ортиб борса ҳам, кўзга чалинмайдиган нишоналардан бу уч киши ҳақида бир хулосага келиб қўйди. Униси (Голенишчев) шу ерлик руслардан Михайлов унинг фамилиясини ҳам, қаерда кўрганлигини, нима тўғрисида гаплашганлигини ҳам эслаёлмайди. У қачон бўлса ҳам кўрган одамларининг юзини хотирида қандай сақлаб қолган бўлса, Голенишчевнинг юзини ҳам эсида шундай сақлаб қолган эди, лекин бу юзнинг ифодаси сохта, бемаъни, сийқа эканини хаёлидан ўтказиб қўйгани эсида эди. Узун сочлари, жуда ҳам кенг манглайи юзига маъноли тус бериб турса-да, ингичкагина қаншари устида болаларникига ўхшаган арзимас бесаранжомлик ифодаси бор эди. Вронский билан Каренина Михайловнинг фикрича, ҳамма бой руслар сингари санъатда ҳеч нимани тушунмаса ҳам, ўзларини санъатнинг қадрига етадиган миришкорлар деб кўрсатадиган донгдор, сарватдор руслардан бўлиши керак эди. «Рост, қадимий санъат намуналарини кўриб бўлишиб, энди янги студияларни фирибгар немису Рафаэллараст аҳмоқ инглизнинг студиясини томоша қилиб юришибди, менинг олдимга эса, шу ҳам қаторда қолмасин, кўриб келайлик, деб келишган», деб ўйлади. Дилетантларнинг (улар қанча ақлли

бўлишса, шунча ёмон) ҳозирги замон рассомлари студияларини қандай мақсадда кўришларини Михайлов жуда яхши биларди; улар санъат тубан тушиб кетди, янги расмларни кўрган саринг қадимий улуф устозлар тақлид қилиб бўлмайдиган даражада мустаҳкам эканликларига ишониб борасан, дейиш мақсадидагина студияларини бориб кўришади. Михайлов шу нарсаларни кутар, ўзаро суҳбатларида менсимасдан парвосизлик билан айтаётган гапларидан, манекенлар ва бюстларга қарашларидан, суратни қачон очиб кўрсатар экан деб бамайлихотир айланиб юришларидан шу тилақда эканликларини кўриб турарди. Лекин, бу тахминига қарамасдан этюдларини очиб кўрсатганда, пардани кўтариб, чойшабни олиб ташлаганида, юрагида кучли ҳаяжон турганини пайқайди; Михайлов, ҳамма донгдор ва сарватдор руслар ҳайвон ва аҳмоқ одамлар деган тушунчада бўлса ҳам, лекин Вронский билан Анна унга ёқиб қолди, шу важдан унинг ҳаяжони яна кучайди.

У бедана юриш қилиб, ўзини четга олди-да, картинага ишора қилиб:

- Қани, буни кўринглар-чи? Пилат насихати. XXVII Матфей боби, - деди, ҳаяжонидан лабларининг қалтирай бошлаганини сезиб. Шундан кейин меҳмонларнинг орқасига ўтиб турди.

Меҳмонлар суратга жимгина қараб туришган шу бир неча сония мобайнида Михайлов ҳам унга лоқайдлик билан, бегона кўз билан қаради. Унда, мана шу бир неча сония мобайнида олий, ҳаққоний ҳукмни шулар, шу меҳмонлар чиқаради, деган ишонч турилди, ваҳоланки бир дақиқача олдин уларга ўзи нафрат кўзи билан қараган эди. У илгари суратни чизиш билан машғул бўлган бутун уч йил давомида ўз картинаси ҳақида ўйлаган ҳамма нарсаларни эсидан чиқарди; суратнинг ўзи шубҳасиз

деб билган барча фазилатларини ҳам эсидан чиқарди. Энди картинасига уларнинг ёт, лоқайд, биринчи марта кўраётган кўзлари билан қарар, унда бирон фазилат тополмас эди. Суратнинг оддинги планида Пилатнинг аламли, Исонинг эса осойишта юзини, орқадаги планда Пилат мулозимларининг қорасини ва нима бўляпти деб мўралаб турган Иоаннинг юзини кўрди. Шундай хатолар ва тузатишлар орқасида ўзига хос характер олган ҳар бир чеҳра, рассомни шунча қийнаган ва шодлантирган ҳар бир юз, умумий манзарага, бўёқларнинг ҳам тур ва ранглирига риоя қиламан деб шунча қийинчиликлар билан бир неча бор ўринлари алмаштирилган бу барча юз – буларнинг ҳаммаси, ҳозир меҳмонлар кўзи билан қараганда, унга минг марталаб қайтарилган сийқа сиймоларга ўхшаб кўрина бошлади. Унинг учун энг азиз бўлган сиймо – Исо сиймоси, суратнинг гавҳари эди, уни кашф этганда қувончи ичига сиғмай кетган эди, энди суратга буларнинг кўзлари билан қараганда, ҳаммаси, ҳамма нарса йўқ бўлди. Михайлов, Тициан, Рафаэль, Рубенс қалами билан жуда чиройли қилиб (улар ҳам талай-талай хатолар топди) чизилган Исоларнинг, яна ўша-ўша аскарлар ва пилатларнинг суратларини кўрди. Булар ҳаммаси бемаза, рангсиз, эски, ҳатто ёмон солинган – ола-була, заиф суратлар. Меҳмонлар рассом ҳузурида сохта ҳурмат билан ҳайратланганларини айтарлар, ёлғиз қолганларида эса рассомга ачинишар, ундан кулишар, шундай қилишга ҳақли булар.

Михайловга меҳмонларнинг сукут сақлагани (гарчи бир дақиқадан ортмаган бўлса ҳам) жуда оғир ботди. Сукутни бузиш ва ўзининг ҳаяжонда эмаслигини кўрсатиш учун ўзини зўрлаб Голенищчевга мурожаат қилди. У Анна билан Вронскийнинг юз ифодасидаги бирон нишонани кўздан қочирмаслик

учун гоҳ Аннага, гоҳ Вронскийга безовталик билан қараб туриб:

– Сиз билан кўришиш шарафига ноил бўлган эдик шекилли, – деди.

Голенишчев заррача ҳам юраги ачишмай расмдан кўзларини узди-да, рассомга қараб бемалол жавоб қилди:

– Бўлмаса-чи! Биз Россиникида кўришганмиз, эсингиздами, итальян қиз – янги Решель декламация ўқиган кечада учрашувдик.

Кейин, Михайлов картина тўғрисида фикр айтишни кутиб турганини сезиб, шундай деди:

– Картинангиз мен кўрганимдан бери жуда ҳам мукамаллашибди. Пилатнинг сурати ўшанда ҳам мени гоҳай ҳайратда қолдирган эди, ҳозир ҳам шундай. Бунга қараган одам меҳрибон, дилкаш, лекин қилаётган ишини билмаган ўтакетган амалдорни кўраётгандай бўлади. Лекин менинг назаримда...

Михайловнинг юзи бирдан ёришиб, кўзлари чарақлаб кетди. Бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин ҳаяжонининг зўридан ҳеч нима дея олмади, ўзини йўтал тутганга солди. Михайлов Голенишевнинг санъатни англаш қобилияти нечоғлик паст деб билмасин, амалдор сифатидаги Пилатнинг юз ифодаси тўғри эканлиги ҳақидаги ҳаққоний фикри нақадар аҳамиятсиз фикр бўлмасин, муҳим томонлар тўғрисида ориз очмай туриб, бу кичкина масала ҳақида одил фикр айтгани нечоғлик дилозор бўлиб кўринмасин, бу фикрдан Михайловнинг боши осмонга етгудай бўлди. Унинг ўзи ҳам Пилат сурати тўғрисида Голенишчев айтган фикрда эди. Бу фикр Михайловга маълум бўлган тўғри фикр бўлса-да, бошқа миллионларча фикрларнинг биттаси бўлса-да, Михайловнинг кўзида Голенишчев фикрининг қимматини асло туширмади. У Голенишчевни шу фикри учун яхши кўриб қолди. Натижада бояги рамгинлик

ҳолатидан чиқиб, бирданига хушчақчақ бўлиб қолди. Айни замонда картинаси мураккаб тирик ҳаёт каби кўз олдида жонланиб кетди. Михайлов Пилатни шундай тушунганлигини яна айтишга чоғланди; лекин лаблари итоатдан чиқиб титрай бошлади, у яна фикрини айтолмади. Вронский билан Анна ҳам паст овоз билан нима ҳақидадир гаплашиб туришарди; одатда картиналар кўргазмасида қисман рассомни хафа қилмаслик, қисман санъат тўғрисида гапира туриб оғиздан чиқиб кетадиган бемаъни гапларни овоз чиқариб гапирмаслик учун мана шу тахлитда гапиришади. Михайловга сурати уларда ҳам таассурот қолдиргандай кўринди. У Анна билан Вронский ёнига борди.

– Исонинг сиймоси жуда ҳам ажойиб! – деди Анна. У кўрган нарсалар ичида шу сиймо кўпроқ манзур бўлган эди; шу сабабли бу сиймони картинанинг маркази эканлигини, унинг мақталиши эса рассомни хурсанд қилганини пайқади. – Пилатга ачингани кўриниб турибди.

Бу ҳам рассомнинг суратида ва Исонинг сиймосида топилиши мумкин бўлган миллионларча тўғри фикрлардан бири эди. Анна Исонинг Пилатга ачинаётганини айтди. Исонинг сиймосида ачиниш ифодаси ҳам бўлиши керак, чунки унда муҳаббат, самовий сокинлик, ўлимга тайёрлик ифодалари бор, сўзларнинг беҳудалигини тушуниб туради. Албатта Пилатда амалдорлик, Исода эса ачиниш ифодалари бор, чунки бири моддий, иккинчиси эса руҳий ҳаётнинг тимсолидир. Михайловнинг миёсидан шулар ва шуларга ўхшаган жуда кўп бошқа фикрлар ўтди. Яна юзи шодликдан чарақлаб кетди.

– О, мана бу сиймо қандай яхши чизилган-а, қанча ҳаво бор, айлланиб ўтса бўлади, – деди Голенишчев, шу мулоҳазаси билан сиймонинг маъно ва мазмунини ёқтирмаганини кўрсатмоқчи бўлиб.

– Ҳа, жуда катта усталик билан чизилган! – деди Вронский. – Орқадаги одамлар қорасини қаранг, яққол кўриниб турибди-я! Ана техника, – деди кейин, Голенишевга қараб; шу билан иккови ўртасида ўтган гапда ўзи шу техникани эгаллашга журъат этганига шама қилгандай бўлди.

Голенишчев билан Анна ҳам тасдиқлашди:

– Ҳа, ҳа, жуда ажойиб!

Михайлов ҳаяжон ичида эди; шунга қарамай, техника тўғрисидаги гап юрагини тирнаб кетди. У, Вронскийга жаҳл билан бир қарагандан сўнг, бирдан қош-қовоғини солиб олди. Техника сўзини кўп эшитган бўлса ҳам, бунинг остидаги маънони асло тушунмас эди. Бу сўз тагидаги маънони мазмунга сира ҳам қарамасдан механик равишда расм солиш, чизиш қобилияти деб биларди. Гўё, ёмон нарсани яхши қилиб чизиш мумкиндек, техникани ички истеъдодга қарши қўйганларини кўп эшитган эди. Ҳозир ҳам шуни пайқади. У асар устига ўтирган гардни олиб ташлашда асарнинг ўзига зарар етказмаслик учун ҳам, гардни олиб ташлаш учун ҳам жуда кўп диққат ва эҳтиётлик талаб қилинишини биларди; бу ерда ҳеч қандай техника йўқ, расм чизиш санъати йўқ. Агар кичкина болага ёки ўзининг аёл ошпазига у кўрган нарсалар аён бўлганда эди, аёл ошпаз ҳам ўзи кўрган нарсасини тозалаб кўрсатган бўларди. Ҳолбуки энг тажрибали, энг уста санъаткор техник ҳам, чизадиган нарсасининг мазмуни ва унинг чегараси олдиндан аён бўлмаса, ёлғиз механик қобилият билан ҳеч бир нарсани чизолмас эди. Бундан ташқари, техника тўғрисида гапириладиган бўлса (буни Михайловнинг ўзи кўриб турибди), унинг техникасини мақтаб бўлмас эди. Чизаётган ё чизиб бўлган суратларининг ҳаммасида кўзга тиканакдек ботадиган хатолар борлигини кўрди; бу хатолар асар устидаги гард-гирдларни эҳтиётсиз-

лик билан ояш натижасида юзага келди; бу хатоларни энди бутун асарни бузмасдан тузатолмайди. Қарийб ҳамма сиймо ва юзларда суратга путур етказиб турган гард қолдиқларини кўриб турибди.

– Агар ижозат берсангиз, – деб сўз бошлади Голенишчев, – битта мулоҳаза бор эди...

– О, жуда хурсанд қиласиз, марҳамат, – деди Михайлов муғамбирлик билан кулимсираб.

– Мулоҳаза шундан иборатки, сизнинг суратингизда Исо худо қиёфасидаги одам эмас, одам қиёфасидаги худо бўлиб қолибди. Лекин, биламан, ўзингиз атайлаб шундай қилгансиз.

– Мен юрагимда бўлмаган Исони қаламга ололмасдим, – деди Михайлов тумтайиб.

– Ҳа, ундай бўлса, агар фикримни баён қилишга ижозат берсангиз... картинангиз шу қадар яхшики, менинг мулоҳазам ҳеч қандай путур етказмайди, чунки бу менинг шахсий мулоҳазаларим. Сизда бошқача. Асоснинг ўзи бошқача. Лекин Ивановни олиб кўрайлик. Менингча, агар Исо тарихий бир шахс даражасига келтириб қўйилган экан, у ҳолда Иванов бошқа тарихий мавзуни, янғисини, қўл урилмаганини танласа, яхшироқ бўларди.

– Борди-ю, санъат илҳомлантираётган мана шу улурвор мавзуни олса-чи?

– Ахтарса, бошқалари ҳам топилади. Лекин гап шундаки, санъат мунозара ва мулоҳазани ёқтирмайди. Ивановнинг картинасини кўрганимизда эса диндорларда ҳам, динсизларда ҳам: «Бу худоми ё худо эмасми?» деган савол туғилади, шу билан таассурот бирлигини барбод қилади.

– Нега? Менингча, илмли кишилар учун мунозарага ўрин қолмайди, – деди Михайлов.

Голенишчев бу фикрга қўшилмади, санъат учун керак бўлган таассурот бирлиги тўғрисидаги олдинги фикрини дастак қилиб олиб, Михайловни енгиб қўйди.

Михайлов ҳаяжонланарди-ю, лекин ўз фикрини ҳимоя қилиш учун сўз топиб беролмасди.

ХП

Анна билан Вронский, ўз ҳамроҳларининг маҳмадоналигидан афсусланиб, қачондан бери бир-бирларига қараб-қараб қўяр эдилар. Ахийри Вронский, студия эгасини ҳам кутмай, бошқа бир кичикроқ картина томонга ўтиб кетди.

Икковлари бир ориздан:

– Вой, қандай яхши, қандай ажойиб расм! – деб юборишди.

Михайлов: «Нима ёқиб қолди экан-а уларга?» деб ўйлади. Бундан уч йил олдин чизган бу расми эсида йўқ эди. Бу расм бир неча ой давомида кечаю кундуз уни машғул қилиб келган эди; Михайлов тугатган ҳамма суратларини эсидан чиқарганидек, бу расм туфайли тортган азобу уқубатларини ҳам, кўрган шоду хуррамликларини ҳам эсидан чиқарган эди. Бу расмга ҳатто қарагиси ҳам келмасди, уни сотиб олмоқчи бўлган инглизни кутиб тургани учунгина осиб қўйган эди.

– Бу шунчаки бир эски этюдлардан, – деди Михайлов.

Голенишчев ҳам картинанинг латофатига мафтун бўлиб қолган бўлса керак, у ҳам астойдил:

– Қандай яхши-я! – деб юборди.

Иккита ўғил бола самбиттол соясида қармоқ билан балиқ овларди. Бири, каттароғи, қармоқни энди ташлаган бўлса керак, бутун фикру зикри билан чантал орқасидан қармоқ пўкагини чиқаришга уриниб ётибди; иккинчиси, ёшроғи, кўкат устида оқиш сочлари пахмайиб кетган бошига қўлларини тираб, ўйчан мовий кўзларини сувга тикиб ётибди. Нимани ўйлаётган экан?

Бу суратидан меҳмонларнинг завқлангани Михайловнинг юрагидаги эски ҳаяжонини ҳаракатга келтириб юборди, лекин у ўтмишга доир бўлган бу хил беҳуда ҳислардан қўрқар, уларни ёмон кўрар эди, шунинг учун, гарчи бу мақтовлар уни суюнтирса ҳам, меҳмонлар эътиборини учинчи суратга тортмоқчи бўлди.

Лекин Вронский: «Картина сотилмайдими?» деб сўраб қолди. Михайловни меҳмонлар ҳаяжонга солиб қўйган бир пайтда пулдан офиз очилиши, унинг таъбини хира қилди. Шунинг учун қош-қовоғини солиб туриб:

– Сотгани қўйилган, – деди.

Меҳмонлар кетгандан сўнг, Михайлов Пилат билан Исо сурати рўпарасига ўтирди-да, картина тўғрисида айtilган, гарчи айtilмаган бўлса ҳам, меҳмонларнинг қўнғилларига келган гапларни хаёлида такрорлади. Қизиғи шуки, улар шу ерда эканларида ва Михайлов фикран уларнинг нуқтаи назарлари билан қараганда ўзи учун шу қадар катта аҳамият касб этган нарса ҳозир бирдан бутун маъносини йўқотиб қўйди. Суратга ўзининг бутун санъаткорлик диди ва назари билан қарай бошлади, энди картинасининг мукамаллигига, демак, қиммати баландлигига имони комил бўлди; картинасининг мукамаллигига қаноат ҳосил қилиши ниҳоятда зарур эди, чунки ана шундагина ҳамма манфаатларини четга суриб қўйиб, бамайлихотир ишлаши мумкин эди.

Исонинг ракурсадаги¹ оёқлари ҳар ҳолда яхши чиқмаган. Михайлов палитрани қўлига олиб, ишга тушиб кетди. Исонинг оёғини тузата туриб, орқадаги Иоаннинг суратига қараб-қараб кўярди; меҳмонлар шунга эътибор қилишмаган бўлса ҳам, Ми-

¹ Расмда узоқдан кўринган нарсанинг тегишан катталиқда берилиши.

хайлов унинг ҳар қандай камолатдан устун эканлигини биларди. Исонинг оёғини тўғрилаб бўлгандан сўнг Иоаннинг сурати билан машғул бўлмоқчи бўлди-ю, лекин ҳаддан ортиқ ҳовлиқиб тургани учун бу ишга ярамаганини сизди. Михайлов совуққонлик маҳалида ҳам, кўнгли юмшаб, ҳамма нуқсонларни ҳаддан зиёд кўриб турганда ҳам ишлай олмас эди. Бу совуққонлик ҳолати билан илҳом қайнаган ҳолат ўртасида бир порона бор эдики, шундагина ишлаш мумкин эди. Ҳозир эса ҳаяжони баланд. Картинасини ёпиб қўймоқчи бўлди-ю, лекин чойшабни ушлаганча тўхтаб қолди: Иоаннинг суратига шукуҳ билан жилмайиб, узоқ қараб турди. Кейин, ачингандек кўзини олдида, чойшабни туширди, ҳорғин, лекин бахтли бир ҳолда уйига чиқиб кетди.

Вронский, Анна, Голенишчев уйларига жуда вақтлари чоғ бўлиб, йўл бўйи гаплашиб қайтишди. Гап Михайловнинг ўзи ва картиналари тўғрисида борди. Ақл ва кўнгиладан тамомила мустақил бўлган, турма ва қарийб жисмоний қобилият деб тушунишган талант сўзи уларнинг орзидан тушмас эди, санъаткорни тўлғоққа солган нарсаларнинг ҳаммасини шу сўз билан ифода этишни истардилар, чунки ўзлари ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган, лекин гапиргилари келган нарсани шу сўз билан аташ эҳтиёжини сезар эдилар. Михайловнинг таланти йўқ деб айтиб бўлмайди, лекин таланти илмининг камлиги орқасида равнақ топа олмайди, чунки илмсизлик бизнинг рус рассомларимизга хос умумий бахтсизликдир, дейишарди. Шундай бўлса ҳам ўғил болалар сурати эс-ҳушларини олиб қўйган эди, шунинг учун икки гапнинг бирида:

– Қандай ажойиб сурат-а! Қандай қилиб бунга муяссар бўлдикин, яна бирам содда! Суратнинг нечоғлик яхшилигини ўзи ҳам билмайди. Ҳа, қўлдан чиқариб юбормаслик керак, сотиб олиш керак, – деярдди Вронский.

ХП

Михайлов кичкина суратни Вронскийга сотиб, Аннанинг портретини ҳам чизиб беришга рози бўлди. Тайинланган кунда келиб, ишни бошлаб юборди.

Беш кундан кейин портрет Аннага жуда ўхшаб қолганлиги учунгина эмас, балки ниҳоятда чиройли чиққани учун ҳаммани, айниқса, Вронскийни ҳайрон қолдирди. Михайлов Аннанинг ўзигагина хос гўзаллигини қандай пайқади экан? Мана шуниси қизиқ эди. Вронский Аннанинг кўнглини ойнадагидай кўрсатиб турган ана шу дилбар тасвирий иборани гарчи шу портретдан билиб олган бўлса ҳам, «кўнглини акс эттириб турган бу дилбар тасвирий иборани пайқаш учун Аннани менчалик билиш, менчалик севиш керак эди», деб ўйларди. Лекин бу тасвирий ибора шу қадар ҳақиқий, тўғри эдики, Вронскийнинг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам у қачонлардан бери маълумдек кўринарди.

– Мен қанча вақтлардан бери унайман-у, ҳеч звини қилолмайман, – деди Вронский ўзи чизган портрет тўғрисида, – у киши эса бир кўрди-ю, чизиб ташлади. Мана шу-да техниканинг фазилати.

Голенишчев:

– Сен ҳам эришасан, – деб тасалли берди; Голенишчевнинг фикрича, Вронскийда талант ҳам бор эди, санъатнинг қадрига етиш учун имкон берадиган илм-маърифат ҳам бор эди. Вронскийнинг таланти борлигига Голенишчевни ишонтирган яна битта важҳ ҳам бор эди: у ўз мақолалари ва фикрларининг Вронский томонидан мақталишига, хайрихоҳлик билдиришига муҳтож эди. чунки у мақтовлар ҳам, қўллаб-қувватлашлар ҳам икки томондан бўлиши керак деб биларди.

Михайлов бировнинг уйида, айниқса, Вронскийнинг палатосида ўзини студиясидагидан бутунлай

бошқача тутар эди. У, ўзи ҳурмат қилмаган кишилар билан қалинлашишдан кўрқаетгандек, юзакки эҳтиром билан кифояланарди-ю, ўзини тортиб юрарди. У Вронскийга граф жаноблари деб мурожаат қиларди; Анна билан Вронскийнинг неча марта таклиф этганига қарамай, овқат қилгани қолмас ва портрет чизишдан бошқа мақсадда келмас эди. Анна унга ҳаммадан ҳам кўпроқ меҳрибонлик кўрсатди, у портрети учун миннатдор эди. Вронский, ўзи солган сурат тўғрисида рассомнинг фикрини эшитишга қизиқиб юрган бўлса керак, Михайловга ҳаддан зиёд ҳурмат ва эҳтиром кўрсатарди. Голенишчев эса Михайловга санъат тўғрисидаги чинакам тушунчаларини талқин қилиш пайтини қўлдан бермас эди. Лекин Михайлов ҳаммасига бепарво эди. Анна унинг кўзларида ўзига қараб тўймаганлигини сезиб турса ҳамки, Михайлов у билан гаплашишдан ўзини тортарди. Вронский унинг рассомлик санъати тўғрисида гап очганда ҳам Михайлов чурқ этмади, шунингдек, Вронскийнинг суратини кўрсатишганда ҳам чурқ этмади. Голенишчевнинг гаплари офир ботаётганлиги кўриниб турса ҳам, унга эътироз қилмасди.

Улар Михайловни яқинроқ билишгандан кейин, у ўзининг тортиниши, душманликка ўхшаган ёқимсиз муомаласи билан умуман ёқмай қолди. Иш тамом бўлиб, қўлларида ажойиб портрет қолгандан сўнг унинг оёғи кесилганига Вронскийлар ниҳоятда хурсанд бўлишди.

Голенишчев, Михайлов Вронскийга ҳасадланарди, деб ҳамманинг кўнглида бор гални айтди.

- Ҳасадланмайди деб фараз этайлик, чунки унинг таланти бор: лекин сарой аҳлига мансуб бўлган бадавлат бир киши, бунинг устига яна граф ҳам (ахир улар бунақа одамлардан нафратланишадди), у бутун умрини тикиб қилган нарчасидан ях-

широқ нарсани унга заҳмат чекмай қилганига жаҳли чиқади. Ҳаммасидан ҳам илму маърифати алам қилади, чунки шундай нарсалар йўқ ўзида.

Вронский Михайловни ҳимоя қилса ҳам, лекин қалбининг чуқур бир ерида бунга ишонарди, нимагаки, унинг тушунчасича, бошқа дунё кишиси, паст табақа кишиси ҳисобланиши керак.

Михайлов ҳам, Вронский ҳам бир натурадан чизган расм – Аннанинг портрети Вронскийга ўзи билан Михайлов ўртасидаги фарқни кўрсатиши керак эди; лекин Вронский бу фарқни кўрмади. У фақат Михайловдан кейин Аннанинг портретини, энди кераксиз, деб чизмай қўйди. Ўрта аср мавзусидаги суратини эса давом эттирди. Ўзи ҳам, Голенишчев ҳам, айниқса Анна ҳам бу суратни жуда яхши солинапти деб ҳисоблашарди, чунки у машҳур картиналарга Михайлов чизган суратлардан кўпроқ ўхшарди.

Михайлов бўлса, Аннанинг портрети ўзини ҳам маҳлиё қилиб қўйганига қарамай, иш тамом бўлганда улардан ҳам кўпроқ қувонди, чунки энди Голенишчевнинг санъат тўғрисидаги сафсаталарини ортиқ эшитмайди, Вронскийнинг рассомлигини ҳам эрдан чиқариш мумкин бўлади. У Вронскийнинг рассомлик санъати билан ўйнашишини тақиқ қилиб бўлмаслигини биларди; Вронскийнинг ҳам, ҳамма дилетантларнинг ҳам хоҳлаган расмларини солишлари мумкинлигини билар, лекин бу нарса таъбини хира қиларди. Бировнинг ўзига мумдан каттакош қўғирчоқ қилиб олишини, кейин уни ўпишини тақиқлаб бўлмайди. Агар шу қўғирчоғи билан ошиқ маъшуқ олдига келса-ю, ошиқ ўз маъшуқасини эркалагани сингари, у ҳам қўғирчоғини эркалай бошласа, ошиқнинг албатта таъби хира бўлади. Вронскийнинг расмларини кўрганда, Михайловда ҳам ана шундай таъбни хира қиладиган ҳис пайдо

бўлди; унга бу ҳам кулгили, ҳам аламли, ҳам ачинарли, ҳам ҳақоратли кўринди.

Вронскийнинг рассомлик санъатига ва ўрта аср ҳаётига мароқи узоққа бормади. Рассомлик диди шу қадар эдики, сола бошлаган суратини охирига ҳам етказмади. Сурат ўлда-жўлда қолиб кетди. Вронский, агар сурат устидаги ишни давом эттирса, дастлабки пайтларда унча сезилмаган камчиликларнинг яққол кўзга ташланишини сал-пал сеза бошлади. У ҳам Голенишчевнинг аҳволига тушиб қолди. Голенишчев: «Ҳали фикрим етилганича йўқ, ҳозирча ўйлаб, материал тўплаб юрибман, шунинг учун айтадиган гапим йўқ», деб ўзини ҳар доим алдаб келарди. Лекин бу нарса Голенишчевни ғазабга келтирар, қийнарди. Вронский бўлса ўзини алдамас эди ҳам, қийнамас эди ҳам, айниқса, ўзига ғазабланмасди. Характеридаги ўзига хос қатъият билан бу масалани изоҳлаб ҳам ўтирмади, ўзини оқламади ҳам, расмкашликни бас қилди-қўйди.

Лекин ўзининг ҳам, расмкашликдан ҳафсала-си пир бўлгани учун ажабланган Аннанинг ҳам итальян шаҳридаги ҳаёти бу машғулотсиз шу қадар диққинафас, палаццо ҳам бирданига шу қадар эски ва ифлос; дераза ва эшик пардаларидаги доғлар, поллардаги ёриқлар, шувори кўчган пирамоналар ҳам шу қадар хунук кўриниб кетдики, Голенишчевни, итальян профессорини, саёҳатчи немисни ҳадеб кўраверишдан юраклари шу қадар қон бўлиб кетдики, турмушни ўзгартирмасдан иложи бўлмай қолди. Улар Россияга, қишлоққа қайтишга жазм қилдилар. Вронский Петербургда акаси билан ўртадаги меросни бўлиб олиш, Анна эса ўғлини кўриш ниятида эди. Ёзни эса Вронскийнинг отасидан қолган каттақон мулкида ўтказишга қарор қилдилар.

Левиннинг уйланганига уч ой бўлиб қолди. У ўзини бахтиёр сезса ҳам, лекин кутганича эмас эди. Ҳар қадамида эски орзуларининг пучга чиққанини ва янги, кутилмаган бахтга дуч келганини кўрарди. Левин бахтли эди, лекин уйлангандан кейин бу оила ҳаётининг илгари ҳаёл қилган нарсалардан бутунлай бошқача эканлигини ҳар қадамда кўра бошлади. Қайиқчанинг кўлда силиқ, осойишта сузиб боришини кўрганда ҳаваси келган киши ўзи шу қайиқчага тушганда нималарни ҳис қилса, Левин ҳам ҳар қадамда ўзини шундай ҳис қиларди. Қайиқдаги одам қайиқни лаланглатмай тўрри ўтириши, шу билан бирга, қаёққа қараб сузиш кераклигини, остида сув борлигини бир нафас ҳам унутмасдан ақлини ишлатиши, эшкак отиши кераклигини, ўрганмаган кўл эшкак отса оғришини, қайиқни фақат томоша қилиш осону, унга тушиб юриш ҳар қанча баҳрни очса ҳам, лекин қийинлигини билиши керак.

Бўйдоқлик маҳалда бошқа эру хотинларнинг туриш-турмушларини, арзимаган ташвишларини, жанжалларини, рашкларини кўрганда, ишда нафратланиб кулиб кўярди. Унинг қаноатича келажак оилавий ҳаётида бундай нарсалар бўлмаслиги ва шу билан бирга сиртдан қараганда ҳам, унинг фикрича, бошқаларнинг ҳаётига бутунлай ўхшамаслиги керак эди. Энди қараса, ўзи билан хотинининг ҳаёти сира ҳам бошқа тарзда эмас, аксинча, илгари ўзи нафратланиб келган, ҳозир эса унинг майлига ҳам қарамай, рад қилиб бўлмайдиган райриоддий бир аҳамият ола бошлаган майда, бачкана ташвишлардан иборат бўлиб қолибди. Энди Левин бу икир-чикир ташвишларни бартараф қилиш, илгари ўзига туюлгандек, унча осон нарса эмаслигини ҳам кўриб турарди. Левин оилавий ҳаёт масаласида

Ўзини тўла тушунчага эга одам деб юрарди, лекин бу тушунчасига қарамай, у ҳам, ҳамма эркаклар сингари, оилавий ҳаётга ишқ гаштини суриш манбаи дебгина қарар, ишққа эса ҳеч нима ров бўлмаслиги, майда-чуйда ташвишлар халал бермаслиги керак, деб биларди. Левиннинг фаҳмича, у ўз ишини қилиши ва бу ишдан кейин дам олиш учун ишқ гаштини суриши керак эди. Хотини эса фақат ёри, севгилисигина бўлиб қолиши керак. Аммо Левин ҳам ҳамма эркаклар сингари, хотинининг ҳам ишлаши кераклигини эсдан чиқарган эди. Шунинг учун бу шоирона хилқат, гўзал Кити оилавий ҳаётнинг биринчи ҳафтасида эмас, биринчи кунларидаёқ дастурхонлар, мебеллар, меҳмонларга солинадиган кўрпа-тўшақлар, патнуслар; ошпаз, овқат ва ҳоказоларни эсдан чиқармай, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиб, булар устида бош қотира бошлаганига Левин ҳайрон бўларди. Унашиб қўйган пайтидаёқ Кити чет эл саёҳатини узил-кесил рад этганига ва, зарур нарса борлигини билгандек, қишлоққа кетишга қарор қилинганига, ишқ-муҳаббатидан ташқари нарсаларни ҳам ўйлашга қодир эканлигига Левин ҳайрон қолган эди. Бу нарса ўшанда Левинга ҳақорат бўлиб кўринган эди, энди, кейинги пайтларда ҳам Китининг баъзи икир-чикирлар тўғрисида бир неча бор ташвишланиб юрганини кўрди – бу ҳам уни хафа қилди. Аммо бу нарсалар Кити учун зарурлигини биларди. Левин бу ташвишларнинг нимага керагини билмаса ҳам, гарчи булардан кулса ҳам, Китини яхши кўргани учун, уларга ҳавас билан қарарди. Левин Москвадан олиб келинган мебелларни жойлаганига, ўзининг ва эрининг хоналарини янгича безатганига, дераза ва эшик пардаларини остиганига, меҳмонлар учун, Доли учун хоналар ажратганига, янги хизматкор қизига уй тўғрилаб берганига, қари ошпазга овқат буюрганига, Агафья Михайловнани

озиқ-овқат масалаларидан четлатиб, у билан гап талашганига кулар эди. У Китининг қақажонлик билан берган ўринсиз буйруқларига қари ошпазнинг завқи келиб жилмайганини ҳам кўрар; Агафья Михайловна ёш бегойимнинг қазноқдаги янги топшириқларига кулиб, ўйчанлик билан бош чайқаганини кўрар; Кити унинг олдига кириб, хизматкор Маша ҳалигача уни ойимқиз деб ҳисоблаганини, натижада ҳеч ким гапига қулоқ солмаганини гоҳ кулиб, гоҳ йирғлаб туриб арз қилганда, Кити яна ҳам ширин кўринарди. Бу қилиқлари Левинга ширин кўринса ҳам, лекин валати таассурот қолдирарди, шу сабабли, бундай қилмагани маъқул эди, деб ўйларди.

Кити уйда эканлигида баъзан карам билан квасни ёки конфетни хоҳлаб қоларди, лекин бу нарсаларни топишнинг иложи бўлмасди, энди эса хоҳлаганини буюра олади. Тоғ-тоғ конфет сотиб ола билади, хоҳлаганича пул тутиб, хоҳлаган пирожноени буюртира олади; Левин бу ўзгаришнинг таъсирини билмас эди.

Кити Доллининг болалари билан келишини орзу қилиб, қувонганидан терисига сирмас эди, шунинг учунки, жиянларининг ҳар бирига ўзлари хоҳлаган пирожное буюртирар, Долли эса сингисининг янги ҳаётига тан берарди. Китини рўзгор ишлари кун сайин ўзига тортиб, қизиқтириб борар, ўзи эса бунинг сабабини билмас эди. У, баҳорнинг яқинлашиб келаётганини савқи табиий бир ҳис билан сезгани ва ёнгарчилик бўлишини билгани учун, ўз билгисича инини қурар, айти замонда, ин қуришга ўрганиш учун шошилар эди.

Китининг майда-чуйда нарсалар тўғрисида бундай ташвишланиб юриши Левиннинг дастлабки бахтли кунларидаги юксак идеалга тамоман тескари эди, уни пушаймон қилган нарсалардан бири шу бўлди; Левин бу ташвишлар маъносини тушунмас, ле-

кин булар завқини келтирарди, шунинг учун ҳам уни мафтун қилган янги нарсалардан бири шу бўлди.

Уни ҳам пушаймон, ҳам мафтун қилган иккинчи нарса – жанжал эди. Левин ўзи билан хотини ўртасида ҳурмат, меҳр ва муҳаббатдан бўлак муносабатлар бўлишини ҳеч маҳал кўз олдига келтирмаган эди, лекин дастлабки кунларидаёқ бирдан жанжаллашиб қолишди; шунда Кити: «Фақат ўзингни яхши кўрасан, мени яхши кўрмайсан!» деди-ю, қўллари-ни силтаб, йиғлаб юборди.

Биринчи жанжалга сабаб шу бўлдики, Левин янги хуторга бориб, ярим соатча кўпроқ туриб қолди, нимагаки яқин йўл билан келаман деб адашиб қолди. Левин уйга фақат Китини, унинг севгисини, ўзининг бахтини ўйлаб келар, яқинлашган сайин Китига бўлган меҳри-муҳаббати ошиб борарди. Левин Китининг ўзига тегишини сўраш учун Шчербацкийларникига қандай ҳис билан келган бўлса, хутордан кела солиб уйга шундай, балки ундан ҳам кучлироқ бир ҳис билан отилиб кирди. Кити уни юзида ҳеч маҳал кўрилмаган бир тумтайиш билан кутиб олди. Левин ўпмоқчи бўлган эди, Кити итариб юборди.

– Нима бўлди?

– Вақтингни хуш қилиб юрибсан... – деб сўз бошлади Кити, ўзини зардаси қайнаган, босиқ одам қилиб кўрсатишга тиришиб.

Кити дераза тоқчасида қимир этмай ўтирган шу ярим соат мобайнида бемаъни рашиқ ўтида куйиб-ёнган эди; у орзини очар-очмас аччиқ-аччиқ сўзлар бирин-кетин орзидан отилиб чиқа бошлади. Левин черковда никоҳ ўқилгандан сўнг уни бошлаб чиққанда тушунмаган нарсаларини ана шундагина равшан тушунди. Левин унинг ўзига яқинлигини тушуниб олди, айни замонда Кити билан ўзининг бир жону бир тан бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмаслигини пайқади, у бу нарсани шу

дам ҳис қилиб турган ва ўзини азоблаётган икки-ланиш туйғуси орқалигина тушунди. Олдин нафси оғриди, лекин Кити билан ўзининг бир жон, бир тан эканлигини ўйлагандан кейин, нафси оғриши мумкин эмаслигини ўша дамдаёқ тушунди. Орқа томонидан иттифоқо қаттиқ зарба еган киши айбдорни топиш ва ундан қасос олиш учун ғазаб билан кетига ўтирилиб қарайди; у ўзини ўзи беҳосдан уриб олганини, бировга жаҳл қилишнинг ўрни йўқлигини пайқайди: энди оғриққа бардош бериш кераклигини билганда, кишининг кўнглайда қандай ҳис уйғонса, Левинда ҳам дастлаб шундай ҳис уйғонди.

Левин бу нарсани кейинча ҳеч маҳал шу қадар кучли ҳис қилмаган бўлса ҳам, бу биринчи зарбадан кейин ўзини узоқ вақтгача ўнглай олмай юрди. Табиий ҳис ундан оқланишни, хотинининг ноҳақ эканини исбот қилишни талаб этарди; лекин ноҳақлигини исбот қилиш – унинг яна ҳам жигига тегиш ва бу дарду аламларнинг сабабчиси бўлган жанжални яна ҳам кучайтириш деган сўз бўларди. Одат бўлиб қолган бир ҳис: айбни ўз бўйнингдан соқит қилиб, унга юкла деярди: иккинчи, яъни унисидан кучлироқ ҳис: оранинг бузилишига йўл қўйма, бу ғиди-бидини тезроқ, иложи борича тезроқ бартараф қил, дерди. Бундай ноҳақ айб билан қора бўлиб қолиш ҳам одамни қийнардди, лекин ўзини оқлайман деб бировнинг кўнглини оғритиш яна беш баттар ёмон эди. Уйқуда бир ери оғриётган киши сингари, Левин оғриб, азоб бериб турган жойини узиб, кесиб ташламоқчи бўлди, лекин ҳушига келди-ю, оғриб, азоб бериб турган нарса ўз тани эканлигини кўрди. Энди оғриб, азоб бериб турган жойига малҳам босиш керак, холос; у ҳам шундай қилишга тириша бошлади.

Левин хотини билан ярашиб олди. Кити ўзининг айбига иқрор бўлса ҳам, лекин айтмади, эрига меҳри яна ортди. Энди улар севгининг янги, яна

ҳам кучли гаштини сура бошладилар. Лекин бу на-
са кутилмаган ва арзимаган сабаблар билан ора-си-
ра жанжал чиқиб туришига халақит бермас эди.
Бир-бири учун ниманинг муҳимлигини ҳали-бери
билмаганликлари ва дастлабки пайтларда икковла-
рининг ҳам кайфлари жойида бўлмагани сабаб ора-
ларида тез-тез жанжал чиқиб турарди. Бирининг
кайфи яхши, иккинчисининг кайфи ёмон бўлган-
да ҳеч қанақа жанжал чиқмасди, лекин икковла-
рининг ҳам кайфи бузилиб турганда ҳеч ақлга сир-
майдитган шундай арзимас сабаблар туфайли жан-
жаллашиб қолишардики, кейин нима тўғрида жан-
жаллашганларини эслаб топа олмас эдилар. Тўғри,
икковларининг ҳам кайфлари чоғлигида ҳаёт жуда
лаззатли эди. Шундай бўлса ҳам, бу дастлабки давр-
лар иккови учун ҳам оғир, қийин давр бўлди.

Мана шу дастлабки кунларда, уларни бир-бири-
га боғлаб турган занжирни гоҳ униса, гоҳ буниса
силтаб тортқилаётгандек, оралари бузилиб турар-
ди. Умуман, Левин одамларнинг гапига ишониб
маза ойдан, яъни тўйдан кейинги биринчи ойдан
кўп нарсаси кутган эди, лекин у икковининг ҳам хо-
тирасида ҳаётларининг энг оғир, энг ҳақир даври
бўлиб қолди. Кайфлари бузилмайдиган, ўзларини
тута билган вақтлари камдан-кам бўлган ўша хунук
даврининг ярамас, уятли изларини иккови ҳам ҳаёт-
ларининг сўнгги даврларида хотираларидан ситиб
чиқаришга ҳаракат қилишди.

Тўйларидан уч ой ўтгандан ва Москвада бир ой
туришиб қайтгандан кейингина ҳаётлари бир меъ-
ёрга тушиб кетди.

XV

Улар Москвадан ҳозиргина қайтиб келишди-ю,
ўзлари холи қолганликлари учун қувонишди. Левин
кабинетидаги ёзув столида ўтириб ёзарди. Кити эса

Левиннинг бобоси ва отасининг кабинетиди ҳамма вақт сақланиб келган қадимий чарм диванда ўтириб, droqie angdaise¹ тикарди; Китининг эғнида эрга теккан кунларида кийган, Левин учун азиз ва ёдгор бўлган тўқ зангори кўйлак бор эди. Левин Китининг шу ердалигини юрагида бир қувонч билан сезиб, ўйланиб ёзарди. Янги хўжалик асослари баён қилиниши керак бўлган китоби билан хўжалик соҳасидаги машғулоти ташлаб қўймаган эди; лекин илгарилари бу машғулот ва фикрлари ҳаётини қоплаб олган зулматга нисбатан қанчалик майда, арзимаган нарса бўлиб кўринганидек, ҳозир ёрқин ёғдуга чўмган келажак ҳаёт бахтига нисбатан ҳам ўшандай майда арзимас иш бўлиб кўринарди. У машғулоти давом эттираётган бўлса ҳамки, ҳозир диққатининг маркази бошқа томонга ўтганлигини, натижада ишга бутунлай бошқача, равшан қарай бошлаганини сезиб турарди. Бурунлари бу иш унинг учун ҳаётдан қутулиш василаси эди. Илгарилари бу ишсиз ҳаёти зимистонга айланишини сезиб юрарди. Ҳозир эса бу машғулот унга равнақ ҳаёти бир тарзда бўлмаслиги учун зарур эди. Левин қоғозларини қўлига олиб, ёзган нарсаларини ўқиб чиққандан сўнг, ишни давом эттирилса арзийди, деган қаноатга келди. Бу – янги, фойдали иш эди. Илгарини фикрларининг анчаси ортиқча ва қалтис кўринди, шу билан бирга, аниқланмаган кўпгина жойлари бу ишни ҳаёлидан яна бир бор ўтказиб чиққандан кейин равшан бўлиб қолди. Ҳозир Россиядаги зироатчиликда кўрилаётган зарарларнинг сабаблари ҳақида янги боб ёзаётган эди. Левин Россиядаги қашшоқлик ер-мулкнинг нотўғри тақсимланиши ва тутилган йўлнинг хатолиги орқасидагина келиб чиқаётгани йўқ, бунга кейинги вақтларда Россияга райритабий равишда киритилаётган ташқи ма-

¹ инглиз каштаси (франц.).

даният, айниқса, алоқа йўллари, темир йўллар ҳам сабаб бўляпти, деб исботларди! Левиннинг даъвосича, алоқа йўллари, яъни темир йўллар шаҳарларда марказланиш, зебу зийнатга берилиш ҳолларини туғдирар, натижада зироатчиликка путур етказиб, фабрика саноатини, кредит ва унинг ҳамроҳи бўлиш биржа найрангларини ривожлантирарди. Унинг фикрича, давлат бойлиги нормал ҳолатда тараққий этганда, зироатга кўпроқ куч тўкилганда, зироатчилик тўғри йўлга, лоақал муайян шароитга тушгандагина бу ҳоллар содир бўларди: Левиннинг фикрича, мамлакат бойлиги бир меъёрда ўсиши, айниқса, бойликнинг бошқа тармоқлари зироатчиликдан ўтиб кетмаслиги, алоқа йўллари ҳам зироатчиликнинг маълум босқичига мувофиқ бўлиши керак; биз ҳозир ердан нотўғри фойдаланиб турган бир пайтимизда, – деб ёзарди Левин, – иқтисодий зарурат орқасида эмас, сиёсий зарурат орқасида қурилган темир йўллар вақтида илгари ўтказилган бўлиб чиқди, чунки улар зироатга кутилган ёрдамни кўрсатмадилар, саноат билан кредитни ривожлантирдилар ва деҳқончиликнинг ўсишини тўхтатиб қўйдилар; шундай бўлдики, жониворнинг бир азоси бир томонлама ва бемаврид ўсиб кетиб, унинг умумий тараққиётига зарар етказганидек, Европа учун, замонаси келган ва зарур бўлган алоқа йўллари, фабрика фаолиятининг кучайтирилиши ҳам Россиядаги умумий тараққиётга зарар етказди; булар, зироатчиликни йўлга солиб юбориш бобида навбатда турган энг муҳим масалаларни бир четга суриб қўйиб, бизга фақат зараргина етказди. Левин ўз фикрларини ёзиш билан банд бўлганида, Кити Москвадан жўнаш арафасида ўзига жуда ноҳўя модабозлик қилган ёш князь Чарскийга эрининг бошқача қараганини ўйлаб ўтирар эди. «Рашк қилади, – деб ўйларди Кити. – Тавба, ўзи бирам дил-

бару, лекин эси йўқ. Мени рашк қилади! Кошки эди унақаларнинг мен учун ошпаз Петрдан ортиқ ери йўқлигини билса, – деб ўйларди Кити эрининг гарданига ва қизил бўйнига худди ўз мулкидек ғалати бир ҳис билан қараб. – Ишдан қолдиришга юрагим ачиса ҳам, майли (улгуради!), юзини бир кўрмасам бўлмайди: орқасидан қараб турганимни сезарми-кан? Қайрилиб қарасин... қарасин, ҳа!» – Шундан кейин, кўзларининг таъсирини кучайтириш учун, кўзларини катта очиб турди.

Левин қаламни қўйди-да:

– Ҳа, улар меҳнатнинг бор-йўқ сувини сиқиб ичишиб, туппинигина беришади, – деб тўнғиллади-ю. Китининг қулимсираб қараб турганини сезиб, орқасига ўтирилди. Кейин ўрнидан тураётди:

– Нима гап? – деб жилмайиб сўради.

«Қаради», деб ўйлади Кити.

Кити ишдан қўйгани учун хафа бўлганми-йўқлигини билиш учун унинг юзига тикилиб туриб:

– Ҳеч, сени қарармикансан дедим, – деди.

Левин унинг ёнига келди-ю, қувончини ичига сиғдиролмай қулиб:

– Икковимизнинг холи турганимиз қандай яхши-я! Яъни, менинг, – деди.

– Менга ҳам шундай! Ҳеч ёққа бормайман, айниқса, Москвага.

– Нималарни ўйладинг?

– Менми? Мен, ҳалиги... йўқ, йўқ, бор, ёзувинги ёз, кўнглинг бўлинмасин, – деди Кити лабларини жийриб, – мен ҳам манавини қирқиб илма-тешикчалар қилишим керак, кўряпсанми?

Кити қайчини олиб, қирқа бошлади.

Левин унинг ёнига ўтирди-да, кичкина қайчининг доира шаклидаги ҳаракатига қараб туриб:

– Йўқ, нимани ўйладинг? Айт, – деди.

– Оббо, нимани ўйлардим? Москвани ўйладим, гарданингни ўйладим.

Левин Китининг қўлини ўпиб:

– Менга бу бахт қаердан келди-я! Ўзим ҳам ҳайронман, бирам яхши, бирам яхшики, – деди.

– Менга, аксинча, қанча яхши бўлсаям, мен ҳайрон бўлмайман.

Левин унинг бошчасини авайлаб айлантирди-да:

– Кокилинг бор экан-ку, – деди, – ҳа, кокилинг. Кўрдингми, мана бу ерда. Йўқ, йўқ, иш қиялпмиз.

Машғулот тўхтаган эди; Кузьма чой тайёр бўлганини айтгани кирганда, улар худди айбдорлардек, сагчиб тушиб, ўзларини ҳар ёққа уришди.

– Шаҳардагилар келишдими? – деб сўради Левин Кузьмадан.

– Ҳозиргина келишди, ажратишяпти.

Кити кабинетдан чиқиб кетаётиб:

– Тезроқ чиқ, – деди Левинга, – бўлмаса хатларни сенсиз ўқиб қўяман. Юр, икковимиз бирга ўтириб рояль чадишамиз.

Левин ёлғиз қолгандан кейин дафтарларини Кити сотиб олган янги портфелга солди-да, қўлини Кити келгандан кейин пайдо бўлган янги, ажойиб умивальникда ювди. Левин миясига келган фикрлардан кулар, уларни ёқтирмагандай бош чайқар эди; уни пушаймонга ўхшаган бир ҳис қийнар эди. Ҳозирги ҳаётида ўзини хижолат қиладиган, бўшаштирадиган, Левиннинг ўз таъбирича, одамгарчиликдан чиқарадиган бир нарсаси бор эди. «Бундай яшаб бўлмайди, – деб ўйларди у. – Уйланганимга ҳадемай уч ой тўлади, мен бўлсам ҳеч нима қилганим йўқ. Бугун иштаҳа билан ишта ўтирган эдим, нима бўлди? Бошладиму ташладим. Ҳатто одатдаги ишларимни ҳам ташлаб қўйдим. Хўжалик ишларини ҳам ўйламайман, дала-даштга чиқмайман. Ҳайронман, уни ташлаб кетишга кўзим қиймайдими ё

зерикиб қолади деб ўйлайманми? Мен бўлсам, уйланмасдан олдин ўтадиган турмуш шунчаки гап, ўз йўлида ўтиб кетаверади, ҳақиқий турмуш уйланганингдан кейин бошланади, деб юрибман. Умримни бефойда, бекорчилик билан ўтказаятганимга ҳадемай уч ой бўлади, ҳолбуки умримни ҳеч бундай ўтказмаган эдим. Йўқ, бундай қилиб бўлмайди, иш бошлаш керак. Албатта, хотиним айбдор эмас. Ундан ўпкалашга ўрин йўқ. Ўзим қаттиқроқ туришим, мустақиллигимни ҳимоя қилишим керак эди. Бу аҳволда ўзим ҳам шу йўлга кириб кетишим, уни ҳам ўргатиб қўйишим мумкин... албатта, хотиним айбдор эмас», деярдди Левин ўзига.

Норози одамнинг бошқаларга ўпка қилмаслиги қийин, энг яқин кишисига ҳам норозилигини айтолмасдан тутолмайди. Шунинг учун ҳам Левиннинг миясига Китининг ўзи айбдор эмас (у ҳеч масалада айбдор бўлиши мумкин эмас эди), ҳамма бало ҳаддан ташқари юзаки, эркин тарбия олганида («қилғилиқни ўша аҳмоқ Чарский қилди, билман, Кити уни тўхтатмоқчи бўлди-ю, лекин эвини қилолмади»), деган уй келди. «Ҳа, унга кўнгли қўйишдан (Кити шунақа экан), зеб-пардозни ўйлашдан, broderie angbaisedан бошқа қизиқадиган жиддийроқ нарсаси йўқ. На менинг ишимга қизиқадди, на хўжаликка, на мужикларга, на ўзи яхши билган мусиқага ва на китоб ўқишга. Ҳеч нима қилмайди, кўнгли тўқ бўлиб юраверади». Левин Китини кўнгилида шундай деб қораласа ҳам, лекин унинг яқин орада келадиган ишлар даврига, яъни айни бир вақтда эрининг хотини, уйнинг бекаси бўлиш, болаларини кўтариш, боқиш ва тарбия қилиш даврига тайёрланаётганлигини ҳали англамас эди. Левин ўйламасдики, Кити бу нарсаларни табиий сезгиси билан қилар, бу оғир меҳнатга тайёрланиб юриб, дамларини беғамликда ва севги саодати ичида ўт-

казаётганлиги учун ўзидан хафа бўлмас, аксинча, шу беғам дақиқалардан фойдаланиб, севинч-қувонч билан ўзига уя қураб эди.

XVI

Левин юқорига чиққанда, хотини янги чой идишлари ёнидаги янги кумуш самовар қошида ўтириб, тез-тез хат-хабарлашиб турадиган Доллиннинг мактубини ўқиётган эди; Кити қари Агафья Михайловнани кичкина столча ёнига ўтқазиб, олдига бир чашка чой келтириб қўйган эди.

Агафья Михайловна Китига меҳр билан кулимсираб қўйиб:

– Кўрдингизми, ойимингиз мени қаерга ўтқазиб қўйдилар, – деди. – Бирга ўтиринг, дедилар.

Левин Агафья Михайловнанинг бу галидан кейинги кунларда Агафья Михайловна билан Кити орасида чиққан можаронинг тутаганини ўқди. Янги бека Агафья Михайловнадан бекалик ҳуқуқини олиб қўйган, шу билан унинг дилини оғритган эди; Левин, бунга қарамасдан, Китининг ҳар ҳолда кампирни енгганини ва унга яхши кўрина олганини пайқади.

Кити саводсизлик билан ёзилган бир хатни узатиб:

– Мана, сенинг хатингни ҳам ўқидим, – деди. – Ўша хотиндан келибди, акангдан шекилли ўқиганим йўқ. Мана булари бизникидан, Доллидан. Қара! Долли Гриша билан Таняни Сармацкийларникида бўлган болалар балига олиб борибди: Таня маркиза кийимида борибди.

Аmmo Левин унинг сўзларига қулоқ солмай, Николай акасининг илгариги ўйнаши Марья Николаевнадан келган хатни қизариб олди-ю, ўқий бошлади. Бу Марья Николаевнанинг иккинчи хати эди. Биринчи хатида Марья Николаевна: «Акангиз мени бекордан-бекорга ҳайдаб чиқардилар», деб ёзиб,

кишининг юрагини эзадиган бир соддадиллик билан ўзининг яна муҳтожликда эканини, шундай бўлса ҳам ҳеч нарса сўрамаслигини, хоҳламаслигини, лекин Николай Дмитриевичнинг соғлиғи ёмон бўлгани учун ўзининг ёрдамисиз бир нима бўлиб қолармикан деб қўрқаётганлигини илова қилгандан сўнг, Левиндан хабардор бўлиб туришни илтимос қилган эди. Ҳозирги хатида бошқа нарсаларни ёзган. Николай Дмитриевични Москвада учратиб, у билан топишибди, бир губерния шаҳарига кетишибди. Николай Дмитриевич ўша ерда хизматга кирган экан, лекин бошлиғи билан уришиб қолиб, Москвага қайтибди; йўлда қаттиқ бетоб бўлиб қолибди, энди ўзига келадими-йўқми, ҳайронман, деб ёзибди. «Сиз офизларидан тушганингиз йўқ, иннайкейин, пул ҳам тамом бўлди».

- Ўқиб кўр, Долли сен тўррингда ёзибди, - деб Кити кулимсираб сўз бошлаган эди, эрининг чехраси ўзгариб кетганлигини кўриб, бирдан тўхтаб қолди.

- Нима бўлди? Нима гап?

- Акам ўлим тўшагида ётган эмиш. Бормасам бўлмайди.

Китининг юзи бирдан ўзгариб кетди. Маркиза Тая, Долли ҳақидаги фикрлари бир зумда йўқ бўлди.

- Қачон борасан? - деб сўради Кити.

- Эртага.

- Мен ҳам бирга борсам майлими?

- Кити! Бу нимаси? - деди Левин, ўпка қилиб.

Кити таклифининг эрига малол келганидан, жаҳли чиққанидан нафси оғриб:

- Нима бўпти? - деди. - Борсам бир нима бўлиб қоладими? Сенга халал бермайман. Мен...

- Мен акам ўлаётгани учун бораман, - деди Левин, - сенга нима бор?..

- Менга нима бор? Сен нима иш билан кетаётган бўлсанг, мен ҳам ўша иш билан бораман.

«Менинг учун муҳим бўлган бир пайтда, ёлғиз зе-
рикиб қолишнигина ўйлайди», – деган фикр мияси-
дан ўтди-ю, бу муҳим ишга қатишиши Левиннинг
жаҳлини чиқарди.

– Иложи йўқ, – деди Левин кескин қилиб.

Агафья Михайловна иш жанжалга айланиб ке-
тишини сезиб, чашкани секин жойига қўйди-ю,
чиқиб кетди. Кити унинг чиқиб кетганини сезма-
ди ҳам. Эрининг сўнгги сўзларидаги оҳанг нафсини
оғритди, айниқса, ўзи айтган гапларга ишонмаган-
лиги иззат-нафсига тегди.

– Бўпти, сен борсанг, мен ҳам албатта сен билан
бораман, – деди Кити жаҳл билан бидирлаб. – Ни-
мага иложи бўлмас экан? Нега иложи йўқ дейсан?

– Негаки, қаёққа боришимни, қандай йўллар би-
лан боришимни, қайси мусофирхонадан топишим-
ни худо билади. Мени қийнаб қўясан, – деди Левин
оғир бўлишга тиришиб.

– Тирноқча ҳам. Менга ҳеч нарса керак эмас. Сен
қаерда бўсанг, мен ҳам ўша ерда бўла оламан...

– Гапнинг қисқаси, ўша хотинки бор, сен у билан
яқин бўлолмайсан, тўғри келмайди.

– У ерда ким бор, нима бор, бу билан менинг
ишим йўқ, билишни ҳам хоҳламайман. Менинг бил-
ганим, эримнинг акаси жон беряпти, эрим акаси-
нинг олдига кетяпти, мен ҳам эрим билан бирга бо-
раман, нимагаки...

– Кити! Жаҳлнинг чиқмасин. Ўзинг ўйлаб кўр ахир,
бу иш шунчалик нозикки, заифлик қилиб, ёлғиз қо-
лишни истамаганинг, шу икки ҳисси аралаштириб
қўйганинг одамга алам қилади. Майли, агар ёлғиз
зерикадиган бўсанг, Москвага бор.

– Мана шунақа, сен ҳамини мени нияти ёмон,
қўнгли қора, деб ўйлайсан, – деди Кити хўрлиги ва
разаби келганидан йирлаб. – Мен ҳеч нимани бил-
майман, на заифликни, на... Мен эримнинг бошига

кулфат тушганда ёнида бўлишни бурчим деб билман, сен бўлсанг жўрттага кўнглимни орритасан, жўрттага тушунмайсан...

– Йўқ, кўл-оёри боғлиқ бир кул бўлиш, ахир бу даҳшат! – деб қичқириб юборди Левин, кейин жаҳолатини босолмай ўрнидан туриб кетди. Лекин аynи замонда ўзини ўзи ураётганини сезиб қолди.

– Бўлмаса нимага уйландинг? Кўл-оёринг бўш бўлиб юардинг-ку! Бунчалик пушаймон еяётган бўлсанг, нимага уйландинг? – деди-ю Кити ўрнидан сапчиб туриб, меҳмонхонага чолиб чиқиб кетди.

Левин орқасидан етиб борса, Кити пиқ-пиқ йиғлаётган экан.

Левин уни қароридан қайтариш эмас, юпатиш учун керакли сўзларни топиб гапиришга ҳаракат қилди. Лекин Кити унинг сўзларига кулоқ ҳам солмас, ҳеч бир гапга кўнмас ҳам эди. Левин энгашиб, Китининг олиб қочаётган кўлини ушлади. Аввал кўлини, кейин сочларини, сўнгра яна кўлини ўпди – Кити шунда ҳам чурқ этмади. Ахийри икки кўли билан юзини ушлаб: «Кити!» деганда у бирдан хушига келиб, йиғлаб туриб ярашди.

Эртасига бирга жўнайдингиз бўлишди. Левин хотинининг фақат ёрдам қилиш мақсадидагина бирга бормоқчи бўлганига ишонганини айтиб, Китининг Марья Николаевна тўғрисидаги фикрига, яъни акаси билан бирга туришида одобга сирмайдиган ҳеч нарса йўқ, деган гапига кўшилди; шундай бўлса ҳам, кўнглида Китидан ҳам, ўзидан ҳам норози бўлиб борди. Китидан норози бўлганининг боиси шу эдики, зарур бўлган шундай бир пайтда уни ёлғиз юборишга кўнгли бўлмади (шуниси қизиқки, яқиндагина Китининг муҳаббатига сазовор бўлиш бахтига кўзи етмай юрган Левин энди унинг ҳаддан зиёд яхши кўрганидан ўзини бахтсиз ҳис қиларди!). ўзидан норози бўлганининг боиси эса ўз айтганида

туролмагани эди. Кити акасининг ёнидаги хотин билан иши йўқлигини айтганда, унинг сўзига қўнгли ҳеч ҳам бовар қилмас эди; шунинг учун рўй бериши мумкин бўлган барча тўқнашувларни ўйлаб даҳшатга тушар эди. Хотини, Китиси ўша кўча қизи билан бир хонада бўлиши, ёлғиз шунинг ўзи уни жиркантириб даҳшатга солар, сескантирар эди.

XVII

Николай Левин ётган губерния шахрининг мусофирхонаси такомиллаштирилган янги нусхада, тоза бўлар, шинам бўлар, ҳатто чиройли ва зебо бўлар деган энг яхши ниятда солинган губерния мусофирхоналаридан бири эди, лекин ўзларини замонабоп мукаммал мусофирхона қилиб кўрсатишга уринган бундай мусофирхоналар бу ерга келиб тушадиган одамларнинг шарофатлари билан кўз очиб-юмгунча ифлос қовоқхоналарга айланадилар. Улар ўзларини мукаммал қилиб кўрсатишга уринишлари орқасида қадимги замон мусофирхоналаридан, содда қилиб айтганда, энг ифлос мусофирхоналардан ҳам баттар аҳволга тушиб қоладилар. Бу мусофирхона аллақачон шундай аҳволга тушиб бўлган эди; эшик олдида папирос чекиб, швейцарлик вазифасини бажараётган ифлос мундирли солдат ҳам, оралари очиб қилинган баҳайбат чўян зина ҳам, ифлос фракли бетакаллуф ходим ҳам, стулларни ясатишга қўйилган, чанг босган мум гуллар ҳам, умумий зал ҳам, ҳамма томонини босиб ётган ахлат, чанг ва бедаволик ҳам, буларга қарамай, мусофирхонада ҳукм сурган, ўзини кўз-кўз қилган янгича, темир йўлча тартиб ҳам Левиннинг кечирган ҳаётидан сўнг жуда хунук таассурот қолдирди, айниқса, мусофирхона қолдирган бу таассурот ҳали уларни кутиб турган нарсаларга сира ҳам ярашмас эди.

Сизга қандай нархдаги номер тўғри келади, деб бериладиган доимий саволдан кейин битта ҳам бопта номер йўқлиги маълум бўлди; битта яхши номерга темир йўл ревизори, иккинчисига москалик адвокат, учинчисига эса қишлоқдан келган княгиня Астафьева тушган эди. Битта ифлос номер қолган экан, шуни таклиф қилишиб, қечқурун ёнидаги номернинг ҳам бўшаши мумкинлигини айтишди. Левин кўнгли сезиб турган нарсанинг тўғри бўлиб чиққанидан, хусусан келган соатиёқ акам нима бўлди экан, деган фикр билан юраги така-пука бўлиб турган бир пайтда, югурганича акасининг олдига чиқиб кетиш ўрнига, хотинининг рамини ейишга мажбур бўлганидан таъби тирриқ бўлиб, хотинини номерга олиб кирди.

Кити айбдор кишидек эрига қараб, қўрқа-писа:
– Бор, бора қол! – деди.

Левин индамай эшикдан чиқди-ю, унинг келганини билса ҳам, ичкарига киргани юраги дов бермай турган Марья Николаевнага тўқнаш келди. У ҳамон бояғидай, Левин Москвада кўргандай эди: эғнида яна ўша жун кўйлак, яна қўллари билан буйни очиқ, яна ўша меҳрибон, ифодасиз, бир оз тулинқираган чўтир юз.

– Хўш, нима гап? Акам қалай? А?

– Жуда ёмон. Туролмайдилар. Сизга кўзлари тўрт бўлиб ётибдилар... сиз... қайлирингиз билан...

Левин уни нима хижолатга солаётганини дастлаб тушунмади, шундан кейин Марья Николаевна дарҳол тушунтирди.

– Мен чиқиб тураман, ошхонага чиқиб тураман, – деди у. – Акангиз кўрсалар хурсанд бўладилар. Акангиз эшитибдилар, уларни танийдилар, чет элда кўрган эдилар.

Левин гап хотини устида кетаётганлигини энди тушунди, лекин нима жавоб қилишни билмади.

– Юринг, юринг, – деди Левин.

Левин энди жилиши биланоқ, номернинг эшиги очилиб, Кити мўралаб қолди. Левин уялганидан ва хотини ўзини ҳам, Левинни ҳам шундай оғир аҳволга солиб қўйганидан таъби хира бўлиб, қизариб кетди; лекин Марья Николаевна беш баттар қизарди. У гужмайиб олди, қизариб бўзарди, кўзларига ёш чиқай деди, кейин иккала қўли билан рўмолининг учини ушлади-да, нима деярини, нима қиларини билмай, қизил бармоқлари билан ўрай бошлади.

Дастлаб Левин Китининг ўзи учун бегона бўлган бу ярамас хотинга еб юборгудек бўлиб, мароқ билан қараганини кўрди; лекин бу бир лаҳзагина давом қилди.

Кити аввал эрига, кейин Марья Николаевнага қараб:

– Нима гап экан? Нима бўлди, аҳвол қалай? – деб сўради.

Левин шу маҳал йўлакда оёғини шилиқлатиб, ўз иши билан кетаётгандек кўринган бир жанобга олазарак бўлиб қаради-ю, Китига:

– Йўлакда гаплашиб бўладими ахир! – деди бўтилиб.

– Бўлмаса ичкари киринглар, – деди Кити ўзини анча ўнглаб олган Марья Николаевнага қараб. Кейин, эрининг юзидаги қўрқув аломатини кўрди-ю: – Майли бўлмаса, бора қолинглар, бора қолинглар, менга одам юборарсизлар, – деб ўзини номерига олди. Левин акасининг олдига кетди.

У акасини бундай аҳволда кўрарман деб ўйламаган эди. Левин сил касаллар ўзларини кўпинча алдаб келишади, деган гални кўп эшитган, акасини бултур кузда шу ҳолатда кўриб жуда таажужланган эди; ҳозир ҳам акасини ўша аҳволда кўриш хаёлида эди. У яқинлашиб келаётган ажалнинг жисмоний аломатларини: озиб-тўзиганлигини, мадордан кетганлигини яна ҳам аниқроқ кўриш хаёлида эди, лекин аҳволи ҳар ҳолда ўшанга яқин кўринди. У ўшанда севгили

акасидан жудо бўлиб қолаётгани учун қанчалик куйган, ажал олдида қанчалик даҳшатга тушган бўлса, ҳозир ундан ортиқроқ аҳволга тушаман деб ўйларди. Шунинг учун бунга тайёр бўлиб келган эди; лекин аҳвол бутунлай бошқача бўлиб чиқди.

Бўёқли деворлари туфлаб ташланган; юпқа девори орқасидан гурунг эшитилиб турган кичкина, ифлос номерда, нафасни бўғувчи сассиқ ҳидлар анқиб турган қўланса ҳавода, девордан берироқ туртиб қўйилган каравотда одеял ёпилган гавда ётарди. Бу гавданинг бир қўли одеял устида эди, унинг паншахага ўхшаган каттакон панжаси негадир, учидан то ўртасигача силлиқ, узун ва юпқа ёроч трубкага тортиб боғлаб қўйилган эди. Бир бетини ёстиққа қўйиб ётибди. Левинга чаккасидаги тер босган сийрак сочлари, териси тортилган, шишадек тиниқ манглайи кўриниб турарди.

«Наҳотки шу даҳшатли гавда Николай акам бўлса!» – деб ўйлади Левин, лекин яқинроқ келиб юзини кўргандан сўнг, шубҳага ўрин қолмади. Юзининг бу қадар ёмон ўзгариб кетганига қарамай, бу даҳшатли ҳақиқатни тушуниш, бу ўлик гавданинг тирик акаси эканига ишониш учун, кирувчига кўтарилиб қараган тетик кўзларни кўриш, ёпишиб қолган мўйловлар остидаги оғизнинг заифгина қимирлаганини сезиш кифоя қилар эди.

Чарақлаб турган бу кўзлар Левинга қаҳр ва гина-кудурат билан қаради. Ана шундан сўнг тириклар орасида дарҳол жонли алоқа боғланди. Левин ўзига тикилиб қолган кўзларда дарҳол гинахонлик аломати борлигини кўрди-ю, ўзининг саодатмандлигидан пушаймон бўлди.

Константин унинг қўлини ушлаганда, Николай жилмайиб қўйди. Мийиқларида кўринган бу жилмайиш шу қадар заиф эдики, жилмайганига қарамай, кўзларидаги жиддият ўзгармади.

– Мени бу аҳволда кўраман деб ўйламагандирсан, – деди Николай зўрратдан.

– Ҳа... йўқ, – деб жавоб берди Константин сўзини адаштириб. – Нега илгарироқ, яъни менинг тўйим пайтида хабар қилмадинг? Сени сўроқламаган жойим қолмади.

Оғзига талқон солгандек мунғайиб ўтирмаслик учун гапириш керак эди, лекин Константин бўлса нима дейишини билмас, бунинг устига, акаси ҳеч қандай жавоб қилмасди, фақат кўзларини олмай қараб ётарди, афтидан ҳар бир сўзнинг маъносини чақаётгандек кўринарди. Константин акасига хотинининг ҳам бирга келганлигини айтди. Николай мамнун бўлганлигини билдирди, лекин ўзининг аҳволи билан уни чўчитиш мумкинлигидан қўрққанлигини айтди. Ўртага сукунат чўкди. Бирдан Николай қимирлаб қўйиб, бир нима деб гапира бошлади. Константин унинг юзидан бирон жиддий, муҳим нарса айтар, деб ўйлаган эди, лекин Николай ўзининг соғлигидан оғиз очди. Докторни айблади, москвалик машҳур докторнинг йўқлигига афсус билдирди; Левин унинг гапларидан ҳали ҳам одам бўлишига умидвор эканлигини пайқади.

Константин ўзини қийнаётган ҳислардан бир дақиқа бўлса ҳам қутулиш учун, ўртага тушган бир дақиқалик сукунатдан фойдаланиб, ўрнидан турди-да, хотинини бошлаб келмоқчи бўлганини айтди.

– Ҳа, жуда соз, мен бу ерни тозалаттириб қўяман. Ҳамма ёқ ифлос, назаримда, сасиб кетган кўринади. Маша! Бу ерни тозала, – деди касал зўрратдан. Кейин укасига савол назари билан қараб олиб, қўшиб қўйди: – Ҳа, тозалаб бўлганингдан кейин ўзинг чиқиб кет.

Левин индамади. Йўлакка чиқиб тўхтади. Хотинини бошлаб кираман деган бўлса ҳам, лекин юрагида турган ҳисни салмоқлаб кўриб, энди бошқа

қарорга келди: хотинини касал ёнига киришдан қайтариш ҳаракатини қиладиган бўлди. «Мендай қийналиб нима қилади» деб ўйлади.

– Хўш, қалай? Аҳволи қалай? – деб сўради Кити ваҳима билан.

– Э, жуда ёмон, жуда ёмон! Сен нимага ҳам келдинг? – деди Левин.

Кити эридан ҳам қўрқиб, ҳам унга раҳми келиб, бир неча сония жимгина қараб турди, кейин ёнига келиб, иккала қўли билан эрининг тирсагини ушлади.

– Костя! Мени олиб кир, икковимизга ҳам осон бўлади, мени олиб кириб қўйсанг бўлди, йўқ дема, мени олиб кириб қўю ўзинг чиқиб кетавер, – деб ялина бошлади. – Тушунгин ахир: сени кўриб турсам-у, уни кўрмасам, бу менга беш баттар оғир. Ўша ерда бўлсам, зора сенга ҳам, унга ҳам фойдам тегар, йўқ дема жонгинам! – Кити ҳаётининг бахти гўё шу нарсага борлиқдай, эрига ялинар эди.

Левин кўнишга мажбур бўлди; ўзини анча босиб олгандан сўнг, Марья Николаевнани бутунлай хаёлидан чиқарди-ю, Кити билан яна ақасининг олди-га жўнади.

Кити эридан кўзларини узмай, енгил одимлар билан борди-да, унга дадил ва дардман юзини бир кўрсатиб қўйиб, касал номерига бемалол кириб борди, шошилмасдан орқасига ўгирилиб, эшикни янчиллатмай ёпди. Кейин аста-аста одимлар билан касал ёнига борди-да, бошини ўгириб овора бўлмасин деб, қулай томондан яқинлашиб, Николайнинг йўғон қўлини дарҳол ўзининг ёш, тароватли қўлига олди, қисди, сўнгра хотин-қизларгагина хос бўлган, нафсини оғритмайдиган, осойишта, дардман бир дилбарлик билан гапира бошлади.

– Биз Соденда учрашганмиз, лекин таниш эмас эдик, – деди Кити. – Сизга бир кун сизгил бўлишимни ўйламагандирсиз.

У кириб келганда юзи ёришиб кетган Николай лабларида пайдо бўлган жилмайиш билан:

– Мени ўзингиз кўрсангиз танимас эдингиз-а! – деди.

– Йўқ, танир эдим. Бизга хабар қилганингиз жуда яхши бўлибди-да! Уззукун Костя сизни эслайди, нима бўлди экан акам деб хавотир қилиб юради.

Лекин касалнинг тетиклиги узоққа бормади.

Кити сўзини битирмасданоқ, ўлаётган кишининг тирикларга қиладиган ҳасади юзидан кўрина бошлади.

Кити унинг тикилиб турган кўзларидан юзини ўтирди-да, уй ичини кўздан кечириб:

– Бу ерда қийналиб қолармикансиз деб қўрқаман, – деди. Кейин эрига юзланди: – Мусофирхона эгасидан бошқа номер сўраш керак, иннайкейин, бизга яқинроқ бўлсин.

ХVIII

Константин акасига қараганда хотиржамлигини йўқотар эди, акасининг олдида ўзини табиий ва хотиржам тутолмасди. Касал ёнига кирган кезларида кўзлари ўз-ўзидан тиниб, ақли ҳушини йўқотиб қўярди-да, акасининг аҳволини дурустроқ пайқаб ололмасди, диморига ёмон ҳидлар кирар, кўзларига ивирсиб ётган ифлос нарсалар, касалнинг азоб ичида қийналиши кўринар, қулоқларига оху воҳлар эшитиларди-ю, лекин бу нарсаларни бир ёқлик қилишга ўзини ожиз ҳис қиларди. Ҳатто касалнинг қай аҳволдалигини батафсил билиш фикри, бу гавда одеял тагида қандай ётибди, озиб-тўзиб, чўп бўлиб қолган оёқлари, болдирлари, елкалари қандай букилиб турибди, буларни яхшироқ жойлаб қўйишнинг иложи йўқми, яхшироқ бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бу ёмон аҳволдан қутқизишнинг чораси йўқми, де-

ган фикрлар миясига келмасди. Мана шу икир-чикирларни ўйлай бошлаганда, вужудини муздек тер босиб кетарди. Акасининг умрини узайтиришнинг ҳам, тортаётган азобу уқубатларини енгиллаштиришнинг ҳам иложи йўқлигига Константиннинг имони комил эди. Лекин шуниси ёмон эдики, Константиннинг касалга ёрдам беришдан фойда йўқ деган фикрда эканини касал ҳам пайқар, жаҳли чиқарди. Шунинг учун ҳам Константин ёмон қийналарди. Касал ётган хонада бўлишдан қаттиқ қийналар, бўлмаса ундан баттар қийналарди. Шу сабабдан ҳар хил баҳоналар билан нуқул ташқарига чиқиб кетар, ёлғиз қолишга қурби етмай яна қайтиб кирарди.

Лекин Кити бутунлай бошқача ўйлар, бошқача ҳис этар, бошқача ҳаракат қиларди. Касални кўриб, раҳми келди. Бу раҳм-шафқат унинг аёлик қалбида эридаги сингари даҳшат ва жирканч ҳиссини эмас, балки ҳаракат қилиш, касал аҳволини икир-чикирларигача билиш ва ёрдам бериш эҳтиёжини уйғотди. Кити, ўзининг ёрдам қилиш кераклигига заррача шубҳаси бўлмагани учун, ёрдам қилиш мумкинми-йўқми деб дудмалланиб ўтирмай, дарҳол ишга киришиб кетди. Бу икир-чикирлар тўғрисида ўйлаганда Левин даҳшатга тушса, улар Китининг эътиборини ўзига жалб қилиб олди. Докторга одам юборди, дорихонага одам юборди, ўзи бирга олиб келган хизматкор қиз билан Марья Николаевнани уйни супуришга, чангини артишга, ювишга солди, ўзи ҳам алланималарни ювди, тозалади, одеял тагига алланарсаларни солди. Унинг буйруғи билан касал уйига алланарсалар олиб киришди, у ердан алланарсаларни олиб чиқишди, ўзи ҳам, рўпарасидан келаётган жанобларга парво қилмай, номерига бир неча марта бориб келди, чойшаблар, ёстиқ жилдлар, сочиқлар, кўйлақлар топиб келтирди.

Умумий залда инженерларга овқат келтириб турган малай Китининг чақирганини эшитиб, бир неча бор қовоғидан қор ёғиб келди ва унинг буйруқларини бажармасликка илож тополмади, чунки Кити буйруқларини қайтариб бўлмайдиган бир назокат билан берар, уларни бажармасликнинг иложи йўқ эди. Бу нарсалар Левинга манзур бўлмади, бу машмашалардан касалга бирон фойда чиқишига ишонмас эди. Ҳаммасидан ҳам, касалнинг жаҳли чиқмасайди, деб қўрқарди. Бу нарсалар касалнинг парвойига келмаётгандек кўринса ҳам, лекин у жаҳл қилмас, аксинча, уялар, Кити ўз теварагида нималар қилаётганини билишга қизиқаётгандек туюларди. Кити эрини докторга юборган эди, у қайтиб келиб, касал ётган уйнинг эшигини очганда, Китининг буйруғи билан касалнинг ички кийимларини ўзгартиришаётганлари устидан чиқиб қолди. Каттакон кураклари яхлит кўриниб, қовурға ва умуртқа суяклари саналиб турган узун, оқ яғрини яланроч эди; шу пайт Марья Николаевна билан малай қўйлагини кийгизамиз деб енгини адаштириб қўйишиб, Николайнинг шалвираб тушган узун қўлини енгига киргизишолмади. Кити ҳам Левин орқасидан шошиб эшикни олди-ю, юзини тескари ўгириб олди: лекин шу пайт касал инқиллай бошлади, Кити шошиб ёнига келди.

– Тезроқ бўлинглар, ахир! – деди Кити.

– Ие, сиз қўйинг, – деди касал, жаҳли чиқиб. –
Ўзим...

– Нима деяпсиз? – деб сўради Марья Николаевна. Лекин Кити унинг гапини эшитди, касал ўзи олдида яланроч туришдан уялаётганини, таъби хира бўлаётганини тушунди. Касалнинг қўлини тўғрилаб туриб:

– Йўқ, йўқ, қараётганим йўқ, қараётганим йўқ! – деди. Кейин Марья Николаевнага гапирди: – Марья Николаевна, сиз у ёққа ўтинг, енгини тузатинг.

– Менинг халтачамда кичкина шиша бор, шуни олиб келгин, – деди Кити эрига, – биласанми қаерда? Ён чўнтагимда, чопа қол, барака топкур. Унга-ча бу ерни тозалашиб қўяди.

Левин шишани олиб кирганда, касал алақачон жойига ётқизилган ва теваракдаги ҳамма нарса-лар ўзгартирилган эди. Сассиқ ҳид ўрнида атир аралаштирилган сирка бўйи бурқсир, Кити лабларини чўзиб ва нақш юзларини шишириб туриб, уйга атир пуркарди. Ҳеч қаерда чанг кўринмайди, каравот остига гилам тўшалган. Столда тартиб билан тизиб қўйилган атир ва дори шишалари, графин, керакли қўйлак-лозим ва Китининг broderie anglaisеси турибди. Касал каравотининг ёнидаги иккинчи столга сув, шам ва порошоклар қўйилибди. Ҳамма ёри ювилиб, сочлари таралган касал эса янги тўшалган чойшаблар орасида, боши баланд қўйилган ёстиқларда, райритабий ингичка бўйинини ўраб олган оқ ёқали тоза қўйлакда Китидан кўзларини узмай ётар, кўзларида янги умид учқунлари кўринарди.

Левин клубдан топиб келтирган доктор Николай Левинни шифолаган ва касал норози бўлиб юрган доктор эмас эди. Янги доктор трубкасини олди, касалга қўйиб қулоқ солди, калласини чайқатди, ўтириб дори ёзгандан сўнг, олдин дорини қандай бериш кераклигини, кейин қандай парҳез сақлаш зарурлигини батафсил тушунтирди. Хом ёки илтиланган тухум, маълум ҳароратдаги янги соғилган сутга селтир суви аралаштириб беришни маслаҳат кўрди. Доктор кетгандан сўнг, касал укасига бир нима деди; лекин Константин фақат охириги сўзларнигина эшитди: «Сенинг Катянг». Левин касалнинг Китига қараганда кўзларидан уни мақтаётганлигини англади. У Катяни ҳам ёнига чақирди. (Китини у Катя деб чақирар эди.)

– Аҳволим анча тузук бўлди, – деди Николай Левин. – Сиз ёнимда бўлсангиз, қачонлари тузалиб кетардим. Қандай яхши-я! – Николай унинг қўлини ушлаб, лаблари томон тортди, лекин, таъбини хира қилармикан деб қўрқаётгандек, фикридан қайтди, қўлини қўйиб юбориб, фақат силаб қўйди. Кити унинг шу қўлини иккови қўли орасида олиб қисиб қўйди.

– Энди мени чап томонимга ағдариб қўйинглар-у, чиқиб ухлайверинглар, – деди.

Унинг нима деганини ҳеч ким эшитолмади, биргина Кити пайқади. Кити шунинг учун пайқадики, у касалга нима керак бўлиб қолар экан, деб фикру хаёли унда эди.

– Нариги томонга ағдариб қўй, – деди у эрига, – ҳамма вақт ўша томонларини босиб ухлайдилар. Ўзинг ағдариб қўя қол, хизматкорларни чақириб ўтириш яхши эмас. Мен ағдаролмайман. Сиз-чи? – деб Марья Николаевнадан сўраган эди, у:

– Мен қўрқаман, – деб жавоб берди.

Бу даҳшатли гавдани қўллари билан кучоқлаш, қай аҳволдалигини билгиси келмаган хастанинг одеял остида ётган жойларини ушлаш Левин учун нечорлик қўрқинчли бўлса ҳамки, хотинининг таъсирига берилиб, юзидаги хотинига маълум бўлган бир жиддият билан қўлларини касал тагига суқди-да, уни ағдариб қўймоқчи бўлди, лекин ўзининг нечорлик кучли бўлганига қарамай, мадордан кетган касал аъзоларининг бу қадар оғирлигига ҳайрон бўлди. Ўзининг бўйинини чўп бўлиб қолган узун қўл кучоқлаб олганини сезиб туриб уни ағдараётганда, Кити шошиб ёстиқни ағдарди-да, уриб шиширди, сўнгра касалнинг бошини ва тарин чаккаларига ёпишиб қолган сийрак сочларини тузатиб қўйди.

Касал, укасининг қўлини ушлаб қолди. Левин қўлини у бир нима қилмоқчи бўлаётганини, аллақер-

га тортаётганини сизди, бутун вужуди музлаб тер куйиб берди.

Ҳа, Николай укасининг қўлини оғзига тортиб бориб ўпди. Константин қалт-қалт қилиб, пиқиллаб йиғлаб юборди-да, бир нима дейишга қурби етмай, уйдан чиқиб кетди.

ХІХ

Левин шу куни кечқурун хотини билан гаплашиб ўтириб: «Донишмандлардан пинҳон тутиб, болаларга ва нодонларга аён қилди», деярди.

Левин инжилдаги шу оятни, ўзини донишманд деб ўйлагани учунгина эсламаган эди. У ўзини донишманд ҳисобламаса ҳам, лекин хотинидан ҳам, Агафья Михайловнадан ҳам ақллироқ эканини биларди, шунингдек, ўлимни ўйлаган кезларида, қалбининг бутун кучи билан ўйлаганини ҳам билмаслиги мумкин эмасди. Левин зўр ақл эгаси бўлган кўпгина эркакларнинг фикрларини ўқиган, улар ҳам ўлим ҳақида ўйлаганлар, аммо улар бу ҳақда ўзининг хотини билан Агафья Михайловна билган нарсаларнинг юздан бирини билмаганликларини ҳам Левин яхши биларди. Бу иккови аёл, яъни Агафья Михайловна билан Катя (Николай акаси Китини шундай атаб, шундай деб аташ Левинга ҳам ҳозир жуда ёқарди), бир-биридан қанча фарқ қилмасин, улар бу масалада бир-бирларига жуда ҳам ўхшашардилар. Икковлари ҳам ҳаётнинг нималигини, ўлимнинг ҳам нималигини шубҳасиз билардилар, улар Левин тасаввурида турилган саволларга гарчи жавоб бериша олмасалар ҳам, уларни тушуна олишмаса ҳам, бу ҳодисанинг муҳимлигига шак келтирмай, унга тамоман бир хил қарашарди, бунда бир-бирларининггина эмас, балки миллионларча одамларнинг қарашларига шерик бўлишар-

ди. Ҷлимнинг нима эканлиги тўғрисида қатъий тасаввурга эга бўлганларининг исботи шундан иборат эдики, улар жон бераётган одамга қандай қараш кераклигини заррача ҳам шубҳаланмай билишар ва улардан қўрқмай ҳаракат қилишарди. Левин ҳам, бошқалар ҳам, гарчи Ҷлим ҳақида жуда кўп нарсалар гапириб бериши мумкин бўлса-да, Ҷлимнинг нималигини билишмаса керак, чунки улар Ҷлимдан қўрқишар, жон бераётган одам олдида нима қилиш кераклигини тирноқча билишмасди. Агар Левин ҳозир Николай акасининг ёнида ёлғиз бўлганда, унга қўрқа-писа жавдираб қараган, яна ҳам баттарроқ даҳшат билан кутган, бундан бошқа ҳеч нима қилолмай боши қотган бўлар эди.

Буниси ҳам майли-я, у тарин қандай гапиришни, қандай қарашни, қандай юришни ҳам билмайди. Акасига алоқаси йўқ нарсаларни гапирай деса, унинг нафси оғрийди, бўлмайди, дейди; Ҷлимдан, таъбини қоронғи қиладиган нарсалардан ҳам гапириб бўлмайди. Оғзига талқон солиб ўтириш ҳам тўғри келмайди. «Қарасам, менга разм соляпти деб ўйлайди, қўрқаман; қарамасам, мени хаёли бошқа нарсада деб ўйлайди. Оёқларимнинг учиди юрсам, раши келади, шахдам юрсам, уят бўлади». Кити бўлса, афтидан, ўзи тўғрисида ўйламаса ва ўйлашга вақти ҳам бўлмаса керак: у фақат Николай Левинни ўйлар, чунки бир нимани билар, ҳамма иши силиқ чиқарди. У Николай Левинга ўзи тўғрисида ва ўзининг тўғри тўғрисида гапириб берди, жилмайиб, раҳми келиб ўтирди, тасалли бериб, тузалиб кетган кишиларни мисол келтирди, ҳамма нарса силиқ борарди; демак, Кити нима қилишини биларди. Кити билан Агафья Михайловнанинг ҳаракати савқи табиий, ҳайвоний, кўр-кўрона эмаслигига исбот шу эдики, Кити ҳам, Агафья Михайловна ҳам касалга унинг оғригини, тортаётган азобини енгиллаштира-

диган жисмоний таъсирдан ташқари, жон бераётган одамга жисмоний таъсирдан муҳимроқ нарса, жисмоний томонга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган аллақандай нарса татбиқ қилинишини ҳам талаб этардилар. Агафья Михайловна вафот этган чол тўғрисида: «Яна нима керак, худога шукур, табаррук вино¹ ичиришиб, устида дуойи такбир ўқилди, обрўйи билан кўмилди», деган эди. Катя ҳам худди шундай қилди: ички кийимлар, чойшаб-жилдлар ва ичириш учун сув гамини ейиш билан бирга, табаррук вино ичиш, дуойи такбир ўқиттириш зарурлигига биринчи кундаёқ касални кўндириб қўйди.

Левин касал ёнидан кечаси ётгани ўзининг иккита номерига қайтиб келиб нима қиларини билмай, бошини солинтириб ўтирар эди. Кечки овқатни қилиш, ётиш тараддудига тушиш, нима қилишини ўйлаш у ёқда турсин, хотини билан гаплашишга ҳам мажоли йўқ эди: виждони азобланарди. Кити бўлса, аксинча, одатдагидан ташқари ғайратга тўлиб кетди. Овқат келтиришни буюрди, ул-булларни ўзи жойлада, жойни солишга қарашди, ўринларга бурга дори сепишни ҳам эсидан чиқармади. Китида жанг, кураш олдида, ҳаётнинг хавфи ва нозик дақиқасида эркакларда пайдо бўладиган ҳаяжон ва зехн тезоблиги бор эди; ўшандай дақиқаларда эркаклар ўз қадр қимматларини биратўла кўрсатадилар, бутун ўтган умрлари бекорга кетмаганлигини, балки шундай дақиқа учун тайёрланишга сарф қилинганини исбот қиладилар.

Китининг иши юришиб кетди, соат ўн икки бўлди, ул-булларини шундай саришта-саранжом қилдики, номер уйига, ўзининг хонасига ўхшаб қолди: ўринлар солинди, чўткалар, тароқлар, ойнача чиқариб қўйилди, қўл сочиқлар ёйилди.

¹ Насронийларда ўлим тўшағида ётганларни поклаш учун ичига бир парча нон солинган табаррук вино ичириш одати бор (Тарж.).

Левин шундай бир вақтда овқат ейишни, ухлашни, гаплашишни айб деб билар, ҳар бир ҳаракати ўзига ножўя туюларди. Кити чўткачаларни олиб жойига қўяркан, бу ишни шундай қилардики, эрининг нафси оғришига ҳеч қандай ўрин қолмас эди.

Шундай бўлса ҳам, томоқларидан овқат ўтмади, узоқ вақтгача мижжа қоқишмади, ҳатто алламаҳалгача ётишмади.

Кити буклама ойнаси қаршисида бир кофточкада, майда тароқ билан майин, хушбўй сочларини тараб ўтириб:

– Уни эртага устида дуойи такбир ўқиттиришга кўндирганим учун жуда хурсандман, – деди. – Мен бунақа расмни ҳеч кўрган эмасман, лекин билман, ойимлар айтганлар, шифо сўраб муножот қилинар экан.

Левин, Кити олдинга қараб ҳар тароқ тортганда, юмалоқ бошининг гарданидаги тор чуқурчаси ҳадеб ёпилиб қолаверганига қараб туриб:

– Наҳотки тузалиб кетади деб ўйласанг? – деди.

– Доктордан сўрадим: уч кундан ортиқ қолмайди, деди. Нима, докторлар билармишми? Ҳар нима бўлганда ҳам кўндирганимга жуда хурсандман, – деди Кити, сочлари орасидан эрига қиё боқиб. Кейин, дин тўғрисида гапирганда, ҳар маҳал юзида пайдо бўладиган ғалати бир қувлик аломати билан гапига қўшиб қўйди: – Худо билади.

Улар унашиб қўйилган кезларида дин тўғрисида бир қур гаплашган эди, ана ўшандан бери Левин ҳам, Кити ҳам бу ҳақда сира оғиз очмай келарди; шундай бўлса ҳам, Кити черковга бориш, ибодат маросимларини бажо келтириш керак деб ўйлар ва хотиржамлик билан ҳар доим бажариб келарди. Эри бу нарсаларнинг аксини иддао қилса ҳам, Левинни ўзи сингари, балки ўзидан ортиқ насроний деб қаттиқ ишонар, бу ҳақда айтган гапларини

эса эркакларга хос қизиқчилик деб уйларди; бир маҳал Левин Китининг *broderie angleiseci* тўғрисида: яхши одамлар йиртиқни ямашади, бу киши эса жўрттага йиртади, деб айтган эди.

– Ҳамма айб мана шу хотинида, Марья Николаевнада, бу ишларни саришта қилолмабди, – деди Левин. – Иннайкейин... тан беришим керак, сенинг келганингга жуда, жуда ҳам хурсанд бўлдим. Сен шундай поксанки... – Левин хотинининг қўлини ушлади-ю, лекин ўпмади (ўлим яқин турган бир жойда қўл ўпишни ўзига эп кўрмаг), унинг чарақлаб турган кўзларига айбдор кишидек қараб, қўлларини қисиб қўйди.

– Ўзинг ёлғиз қийналардинг, – деди-да Кити, қўлларини баланд кўтариб (шу билан хурсандлигидан қизариб кетган бетларини тўсиб), сочларини орқасига турмаклагандан сўнг, шпилька қадаб қўйди. Кейин яна сўзини давом қилдирди: – Йўқ, Марья Николаевна касал боқишни билмайди... мен, бахтимга, бу нарсаларни Соденда ўрганиб олган эдим.

– Наҳотки, ўша ерда ҳам шунақа касаллар бор эди?

– Баттарлари бор эди.

– Мени куйдирган нарса шуки, акамнинг ёшлик чоғлари ҳеч кўз олдимдан кетмайди... қандай ажойиб йигит бўлганини айтсам, ишонмайсан, лекин мен у вақтлар қадрига етмаганман.

– Жуда, жуда ҳам ишонаман. Кўнглим сезиб турибди: у билан бирга бўлсак, жуда аҳил турардик. – деди-ю Кити, орзидан чиқиб кетган гапдан чўчиб эрига қаради, кўзларига ёш югурди.

– Ҳа, бирга бўлсак, – деди Левин, қайғуиб. – у шундай одам эдики, ундайларни бу дунё учун туғилмаган, дейишади.

Кити кичкина соатчасига қараб:

– Лекин биз ҳали кўп кун кўрамыз, энди ётиш керак – деди.

XX

ЎЛИМ

Эртасига касалга табаррук вино ичиришиб, устида дуойи-такбир ўқишди, Николай Левин астойдил муножот қилди. Гулдор қўла сочиқ билан ёпилган стол устидаги Исо суратига тикилиб қолган ола кўзларида шу қадар эҳтиросли бир ёлвориш, оташин умид бор эдики, Левиннинг қарашга юраги бетламади. Левин бу эҳтиросли ёлвориш, оташин умид жондан севган ҳаётдан айрилаётгани учун юрагини эзаётган доғу ҳасратни яна ҳам кучайтиришини биларди. Левин акасини ва унинг маслагини биларди. Акасидаги даҳрийлик динсиз яшаш осонроқ бўлади, деган ишонч натижаси эмаслигини, балки дунё хоссаларига замонавий-илмий нуқтаи назардан қараш эътиқод ва динни суриб чиқараётганини биларди, шунинг учун ҳозирги художўйлиги қонуний равишда, унинг фикрлари натижасида юз бермаётганлигини, фақат тамагирлик орқасида, девоналарча нажот топиш умидида қилинаётган вақтинча художўйлик эканини ҳам биларди. Кити шифо топган одамлар тўғрисидаги ҳикоялари билан бу умидга умид қўшганлигини ҳам Левин билар, бу нарсаларнинг ҳаммасидан хабардор эди, шунинг учун бу ёлворувчи, умид тўла кўзларга, териси тортилиб, таранглашиб кетган манглайига хоч тортаётган бу озғин, қоқшол қўлга, туртиб чиққан кифтларига, омон қолишини тилаётган, жонини сирдиришга ортиқ қурби етмай хириллаб турган бўш кўкракка қарашдан юраги эзилар, азобланар эди. Ибодат маҳалида Левин ҳам муножот қилди, худога ишонмаган ҳолда минг марта лаб қилган нарсаларини қилди. Худога нола қилиб: «Ё худо, ҳақ бўлсанг, бу одамга нажот бер, (ахир бу нарса жуда кўп марта

такрорланган-ку), унда буни ҳам, мени ҳам қутқазган бўласан», деярни.

Касалнинг пешонасига табаррук мой суртилгандан сўнг бирдан аҳволи анча тузук бўлиб қолди. Бир соат давомида ақалли бирорта ҳам йўталмади, жилмайиб, Китининг қўлини ўпди, кўзларига ёш олиб унга миннатдорчилик билдирди, аҳволининг яхшилигини, ҳеч ери оғримаётганлигини, иштаҳаси очилиб, мадори кириб қолганлигини айтди. Шўрва олиб келишганда эса ҳатто бошини кўтариб, яна котлет ҳам сўради. Мундоқ қараганда тузалмайдиган кўринса ҳам, яшашга ортқиқ умид қолмаган бўлса ҳам, Левин билан Кити шу бир соат мобайнида ўзларини бир хил бахтиёр ҳис қилиб, янглишмаётган бўлсайдик, деб чўчиб ўтиришди.

Улар шивирлашиб, бир-бирларига жилмайишар:

– Аҳволи яхшими? – Ҳа, анча яхши. – Ҳайронман.
– Ҳайрон бўладиган жойи йўқ. – Ҳар ҳолда, тузук, – дейишарди.

Хурсандчилик узоққа бормади. Касал жим ухлаб қолди-ю, лекин йўтал яна уйғотиб юборди. Ана шунда теварагидагиларнинг ҳам, ўзининг ҳам бирдан умиди узилди. Туйқусдан босиб келган қийноқ аввалги умиддан хотира ҳам, заррача шубҳа ҳам қолдирмай, Левин билан Китидаги, ҳатто касалнинг ҳам ўзидаги умидни хазон қилди.

Касал ярим соатгина олдин нимага ишонганини ҳам хотирига келтирмай, гўё буни эслашга уялаётгандек, оғзига тешик-тешик қороз ёпилган ва ҳидлаш учун ичига йод солинган шишани сўради; Левин шошиб шишани берди; шунда боя, табаррук вино ичирилган пайтда эҳтиросли умидлар тўлиб турган кўзлари укасига тикилди: бу кўзлар докторнинг: йод билан нафас олиш мўъжизали натижалар беради, деган сўзларини тасдиқлашни укасидан талаб қиларди.

Левин докторнинг сўзларини зўрра тасдиқлади. Николай теваарагига жаланглаб қараб:

– Нима, Кити йўқми? – деб хирилади. – Йўқ бўлса, айтиш мумкин... мен бу найрангбозликни Китининг кўнгли учун қилдим. Жуда дилбар жувон экан; лекин биз ўзимизни алдаёлмаймиз, тўғри келмайди. Мен мана шунга ишонаман, – деди-да, қоқшол кўли билан шишани ушлаб, устида нафас ола бошлади.

Соат еттидан ошганда, Левин хотини билан ўз номерида чой ичиб ўтирган эди, бирдан Марья Николаевна чопиб, ҳансириб кириб келди. Рангида ранг қолмаган эди, лаблари титрарди.

– Жон беряптилар! – деб шивирлади. – Қўрқаман, ҳозир ўлиб қоладилар.

Иккови акасининг номерига қараб югурди. Николай туриб, тирсагини каравотга суяган, узун гавдасини букиб, бошини паст солинтириб ўтирган эди.

Левин бир оз жим қараб тургандан сўнг:

– Нима бўлди, нима гап? – деб шивирлади.

Николай ҳар бир сўзини ичидан сиқиб чиқараётган-дек қийналиб, лекин равшан қилиб гагира бошлади:

– Нима бўларди, кетаётибман, – деди. Бошини кўтармади, лекин кўзларини кўтарса ҳам укасининг юзига етказолмади. Кейин: – Катя, чиқиб кет! – деди.

Левин ўрnidан сапчиб турди-да, амирона бир шипшиш билан Китини чиқариб юборди.

– Кетаётибман, – деди яна акаси.

Левин азбаройи бир нима дейиш учун:

– Нега бундай деб ўйлайсан? – деб сўради.

– Негаки, кетаётибман, – Николай, бу иборани худди яхши кўриб қолгандек яна такрорлади. – Тамом.

Марья Николаевна ёнига келди.

– Келинг, ётинг, анча енгил тортасиз, – деди у.

– Яқинда бутунлай тинч ётаман. – Кейин истеҳзо билан, зарда билан қўшиб қўйди. – Ўламан. Майли, ётқизгиларинг келаётган бўлса, ётқиза қолларинг.

Левин акасини чалқанча тушириб ётқизди, ўзининг ёнида нафас олмай, юзига қараб ўтирди. Касал кўзларини юмиб жимгина ётар, лекин манглайининг мускуллари, чуқур ва қаттиқ ўйлаётган кишининг манглайи сингари, ора-сира қимирлаб кўяр эди. Ҳозир касалнинг ичида содир бўлаётган нарсани касалнинг ўзи ҳам, Левин ҳам беихтиёр ўйлар, аммо ўйлашда акасидан орқада қолмасликка ҳар қанча тиришса ҳам, акасининг хотиржам, вазмин юз ифодасида ва қошлари устидаги мускулнинг ўйнашида ўзи учун ҳамон қоронғи бўлиб қолган нарсаларнинг ўлувчи учунгина равшанлашиб бораётганини пайқарди.

– Ҳа, шундай, шундай, – деди акаси, сўзларни шошмай, дона-дона айтиб. – Тўхтанглар. – У яна жим бўлди. – Баракалла! – деди кейин, ҳамма нарса ўзига равшан бўлгандек, бирдан кўнгли жойига тушиб. – Ё олло! – деди охири, оғир нафас олиб.

Марья Николаевна унинг оёғини ушлаб кўрди.

– Совияпти, – деб шивирлади у.

Касал Левинга жуда узоқ, жуда узоқ қимирламай ётгандек кўринди. Лекин ҳали узилмаган эди, ора-сира бўлса ҳам нафас олиб кўярди. Левин қаттиқ ўйлаганидан чарчаб кетди. Мияси нечоғлиқ зўр бериб ишласа ҳам, лекин «шундай» сўзининг нималигини, бари бир тушунолмаслигини сезиб турарди. У ўзининг аллақачон жон таслим қилувчидан кейинда қотиб кетганлигини сезарди. Ўлим тўғрисида ўйлашга ортиқ мажоли қолмаган эди, ҳозир шу тобда қилиш керак бўлган нарсалар: кўзларини ёпиш, кийинтириш, тобут буюртириш тўғрисидаги фикрлар миясига беихтиёр келаверарди. Қизиқки, у ҳозир ўзини бутунлай лоқайд ҳис қиларди: қайғурмасди, жудоликни сезмасди, ҳатто акасига раҳми ҳам келмасди. Ҳозир агар акасига нисбатан юрагида бир ҳис уйронган бўлса, у ҳам узилаётган

киши билиб олган, лекин ўзи ҳеч қачон билолмайдиган нарсалар туғдирган рашк эди.

Левин акасининг узилишини кутиб бошида узоқ турди. Лекин акаси узилавермади. Эшик очилиб, остонада Кити кўринди. Левин ўрнидан туриб, уни тўхтатмоқчи бўлди. Лекин ўрнидан тураётганда жасаднинг қимирлаганини сизди.

Николай қўлини чўзиб:

– Кетма, – деди.

Левин акасига қўлини берди-ю, «чиқиб кет!» дегандек жаҳл билан хотинига қўл силтади.

Константин жасад қўлини ярим соат, бир соат, яна бир соат ушлаб ўтирди. Энди ўлим хаёлига сира келмас эди. У ҳозир Китининг нима қилаётганлигини, ёндаги номерда ким турганлигини, докторнинг уйи ўзиникими йўқлигини ўйлаб ўтирарди. Овқат егиси, ухлагиси келиб кетди. Қўлини секин бўшатиб, акасининг оёқларини ушлаб кўрди. Оёқлари музлаб қолган бўлса ҳам, касал нафас олиб ётарди. Левин яна оёқ учида шарпа қилмай чиқиб кетмоқчи эди, касал қимирлаб, яна:

– Кетма, – деди.

Тонг ёришди; касалнинг аҳволи боягидек эди. Левин секин қўлини бўшатди-ю, касалга қарамасданок, номерига чиқиб кетиб, ухлаб қолди. Уйронганда акасининг узилмаганини эшитди (ўзи, ўлади, деб кутган эди), унга касалнинг эски аҳволига қайтганлигини хабар қилдилар. Касал яна ўтирадиган, яна йўталадиган, яна овқат ейдиган, яна галирадиган, яна ўлимни оғизга олмайдиган, соғайиб кетишга яна кўз тутадиган, илгаригидан кўра яна ҳам тажангроқ, бадфёълроқ бўлиб қолган эди. Николайни укаси ҳам, Кити ҳам, ҳеч ким тинчитолмасди: ҳаммага захрини сочиб, ҳамманинг кўнглини оғрита бошлади, тортаётган азоблари учун ҳаммани айблади, Москвадан энг

машҳур докторни чақриб келинлар деб туриб олди. Ҳол сўраганларнинг ҳаммасига бир хил жаҳл, бир хил ўпка билан жавоб қиларди:

– Ўлгудай қийналяпман, чидаб бўлмайди!

Касалнинг азоби дам сайин ортиб борарди, айниқса, узоқ ётиб қолганидан териси жонсизланиб қаттиқ оғрирди, буни тузатишнинг ортиқ иложи қолмаган эди, у теварақдагиларга ҳадеб заҳрини сочиб, ҳамма нарса тўғрисида, айниқса Москвадан доктор олиб келишмаганига ўпка қиларди. Кити парвона бўлиб, ёрдам қилишга, юпатишга уринса ҳам, ҳаракатлари, бари бир, фойдасиз кетарди; Левин Китининг, гарчи ўзи бунга иқрор бўлмаса-да, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан қийналиб кетганлигини кўриб турарди. Николай укасини чақриб, видолашган кечаси Левинда қолган таассурот энди барбод бўлган эди. Николайнинг тез орада муқаррар узилишини, алақачон чала ўлик бўлиб қолганлигини ҳамма биларди. Ҳамма ҳам фақат бир нарсани – унинг тезроқ ўлишини хоҳлар, шундай бўлса ҳам, буни яшириб, шишалардаги дориларни ичиришар, дори-дармон қидиришар, уни ҳам, ўзларини ҳам, бир-бирларини ҳам алдашар эдилар. Бу нарсаларнинг ҳаммаси ёлғон, одамни ерга урадиган, таҳқирлайдиган пасткаш бир ёлғончилик эди. Левин ўз характерининг хусусияти ва узилаётган кишига бўлган муҳаббати орқасида ёлғончилик қилаётганларини яна ҳам равшанроқ кўриб турар, жони қуяр эди.

Левин қачонлардан бери инкала акасини Николай ўлмасдан туриб яраштириб қўйиш фикрида юрарди; у катта акаси Сергей Ивановичга ёзган хатининг жавобини касалга ўқиб берди. Сергей Иванович келолмаслигини ёзиб, кучли таъсир қолдирадиган иборалар билан укасидан узр сўраган эди.

Касал ҳеч нима демади.

– Жавоб ёзсам майлими? – деб сўради Левин. – Энди аччиғинг тарқалгандир, дейман?

– Йўқ, қилча ҳам. – Юракда бир алам билан жавоб берди Николай. – Хат ёз, менга доктор юборсин.

Орадан яна уч машаққатли кун ўтди; касалнинг аҳволи боягидек эди. Уни кўрган кишиларнинг ҳаммаси: мусофирхона хизматкори ҳам, унинг эгаси ҳам, мусофирлар ҳам, доктор ҳам, Марья Николаевна ҳам, Левин ҳам, Кити ҳам тезроқ ўлсайди деб тилай бошладилар. Ёлғиз касалнинг ўзигича бу тилакда эмас эди, аксинча, доктор келтирмаганлари учун жаҳли чиқар, уззукун дори ичиб, яшаш тўғрисида гапирарди. Гоҳ-гоҳ, қорадори тортаётган азобларини унуттирган дамларда, мудраб ётиб, бошқаларникидан кўра ўзининг қалбида кўпроқ томир ёйган истагини гапирар: «Оҳ, тезроқ бир ёқлик бўлсайди!» ёки: «Қачон тинчир эканман!» деярди.

Азоб борган сари зўрайиб, ўз ишини қилар, уни ўлим томон судрар эди. Ҳеч қандай ҳолат йўқ эдики, унга азоб бермаса, ҳеч бир дақиқа йўқ эдики, у ором топса, танасида ҳеч қандай ер, аъзо йўқ эдики, оғримаса, қийнамаса; бу танадаги хотиралар ҳам, таассуротлар ҳам, ўйлар ҳам тананинг ўзи сингари, энди унда нафрат уйғотарди. Бошқа одамларнинг кўринишлари, уларнинг сўзлари, ўзининг хотиралари – буларнинг ҳаммаси унга азоб берарди. Атрофидаги одамлар буни сезишарди, шунинг учун ҳам унинг олдида қимир этмасликка, гапирмасликка, ўз истакларини баён қилмасликка тиришардилар. Унинг бутун ҳаёти азобу уқубатдан ва бу азобу уқубатдан тезроқ қутулиш истагидан иборат бўлиб қолди.

Касалда уни ўлимга ўз орзуларининг ушалиши, бахтининг очилиши деб қарашга мажбур қиладиган ўзгариш юз бераётган бўлса керак. Илгарилари очлик, ҳорғинлик, чанқоқлик каби ҳоллар ёки азоблар орқасида турилган ҳар бир тилак унга бўлган

эхтиёжларнинг қондирилиши билан жонга ҳузур бағишларди; ҳозир эса бундай тилак ва эҳтиёжлар қондирилмас, балки қондириш учун қилинган ҳар бир ҳаракат жонга янги азоб берарди. Шу сабабли бу тилакларнинг ҳаммаси жам бўлиб, бир тилакка – бутун азоблардан ва унинг манбаи бўлган тандан қутулиш тилагига айланди. Лекин тандан, жондан қутулиш тилагини ифода қиладиган сўз йўқ эди, шунинг учун ҳам бу ҳақда гапирмасди, балки, одадини қилиб, энди бажариб бўлмайдиган тилакларнинг қондирилишини талаб этарди. «Нариги томонимга ардариб қўйинглар» – деярдийю, бир зум ўтмай, яна боягидек ётқизиб қўйишларини талаб этарди. «Бульон беринглар. Бульонни олинглар. Бирон нарса айтинглар, нимага жим турибсизлар», дерди. Энди гапира бошласалар, кўзларини юмиб олар, шу билан чарчаганини, қизиқмаганини, ваши келганини билдирарди.

Кити бу шаҳарга келгандан кейин ўн кун ўтгач, бетоб бўлиб қолди. Боши оғрирди, кўнгли айниб қайд қиладиган, эрта билан ўрнидан туролмайдиган бўлиб қолди.

Доктор касалнинг сабабини чарчаганлик, безовталик деб тушунтиргандан сўнг, рала-ровурдан, ташвишлардан холи турсин, кўнгли тинч бўлсин деб тайинлади.

Лекин Кити тушлик овқатдан сўнг ўрнидан туриб кетди, одатдагича ишини олиб, касалнинг олдига кирди. Касал унга қошларини жийриб қаради, Кити, тоби қочганлигини айтганда эса, нафратомуз илжайди. Шу кунни Николай нуқул бурнини қоқар, зорланиб ишқиллар эди.

- Аҳволингиз қалай? – деб сўради Кити.
- Ёмон, – деди Николай зўрватдан. – Оғриқ зўр!
- Қаерингиз оғрийди?
- Ҳамма ерим.

– Бугун узилади, кўрасиз, – деди Марья Николаевна; у пичирлаб гапирган бўлса ҳам, касал эшитадиган қилиб гапирди; чунки касал жуда ҳам зийрак эди. Бунини Левин ҳам пайқаган эди. Левин «жим» деб дарҳол касалга қаради. Николай эшитган эди; лекин бу сўзлар унга заррача ҳам таъсир қилмади. Боягидек гинахонлик билан жиддий қараб турар эди.

Марья Николаевна Левинга эргашиб йўлакка чиққанда, Левин:

– Қаердан биласиз? – деб сўради.

– Ўзини юляпти, – деб жавоб берди Марья Николаевна.

– Юляпти деганингиз нимаси?

– Мана бунақа қияпти, – деди Марья Николаевна, жун кўйлагининг бурмаларини юлиб. Ҳақиқатан, Левин касалнинг шу бугун бир нарсани узиб олмақчидек баданига нуқул чанг солганини пайқаган эди.

Марья Николаевнанинг айтгани тўғри чиқди. Касал тунга бориб қўлларини қимирлатолмай қолди. Диққат билан қараган кўзларини рўпарасига тикиб ётди. Укаси ё Кити бизни осонроқ кўрсин деб устига энгашганларида ҳам, ўша тахлитда қараб ётаверди. Кити калима ўтириш учун попга одам юборди.

Поп калима ўтириб турган пайтда ҳам касал ҳеч қандай ҳаёт нишонасини кўрсатмади; кўзлари юмуқ эди. Левин, Кити, Марья Николаевна бошида туришди. Поп калимани ўтириб бўлмасданоқ, касал оёқларини чўзиб, нафас олди-да, кўзларини очди. Поп дуойи фотиҳасини қилиб бўлиб, касалнинг совуқ манглайига хоч қўйди-ю, кейин уни бўйнига осган узун рўмолга ўраб қўйиб, бир-икки дақиқа жим тургандан сўнг, музлаб, қони қочиб кетган каттакон қўлини ушлаб кўрди.

Поп:

– Узилди, – деди-ю, кетмоқчи бўлди: лекин бирдан жасаднинг лабларига ёпишиб қолган мўйловлари қи-

мирлаб кетди, кейин ўртадаги сукунатда аниқ эшитилган шу сўзлар кўкрагидан хириллаб чиқди:

– Яна бир оз бор... бир зум.

Бир дақиқадан кейин юзи ёришди, мийиғида кулги пайдо бўлди, ана шундан кейин аёллар жасадни безаш ҳаракатига тушиб қолдилар.

Кузда Николай акаси ўзлариникига келганда, Левин сири билинмаган ўлимнинг муқаррарлигини, унинг яқинлашиб қолганлигини кўриб даҳшатга тушган эди. Ҳозир энди Левиннинг қалбида яна ўша даҳшати уйғонди. Лекин ҳозирги даҳшат ҳисси бурунгидан анча кучли эди, ўлимнинг маъноси ни тушунишга ўзини илгари қанча ожиз ҳис этса, унинг муқаррарлиги шунча даҳшатлироқ кўз олдига келарди: аммо ҳозир хотини ёнида бўлгани учун бу ҳис уни умидсизликка туширмади, акасининг вафотига қарамай, юрагида яшаш ва севиш иштиёқи борлигини ҳис этди. У ўзини дилхасталикдан севги қутқазганини, бу севги ноумидликка тушиш хавфи остида яна ҳам кучлироқ, яна ҳам покроқ бўлиб қолганини ҳис этарди.

Левин билолмай доғда қолган ўлимнинг бир сири кўз олдида бир ёқлик бўлишига улгурмай, яна шундай билиб бўлмайдиган, ҳаётга ва муҳаббатга чорлайдиган бошқа бир сир пайдо бўлди.

Доктор Кити тўғрисидаги тахминини тасдиқлади. Кити ҳомиладорлик орқасида бетоб бўлган эди.

ХЖ

Алексей Александрович Бетси ва Степан Аркадьевич билан гаплашганда, уларнинг гапларидан фақат хотинини тинч қўйиш, кўзига кўринавериб қийнамаслик кераклигини, хотинининг ўзи шуни хоҳлаганини тушунган эди; ана ўша пайдан бери Алексей Александрович шу қадар гангиб қолдики,

Ўзича бир нарсани ҳал қилолмас, ўзи энди нима хоҳлаганини билмас ва унинг ишлари билан мамнуният-ла шуғулланаётган кишилар ихтиёрига ўзини топшириб қўйиб, нима десалар шунга қўниб келарди. Анна уйдан кетгандан сўнг инглиз хотин одам киритиб, сиз билан бирга овқат қилишим керакми ё ёлғиз, деб сўратганда, Алексей Александрович қандай аҳволга тушганини биринчи марта равшан англади-ю, қўрқиб кетди.

Бу аҳволнинг энг офир томони шу эдики, у ўтмиши билан ҳозирини ҳеч бир қовуштиролмас, ҳеч бир таққос қилолмасди. Уни хотини билан бахтли умр кечирган даври хижил қилаётгани йўқ эди. Хотинининг вафосизлигини билгандан кейинги даврда чеккан азоб-уқубатлари энди ўтиб кетган эди; у вақтдаги аҳволи офир эди, лекин бунга тушунар эди. Агар ўшанда хотини ўзининг вафосизлигини юзига айтиб, кетиб қолса куярди, бахтсиз бўларди, лекин ҳозиргидек ўзи ҳам тушунмайдиган, боши берк кўчага кириб қолмаган бўларди. У яқиндагина хотинини кечирган, касал хотинига ва бировнинг боласига раҳми шафқат қилган бўлса-ю, келиб-келиб энди ҳозирги аҳволга тушса, яъни шунча меҳру муҳаббатга, хизматларига тўхмат кўрса, ҳаммага кулги ва шарманда бўлса, ҳеч кимга керак бўлмай, ҳамманинг нафратига қолса, буни у ҳеч ақлига сирдиролмасди.

Хотини кетиб қолгандан сўнг дастлабки икки кун давомида Алексей Александрович арз билан келган одамларни, ишлар мудирини қабул қилди, комитетга борди, одатдагича ошхонага кириб овқат қилиб юрди. У нега бундай қилаётгани тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмасди, шу икки кун давомида ўзини вазмин, ҳатто парвосиз кўрсатишга ҳаракат қилди, қалбнинг бутун кучини шунга сарф қилди. Анна Аркадьевнанинг ул-буларини ва хоналарини нима

қилиш кераклиги тўғрисида берилган саволларга жавоб қиларкан, қийналиб-эзилиб бўлса ҳам, ўзини юз берган воқеага кутилмаган воқеа эмас, бу кунда бўладиган воқеалардан ҳеч қандай фарқ қилмайди, деб қарайдиган одамга ўхшатиб кўрсатар, шу тариқа мақсадига эришарди: ичида алами қайнаб-тошаётганини сезган битта ҳам одам бўлмади. Лекин Анна кетган куннинг эртасига Корней мода магазинининг счётини олиб кириб (Анна тўлаб қўйишни унутган экан), магазин гумаштасининг ўзи ҳам шу ерда эканлигини айтганда, Алексей Александрович гумаштани чақиртирди.

– Жаноби олийлари, кечирсинлар, безовта қилдим. Агар жаноблари хонимнинг ўзларига мурожат қилишни амр этсалар, манзилларини айтиб бериш заҳматини уддаларига олмасмиканлар.

Алексей Александрович гумашта назарида ўйлашиб қолгандай кўринди; у бирдан ўтирилиб, столга келиб ўтирди. Бошини қўлларига қўйиб, шу алпозда узоқ ўтирди, бир неча бор гаплашишга чоғланиб кўрса ҳам, яна тўхтаб қолди.

Корней хўжайинининг аҳволини фаҳмлаб, гумаштадан кейин келишни илтимос қилди. Алексей Александрович ёлғиз қолгандан сўнг, тетик, хотиржам одам ролини ўйнашга ортиқ қодир эмаслигини англади. Кутиб турган каретани қайтаришни, ҳеч кимни қабул қилмасликни буюрди, ўзи овқатга чиқмади.

Алексей Александрович бу гумаштанинг ҳам, Корнейнинг ҳам шу икки кун мобайнида учрашган ҳамма кишиларнинг ҳам юзида равшан кўрган умумий нафрат на разабнинг шиддатига тоқат қилолмаслигини сезиб қолди. У одамларнинг ўзидан нафратланишларига моне бўлолмаслигини сезарди, чунки ёмон бўлгани учун эмас (бундай бўлса, ўзини яхшироқ тутишга ҳаражат қиларди), балки

шармандаларча, расволарча бахтсиз бўлгани учун нафратланганларини сезарди. Юрагининг эзилиб, пора-пора бўлгани учун ҳам у одамларнинг ўзига шафқатсиз бўлишларини биларди. Итлар оғриғига чидолмай вангиллаётган, дабдала қилинган итни бўриб ўлдиришганидек, ўзининг ҳам одамлар томонидан ўлдирилишини сезарди. Одамлардан қутулишнинг бирдан-бир йўли – улардан ярасини яшириш эканлигини биларди, шунинг учун ҳам ўйлаб-нетиб ўтирмай, икки кун шундай қилди, энди эса бу асаблар курашини давом эттиришга мажоли қолмаганини сеза бошлади.

Шунча қайғу-аламлар бошига тушган бир пайтда ёлғиз эканлиги яна дардига дард қўшар эди. Нанки Петербургда, ҳеч қаерда шундай одами йўқ эдики, юрагидаги қайғу-аламларини очиб айтганда, у одам бунга олимақом амалдор бўлгани, киборлар жамиятининг аъзоси бўлгани учун эмас, шунчаки доғу ҳасратда қолган киши бўлгани учун ачинса.

Алексей Александрович етимликда ўсди. Унинг яна битта жигари ҳам бор эди. Оталарини эслашмайди, оналари бўлса Алексей Александрович ўн ёшга қадам қўйганда ўлиб кетди. Мулклари кичкина эди. Уларни бир маҳаллар марҳум императорнинг яқин кишиларидан ҳисобланган ва улур мартабага эга бўлган амакиси Каренин тарбия қилди.

Алексей Александрович гимназия ва университетни медаллар билан тамомлади-ю, амакисининг ёрдами билан дарҳол катта бир идорага хизматга кириб, ўшандан бери мансабини ошириш кўйига тушди. На гимназияда, на университетда ва на кейинча хизматда Алексей Александрович ҳеч ким билан яқин дўст бўлмади. Акаси кўнглига ёқади-ган энг яқин кишиси эди, лекин у ташқи ишлар министрлигида ишлагани учун чет элда яшарди. Алексей Александрович уйлангандан кейин акаси тез орада ўлиб кетди.

Алексей Александрович губернатор бўлиб турган кезларда Аннанинг холаси, яъни губерниянинг бадавлат хоними ёши қайтиб қолган бўлса ҳам, лекин ёш губернатор бўлган бу кишини ўзининг жияни билан таништириб, уни шундай аҳволга тушириб қўйдик, Алексей Александрович ё муддаосини айтишга ёки шаҳардан кетишга мажбур бўлиб қолди. Алексей Александрович узоқ иккиланиб юрди. Ўша кезлар уйланиш фойдасига қанча далил бўлса, қаршисига ҳам шунча далил бор эди; бунинг устига, одатдаги қондасини, яъни шубҳа бор жойда сабр бор, деган ақидасини бузадиган битта ҳам далил йўқ эди; лекин Аннанинг холаси бир танишини ўртага қўйиб, Алексей Александрович қизни бадном қилиб қўйди, энди виждон овозига қулоқ осиб, қизга оғиз солиши керак, деб айттирди. Ана шундан кейин Алексей Александрович қизга оғиз солди-ю, қайлирига салоҳияти борича меҳру муҳаббатини қўйди.

У Аннага шу қадар берилиб, шу қадар маҳлиё бўлиб кетдики, унда одамлар билан дилақашлик қилишга эҳтиёж қолмади. Мана энди бир вақтлардаги танишларидан биронта яқин одами қолмади. Одамлар билан борди-келдиси бўлса-да, лекин дўстлик алоқаси йўқ эди. Алексей Александровични ўзиникига меҳмонга таклиф қилиши мумкин бўлган, ўзини қизиқтирган ишда дардига шерик бўлишини, бошига иш тушган биронта кишига ҳомийлик қилишини илтимос эта оладиган ва бошқа шахслар ҳамда олий ҳукумат ҳақида бемалол гаплаша оладиган одамлар кўп эди; лекин бу одамларга муносабати урф-одат қаттиқ чегаралаб қўйган ва бу чегарадан асло чиқиб бўлмайдиган бир соҳагагина оид эди. Университетда бирга ўқишган, кейинча жуда қалинлашиб кетган бир ўртоғи бор эди, ўша билан ҳасратлашса бўларди, лекин бу ўртоғи узоқ бир ер-

даги таълим округида мутасадди бўлиб ишларди. Петербургдаги одамлардан энг яқинроғи ва дардлашса бўладигани маҳкамасидаги ишлар мудирин билан доктор эди.

Ишлар мудирин Михаил Васильевич Слюдин содда, ақлли, хушмуомала ва боодоб одам эди, иннаикейин, Алексей Александрович унинг ўзига хайрихоҳлигини ҳам сезиб юрарди; лекин беш йиллик хизмат фаолиятлари ўрталарига дилкашлик қилишга йўл қўймайдиган ров солиб қўйган эди.

Алексей Александрович қорозларга қўл қўйгандан кейин Михаил Васильевичга анчагача жим қараб турди, гапиришга бир неча бор чорланди-ю, лекин гапиролмади. Ҳатто айтадиган гапини тайёрлаб ҳам қўйган эди: «Менинг бошимга тушган шўрдан хабарингиз борми?» Лекин гапни ҳар вақтдаги иборалари билан тутатди: «Шундай қилинг, буларни менга тайёрлаб беринг», – деди-ю, чиқариб юборди.

Яқин кўрган иккинчи кишиси доктор эди; у ҳам Алексей Александровичга хайрихоҳ эди; лекин улар аллақачон сўз билан эмас, сўзсиз, икковимизнинг ишларимиз бошимиздан ошиб-тошиб ётибди, шунинг учун шошилиш керак, деб келишиб олган эдилар.

Алексей Александрович аёллар орасидаги дўстлари, улар ичида энг биринчиси ҳисобланган графиня Лидия Ивановна тўррисида ўйламасди ҳам. Ҳамма аёллар, аёл бўлганликлари учун ҳам, Алексей Александровични қўрқитар, кўнглини оздирарди.

ЖХІІ

Алексей Александрович Лидия Ивановнани эсидан чиқариб юборган бўлса ҳам, Лидия Ивановна уни эсидан чиқармаган эди. Алексей Александрович ўз ёнига ўзи қовурилган шу оғир пайтда Лидия Ивановна йўқлаб келиб, хабар қилдирмасданоқ тўтри

кабинетга кирди. У Алексей Александровични бошини қўлларига тираб ўтирган ҳолатда кўрди.

Лидия Ивановна ҳаяжонидан ва тез юрганидан ҳансираб, тез-тез юриб кирди-ю:

– *J'ai fore consigne!*, – деди. – Ҳамма гапни эшитдим! Алексей Александрович! Дўстим! – деб давом қилди, иккови қўли билан унинг қўлини маҳкам қисиб ва кўзларига ўзининг чиройли, ўйчан кўзлари билан тикилиб туриб.

Алексей Александрович қовоғини солиб ўрнидан сал турди-да, қўлини бўшатиб, унга стулни суриб қўйди.

– Балки ўтирарсиз, графиня? Мен ҳеч кимни қабул қилмаяпман, чунки касалман, графиня, – деди-ю, лаблари титраб кетди.

Графиня Лидия Ивановна кўзларини ундан узмай:

– Дўстим! – деб яна такрорлади, шунда қошларининг туташган ери бирдан кўтарилиб пешонасида учбурчак ҳосил бўлди; хунук сариқ юзи яна беш баттар хунуклашди; лекин Алексей Александрович унинг ўзига раҳми келаётганини, йирлаб юборай-йирлаб юборай деб турганини пайқади. Ўзининг ҳам кўнгли бузилиб кетди: графинянинг шишмон қўлини ушлаб, ўпа бошлади.

– Дўстим! – деди графиня Лидия Ивановна, ҳаяжонланиб қалтираган овоз билан. – Куп гам еяверманг. Қайғунгиз зўр, лекин тасалли йўлини топинг.

Алексей Александрович унинг қўлини қўйиб юборди, лекин графинянинг жиққа ёш кўзларига ҳамон тикилиб:

– Мен ҳароб бўлдим, энди нима деган одам бўлдим-а! – деди. – Аҳволимни яна беш баттар ёмонлаштирган нарса шуки, менинг ҳеч қаерда суянчирим йўқ, ҳатто ўзимда ҳам.

¹ Тақдирингизни бузиб қўйдим (франц.).

– Суянадиган куч топасиз, гарчи мен дўстлигимга ишонишингизни илтимос қилсам ҳам, лекин мендан мадад кутманг, – деди графиня Лидия Ивановна хўрсиниб.

– Суянчигимиз – муҳаббатимиз, парвардигор бизга ато қилган муҳаббатдир. Аллоҳнинг бизга юклаган вазифаси енгил, – деди кейин Алексей Александровичга жуда ҳам таниш бўлган шавқ билан. – Парвардигорнинг ўзи сизни қўллайди, кўмак беради.

Графиня ўзининг чуқур ҳисларидан ийиб кетгани унинг бу сўзларидан билиниб турса ҳам яқинда Петербургда расм бўлган серзавқ мистицизм Алексей Александровичга ортиқча туюлса ҳам, бу сўзларни эшитиб ҳузур қилди.

– Мен заиф бир одамман. Мени ерга киргизиб юбордилар. Илгари бундай бўлишига кўзим етмаган эди, ҳозир ҳам ҳеч нарсага ақлим етмайди.

– Дўстим! – деб яна тақрорлади Лидия Ивановна.

– Гап ҳозир қўлдан кетган нарса устида эмас, йўқ, унда эмас, – деди Алексей Александрович, сўзини давом қилдириб. – Бу нарсага ачинмайман. Лекин бошимга тушган аҳволимдан одамлар олдида хижолат тортмай туролмайман. Бу ёмон нарса, лекин уялмасдан туролмайман, ердан бош кўтаролмайман.

Графиня Лидия Ивановна завқ билан кўзларини юқори кўтариб:

– Мени мафтун қилган бу улуғ иш – кечирим сиздан эмас, йўқ, бу ва бошқа нарсалар, қалбимиздан жой олган эгамнинг ўзидан содир бўлган, – деди, – шу сабабли ўз қилмишингиздан хижолат торта олмайсиз.

Алексей Александрович қовоғини солди-ю, панжаларини бузиб, бармоқларини қисирлата бошлади.

– Бутун икир-чикирларигача билиш керак, – деди Алексей Александрович, ингичка товуш би-

лан. – Инсоннинг мадори маҳдуд, графиня, мадорим қуриди. Бутун куним топшириқлар бериш билан ўтди; рўзғор ташвиши энди ёлғиз бошимга тушди, мен ана шу янги вазифани зиммамга юклаган (зиммамга юклаган сўзларига урғу бериб айтди) уй ишлари билан машғул бўлдим. Хизматкорлар, мураббия, счётлар... бу арзимас ғам оташи бағримни куйдириб юборди, ахир чидаёлмадим. Овқат маҳалида... кеча сал бўлмаса овқатни ташлаб кетиб қолардим. Ўғлимнинг менга қандай кўзлар билан қараганига тоқат қилолмадим. У юз берган аҳволнинг маъносини мендан сўрамади, сўрамоқчи бўлди-ю, лекин мен унинг боқишларига чидаш беролмадим. Менга қарашдан қўрқар эди. Лекин бошимдаги шўрнинг ҳаммаси шугина эмас...

Алексей Александрович ўзига олиб келган счётни ҳам тилга олиб ўтмоқчи бўлди-ю, лекин овози титраб кетиб, тўхтаб қолди. Шляпа, ленталар тўғрисидаги бу кўк қорозга ёзилган счётни эслаганда, ўзига раҳми келиб кетарди.

– Тушунаман, дўстим, – деди графиня Лидия Ивановна. – Ҳамма гапга ақлим етади. Ёрдам ҳам, тасалли бериш ҳам менинг қўлимдан келмайди; шундай бўлса ҳам, қўлимдан келса кўмаклашарман деб келдим. Агар сизни таҳқирлайдиган ана ўша майда ташвишлардан халос қилолсам... биламан, бу ишларда хотин кишининг сўзи, хотин кишининг буйруқлари лозим. Бу ишларни менга топширасизми?

Алексей Александрович унинг қўлини сукут билан, миннатдорлик билан қисди.

– Серёжкага икковимиз қараймиз. Рўзғор ишларида унча уқувим йўқ, шундай бўлса ҳам, бу томонини ўз устимга оламан, сизнинг экономаканиз бўламан. Миннатдорлик билдирманг. Буни ўзим қилаётганим йўқ...

– Миннатдор бўлмасликнинг иложи йўқ, ахир.

– Лекин, дўстим, боя ўзингиз айтган умидсизликка берилманг; насронийликнинг: кимки ўзини хор қилса, мартабаси баланд бўлади, деган энг олий қондаси шу, бундан уялиш ярамайди. Менга ҳам миннатдорчилик билдиролмайсиз. Ўзига миннатдорчилик билдиришингиз, Ўзидан кўмак сўрашингиз керак. Ёлғиз Ўзидангина роҳат, тасалли, нажот ва муҳаббат топишимиз мумкин, – деди графиня Лидия Ивановна; кейин кўзларини кўкка кўтариб, ибодат қила бошлади; Алексей Александрович унинг жим бўлиб қолганидан ибодат қилаётганини англаган эди.

Алексей Александрович графинянинг сўзларига индамай қулоқ бериб турди, чунки илгарилари ўзига ёқимсиз туюлган, ортиқча бўлиб кўринган сўзлар энди табиий сўзлар, тасалли берадиган сўзлар бўлиб туюлди. Алексей Александрович бу янги баландпарвоз руҳни ёмон кўрарди. У динга фақат сиёсий нуқтаи назардан қизиқадиган тақводор одам эди: янги таълимот эса баъзи янги изоҳотларга йўл қўйгани, айниқса мунозара ва таҳлилга майдон очиб бергани учун принцип жиҳатидан Алексей Александровичга ёқмас эди. Илгарилари бу янги таълимотга совуқ, ҳатто душманлик кўзи билан қарарди: бу таълимотга берилиб юрган графиня Лидия Ивановна билан ҳеч маҳал мунозарага киришмасдан, унинг даъватларини сукут билан қарши олишга тиришиб келарди. Мана энди унинг сўзларини биринчи марта мамнуният билан эшитиб, кўнглида бу гапларга эътироз этмади.

Графиня Лидия Ивановна ибодатини қилиб бўлгандан сўнг, Алексей Александрович:

– Ғамхўрлигингиз учун, берган тасаллиларингиз учун ҳам сиздан жуда, жуда миннатдорман, – деди.

Графиня Лидия Ивановна дўстининг қўлини бир марта қисди. Бир оз жим тургандан кейин, юзида қолган ёшларини арта туриб:

– Энди ишга киришаман, – деди, кулимсираб. – Серёжанинг олдига бораман. Жуда зарур бўлгандагина сизга мурожаат қиламан, – деди-ю, ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Графиня Лидия Ивановна Серёжа турадиган уйга кирди-да, юраги чиқиб кетган боланинг бетларига кўз ёшларини оқизиб, отасининг авлиё эканлигини, онасининг эса ўлганлигини айтди.

Графиня Лидия Ивановна ваъдасида турди. Чиндан ҳам Алексей Александровичнинг рўзгор ташвишларини ўз устига олди. Лекин рўзгор ишларида уқуви унча эмаслигини айтганда маҳоват қилмаган эди. Ҳамма топшириқларини ўзгартириш керак эди, чунки уларни бажариб бўлмасди; Алексей Александровичнинг мулозими, Корней бу топшириқларни ўзгартириб турар эди; Корней Карениннинг уйини ҳеч кимга сездирмасдан энди бир ўзи тебратиб келар, хўжайинини кийинтириш пайтларида нима кераклигини секин эсига солиб қўяр эди. Шундай бўлса ҳам, графиня Лидия Ивановнанинг ёрдами жуда сезилиб турарди: бу нарса Алексей Александровичга бўлган ҳурмати ва муҳаббати туфайли унга маънавий таянч бўлди; энди у Алексей Александровични чинакам насронийлик йўлига солгани, яъни парвосизлик ва эринчоқлик билан тақво қилиб келган бу одамни кейинги вақтларда Петербургда томир ёйган насроний таълимотининг янги талқинига мустаҳкам ва оташин тарафдор қилиб қўйганини ўйлаб, ўзидан мамнун бўлиб юрарди. Алексей Александровични бу йўлга солиш осон бўлди. Лидия Ивановна ва бу таълимот тарафдорларининг қарашларига шерик бўлган бошқа одамлар сингари, Алексей Александрович ҳам чуқур тасаввур ва руҳий қобилиятдан маҳрум эди; бу руҳий қобилият орқасида тасаввур майдонга келтирадиган тушунча шу қадар ҳақиқатга айланиб

кетардики, булар бошқа тасаввурлар ва воқелик билан ёнма-ён туришни талаб қилардилар. У динсизлар назарида мавжуд бўлган ʻУлимнинг ʻзи учун мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тасавбурида бирон эриш ва ноқобил нарса борлигини кўрмас эди, модомики имони комил экан ва унинг ҳаками ҳам ʻзи экан, кўнглида ҳеч қандай гуноҳ йўқлигини билади, шунинг учун ҳам нажот шу ерда эканлигини сезиб туради.

Ори рост, ʻз имони тўғрисидаги тасаввурининг енгил-елпилигини, нотўғрилигини Алексей Александрович сал-пал сезиб турар, шунинг учун хотинининг гуноҳларини олий куч таъсири билан кечирганини ўйлаб ўтирмасдан тўғридан-тўғри шу ҳисга берилганда, қалбимда Исо яшайди, қорозларга ҳам унинг иродаси билан қўл қўяман, деб ҳар дақиқа ўйлаб турган ҳозирги пайтидан кўра, авваллари ʻзини кўпроқ бахтли ҳис этганини биларди; лекин Алексей Александровичга мана шундай ўй зарур эди; шундай хору зор бўлиб юрган бир пайтида, ҳамманинг нафратига дучор бўлган бу одамга уйдирма бўлса ҳам шундай бир юксаклик зарур эдики, унинг ʻзи ҳам шу юксакдан туриб бошқаларга нафрат кўзи билан қарай олсин, дарҳақиқат у ʻз нажоти, хаёлий нажоти учун шу юксакликда маҳкам тура билди.

XXIII

Графиня Лидия Ивановна жуда хушчақчақ қиз бўлиб, ёшлигида бадавлат, шуҳрати зўр, хотамтой ва ўлғудай бузуқ бир маишатпараст одамга турмушга чиққан эди. Эри бир ойдан ортиқроқ тургандан сўнг графиняни ташлаб кетди-ю, Лидия Ивановна меҳри-муҳаббатини изҳор қилганда, унга фақат истехзо, ҳатто душманчилик билан жавоб қилди; графнинг хотамтойлигини билган ва серзавқ Лидияда ҳеч қандай нуқсон кўрмаган одамлар бу

нарсага ҳеч тушунолмаи қолдилар. Ўшандан бери, гарчи талоқ йўли билан ажрашмаган бўлсалар ҳам, бошқа-бошқа туришар, эри хотинини кўрганда ҳам-миша заҳарли бир истеҳзо билан муомала қилар, сабабини эса яна ҳеч ким билолмай ҳайрон бўларди.

Графиня Лидия Ивановнанинг эрига бўлган ишқи аллақачон совиб кетган бўлса ҳам, ўшандан бери ўзи бошқаларга ошиқ бўлишдан чарчамай келарди. У бирданига бир неча одамни: эркакларни ҳам, хотинларни ҳам яхши кўриб қоларди; бирон масалада номи чиққан одамларнинг қарийб ҳаммасига бирма-бир кўнгил берган. Подшо хонадонига қариндош бўлиб кирган ҳамма янги малика ва шаҳзодаларни яхши кўрган; бир митрополитга, бир викар уламосига, яна битта попга ҳам ошиқ бўлган. Бир журналистга, учта славянга ва Комиссаровга ишқи тушган; бир министрга, бир докторга, бир инглиз миссионерига ва Каренинга кўнгил берган. Бу севгилар гоҳ сусайиб, гоҳ кучайиб турса ҳам, сарой ичида ва киборлар жамиятида жуда кенг томир олган алоқаларини давом эттиришига халақит бермас эди. Лекин Карениннинг бошига шўр тушгандан кейин уни ўзининг ҳимоятига олган дамдан, яъни Каренин уйида унинг роҳатини кўзлаб заҳмат чека бошлаган кундан бери бошқа ҳамма севгилари чин эмаслигини, энди ёлғиз Каренингагина ошиқ эканлигини ҳис қила бошлади. Алексей Александровичга нисбатан юрагида уйронган ҳис бурунги ҳисларидан жуда-жуда кучли туюларди. У ҳозирги ҳисни таҳлил ва ўтган ҳиссига таққос қилиб кўриб, шундай хулосага келдики, агар Комиссаров подшоҳнинг жонини сақлаб қолмаганда, унга кўнгил бермаган бўларди. Агар славян масаласи бўлмаганда, Ристиг – Куджицкийга ишқи тушмаган бўларди, лекин Каренинни эса унинг Каренин бўлгани учун, одам тушуниб бўлмайдиган ажойиб қалби учун.

юрагини илитувчи, ингичка, чўзиқ овози учун, хорфин-толфин боқишлари учун, характери учун, томирлари ўйнаб чиққан юмшоқ, оппоқ қўллари учун яхши кўрарди. Графиня Лидия Ивановна уни кўргани учунгина хурсанд бўлмасди, балки унинг юзидан ўзи қолдирган таассурот изларини қидирар эди. У Алексей Александровичга фақат сўзлари билангина эмас, бутун қадди-қомати, рухсори билан ҳам ёқишни истарди. Графиня Лидия Ивановна фақат уни деб ўзига оро берарди. Бурунлари ҳеч қачон ўзига бу хилда оро берган эмас эди. Гоҳо юрагида: кошки икковимизнинг бошимиз очиқ бўлсайди, деган орзу турилганини пайқаб қоларди. Каренин унинг хонасига кириб келганда, Лидия Ивановна ҳаяжонидан қизариб кетарди, ўзига ширин гаплар айтганда, суюнганидан илжаймай туролмасди.

Графиня Лидия Ивановна мана бир неча кундан бери ҳаяжон ичида яшаб келарди. Аннанинг Вронский билан ҳозир Петербургда эканлигини эшитган эди. Алексей Александровични Анна билан кўришишдан сақлаш, ана шу расво хотин билан бир шаҳарда турганлигини ва ҳар дақиқада кўришиб қолиш эҳтимоли борлигини билиш азобидан сақлаш керак эди.

Лидия Ивановна бу жирканч одамларнинг, яъни у шундай деб атаган Анна билан Вронскийнинг нима қилмоқчи эканликларини таниш-билишлари орқали суриштириб билди-да, улар билан учрашиб қолмасин деб, шу кунларда дўстининг барча хатти-ҳаракатига ўзи кўз-қулоқ бўлиб турди. Графиня Лидия Ивановна бу хабарларнинг ҳаммасини Вронскийнинг ошнаси бўлиш ёш адъютантдан олиб турарди. Лидия Ивановна ёрдами билан концессия олиш умидида бўлган бу ёш адъютант, Вронский билан Анна ишларини битирганликларини, энди эртага жўнаб кетишларини айтди. Лидия Ивановнанинг кўнгли энди жойига туша бошлаган ҳам

эдики, эртаси куни эрталаб унга бир мактубча келтириб беришди; хатни таниб, юрак-пураги чиқиб кетди. Бу Анна Каренинанинг хати эди. Конверт қалин қоғоздан қилинган эди; узунчоқ сариқ қоғоз устида исм ва фамилиясининг бош ҳарфлари катта қилиб ёзилган, хатдан атир ҳиди келиб турарди.

– Ким олиб келди?

– Мусофирхона комиссиянери.

Графиня Лидия Ивановна хатни анча вақтгача ўқиёлмади. Юраги ҳовриққанидан нафаси қисиб қолди. (Унинг шу дарди бор эди.) Ҳушига келгандан кейин французча ёзилган мана шу хатни ўқиди.

«Madame La Comtesse¹, – хатни бевосита ўзингизга ёзишда менга далда берган нарса – қалбингизда тўлиб ётган насронийлик ҳислари эканлигини сезиб турибман. Мен ўғлимдан ажраб бахти қора бўлган хотинман. Жўнашимдан олдин уни лоақал бир марта кўришимга ижозат беришингизни ялиниб-ёлвориб сўрайман. Ўзимни ёдингизга солганим учун мени кечиринг. Мен сизга мурожаат қилялман, лекин Алексей Александровичга эмас, чунки ўзимни эсларига солиш билан бу олижаноб кишига азоб бергим келмайди. Унга дўстлигингизни билганим учун, менинг дардимга тушунасиз, деб ўйлайман. Серёжани менинг олдимга юборасизми ё ўзингиз белгилаган маълум соатда ўзим уйга борайми ёки уйдан ташқарида қачон ва қаерди кўришим мумкинлигини менга хабар қиласизми? Боламни кўрсатиш ихтиёрида бўлган кишининг олижаноблигини билганим учун рад жавоб олишга кўзим етмайди. Ўғлимни кўришга зор-интизор бўлганимни кўз олдингизга келтиролмайсиз, шунинг учун сизнинг ёрдамингиз қалбимда уйғотадиган миннатдорлик ҳиссини ҳам тасаввур этолмайсиз.

Анна.

¹ Графиня (франц.).

Бу хатдаги нарсаларнинг ҳаммаси: мазмуни ҳам, олижаноблик тўғрисидаги ишоралари ҳам, айниқса Лидия Ивановнага бачкана кўринган оҳанги ҳам унинг рашини келтирди.

Графиня Лидия Ивановна:

– Чиқиб айт, жавоб бўлмайди, – деди-ю дарҳол папкасини очиб, Алексей Александровичга уни соат ўн иккидан ошгандан кейин саройдаги табриклаш маросими вақтида кўриш ниятида эканлигини ёза бошлади.

•Муҳим ва қайғули бир масала тўғрисида сиз билан гаплашиб олишим керак. Қаерда гаплашишимизни ўша ерда келишиб оламиз. Меникида гаплашсак яхшироқ бўларди, чойингизни тайёрлатиб қўяман, жуда зарур. Шўр берган ҳам ўзи, куч берган ҳам ўзи, деб қўшиб қўйди, уни бир оз бўлса ҳам суҳбатга ҳозирлаш учун.

Графиня Лидия Ивановна ҳар куни Алексей Александровичга иккитадан-учтадан хат ёзиб турарди. Алексей Александрович билан шу хилда алоқа қилиб туришни яхши кўрарди, чунки бу нарса уларнинг шахсий муомалаларида етишмаган назокат ва зеболик бағишлар эди.

XXIV

Табриклаш маросими тугади. Жўнаётганлар бир-бирлари билан учрашиб, сўнгги янгиликлардан, янги олинган мукофотлардан, катта амалдорларнинг янги ўринларга белгиланганликларидан гапиришаётган эдилар.

Баланд бўйли гўзал бир фрейлина¹ зарбоф мундирли бир мўйсафид чолдан ким қандай ўринга кўчирилганини сўраган эди, у:

¹ Ойим қиз (немс.).

– Графиня Марья Борисовнага – ҳарбий министрликни, штаб бошлиғи лавозимини эса княгиня Ватковскаяга бериб қўйишмасайди, – деди.

Фрейлина кулимсираб:

– Мени бўлса адъютантликка, – деди.

– Сизнинг ўрнингиз тайёр. Сизни диний назоратга юборишади. Сизга ёрдамчи қилиб Каренинни.

Чол олдига келган бир кишининг қўлини қисиб:

– Салом, князь, – деди.

– Каренин тўғрисида бир нима деятувдингларми? – деб сўради князь.

– У билан Путятов Александр Невский орденини олишди.

– Уники бордир деб юрувдим.

– Йўқ, ана, ўзига бир қаранг, – деди чол, гул солинган шляпаси билан Каренинга ишорат қилиб; Каренин шу пайт давлат кенгаشمасининг нуфузли аъзоларидан бири билан зал эшигида тўхтаб турган эди; Карениннинг эгнида сарой аҳллари қиядиган мундир, елкасидан ўтказиб тақилган янги қизил лента бор эди. – Бахтли, мамнун, баайни мис чақадек, – деб қўйди кейин чол; паҳлавон қоматли навқирон камергернинг қўлини қисгани тўхтаб.

– Йўқ, қариб қолибди, – деди камергер.

– Ташвиш қўп-да. Ҳозир лойиҳа ёзишдан бош кўтармайди. Моддама-модда ҳаммасини айтиб бермагунча, энди у бояқишни қўйиб юбормайди.

– Нега қариб қолди, дейсиз? Il faut des pessions¹. Чоғимда, графиня Лидия Ивановна ҳозир уни хотиндан ҳам кунлаб юради.

– Йўр-э! Графиня Лидия Ивановна тўғрисида ноҳўя гаплар қилманг, барака топкур.

– Ия, Каренинни яхши кўриб қолганини айтиш ҳам ноҳўя бўладими?

– Ростдан ҳам Каренина шу ерда эмишми?

¹ Ютуқлари зўр (франц.).

– Яъни бу ерда, саройда эмас, Петербургда. Кеча кўрдим, Денгиз кўчасида Алексей Вронский билан bras dessus, bras dessous¹ юрган экан.

– C'est un homme qui n'a pas...², – деб камергер гап бошлаган эди, дарров тўхтаб, ёнидан ўтиб кетаётган подшо хонадонига мансуб одамга таъзим билан йўл берди.

Одамлар нуқул Алексей Александровичдан кулиб, уни шу тахлитда қоралаб гапиришарди; Алексей Александрович бўлса, бу орада давлат кенгашмаси аъзосининг йўлини тўсиб олиб, ўзи тузган молия лойиҳасининг моддаларини жағи-жағига тегмай тушунтирар, у одамни қўлдан чиқариб юбормасликка уринарди.

Хотини ташлаб кетгандан кейин айни бир вақтда Алексей Александровичнинг бошига яна бир қайғу тушди; хизмат кишисини ёмон қайғуга соладиган бу ҳодиса – мартаба поронасида кўтарилмай туриб қолишдан иборат эди. Юқорига кўтарилмай туриб қолганини ҳамма кўриб турса ҳамки, ҳали у нуфузининг тутаганини сира тан олмасди. Стремов билан тўқнашгани сабаб бўлдимиз, ё хотини туфайли бошига тушган шўримиз ёнгики, соддача Алексей Александрович ўзига насиб буюрган мартабага эришиб бўлдимиз, ҳар ҳолда, шу бу йил унинг хизмат мартабаси тутагани ҳаммага ойдай равшан бўлиб қолди. У ҳали эътиборли ўринда эди, кўп комиссиялар ва комитетларда аъзо эди; лекин у соб бўлган эди, бундай одамдан ортиқ ҳеч нимани умид қилиб бўлмас эди; нимаики демасин, нимаики таклиф қилмасин, унинг гапларига гўё сиз таклиф қилаётган нарсалар аллақачон ҳаммага маълум бўлган кераксиз нарсалар, дегандек қулоқ солишарди.

¹ қўл ушлашиб (франц.)

² Бу шундай одамки, унда йўқ... (франц.)

Алексей Александрович бу аҳволини сезмасди, аксинча, давлат фаолиятига тўғридан-тўғри қатнашиш имкониятидан четлаштириб қўйилганига қарамай, бошқаларнинг фаолиятидаги камчилик ва хатоларини энди бурунгидан ҳам равшанроқ кўрар ва буларни тузатиш давосини кўрсатишни ўзининг бурчи деб биларди. Хотинидан жудо бўлганидан сўнг, орадан кўп ўтмай, янги суд ҳақидаги биринчи мулоҳазаларини қаламга ола бошлади; унинг бу ёзуви ҳам давлат бошқармасининг барча тармоқлари ҳақидаги ҳеч кимга керак бўлмаган ҳаду ҳисобсиз лойиҳалардан бири эдики, буларни ёзиш Алексей Александровичга насиб қилган экан.

Алексей Александрович хизмат соҳасидаги мушкул аҳволини сезиш, бундан хафа бўлиш у ёқда турсин, ҳатто ҳозирги фаолиятидан ҳар қачонгисидан ҳам мамнун эди.

Саҳобалардан Павел: «Хотини бор одам дунё ташвишини, хотинига манзур бўлиш ташвишини қилади; хотини йўқ одам худони ўйлайди, худого манзур бўлиш вამини ейди», деган эди; ҳамма ишларида ҳадисларни ўзига раҳнамо қилиб олган Алексей Александрович ҳам бу сўзларни тез-тез эсига олиб кўярди. У ўзини хотинидан ажраб қолгандан кейин мана шу лойиҳалари билан худо олдида бурунгидан кўпроқ хизмат қилаётгандек туярди.

Давлат кенгаشمаси аъзосининг сабри тугагани, тезроқ кетиш ҳаракатига тушиб қолгани равшан кўриниб турса ҳам, Алексей Александрович бунга парво қилмасди; аъзо подшо оиласига мансуб шахснинг ўтиб кетаётганидан фойдаланиб жуфттак уриб қолгандан кейингина Алексей Александрович гапдан тўхтади.

Алексей Александрович ўзи ёлғиз қолгандан сўнг фикрини йиғиштириб олиш учун бошини бир оз солиштириб турди-да, теварагига паришонхотирлик

билан бир назар ташлаб олгач, графиня Лидия Ивановнани учратиш умидида эшик томон юрди.

Алексей Александрович, бакенбардини тараб, атир сепиб қўйилган забардаст камергер ва мундири тор келиб қолган бўйни қип-қизил князь ёнидан ўтиши керак эди: «Мунча ҳам булар кучли, тан-жонлари соғ одамлар-а! – деб ўйлади. Кейин камергернинг болдирларига кўз қирини ташлаб, – мана: дунёдаги ҳамма нарса ёвузликдан иборат, деб тўғри айтилган», – деб ўйлади.

Алексей Александрович шошилмасдан оёқларини судраб бориб, ўзи ҳақида гапиришиб турган бу жанобларга одатдагидек ҳорғин қиёфа ва салобат билан таъзим қилгандан сўнг, эшикка қараб кўзлари билан графиня Лидия Ивановнани қидира бошлади.

Каренин чол турган ерга етиб, совуққина қилиб бош эгганда у кўзларини зиндалик билан чақнатиб:

– А! Алексей Александрович! – деди-да, Карениннинг янги олган лентасига ишора қилиб, қўшиб қўйди: – Сизни ҳали табриклаганим ҳам йўқ.

– Қуллуқ, – деб жавоб қилди Алексей Александрович. Кейин одати бўйича «ажойиб» сўзига урғу бериб илова қилди: – бутун қандай ажойиб кун-а!

Уларнинг ўзидан кулганларини Алексей Александрович биларди, шу билан бирга, улардан душманликдан бошқа ҳеч нима кутмасди; у бундай нарсаларга ўрганиб қолган эди.

Алексей Александрович эшикдан кириб келаётган графиня Лидия Ивановнанинг корсетдан чиқиб турган сариқ елкаларини ва ажойиб, ўйчан кўзларининг имосини кўрди-ю, заха емаган оқ тишларини кўрсатиб кулимсиради, кейин унинг олдига борди.

Графиня Лидия Ивановнанинг пардоз-андози шу кейинги вақтларда расм бўлган одатга кўра кўп вақт оларди. Бундан ўттиз йил муқаддам бошқа мақсадда ўзига оро берса, ҳозир бутунлай бошқа нарсани

назарда тутиб оро берарди. У вақтлар ўзини нима билан бўлса ҳам безашни хоҳлар, қанча кўп безаса, шунча яхши деб биларди. Энди эса, аксинча, ёшига ва қадрига ҳеч муносиб келмайдиган даражада ўзини шундай безаган эдики, у бу безаклар билан ўз қиёфаси ўртасидаги носозлик ортиқча баҳайбат бўлиб кўринмаслиги ғамини еярди. Шунинг учун Алексей Александровичга нисбатан муродига етган ва унга жозибали кўрина бошлаган эди. Графиня Лидия Ивановна унинг учун бирдан-бир ҳусни таважжух ороли бўлиб, шу билан бирга, теварагидаги душманлик ва истеҳзо денгизи ўртасидаги севги-муҳаббат ороли ҳам эди.

Истеҳзоли кўзлар олдидан ўтаркан, ўсимлик нурга интилганидек, у ҳам графиня Лидия Ивановнанинг ошиқ кўзларига, табиий, интилар эди.

Графиня Лидия Ивановна кўзлари билан лентага ишора қилиб:

– Муборак бўлсин, – деди.

У мамнунлик табассумини яширди-ю, бу нарсалар ўзини хурсанд қилмаслигини айтаётгандек, кўзларини юмиб туриб, елкаларини қисиб қўйди. Гарчи Алексей Александрович буни ҳеч вақт бўйнига олмаса ҳам, лекин бу нарса унинг бошини осмонга етказган энг катта қувончларидан бири эканлигини графиня Лидия Ивановна яхши биларди.

Графиня Лидия Ивановна Серёжани назарда тутиб:

– Фариштамиз қалай? – деб сўради.

Алексей Александрович қошларини жийириб, кўзларини кўтарди-да:

– Ундан тўла мамнунман деб айтолмайман, – деди. – Ситников ҳам норози. (Ситников Серёжга дунёвий илмларни ўқитиш вазифаси юкланган педагог эди.) Мен сизга айтиб эдим: унда ҳар бир одамнинг ва ҳар бир боланинг қалбини қамраб олиши керак бўлган муҳим масалаларга аллақан-

дай совуқ муносабат бор. – Алексей Александрович хизмат вазифасидан бошқа бирдан-бир қизикқан масаласи, яъни боласининг тарбияси тўғрисида шу тахлит фикр баён қила кетди.

Алексей Александрович Лидия Ивановнанинг ёрдами билан яна ҳаёт ва фаолиятга қайтгандан сўнг, қўлида қолган ўғлининг тарбияси билан шуғуллашни ўзининг бурчи деб сеза бошлади. У илгари ҳеч вақт тарбия масалалари билан шуғуланмаган эди; шунинг учун Алексей Александрович бир неча вақтини таълим-тарбиянинг назарий масалаларини ўрганишга бағишлади. Антропология, педагогика ва дидактикага оид бир неча китобни ўқиб чиққандан сўнг, Алексей Александрович ўзига тарбия режасини тузиб олди-да, Петербургдаги энг яхши педагогни раҳбарликка таклиф қилиб, ўзи ишга киришиб кетди. Бу иш уни ҳамма вақт мароқлантирар эди.

– Шунақа-ю, лекин қалби-чи? Мен унда отасининг қалби борлигини кўриб турибман, бундай қалбга эга бўлган бола ёмон бўлолмайди, – деди графиня Лидия Ивановна шодланиб.

– Ҳа, эҳтимол... мен ўз бурчимни бажаряпман, холос. Қўлимдан келгани фақат шу.

Графиня Лидия Ивановна бир оз жим қолгандан сўнг:

– Меникига келинг, – деди, – сиз учун қайғули бўлган бир масала тўғрисида гаплашиб олишимиз керак. Сизни баъзи хотиралардан қутқозиш учун жонимни ҳам берардим-у, лекин бошқалар бундай ўйлашмайди-да. Ундан хат олдим. У шу ерда, Петербургда.

Графиня Лидия Ивановна хотинини эслатганда, у бирдан сесканиб тушди, лекин мурданикидек қотиб қолган юзи унинг бу масалада тамоман ожиз эканлигини ифода этарди.

– Шундай бўлишини билардим, – деди Алексей Александрович.

Графиня Лидия Ивановна унга шавқ-завқ билан қаради-да, қалбининг улугворлигидан ҳайратга тушиб, кўзларига ёш олди.

XXV

Алексей Александрович графиня Лидия Ивановнанинг чинни идишлар қўйилган, портретлар осилган кичкина, шинамгина кабинетига кирганда, уй эгасининг ўзи йўқ эди. У кичикларини ўзгартиратган эди.

Юмалоқ столга дастурхон солиниб, хитойи идишлар ва кумуш чойнак келтириб қўйилган эди. Алексей Александрович кабинетни безаб турган ҳалди ҳисобсиз таниш портретларга паришонхотир кўз ташлагандан кейин, стол ёнига ўтириб, устида ётган Инжилни очди. Графинянинг эгнидаги шойи кўйлак шитири эътиборини тортди.

Графиня Лидия Ивановнанинг юзида ҳаяжонли табассум бор эди, у стол билан диван ўртасидан шошиб ўтиб бораётди:

– Мана энди бамайлихотир ўтирамыз, – деди, – чой ичиб ўтириб бир ҳасратлашамиз.

Графиня Лидия Ивановна бир неча сўз билан Алексей Александровичнинг патига сув пуркагандан кейин, бугун олган хатини ҳансираб, қизариб туриб унга узатди.

Алексей Александрович хатни ўқиб чиқиб, узоқ жим қолди. Кейин кўзларини баланд кўтарди-ю, юраксиз бир товуш билан:

– Рад қилишга ҳақим йўқ бўлса керак, деб ўйлайман, – деди.

– Дўстим! Сиз ҳаммани эзгу деб ўйлайсиз!

– Аксинча, мен буни фақат ёмонлик деб биламан.

Лекин рад қилишим инсофга кирадими?..

Алексей Александровичнинг юзидан қарорсизлиги, ўзи англамаган бу ишда кенгаш, кўмак ва раҳнамолик излаётганлиги кўриниб туради.

– Йўқ, – деди графиня Лидия Ивановна, унинг сўзини бўлиб, – ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади. Ахлоқсизликнинг нималигини биламан, – деди яна; у бу сўзларни чин юрагидан айтмади, чунки аёлларни ахлоқсизлик қилишга олиб келадиган сабабларга у ҳеч қачон тушуна олмас эди, – лекин бағритошликка ҳеч ақлим етмайди; тагин кимга денг? Сизга-я! Сиз турган шаҳарда қандай қилиб туради? Йўқ, дунё тургунча тур-у, дунё тургунча ўрган! Мана мен ҳам сизнинг юксақлигингиз-у, унинг тубанлигини англашни ўргаяпман.

Алексей Александрович ўз ролидан мамнун эди шекилли:

– Бўлмаса, биринчи бўлиб ким тош отади? – деди. – Мен ҳамма гуноҳини кечирганман, шунинг учун, унда ўрлини севиш эҳтиёжи бор экан, мен уни бундан маҳрум қилолмайман.

– Лекин шунинг севги деб бўладими, дўстим? Самимий севгимиз-а? Фараз этайлик, сиз кечирдингиз, кечирасиз... лекин бу фариштанинг кўнглига нуқсимизни тегдиришга ҳақимиз борми? Серёжа уни ўлган деб юради. Унинг тўтрисида муножот қилади, худодан гуноҳларини сўрайди... шундай бўлгани маъқул. Билса, энди нима деб ўйлайди?

Алексей Александрович унинг гапларига қўшилди шекилли:

– Мен бу ёғини ўйламабман, – деди.

Графиня Лидия Ивановна юзини қўллари билан тўсиб, жим бўлиб қолди. У муножот қиларди.

Муножот қилиб бўлгандан кейин юзини очиб:

– Агар мендан маслаҳат сўрасангиз, – деди, – бундай қилишга маслаҳат бермайман. Нима, яна қийнала бошлаганингизни, бу нарса яна ярангизни

очганлигини кўрмаяпманми? Хайр, сиз ҳар маҳалгидек, ўзингизни ўйламайсиз, деб фараз ҳам қилайлик, лекин бу ҳаракатингизнинг оқибати нима бўлади? Ўзингизни яна баттар қийнайсиз, болани ҳам азобда қолдирасиз, шундайми? Агар унда одамиятдан заррача қолган бўлса, унинг ўзи шуни ихтиёр қилмаслиги керак. Йўқ, қилча ҳам иккиланмай сизга шу маслаҳатимни бераман, агар менга ижозат қилсангиз, унга ўзим жавоб ёзаман.

Шундай қилиб, Алексей Александрович рози бўлди, графиня Лидия Ивановна қуйидаги французча мактубни ёзди.

«МАРҲАМАТЛИ ХОНИМ АФАНДИ.

Сизнинг хотирангиз ўглингизда шундай саволлар тугдириши мумкинки, бу саволларга жавоб бериш боланинг қалбида унинг ўзи муқаддас деб билган нарсани қоралаш руҳий ҳолатини тугдиради, шунинг учун эрингизнинг рад жавоб беришини насронийлик севгиси руҳида тушунишингизни илтимос қиламан. Оллоҳу таолодан сизга лутфу-карам тилайман.

Графиня Лидия.

Бу хат графиня Лидия Ивановна ўзидан яшириб келган мўлжалга урди. У Аннани қаттиқ ҳақорат қилди.

Алексей Александрович ҳам, графиня Лидия Ивановнаникидан қайтиб келгандан сўнг, шу бугун ўзининг одатдаги ишлари билан шуғуллана олмади, шунингдек нажот топган илгариги художўй кишининг руҳий оромини ҳам тополмади, ҳолбуки у ўзини илгарилари шундай одамман деб биларди.

Хотинининг хотираси Алексей Александровичнинг кўнглини хижил қилмаслиги керак эди, чунки унинг олдида хотинининг гуноҳи кўп эди, ўзи

эса, графиня Лидия Ивановна айтгандек, хотининг олдида пок авлиё бир одам эди; шундай бўлса ҳам кўнгли тинч эмасди: ўқиган китобларига тушунмасди, хотинига бўлган муносабатларини ва унга нисбатан йўл қўйган, энди ўзига ҳам аён бўла бошлаган хатоларини эслаб қийналар, лекин бу ўйларни ҳам миясидан чиқаролмасди. Пойгадан қайтишар экан хотини вафосизлигини бўйнига олганда, буни бир пушаймонлик деб қабул қилганини (айниқса сиртдан одобли кўринишинигина талаб қилиб, дуэлга чақирмаганини) эслаб ич-ичидан эзиларди. Хотинига ёзган хатини эслаши ҳам юрагини қон қиларди; айнақса ҳеч кимга керак бўлмаган афви, бировнинг боласи тўғрисидаги рамхўрлиги қалбини номус ва алам ўтида қуйдириб-ёндирадди.

Анна билан ўтган умрини кўздан бир-бир кечирди, узоқ иккиланиб юргандан сўнг унга оғиз солганда айтган ношуд сўзларини эсларди-ю, ўшандай уялиб пушаймон бўларди.

«Ия, менда нима айб?» – деярди ўзига у. Лекин бу савол унда ҳамини бошқа бир саволни уйротар эди. Бошқалар, бу Вронскийлар, Облонскийлар... бу йўғон болдирли камергерлар бошқача ҳис қилишармикин, бошқача севишармикин, бошқача уйланишармикин, деган саволни уйротарди. Шунда ҳар маҳал ва ҳамма ерда унинг ҳавасини келтирган бу соғлом, кучли, ҳеч нарсадан гумонсирамайдиган одамлар кўз олдидан саф тортиб ўта бошларди. Алексей Александрович бу фикрларини миясидан қувиб, бу ердаги фоний дунё учун эмас, абадий дунё учун яшаётганига, қалбида осойишталик ва севги борлигига ўзини ишонтиришга уринарди. Лекин бу фоний, бачкана дунёда, назарида баъзи бачкана хатолар қилиб қўйгани уни қийнаб келар, ўзи ишониб келган абадий нажот гўё йўқдек кўринарди. Аммо булар узоққа бормасди, Алексей Алексан-

дровичнинг қалбида яна шундай бир осойишта ва юксак ҳислар туғилардики, буларнинг шарофатида у эслагиси келмаган нарсаларни яна эсламайдиган бўларди.

XXVI

Серёжа туғилган кунининг арафасида сайрдан юзлари қизариб, кўнгли чоғ бўлиб қайтди-да, бурма камзулини қари, новча швейцарга узатиб:

– Хўш, нима гап, Капитонич? – деди. Бу узун бўйли киши Серёжага юқоридан кулимсираб қараб турарди. – Нима, томоғини боғлаб олган тўра бутун келдими? Дадам қабул қилдиларми?

– Қабул қилдилар. Ишлар мудир чикиб кетишлари биланоқ кириб хабар қилдим, – деди швейцар хушчақчақлик билан бир кўзини қисиб қўйиб. – Марҳамат, мен ечиб қўяй.

Славян мураббийси ички хоналарга кириладиган эшик оғзида тўхтаб:

– Серёжа! – деб чақирди. – Ўзингиз ечинг.

Серёжа мураббийнинг заиф овозини эшитган бўлса ҳам, лекин эътибор қилмади. У швейцарнинг камарини ушлаб, юзига тикилиб тураверди.

– Хабарингиз бўлди, дадам унга ёрдам қилдиларми?

Швейцар бош ирраб тасдиқлади.

Бўйинини боғлаб юрган бу тўра Алексей Александровичнинг ёнига бир нима сўраб етти марта келган эди; унинг келавериши Серёжа билан швейцарни қизиқтириб қолди. Бир кун Серёжа унинг даҳлизда швейцарга ялиниб: «Кириб айт, ахир, болаларим билан ўлиб кетаверайми!» – деб турганлигини эшитиб қолган эди.

Ана ўшандан кейин Серёжа бу тўрани яна даҳлизда кўриб, нима гаплигига қизиқиб қолди.

– Қалай, жуда хурсанд бўлдимиз? – деб сўради Серёжа.

– Хурсанд бўлиш ҳам гапми? Суюнганидан ир-ғишлаб кетди.

Серёжа бир оз жим тургандан сўнг:

– Бирон нарса олиб келишдимиз? – деб сўради яна.

Швейцар калласини тебратиб, шивирлади:

– Бўлмасам-чи, жаноб! Графинядан келди.

Серёжа швейцар айтган нарсанинг турилган кунига графиня Лидия Ивановнадан келган совға эканлигини пайқади.

– Ростданми? Қани?

– Корней дадангизнинг олдиларига олиб кириб қўйди. Аммо яхши нарса бўлса керак!

– Қанақа, каттами? Шунча келадими?

– Кичикроғ-у, лекин жуда яхши-да.

– Китобми?

– Йўқ, бир нарса, боринг, боринг, Василий Лукич чақиряптилар, – деди швейцар мураббийнинг яқинлашиб келаётган оёқ дупурини эшитиб; кейин ўзининг камарини ушлаб турган ва қўлқопи ярмигача чиқарилган Серёжанинг қўлини бўшатди-да, бир кўзини қисиб қўйиб, калласи билан Лукичга ишора қилди.

Серёжа ўз вазифасини яхши бажарадиган Василий Лукиччи ҳамма вақт эритиб юборадиган ёқимли табассуми билан жилмайди-да, яна боягидай вақтичор бўлиб туриб:

– Василий Лукич, ҳозир бораман, – деди.

Серёжанинг вақти шу қадар чор, бахти шу қадар очилиб кетган эдики, оила қувончини швейцар дўстига айтолмай туrolмади; у бу хабарни ёзги борда ўйнаб юрганида графиня Лидия Ивановнанинг қиз жияғидан эшитган эди. Бу хабар, тўранинг қувончини ва ўзини қувонтирган ўйинчоқни олиб келган кунларига тўғри келганлиги учун ҳам ўз назарида

жуда муҳим эди. Серёжага шу бугун ҳамма шодланиши, вақтичор бўлиши керакдек туюларди.

– Дадамлар Александр Невский орденини олибдилар, эшитдингми?

– Эшитмай бўладими? Аллақачон муборакбод қилиб кетишди-ку.

– Қалай, хурсандмилар?

– Ия, подшонинг марҳаматига ҳам хурсанд бўлмай бўладими! Демак, хизмат кўрсатган, – деди швейцар салобат билан, жиддий қилиб.

Серёжа швейцарнинг ўзи ипидан-игнасигача ўрганиб олган юзига ва ҳамиша фақат пастдан турибгина қараганлиги учун Серёжадан бошқа ҳеч ким кўрмаган мўйсафид бакенбардлари орасида осилиб турган бақбақасига тикилиб, ўйланиб қолди.

– Айтмоқчи, қизинг келмаганига ҳам анча бўлиб қолди, а?

Швейцарнинг қизи балет раққосаси эди.

– Иш кунлари келишга вақти бўлармиди? Улар ҳам ўқишади. Сиз ҳам ўқийсиз, боринг энди, тўрам.

Серёжа хонасига келгандан сўнг, дарс ўқиш ўрнига, олиб келинган нарсаларнинг албатта машина бўлиши кераклиги тўғрисидаги тахминини муаллимга айта бошлади.

– Сиз нима деб ўйлайсиз? – деб сўради Серёжа.

Лекин Василий Лукич соат иккида келадиган муаллимнинг грамматикадан берган дарсини ўргатишдан бошқа нарсани ўйламас эди.

Серёжа иш столида китобини қўлига олиб ўтириб, бирдан сўраб қолди:

– Йўқ, Василий Лукич, менга шуни айтинг. Александр Невский орденидан ҳам каттароғи борми? Эшитдингизми, дадам Александр Невский орденини олибдилар?

Василий Лукич Александр Невскийдан каттароғи Владимир ордени эканлигини айтди.

– Ундан каттаси-чи?

– Ҳаммасидан каттаси – Андрей Первозванний.

– Андрейдан ҳам каттароғи-чи?

– Билмайман.

– Нега билмайсиз? – деди-ю Серёжа, қўлига суяниб олиб, хаёл суриб кетди.

Унинг миясига келган ўйлар хилма-хил, энг мураккаб ўйлар эди. У отам бирдан ҳам Вла тимири, ҳам Андрей орденларини олган бўлса, шунинг учун бутун дарсда ўзини юмшоқроқ тутса, ўзим катта бўлганимда ҳамма орденларни олсам, кейин Андрей орденидан ҳам каттароғини ўйлаб чиқарсам, деб ўйларди. Шундай орденни ўйлаб чиқаришди дегунча, хизмат сингдириб бу орденни олади, улар бунидан ҳам каттароғини ўйлаб чиқаришади, буни ҳам Серёжа дарров хизмат кўрсатиб олиб қўяди.

Вақти ана шундай ўйлар билан ўтиб кетди. Грамматика муаллими келганда эса феълнинг замон ва ўрин ҳоллари тайёр бўлмаган эди, натижада муаллим кўнгли оғриб, жуда хафа бўлди. Муаллимнинг хафа бўлгани Серёжага таъсир қилди. Дарсни тайёрламагани учун ўзини айбдор деб билмас эди; лекин ҳар қанча уринса ҳам, ҳеч бир эвини қилолмасди: муаллим уқтириб турганда, билганига ишонар, тушунгандек бўларди-ю, ёлғиз қолди дегунча, шундай қисқа ва равшан «бирдан» сўзининг ҳаракатни билдирувчи вазият эканига мутлақо тушунмас, уни эсига ҳам келтиролмасди, шундай бўлса ҳам, муаллимни хафа қилиб қўйганига юраги ачишар, унга тасалли бергиси келарди.

Муаллими индамасдан китобга қарай бошлаган пайтда пойлаб туриб:

– Михаил Иванович, сизнинг турилган кунингиз қачон бўлади? – деб сўради.

– Сиз ўз ишингизни ўйласангиз яхшироқ бўларди, турилган кунингиз ақлли одам учун ҳеч қандай

аҳамияти йўқ. Туғилган кунда ҳам, бошқа кунлардаги сингари ишлаш керак.

Серёжа муаллимига, унинг сийрак соқолига, бурнидаги изидан пастроқ тушиб қолган кўзойнақларига диққат билан қараб шундай уйга чўмиб кетдики, муаллимнинг изоҳлари ортиқ қулоқларига кирмай қолди. Серёжа муаллимнинг ўз сўзларини ўйламасдан айтаётганлигини билар, буни оҳангидан сезиб турарди. «Нега улар тил бириктириб олиб бир хилда гап қилишар экан? Нуқул одамни зериктирадиган, кераксиз нарсаларни айтишади, нега мени ўзидан бездиради, нима учун мени ёмон кўради?» – деб Серёжа қайғу билан ўзидан сўрарди-ю, лекин жавоб тополмасди.

XXVII

Муаллимдан сўнг отаси дарс бериши керак эди. Отаси киргунча, Серёжа стол ёнига келди-да, пичоқ ўйнаб ўтириб, хаёлга чўмиб кетди. Серёжанинг яхши кўрган машғулотларидан бири ўйнаб юрган кезларида онасини излаш эди. Ўлим деган нарсага, Лидия Ивановнанинг сўзига ва отасининг тасдиқлаганига қарамай, онасининг ўлганига сира ҳам ишонмасди, ишонмаслигининг яна бир сабаби шу эдики, онасини ўлдига чиқаришгандан кейин, ўйнаб юриб уни топиб олган эди. Ҳар қандай бўлиқ, қадди расо, қорамтир сочли ҳар бир аёл унинг учун она эди. У шундай аёлни кўрганда, юраги шунақаям ийиб кетардики, нафаси бўғзига тикилиб, кўзларига ёш чиқарди. Унга бу аёл ҳализамон ёнига келиб, юзидан пардасини очиб юборадигандек туюларди. Ана шунда онасининг жамоли кўринади, жилмаяди, ўзини қучоқлайди, ҳиди димоққа киради, қўлларининг юмшоқлигини сезади, суюнганидан йирлаб юборади. Бир маҳал кечаси онасининг оёғи-

га кириб ётганда, онаси уни қитиқлаган, ўзи хахолаб кулган, бармоқларига узук таққан оппоқ қўлни тишлаган эди. Онасининг ўлмаганини, онаси ёмон хотин бўлгани (бунга Серёжа ҳеч ишонмасди, чунки онасини яхши кўрарди) учун Лидия Ивановна билан отаси унга шундай деб айтишганини иттифоқо энагасидан эшитиб олгандан кейин ҳам яна аввалгидек онасини қидириб, уни кўришга муштоқ бўлиб юрди. Бутун ҳам ёзги борда сафсар пардали бир хонимни кўрди, у йўлкадан ўзлари томон келаётганда, шу онам эмасмикан деб юраги дукурлаб кетди. У хотин булар ёнига етиб келмасданоқ қаёққадир ғойиб бўлди. Серёжа онасига бўлган меҳр-муҳаббатининг ҳар вақтдагидан ҳам бутун кўпроқ қайнаб-тошганлигини сезарди, шунинг учун ҳам ҳозир, отасини кутиб ўтириб хаёли онасига кетиб қолди-ю, қаламтарош билан бутун стол чеккасини кескилаб ташлади.

- Дадангиз келяптилар, - деди Василий Лукич, унинг хаёлини бўлиб.

Серёжа ўрнидан сапчиб туриб бориб отасининг қўлини ўпди-да, Александр Невский орденини олгани учун суюняптимикан деб юзига тикилиб қаради.

Алексей Александрович ўзининг курсисига келиб ўтирди-да, эски васиятлар¹ китобини олдиға суриб қўйгандан кейин уни оча туриб:

- Қалай, яхши ўйнадингми? - деб сўради. Алексей Александрович, ҳар бир насроний муқаддас тарихни пишиқ билиши керак, деб Серёжага бир неча бор айтган бўлса ҳам, яна ўзи эски васиятлар китобига тез-тез қараб турар, буни Серёжа ҳам сезарди.

Серёжа стулга ўтирди, отаси тақиқлаганига қарамай стулни қимирлатиб туриб:

- Ҳа, жуда яхши ўйнадим, дадажон, - деди. - Наденькани (Наденька Лидия Ивановнаникида тар-

¹ Эски васиятлар - таврот, янги васиятлар - инжил (Тарж.).

бия олиб турган жияни эди) кўрдим. Сизга янги юлдуз беришди, деди. Суюндингизми, дадажон?

– Аввало, стулни қимирлатма, барака топкур, – деди Алексей Александрович. – Қолаверса, гап мукофотда эмас, меҳнатда. Мен шу нарсани тушгунишингни хоҳлардим. Борди-ю, мукофот оламан деб меҳнат қилсанг, шу ниятда ўқисанг, меҳнат оғир бўлади; йўқ, агар, – деярди Алексей Александрович, бир юз ўн саккиз қорозга қўл қўйишдан иборат бўлган шу бутунги дилхун меҳнатни ўз бурчини бажараётганининг бир тимсоли ҳисоблаб, – меҳнатни ҳавас билан қилсанг, ундан ўзингга яраша мукофот топасан.

Отасининг назари остида Серёжанинг суюнч тўла кўзларидаги ўт ўчди, ерга қараб қолди. Отаси ҳамма вақт у билан ўзига таниш бўлган шу оҳангга гаплашарди. Серёжа ҳам алақачонлари бу оҳангга кўникиб кетган эди. Серёжанинг сезишича, отаси у билан ҳар вақт гаплашганда, худди ўзи хаёл қилган бир болага, яъни китобларда бўладиган, лекин Серёжага сира ҳам ўхшамаган болаларнинг бирига қараб гапираётгандек гапирарди. Серёжа ҳам отасининг олдида ўзини ҳамиша китобдаги болага ўхшатиб кўрсатишга тиришарди.

– Гапимга тушунгандирсан, деб ўйлайман? – деди отаси.

Серёжа ўзини отасининг хаёлидаги болага ўхшатиб:

– Ҳа, дадажон, – деди.

Бутунги дарс инжилдан бир неча оятни ёдлаш ва эски васиятларнинг бош қисмини такрорлашдан иборат эди. Серёжа инжил оятларидан озмунча билмас эди, лекин ёддан ўқиб турганда, отасининг чаккаси тик тушган дўнг пешонасига қараб анқайиб қолиб, адашиб кетди-ю, бир хил сўзлар билан тугайдиган бир оятнинг охириги сўзларини бошқа оятнинг олдига қўйиб юборди. Алексей Александро-

вичга ўзининг айтган гаплари ўглининг қулоғига кирмаганлиги аён бўлди, шу сабабдан жаҳди чиқиб кетди.

Алексей Александрович қоворини солиб олиб, Серёжа жуда кўп марта эшитган ва ҳеч вақт эсда олиб қололмайдиган нарсаларни тушунтира кетди; чунки Серёжа учун булар ҳам, «бирдан» сўзининг ҳаракатни билдирувчи вазият экани сингари, равшан бўлса ҳам, лекин эсида олиб қололмасди. Серёжа кўрқув тўла кўзлари билан отасига тикилиб, фақат бир нарсанигина: отам айтган нарсаларини такрорлаттирармикан ё йўқмикан, дебгина ўйларди, чунки отаси баъзи маҳаллар шундай қиларди. Бу ўй Серёжани шунчалик кўрқитиб юбордики, ортиқ ҳеч нима тушунмай қолди, лекин отаси такрорлатмади. Эски вазиятлар дарсига ўтди. Серёжа воқеаларни яхши айтиб берган бўлса ҳам, лекин баъзи воқеалар оқибати нима бўлди деган саволга жавоб беролмади, чунки шу дарс туфайли бир қур жазоланганига қарамай ҳамон ҳеч нарса билмасди. Тўфондан илгариги анбиёлар ҳақида гапириши керак бўлган маҳалда, оғиз очолмай, ямланиб столни кескилаб, стулни қимирлата бошлади. Улардан осмонга тирик олиб чиқиб кетилган Идрисдан бошқа ҳеч кимни билмасди. Илгарилари уларнинг оталарини биларди, лекин энди ҳаммаси эсдан чиқиб кетган, чунки Идрис қадимги анбиёлар ичида энг яхши кўргани эди: ийнайкейин, Идриснинг тириклайин осмонга олиб чиқиб кетилгани тўғрисида миясида бир қатор фикрлар пайдо бўлган эди. У ҳозир отасининг соатидаги занжирга ҳамда ярмигача қадалган жилеткасининг тугмаларига тиниб қолган кўзларини тикиб ўша фикрларга берилиб ўтирган эди. Ҳадеб қулоғига қуя берсалар-да, Серёжа ўлимга мутлақо ишонмасди. У ўзи севган одамларнинг ўлишига, айниқса бир кун ўзининг ҳам

ўлишига ишонмасди. Назарида, бу ҳеч бўладиган ва ақлга сирадиган нарса эмас эди. Шундай бўлса ҳам, унга ҳамма ўлади дейишарди; бу нарсани ўзи ишонадиган одамлардан ҳам сўраб кўрди, ҳаммаси тасдиқлади; анча малол келиб бўлса-да, энагаси ҳам шундай деди. Лекин Идрис ўлган эмас, демак ҳамма ҳам ўлмайди. Серёжа: «Нима учун ҳамма ҳам Идрисга ўхшаш худо олдида хизмати сингиб, тириклайин осмонга олиб чиқиб кетилмас экан?» – деб ўйларди. Ёмонлар, яъни Серёжа яхши кўрмайдиганлар, майли ўлаверсин, лекин яхшиларнинг ҳаммаси Идрис сингари тирик қолсин.

– Хўш, қанақа анбиёларни биласан?

– Идрис, Юнус...

– Ие, буни боя айтдинг-ку! Ёмон, Серёжа, жуда ёмон. Агар насроний учун ҳамма нарсадан ҳам зарур бўлган нарсаларни билиб олишга тиришмасанг, – деди отаси ўрнидан кўзғалиб, – у ҳолда сени нима қизиқтириши мумкин? Сендан рози эмасман, Пётр Игнатъич ҳам (бош педагог шу киши эди) рози эмас... сени жазолашга мажбурман.

Отаси билан муаллими Серёжадан норози эди, чунки чиндан ҳам у ёмон ўқирди. Лекин уни асло қобилиятсиз деб бўлмасди. Аксинча, муаллими Серёжага ибрат қилиб кўрсатган болалардан у анча қобилиятли эди. Отасининг назарида эса ўқитилаётган нарсаларни ўқигиси келмасди. Ҳақиқатан ҳам, бу нарсаларни ўқий олмасди. Шунинг учун ўқий олмасдики, қалбида отаси билан муаллими пеш қилаётган нарсалардан муҳимроқ талаблар бор эди. Бу талаблар ўргатилаётган нарсаларга хилоф бўлгани учун тарбиячилар билан очиқ-ошкор курашиб келарди.

Серёжа тўққизга кирган ёш бола эди; шундай бўлса ҳам ўз қалбини билар, қадрига етар, қовоқлар кўзни сақлагандек, у ҳам қалбини сақлар ва севги калитисиз келганларни қалбига қўймас эди. Тар-

биячилари уни ўқигиси келмайди деб зорланишарди-ю, лекин қалби илмга чанқоқ эди. У эса бу илми Капитоничдан, энагасидан, Наденькадан, Василий Лукичдан ўрганар, лекин муаллимларидан эмас. Отаси билан муаллими ўз тегирмонлари чархига оқиб келишини кутган сув алақачон сизиб ўтиб, бошқа ерда иш олиб борарди.

Отаси Серёжани Лидия Ивановнанинг жияни Наденьканинг олдига юбормади – унга берилган жазо шу бўлди; лекин бу жазо Серёжага қўл келди. Василий Лукич хушвақт экан, шамол тегирмонни қилишни ўргатди. Бутун оқшом иш билан ўтди, қанотларига қўлим билан осилиб олиб ё ўзимни боғлаб қўйиб бемалол айланадиган шунақа тегирмонни қандай қилсам бўлар экан, деган орзу хаёлини банд қилди... Онаси кечқурун Серёжанинг эсига тушмади, лекин ўрнига кириб ётар-ётмас яна онасини эслаб, ўз сўзлари билан муножот қила бошлади. Онам эртага, турилган кунимга ўзини яширмай келсин, деб муножот қиларди.

– Василий Лукич, биласизми, мен ҳисобдан ташқари нима тўғрисида муножот қилдим?

– Яхшироқ ўқиш тўғрисида.

– Йўқ.

– Ўйинчоқ тўғрисида.

– Йўқ, тополмадингиз. Жуда аломат, лекин сир? Ўйлаганим келсин, кейин айтаман. Тополмадингиз-а?

– Йўқ, тополмадим. Ўзингиз айтнинг, – деди Василий Лукич жилмайиб. У камдан-кам куларди. – Бўлди энди, ётинг. Шамни ўчираман.

– Ҳар вақт кўриб, тилаб юрган нарсамни шамсиз аниқроқ кўраман. Сиримни очиб қўйишимга сал қолди-я! – деди Серёжа шарақлаб кулиб.

Шамни олиб чиқиб кетишганда, Серёжа онасининг келганини, шарпасини сизди. У бошида туриб,

Серёжани меҳр билан эркаларди. Кейин тегирмон, пичоқ пайдо бўлди-ю, ҳаммаси аралашиб кетиб, ўзи ухлаб қолди.

XXVIII

Вронский билан Анна Петербургга келиб, энг яхши мусофирхоналардан бирига қўнишди. Вронский пастки қаватда – алоҳида номерга, Анна эса устки қаватда – тўрт хонали каттакон номерга бо-ласи, энагаси ва хизматкор қизи билан тушди.

Келган кунлари Вронский акасининг олдига борди.

У ерда онасини ҳам кўрди; онаси бир иш билан Москвадан келган эди. Онаси билан келинойиси уни одатдагича кутиб олишди; чет элдаги саёҳатла-ридан сўрашди, умумий танишлар тўғрисида гапла-шишди, лекин Анна билан бўлган алоқаси тўғрисида оғиз очишмади. Акаси эса эртасига эрталаб Врон-скийнинг олдига келиб, Аннадан гап очди; Алексей Вронский, Аннага ўз аҳди никоҳимдаги хотиндай қарайман, деб гапнинг очиғини айтди; Аннанинг талоқ олишига умидворлигини, ана шундан кейин унга уйланишини, унгача Аннани ҳам ҳар қандай бошқа хотин сингари ўз хотини деб ҳисоблаганини сўзлаб, онасига ҳам, келинойисига ҳам шундай деб айтиб қўйишини илтимос қилди.

- Киборлар жамиятига манзур бўлмаса бўлмас, менга бари бир, - деди Вронский, - лекин жигар-ларим мен билан қариндошлик алоқасида бўлишни хоҳлашса, улар ҳам хотиним билан шундай алоқада бўлишлари керак.

Укасининг мулоҳазаларига ҳамма вақт ҳурмат би-лан қараб келган акаси, бу масалани жамият ҳал қил-магунча унинг ҳақми, ноҳақми эканлигини яхшироқ би-ла олмас эди; ўзи эса бунга қарши эмасди, шунинг учун Аннанинг ёнига Алексей билан бирга кирди.

Вронский акасининг олдида ҳам, ҳамманинг олдидаги сингари Аннани сизлаб, унга энг яқин танишдай муомала қиларди, лекин уларнинг алоқасидан акасининг воқифлиги назарда тутилди; гап Аннанинг Вронский мулкига бориши ҳақида кетди.

Вронский, киборлар жамиятидаги бой тажрибасига қарамай, ҳозирги янги аҳволига тушиб, чалриб қолган эди. Киборларнинг эшиги ўзи билан Анна учун ёпилиб қолганлигини тушуниш керак эди; лекин ҳозир мясида, бундай нарсалар фақат эски замонларда бўларди, ҳозирда, яъни тараққиёт жуда тез равнақ топиб кетаётган бир пайтда (ҳар қандай тараққиётга тарафдор бўла бошлаганини ҳозир ўзи ҳам сезмасди), жамиятнинг қараши ҳам ўзгарган, шунинг учун уларнинг жамиятга қўйилиш-қўйилмаслик масаласи ҳали ҳал бўлмаган, деган алақандай дудмал мулоҳазалар пайдо бўла бошлади. «Албатта, сарой аҳллари Аннани яқинларига йўлатишмайди, – деб ўйларди Вронский, – лекин яқин одамлар бу нарсани лойирича тушунадилар ва тушунишлари керак ҳам».

Вазиятингни ўзгартиришингга ҳеч нима халақит бермаслигини билсанг, оёқларингни йириштириб бир неча соат ўтиришинг мумкин; лекин биров оёқларини шундай йириштириб ўтиришга мажбурлигини билса, дарров оёқлари увишади, томирлари тортишади, кейин у боп жойини қидириб оёқ узатишга тиришади. Жамиятга нисбатан ҳам Вронский ўзини шу аҳволда сезарди. Киборлар эшиги ўзлари учун ёпилиб қолганини билса ҳам, улар энди ўзгармасмикан, ўзларини ораларига қўшармикан, деб билгиси келарди. Лекин у тез орада киборлар эшигининг фақат ўзи учун очиқлигини, аммо Анна учун ёпиқлигини пайқаб қолди. Мушук-сичқон ўйинидаги сингари, унинг учун кўтарилган қўллар Анна келди дегунча дарров пастга тушиб қоларди.

Петербург киборлар жамиятида Вронский кўрган хонимлардан бири – амакисининг қизи Бетси бўлди.

– Ниҳоят! – деб қичқирди Бетси уни кўрган соати қувониб. – Анна қани? Жуда шод бўлдим. Қаерга тушдинглар? Ажойиб саёҳатларингиздан кейин бизнинг Петербург кўзларингизга қандай хунук кўринаётганлигини тасаввур қиламан: Римда роҳат ичида ўтказган ойингизни кўз олдимга жуда яхши келтираман. Талоқ масаласи нима бўлди? Бу нарсаларни тўриладиңларми?

Вронский талоқ масаласининг ҳали ҳам ҳал бўлмаганини билгандан кейин Бетсининг ҳафсаласи пир бўлиб қолганлигини сезди.

– Мени тошбўрон қилишади, биламан, – деди Бетси, – лекин, шундай бўлса ҳам, Аннани кўргани бораман; ҳа, албатта бораман. Яқин-ўртада кетиб қолмайсизларми?

Бетси шу кунни Аннани кўргани келди; лекин гапларининг оҳанги бурунгидан бутунлай бошқача эди. Афтидан, Бетси ўз журъатидан фахрланаётгандек, Аннага, бу дўстлигимнинг қадрига ет, деяётгандай эди. Бетси ўн дақиқадан ортиқ турмади, киборлар орасидаги янгиликлардан гаплашиб ўтирди, кейин кетаётганда:

– Қачон талоқ олишингизни менга айтмаган эдингиз, – деди. – Мен-ку, фараз этайлик. бунга парво қилмасман, лекин уйланмагуналарингизча бошқалар қўлларини бигиз қилиб кўрсатишади сизларни. Ҳозир ҳам аҳвол шунақа. *Ça se fait!*¹ Шундай қилиб, жума кунни жўнаймиз, денглар? Аттанг, энди кўришолмас эканмиз-да.

Бетсининг гап оҳангидан Вронский киборларнинг узига қандай қарашини пайқаб олса бўларди; лекин бу тўтрида оиласини ҳам синаб кўрмоқчи

¹ Одатда шунинки бўлади (франц.)

бўлди. Онасидан умиди йўқ эди. Онаси Анна билан биринчи марта танишганда, унга жуда меҳри тушиб қолган эди: энди эса ўралимнинг мартабасини тушириб юборди деб уни кўришга кўзи йўқлигини Вронский биларди. Аммо бутун умиди Варяда, келинойисида эди. Вронский Варя лаънат тошини отмайди, соддача бориб, Анна билан кўришади, уни ўз уйида қабул қилади, деб ўйларди.

Вронский келган кунларининг эртасига акасиникига борди-ю, келинойисини ёлғиз топиб, тиланини очиқ айтди.

Келинойиси унинг гапларини эшитгандан кейин:

– Сени қандай яхши кўрганлигимни, сен учун жонимни беришга ҳам тайёрлигимни ўзинг биласан, Алексей, – деди. – Лекин сенга ҳам, Анна Аркадьевнага ҳам ҳеч қандай наф етказолмаслигимни билганим учун нафасим ичимда юрибди, – деди яна, «Анна Аркадьевна» сўзларини айниқса бўрттириб айтишга тиришиб. – Зинҳор мени қоралаяпти деб ўйлама, ҳеч қачон қораламайман; Аннанинг ўрнида мен бўлсам, эҳтимол, шундай қилар эдим. Мен бу нарсаларнинг маънисига бормамайман, бу нарса кўлимдан келмайди ҳам, – деди, Вронскийнинг қош-қовоқлари тушиб кетган юзига қўрқа-писа қараб туриб. – Лекин ҳар қандай нарсани ўз исми билан аташ керак. Сен Анна Аркадьевнанинг олдига боришимни, уни қабул қилишимни ва шу билан уни жамият кўзида оққа чиқаришимни хоҳлайсан, лекин тушунишинг керак, бу нарса кўлимдан келмайди. Қизларимнинг бўйи етиб қолаёзди, иннайкейин, эрим учун ҳам киборлар орасида бўлишим керак. Хайр, Анна Аркадьевнанинг олдига бордим ҳам, бари бир, мен уни ўзимникига чақиролмаслигимни ёки бу масалага бошқа кўз билан қарайдиганлар билан уни учратмасликка ҳаракат қилишим керак-

лигини ўзи тушунади; бу ҳаракат, албатта, нафсини оғритади. Мен уни турғизиб қўёлмайман...

- Ҳа, мен уни сиз уйингизда қабул қилаётган юзларча хотинлардан ҳам тубанлашиб кетган деб ҳисоблайман! – деб Вронский яна ҳам қовоқларини осилтириб, унинг сўзини бўлди-да, келинойисининг қарори қатъий эканлигини пайқаб, индамасдан ўрнидан турди.

- Алексей! Менга жаҳдинг чиқмасин. Тушунгин, айланай, менда айб йўқ, – деди Варя, юраксизлик билан унинг юзига жилмайиб қараб.

Вронский ҳамон қовоқларини осилтириб:

- Сенга жаҳдим чиқаётгани йўқ, – деди. – Менга икки нарса алам қилади, холос. Менга алам қилаётган бир нарса шуки, дўстлигимиз бузиляпти. Дўстлигимиз бузиламайди деб фараз қилайлик, лекин орага совуқлик тушади. Бу нарсага мен бошқача қарай олмаслигимга ўзинг ҳам тушунасан.

Вронский шу сўзлардан кейин чиқиб кетди.

У бундан кейинги ҳаракатлари беҳуда кетишини ва ўзини жуда ёмон қийнайдиган дилзорликларга, ҳақоратларга учрамаслик учун шу бир неча кунини Петербургда, худди бегона шаҳарда тургандек ўтказишга ва эски таниш-билишларидан ўзларини олиб қочишга мажбур эканлигини англади. Петербургда уларни ноқулай аҳволга тушириб қўйган энг катта сабаблардан бири шу эдики, Алексей Александрович ва унинг номи оғиздан тушмас эди. Бирон гап йўқ эдики, у охирида Алексей Александровичга бориб тақалмасин, бемалол бориладиган бирон жой йўқ эдики, у ерда Алексей Александровичга дуч келинмасин. Бармоғи оғриб турган одамга шу касал бармоғини ҳадеб бир нарсага уриб олаётгандек туюлгани сингари, Вронскийга ҳам ҳар ҳолда шундай туюларди.

Шу кунларда Аннанинг алақандай янги, ўзи тушунмайдиган бир кайфиятда юрганлигини кўргани учун Петербургдаги кунлари Вронскийга яна ҳам оғирроқ ботарди. Анна гоҳ унга ошиқ кўринар, гоҳ совиб, тажанглашиб, тумтайиб оларди. Анна нимадандир эзилар, Вронскийдан нималарнидир яширар, Вронскийнинг ҳаётини заҳарлаётган ва нозик идрок эгаси бўла туриб, ўзи учун ҳам азобли бўлган ҳақоратларни пайқамаетгандек кўринарди.

XXIX

Аннанинг Россияга қайтишдаги мақсадларидан бири – ўғлини кўриш эди. Италиядан жўнаб кетган кунидан бери боласини кўриш фикри уни ҳаяжонлантириб келарди. Петербургга яқинлашган сари ўғлининг дийдорини кўриб қувониши кўз олдига келар, бунинг аҳамиятини тушунарди. У ўзига болам билан қандай қилиб кўришар эканман деган саволни бермас эди ҳам. Боласи билан бир шаҳарда бўлганда, уни кўриш ҳеч қандай қийинчилик турдирмайдиган оддий нарса бўлиб туюларди, лекин Петербургга келгандан кейин жамият орасидаги ҳозирги аҳволи бирдан кўз олдида равшан бўлди-ю, боласини кўриш осон эмаслигини англади.

Анна Петербургда икки кундан бери турарди. Ўғли бир зум ҳам хаёлидан кетмаган бўлса-да, лекин уни ҳали кўрмаган эди. Тўғридан-тўғри уйга борса, Алексей Александрович билан учрашиб қолиши мумкин эди, лекин Анна бундай қилишга ўзини ҳақсиз деб ҳисобларди. Уни уйга киргизмасликлари, таҳқир этишлари мумкин эди. Эрига хат ёзишни, у билан алоқа боғлашни ўйлашнинг ўзи унга азоб берар: эрини ўйламаган кезлардагина у тинч бўла оларди. Ўғлининг қачон ва қаерга ўйнагани чиқишини пойлаб кўриб олай деса, бу унга оз-

лик қиларди. У боласини кўришга шунчалар муштоқ бўлган, унга айтадиган гаплари шунчалик йиғилган, уни кучоқлаш, ўпиш ташналиги юрагини шунчалар тўлдирган эдики, юрагининг ярасига фақат Серёжанинг қари энагасигина малҳам бўлиши, унга йўл кўрсатиши мумкин эди. Аммо у ҳозир Алексей Александровичнинг уйида эмасди. Мана шу иккиланишлар ва энагани излашлар билан икки кун ўтиб кетди.

Анна, Алексей Александровичнинг графиня Лидия Ивановна билан қалин эканлигини билиб, учинчи кунни ўзини зўрлаб бўлса ҳам хат ёзишга қарор қилди ва хатида ўғлини кўриш ижозати эрининг олижаноблигига боғлиқ эканлигини жўрттага қайд қилиб ўтди. Хатни кўрсатишса, эри яна олижаноблигини кўрсатиб, илтимосини рад қилмаслигини биларди.

Хатни олиб борган киши Анна сира ҳам кутмаган шафқатсиз жавоб билан келди: жавоб бўлмайди, деди. Анна хатни олиб борган кишини чақириб, ундан ташқарида сарғайиб кутганлигини, охир: «ҳеч қандай жавоб бўлмайди», деб айтишганини эшитганда, ўзини шу қадар ҳақир ҳис қилдики, ҳеч маҳал бундай ҳолга тушмаган эди. Анна ўзининг хўрланганлигини, ҳақирланганлигини сезиб турса-да, лекин графиня Лидия Ивановнанинг ҳам ўз нуқтаи назарича ҳақли эканини ҳам тан оларди. Ўзининг ёлғизлиги ҳасратига ҳасрат, қайғусига қайғу қўшарди. У юрагидаги ҳасратларини Вронскийга айтолмас, айтишни истамасди. Ўғлини кўриш масаласи унга, ўз бахти қоралигининг бош сабабчиси бўлган Вронскийга энг аҳамиятсиз нарса бўлиб кўринишини Анна биларди. Юрагидаги доғу ҳасратни тушунишга унинг ҳеч маҳал қодир эмаслигини биларди. Бу ҳақда сўз очилганда Вронскийнинг совуқ гап қилиши орага совуқлик туширишини биларди. Анна дунёдаги ҳамма нарсалардан кўра бу нарсадан кўпроқ қўрқар, ўғлига тааллуқли нарсаларни шу сабабли ундан яшириб келарди.

У эртадан кечгача уйда ўтириб, ўғлини кўриш чораларини қидирди, охир эрига хат ёзишга қарор қилди. Лидия Ивановнанинг жавобини олиб келишганда, Анна эрига ёзадиган хатни ўйлаб қўйган эди. Графинянинг сукути уни инсофга келтирган, ўзича ром қилган бўлса ҳам, лекин хат сатрлари замиридаги маъно уни шу қадар ларзага келтирди, графиня хатидаги кину адоват ўзининг ўғлига бўлган эҳтиросли, қонуний меҳру муҳаббатга нисбатан шу қадар пасткаш кўриндики, бошқаларга разаби қайнаб, ўзини айбламай қўйди.

•Бу совуқ муомала риёкорлик, – деярни ўзича Анна. – Улар мени ҳақорат қилишса-ю, боламни азоблашса-ю, мен бунга қараб тураманми? Ҳеч-да! Графинянинг ўзи мендан баттар. Лоақал мен ёлгон гапирмайман-ку! Шундан кейин Анна эртагаёк, Серёжанинг туғилган кунидаёқ тўғри эрининг уйига боришга, одамларни сотиб олишга, алдашга, ҳар нима бўлса ҳам ўғлини кўришга ва бечора боланинг миясига қўйиб келинаётган хунук ёлгонларни барбод этишга аҳд қилди.

Анна ўйинчоқ дўконига борди. Ўйинчоқлар сотиб олди, кейин хатти-ҳаракат режасини ўйлади. У эрталаб соат саккизларда, ҳали Алексей Александрович турмаган пайтда, барвақт боради. Қўлида пул бўлади, бу пулларни швейцар билан лакейга беради, улар буни уйга киргизишади, юзидан пардасини очмай, мени Серёжани чўқинтирган отаси табриклашга юборди, ўйинчоқларни ҳам бола каравоти ёнига қўйишни топширди, деб айтади. У фақат ўғлига айтадиган сўзларнигина ўйлаб қўймади. Бу ҳақда ҳар қанча ўйлаган бўлса ҳам, ҳеч бир қарорга келмаган эди.

Эртасига эрталаб соат саккизда Анна извошдан бир ўзи тушди-да, илгариги уйининг катта зинаси олдидан эшик қўнғирогини чалди.

Ҳали лавозимат кийимларини кийиб улгурмаган Капитонич эгнида пальто, оёқларида калош билан келиб деразадан қаради-да, эшик олдида юзида парда тутиб турган хонимни кўриб:

– Битта хоним турибди, чиқиб сўра-чи, нима керак экан, – деди.

Швейцарнинг ёрдамчисини Анна танимас эди; бу ёш йигит эшикни очар-очмас, Анна лип этиб ичкари кирди-ю, муфтасидан уч сўмлик қороз пулни чиқариб, дарров қўлига тутқазиб қўйди.

– Серёжа... Сергей Алексеевич, – деб Анна ичкарига ўзини урган эди, швейцар ёрдамчиси пулга қараб, уни иккинчи ойнабанд эшик ёнида тўхтатди.

– Ким керак эди? – деб сўради.

Анна унинг сўзларини эшитмади, жавоб ҳам бермади.

Номаслум хонимнинг саросимага тушиб қолганлигини кўриб, Капитоновичнинг ўзи борди-да, Аннани эшикдан киргизиб, нима кераклигини сўради..

– Мени Сергей Алексеевич олдида князь Скородумов юборди, – деди Анна.

Швейцар Аннага диққат билан разм солиб:

– Ҳали турганлари йўқ, – деди.

Анна ўзи тўққиз йил турган уйнинг даҳлизидаги сира ҳам ўзгармаган анжомларнинг ўзига шу қадар кучли таъсир қилишини ўйламаган эди, қувончли ва қайғули хотиралар юрагида бирин-кетин уйғона бошлади, шунда Анна нега ўзининг бу ерда эканлигини бир лаҳзагина унутиб қўйди.

Капитонич Аннанинг эгнидан пўстинчасини ечира туриб:

– Кутадиларми? – деб сўради.

Капитонич пўстинчани ечириб олгандан сўнг Аннанинг юзига бир қаради-ю, таниб жимгина таъзим қилди.

– Марҳамат қилсинлар, хоним афанди, – деди Капитонич унга.

Анна бир нима демоққа чоғланди-ю, лекин товуш чиқаришга қурби келмади; чолга ёлвориб турган айбдор кўзлар билан бир қараб қўйиб, тез, енгил одимлар билан зина томон юриб кетди. Капитонич икки букилиб олиб, калошларини зина поғоналарига илаштира-илаштира ундан ўзиб кетмоқчи бўлиб орқасидан гизиллаб борарди.

– Муаллими ўша ерда, кийинмаган чиқар. Айтиб қўяй.

Анна чолнинг нима тўғрисида гапираётганини тушунмай, таниш зинадан чиқиб борарди.

– Бу ёққа, чап томонга буюрсинлар. Кечирадилар, бу ёқ унча тоза эмас. Улар ҳозир илгариги диванли хонада турадилар, – деди швейцар ҳансираб. – Бир оз сабр қилсинлар, хоним афанди, мен қараб чиқсам, – деди-ю, Аннадан ўтиб кетди, баланд эшикни ёпиб, ичкарида ўйиб бўлди. Анна ташқарида кутиб турди. Швейцар чиқиб: – Ҳозиргина уйрондилар, – деди.

Швейцар шу сўзларни айтиб турганда, Анна боланинг эснаганини эшитди. Бу эснаш овозининг ўзида ёқ ўғлини таниди ва уни кўз ўнгида кўргандай бўлди.

– Қўйвор, қўйвор, қоч! – деди-ю, Анна, баланд эшикдан ичкарига ўзини урди. Эшикнинг ўнг томонида каравот бор эди, бу каравотда тугмалари ечиб ташланган бир кўйлакчан бола ўрнидан туриб ўтирар, кичкина гавдасини букиб, керишиб эснар эди. Керишиб бўлиб, лаблари бир-бирига қовушганда, бу лабларда ширин уйқу табассуми пайдо бўлди, кейин шу табассум билан ўрнига ётиб, яна роҳат билан қўл-оёғини чўзди.

Анна ўғлининг олдига шарпа чиқармай келди-да, пичирлаб:

– Серёжа! – деди.

Анна ўғлидан айрилган кунларида ва қалби меҳру муҳаббат билан тўлиб-тошган шу сўнгги пайтларда Серёжанинг тўрт яшарлик вақтинигина кўз олди-га келтирар, чунки ўша ёшда Серёжани жуда яхши кўрарди. Ҳозир у ҳатто ўзи ташлаб кетган вақтда-ги Серёжага ҳам ўхшамасди; тўрт ёшли даврида-гидан яна илгари кетган, ўсган, озган эди. Бу ни-маси! Мунча юзи ориқлаб кетибди, мунча сочлари калта! Мунча қўллари узун! Мунча ўзгариб кетиб-ди ташлаб кетгандан бери! Лекин бу ўша ўғли эди, юмалоқ боши ҳам, лаблари ҳам, юмшоқ бўйни ва кенг елкалари ҳам ўшаники эди!

Энди боланинг қулоғи остига келиб такрорлади:

– Серёжа!

У яна тирсакланиб турди, сочлари тўзриган бо-шини, худди бир нима излаётгандек, у ёқ бу ёрига ўтирди, кейин кўзларини очди. Олдида қимир эт-май турган онасига савол назари билан бир неча сония жим қараб турди, кейин бирдан шукуҳ қи-либ кулимсиради-да, юмилиб бораётган кўзлари-ни тагин беркитиб, ўзини ташлади, аммо орқасига эмас, онасига, унинг қучоғига ташлади.

Анна ўғлининг бўлиққина гавдасини қучоқлаб, хансираб туриб:

– Серёжа! Айланай болам! – деб юборди.

Серёжа ҳам, баданининг ҳамма ерини онасининг қўлларига суртиш учун қучоғида талпиниб:

– Ойижон! – деди.

Уйқу аримаган юзида бир табассум билан ҳамон юмуқ кўзлар билан каравот суянчигидан момиқ қўл-чаларини олиб онасининг елкаларига ёпишди, кейин фақат болалардагина бўладиган ёқимли, илиққина уйқу бўйини анқитиб, оғушига кирди-да, юзини она-сининг бўйнига, елкаларига сурта бошлади.

– Билардим, – деди Серёжа, кўзларини очиб. – Бугун турилган куним. Келишингизни билардим. Ҳозир тураман.

Серёжа шу сўзларни айтиб туриб, яна ухлаб кетди.

Анна ташналик билан ўзига тикилиб қолди; ўзи йўқлигида Серёжанинг ўсиб, ўзгариб кетганлигини кўрди. Энди жуда ҳам чўзилиб, адеял тагидан чиқиб турган яланг оёқларини танирди ҳам, танимасди ҳам, озиброқ қолган бу бетларни, гарданидаги калта қилиб қирқилган ва ўзи тез-тез ўпиб қўядиган қўнғироқ сочларни танир эди. Анна унинг сочларини силар, лекин бир нима деёлмасди: кўз ёшлари бўриб қўйган эди.

Серёжа тамоман уйғонгандан сўнг:

– Нимага йиғлаяпсиз ойижон? – деб сўради. Кейин йиғлаамсираб қичқирди: – Нимага йиғлаяпсиз, ойи!

– Менми? Йўқ, йиғламайман... суюнганимдан йиғлаяпман. Қачонлардан бери кўрганим йўғ-а сени! Хўп-хўп, йиғламайман, йиғламайман, – деди Анна, ёшларини ичига ютиб ва юзини тескари ўтириб туриб. Сўнгра, ўпкасини босиб олгандан кейин: – тур, болам, кийинадиган вақтинг бўлди, – деб илова қилди-ю, бир оз жим қолгандан сўнг, ўзлининг қўлларини қўйиб юбормасдан, ўзи каравот ёнидаги стулга ўтирди; стулга Серёжанинг кийимлари тахлаб қўйилган эди.

– Менсиз қандай қилиб кийиняпсан! Қандай... – Анна вақтичоғлик билан соддагина гап бошламоқчи бўлди-ю, лекин гапиролмай, яна юзини тескари ўтириб олди.

– Совуқ сувда ювинмайман, дадам қўймайдилар. Айтмоқчи, Василей Лукични ҳали кўрганингиз йўғ-а? Келади. Вой кийимларим устига ўтириб олибсиз! – деб Серёжа хахолаб кулиб юборди.

Анна ўзига қараб, жилмайиб қўйди.

Серёжа ўзини яна онасининг кучоғига отди, уни яна ачомлаб:

– Ойижон, жонгинам, меҳрибоним! – дея қичқира бошлади. У онасининг жилмайганини кўргандан кейингина ўзининг уйроқлигига ишонгандек бўлди.

– Бу керак эмас, – деди кейин онасининг шляпасини бошидан олиб. Шляпаси олиб қўйилганда, онасини худди янгидан кўраётгандек, яна осилиб ўпа бошлади.

– Қани, менинг тўғримда нималар ўйладинг? Мени ўлган деб ўйладингми?

– Бу гапга ҳеч вақт ишонмаганман.

– Ишонмаганмисан, дўстим?

Серёжа ўзининг яхши кўрган:

– Билар эдим, билар эдим, – деган сўзларини такрорлади-ю, сочларини силаб турган онасининг қўлини ушлади-да, унинг кафтини оғзига босиб ўпа кетди.

XXX

Бу орада Василий Лукнич, уйдаги хонимнинг кимлигини аввал билмаган бўлса ҳам, кейин ўртадаги гап-сўзлардан Серёжани ташлаб кетган она шу эканлигини (Анна кетиб қолгандан кейин хизматга киргани учун уни танимасди) билиб, кираверсамми-йўқми ёки Алексей Александровичга хабар қилсамми, деб иккиланиб турарди. Вазифаси Серёжани маълум вақтда турғизишдан иборат эканлигини ахийри тушунди; у ерда ўтирган хотин онасини ё бошқами, бу билан нима ишим бор, шунинг учун вазифамни бажаришим керак, деган ўй билан кийиниб эшикни очди. Лекин она билан ўғил ўртасидаги меҳрибонлик, овозларидаги диалектлик ва гапираётган нарсалари – буларнинг ҳаммаси уни ниятидан қайтарди. Бошини тебратди-ю, бир хўрсиниб қўйиб, эшикни ёпди. Томоғини қириб ёшларини артди, кейин: «Яна ўн дақиқача сабр қилай», деб ўйлади.

Бу орада уй хизматкорлари ҳам ҳаяжонда эди. Ҳамма уй бекасининг келганини, Капитонич киргизганини, ҳозир Серёжанинг олдида эканлигини билди; хўжайин бўлса соат саккиздан ошганда ҳар вақт ўғлининг олдига киради, эру хотиннинг у ерда учрашиши тўғри келмайди, шунинг учун учраштирамаслик чорасини кўриш керак, деб ваҳимага тушиб қолди. Камердинер Корней швейцарнинг хужрасига кириб, бегойимнинг ким ва қандай киргизганини суриштирди, Капитонич бошлаб кирганини билиб, чолнинг таъзирини бера бошлади. Швейцар олдин ғиқ этмади, Корней бу гуноҳи учун уни ҳайдаш кераклигини айтганда эса, Капитонич сакраб унинг олдига келди-ю, қўлини Корнейнинг юзи олдида пахса қилиб:

– Кўрардик, сен бўлсанг қанақасига киргизмас эдинг экан! – деб вайсаб кетди. – Ўн йил хизматини қилдинг, яхшилигидан бошқа нарсасини кўрганнинг йўқ. Бор, бетинг бўлса: «Қани, хоним афанди, жўнаб қолинг!» деб кўр-чи! Олифтагарчиликни яхши биласан! Ҳа! Сен ўзингни кўп оққа чиқараверма, хўжайинни шилиб, кундуз пўстинни ўрилаганинг эсингдан чиқа қолдимми?

Корней нафрат билан:

– Солдат! – деди-ю, кириб келаётган энагага юзланди. – Ўзингиз айтинг, Марья Ефимовна: бегойимни ҳеч кимга айтмай киргизиб юборибди. Ҳозир Алексей Александрович чиқиб, тўғри ўрилларининг олдига кириб борсалар, нима бўлади?

– Бай-бай-бай! – деди энага. – Менга қаранг, Корней Васильевич, бир нима қилсангизу, бориб хўжайинни гапга солиб турсангиз, унганча мен чопиб кириб, бегойимни олиб чиқиб кетардим. Бай-бай-бай!

Энага болалар бўлмасига кирганда, Серёжа тепадан сирғаниб тушаётиб Надя иккови йиқилганини, уч марта умбалоқ ошиб кетишганини онасига ай-

тиб ўтирган эди. Онаси унинг овозини эшитса ҳам, юзини ва имо-ишораларини кўриб турса ҳам, қўлларини ушлаб-ушлаб қўйса ҳам, лекин ўғли айтаётган сўзлар ҳеч миясига кирмасди. Энди жўнаш, энди уни ташлаб кетиши керагу, фақат шу нарсани ўйлаб, фақат шу нарсанигина ҳис қилар эди. Анна эшикка яқин келган Василий Лукичнинг оёқ дупурини ҳам, йўталини ҳам, яқинлашиб келаётган энаганинг оёқ шарпасини ҳам эшитиб ўтирарди; лекин гапиришга ҳам, туришга ҳам мажоли етмай, тошдай қотиб қолган эди.

Энага Аннанинг ёнига келди-да, қўлларини, елкаларини ўпиб туриб:

– Айланай бегойим, чироғим! – деди. – Бугун турилган боламизга худойи таоло бахт ато қилди. Ҳеч ўзгармабсиз, айланай.

– Вой, энагажон, жонимни қоқай, сизнинг уйдалигингизни билмабман, – деди Анна бир зумгина ҳушига келиб.

– Мен бу ерда турмайман, қизим билан тураман, табриклагани келдим, айланай Анна Аркадьевна!

Энага яна бирдан йиғлаб юбориб, Аннанинг қўлини ўла бошлади.

Табассумларидан юзи ва кўзлари чарақлаб кетган Серёжа, бир қўли билан онасини, иккинчи қўли билан энагасини ушлаб олиб, семиз, яланг оёқлари билан гилам устида депсиниб турарди. Севгили энагасининг онасига кўрсатаётган меҳру муҳаббати унинг ичига чироқ ёққан эди.

– Ойи! Энагам менинг олдимга тез-тез келиб туради, ҳар келганда... – деб Серёжа гап бошлаган эди, энагаси онасига пичирлаб бир нима деганини, онасининг юзида қўрқувга ва уятга ўхшаган аллақандай аломат пайдо бўлганини, бу нарса онасига ҳеч ҳам ярашмаганлигини сезиб, тўхтаб қолди.

Онаси Серёжага яқин келди.

– Жон болам! – деди онаси.

У хайр деёлмади, лекин шу сўзни юзи гапириб турарди, Серёжа тушунди. Онаси Серёжани чақалоқлигида қўйган номи билан атаб:

– Айланай болам, жон Кутигим! Мени эсингдан чиқармайсан-а? Сен... – дея гап бошлади-ю, ортиқ ҳеч нарса деёлмади.

У боласига айтиши мумкин бўлган қанчадан-қанча сўзларни кейин ўйлаб топди! Ҳозир эса нима дейишини билмас, бир нима дейишга қурби етмас эди. Лекин Серёжа у айтмоқчи бўлган ҳамма сўзларни пайқади. У онасининг бахти қоралигини, ўзини яхши кўришлигини пайқади. Ҳатто энагаси шивирлаб айтган нарсаларни ҳам пайқади. У «ҳамма вақт соат саккиздан ўтганда» деган сўзларни эшитган эди, шунинг учун гап отаси устида кетаётганлигини, онаси отаси билан учрашмаслиги кераклигини пайқади. Серёжа буни тушунса ҳам лекин бир нарсани ҳеч англай олмади: нима учун онасининг юзида қўрқув ва уят аломатлари пайдо бўлди?.. Онаси-ку айбдор эмас, шундай бўлса ҳам отасидан қўрқади, нимадандир уялади. Ўзини бу гумондан қутқазадиган битта савол бермоқчи бўлди-ю, лекин юраги дов бермади: онасининг азобланаётганлигини кўриб, раҳми келиб кетди. Индамасдан онасига ёпишди-ю, шивирлаб:

– Кетмай тур, ҳали келмайди, – деди.

Онаси у айтган гапларни билиб туриб айтганми ёки билмайми, шуни англаш учун Серёжани ўзидан бир оз нари қилиб юзига қаради; унинг ваҳима босган юзидан отаси тўғрисида гапирганини ва айни замонда отаси тўғрисида ўзининг қандай уйлаши кераклигини ҳам сўраётганини ўқиди.

– Серёжа, жонгинам, – деди онаси, – отангни сев, у мендан яхшироқ, меҳрибонроқ, мен унинг олдида айбодорман. Катта бўлганингда ўзинг билиб оласан.

Серёжа кўз ёшлари орасидан чинқириб:

– Сиздан яхшиси йўқ! – деди-да, елкаларидан ушлаб, кучанганидан титраб турган қўллари билан уни бағрига бор кучи билан боса бошлади.

– Жонгинам, айланай болам! – деб Анна ҳам Серёжа сингари, болаларча пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

Шу пайт эшик очилиб, Василий Лукич кириб келди. Нариги эшикдан ҳам оёқ дупури эшитила бошлади, шунда энага ваҳимали бир шипшиш билан:

– Келяптилар, – деб Аннага шляпасини тутқазди.

Серёжа ўзини каравотга ташлади, юзини қўллари билан тўсиб ҳўнграб йиғлаб юборди. Анна қўлларини айириб, хун бўлган юзидан яна бир марта ўпди, кейин шошқин одимлар билан эшикдан чиқиб кетди. Алексей Александрович рўпарасидан келаётган эди. Уни кўрди-ю, тўхтаб, бошини эгди.

Анна ҳозиргина уни ўзидан яхшироқ ва меҳрибонроқ деб айтган бўлса ҳам, бир назар ташлашдаёқ бутун қоматини бошидан оёғигача кўрди-ю, қалбида эрига нисбатан бир нафрат ва ғазаб, ўгли туфайли ҳасад ҳисси кўзғалди. У шошқин бир ҳаракат билан юзига пардасини туширди-да, қадамини тезлатиб, уйдан қарийб югуриб чиқиб кетди.

У кеча дўкондан зўр муҳаббат ва чуқур ҳасрат билан танлаб олган ўйинчоқларни қолдиришга ҳам улгурмай, яна уйига қайтариб олиб келди.

XXXI

Анна ўғлини кўришга қанча интизорлик чеккан бўлмасин, бу тўғрида ўйлаб, бунга қанчалик узок вақтлардан бери тайёрланиб келган бўлмасин, ўғлининг дийдорини кўриш ўзига шу қадар кучли таъсир қилиши мумкинлигини асло-асло кутмаган эди. Мусофирхонадаги ғамхонасига қайтиб келиб, нима учун бу ерда эканлигини узок вақтгача тушунолмади

ўтирди. «Ҳа, бахт дамлари тамом бўлди, мен яна ёлғизман» деди-ю, шляпасини ҳам олмай, каминь ёнида турган курсига келиб ўтирди. Икки дераза ўртасидаги столда турган соатга ҳорғин кўзларини тикиб олиб, хаёл суриб кетди.

Ўзлари чет элдан олиб келишган француз хизматкор қиз кийинтириш таклифи билан кирди. Анна унга ажабланиб қаради-ю:

– Кейин, – деди.

Лакей қаҳва таклиф қилди.

– Кейин, – деди Анна, яна.

Итальян энага қизалоқни ясантириб Аннага олиб кирди. Яхши боқилган дўмбоқ қиз онасини кўриб, ип илашиб қолган яланроқ кўлчаларини ҳар вақтдагидай кафтларини пастга қилиб чўзди-да, тишсиз оғизчасини жилмайтириб, қушдек қанот қоқиб, кашта солинган кичкина юбкасининг оҳорланган бурмаларини кўлчалари билан шитирлатиб талпина бошлади. Қизалоқнинг бу қилирига жилмаймасдан, уни ўпмасдан бўлмасди, чинқириб ва бутун гавдаси билан талпиниб туриб, кўлингизни ушлаб олишга тиришган қизчага барморингизни тутқазмасдан илож йўқ эди; ўпаман деб оғизчасига тортиб оладиган лабига юзингизни тутиб бермасдан бўлмасди. Анна шундай қилди, қизини кўлига олди, ирғишлатди, тароватли бетидан, яланроқ тирсагидан ўпди; лекин бу чақалоқни кўрганда, у қизчасига бўлган меҳри Серёжага бўлган меҳри олдида ҳеч нима эмаслигини яна ҳам равшанроқ ҳис этди. Қизчанинг ўзи ҳам, ҳамма қилиқлари ҳам ширин эди, лекин нима учундир Аннанинг қалбини илтолмасди. Яхши кўрмаган бир одамдан топган бўлса ҳам, биринчи боласига меҳру муҳаббатининг ҳали-бери қондирилмаган бутун куч-қуввати сарф этилган эди, қизалоғи жуда ёмон вақтда турилди, шунинг учун унга биринчи болага сарф қилинган меҳнатнинг юздан

бири ҳам сарф қилинмаган эди. Булардан ташқари, қизчаси одам бўлиши учун кўп кутиш керак эди, Серёжа бўлса туппа-тузук одам бўлиб қолган, одам бўлганда ҳам севгили одам; унда фикрлар, ҳислар кураши пайдо бўлган; Анна Серёжанинг сўзларини, қарашларини эслаб: менинг аҳволимга тушунади, мени яхши кўради, ҳаракатларимни қоралайди, деб ўйларди. Шунга кўра, Анна ундан фақат жисмоний эмас, руҳий жуҳатдан ҳам ажраб қолган, бу аҳволни энди ҳеч тузатиб бўлмайди.

Анна қизалоғини энагасти олиб бериб, уларни чиқариб юборгандан сўнг, Серёжанинг қарийб шу қизча ёшида тушган сурати солинган медальонини очди. Кейин, ўрнидан турди-ю, бошидан шляпасини чиқариб, столчада ётган альбомни олди; унда Серёжанинг ҳар хил ёшда тушган суратлари бор эди. У суратларни бир-бирига солиштирмоқчи бўлиб, ҳаммасини альбомдан чиқариб олди. Суратларнинг фақат сўнггиси, энг яхшиси қолди. Серёжа унда стулга қўйлакчан миниб олган, кўзлари хўмрайган бўлса ҳам, оғзи кулимсираб турган ҳолда тушган эди. Серёжа ўзига жуда ҳам ярашиб тушган энг чиройли қиёфада эди; Анна оқ, нозик бармоқлари ҳозир жуда ҳам чаққон қимирлаётган кичкина, эпчил қўллари билан суратни бурчагидан ушлаб альбомдан чиқаришга бир неча бор ҳаракат қилган бўлса ҳам, ҳеч чиқаролмади, карточка ҳадеб қўлидан чиқиб кетаверди. Столда китоб варақларини қирқадиган пичоқ йўқ эди, шунинг учун ёнидаги суратни (бу узун соч қўйган юмалоқ шляпадаги Вронскийнинг Римда тушган сурати эди) олиб, шу билан ўзининг суратини суриб чиқарди. Анна Вронскийнинг суратига тикилиб: «Ҳа, мана шу!» деди-ю, ҳозирги доғу ҳасратининг сабабчиси ким эканлигини бирдан эсига олди. Шу бутун эрталабдан бери у бир марта ҳам эсига келмаган эди. Лекин унинг мардона,

олижаноб, ўзига таниш, дилбар юзини кўрди-ю, бирдан қалбини кутилмаган бир муҳаббат тўлқини босди.

Анна ўғлига тааллуқли сирларни ҳаммасини ундан яшириб келганлигини эсдан чиқариб, ўпкаланиб: «Қани у? Шундай доғу ҳасратда қолган пайтимда наҳотки ёлғиз ташлаб қўйса?» деб ўйланди. Шу он одам юбориб, дарҳол етиб келишини илтимос қилди; Анна унга айтадиган сўзларини ўйлаб, юрагини чангаллаб ўтирди; Анна ҳозир унинг ўзини ҳам, меҳр-муҳаббат билан тасалли беришини ҳам интизорлик билан кутарди. Юборган одами уникида меҳмон борлигини, ҳозир келишини, Петербургда келган князь Яшвин билан кирса бўлади-ми, сўрагин, деган жавоб олиб келди. «Ёлғиз келмас эмиш, ҳолбуки кеча бирга овқат қилган вақтимиздан бери мени кўргани йўқ, – деб ўйлади Анна, – у ёлғиз эмас, Яшвин билан келармиш, мен ҳамма гапларимни айтолмайман». Шу он бирдан миясига: «Борди-ю мени ёмон кўриб қолган бўлса-я?» деган фалати бир ўй келди.

Шундан кейин сўнгги кунлардаги воқеаларни хаёлидан бир-бир ўтказди, бу воқеалар ҳозир миясига келган фалати фикрни тасдиқлагандай бўлди: кеча тушлик овқатни уйда емагани, Петербургда бошқа-бошқа туришни талаб қилгани, ҳатто ҳозир ҳам холи учрашишдан қочиб, ёлғиз келмаётгани бунга далил эди.

Анна унинг эътиборидан қолганига имони комил бўлганида тушадиган аҳволини тасаввур қилишга мадори етмай: «Лекин менга очиқ айтиши керак. Мен билишим зарур. Билганимдан кейин, нима қилишимни ўзим биламан», деярдн ўзича. У Вронскийнинг мендан кўнгли қолди, деб ўйлаб, бошини уриб ёриш даражасига яқин қолганини, оқибат ўзининг ҳаяжони бениҳоя ортиб борганини ҳис қиларди.

Анна хизматкор қизни қўнғироқ чалиб чақиргандан сўнг пардозхонасига қараб йўл олди. Кийиниб туриб, ўз пардозига шу кунлардагидан кўра кўпроқ эътибор қилди, қўнгли қолган бўлса, энди Аннани жуда ҳам очиб юборадиган қўйлагини ва сочларининг ажойиб турмакланганини кўриб, Вронский гўё яна яхши кўриб қоладигандек, ўзига зеб бера бошлади.

Анна тайёр бўлмасдан туриб қўнғироқ жиринглаганини эшитди.

Анна меҳмонхонага чиққанда, уни Вронский эмас, Яшвин кўзларини кўтариб қарши олди. Вронский бўлса, Анна столда эсидан чиқариб қолдирган ўғалнинг суратини томоша қилиш билан овора бўлиб, унга қарашга шошилмади ҳам.

Анна кичкина қўлчасини ийманиб турган Яшвиннинг (новча бўйли, дағал юзли бу одамнинг ийманиши валати кўринарди) йўрон қўлига қўйиб туриб:

– Танишмиз, ўтган йили пойгада танишганмиз, – деди, кейин Вронский томоша қилаётган ўғалнинг суратларини қўлидан тез тортиб олиб: – Беринг, – деди-ю, порлаб турган маънодор кўзлари билан унга бир қараб қўйди. – Бу йил пойга яхши ўтдимиз? Булар ўрнига Римдаги Корсода бўлган пойгани кўрдим. Айтмоқчи, сиз чет эл ҳаётини ёқтирмайсиз-а? – деди Анна меҳрибонлик билан кулимсираб. – Сиз билан кам кўришганман-у, лекин ўзингизни ҳам, дидингизни ҳам биламан.

Яшвин чап мўйловини тишлаб туриб:

– Бу ёри ёмон бўпти, нимага десангиз, дидим кўп бемаъни, – деди.

Яшвин бир оз у ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтирди. Кейин Вронскийнинг соатига қараб қўйганини сезиб, Аннадан: «Ҳали Петербургда кўп турасизми?» деб сўради-да, йўрон гавдасини букиб, кепкасини олди.

Анна Вронскийга бир қараб олди-да:

– Кўп турмасак керак, – деди шошиб.

Яшвин ўрнидан қўзғалди.

– Бўлмаса энди кўришмас эканмиз-да! – деди у; кейин Вронскийга юзланди: – Сен қаерда овқатланасан?

– Меникида овқатлана қолинг, – деди Анна қатъий қилиб, тортинчоқлиги учун ўзига жаҳли чиқаётгандек. Лекин ҳар бир янги одам олдида ўз аҳволдан ҳамиша қизарадиган бўлиб қолгани учун, яна қизариб кетди. – Бу ернинг овқати яхши эмас, лекин ҳар ҳолда булар билан бирга бўласиз-ку. Алексей полкидаги ўртоқларининг ҳеч бирини сизчалик яхши кўрмайди.

– Жуда хурсандман, – деди Яшвин, жилмайиб; Вронский унинг жилмайганидан Аннани ёқтирганини пайқади.

Яшвин таъзим қилиб, чиқиб кетди. Вронский орқада қолди.

– Сен ҳам кетяпсанми? – деб сўради Анна.

– Йўқ, мен энди кечикдим, – деди Вронский. Кейин Яшвин орқасидан қичқирди: – Боравер! Ҳозир етиб оламан.

Анна уни қўлидан ушлади-да, кўзларини узмай тикилиб қолди; қандай қилиб уни олиб қолсам экан деб ўйлар, айтадиган гапини излар эди.

– Шошма, гапим бор, – деди-ю Анна унинг калта қўлини ушлаб, ўзининг бўйнига босди. – Уни овқатга чақирганим чакки бўлмадимми?

Вронский жипс тишларини кўрсатиб хотиржамгина кулимсиради-да, унинг қўлини ўпиб туриб:

– Жуда яхши қилдинг, – деди.

– Алексей, мендан совиганинг йўқми? – деди Анна иккала қўли билан унинг қўлини қисиб. – Алексей, бу ерда қийналиб кетдим. Қачон кетамиз?

– Шу бир-икки кун ичида. Айтсам гапимга ишонмайсан: менга ҳам бу ерда туришимиз оғир бўлиб қолди, – деди у қўлини тортиб.

Аннанинг дили оғриб:

– Бор, бора қол! – деди-ю, тез-тез юриб чиқиб кетди.

XXXII

Вронский қайтиб келганда, Анна номерида йўқ эди. Ўзи чиқиб кетгандан кейин Аннанинг олдига битта хоним келганини, ўша хоним билан кетганини айтишди. Қаёққа кетганини айтмай кетгани, ҳалигача қайтиб келмагани, эрталаб ҳам алақаёққа айтмасдан кетгани – буларнинг ҳаммаси, бутун эрталаб юзида кўринган ғалати ҳаяжони ва ўғлининг суратларини Яшвин олдида худди душманларча қўлидан юлиб олгани Вронскийни ўйлатиб қўйди. Вронский у билан очиқчасига гаплашишга жазм қилди. Шунинг учун Аннани меҳмонхонасида кутиб ўтирди. Лекин Анна ёлғиз қайтмади, балки аммаси – қари қиз княжна Облонскаяни бирга олиб келди. Эрта билан келган хоним шу эди, Анна ҳам у билан бозор қилгани кетган эди. Анна Вронскийнинг юзидаги ташвишни, кўзларидаги савол аломатини сезмаётгандек кўринар, эрталаб олган нарсаларини шарақлаб ҳикоя қиларди. Вронский унда ғалати бир ўзгариш борлигини сезарди: шошиб қараган, парпираган кўзларида чуқур диққат, сўзлари ва ҳаракатларида асабий тезлик ва зеболик бор эди; бу асабий тезлик билан зеболик улар қалинлаша бошлаган дастлабки даврларда Вронскийни мафтун қилиб келган бўлса, энди юрагига гулгула, қўрқув соларди.

Дастурхон тўрт кишига мўлжаллаб солинди. Ҳамма йиғилиб, энди кичкина овқатхонага чиқмоқчи

бўлиб турганда, Тушкевич княгиня Бетсидан Аннага хабар келтириб қолди. Княгиня Бетси хайрлашгани келолмагани учун узр сўраб, Аннадан ўзиникига соат олти ярим билан тўққизлар ўртасида келишини илтимос қилган эди. Тайинланган вақт Вронскийга ғалати туюлди, Анна ҳеч кимга дуч келиб қолмаслиги учун чора кўриб қўйилган бўлса керак, деган ўй билан Аннага бир қараб қўйди; лекин Анна бунни сезмагандек кўринарди.

– Кўп афсуски, мен худди шу олти ярим билан тўққиз ўртасида боролмайман, – деди Анна мийирида кулимсираб.

Княгиня жуда афсус еб қоладилар-да.

– Мен ҳам.

– Чамамда, Паттининг ашулаларини эшитгани борарсиз? – деб сўради Тушкевич.

– Паттининг? Яхши эсимга солдингиз. Ложадан жой олишнинг иложи бўлса, жон-жон деб борардим.

– Топиб бераман, – деди Тушкевич, ҳиммат қилиб.

– Сиздан жуда-жуда миннатдор бўлардим, – деди Анна. – Биз билан ўтириб овқатланмайсизми?

Вронский елкаларини хиёл қисиб қўйди. Аннанинг қилирига сира ҳам тушунолмасди. Нимага бу қари княжнани олиб келди, нимага Тушкевични овқатга олиб қолди, ҳаммасидан қизирги шуки, нимага уни ложага билет олишга юборади? Шу аҳволда Патти ашуласини эшитишга боришни ўйлаб бўладими? Ахир у ерга ҳамма танишлари, киборлар келади-ку! Вронский жиддий бир назар билан Аннага қаради, лекин у ҳам ўчакишиб қараб қўйди: бу қарашда шўхлик бормиди ё ноумидлик – бунинг маъносини Вронский англаёлмади. Овқат устида Анна ўзини жуда хушвақт тутди: Тушкевичга ҳам, Яшвинга ҳам ноз қилаётгандек кўринарди. Дастурхондан туришгандан сўнг Тушкевич ложага билет олгани, Яшвин эса папирос чеккани чиқиб кет-

ганда, Вронский у билан узининг номерига тушди. Бир неча дақиқа ўтиришгандан кейин, Вронский юқорига чопиб чиқиб кетди. Анна Парижда бахмал кўйдириб тиктирган кўкраги очиқ оқ шойи кўйлагини алақачон кийиб, бошига қимматбаҳо оқ тўр ташлаб олган эди; бу тўр юзининг атрофини ўраб, хуснига хусн кўшарди.

Вронский унинг юзига қарамасликка тиришиб:

– Театрга аниқ бормоқчимисиз? – деб сўради.

Вронскийнинг яна ўзига қарамаганидан нафси оғриб:

– Нега бунчалик кўрқиб сўрайсиз? – деди Анна. – Борсам нима бўпти?

Анна Вронский айтган сўзларнинг маъносига тушунмагандек эди.

– Албатта, борсангиз бораверасиз, – деди Вронский қоворини солиб.

Анна унинг гапидаги оҳангни жўрттага тушунмаган бўлиб:

– Мен ҳам шуни айтяпман-да, – деди, атир ҳиди келиб турган узун қўлқопини бемалол қайтариб кўйиб.

– Анна, худо ҳақи! Сизга нима бўлди? – деди Вронский; бир маҳаллар эри уни ҳушига келтириш учун шу гални айтарди.

– Нима демоқчилигингизни тушунмаяпман.

– Биласиз-ку, театрға бориб бўлмайди.

– Нимага? Ёлғиз бормайман. Княжна Варвара кийингани кетди, бирга боради.

Вронский, ҳайратланиб, елкаларини қисди; у хуноб эди.

– Наҳотки билмасангиз... – деб гап бошлаган эди, Анна ўшқриб берди:

– Эй кўйинг, билишни хоҳламайман! Хоҳламайман! Нима, қилмишидан пушаймон дейсизми? Йўқ, йўқ, яна йўқ. Агар яна ўшандай, анвалгидай бўлса

яна шундай бўларди. Биз учун, мен учун, сиз учун муҳими битта нарса холос: биз бир-биримизни сева-мизми, вассалом. Бошқа андишага ўрин йўқ. Нима учун бу ерда бошқа-бошқа турамиз, бир-биримизни кўрмаймиз? Нима учун боролмайман? Сени яхши кўраманми – бўлди, агар сен ўзгармаган бўлсанг, бошқаси билан ишим йўқ, – деди русчалаб ва унга кўзларини ралати чақнатиб қараб. - Нима учун менга қарамайсан?

Вронский қаради. У жамолининг гўзаллигини, кийим-бошларининг ярашиб турганлигини кўрди. Лекин ҳозир жонини чиқариб турган нарса – худди шу гўзаллик, худди шу зеболик эди.

Вронский овозида мулойим бир ёлвориш, кўзларида эса совуқ бир қараш билан:

– Ҳисларим ўзгармайди, биласиз, лекин ялиниб, илтимос қиламан, борманг, – деди французчалаб.

Анна унинг сўзларини эшитмади-ю, лекин кўзларидаги совуқ ифодани кўриб, жони чиқиб кетди.

– Сиздан шуни илтимос қиламан, айтинг: нима учун бормаслигим керак?

– Шунинг учунки, боришнинг оқибати... – деб, Вронский ямлиниб қолди.

– Тушунсам ўлай. Яшвин *nest pas comrom - tant*¹, княжна Варваранинг эса бошқалардан ҳеч ёмон жойи йўқ. Ана, ўзи ҳам келиб қолди.

XXIII

Аннанинг ўз аҳволини жўрттага тушунгиси келмаётгани учун, Вронский юрагида биринчи марта унга қарши алам, ҳатто разаб уйғонганлигини ҳис қила бошлади. Аламининг сабабини унга айтиб беролмагани учун юрагидаги бу ҳис яна кучайиб борарди. Агар ўйлаган нарсаларини рўй-рост айтиб

¹ Обрўйинга доғ туширмайди (франц.).

бериши мумкин бўлганда, у: «Шу либосда, отнинг қашқасидек ҳаммага маълум бўлиб қолган княжна билан биргаликда театрға бориш – ўзингизнинг ҳалок бўлган хотин аҳволига тушиб қолганингизга тан берганингизнигина эмас, балки киборлар билан довлашмоқчи бўлаётганингизни, яъни у муҳитдан абадий воз кечганингизни ҳам билдиради», деб айтди.

Вронский унга бундай деёлмасди. «Нега тушунмайди-я бу нарсага, кўнглидан нималар ўтпти?» деярни ўзича. Аннага ҳурмати камайган сари, назарида ҳусни ҳам ортиб бораётгандай кўринарди.

Вронский қовоқларидан қор ёғиб, номерига қайтиб келди-да, узун оёқларини стулга чўзиб, сельтер суви билан коньяк ичаётган Яшвиннинг ёнига ўтирди-ю, ўзига ҳам сельтер суви билан коньяк буюрди.

– Сен Ланковскийнинг қудратлисини гапирдинг. У яхши от, маслаҳатимга юрсанг, ол, – деди Яшвин ўртоғининг қовоқлари осилиб қолган юзига қараб. – Сағри пича пасту, оёқлари билан боши – оламда йўқ.

– Чамамда, олсам керак, – деб жавоб қилди Вронский.

От тўғрисидаги гап Вронскийни қизиқтирса ҳам, лекин Анна ҳаёлидан сира нари кетмас эди; йўлакдан келган оёқ товушларига беихтиёр қулоқ солиб, каминь устидаги соатга тез-тез қараб кўярди.

– Анна Аркадьевна театрға кетганларини айтиб кўйишни буюрдилар.

Яшвин яна бир қадаҳ коньякни вишиллаб турган сувга ардариб ичди-ю, тутмаларини қадаб ўрнидан турди.

– Хўш, кетдикми? – деди Яшвин мийрида кулимсираб; у шу кулимсираш билан нима учун Вронскийнинг қовоқларидан қор ёғиб турганлигини пайқаганини, лекин бунга аҳамият бермаганини билдирди.

– Мен бормайман, – деди Вронский тумтайиб.

– Мен боришим керак, ваъда қилганман. Хайр бўлмаса. Хушинг келса боравер. Красинскийнинг ўрнини ол, – деди Яшвин, чиқиб кетаётиб.

– Йўқ, ишим бор.

Яшвин мусофирхонадан чиққанда: «Ўз хотининг бўлса бир бало, ўзингники бўлмаса ўн бало», деб ўйлади.

Вронский ёлғиз қолгандан кейин стулдан туриб, у ёқ бу ёққа юра бошлади.

«Ҳа, бутун нима? Тўртинчи абонемент... Егор хотини билан ўша ерда, ойим ҳам, эҳтимол, ўша ердадир. Демак, бутун Петербург ўша ерда деган сўз. Ҳозир кирди, пўстинчасини ечди, залга кирди. Тушкевич, Яшвин, княжна Варвара... – деб уларни тасаввур қилди Вронский. – Мен нима қилиб ўтирибман бу ерда? Ё қўрқаманми ё бўлмаса уни ҳимоя қилинг деб Тушкевичга топшириб қўйганманми? Қандай қарасанг ҳам – бу бир нодонлик, нодонлик... нега мени шундай аҳволга солади-я», – деди ўзича қўл силтаб.

Шу ҳаракати билан қўли столчага тегиб, устидаги сельтер суви билан бир графин коньякни тушириб юборишга оз қолди. Ушлаб қолмоқчи бўлган эди, бўлмади, тушиб кетди. Жаҳли чиқиб столини бир тепди-ю, қўнғироқ чалди.

– Агар менга хизмат қилгинг келса, – деди Вронский қўнғироқни эшитиб кирган камердинерига, – ўз ишингни эсингдан чиқарма, иккиламчи бунақа бўлмасин. Йиғиштир.

Камердинер ўзида айб йўқлигини билгани учун оқланмоқчи бўлди-ю, лекин хўжайинининг башарасини кўриб, чурқ этмаслик кераклигини англади, чўнқайиб олиб, бутун ва синган қадаҳлар билан шишаларни дарҳол бир-биридан ажратишга тутинди.

– Сенинг ишинг эмас бу, лаксини юбор, ўзинг бориб фракимни тайёрла.

Вронский театрга соат саккиз яримда кириб келди. Спектаклнинг қизиб турган пайти эди. Ки-йим-бошларни олиб турадиган чол Вронскийнинг эғнидан пўстинни ечиб олди-да, таниб, «граф жа-ноблари» деб атагандан сўнг пўстинга номер олиш керакмаслигини, Фёдор деб чақирса кифоя қили-шини айтди. Ёп-ёрур йўлакда капельдинер ва қў-лариди пўстин билан эшик орғида қулоқ солиб тур-ган иккита лакейдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ёпиқ эшик орқасидан оркестрнинг эҳтиёткорлик билан жўр бўлаётгани ва мусиқа ибораларини равшан ўқиётган бир аёл товуши эшитилиб турарди. Эшик очилди-ю, капельдинер шилт этиб кириб кетди; шунда охирига яқинлашиб келган мусиқа ибораси Вронскийнинг қулоқларида равшан янгради, аммо эшик яна дарҳол ёпилди-ю, Вронский иборанинг охири билан савтини эшитолмай қолди. Савтнинг тугаганини эшик орқасида кўтарилган гулдурос қарсақлардан фаҳмлади. Шифтдаги қандиллар ва деворлардаги тунч газ чироқлар ёритиб яланғоч ел-калари ва гавҳарлари билан ярқираб турган ашу-лачи хоним рампа устидан ҳар ёққа отилиб туша-ётган гулдасталарни бир қўлини ушлаб олган тенор ёрдами билан гоҳ эгилиб, гоҳ кулимсираб тераётган эди; кейин ёғ упа суртилган ялтироқ сочларининг фарқи очилган ва узун қўлини рампадан чўзиб бир нима узатаётган жанобга яқинлашди, шунда ложа-ларда ўтирганлар ҳам, партерлардаги томошабинлар ҳам шов-шув кўтариб юборди. Ҳамма олдинга инти-лар, қичқирар, чапак чаларди. Капельмейстер ўзи-нинг баланд жойида туриб ўша жанобнинг қўлидаги нарсани олиб беришга ёрдам қилар, ора-сира галсту-гини тузатиб қўяр эди. Вронский партернинг ўртаси-да тўхтаб, теварагига қўз югуртира бошлади. У кўра-кўра ўрганиб қолган бу таниш жиҳозларга, саҳнага, бу шов-шувларга, театрга тикилиб кетган бу таниш,

тўпори ола-қуроқ томошабинлар подасига бугун ҳар вақтдагидан ҳам камроқ эътибор қилди.

Ложаларда ҳар вақтидагидай аллақандай хонимлар, ложа орқаларида аллақандай офицерлар ўтирарди; ҳамон ўша ранг-баранг кийинган хотинлар, мундирлар, сюртуклар; галёркада ҳамон ўша исқирт томошабин; бу томошабинлар орасидан ложаларда биринчи қаторларда қирқ кишича келадиган асл эркак ва аёллар топиларди. Вронский шу воҳага эътиборини жалб этиб, улар билан дарҳол алоқа тутди.

Вронский кирганда, парда тушган эди. Шунинг учун акасининг ложасига кирмай, биринчи қаторга бориб, рампа ёнида турган Серпуховской олдида тўхтади; Серпуховской тиззасини букиб ва пошнаси билан рампани тўқиллатиб турган эди: Вронский узоқдан кўриб, ёнига чақирди.

Вронский Аннани ҳали кўргани йўқ, чунки у томонга жўртгага қарамасди. Лекин кўзларнинг тикилишидан унинг қаердалигини биларди. Вронский зимдан қараб-қараб қўйса ҳам, лекин қидирмас эди; у ўзи учун ёмонроғини кутар – Алексей Александровични кўзлари билан қидирарди. Бахтига Алексей Александрович бугун театрда йўқ эди.

– Ҳарбий қиёфангдан қарийб асар қолмабди, – деди Серпуховской. – Дипломатга, артистга, шу тахлит одамга ўхшаброқ қолибсан.

Вронский дурбиннинг филофидан секин чиқариб туриб:

– Ҳа, уйга қайтдим-у, дарров фрак кийиб олдим, – деди кулимсираб.

– Тан беришим керак, сенга шу тўғрисида кўзим куюди. Чет эздан қайтиб келиб устимга мана шуларни илганимда, – деди елкасига осилган зарҳал попукли шнурларни туртиб кўрсатиб, – эркин юрган кунларимга юрагим ачишади.

Серпуховской Вронскийнинг хизмат фаолиятига алақачон қўл силтаб қўйган бўлса ҳам, уни азалгидек яхши кўрар, ҳозир ҳам дили севиб муомала қиларди.

– Аттанг, биринчи пардасидан кеч қолдинг-да.

Вронский бир қулоғи билан унинг гапини эшитиб туриб, дурбинни бенуардан бельэтажга бурди-ю, ложаларни кўздан кечира бошлади. Дурбин яқин келтириб кўрсатган, жаҳл билан кўзларини пилпиллатаётган тақирбош чол билан муфтали хоним ёнида бирдан Аннани кўриб қолди, унинг тўр орасида кулимсираб турган ниҳоятда чиройли, мағрур жамоли кўзга ташланди. Анна Вронскийдан йигирма қадамча наридаги бешинчи бенуарда эди. У олдинда ўтирган жойидан хиёл бурилиб Яшвинга бир нималар деяр эди. Чиройли, кенг елкалари устидаги бежирим боши, чақнаган кўзларининг майин нур сочиб туриши, бутун сиймоси, Вронский уни Москвада, балда қандай кўрган бўлса, ҳозир ҳам шундай эди, худди ўшандагидек бежирим, бекаму кўст, латофатли эди. Вронский энди бу гўзалликни бошқача ҳис этарди. Энди Аннага бўлган ҳисларида ҳеч қандай сир қолмаган эди, шунинг учун Аннанинг ҳусни-жамоли, гарчи уни бурунгидан кучлироқ мафтун қилаётган бўлса-да, айни замонда, нафсини ҳам оғритарди. Анна Вронский томонга қарамасди, аммо Вронский ўзини у алақачон кўрганлигини сезиб турарди.

Вронский дурбинини яна ўша томонга тўғрилаганда, княжна Варваранинг жуда қизариб кетганлигини, райритабий алпозда кулиб, нуқул қўшни ложага қараб-қараб қўяётганлигини кўрди; Анна бўлса, йириштирилган елпигичини қизил бахмалга уриб туриб, алақаёқларга қарар, лекин қўшни ложада бўлаётган нарсаларни кўрмас, афтидан, кўргиси ҳам келмас эди. Яшвиннинг юзида эса қартага

бой берган кезларида кўринадиган аломатлар бор эди. Қош-қовоғи солинган, чап мўйловини орзига тобора кўпроқ суққан ҳолда, у ҳам ўша қўшни ложага олайиб қарар эди.

Чап ёқдаги бу ложада Карташовлар ўтиришган эди. Вронский уларни танир, Аннанинг ҳам улар билан танишлигини билар эди. Жуссаси кичкина, озгин Карташова ўз ложасида Аннага орқасини қилиб туриб, эри тутган накидкасини кияётган эди. Юзи оқариб, захар томиб турар, ўзи ҳаяжон билан бир нималар деярди. Семиз, тақирбош Карташов бўлса, дам-бадам Аннага қараб қўйиб, хотинини тинчителишга тиришарди. Хотини чиқиб кетгандан сўнг эри, Аннага таъзим қилиш пайида эди шекилли, унинг қарашини кутиб, имиллаб турди. Лекин Анна ўзини Карташовни сезмаганга солиб орқасига ўтирилди-да, сочи калта қилиб олинган Яшвинга бир нималар дея бошлади, у эса бошини эгиб, қулоқ солаётган эди. Карташов таъзим қилолмайдан чиқиб кетди, ложа эса бўш қолди.

Вронский Анна билан Карташов ўртасида нима воқеа юз берганини пайқамади, лекин Аннанинг хўрлигини келтирган бир нарса содир бўлганини пайқади. Шунинг учун пайқадикки, Анна ўз зиммасига олган родини бажариш учун бутун кучини сарф қилаётганини билар, юзидан кўриб турарди. Анна эса сиртдан қараганда ўзини вазмин тутар, бу родини муваффақият билан бажарарди. Аннани ва унинг улфатларини билмаганлар, ҳайратланган хотинларнинг таъналари ва нафратларини эшитмаганлар (Анна кибор жамиятда пайдо бўлгани учун, тўр безаклари орасида чарақлаб турган ҳусни жамолини кўз-кўз қилгани учун аёллар уни таъна ва надомат қилар эдилар) бу аёлнинг ҳуснига ва ўзини оғир тутишига ҳаваслари келарди. Анна ўзини

қарғиш остида қолган одамдек сезиб ўтирганини пайқамас эди.

Вронский бир нима сезиб турса-да, лекин нима бўлганини билмагани учун қаттиқ ташвиш тортарди, ахирри бирон нарса билармиканман деган умид билан акасининг ложасига қараб юрди. Қасддан Анна ўтирган ложанинг рўпарасидаги партер қаторлари орасидан бориб собиқ полк командирига дуч келиб қолди. Полк командири ўзининг икки таниши билан гаплашиб турган эди. Вронский Каренинларнинг номлари тилга олинганини эшитди, шунда полк командири шошиб-пишиб Вронскийнинг исмини баланд овоз билан айтиб, танишларининг юзига такрор қараб қўйганлигини сездди.

– А, Вронский! Полкка қачон келасан? Зиёфатингни емай жавоб бермаймиз. Сочингнинг тукигача бизникисан, – деди полк командири.

– Жуда афсус, вақтим йўқ, бошқа сафар, – деди-ю Вронский, зинадан акасининг ложасига қараб югуриб чиқиб кетди.

Вронскийнинг онаси – қари, пўлат гажакли графиня акасининг ложасида ўтирган эди. Варя билан княжна Сорокина унга бельэтаж йўлагига тўқнаш келишди.

Варя княжна Сорокинани онасининг олдида олиб бориб қўйиб, қўлини қайнисига узатди-ю, дарҳол Вронскийни қизиқтирган нарса тўғрисида гапира кетди. Вронский уни бундай ҳаяжонланган ҳолда камдан-кам кўрар эди.

– Менингча, бу пасткашлик, разолат, бундай қилишга madame Карташованинг ҳеч ҳақи йўқ эди. Madame Каренина... – деб гап бошлаган эди, Вронский бўлиб қўйди:

– Нима гап ўтди? Хабарим йўқ.

– Вой, эшитганинг йўқми?

– Биласан-ку, мен бундай нарсаларни энг кейин эшитаман.

– Дунёда Картасовадан ҳам заҳарроқ хотин бормикан?

– Нима қилди?

– Менга ҳам эрим айтди... Каренинани ҳақорат қилибди. Эри ложадан туриб Анна билан гаплашган экан, Картасова жанжал қипти. Аннанинг нафсини оғритадиган бир сўзни бақриб айтиб, чиқиб кетган эмиш.

Княжна Сорокина ложа эшигидан мўралаб:

– Граф, сизни ойингиз чақиряптилар, – деди.

– Сенга кўзларим тўрт бўлди, – деди онаси, истехзо аралаш кулимсираб. – Камнамо бўлиб кетдинг.

Ўғли онасининг суюнганидан кулиб юборишига сал қолганини кўрди.

– Салом, татап. Олдингизга келаётувдим, – деди Вронский совуққина қилиб.

– Нера faire la cour a ma tante Karenine¹ бормайсан? – деб илова қилди, княжна Сорокина нари кетгандан сўнг. – Elle fait sensation. On oublie la Patti pour elle².

– Татап, сиздан бу ҳақда гапирманг деб илтимос қилган эдим, – деди Вронский, қовоғини солиб.

– Мен ҳамма айтаётган гапни айтдим холос.

Вронский ҳеч қандай жавоб қилмади-да, княжна Сорокинага бир неча оғиз сўз айтгандан сўнг, чиқиб кетди. Эшикда акасига дуч келди.

– А, Алексей! – деди акаси. – Қандай расвогарчилик-а! Аҳмоқ, бошқа нарса эмас... ҳозир олдига бормоқчи бўлиб турувдим. Юр, бирга борамиз.

Вронский акасининг сўзларини эшитмади. Шахдам одимлар билан пастга тушиб кетди: бир нима қи-

¹ Каренинанинг кўнглини олгани (франц.)

² Ҳозир ҳамманинг орзида ўша. Довруғи Паттини босиб кетди! (франц.)

лиш кераклигини сезиб турса ҳам, лекин нима қилиш кераклигини билмас эди. Анна ўзини ҳам, Вронскийни ҳам шундай сохта аҳволга солиб қўйгани алам қилар, лекин шу билан бирга, Анна азоб чекаётгани учун раҳми келар, уни ўтдан олиб, ўтга солар эди. Вронский пастга, партерга туша солиб тўғри Аннанинг бенуарига қараб йўл олди. Бенуар олдида Стремов у билан гаплашиб турган эди.

– Тенорлар йўқ энди. *Le moule en est bris.*¹

Вронский Аннага таъзим қилгандан сўнг тўхтаб, Стремов билан кўришди.

– Сиз кечроқ келдингиз шекилли, энг яхши арияни эшитмай қолдингиз, – деди Анна Вронскийнинг юзига қараб: бу қараши Вронскийга истехзоли туюлди.

– Мен ашуланинг қадрига етмайдиган одамман, – деди Вронский ҳам, Аннага терс қараб.

Анна кулимсираб туриб:

– Князь Яшвиндақа денг; у кишига Патти жуда бақириб айтгандай туюлибди, – деди.

Анна Вронский ердан олиб берган афишасини узун қўлқопли митти қўлига олиб туриб:

– Раҳмат, – деди; шунда чиройли юзига бирдан титроқ югурди. Ўрнидан туриб, ложанинг тўрига ўтиб кетди.

Вронский иккинчи парда танаффусида Аннанинг ложаси бўш қолганини сезиб, мусиқа садолари тинчиганда театрдагиларнинг масхараомуз шипшишлари остида партердан чиқди-ю, уйга қараб жўнади.

Анна номерида эди. Вронский номерга кирганда, Анна ҳамон театрда борган либосида эди. Девор ёнидаги биринчи креслода рўпарасига тикилиб ўтирарди. Вронскийга бир кўз ташлаб, яна дарҳол аввалги аҳволига қайтди.

– Анна, – деди Вронский.

¹ Урури қуриди (франц.).

Анна ўрнидан турар экан, йиғламоқдан бери бўлиб, алам ва разаб билан қичқирди:

– Сен, сен айбдорсан ҳаммасига!

– Бормагин деб қанча ялиндим-ёлвордим. Қўлингга озор етишини билардим...

– Озор! – деб Анна яна қичқирди. – Даҳшатли озор! То ўла ўлгунча эсимдан чиқармайман буни. Картасова мен билан ёнма-ён ўтиришни шармандалик деб атади.

– Нодон хотиннинг гапи, – деди Вронский, – лекин шундай нарсаларни била туриб...

– Сенинг совуққонлигинг нафратимни қўзғатади. Мени шу даражага етказмаслигинг керак эди. Мени яхши кўрганингда...

– Анна! Менинг муҳаббатим бу ерда нима қилиб юрибди...

– Тўғри-да, сен ҳам менчалик яхши кўрганингда, сен ҳам менчалик азоб чекканингда... – деди-ю, юраги пўкиллаб Вронскийга қаради.

Вронскийнинг ҳар ҳолда унга раҳми келса ҳам, яна алами кучли эди. У севгиси мустаҳкамлигини ишонтиришга ҳаракат қиларди. Чунки уни ҳозир фақат шу нарсагина юпата олишини билар, шу сабабли сўз билан гинахонлик қилмас, фақат ичидагина ундан ўпкаланар эди.

Севгиси ҳақидаги гаплари Вронскийнинг ўзига разолатдек кўринса ҳам, сўзларни айтишга виждони қийналса ҳам, лекин Анна бу сўзларни эшитиб ҳузур қилар, секин-аста юпаниб борарди. Шу воқеанинг эртасига апоқ-чапоқ бўлишиб, қишлоққа жўнаб кетишди.

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

I

Дарья Александровна ёз кунларини болалари билан сингиси Кити Левинанинг уйида, Покровское қишлоғида ўтказарди. Ўз мулкидаги уйи вайрон бўлган эди, шу вайдан Левин билан хотини ёз кунларини бизникида ўтказинг деб илтимос қилвериб ҳеч қўймадилар. Степан Аркадьич бу тадбирни жуда маъқулади. У ёз кунларини бола-чақаси билан қишлоқда ўтказишга хизмати халақит бергани учун кўп афсус еганини, бола-чақаси билан бирга бўлиш ўзи учун энг катта бахт эканини айтар, гарчи ўзи Москвада қолган бўлса ҳам онда-сонда келиб, бир-икки кун туриб кетарди. Облонскийлар, болалари ва мураббиясидан ташқари шу ёз бўйи қари княгиня ҳам Левинларникида меҳмон бўлиб турди. Шундай аҳволга тушиб қолган тажрибасиз қизига кўз-қулоқ бўлиб туришни графиня ўз бурчи деб биларди. Булардан ташқари, Китининг чет элда орттирган дугонаси Варенька ҳам, эрга текканингизда келаман, деган ваъдасининг устидан чиқиб, дўстиникига меҳмон бўлиб келган эди. Ҳаммаси Левин хотинининг қариндош-уруғлари ва дўстлари эди. Левин буларнинг ҳаммасини яхши кўрса ҳамки, ҳар ҳолда, ўзининг левинча осойишталиги ва тартиби, унинг ибораси билан айтилганда, «Шчер-

бацкий унсури• томонидан оёқ ости бўлганига юраги бир оз ачишиб турарди. Ўзининг қариндошларидан шу йил фақат Сергей Ивановичгина меҳмон бўлиб турарди; лекин бу ҳам Левинлар уруғидан эмас, Кознишевлар уруғидан; шундай қилиб, Левинларга хос хусусият бутунлай йўқ этилиб борарди.

Кўп вақтлардан бери бўш турган Левинлар уйида ҳозир одам шу қадар кўп эдики, хоналарнинг қарийб ҳаммаси банд эди, бунинг устига, қари княгиня столга келиб ўтирганда, одамларни қарийб ҳар кун бошқатдан санаб чиқишга ва ўн учинчи неварасини махсус столчага ўтқазишга мажбур бўларди. Рўзгор ишларида жонбозлик кўрсатаётган Китининг ҳам товуқ, курка ва ўрдак сотиб олиш ташвишларидан боши чиқмас, меҳмонлар билан болаларнинг иштаҳалари ёзда очилиб кетгани учун бу паррандалар кўплаб сўйилар эди.

Бутун оила дастурхон атрофига йиғилган эди. Доллининг болалари эса мураббиялари ҳамда Варенька билан бугун қаёққа бориб қўзиқорин териш режасини тузиш билан банд эди. Меҳмонлар орасида ўз ақли ва илми туфайли ҳамманинг чуқур ҳурматига сазовор бўлган Сергей Иванович қўзиқорин устида кетаётган гапга аралашиб ҳаммани ҳайрон қилди.

– Мени ҳам бирга олиб боринглар. Қўзиқорин қидиришни жуда яхши кўраман, – деди Сергей Иванович Варенькага қараб. – Менингча, бу жуда яхши машғулот.

Варенька қизариб:

– Кошкийди, биз ҳам хурсанд бўламиз, – деб жавоб қилди. Кити маънодор қилиб Долли билан кўзуриштириб олди. Илми ва ақли Сергей Ивановичнинг Варенька билан қўзиқорин тергани бориш тўғрисидаги таклифи Китининг сўнгги вақтларда ўзини жуда ўйлатиб қўйган баъзи тахминларини тасдиқлар эди. У, кўзларидаги ифодани ҳеч кимга

сездирмасликка тиришиб, шошиб онаси билан гаплаша бошлади. Овқатдан сўнг Сергей Иванович меҳмонхона деразаси ёнида қаҳвасини ичиб ўтириб, укаси билан бошлаган суҳбатини давом эттирди; у кўзиқорин тергани борадиган болалар ҳозир чиқадиган эшикка қараб-қараб кўяр эди. Левин акасининг ёнига келиб, деразага ўтирди.

Кити, афтидан, ўзини қизиқтирмаётган бу суҳбатнинг тугалишини кутиб, эрининг ёнида турар, унга бир нима демоқчи бўларди.

Сергей Иванович ўзи бошлаган суҳбатга унча қизиқмаётган бўлса керак, Китига бир кулимсираб кўйиб:

– Уйланганингдан бери жуда ўзгариб кетдинг, ўзгарганингда ҳам, яхшилик томонга, – деди укасига, – дин энг мавҳум фикрларни ҳимоя қилишдаги эҳтиросингга ҳали ҳам содиқсан.

Левин хотинига стул суриб кўйиб:

– Катя, тикка туришинг тўғри келмас, – деди-ю кўзига маънодор қилиб қараб кўйди.

– Албатта, лекин ҳозир вақти эмас, – деб гапига кўшиб кўйди Сергей Иванович болаларнинг югуришиб чиққанларини кўриб.

Таня кўлларидаги саватчаси билан Сергей Ивановичнинг шляпасини силкита-силкита, унга қараб чопиб келарди. У пайпоқларини тортиб кийиб олган эди.

Таня Сергей Ивановичнинг олдида дадил чопиб келди-да, отасининг чиройли кўзларига жуда ҳам ўхшаб тушган кўзларини чарақлатиб, Сергей Ивановичнинг шляпасини бергандан сўнг уни ўзи кийдириб кўйишга ҳаракат қилди ва такалуфсизлигини латиф бир табассум билан юмшатишга тиришди.

Таня Сергей Ивановичнинг жилмайганидан кийдириш мумкинлигини англади-ю, шляпани эҳтиёткорлик билан кийдираётди.

– Варенька кутиб турибди, – деди.

Варенька эгнига сариқ чит кўйлак кийган ва бошига оқ дурра ўраган ҳолда эшик оғзида кутиб турарди.

Сергей Иванович қаҳвасини ҳўплаб тамомлади-да, чўнтақларига дўстрўмоллари билан сигара қутисини сола туриб:

– Ҳозир, ҳозир, Варвара Андреевна, – деди.

– Менинг дўстим Варенька қандай ажойиб-а? – деди Кити эрига, Сергей Иванович ўрнидан туриши билан. Бу сўзларни Сергей Ивановичга эшитилдиган қилиб айтди, афтидан, шундай истаги бўлса керак эди. – Яна бунинг чиройлилиги-чи! Аса гўзаллик! Варенька, – деб қичқирди Кити, – тегирмон бор ўрмонга борасизларми? Биз ҳам борамиз.

– Аҳволингни ҳеч ўйламайсан-а, қизим, – деди қари княгиня шоша-пиша эшикдан чиқиб. – Бунақа қичқирма, зарар қилади.

Варенька Китининг овозини, кейин онасининг танбеҳини эшитиб, енгил одимлар билан дугонаси ёнига етиб келди. Ҳаракатларининг тезлиги, қизишиб кетган юзининг ранги – буларнинг ҳаммаси унда ғайриоддий бир нарса рўй бераётганлигидан далолат берарди. Кити бу ғайриоддий ҳолатни билар, шунинг учун дугонасини диққат билан кузатиб борарди. Китининг фикрича, бугун овқатдан сўнг ўрмонда муҳим ҳодиса содир бўлиши керак эди. Шунинг учун уни кўнглида фотиҳа бергани чақирган эди.

Кити дугонасини ўпиб туриб:

– Варенька, агар бир нарса содир бўлса, мен жуда бахтли бўлардим, – деди шивирлаб.

Варенька ўзига айтилган сўзларни эшитмаганга солса ҳам, лекин уялиб туриб:

– Сиз ҳам биз билан борасизми? – деди Левинга.

– Мен ҳам бораман, лекин хирмонгача, ўша ерда қоламан.

- Э, хирмонда нима бор-а! – деди Кити.
- Янги араваларни кўриш, ҳисобга олиш керак, – деди Левин. – Ўзинг қаерда бўласан?
- Айвонда.

II

Айвонга ҳамма хотинлар йиғилган эди. Улар умуман овқатдан кейин ўша ерга чиқиб ўтиришни ёқтиришса ҳам, лекин бутун у ерда иш ҳам бор эди. Чақалоқ кўйлакчаларини тикиш ва ўрама тўқиш билан ҳамма банд бўлса-да, бу ишлардан ташқари, у ерда Агафья Михайловна янги усул билан сув қўшмай мураббо пишираётган эди. Кити уйларида қўлланиб келинган бу янги усулни ҳозир жорий қилаётган эди. Бу иш аввал Агафья Михайловнага юклаб қўйилган эди. Левиннинг уйида пиширилиб келган мурабболар ёмон чиқмаган бўлса керак, деган андиша билан Агафья Михайловна сув қўшмасдан бўладими деб қулупнай ва ер тутидан пиширган мурабболарига сув аралаштирди; ахир бир кун қўлга тушиб қолди, мана энди малина мураббоси ҳамманинг кўзи ўнгида пишириляпти, шу билан Агафья Михайловнани сувсиз ҳам мураббо чиқишига ишонтиришмоқчи эди.

Агафья Михайловна нафси оғриганидан юзлари қизарган, сочлари тўзиган ҳолда энгларини тирсақларигача шимариб олиб, тоғорани ўчоқ устида айлантириб турар, тоғорадаги малинага хўмрайиб қарар, кўнглида малинанинг пишмай тагига олиб кетишини тиларди. Княгиня бўлса, малинадан мураббо пиширишда Агафья Михайловнанинг назарида мен маслаҳатбоши бўлиб кўринаман, шунинг учун бутун захрини менга сочади, деб уйлаб, ўзини малинага қизиқмаган, бошқа иш билан банд бўлган кишига ўхшатиб кўрсатса ҳам, бошқа тўғриларда

гаплашиб ўтирса ҳам, яна кўз қири билан ўчоққа қараб-қараб қўярди.

– Мен хизматкор қизларимга кўйлаклик тиктириш учун ҳамиша ўзим арзон моллардан сотиб оламан, – деярдди княгиня, бошлаган гапини давом эттириб... – Энди кўпигини олсангиз қалай бўларкин, айланай, – деди Агафья Михайловнага қараб. Кейин: – Сен уринмасанг ҳам бўлади, иссиқ, – деб Китини қайтарди.

– Мен оламан, – деди-ю Долли, ўрнидан туриб бориб, қошиқни кўпик чиқараётган қанд шираси устида секин-секин юргиза бошлади; қошиқни ликобчага уриб, ёпишган кўпикларни ора-сира тушириб турди, ликобча ранг-баранг, сариқ-пушти кўпиклар билан тўлиб, тагида қон рангли шира тўпланарди. Долли ёш болалик чоғларида мураббонинг бу энг яхши жойини, кўпигини катталар нима учун эмас экан, деб ҳайрон бўларди; ўша вақтлар ҳайрон бўлгани ҳозир эсига тушди-ю: «Буни чой маҳалда қандай яхши кўриб ялашар экан-а?» деб болалари тўғрисида ўйлади.

Боя хизматкорларга қандай нарсаларни совға қилиш керак, деган мавзуда мароқли суҳбат бошланган эди; Долли бу орада шу суҳбатни давом эттириб:

– Стива: «пулнинг ўзини бераверган яхши», дейди, – деди. – Лекин...

– Қандай қилиб пулнинг ўзини бериб бўлади! – деб юборишди бир овоздан княгиня билан Кити. – Пулнинг қадри бўлармишми?

– Масалан, бултур мен ўзимнинг Матрёна Семёновнамизга поплин эмас, шунга ўхшаган бир нарсани совға қилдим, – деди княгиня.

– Эсимда, турилган кунингизда ўша кўйлакда эди.

– Гули оламда йўқ: одми-ю, кўзни олади. Унинг устида бўлмаганда, ўзимга ўшанақасини тикиб

олардим. Вареньканикига ўхшаб кетади. Бирам чиройли, бирам арзон.

Долли мураббо ширасини қошиқдан томизиб:

– Тайёр бўлди шекилли? – деди.

– Тирноққа тушиб қотганда тайёр бўлади. Яна қайнатинг, Агафья Михайловна.

– Вой, бу пашшалар-эй! – деди жаҳли чиқиб, Агафья Михайловна. – Қанча қайнаса ҳам бўлгани шу, – деб қўйди кейин.

– Вой, мунча ширин, ҳуркитманглар! – деди бирдан Кити, панжарага келиб қўнган чумчуққа қараб, чумчуқ малина шингилени ағдариб, чўқий бошлаган эди.

– Ҳай, болам, ўтдан нарироқ тургин-а, – деди онаси.

Агафья Михайловна тушунмасин деб, улар ҳаммиша французча гапиришар эди, Кити ҳам ҳозир французчалаб:

– А провос де¹ Варенька, – деди. – Биласизми, матап, бугун нима учундир ҳал бўладигандек кўриняпти менга. Қандай ҳал бўлишини биласизми? Жуда яхши бўларди-да!

– Матап, сиз нима деб ўйлайсиз?

– Нима деб ўйлардим? У (у – Сергей Иванович эди) Россиянинг энг пошшоҳон қизига офиз солса арзир эди! Ҳозир унча ёш эмас, шундай бўлса ҳам, биламан, у оламан деса, жуда кўплар жон-жон деб тегади... Варенька жуда дилбар қиз, лекин у...

– Йўқ, тушунсангиз-чи, ойи, униси ҳам, буниси ҳам бир-бирига муносиб, бундан яхшини топиб бўлмайди. Аввало, Варенька жуда-жуда жонон қиз! – деди Кити, бир бармоғини букиб.

– Варенька унга жуда ёқиб қолди, буниси тўғри, – деди Долли ҳам тасдиқлаб.

¹ Айтмоқчи, Варенька тўғрисида.

- Иннайкейин, Сергей Иванович жамиятда шундай бир мавқега эгаки, хотинининг жамиятда тутган ўрнига ҳам, давлатига ҳам муҳтож эмас. Унга ёлғиз бир нарса яхши, дилбар, вазмин хотин керак.

- Тўғри, бу қиз билан тиниб-тинчиб кета олади, - деди Долли яна тасдиқлаб.

- Учинчидан, хотини яхши кўриши керак. Бу томони ҳам бор... яъни, шундай бўлса соз бўларди-да!.. Мана ҳозир ўрмондан келишади-ю, ҳамма нарса ҳал бўлади, деб кўзларим тўрт бўляпти. Кўзларидан билиб турибман. Ҳўлаганим бўлса бошим осмонга етарди. Сен нима дейсан, Долли?

- Кўп ҳовлиқаверма, ҳовлиқиш сенга зарар, - деди онаси.

- Ҳовлиққанам йўқ, ойижон. Чамамда, бугун оғиз солади-да.

- Эҳ, эркакларнинг қачон, қандай оғиз солишини кутиш хўп ралати нарса-да... ўртада бир ров туради-ю, кейин у барбод бўлади, - деди Долли, ўйчан кулимсираб. Ҳозир унинг эсига Степан Аркадьич билан топишган вақтлари тушиб кетди.

- Ойи, дадамлар сизга қандай оғиз солганлар? - деб сўраб қолди Кити бирдан.

- Эл қатори, бошқача бўлармиди, вой! - деб жавоб қилди княгиня; лекин эри бирга турмуш қуриш тўғрисида тақлиф қилган пайтни эслаб юзи чарқлаб кетди.

- Йўқ, айтинг! Сизга ижозат берганларидан олдин, ҳар ҳолда яхши кўрармидингиз?

Кити хотин-қизлар ҳаётининг энг асосий масаласи тўғрисида онаси билан энди тенг ҳуқуқда гаплаша олаётганидан ҳузур қиларди.

- Албатта, яхши кўрадим-да; бизнинг қишлоғимизга келиб турарди.

- Қани, қандай бўлди? Ойи, айтинг?

– Нима, ўзларингизни янги нарса топганмиз, деб ўйлайсанми? Ҳаммаси эски гап: кўз билан, табас-сум билан бўлган-да...

– Жуда ўхшатиб гапирдингиз-да, ойи! Худди сиз айтгандай кўзу, табассум билан, – деди Долли тасдиқлаб.

– Йўқ, қанақа сўзлар айтган?

– Костя сенга қанақа сўзлар айтган?

– Бўр билан ёзган. Жуда қизиқ қилган-да... назаримда, алақачон бўлганга ўхшайди! – деди Кити.

Ана шундан кейин учала хотин бир хил нарса-ни ўйлаб кетди. Сукунатни олдин Кити бузди. Эрга тегишидан олдинги қиш ва Вронскийга ҳавасманд бўлиб юрган кезлари эсига тушди.

– Бир томони бор... бу Вареньканинг ўтмишдаги алоқаси, – деди Кити; унинг ўйлари табиий равишда бошқа фикрларни турдирди. – Мен ўрни билан Сергей Ивановичга айтмоқчи эдим, кейинча хуноб бўлиб юрмасин, деб. Эркак зоти, – деб илова қилди, – бизнинг ўтмишимизга жуда ёмон рашк қилади.

– Ҳаммаси ҳам эмас, – деди Долли. – Сен ўзингнинг эрингга қараб шунақа деяпсан. Вронскийни эслаб ҳали ҳам эзилиб юради. Шундайми? Тўғри-ку!

Кити кўзлари билан ўйчан кулимсираб:

– Тўғри, – деб жавоб қилди.

– Лекин сенинг қанақа ўтмишинг уни безовта қилишини мен билмайман, – деди княгиня оналик ҳисси билан қизининг тарафини олиб. – Нима, Вронский орқангдан юрганми? Бунақа гаплар ҳар қанақа қизнинг ҳам бошидан ўтади.

– Э, буни гапираётганимиз йўқ, – деди Кити қизариб.

– Йўқ, шошма, – деди онаси, сўзини давом қилдириб, – иннайкейин, Вронский билан гаплашаман десам, ўзинг қўймагансан. Эсингдами?

– Қўйсангиз-чи, ойи! – деди Кити изтироб чекиб.

– Энди сизларни ушлаб бўлмайди... Сенинг алоқанг одоб доирасидан. нарига чиққан эмас; бўлмаса, уни ўзим чақириб таъзирини берардим. Ҳа, қўй, жон болам, хафа бўлиш ҳозир сенга зарарли. Гап шунақа, айланай, кўнглингни тўқ тут, гапларим эсингда бўлсин.

– Кўнглим тўқ, шатап.

– Китининг бахтига Анна келиб қоларми, – деди Доли, – лекин ўзи бахти қора бўлди. Қаранг, бутунлай тескари бўлиб чиқди-я, – деди яна, ўз фикридан ажабланиб, – ўшанда Анна жуда бахтли эди. Кити бўлса ўзини бахти қора бўлдим, деб юрарди. Бутунлай тескариси бўлди! Анна тез-тез эсимга тушиб туради.

– Ўйлаган одамнинг қара-ю! Паст, жирканч, бебағир хотин, – деди онаси; У Китининг Вронскийга тегмай, Левинга текканини ҳали ҳам эсидан чиқара олмай юрарди.

– Буни гапириш кимга зарур кепти-я! – деди Кити бўғилиб. – Мен буни ўйламайман ҳам, ўйлашни хоҳламайман ҳам... – кейин айвон зинасидан чиқиб келаётган эрининг таниш дупурига қулоқ солиб, туриб яна такрорлади: – Ўйлашни хоҳламайман ҳам.

Левин айвонга чиқиб:

– Ўйлашни хоҳламайман ҳам, деб нима тўғрисида айтяпсан? – деб сўради.

Левинга ҳеч ким жавоб бермади, у ҳам қайтариб сўрамади.

Левин норози бўлиб ҳаммага бир қараб қўйди-ю, ўзининг олдида гапирилмайдиган нарса тўғрисида гапиришаётганини пайқаб:

– Сиз аёлларнинг гапларингизга халақит берганим учун афсус еб қолдим, – деди.

Левин малинани сувсиз қайнатишаётганлари ва умуман Шчербаскийларнинг ёт таъсирлари учун Агафья Михайловнанинг норози бўлиб юрганини

биларди. Ҳозир ўзининг кўнглида ҳам ана шундай ҳис бир уйғониб ўтганини сезди. Шундай бўлса ҳам, Китининг ёнига кулимсираб келди.

– Ишлар қалай? – деб сўради Левин, Китига ғамхўр кўз билан қараб; кейинги вақтларда ҳамма унга шу кўз билан қарайдиган бўлиб қолган эди.

– Ёмон эмас, жуда соз, – деди Кити кулимсираб, – ўзингники-чи?

– Мойдай. Нима қиламиз, болалар орқасидан борамизми? Аравани қўштиряпман.

– Нима бало, Китини аравага тушириб бормоқчимисан? – деди онаси, таъна билан.

– Отларни секин ҳайдаб борамиз-да, княгиня.

Левин бошқа куёвларга ўхшаб, княгиняни ҳеч вақт татап деб айтмас, бу эса княгинянинг энсасини қотирар эди. Аммо у княгиняни жуда яхши кўрса, ҳурмат қилса ҳам, марҳума онасининг хотирасини поймол қилиб, княгиняни татап деб атолмасди.

– Юринг биз билан, татап, – деди Кити.

– Сенларнинг эҳтиётсизликларингизни томоша қилишга тоқатим борми?

– Бўпти, пиёда бораман. Менга фойдаси бор-ку, – деди-да Кити, ўрнидан туриб келиб, эрини қўлтиқлади.

– Фойдаси-ку бор-а, лекин эви билан, – деб қўйди княгиня.

Левин Агафья Михайловнанинг кўнглини олиш мақсади-да:

– Қалай, мураббо тайёрми, Агафья Михайловна? – деди кулимсираб. – Янги усул тузукми?

– Яхши бўлса керак. Биз бунчалик ўтказиб юбормаймиз.

– Яхши-да, Агафья Михайловна, ачимайди, музларимиз эриб кетган, ҳозир сақлайдиган жойимиз йўқ, – деди Кити, дарҳол эрининг муддаосини пайқаб ва ўзи ҳам шу тахлит муомала қилиб. – Лекин

сиз тузлаган нарсалар шундай ажойибки, ойимлар ҳеч қаерда бунақасини емаганман, дейдилар, – деди яна кулимсираб ва Агафья Михайловнанинг дуррасини тузата туриб.

Агафья Михайловна Китига зарда қилиб қаради.

– Кўнглимни кўтарманг, бегойим. Сизни у билан кўрсам бўлди, кўнглим очилиб кетаверади, – деди Агафья Михайловна; лекин Агафья Михайловнанинг улар билан демай, у билан дегани Китига ёмон таъсир қилди.

– Биз билан бирга боринг, қўзиқорин бор жойларни кўрсатасиз.

Агафья Михайловна кулимсираб, бош чайқади; бош чайқашида: «Сизларга-ку жон-жон деб захримни сочардим-а, лекин иложим йўқ-да», деган маъно бордек эди.

– Барака топкур, мен айтганча қилаверинг, – деди қари княгиня, – мураббо устидан қороз ёпиб қўйинг, қорозни ром билан ҳўлланг, шундай қилсангиз, муз бўлмаса ҳам пўпанак босмайди.

III

Кити эри билан холи қолганидан ниҳоятда хурсанд эди, чунки эри айвонга чиқиб, нима тўғрисида гапиришаётганларини сўраганда ҳеч ким жавоб бермагандан кейин ҳамма нарсани ойнадай акс эттириб турадиган юзида ранжиш аломати кўринганини сезган эди.

Улар пиёда йўлга тушиб, бошқалардан илгаридека кетишди; уйлари анча орқадда қолиб, жавдари бошоқлари ва донлар тўкилган чанг, текис аравада йўлга чиқишганда, Кити эрига суяниб, қўлини маҳкам қисиб борди. Левин бир лаҳзада ўтиб кетган хафагарчиликни алақачон унутган эди; ҳозир у билан холи борар экан, хотинининг ҳомиладорли-

ги ҳақидаги фикрлари миясидан бир зум ҳам кетмас, бу фикрлар суюкли хотинининг яқинлигидан ҳосил бўлган ҳузур-ҳаловат ҳиссидан бутунлай бошқа, янги, суюнчли, пок ҳислар туғдирар эди. Гапириладиган гап йўқ эди, ҳомиладорлиги орқасида хотинининг қарашлари ҳам, овози ҳам ўзгарган, ҳозир унинг овозини эшитгиси келарди. Овозида ҳам нигоҳларидаги сингари юмшоқлик, жиддийлик бор эди; бундай жиддийлик ҳамма вақт бутун фикрини севиқли иши устида тўпланган кишилардагина бўлади.

– Менга қара, чарчаб қолмайсанми? Кўпроқ суян,
– деди Левин.

– Сен билан холи қолганимга жуда хурсандман; тўғриси айтсам, булар билан қисилиб қолдим, қишда иккаламиз овлоқда ўтказган кунларимизни кўмсайман.

– У кунлар яхши эди, лекин ҳозиргиси яна ҳам яхши. Иккаласи ҳам яхши. – деди Левин хотинининг қўлини қисиб.

– Биласанми, айвонга чиққанингда нимадан гаплашиб турувдик?

– Мураббодан-да!

– Ҳа, мураббодан; кейин қизларга ориз солишдан гап чиқиб кетди.

– Э! – деди Левин; у Китининг сўзларидан кўра, кўпроқ овозига қулоқ солар, Кити эса ҳозир ўрмонга кирган йўлни ўйлаб, нотўғри оёқ босиб қўйиш мумкин бўлган жойлардан ҳатлаб борарди.

– Иннайкейин, Сергей Иванович билан Варенькадан гап чиқди. Ҳеч пайқадингми?.. Қани энди шундай бўлса, – деди Кити сўзини давом қилдириб.
– Сен нима дейсан? – Кити эрининг юзига қаради.

– Нима дейишимни ҳам билмайман, – деди Левин, кулимсираб. – Сергей, назаримда, бу жиҳатдан жуда ғалати одам. Айтувдим-ку сенга...

– Ҳа, ўлиб кетган қизга ошиқлигини...

– Мен у вақтлар ёш бола эдим: ривоятлардан билман. Акамнинг ўша чорлари эсимда: жуда ажойиб, дилбар йигит эди. Ана ўшандан бери хотинларга муомаласини қузатиб келаман, яхши муомала қилади, баъзилари ёқади ҳам, аммо назаримда хотинлар унга хотин киши эмас, шунчаки одам бўлгани учун ёқади.

– Шундайдиру, лекин ҳозир Варенька билан... назаримда бир нарса бордай...

– Бор бўлса бордир... лекин акамни билиш керак... У жуда ажойиб одам. Тирикчилиги маънавий ҳаёт билан, холос. Қалби ҳаддан зиёд тоза, олижаноб одам.

– Нимага? Уйланса ерга урилган бўладими?

– Йўқ, у маънавий ҳаётнинг бир ўзи билан яшашга шу қадар кўникиб кетганки, амалий ҳаётга тоби йўқ. Варенька бўлса, ҳар ҳолда, амалий ҳаёт...

Левин, хотинига аниқ сўзларни топиб айтиш учун кийналиб ўтирмасдан, ўз фикрларини дангал айтаверишга одатланиб қолган эди; ҳозирги сингари ишқ-муҳаббат савдоси устида гап кетаётганда, айтмоқчи бўлган сўзини хотини бир ишорадаёқ фаҳмлаб олишини билар, Кити ҳам англар эди.

– Шундай дейсан-у, лекин Варенькада мендаги сингари амалий ҳаёт асари йўқ; тушунаман, Сергей Иванович менга ҳеч қачон кўнгил бермас эди. Вареньканинг бутун борлиги маънавий...

– Йўқ, унақа дема, акам сени жуда яхши кўради, меникилар сени яхши кўрганидан хурсандман.

– Тўғри, менга меҳри бор, лекин...

– Албатта, марҳум Николенька сингари эмас... икковларинг бир-бирларингни ёқтириб қолувдинглар, – деб Левин гапини тугатди. – Нега тилга олмайдин? – деди кейин, – гоҳо ўзимни: бир кун эмас бир кун, бари бир, эсингдан чиқариб юборасан, деб

койийман. У қандай баджаҳл, лекин ажойиб одам эди-я! – Левин бир оз жим қолгандан сўнг сўради: – Ҳа, айтмоқчи, нимадан гаплашаётувдик?

Кити гапни ўз мавзуга кўчириб:

– Нима, сен уни кўнгил беролмайди, деб ўйлайсанми? – деди.

– Кўнгил беролмайди демоқчи эмасман, – деди кулимсираб Левин, – лекин унда шунақа нарсаларга ўчлик йўқ... мен унга ҳамиша ҳасадланиб келардим, ҳатто ҳозирги бахтли кўнларимда ҳам яна ҳасад қиламан.

– Кўнгил бериш қобилияти йўқ, деб ҳасад қиласанми?

– Йўқ, мендан яхшироқ бўлгани учун ҳасад қиламан, – деди Левин кулимсираб. – Ўзини тақир ўйламайди. Бутун ҳаёти бурчига бўйсундирилган. Шунинг учун ҳам вазмин, мамнун бўлиб юра олади.

– Сен-чи? – деб сўради Кити, ҳазил ва меҳр тўла бир табассум билан.

Кити ўзини жилмайтирган фикрлар жараёнини ҳеч бир сўз билан ифода қилиб беролмасди; лекин шу хулосага келдики, эрининг акасига ҳаваси келиб, ўзини ерга уришида самимият йўқ эди. Кити бу носамимийликнинг акасига бўлган муҳаббати ва ўзини ҳаддан зиёд бахтли ҳис этгани натижаси, айниқса доимо яхшироқ бўлиш истагининг оқибати эканлигини биларди, Кити ундаги бу ҳисларни севар, шунинг учун жилмаяр эди.

Кити ана шу хилда жилмайиб туриб:

– Сен-чи? Сен нимадан норозисан? – деб сўради.

Ўзидан норозилигига хотини ишонмаётгани Левинни қувонтирар, ишонмаганлигининг сабабини гапиртиришга ундарди.

– Бахтлиман, аммо ўзимдан норозиман... – деди Левин.

– Қизик, бахтли бўлсанг, қандай қилиб ўзингдан норози бўлишинг мумкин?

– Яъни, сенга қандай уқтирсам экан?.. Кўнглимда, сени қоқиниб-нетиб кетмасайдинг, деган истақдан бошқа нарса йўқ. Ҳай, ахир бундай сакраб бўлмайди-ку! – деб сўзини бўлди-ю, сўқмоқда ётган шохдан сакраб ўтаман деб қадамини ҳаддан зиёд тезлаштириб юборгани учун хотинига ўпка қилди. – Лекин ўз тўғримда ўйлаб, ўзимни бошқаларга, айниқса акамга солиштириб қарасам, яхши эмасдай кўринаман.

– Вой, нима учун? – деди Кити, яна ўшандай жилмайиб. – Нима, сенинг ҳам бошқаларга саховатинг тегмаяптими? Хуторларинг, хўжалигинг, китобинг, булар-чи?..

– Йўқ, ҳаммасига сен айбдорсан, мен бун ҳозир жуда ҳам равшан сезиб қолдим, – деди Левин хотинининг қўлини қисиб. – Иш бундай бўлмайди. Мен ишларимни наридан-бери, қўл учида қиялпман. Агар шу ишларни ҳам, сени севганимдай, севсам эдим... ҳолбуки, ишларимни сўнгги вақтларда, уйга берилган вазифани бажаргандек, бажарадиган бўлиб қолдим.

– Хўш, дадамлар тўғрисида нима дейсан? – деб сўради Кити. – Жамоат иши учун ҳеч нима қилмаганлари учун, демак, дадамлар ҳам ёмон эканлар-да?

– Дадангми? Йўқ, одам деган отанг сингари содда, мусаффо, меҳрибон бўлиши керак. Хўш, менда шу нарсалар борми? Мен ҳеч нарса қилмаяпман, шунинг учун қийналяпман. Ҳаммасига сен айбдор сенинг йўлингда, иннайкейин, мана бу йўқлигида, – деган эди Левин хотинининг қорнига ишора қилиб. Кити дарҳол тушунди, – бутун кучимни ишга сарф қилардим, энди эса ишга қўл уролмайман, бу мени хижил қилади; мен ҳамма нарсани чиндан ҳам уйга берилган вазифани бажаргандай бажариб юрибман, мен ўзимни...

– Шошма, сен ҳозир Сергей Ивановичнинг ўрнида бўлишни хоҳлармидинг? – деди Кити. – Акангга ўхшаш, жамият ишини қилишни, уйга берилган дарсни яхши кўришни, фақат шу нарсаларнигина хоҳлармидинг?

– Албатта, йўқ, – деди Левин. – Омади гапни айтганда, шу қадар бахтлиманки, бирон нарсани тушунишга қодир эмасман. Менга қара, бугун у Варенькага уйланишни таклиф этади, деб ўйлайсанми? – деди, бир оз жим қолгандан кейин.

– Ўйлайман ҳам, ўйламайман ҳам. Лекин топишишларини жуда хоҳлардим-да. Шошмай тур, – деди-ю, Кити, йўл бўйидаги бир ёввойи оқ гулни энгашиб узиб олди. – Санаб тур: оғиз солади, оғиз солмайди, – деди гулни арига бера туриб.

Левин ҳам оқ камбар гул баргларини узиб туриб:

– Оғиз солади, оғиз солмайди, – деди.

Кити унинг бармоқларига ҳаяжон билан тикилиб турган эди, кўлидан ушлаб:

– Йўқ, йўқ, – деб тўхтатди. – Иккитасини узвординг.

– Хайр бўлмаса, манави кичкинаси ҳисобга кирмайди, – деди Левин яхши ўсмаган калта баргни узиб. – Ана, аравамиз етиб келди.

– Чарчадингми, Кити? – деб қичқирди княгиня.

– Қилча ҳам.

– Отлар ювош бўлса, қадамлаб юрадиган бўлса, аравага чиқиб ола қол.

Аравага чиқишнинг ҳожати йўқ эди. Мўлжалланган ерга келиб қолишгани учун, ҳамма пиёда кетди.

IV

Қора сочлари устига оқ дуррасини ташлаган, болалар қуршовида, уларга меҳру шафқат билан қараб, вақтичора бўлиб юрган ва ёқтирган бир киши-си билан изҳор муҳаббат қилишлари эҳтимолидан

юраги дукурлаб турган Варенька жуда ҳам очилиб кетган эди. Сергей Иванович унинг ёнида юрар, ҳаваси келиб қараб-қараб қўярди. Варенька қараган сари, ундан эшитган барча дилбар сўзларни, у тўғрисида билган барча яхши нарсаларни эслар, Варенькага нисбатан юрагида уйғонган ҳиснинг эса жуда ралатилигини, узоқ ўтмишда, дастлабки ёшлик даврида фақат бир мартагина бошидан кечирган ҳисга ўхшаганлигини англади. Ёнида, яқингинасида эканлигидан кўнглида тўлиб-тошган шодлик уни шу даражага етказадик, ўзи топган каттакон бир кўзиқоринни саватга қўя туриб, кўзларига бир қараб қўйди; шунда Вареньканинг юзиде кўрқув аралаш шодлик аломати пайдо бўлиб, ҳаяжонидан ловиллаб кетганини пайқадю, ўзи ҳам уялиб, тагида жуда-жуда кўп гап бўлган бир табассум билан жимгина кулимсираб қўйди.

•Бундай бўладиган бўлса, – деди ўзича, – ўйлаб ҳал қилишим керак, ёш бола сингари, ўткинчи ҳавасга берилишим ярамайди•.

– Энди ўз бошимга кўзиқорин термасам бўлмай-диганга ўхшайди, терганларим ҳеч сонга кирма-япти, – деди-да, бир ўзи ўрмон ичига кириб кетди, улар ўрмон ёқасида сийрак, қари оқ қайинлар орасидаги пастак, майин кўкатларда юришган эди. Ўрмон ичида қайинларнинг оқ ўзаклари орасида тортеракларининг ўзаклари бўзариб, ёнғоқлар қорайиб турарди. Сергей Иванович, қирқ қадамча боргач, пушти-қизил попуқларини осилтириб, фарқ гуллаб ётган бересклет бутаси орқасига ўтди-ю, ўзини ҳеч ким кўрмаслигини билиб, тўхтади. Тевараги жимжит эди. Фақат тепасидаги оқ қайинлар устида чивинлар, худди асалари инидай, тинмай гувиллашиб турар, ора-сира болаларнинг овозлари эшитилиб қоларди. Ўрмон четидан бирдан Вареньканинг Гришани чақираётган ёқимли овози эшитилди,

шунда Сергей Ивановичнинг юзига шодлик табас-
суми югурди. Сергей Иванович бу табассумнинг
маъносини англаб, ўз аҳволдан норози бўлиб бош
чайқади-да, сигара чиқариб тутата бошлади. Гутур-
тини оқ қайин танасига ҳар қанча ишқаса ҳам ён-
диrolмасди. Оқ қовузоқнинг майин туклари олтин-
гутуртга ёпишиб, ўтни ўчириб қўяверди. Ахийри
гутуртлардан бири ёнди-ю, сигаранинг хушбўй ту-
туни, кенг дастурхон сингари чайқалиб, олдинга ва
шоҳлари осилиб тушган қайин бутаси устига қараб
кўтарила бошлади. Сергей Иванович тутунни кўз-
ларидан қочирмасдан, ўз аҳволини ўйлаб, секин-се-
кин юриб борди.

«Нега рад қилай? – деб ўйларди Сергей Иванович.
– Агар бу бир ўткинчи ишқ ё эҳтирос бўлса, фақат
ўзимдагина содир бўлган ҳис бўлсайди, аммо икко-
вимизда шу майл пайдо бўлган, (мен буни иккови-
мизда қўзралган ҳавас деб айта оламан) буни ҳаёт
тарзим учун бутунлай зид деб ҳис қилган бўлсам,
агар мен бу ҳавасга берилиб мақсадимга, бурчимга
ҳиёнат қилаётган бўлсам бошқа гап эди... лекин
бундай эмас-да. Бунга қарши айтадиган гапим бўл-
са, у ҳам шуки, Мағедан жудо бўлганимдан кейин
унинг хотирасига содиқ бўлиб қоламан, деб онт ич-
ганман. Кўнглимда уйғонган ҳисга қарши ёлғиз шу-
нигина айта оламан... бу жуда муҳим нарса», – деса
ҳам Сергей Иванович, яна бу мулоҳазаларининг ўзи
учун ҳеч қандай аҳамияти йўқлигини ҳис қилар,
жуда бўлса шоирона ролимга одамлар кўзида пу-
тур етказар, деб ўйларди. «Лекин юрагимдаги ҳисга
қарши чиқиш учун булардан бошқа сабаб борми-
кан деб ҳар қанча қидирсам ҳам, бари бир, топол-
майман. Фақат ақлимнинг сўзига кирсам, бундан
яхшироғини топа олмас эдим».

Ўзи билган хотинлар ва қизларни қанчалик кўз
олдига келтирмасин, у ўзини босиб ўтириб муҳока-

ма қилганда, ўз хотинида бўлишини хоҳлаган ҳам-ма сифатларни шунчалик ўзида тўплаган қизни ҳеч эслай олмас эди. Варенькада ёшликнинг бутун ла-тофат ва таровати бўлса-да, лекин ўзи ёш бола эмас эди, агар у Сергей Ивановични яхши кўриб қолган бўлса, онгли равишда, хотин-қизлар севиши керак бўлган равишда яхши кўрар эди: бу бир томони, ик-кинчи томони, киборлик муҳитидан узоқ бўлиш би-лан бирга, ундан жирканар, лекин киборлик дунё-сини ва яхши жамоага мансуб аёлларнинг билиши керак бўлган нарсаларни биларди; бу сифатлардан маҳрум бўлган қизнинг Сергей Ивановичга ҳаёт йўлдоши бўла олмаслиги турган гап эди. Учинчи то-мони, Варенька диндор қиз эди, лекин Кити синга-ри ёш болага ўхшаган онгсиз равишда диндор эмас, ҳаёти диний маслак асосига қурилган қиз эди. Сер-гей Иванович хотинида бўлишни хоҳлаган энг май-да хусусиятларни ҳам ундан топган эди: Варенька йўқсил, есир қиз, демак, Кити сингари, гала-гала қариндошларини ва уларнинг таъсирларини эри-нинг уйига олиб келмасди, балки эридан миннатдор бўлиб ўтарди: Сергей Иванович келажак оилавий ҳаётининг худди шундай бўлишини ҳам хоҳлар эди. Ана шу сифатларнинг ҳаммасини ўзида тўплаган мана шу қиз Сергей Ивановични яхши кўрарди. Сергей Иванович камтар одам бўлса ҳамки, бу нар-саларни кўрмай иложи йўқ эди. Ўзи ҳам Варень-кани яхши кўрарди. Бунга қарши бир мулоҳаза бўлса, ёш масаласи эди. Лекин ўзи узоқ умр кўра-диган зотдан, сочига битта ҳам оқ тушмаган, ҳеч ким уни қирқдан ошган демайди, бундан ташқари, Вареньканинг сўзлари эсида эди: фақат Россияда-гина одамлар эликка киришса қариб қолдим дейи-шади, Францияда эса эликка кирган киши ўзини dans la force de l'age¹ деб, қирққа кирган киши эса

¹ навқирон (франц.).

un jeune homm¹ деб ҳисоблайди, деган эди. Ўзини йигирма йил аввалгидай, ёш, навқирон ҳис қилиб юрган бир кишига неча ёшга кирганини ҳисоблашнинг нима кераги бор? Ҳозир нариги ёқдан яна ўрмон четига чиқиб, эғнида сариқ кўйлак, кўлида сават билан кекса оқ қайин ёнидан енгил-енгил одим ташлаб бораётган Вареньканинг сарвқоматини чароғон қуёшнинг қия, ёрқин нурларида кўрганида, Вареньканинг кўриниши қолдирган бу таассурот қуёшнинг қия нурлари тушиб турган сариқ сулизор ва унинг орқасида, узоқ-узоқларда, кўм-кўк уфққа туташиб кетган кекса ўрмон манзараси билан бирлашиб, ўзининг гўзаллиги билан уни ҳайратга солганда кўнглида уйғонган ҳис, ажабо, ёшлик ҳисси эмасмиди? Юраги суюнганидан ўйнаб кетди. Бутун вужуди эриётгандай бўлди. Муҳаббатини изҳор этишга қарор топганини ҳис қилди. Қўзиқорин узгани ўтирган Варенька, чаққон бир ҳаракат билан туриб, Сергей Иванович томонга қараб қўйди. Сергей Иванович сигарасини ташлади-ю, кескин одимлар билан Варенька томон йўл олди.

V

«Варвара Андреевна, мен ҳали жуда ёш пайтларимда мен шундай бир аёлни топсамки, унга кўнгли бера олсам, хотиним деб айтиш бахтига эришсам, деган ниятни қилган эдим. Мен узоқ умр кўрдим ва излаган нарсамни биринчи марта сиздан топдим. Сизни яхши кўраман, шунинг учун таклифимни қабул қилишингизни сўрайман».

Сергей Иванович Варенькага етишга ўн қадамча қолганда ўз кўнглида шу гапларни айтиб келарди. Шу пайт Варенька тиз чўкиб ва бир қўзиқоринини

¹ Ийгитча (франц.).

кўли билан Гришадан тўсиб туриб кичкина Машани чақираётган эди.

– Бу ёққа келинлар, бу ёққа келинлар! Ҳай, болалар! Бу ёқда кўп! – деярди Варенька, кўкракдан чиқадиган дилбар овоз билан.

Варенька Сергей Ивановичнинг яқинлашиб келаётганини кўриб ҳам ўрнидан турмади, ҳолатиниям ўзгартирмади: лекин бутун борлиги унинг яқинлашиб келаётганлигини сезиб тургани ва қу юнганидан далолат берарди.

Варенька секингина жилмайиб турган оқ дурра ила ўроғлиқ чиройли юзини Сергей Иванович томонга ўтириб:

– Хўш, ҳеч нима топдингизми? – деб сўради.

– Битта ҳам тополмадим, – деди Сергей Иванович. – Сиз-чи?

Варенька ўзини ўраб олган болалар билан овора бўлиб жавоб қилолмади.

Пушти қалпоғини қуруқ хашак икки паллага бўлиб ташлаган ва шу кўкат тагидан мўралаб турган бир кичкина кўзиқоринни Маша қизалоққа кўрсатиб:

– Анави шох ёнидагисини ҳам ол, – деярди. Маша оқ кўзиқоринни икки нимтага бўлиб олгандан кейин Варенька ўрнидан турди. Кейин болалардан узоқлашиб, Сергей Иванович ёнига борди-да: – Бу нарса болалик чорларимни эсимга солади, – деб қўйди.

Улар бир неча одимгача индамай боришди. Варенька унинг гапиришга чорланганини сезиб турарди: нима ҳақида гапиришини фаҳмлаб кўрқув аралаш шодлик ичида юрагини ҳовучлаб турарди. Улар гапларини ҳеч ким эшитмайдиган даражада узоқлаб кетишган бўлишса ҳам, лекин Сергей Иванович ҳамон гап бошламади. Жим бориш Варенька учун яхши эди, нимагаки, айтмоқчи бўлган сўзларини кўзиқорин тўғрисидаги гапдан кўра, сукут қилиб боришгандан кейин айтишгани маъқул эди.

Бироқ Варенька истамагани ҳолда беихтиёр орзидан шу гаплар чиқиб кетди:

– Шундай қилиб, ҳеч нима тополмадим, денг? Шунақа, ўрмон ўртасида ҳар вақт кам топилади.

Сергей Иванович индамади, фақат хўрсиниб кўйди. Вареньканинг кўзиқориндан гап очгани алам қилди. Бир кўнгли, Варенькани яна болалик чоғлари ҳақидаги гапга солиб юбормоқчи ҳам бўлди; лекин бир неча дақиқа жим боргандан сўнг, худди ўз иродасига қарши гапираётгандек, Вареньканинг сўнги сўзлари тўғрисидаги фикрини айтди.

– Оқ кўзиқориннинг бошқаларидан ажрата олмасам ҳам, ҳар ҳолда, бунақаси ўрмон четида бўлади деб эшитган эдим.

Яна бир неча дақиқа боришди, болалардан яна ҳам узоқлашиб, ёлғиз ўзлари қолишди. Вареньканинг юраги шундай ура бошладики, ургангани эшитиб, гоҳ қизариб, гоҳ бўзариб, яна қизариб бораётганлигини сезиб турарди.

Шталь хоним кўлида бўлган вақтидаги аҳволдан кейин Кознишевдай одамнинг хотини бўлиш – Варенькага улур бахт эди. Бундан ташқари, унга ишқи тушиб қолганига ҳам имони қарийб комил эди. Мана ҳозир шу масала ҳал бўлиши керак. Варенькани ваҳима босарди. Сергей Иванович айтадиган гаплар ҳам, айтмайдиган гаплар ҳам уни кўрқувга соларди.

Изҳор муҳаббат пайти келган эди, сал ўтса пайт қўлдан кетарди. Буни Сергей Иванович ҳам сезиб турарди. Вареньканинг бутун борлиги, қарашлари, қизарган бетлари, ерга тикилиб қолган кўзлари дардманд интизорлигидан дарак берарди. Сергей Иванович буни кўриб турар, Варенькага юраги ачишарди. Ҳозир ҳеч нима демасликнинг ўзи Варенькани таҳқир этишини ҳам сезиб турарди. Қарори фойдасига бўлган далилларини шошиб

мясида такрорлади. Таклиф чоғида ишлатмоқчи бўлган сўзларини ҳам кўнглида такрорлаб чиқди; лекин бу сўзларни ишлатиш ўрнига, мясига иттифоқо келиб қолган аллақандай мулоҳаза билан:

– Оқ кўзиқорин билан пуштисининг орасида қанақа фарқ бор? – деб бирдан сўраб қолди.

Жавоб бераётганда, Вареньканинг лаблари ҳаяжондан титраб кетди.

– Қалпоғида фарқ йўқ деса бўлади, фақат томирида.

Бу сўзлардан кейин, Сергей Иванович ҳам, Варенька ҳам иш битганини, айтилиши керак бўлган нарсалар энди айтимаслигини, ҳозиргина энг юқори нуқтасига чиққан ҳаяжонлари пасая борганлигини пайқади.

– Қайин кўзиқориннинг томири – икки кун қирилмаган қора соқолга ўхшайди, – деди Сергей Иванович энди ҳовуридан тушиб.

– Ҳа, тўғри айтдингиз, – деб Варенька ҳам кулимсираб қўйди; шундан кейин йўллари беихтиёр ўзгарди. Болалар томонга яқинлашиб келишди. Варенька уялиб, дили оғриб турса ҳам, лекин энди ўзини анча енгил тортаётгандек сеза бошлади.

Сергей Иванович уйга қайтгандан сўнг, далиллари бир-бир хаёлидан ўтказиб, нотўғри мулоҳаза қилганлигини аниқлади. у Марие хотирасига хиёнат қила олмас эди.

Болалар суюнишиб, чинқиритиб рўпарадан чопиб кела бошлаганда, Левин хотинини улардан сақлаш учун олдинга, ўтиб:

– Секин, болалар, секинроқ, секинроқ! – деб қичқирди зардаси қайнаб.

Болалардан кейин ўрмондан Сергей Иванович билан Варенька ҳам чиқиб келди. Кити Варенькадан ҳол сўрашга эҳтиёж сезмади; икковларининг вазмин, бирмунча хижолатли юзларидан ўз режасининг рўёбга чиқмаганлигини англади.

Уйга қайтиб келишаётганда, эри:

- Хўш, нима бўпти? - деб сўради.

Кити отасиникига ўхшаган бир қилиқ билан жиламайиб туриб:

- Илинмабди, - деди; Левин кўпинча Китининг отасига ўхшаб гапиришини сезиб, завқи келарди.

- Илинмабди?

- Ҳа-да, - деди Кити, эрининг қўлини ушлаб, кейин уни оғзига келтирди-ю, юмуқ лабларини теккизиб қўйди. - Архиерейнинг қўлини шундай ўпишади.

- Кимнинг қармоғи илмабди? - деб сўради Левин кулиб.

- Икковиники ҳам. Лекин мана бундай...

- Мужиклар келишяпти...

- Йўқ, кўришгани йўқ.

VI

Болаларга чой ичириш пайтида катталар гўё ҳеч нима рўй бермагандек балконда бемалол ўтиришарди, ҳолбуки ҳамма, айниқса Сергей Иванович билан Варенька, салбий маънода бўлса ҳам, лекин жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган нарса юз берганини яхши биларди. Имтиҳондан ўтолмай яна эски синфида қолган ёки мактабдан бутунлай ўчирилган ўқувчи шундай пайтларда нимани ҳис этса, Сергей Иванович билан Варенька ҳам худди шундай нарсани ҳис этар эди. Балкондагилар ҳам, бир нима рўй берганини сезишиб, жўрттага бошқа тўғриларда гаплашар, чақчақлашиб ўтиришарди. Левин билан Кити шу оқшом ўзларини жуда ҳам бахтиёр, ошиқ-маъшуқдек ҳис қиларди. Уларнинг ўз ишқлари билан бахтиёр эканликлари шундай бўлишини хоҳлаган, кейин уддасидан чиқолмаганларга дилни хира қилувчи бир ишора бўлиб туюлар, улар бундан хижолат чекардилар.

- Мени айтди деярсизлар: Alexanlege келмайди, - деди қари княгиня.

Бугун кечқурунги поездда Степан Аркадьичнинг келишини кутишаётган эди; қари князь ҳам «бориб қолсам ажаб эмас» деб ёзган эди.

- Нима учун келмаслигини ҳам биламан, - деди яна княгиня, - ёш келин билан куёвни дастлабки кунларда холи қўйиш керак, дейди.

- Ҳа, дадам шундай қилдилар. Қўришмаганимизга қанча бўлди-ю, - деди Кити. - Қизиқ, биз қанақасига ёш келин билан куёв бўлар эканмиз? Аллақачон қариб қолганмиз.

Княгиня қайғули хўрсиниб:

- Мабодо келмаса, мен ҳам сизлар билан хайр-маъзур қилишаман, болаларим, - деди.

- Вой, сизга нима бўлди, ойижон? - деб равфо кўтарди иккала қизи бирдан.

- Рост-да, ҳеч парвойига келмайди! Ахир ҳозир...

Қари княгинянинг овози бирдан қалтираб кетди, бундай бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Қизлари жим бўлишиб, бир-бирларига қараб олишди. Улар шу қарашларида: «Ойимлар ҳамиша ўзларини хафа қиладиган баҳона топиб турадилар» дейишарди. Онасининг қизлари олдида туриши ҳар қанча ҳаловатли бўлса ҳам, бу ерда туришни онаси ҳар қанча зарур деб билса ҳам, арзанда қизини эрга бериб юборишгандан сўнг оила инлари хувиллаб қолгани сабабли, у ўз қадри учун ҳам, эрининг қадри учун ҳам қайғуриб қийналаётганини қизлари билишарди.

Кити Агафья Михайловнанинг сирли ва маъноли бир қиёфада келиб тўхтаганини кўрди-ю:

- Нима керак эди, Агафья Михайловна? - деб бирдан сўраб қолди.

- Кечки овқат тўғрисида келувдим.

– Жуда соз, – деди Долли, – сен бориб овқат масаласини ҳал қил, мен чиқиб, Гришанинг дарсини такрорлатай. Бугун дарсига ҳеч қарагани йўқ.

– Бу гапингиз менга сабоқ бўлди! Йўқ, Долли, мен бораман, – деди Левин ўрнидан даст туриб.

Гриша бу йил гимназияга киргани учун, ўтган дарсларини ёзда қайтариши керак эди. Москвада ўғли билан бирга лотин тилини ўргана бошлаган Дарья Александровна Левинларникига келгандан кейин арифметика ва лотин тили дарсларининг энг қийин жойларини лоақал ҳар кун и бир марта такрорлаб туришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эди. Левин эса унинг ўрнига ўзи шуғулланмоқчи бўлди; аммо онаси Левин ўтказган дарсни бир марта кўрди-ю, у дарсларин Москвадаги муаллим сингари такрорламаётганлигини сезиб, дарсларини муаллим сингари китоб бўйича ўтказиш кераклигини айтди; у бунинг Левиннинг иззати нафсига тегмасликка тирлишиб, ийманиб туриб айтган бўлса ҳам, лекин бу иш билан яна ўзи шуғулланса дурустроқ бўлишини қатъий қилиб айтди. Левин Степан Аркадьичнинг бепарволигига хафа бўлди, чунки Степан Аркадьич ўрнига бу дарсдан ҳеч балони билмайдиган хотини шуғулланиб келарди: Левин болаларни шундай ёмон ўқитиб келаётган муаллимлардан ҳам хафа бўлди; шундай бўлса ҳам, дарсни қайинэгачиси хоҳлагандек олиб боришга ваъда қилди. Шундай, Гриша билан ўз усулида эмас, китоб талаб қилган усулда шуғулланар, шу сабабли машғулотга унча қизиқмай, дарс соатларини кўпинча эсидан чиқариб қўярди. Бугун ҳам шундай бўлди.

– Йўқ, мен бораман, Долли, сен ўтир, – деди Левин. – Ҳамма дарсни китобга қараб, тартиби билан такрорлаймиз. Фақат бир шарт и бор: Стива келганда, иккаламиз овга кетамиз, ана шунда дарс дам олиб туради.

Шундан кейин Левин Гришанинг ёнига чиқиб кетди.

Варенька ҳам Китига шундай деди. Варенька Левинларнинг бахт кирган уйида ҳам ўз ўрнини топиб олган эди.

– Овқат масаласига қарай, сиз ўтиринг, – деди Варенька, Агафья Михайловнанинг ёнига бориб.

– Хўп, хўп; жўжа топишолмабди. Бўлмаса, ўзимизникилардан... – деди Кити.

– Агафья Михайловна билан эвини қилармиз, – деди-ю Варенька, икковлашиб чиқиб кетди.

– Қандай дилбар қиз! – деди княгиня.

– Дилбаргина эмас, татап, шундай жонон қизки, бунақасини топиб бўлмайди.

Сергей Иванович Варенька тўғрисидаги гапни давом қилдиргиси келмади шекилли:

– Шундай қилиб, бугун Степан Аркадьич келади, денглар? – деди. Кейин нозиккина жилмайиб, қўшиб қўйди: – Бир-бирига сира ҳам ўхшамаган икки божани топиш жуда қийин-да. Бири балиқ сувда яшаганидек, жамоат орасида яшайдиган тетик одам; иккинчиси бизнинг Костямиз, бу ҳам тетик, тез, ҳамма нарсага сезгир, аммо жамоат орасига кирди дегунча ё кесак бўлиб олади ёки ердаги балиқ сингари, бекорга қиланглай бошлайди.

– Ҳа, шунақа енгилтак жуда, – деди княгиня Сергей Ивановичга қараб. – Сиздан бир нимани илтимос қилмоқчи эдим: Костяга айтсангиз, унинг (Китига ишора қилди) бу ерда қолиши тўғри келмайди, албатта Москвага бориши керак. Костя доктор чақирамиз, дейди.

– Матап, у ҳаммасини қилади, ҳамма нарсага рози бўлади, – деди Кити, бу тўғрида Сергей Ивановични ҳакамлик қилишга даъват этаётгани учун онасидан хафа бўлиб.

Гапларининг ярмида хиёбондан отларнинг пиш-
қиргани ва гилдиракларнинг шағалда шиғирлагани
эшитилди.

Долли эрини кутиб олгани ўрнидан туришга ул-
гурмай, Гриша дарс ўқиётган хона деразасидан Ле-
вин ўзини ташқарига ташлаб, Гришани ҳам тушир-
ди-да:

– Стива келди! – деб балкон тагидан қичқирди.
– Дарсни тамомладик, қўрқма, Долли! – деди-ю ке-
йин, худди ёш бола сингари, арава келаётган то-
монга қараб чопиб кетди.

– I s, ea, id, ejus, ejus, ejus¹, – деб Гриша ҳам
қичқириб, хиёбон бўйлаб ирғишлай кетди.

– Яна бир киши ҳам бор. Ия, дадамлар-ку! – деб
қичқирди Левин хиёбон оғзида. – Кити, тик зина-
дан тушма, орқадан туш.

Аммо Левин аравада ўтирган иккинчи кишини
қари княз деб ўйлаб хато қилган эди. Аравага яқин
келиб қараса Степан Аркадьич ёнида ўтирган киши
қари князь эмас, узун ленталарини орқага тушириб
қийиб олган шотландча қалпоқли хушрўй, бўлиқ
бир йигит экан. Степан Аркадьич уни «анча-мунча
шуҳратга эга бўлган ишқибоз овчи» деб таништир-
ди; бу «ишқибоз овчи» – Петербург, Москванинг жо-
нон йигитларидан бири, Шчербацкий бўласининг
ўғли – Васенька Весловский эди.

Весловский, қари князь келди деб ўйлаган Ле-
виннинг ҳафсаласини пир бўлганидан тирноқча
ҳам хижолат тортмай, Левин билан чақчақ уриб
кўришди да, эски танишлиklarини эсга олиб ўт-
гандан сўнг, Гришани кўтарди-ю, Степан Аркадьич
ўзи билан олиб юрадиган този ит устидан ошириб,
уни аравага ўтқазиб қўйди.

Левин аравага чиқмади; орқадан борди. Қари
князнинг келмагани унга пича алам қилди, чунки

¹ У, у, у, уни, уни, уни (лотин.).

Левин яқинроқ билган сари унга муҳаббати ортиб борарди: иннайкейин, мана бу тамоман ёт, ортиқча кишининг, Васенька Весловскийнинг келганига ҳам таъби анча хира бўлди. Левин катта-кичиклар чуғурлашиб турган эшик зинаси олдига келиб, Китининг қўлини Васенька Весловский навозиш билан ўпиб турганини кўрганда, у яна ҳам ёт, яна ҳам ортиқча киши бўлиб кўриниб кетди.

– Биз хотинингизнинг cousins¹ ва эски танишлари бўламиз, – деди Васенька Весловский Левиннинг қўлини яна қаттиқ-қаттиқ қисиб.

Степан Аркадьич ҳамма билан зўрага сўрашиб бўлиб, апил-тапил Левиндан:

– Қалай, ов борми? – деб сўради. – Биз бу киши билан белни қаттиқ борлаб келганмиз. Бўлмаса-чи, татап, улар ўшандан бери Москвада бўлишгани йўқ. Қани, Таня, мана сенга! Барака топкур, арванинг орқасида, ол, – деярди Степан Аркадьич, ҳамма билан гаплашиб. – Бирам рангинг тозарибдики, Доллигинам, – деди хотинига, қўлини яна бир марта ўпиб; кейин қўлини қўйиб юбормай, устидан иккинчи қўли билан уриб-уриб қўйди.

Бир дақиқача илгари кайфи ниҳоятда чор бўлиб ўтирган Левин ҳаммага қовоқларини осилтириб қарар, ҳамма нарса таъбини хира қилар эди. Степан Аркадьичнинг хотинига меҳрибонлик қилаётганига қараб: «шу лаблари билан кеча кимни ўпган экан?» деб ўйлаб кетди. Сўнгра Доллига қаради, Долли ҳам унга манзур бўлмади.

«Ўзи-ку эрининг севгисига ишонмайди. Шундай бўлгандан кейин, яна нимага суюнади-я? Нақадар жирканч нарса!» – деб ўйларди Левин.

Бир дақиқагина илгари кўзига шундай иссиқ кўриниб турган княгиняга ҳам қарагиси келмасди, унинг ана шу лентали Васенькани худди ўз уйига

¹ Қариндошлари (Франц.).

таклиф қилаётгандек қилпанглаб саломлашиши ёқмади.

Облонскийни акаси ёмон кўрганлигини, тирноқча хурмат қилмаганлигини Левин биларди; лекин ҳозир Степан Аркадьични зинага чиқиб қалбаки бир дўстлик билан кутиб олгани учун, ҳатто Сергей Иванович ҳам ҳозир кўзига жуда хунук кўриниб кетди.

Ҳозиргина қандай қилиб эрга тегиб олсам экан, деб ўйлаб турганига ўзининг *sainte ditouche*¹ сиймосига қарамай, ана шу жаноб билан танишаётгани учун Варенька ҳам кўзига хунук кўриниб кетди.

Қишлоққа келганига ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам гўё байрам деб қараётган ана шу жанобнинг вақтичоғлигига кўшилиб вақтичоғлик қилаётгани учун ҳаммадан кўра кўпроқ Кити жирканч кўринар, айниқса ўша жаноб табассумига бўлакча табассум билан жавоб қилгани учун жони чиқарди.

Ҳаммаси чуғурлашиб уйга киришди; лекин ўтиришар-ўтиришмас Левин эшикка чиқиб кетди.

Эрига бир нима бўлганини Кити дарҳол пайқайди. У пайт пойлаб туриб эри билан овлоқда гаплашмоқчи бўлди-ю, лекин эри, конторада иши борлигини айтиб ўзини олиб қочди. Хўжалик ишлари кўп вақтлардан бери бугунчалик муҳим кўринмаган эди. «Уйда улар байрам қилишяпти, – деб ўйларди Левин, – бу ерда байрам йўқ, бу ерда иш бор, бу иш кутмайди, бусиз яшаб бўлмайди».

VII

Левин ўзини кечки овқатга чақиргани одам юборишганидан кейингина уйга қайтиб келди. Кити билан Агафья Михайловна зинада овқат маҳалида бериладиган вино тўғрисида маслаҳатлашиб туришган эди.

¹ авлиёнусха (франц.).

– Нимага бунақа fuss¹ қиласизлар? Одатда бериладиганини бераверинглар.

– Йўқ, Стива ичмайди... Костя, тўхта, нима бўлди сенга? – деб Кити эрининг орқасидан эргашди, лекин у, Китини кутмай, раҳм ҳам қилмай катта одимлар билан овқатхонага кирди-да, Васенька Весловский билан Степан Аркадьич қизитиб турган умумий суҳбатга дарҳол қўшилиб кетди.

– Хўш, эртага овга чиқамизми? – деб сўради Степан Аркадьич.

Весловский бошқа стулга бир ёни билан ўтирди-да, семиз оёғини остига олиб туриб:

– Жоним билан, чиқаверамиз, – деди.

– Жуда соз чиқамиз. Бу йил овга ҳеч чиқдингизми? – деди Левин Весловскийга, унинг оёғига разм солиб; у шундай ясама бир мулоҳимлик билан гапирдики, Кити бунга жуда яхши билар, ўзига ҳам ҳеч қовушмай турарди. – Лойхўрак топиладими-йўқми, билмайман, лекин мошаклар кўп. Фақат барвақт бориш керак. Сиз чарчаб қолмайсизми? Сен чарчаганинг йўқми, Стива?

– Менми? Ҳали дунёга келиб чарчаш нималигини билган одам эмасман. Келинлар, кечаси билан ухламайлик! Айлангани чиқамиз.

– Тўғри, ухламаймиз! Жуда соз! – деди Весловский қувватлаб.

– У, бунга ҳеч гумонимиз йўқ, ҳа, ўзинг ҳам ухламайсан, бошқаларни ҳам ухлатмайсан, – деди Долли эрига, билинар-билинемас киноя билан. Долли кейинги вақтларда эрига ҳамини шу хил киноя билан муомала қиларди. – Менинча, бас энди, ётиш керак... овқатга тобим йўқ, чиқиб кетаман.

Степан Аркадьич овқатланиб ўтиришган катта столга, Долли томонга ўтаётди:

¹ галва (ингл.)

– Йўқ, пича ўтир, Доллигинам, – деди, – ҳали сенга айтиб берадиган гапларим кўп.

– Қуруқ гап.

– Биласанми, Весловский Анналарникига борибди. Яна ўшаларникига кетяпти. Шу ердан фақат етмиш километр нарида туришади, холос. Мен ҳам албатта бориб келаман. Весловский, бу ёққа кел!

Васенька хонимлар томонга ўтиб, Китининг ёнига ўтирди.

– Вой, сиз бордингизми? Қани, айтинг-чи? – деди Дарья Александровна, Васенькага юзланиб.

Левин столнинг нариги учида қолди-да, княгиня ҳамда Варенька билан гаплашиб ўтириб, Степан Аркадьич, Долли, Кити ва Весловскийлар ўртасида қизгин, сирли гап бораётганини кўриб турди. Гап кетаётганлиги-ку майли-я, яна алланималарни ҳаяжон билан гапираётган Васеньканинг чиройли юзига кўзларини тикиб маҳлиё бўлиб қолган Китининг юзидаги жиддий туйғу нишонларини ҳам кўриб турди.

– Жуда яхши туришар экан, – деярдн Весловский, Вронский билан Анна тўғрисида. – Ҳакамлик вазифасини, албатта, зиммамга ололмайману, лекин уйларига кирган одам ўзини чинакам оилада ҳис қилади.

– Нима қилишмоқчи эмиш?

– Назаримда, қишни Москвада ўтказишмоқчи.

– Уларникига бир вақтда борсак аломат бўларди-да! Сен қачон борасан? – деб сўради Степан Аркадьич Васенькадан.

– Июль ойини ўшаларникида ўтказаман.

– Сен ҳам борасанми? – деб сўради Степан Аркадьич хотинидан.

– Қачонлардан бери кўргим келиб юради, албатта бораман, – деди Долли, – Аннага жуда юрагим ачишади, мен биламан уни. Ажойиб хотин. Сен кетга-

нингдан кейин ўзим ёлғиз бораман, ҳеч кимга малол келтирмайман. Сенсиз борсам яхшироқ ҳам бўлади.

– Жуда соз, – деди Степан Аркадьич. – Хуш, сенчи, Кити?

– Менми? Мен бориб нима қиламан? – деди Кити қип-қизариб. Шундан кейин дарҳол эрига ўтирилиб қаради.

– Сиз Анна Аркадьевна билан танишмисиз? – деб сўради Китидан Весловский. – Жуда хушжозибга бир хотин-да.

Кити яна беш баттар қизариб, Весловскийга:

– Ҳа, – деб жавоб берди-ю, ўрнидан туриб эрининг олдига келди.

– Ростдан ҳам эртага овга чиқиб кетасанми? – деб сўради эридан.

Шу бир неча дақиқа давомида, айниқса Кити Весловский билан гаплашиб турганда икки бети қип-қизариб кетганидан Левиннинг рашки жуда ҳам кучайиб кетди. Ҳозир Кити айтган сўзларни эшитиб, уларга ўзича маъно бериб турарди. Кейинча бу нарсаларни эслаб, ҳайрон қолган эди. Ҳозир Кити ўзидан овга бориш-бормаслигини сўраётганда, овга бориб Васенька Весловскийни хурсанд қилармикан, деган бир умид билан сўраётгандек, ўзининг назарича, Кити Весловскийга алақачон ошиқ бўлиб қолгандек туюлар эди.

– Ҳа, бораман, – деб жавоб қилди Левин ўзига ҳам жирканч кўринган гайритабиий бир овоз билан.

– Йўқ, эртага ҳам сабр қилинглар, ахир Долли эрини кўрмаганига анча бўлди-я! Индинга боринглар, – деди Кити.

Кити айтган сўзларнинг маъносини Левин бу хилда тушунди: «Мени ундан жудо қилма. Сен кетсанг – садқайи сар, лекин бу гўзал йигитни қўй, тўйиб олай».

– У, агар сен хоҳласанг, эртага ҳам шу ерда бўламиз, – деди Левин, бўлакча бир хушмуомалалик билан.

Бу орада Васенька, ўзининг шу ердалиги билан Левинга изтироб бераётганлигига заррача ҳам гумон қилмай, Китидан кейин ўрнидан қўзғалди-да, жилмайиб турган меҳр тўла кўзларини Китидан узмай, орқасидан кетди.

Левин унинг кўз ташлашини кўрди. Рангидан қон қочди, бир дақиқача нафас ололмай қолди. «Хотинимга шу хил қарашга қандай йўл қўя оламан!» – деди ғазаби қайнаб.

Весловский стулга ўтириб, оёқларини одатича яна тагига қайириб туриб:

– Демак, эртага? Жуда соз, борайлик, – деди.

Левиннинг рашки яна баттар кучайди. У ўзини алданган эр деб, хотини билан уйнашига фақат айш-ишрат ва роҳат бахш этиши учунгина керак бўлган эр деб ҳис қила бошлади... лекин, шундай бўлса ҳам, меҳрибонлик ва меҳмондўстлик билан Васенькадан қилган овларини, милтигини, этикларини суриштириб, эртага овга чиқишга рози бўлди.

Левиннинг бахтига, қари княгиня ўрнидан турди-ю, Китини ҳам кириб ётишга кўндирди ва шу билан Левиннинг қийналишларига хотима берди. Лекин бу нарса ҳам Левин учун азобсиз ўтмади. Васенька, уй бекаси билан хайралиб туриб, яна қўлини ўпмоқчи бўлган эди, Кити қизарди-да (кейин шу қилиғи учун онасидан дакки эшитган эди), соддача бир қўполлик билан қўлини тортиб олиб:

– Бизда бунақа одат йўқ, – деди.

Кити мана шундай муносабатга йўл қўйгани учун Левиннинг назарида айбдор эди, бу муносабат ўзига ёқмаганлигини ношудлик билан кўрсатгани учун эса беш баттар айбдор кўриниб кетди.

Степан Аркадьич овқат маҳалида бир неча стакан вино ичганидан кейин одатдаги дилбар, шон-рона кайфиятига келиб:

– Эй, уйқуга бало борми! – деди. Кейин липа да-
рахтлари орқасидан кўтарилиб келаётган ойни Ки-
тига ишора қилиб: – Уни қара, Кити, қандай чирой-
ли! – деди. – Весловский, зап ишқий ашула айтади-
ган палла келди-да! Мен сенга айтсам, рост овози
бор экан, йўл бўйи ашула айтишиб келдик. Ажойиб
романслар олиб келган, иккитаси янги. Варвара
Андреевна билан жўр бўлиб айтсакми!

Ҳамма тарқалгандан сўнг, Степан Аркадьич
Весловский билан хиёбонда узоқ айланиб юрди,
янги романсини жўр бўлиб айтишганлари эшити-
либ турди.

Левин хотинининг ёторидаги курсида қош-қо-
ворини солиб ўтириб бу ашулани эшитар, хотини-
нинг: «нима бўлди?» деган саволига жавоб қилмай
сукут сақларди; ниҳоят, Китининг ўзи юраксизлик
билан жилмайиб: «Нима бало, Весловский жинин-
гга ёқмади шекилли?» деб сўраганда, тоқат қилол-
мади-ю, кўнглидаги гапларининг ҳаммасини бир-
бир очиб солди; айтган гаплари ўзига таҳқир бўлиб
эшитилар, бундан беш баттар жони чиқиб борарди.

Левин Кити олдида осилиб тушган қовоқлари
остидаги кўзларини ваҳимали чақнатиб ва бутун
кучи билан ўзини босишга ҳаракат қилаётгандек
бақувват қўлларини кўксига қўйиб турарди. Агар
юзи айни замонда Китига ҳам таъсир қилаётган из-
тироб нишонлари билан тўлиб-тошганда, яна ҳам
кўрқинчли, ҳатто даҳшатли бўлиб кетарди. Левин-
нинг юзи лип-лип учиб турар, бўғиларди.

– Тушунсанг-чи, мен рашк қилмайман: бу разил
сўз. Мен рашк ҳам қилолмайман, ишона ҳам олмай-
ман, сезиб турган нарсаларимни айтишга тилим
бормайди, лекин бу нарсалар мудҳиш нарсалар...
мен рашк қилмайман, лекин сенга биров шундай
кўз билан қараса, шундай уйга келса, мени бу нарса
таҳқир қилади, ерга уради...

– Қанақа кўз билан ахир? – деди Кити, бугун кечкурун айтилган сўзларни, қилинган ҳаракатларни ва уларнинг замирларини астойдил эслашга тиришиб.

Ўзининг орқасидан столнинг нариги учига ўтганда, бир нима бўлгандек туюлганини кўнглининг бир чеккасида сезиб турса ҳам, лекин бу нарсага ҳатто ўзи ҳам иқрор бўлишга журъат этолмасди, буни эрига айтишга, шу билан унинг изтиробини оширишга ботинолмади.

– Айт ахир, менда қанақа жозиба бор, қанақаман мен?..

– Ах! – деб қичқирди Левин бошини чангаллаб. – Шу гапни айтмасайдинг!.. Демак, сен жозибали бўлганингда...

– Ҳай, Костя, қулоқ сол ахир! – деди Кити дард, изтироб тўла кўзлари билан қараб. – Мияннга қанақа ўй келиши мумкин? Ахир менинг кўзимга, ҳеч ким, ҳеч ким, ҳеч ким кўринмайди!.. Ё одамларга кўринмайми, шуни хоҳлайсанми?

Унинг рашиқ қилаётганини кўриб, Китининг дастлаб хўрлиги келди; кўнглида ҳеч қандай қора нияти бўлмаса, кўнглини озгина бўлса ҳам очай деса, бунга йўл қўйилмагани алам қиларди; энди эса уни тортаётган азобидан қутқариш, халос қилиш, кўнглини тинчитиш учун бу хил кўнгли хушлигинигина эмас, ҳамма нарсани фидо қилишга тайёр эди.

– Жуда хунук, жуда кулгили аҳволга тушиб қолганимни тушунсанг-чи, ахир, – у ҳамон жони чиқиб туриб шивирлади: – ахир у менинг уйимда бетакалуфлик билан оёғини тагига тортиб ўтиришидан бошқа бирон ноҳўя иш қилгани йўқ. У ўзининг бу қилиқларини яхши қилиқ деб ҳисобласа керак, шунинг учун у билан яхши мулозаматда бўлишим лозим.

Кити эрининг рашиқ қилишидан ўзини жуда қаттиқ севишини англади; шунинг учун юрак-юрагидан қувониб:

- Ҳай, Костя, ошириб юборяпсан, - деди.

- Ҳаммасидан ёмони шуки, сен ҳамма вақт, ҳозир ҳам, мен учун табаррук бир хилқат бўлиб қолган бир пайтингди, биз шу қадар бахтли, айниқса бахтли бўлиб юрган бир пайтимизда, бирдан бу расво рўпарамиздан чиқса-я... расво эмас, нега ҳақорат қиламан уни? У билан ишим йўқ. Лекин менинг бахтим, сенинг бахтинг нега қора бўлсин?..

- Менга қара, нега бунақа бўлганлигини билман, - деб Кити гап бошлади.

- Нега? Нега?

- Овқат устида гаплашиб ўтирганимизда ҳўмрайиб қараганингни кўрувдим.

- Ҳа, ҳа! - деди Левин, чўчиб.

Кити ўшанда нимадан гаплашганликларини айтиб берди. Айтиб туриб, ҳаяжонидан нафаси бўғилиб-бўғилиб қолар эди. Левин бир оз жим қолди, кейин Китининг қони қочган, ваҳима босган юзини кўриб, бирдан бошини чангаллаб қолди.

- Катя, сени бекор қийнадим! Кечир мени, жонгинам! Ахир бу жиннилик-ку! Катя, ҳамма айб менда! Бўлмағур нарсаларни ўйлаб шунақа қийналиб юриш бемаънилик-ку!

- Йўқ, сента ачинаман, раҳмим келади.

- Менга? Менга? Нима? Жинни бўпманми!.. Ҳўш, сен нега ачинасан?.. Ҳар қандай одам бахтимизга раҳна солади, деб ўйлаш - кўп ёмон нарса.

- Албатта, шуниси ҳўрлигингни келтиради-да.

- Йўқ, мен тескарисини қиламан, жўртгага ёз ичи олиб қолиб, теварагида парвона бўламан, - дея кетди Левин Китининг қўлларини ўпиб. - Кўрасан. Эртага... Ҳа, тўғри, эртага овга кетамиз.

VIII

Эртасига, ҳали хонимлар уйқуда эканларида, ов араваларида, фойтун эшик олдида тахт бўлиб турар, овга кетишаётганларини калайи саҳарданоқ фаҳм-лаб олган Ласка, тўйгунча рингшиб, ирғишлаб бўлгандан сўнг, ҳалигача чиқавермаган овчиларнинг имиллашидан норози бўлиб, кучер ёнида ҳаяжонли кўзлари билан эшикка қараб ўтирар эди. Ҳаммадан олдин Васенька Весловский чиқди; оёқларида узун кўнжи йўғон сонларигача етиб борган янги, каттакон этик, эғнида – узун кўк кўйлак, белида терининг ҳиди келиб турган янги ўқдон, бошида ўзининг лентали қалпори, қўлида ипсиз-қайишсиз янги инглиз милтиғи бор эди. Ласка сакраб унинг олдига бориб ирғишлади, кейин: «Улар тез чиқишадими?» деб сўрагандай бўлди-ю, лекин жавоб олмади; ана шундан кейин яна ўз жойига қайтиб келиб, бошини бир ёнга бурди-да, қулоғини динг қилиб, шу кўйи қотиб турди. Ниҳоят, эшик тарақлаб очилди-ю, ирғишлаб, умбалоқ ошиб, Степан Аркадьичнинг ола-була овчи ити Крак отилиб чиқди; ит кетидан қўлида милтиқ, оғзида сигара билан Степан Аркадьичнинг ўзи ҳам чиқди. У қорнига, кўкрагига панжаларини кўйиб, ов халтасига тармашаётган итига: «Тубо, тубо, Крак!» – деб меҳр билан ўшқира бошлади. Степан Аркадьич чориқ, йиртиқ чалвор ва калта пальто кийиб олган эди. Бошида аллақандай кўҳна шляпа бор эди, лекин янги системали милтиғи қўрирчоқдек эди, ўқдони билан ов халтаси анча тutilган бўлса-да, асл молдан қилинган эди.

Овчиларнинг бунақа олифтагарчиликларига, яъни энгил-боши жулдур бўлса ҳам, ов асбобларининг аъло сифатда бўлишига олдин Васенька Весловскийнинг фаҳми етмас эди. Кейин бу жулдур ичида ўзининг зеболиги билан, бўлиққина бардам

қомати, шўх қиёфаси билан чарақлаб турган Степан Аркадьичга қараб, бунинг сирига тушунди. Васенька Весловский:

– Хўш, хўжайинимиз нима бўлди? – деб сўраган эди, Степан Аркадьич:

– Хотинчаси ёш-да, – деди кулимсираб.

– Яна унинг жононлигини айтмайсанми?

– Кийиниб бўлган эди. Яна хотинининг ёнига чиқиб кетган шекилли.

Степан Аркадьич тўғри топган эди. Левин хотинининг ёнига кечаги бемаънилигини кечирганми-йўқлигини яна бир марта сўрагани, иннайкейин, ўзига эҳтиётроқ бўлиб юришини яна бир қур илтимос қилгани, айниқса: «худо ҳақи, хусусан болалардан ўзингни тортиброқ юр, тегиб кетишади ё туртиб юборишади», деб огоҳлантиргани чопиб чиқиб кетган эди. Бундан ташқари, ўзи икки кунга кетаётгани учун хафа бўлмаганини яна бир марта ўз оғзидан эшитиши, сўнгра эртага эрталаб икки энлик хат билан орқасидан от чоптириб, ўзининг соғу саломатлиги тўғрисида хотиржам қилиб қўйишни ҳам илтимос этиши керак эди.

Ҳар вақтдагидек, эрини икки кун кўрмаслик Кити учун ҳар қанча оғир бўлса ҳам, овчи этикларда ва оқ узун кўйлақда яна ҳам забардаст, бақувват кўринган тетик қоматини, овчиларга хос бир ҳаяжон билан кўзлари олдида чарақлаб турганини кўриб, хушвақтлик билан хайрлашди, эрининг шодлигини кўриб ўз қайғусини эсидан чиқарди.

Левин ташқарига чиқа солиб:

– Кечирасизлар, жаноблар! – деди. – Овқатни олдингларми? Нега жийронни чап ёққа қўшдинглар? Хайр, майли, Ласка, жойингда ўтир!

Эшик олдида, ўзини кутиб турган молбоқар, кўзиларни нима қиламиз, деб сўраганида:

– Бичилган қўйлар сурувига қўшиб қўй, – деди Левин. – Кечирасизлар, худонинг яна битта балоси келяпти.

Левин энди ўтириб олган аравадан сакраб тушиб, қўлида сажен билан эшик томон келаётган дурадгорга тўғри бўлди.

– Буни қара, кеча конторага келмадинг, мана энди йўлимни тўсиб турибсан. Нима дейсан?

– Хўп десангиз, яна бир ўзгартиш киритсам. Атиги учтагина порона қўшилади. Шундай қилсак, жойига тушади, жуда бопта бўлади.

– Менинг айтганимни қилавергин эди, – деди Левин бўғилиб. – Сенга ён тиракларни ўрнатиб, кейин пороналарни қоқ девдим. Энди тўғрилаёлмайсан. Менинг айтганимни қилавер – ёроч чопиб бошқатдан қил.

Бу можаронинг асли бундай эди: янги солинаётган уйнинг зинапоясини дурадгор бузиб қўйган эди: у ёрочлардан алоҳида зинапоя қилган, зинанинг баландлигини ҳисобга олмаганда, зинани жойига қўйганда пороналар ётиқ чиқиб қолган. Энди дурадгор яна учта поронани қўшиб, ўша зинанинг ўзини қолдирмоқчи бўларди.

– Анча яхши бўлади.

– Ия, учта порона қўшганингда, қаёққа чиқиб кетишини биласанми?

– Қулоқ солсинлар, – деди дурадгор нафрат билан жилмайиб. – Тахтанинг қоқ ўзига тақалади. Мана бундоқ, – деб дурадгор қўл ҳаракатлари билан кўрсатди, – пастдан кўтарилиб бориб, худди ўзига тақалади.

– Учта порона зинани ҳам узайтиради-ку... қандай қилиб тахтага тақалади?

– Шундай бўлади, тагидан кўтарилиб бориб, худди жойига тушади, – деярдди дурадгор сўзида қаттиқ туриб.

– Шипга бориб, деворга бориб тақалади.

– Йўғ-э, тақсир. Пастдан кўтарилиб чиқади-ку, бориб-бориб, худди жойига тақалади.

Левин милтигининг шомполини олиб, зинани ерда чизиб кўрсатди.

– Мана, кўрдингми?

Дурадгор масалага охир тушунди шекилли, бирдан кўзлари чақнаб:

– Майлингиз, – деди. – Янгисини қилмасак бўлмайдиган кўринади.

– Гап шу, мен буюрганимча қил, – деб қичқирди Левин аравага тушаётиб. – Ҳайда! Филипп, итларни ушлаб ол.

Левин, рўзгор ва хўжалик ташвишларининг ҳаммасидан қутулиб, энди ҳаёт ва умид севинчига шу қадар тўлиб-тошган эдики, ҳатто гапиргиси ҳам келмай қолди. Бундан ташқари, ов майдонига яқинлашиб қолган ҳар қандай овчининг кўнглида уйғонадиган кучли ҳаяжон ичида эди. Агар хаёлини ҳозир банд қилиб турган бир нарса бўлса, у фақат Колпено ботқоғида бирон нарса топа олармиканмиз-йўқмикан, Ласка Кракка қараганда қанақа ов қилар экан, ўзим бу сафар қанақа отар эканман, деган ўйларгина эди. Янги одам олдида ўсал бўлиб қолармиканман? Облонский мендан кўпроқ ов қилиб кўярмикан? – деган фикрлар ҳам миясига келарди.

Облонскийнинг миясига ҳам шу хил ўйлар келар, у ҳам риқ этмай ўтирарди. Фақат Васенька Весловскийнинг бир ўзигина орзи тинмай гапириб борарди. Левин ҳозир унинг гапларини эшитиб ўтириб, кеча унга нисбатан ноҳақ ўйлар қилганини эслар, хижолат бўларди. Васенька чиндан ҳам яхши, солда, дилбар, жуда хушчақчақ йигит эди. Агар Левин у билан бўйдоқлик маҳалида кўришгандами, жуда қалинлашиб оларди. Фақат ҳаётга айш-ишрат кўзи билан қарагани ва алақандай бемаъни олифтагар-

чиликларигина Левинга манзур бўлмади. Тирноқлари узун, бошида шапка ва шулар қабилидаги нарсалари бор бўлгани учун ўзига бино кўяр эди; лекин бу қилиғини одоби ва олижаноблиги ювиб кетиши мумкин эди. У яхши тарбияси, инглиз ва француз тилларида аъло гапириши, хусусан, Левин муҳитига мансуб киши бўлгани туфайли унга ёқиб қолган эди.

Араванинг чап томонига қўшилган Дон зотли дашт оти Васенькага жуда ёқиб қолди. Йўл бўйи унга ҳаваси келиб:

– Дашт отида далалар бўйлаб чопиш қандай яхши-а? Шундай эмасми? – деярдн Васенька.

Дашт отида сайру сафо қилишни алақандай ёввойи, шоирона бир нарса деб тасаввур қилишда бир маъни йўқ бўлса ҳам, лекин соддалиғи, айниқса ҳусни, диалбар жилмайишлари, зебо ҳаракатлари билан бирга қўшилиб, унга ажойиб жозиба бағишлаб турарди. Табиати Левинга хуш ёқдими ё Левин кечаги гуноҳини ювиш учун ундан фақат яхши сифатларнигина ахтариш ҳаракатидами эди, ҳарқалай, Левин у билан бирга бўлгани учун ҳузур қила бошлади.

Уч чақиримча юришгандан сўнг, Весловский бирдан сигарадони билан ҳамёнини қидириб қолди; тушуриб қўйганини ҳам, уйда, столда қолдирганини ҳам билмас эди. Ҳамёнида уч юз етмиш сўм бор экан, шунинг учун столда қолдириб кетиб бўлмасди.

– Менга қаранг, Левин, шу Дон зотли отингизда чопиб бориб олиб келсам. Жуда соз бўларди-да, а? – деди Весловский, отга миниш ҳаракатига тушиб.

Левин, Весловскийнинг оғирлиғи олти пуд келишини чамалаб:

– Йўр-э, сиз бориб нима қиласиз? – деди. – Кучерни юбораман.

Кучер дашт отини миниб кетди, аравани Левин ўзи ҳайдаб борди.

IX

– Қани, маршрутимиз қанақа бўладиган бўлди? Яхшилаб айт-чи, – деди Степан Аркадьич.

– Режамиз бундай: ҳозир Гвоздевогача борамиз. Гвоздево ботқоқлигининг бу ёғида мошак бор, Гвоздеводан ўтилгандан кейин эса ажойиб лойхўрақлар ботқоқлиги бошланади, мошаклар ҳам бўлиб туради. Ҳозир ҳаво иссиқ, кечқурун етиб борамизу (ораси йигирма чақирим), кечки дала овини қилиб, тунаймиз, эртага эса катта ботқоқликлар бошланади.

– Нима, йўлда ҳеч нарса йўқми?

– Бор, лекин кечикиб қоламиз, ҳаво иссиқ ҳам. Иккита қулинг ўргилсин жой бору, лекин ов бўладими-йўқми, билмайман-да.

Ўша қулинг ўргилсин деган жойларга ўзининг ҳам боргиси келарди-ю, лекин уйга яқин эди; шунинг учун ҳар вақт ов қилиб кетса бўларди, бундан ташқари, у жойлар жуда кичик эди, уч овчи бемалол сизмасди. Шу сабабли, ов бўладими-йўқми деб ёлрон айтди. Кичкина ботқоқликқа етишганда, Левин ўтиб кетавермоқчи бўлган эди, лекин Степан Аркадьичнинг тажрибали овчи кўзлари бир қушни дарров сезиб қолди.

– Кириб ўтамизми? – деди у, ботқоқликқа ишора қилиб.

– Левин, кириб ўтайлик! О, жуда соз жой экан! – деб Васенька Весловский ҳам сўраб қолган эди, Левин кўнмасликнинг иложини тополмади.

Улар тўхташлари билан, итлар бир-бирини қувишиб, ботқоқлик томонга чолиб кетишди.

– Крак! Ласка!

Итлар қайтди.

Левин, итлардан чўчиб, ботқоқлик устида чирқарай бошлаган лойхўрақдан бошқасини топиша олмади деган ўй билан:

– Учовимизга жой торлик қилади. Мен шу ерда кутиб тураман, – деди.

– Йўқ! Юринг, Левин, бирга борамиз! – деб туриб олди Весловский.

– Ҳақиқатан ҳам торлик қилади. Ласка, қайт! Ласка! Сизларга иккинчи ит керакмасдир-ку?

Левин арава ёнида қолиб, овчиларга ҳасад кўзи билан қараб ўтирди. Овчилар ботқоқликни айланиб чиқишди, ёввойи товуғу, лойхўракдан бошқа ҳеч нима йўқ эди; Васенька битта лойхўрак отиб олди.

– Мана, кўрдингларми, ботқоқликни қизганганим йўқ эди-да, – деди Левин, – бекор вақт кетади.

– Йўқ, лекин маза қилдик. Кўрдингизми ўзингиз? – деди Весловский, бир қўлида милтиқ, иккинчи қўлида ов билан аравага қийналиб чиқаётиб. – Роса болаб отдим-да буни! А, шундоқ, а? Тезроқ келамизми чинакам ов қиладиган жойимизга?

Бирдан отлар суриб кетиб, Левин биттасининг милтиғига бошини уриб олди; поқиллаб ўқ узилди. Ўқ-ку ҳақиқатда олдин узилди-ю, лекин Левинга шундай туюлди. Воқеа бундай бўлган эди: Васенька Весловский қўшориз милтигининг тепкиларини тушираётиб, биттасини билмай босиб юборди-ю, иккинчисини ушлаб қолди. Ўқ ҳеч кимга зарар етказмай ерга бориб урилди. Степан Аркадьич бошини тебратиб, Весловскийга таъна аралаш кулиб қўйди. Аммо Левин танбеҳ қилишдан тортинди. Левин бундай қилса, аввало, ўтиб кетган хавф учун ва пешонасини ғурра қилиб олгани учун таъна қиладигандек туюларди; қолаверса, Весловский олдин ўзи ҳам шундай хафа бўлди, кейин ҳаммалари саросимага тушганликларидан шундай яйраб кулдими, Левиннинг ўзи ҳам кулмасдан туролмади.

Яна битта анчагина каттакон ботқоқликқа яқинлашганларида, вақтни кўп олишини билиб, Левин тушмайлик деб маслаҳат берган эди, Весловский

яна қўймади. Ботқоқлик тор бўлгани учун, Левин меҳмондўстлик қилиб, яна арава олдида қолди.

Ботқоқликқа келишар-келишмас, Крак сердўнг ерга қараб чопди, Васенька Весловский ит орқасидан чопди. Степан Аркадьич етиб келмасданоқ, бир лойхўрак учиб кетди. Весловскийнинг ўқи тегмади, қуш бориб урилмаган пичанзорга қўнди. Бу қуш Весловскийга ҳавола қилинган эди. Крак уни яна топиб, қуш яқинида тўхтади, Весловский отиб, аравалар ёнига қайтиб келди.

- Энди сиз боринг, мен отлар ёнида тураман, - деди Весловский.

Овчилик ҳасади Левиннинг ичини кемира бошлади. Тизгинларни Весловскийга бериб, ўзи ботқоқликқа кетди.

Эгасининг адолатсизлигидан зорланиб, боядан бери рингшиб турган Ласка олдинда тўғрига қараб чопиб кетди: у Крак кирмаган, ammo Левинга таниш бўлган ишончли сердўнг ерга ўзини урди.

- Нимага итингни тўхтатмайсан? - деб қичқирди Степан Аркадьич.

Левин итидан хурсанд бўлиб:

- Чўчитмайди, - деди-ю Ласканинг орқасидан шошиб борди.

Ов қидириб юрган Ласка дўнгларга яқинлашган сари жиддияти ҳам дам сайин ортиб борди. Битта кичкина ботқоқ қуши бир зумгина Ласканинг эътиборини жалб қилди. Ласка дўнгликни бир айланиб чиқди-да, иккинчи марта энди айланишга тушган эди, бирдан сесканиб, қотиб қолди.

- Бор, бор, тез бор, Стива! - деб қичқирди Левин, юраги дукурлаб ураётганини сезиб, шунда қулоқларини тўсиб турган алақандай парда олиб ташлангандек, ҳамма товушлар узоқ-яқинлик тафовутини йўқотиб, тартибсиз ҳолда қулоқларини қоматга келтира бошлади. Степан Аркадьичнинг оёқ шарпаси-

ни узоқдаги отлар дупуридай эшитди, оёғи тагидаги дўнгликнинг бир бурчи томир-идизлари билан ўпирилиб тушганини эшитиб, буни лойхўрак қушининг қанот товуши деб ўйлади. Орқасида, яқингинасида сув шалоплаётганини ҳам эшитди-ю, лекин буни аниқлай олмади.

Оёқ қўйиш учун қулай жой топиб, итга яқинлашди-да:

– Бос! – деди.

Ит тагидан мошак эмас, лойхўрак учиб чиқди. Левин милтигини тўғрилаб. .ди мўлжалга ола бошлаган пайтда, сувнинг ё .и шалоплаши кучайди, яқинлашди ва шу орада Весловскийнинг жуда галати, қаттиқ овоз билан қичқиргани эшитилди. Левин Весловскийнинг лойхўрак орқасидан милтигини мўлжалга олаётганини кўрди, шундай бўлса ҳам ўқ узди.

Левин ўқи тегмаганига имони комил бўлгандан сўнг орқасига ўтирилиб қараган эди, от-араваси йўлда эмас, ботқоқликда турганлигини кўрди.

Весловский овни томоша қилгиси келиб аравани ботқоққа ҳайдаган экан отлар тиқилиб қолибди. Левин ботқоққа тиқилиб қолган арава томон келаётиб:

– Бу нас босганга бу ерда нима бор эди! – деб тўнғилади. Кейин, қуруққина қилиб: – Бу ёққа нимага олиб келдингиз? – деди-да, кучерни чақириб, отларни аравадан чиқара бошлади.

Левинга ўқни бемалол оттиришмагани ҳам, отлари ботқоққа тиқилиб қолгани ҳам, айниқса отларни аравадан чиқаришда ўзи билан кучерга ёрдам қилишмагани ҳам ёмон алам қилди: Степан Аркадьич ҳам, Васенька Весловский ҳам арава қўшини ва чиқаришнинг нималиги тўғрисида заррача тасаввур йўқ эди. Васеньканинг бу ер бут пай қуруқ эди, деган сўзларига бир овиз ҳам

жавоб қилмай, Левин кучер билан жимгина отларни аравадан чиқараверди. Аммо кейин ишга қизиқиб, гапга тушиб кетди-ю, Весловский аравани қанотидан зўр бериб, кучаниб итараётганини, шу қанотни ҳатто синдириб ҳам юборганини кўриб, Левин кечаги таъби хиралик таъсирида Весловскийга ҳаддан зиёд совуқ муомалада бўлгани учун ўзидан койиди ва бу совуқ муомаласининг таъсирини юмшатиш учун ёқимли гаплар гапира бошлади. Ҳамма иш ўрнига тушиб, аравалар йўлга чиқарилганда, Левин овқатни олдирди.

Яна кайфи чоғ бўлиб кетган Весловский иккинчи жўжани ҳам пок-покиза тушириб:

– Bon appetit – bonne conscience! Ce poulet va tomber jusqu' au fond de mes bottes¹, – деди французча иборани келтириб. – Шундай қилиб, фалокатдан қутулдик; энди ишлар бахайр кетади. Фақат, шу қилиб қўйган айбим учун кучер ўрнида ўтириб боришим керак. Тўғри айтдимми? А? Йўқ, йўқ, мен гуноҳимни ювай. Кўрасизлар, қандай бошлаб олиб бораман сизларни! – деди Весловский, Левин тизгинларни кучерга беришни илтимос қилганда уни қўлидан чиқармай. – Йўқ, гуноҳимни ювишим керак, кучер ўрни ўзимга ҳам ёқиб қолди. – Шундай деб у аравани ҳайдаб кетди.

Левин отларни, айниқса чапдаги жийронни қийнаб қўяди, деб кўрққан эди, чунки Весловский унинг жиловини яхши ушлаб туролмасди; лекин унинг хушчақчақлигига берилиб кетди-ю, кучер ўрнида ўтириб олиб, йўл бўйи орзидан туширмаган романсларини ёки ҳикоялари ва тақлидларини, чунончи инглизча four in handни² қандай бошқариш тўғрисидаги гапларини маза қилиб эшитиб борди;

¹ Яхши иштаҳа – виждон софлиги демак! Бу жўжа қалбимнинг чуқур бир ерига жо бўляпти (франц.).

² тўрт отлик арава (ингл.).

шу тахлит, нонуштадан кейин кайфлари чоғ бўлиб, Гвоздево ботқорига етиб келишди.

Ж

Васенька отларни шу қадар шитоб билан ҳайдадики, ботқоқликқа жуда барвақт етиб келишди, кун ҳам жуда иссиқ эди.

Мулжал қилинган ботқоқликка етиб келишганда, Левин Васенькадан қандай қилиб қутулсаму, бамайлихотир ов қилсам, деган ўйга тушиб қолди. Степан Аркадьичда ҳам шунақа истак бор эди шекилли, чунки Левин унинг юзида бесаранжомлик аломатлари борлигини кўрди; бундай бесаранжомлик чинақам овчининг юзида ҳар вақт ов олдидан кўриниб туради. Бундан ташқари, Степан Аркадьичнинг юзида унинг ўзига хос мулойим бир қувлик ҳам бор эди.

– Қайси тартибда борамиз? Ботқоқлик – жуда бопта, қарчирайлар ҳам бор экан, кўряпман, – деди Степан Аркадьич, сайхон устида сузиб юрган иккита каттакон қушга ишора қилиб. – Қарчирай бор жойда, ов ҳам бор.

Левин сал қовоғини солиб этикларининг кўнжини юқори тортди-да, милтиқ пистонларини кўздан кечириб туриб:

– Мана кўрдингларми, жаноблар, – деди. – Анови қиёқ ўтларни кўряпсизларми? – Левин кенг сойнинг унг томонидаги ярми ўриб олинган ниҳоятда кенг, ҳўл пичанзор оролчага ишора қилди. – Ботқоқ мана шу ердан, қоқ рўпарамиздан бошланади, кўкроқ жойни кўряпсизларми? Ана шу ердан уннга, отлар юрган томонга бурилиб кетади; у ёқ сердўнг ерлар, у ерда мошак бўлади; мана шу қиёқзор атрофи, ҳу анави дарахт билан тегирмонгача ботқоқ. Ҳо анави кўрфазни кўряпсизларми? Энг овбоп жой ўша ер.

Ўша ерда бир марта ўн еттита лойхўрак отиб олганман. Иккита ит билан икки томонга бўлиниб кетиб, тегирмон олдида учрашамиз.

– Хўп, ким чапга, ким ўнгга? – деб сўради Степан Аркадьич. – Ўнг томон кенгроқ экан, икковларинг ўша ёққа боринглар, мен чапга кетдим, – деди ўзини бепарволикка солиб.

– Жуда соз! Ов қилишни унга кўрсатиб қўямиз. Қани, юринг, юринг! – деди Васенька ҳам.

Левин кўнмай иложи йўқ эди, шундай қилиб, иккига бўлиниб кетишди.

Улар ботқоққа киришлари билан иккови ит бирданига ҳид сезиб, чириган кўкатлар ичига суриб кетди. Левин Ласканинг бу эҳтиёткор ҳаракатини биларди; у лойхўраклар бўладиган жойни билар, улар галасига дуч келишини кутарди.

Колпено ботқоқлигида Весловский бехосдан ўқ чиқариб юборгандан кейин Левин унинг милтиқ тутишига беихтиёр диққат этадиган бўлди; шунинг учун орқасида сувни шалоплатиб келаётган ўртоғига:

– Весловский, ёнда юринг, ёнда! – деди юрагини ҳовучлаб.

– Йўқ, сизга халал бермайман, менинг ташвишимни қилманг.

Кити эрини овга жўнатаётганда: «Ҳазир бўлинглар, бир-бирларингни отиб қўйманглар», деган эди; Левин шу сўзларни эслаб, беихтиёр ўйланиб қолди. Итлар бир-биридан ўтиб, ҳар қайсиси ўз йўлида мўлжалга яқинлашиб борарди; лойхўракларга иштиёқ шу қадар кучли эдики, ботқоқдан суғураётганда пошнаси чиқарган билқ-билқ овоз Левинга қушлар овозига ўхшаб эшитилар, милтигини қўлга олиб, қўндоғини биқинида қисиб борарди.

Левиннинг қоқ қулоқлари устида: «Поқ! Поқ!» деган овозлар эшитилди. Весловский ботқоқлик устида учишиб, овчиларга жуда бевақт кўриниб қолган

Ўрдаклар галасига ўқ узган эди. Левин қайрилиб қарашга улгурмай, битта, иккита, учта, яна саккизта лойхўрак сувни шалолатиб бирин-кетин учиб кета бошлади.

Лойхўраклардан бири илон изи бўлиб учишга чоғланиб турганда, Степан Аркадьич уни уриб туширди; қуш думалоқ бўлиб ютар ботқоққа келиб тушди. Облонский қиёқзорга пастлаб учиб кетаётган бошқа бирини шошмай мўлжалга олди; узилган ўқ овози билан бир вақтда яна битта қуш ерга тушди; у соғ қолган эди, таги оппоқ қанотини типирлатиб, ўрилган қиёқ орасидан чопиб чиқди.

Левиннинг омади келишмади: биринчи лойхўракка жуда яқиндан ўқ узган эди: тегизолмади; кўтарила бошлаганда яна мўлжалга олган эди, шу вақт оёқларининг тагидан яна биттаси чиқиб қолиб, хаёлини бўлиб қўйди, иккинчи ўқни отиб эди, буниси ҳам тегмади.

Милтиқни ўқлаб бўлгунча, яна битта лойхўрак учиб чиққан эди, Весловский апил-талил милтирига янги ўқ босиб олди-ю, сув бўйлатиб яна иккита сочма ўқ узди. Бу орада Степан Аркадьич ўз овларини йиғиб туриб, порлоқ кўзлари билан Левинга қараб қўйди.

– Энди икки ёққа қараб кетамиз, – деди-да Степан Аркадьич, итига ҳуштак чалиб қўйгандан кейин, милтигини отишга тайёр ушлаган ҳолда чап оёғи билан оқсоқланиб, бир томонга кетди. Левин билан Весловский иккинчи томонга қараб юрди.

Левин ҳамма вақт шунақа эди: биринчи узган ўқлари зое кетганда қизишар, бўғиларди-да, куни билан ёмон отарди. Бутун ҳам шунақа бўлди. Лойхўрак жуда кўп экан. Итлар тагидан, овчиларнинг оёқлари тагидан учиб чиқаверди. Левин ўзини ўнглаб олса бўларди: лекин қанча кўп отса, палла-партиш ўқ узавериб, ҳеч нарса уролмаган, бунинг

учун заррача ҳам хижолат тортмаган Весловский олдида шунча кўп ўсал бўларди. Левин шошарди, мўлжалга яхши отмасди, борган сайин қизишиб борарди, ахир шу даражага етдики, отган ўқини бари бир тегизолмайман, деган ишонч билан отадиган бўлди. Ласка ҳам буни тушунаётгандек, эринибгина қидирар, овчиларга ажабланиб ё таъна қилиб қараётганга ўхшарди. Пайдар-пай ўқлар узилиб турди. Овчилар атрофини порох тутуни ўраб олди, лекин каттакон, кенг ов халтасида фақат учта енгил, кичкина лойхўраккина ётар эди. Буларнинг ҳам биттаси Весловский томонидан отилган. Иккинчиси эса ўртада отилган. Бу орада ботқоқликнинг у томонида камдан-кам ўқ отилар, лекин, Левиннинг назарида, Степан Аркадьич отаётган бу ўқлар хато кетмаётгандек эди; иннайкейин, ҳар ўқдан сўнг: «Крак! Крак, апорт!» деган товуш эшитиларди.

Бу ҳол Левинни яна баттар ҳаяжонлантирарди. Лойхўрақлар сайҳон устида учишларини қўймасди. Ерда сувнинг шапиллаши, осмонда қушларнинг гуриллаши ҳар томондан сира тинмай эшитилиб турарди; илгари учиб чиқиб, ҳавода айланиб юрган қушлар овчилар олдига келиб қўнарди. Иккита қарчиғай ўрнига ҳозир ботқоқлик устида ўнлаб қарчиғайлар чуғурлашиб учиб юришарди.

Ботқоқликнинг ярмидан кўпроғини босиб ўтишгандан сўнг, Левин билан Весловский қиёқзорга бориб тақаладиган узун-узун карталар билан ажратилган ва қайси ери йўл билан, қайси ери пичани ўрилган эгат билан белгиланган деҳқон пичанзорларидан чиқишди. Бу пичанзорнинг ярми ўриб бўлинган эди.

Ўрилмаган пичанзорда ўрилган пичанзордагидек ов қилишга кўзлари етмаса ҳам, Левин Степан Аркадьич билан учрашамиз деб ваъда қилгани учун, ўрилган ва ўрилмаган пичанзор орқали йўлдоши

билан кетаверди. Чиқариб қўйилган арава ёнида ўтирган мужиклардан бири:

– Ҳой, овчилар! Келиб биз билан овқат енгла! Вино ичингла! – деб қичқирди.

Левин қайрилиб қаради.

Кизил юзли хушчақчақ бир серсоқол мужик, оқ тишларини иржайтириб кулди-да, қуёшда товланиб турган кўкимтир шишани кўтариб: – Келавер, ҳечқиси йўқ! – деб қичқирди.

– Qu, est ce du'ils disent?¹ – деб сўради Весловский.

– Ароқ ичингла деб чақиритишпти. Пичанзорни бўлиб олишганга ўхшайди. Мен жон-жон деб ичардим... – деди Левин қувлик билан; Весловский ароққа учиб, уларнинг олдига кетиб қолади, деб ўйлаган эди.

– Нимага меҳмон қилишмоқчи?

– Нимага бўларди, вақтичорликқа-да. Ростданам, боринг. Хурсанд бўласиз.

– Allons, c'est curieux.²

– Бораверинг, бораверинг, тегирмон йўлини топиб оласиз! – деб орқадан қичқирди Левин; кейин орқасига қаради-ю, Весловскийнинг эгилиб-букилиб, чарчаган оёқлари билан қоқиниб, ботқоқдан зўрра чиқаётганини, бир қўлида милтиқ билан мужиклар томон кетаётганини кўриб, хурсанд бўлди.

– Ҳой, сен ҳам кел! – деб қичқирди мужик Левинга. – Қўрқма! Сомса еб кетасан!

Левиннинг жуда ҳам ароқ ичгиси, бир бурда бўлса ҳам нон егиси келиб турган эди. Мадори кетган, чалишиб қолаётган оёқларини ботқоқдан зўрра-зўрра суғуриб бораётган эди; ҳатто бир лаҳза иккиланиб турди. Шу пайт ит тўхтади. Бирдан ҳорғинлиги тарқалиб, ботқоқдан ит томонга осонгина

¹ Нима дейишпти? (франц.).

² Юринг, қизиқ-ку (франц.).

юриб кетди. Оёқлари тагидан битта лойхўрак учиб чиқди; бир ўқ билан уриб туширди. Ит ҳамон қимир этмай турарди. «Бос?» Ит тагидан яна биттаси учиб чиқди. Левин дарҳол ўқ узди. Лекин бутун омади юришмай турган эди; тегизолмади. Кейин боя урганни қидирди, лекин уни ҳам тополмади. Бутун қиёқзорни остин-устин қилиб чиқди. Ласка бўлса уриб туширганига ишонмасди, шунинг учун ўзини қидираётганга солди-ю аслида қидирмади.

Левин ўзининг омади келишмаганига В.словскийдан ўпка қилган эди, мана ҳозир усиз ҳам иши юришмади. Лойхўраклар бу ерда ҳам кўп эди-ю, ammo Левин отган ўқларини бирин-кетин зое кетказарди.

Қия тушиб турган қуёш нурлари ҳали ҳам қизгин эди; кўйлақлари тердан увиб, баданига ёпишиб қолди; чап оёғидаги этигига сув тўлиб, нуқул билиқлар, оғирлашиб борарди; порох тутуни қорайтирган юзидан тер ёғиларди; орзи какра, бурни порох ва чиринди ҳиди билан тўла эди; қулоқлари қушларнинг қанот товуши билан битган; милтиқ орзига қўл тегтизиб бўлмайди, шунчалик қизиб кетган; юраги тез-тез, калта-калта уради; қўллари ҳаяжондан титрайди. Ҳорғин оёқлари ўнқир-чўнқир ерларда ботқоқда чалишади, қоқинади; шундай бўлса ҳам юришини, отишини қўймайди. Ниҳоят, шармандаларча сўнгги ўқни зое кезказди-ю, милтиғи билан шляпасини ерга отиб урди.

«Йўқ, ўзимни босиб олишим керак», деди ўзига. Милтиғи билан шляпасини ердан олди, Ласкани олдига чақирди, кейин ботқоқдан чиқди. Қуруқ ерга чиқиб, бир дўнг ерга ўтирди, этикларини ечди, бир пой этигидаги сувни тўқди, кейин балчиққа келди-да, чиринди ҳиди келиб турган сассиқ сувдан ичди, қизиб кетган милтиқ қувурини ҳўллади, юз-қўлини ювди. Шу тахлит ўзини ростлаб олгандан

кейин қизишмасликка қаттиқ аҳд қилиб, лойхўрак бориб қўнган жойга қараб яна йўл олди.

Вазмин бўлишга тиришарди-ю, яна аҳволи боягидай эди. Кушни мўлжалга олмай, бармоғи тепкини босарди. Борган сари аҳволи ёмонлашиб борди.

Степан Аркадьич билан учрашадиган дарахтзорга чиққанда, ов халтасида фақат бештагина куш бор эди.

Левин Степан Аркадьични кўрмасдан олдин итини кўрди. Сассиқ балчиқдан қорайиб кетган Крак ольха дарахтининг ағдарилиб ётган томирлари тагидан сапчиб чиқди-да, ролибона қиёфада келиб, Ласка билан ҳидлаша кетди. Кракдан кейин ольха соясида Степан Аркадьичнинг ҳам келишган қомати кўринди. У терлаган, қизарган, ёқаларининг тутмаларини ечиб ташлаган ҳолда яна боягидай оқсоқланиб келарди.

- Хўш? Сизлар кўп ургандирсизлар! - деди Степан Аркадьич, шўжгина кулимсираб.

- Сен-чи? - деб сўради Левин. Лекин сўрашнинг ҳожати йўқ эди, чунки ов халтасининг тўлалигини кўриб турган эди.

- Ёмон эмас.

Степан Аркадьичнинг халтасида ўн тўрт дона куш бор эди.

- Рост ботқоқ экан-да! Сенга Весловский халаал бергандир-да. Икки овчи бир ит билан иш кўриши қийин, - деди Степан Аркадьич, тантанасини юмшатишга тиришиб.

XI

Левин ўзи ҳамма вақт тушадиган мужикнинг кулбасига Степан Аркадьич билан қелганда, Весловский ўша ерда эди. У кулбанинг ўртасида иккала қўли билан сербар ўриндиққа ёпишиб олган, уй

бекасининг укаси бўлмиш солдат балчиқ моғори босган этикларидан ушлаб ҳадеб тортар, Весловский завқ билан шарақлаб куларди.

– Мен ҳозиргина келдим. Ils ont ete charmants¹. Қаранглар, роса бошлаб ичиришди, овқат билан қорнимни дўмбира қилишди. Нонининг мазаси одамнинг оғзида қолади. Delicieux!² Ароғи-чи – бунақасини одам бўлиб ичган эмасман. Пул берсам ҳеч олишмайди-да. Нуқул: «Хафа бўлмасанг бўлди», дейишади.

– Нега пул олишсин? Сизни меҳмон қилишган-да. Нима, ароқларини сотишармиди? – деди солдат, ниҳоят, этигининг бир пойини қорайиб кетган пайпоғи билан бирга суғуриб олиб.

Кулба овчиларнинг этиклари, яланиб-тамшаниб ўлаётган кир итлар олиб кирган лой билан булганганига, балчиқ ва порох ҳидига тўлганига, санчиқ билан пичоқ йўқлигига қарамай, овчилар кечки овқатни шу қадар иштаҳа билан туширдилар, шу қадар мириқиб чой ичдиларки, фақат ов қилган одамдагина шундақа иштаҳа бўлиши мумкин. Ювиниб-тозаланиб бўлишгандан кейин кучерлар супуриб-сидириб, хўжайинларига пичанлардан жой солиб кўйган омборхонага кетишди.

Қош қорайиб қолган бўлса ҳам, овчиларнинг ухлагилари келмас эди.

Сухбат отилган ўқлар, итлар, аввалги, овлар ҳақидаги хотиралар ва ҳангомалар атрофида анча айлангандан кейин, ҳаммани қизиқтирган бир мавзуга келиб тақалди. Васенька бу кўшхона ва пичан ҳидларининг ажойиблиги, синган араванинг аломатлиги (олдинги тегарчигидан чиқарилгани учун у синди деб юрган эди), ўзига роса ароқ ичиришган кўллари очик мужиклар, ҳар қайсиси ўз эгаси-

¹ Булар жуда одамшаванда (франц.).

² Жуда ажойиб! (франц.)

нинг оёғида ётган итлар тўғрисидаги ҳасанотини ҳадеб такрорлайвергани муносабати билан Степан Аркадьич ўтган йил ёзда Мальтуснинг ерида қилган овининг ниҳоятда ажойиб ўтганлигини сўзлаб берди. Мальтус машҳур темирйўлчи бойлардан эди. Облонский ана шу Мальтус томонидан Тверь губерниясида қанақа ботқоқликлар сотиб олинганини, қандай сақланганини, овчиларни қанақа аравалар, экипажларда олиб борганини, ботқоқлиқ ёнида нонушта қилгани, қанақа чодир ёйилганини бирма-бир ҳикоя қилиб чиқди.

– Қизиқ-ку, – деди Левин, пичанда ётган еридан туриб, – қандай қилиб ўша одамларни кўнглинг кўтарганига ҳайронман. Лафит¹ билан нонушта қилиш мумкин, бундан одам завқ олади, аммо шундай ҳашаматга қандай тоб бердинг-а? Бу одамлар ҳам, бурунги замонлардаги ижарадорлар сингари, пулга тузоқ қўйишади. Шу билан одамларнинг нафратига дучор бўлишади, аммо одамларнинг нафратига парво ҳам қилишмайди, кейин ана шу ҳаром-ҳариш топган пуллари билан ўзларини одамларнинг нафратидан қутқариб олишади.

– Жуда тўғри гап қилдингиз! – деди Васенька Весловский. – Тамоман тўғри! Албатта, Облонский бу ишни *bonhomie*² орқасида қилган, бошқалар булса: «Облонский ҳаён кўряпти», дейди...

– Ҳечам, – деди Облонский; Левин бу сўзларни Облонский жилмайиб туриб айтганини кўрди, – мен уни бошқа бадавлат савдогарлардан ва дворянлардан ҳам баттар виждонини йўқотиб қўйган одам деб ҳисобламайман. Улар ҳам, булар ҳам ақл ва меҳнатлари соясида давлат орттирган кишилар.

¹ Лафит – қизил узум виноси: бу хил вино жанубий Францияда, шу номдан жойда ишланади (Тарж.).

² соддадиллик (франц.).

– Ия, бу қанақа меҳнат бўлди? Концессияга олиб, кейин ортивига сотиш ҳам меҳнат бўлдими?

– Албатта, меҳнат. Шу маънода меҳнатки, агар ўша одам ёки ўшанга ўхшаган одамлар бўлмаганида, у ерларга йўл ҳам тушмас эди.

– Лекин бу меҳнат мужикникига ёки олимникига ўхшаган меҳнат эмас.

– Хайр, шундай ҳам деялик, аммо бу маънодаги меҳнатки, унинг саъйи ҳаракати соясида йўл қурилади. Сен бўлсанг, йўлдан наф йўқ дейсан.

– Йўқ, бу бошқа масала: майли, йўллардан наф бор, деб айтишга тайёрман. Лекин сарф қилинган меҳнатга мувофиқ келмайдиган ҳар қандай даромад – ҳаром.

– Мувофиқми-йўқлигини қаердан биласан?

Левин ҳалол билан ҳаром ўртасига аниқ чизик тортиш „ўлидан келмаганини сезиб:

– Ҳаром-ҳариш йўллар билан, ҳийла-найранг билан қўлга киритилган даромад ҳам, – деди, – банка конторалари қўлга киритган даромадлар сингари гап. Ўлпонларни ижарага бериш вақтидаги сингари меҳнат сарф қилмасдан жуда кўп молу мулк орттириш каби ярамас одат фақат шаклини ўзгартирди, холос. *Le roi est mort, vive le roi!*¹ Улпонларни ижарага бериш бекор қилиниши биланоқ дарров темир йўллар, банклар пайдо бўлди: бу ҳам меҳнатсиз дунё орттириш деган сўз.

– Ҳа, бу нарсалар, эҳтимол, тўғридир, ақлли гаплардир... ёт, Крак! – деб ўшқирди Степан Аркадьич пичанни ағдар-тўнтар қилиб қашинаётган итига; у ўзи кўтарган мавзунинг тўғри ва ҳаққоний эканлигига амин эди шекилли, шошмасдан, вазмин туриб гапирди. – Аммо ҳалол меҳнат билан ҳаром

¹ Кирил ўлди, ишвсин қирол! (франц.)

меҳнат ўртасидаги тафовутни айтиб бермадинг. Ишлар мудирим ишни мендан яхши билса ҳам, мен ундан кўпроқ маош оламан, шу ҳам ҳаромми?

– Қайдам.

– Бўлмаса мен сенга айтиб берай: сен ўз ҳўжалигинга сарф қилган меҳнатинг эвазига, фараз этайлик, ортиқча беш минг сўм оласан, бизнинг мезбонимиз мужик эса, ҳар қанча меҳнат қилмасин, эллик сўмдан ортиқ даромад ололмайди. Мен ишлар мудиримдан ортиқ оладиган маош ҳам, Мальтуснинг йўл устасидан ортиқ оладиган даромади ҳам, худди шунга ўхшаган ҳаром даромад. Аксинча, жамият бу хил одамларга ҳеч нимага асосланмаган алақандай душманчилик муносабатида бўлади, назаримда, бу масалада ҳасад...

– Йўқ, тўғри эмас, – деди Весловский, – ҳасад бўлиши мумкин эмас, бу масалада алақандай ҳаром-ҳаришлик бор.

– Йўқ, шошма, – деди Левин сўзини давом эттириб. – Менинг беш минг сўму, мужикнинг эллик сўм олишини ноинсофлик деб айтдинг: бу гапинг тўғри. Ноинсофлик бу, мен ҳам пайқаб юраман, лекин...

– Ҳақиқатда ҳам шундай-да. Нима учун биз нуқул овқат еймиз, ичамиз, ов қиламиз, қўлимизни ишга урмаймизу, мужик шўрлик ўла-ўлгунча боши меҳнатдан чиқмайди? – деди Васенька Весловский; бу масала устида умрида биринчи марта бош қотирган бўлса керак, у жуда самимият билан гапирди.

Степан Аркадьич жўрттага Левинга теггизиб:

– Пайқайсану, лекин ер-сувингни унга бермайсан, – деди.

Сўнгги вақтларда ҳар икки божа ўртасида пинҳона бир душманлик муносабати турилгандек эди: икковлари опа-сингилга уйланганларидан кейин

ўрталарида қайси биримизнинг турмушимиз яхшироқ экан, деган рақобат бордек кўринарди: мана энди ана шу душманчилик ўрталаридаги шахсий гапларида ҳам аксини кўрсата бошлади.

– Шунинг учун бермаяпманки, мендан ҳеч ким буни талаб қилгани йўқ; мабодо хоҳлаганимда ҳам, бари бир, беролмайман, берадиган одамларим ҳам йўқ, – деди Левин.

– Мана шу мужикка бер, йўқ демайди.

– Қизиқ, қандай бераман? У билан бирга бориб, олди-сотди васиқасига қўл қўйишамизми?

– Бунисини билмайман; агар ҳақинг йўқлигига ишонсанг...

– Ҳеч ишонмайман. Аксинча, ер-сувимни бериб юборишга ҳақим йўқ деб биламан. Чунки ер олдида ҳам, оилам олдида ҳам бурчларим бор.

– Йўқ. Шошма; башарти, сен бу тенгсизликни ноинсофлик деб ҳисоблар экансан, нега ҳаракат қилмайсан...

– Ҳаракат қиляпман, фақат салбий маънода, яъни ўзим билан мужик ўртасида аҳвол фарқини оширишга тиришмайман.

– Йўқ, кечир мени; бу ҳавойи гап.

– Ҳа, бу сафсатабозликка мос бир изоҳ бўлди, – деб Васенька ҳам тасдиқлади. Кейин дарвозани ритиллатиб саройга кирган мужикка қараб гапирди:

– А! Хўжайин, ҳали ҳам ухлаганинг йўқми?

– Йўқ, уйқу қайда дейсан! Хўжайинлар ухлагандир, деб ўйласам, гурунг қуриб ўтирганларинг-ни эшитиб қолдим. Менга илгак керак эди. Итингиз тишламайдими? – деди яна яланг оёқларини секин-секин босиб.

– Сен қаерда ухлайсан?

– Кечаси от боқамиз.

Весловский қанотлари ланг очиқ дарвозадан хира шафақ ёруғида кўриниб турган кулба бурчагига ва отлари чиқарилган араваларга қараб:

– Оҳ, қандай ажойиб кеча-я! – деди. – Ҳай, эштинлар, хотинлар ашула айтишяпти, чакки айтишмаяпти. Ашула айтаётганлар ким, хўжайин?

– Шу ерлик қизлар, қўшни ҳовлида.

– Юринлар, ўйнаб келамиз! Бари бир, ухламай-миз. Облонский, юр.

Облонский керишиб:

– Нима қилсам: ётсаммикан, борсаммикан, – деди. – Ётган маъқулдир.

Весловский даст ўрнидан турди-да, апил-тапил этикларини кийиб:

– Бўлди, ўзим чиқаман, – деди. – Хайр, жаноблар. Қизиқ бўлса, сизларни ҳам чақираман. Мени ил-васин гўшти билан сийладинлар, сизларни эсдан чиқармайман.

Весловский чиқиб кетиб, орқасидан мужик дар-возани ёпганда, Облонский:

– Ростдан ҳам, жуда яхши йигит-а? – деди.

Левин ҳозирги суҳбатларнинг мавзуи устида бош қотириб:

– Ҳа, яхши – деди. – У ўз фикр ва ҳисларини қў-лидан келганича равшан қилиб айтиб берган бўлса ҳам, бу ақл-хуши жойида, самимий одамларнинг иккови бир оғиздан: «Сафсатабозлик билан ўзингни юпатиб юрибсан», – деди. Бу нарса Левинни хижо-латга солиб қўйган эди.

– Гап шунақа, дўстим. Иккаласидан бирини тан-лаб олиш керак: ё жамиятнинг ҳозирги тузумини адолатли деб ҳисобла-ю, ўз ҳақингни ҳимоя қил, ёки менга ўхшаш, адолатсиз имтиёзлардан фойдалана-ётганингни бўйнингга олу, бу имтиёзлардан фойда-ланиб, хурсанд бўлиб юравер.

– Йўқ, агар бу имтиёзлар адолатсизлик бўлса, сен у вақт бу неъматлардан фойдаланаётганинг учун хурсанд бўлиб юрмас эдинг, ҳеч бўлмаганда, мен

хурсанд бўлолмасдим. Айб менда эмаслигини сезиб турсам бўлди – менга зарури шу.

Степан Аркадьич, мияси ровлаб, чарчаб қолди шекилли:

– Менга қара, биз ҳам чиқмаймизми? – деди. – Бари бир, уйқумиз келмайди. Юр-э!

Левин жавоб қилмади. Ҳали фақат салбий маънодагина ҳаракат қилаётгани тўғрисида айтган сўзлари ўзини ўйлатиб қўйган эди. «Наҳотки фақат салбий маънодагина инсофли бўлиш мумкин?» деб сўрарди ўзидан.

Степан Аркадьич ўрнидан тураётди:

– Аммо-лекин янги пичаннинг ҳиди хўп аломатда! – деди. – Энди ухлаб бўлман. Васенька бир бало қиляпти. Хаҳолашиб қулишаётганини, Васеньканинг овозини эшитяпсанми? Чиқмаймизми, а? Юр!

Левин:

– Йўқ, мен чиқмайман, – деган эди, Степан Аркадьич қоронғида фуражқасини ахтариб туриб:

– Яна принципбозликми? – деб кулимсиради.

– Принципбозлик эмас бу, чиқиб нима қиламан?

– Мен сенга айтсам, бошинга ўзинг бало орттириб оласан, – деди Степан Аркадьич, фуражқасини топгандан кейин ўрнидан тураётди.

– Нимага?

– Хотининг олдида ўзингни қай аҳволга солиб қўйганингни, нима, кўрмаяпманми? Эшитдим: овга борасанми, борганингда ҳам икки кунга борасанми, деган масалани оламшумул масала қилиб қўйдинглар. Ширин турмуш учун яхши нарса-ю, аммо бутун умрга татийдиган нарса эмас. Эркак кишининг қўл-оёғи бўш бўлиши керак. Унда ўз манфаати, эркаклик манфаати бор. Эркак киши мард бўлиши керак, – деди Облонский дарвозани оча туриб.

– Яъни, нима қилиш керак? Чиқиб, қишлоқ қизларига жигарсўхталик қилиш керакми? – деб сўради Левин.

– Вақтичовлик бор жойга нима учун ҳам бормаслик керак? *Са ne tire pas a consequence*¹. Бундан хотиним жафо кўрмайди, мен роҳат кўраман. Ишқилиб, уйда одоб сақласанг бас. Ҳа, уйда оёғингни биллиб бос. Лекин қўлингни боғлаб берма.

– Эҳтимол, – деди Левин куруққина қилиб; кейин у ёнбошига ўтирилиб олди. – Эртага барвақт чиқиш керак. Ҳеч кимни уйғотмайман, тонгда ўзим чиқиб кетавераман.

Весловский қайтиб келди. Унинг:

– *Messieurs, veuez vite*², – деган овози эшитилди. – *Charmante*³. Бу менинг кашфим. Бориб турган Гретхен⁴, аллақачон танишиб ҳам олдик. Ўлай агар, одамнинг суҳи киради! – У шу қадар ҳайрат билан тасвираардики, гўё у фақат Весловский учунгина шунақа жонон бўлиб яратилган-у, ўзини бу бахтга эриштирганлардан миннатдордай эди.

Левин ўзини ухлаб қолганга солди. Облонский бўлса, туфлисини кийди-да, сигарасини тутатиб, саройдан чиқиб кетди; кўп ўтмай, овозлари ўчди.

Левин узоқ вақтгача ухлабмади. Отлари пичан кавшаётганини, кейин хўжайиннинг катта ўғли билан йўл тараддудини кўриб, кечаси от боққани кетганини эшитиб ётди; сўнгра солдат саройнинг нариги томонига жияни – мезбоннинг кичик ўғли билан келиб ётганини эшитди; кейин бола ўзига жуда ҳам баҳайбат, зўр кўринган итлар тўғрисидаги таассуротини тоғасига ингичка овози билан айтиб берганини эшитди. Кейин бола бу итлар ни-

¹ Бунда айб бўладиган ҳеч нима йўқ (франц.)

² Жавоблар, тез бўлинглар! (франц.)

³ Ажойиб! (франц.)

⁴ Жонон (нем.)

мани тутишини сўраган эди, солдат уйку босган хирқироқ овоз билан: эртага овчилар ботқоқликқа боришини, миатиқ отишини айтгандан сўнг, бола-нинг саволаридан қутулиш учун: «Ухла, Васяча, ухла, бўлмаса ёмон бўлади-я» деганини ҳам эшитди; кейин солдатнинг ўзи ҳам хуррак ота бошлади, ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди; фақат отларнинг кавшаниши ва лойхўрақларнинг чинқаришигина эшитилиб турди. «Наҳотки фақат салбий маънодагина бўлса-я? – деб ўзича такрорлади. – Хўш, нима бўпти? Мен айбдор эмасман-ку». Шундан кейин эртаги кун тўғрисида ўйланиб кетди.

«Эртага барвақт бораман, қизишмасдан отаман. Лойхўрақлар ачиб ётибди. Мошаклар ҳам бор. Уйга қайтиб келсам, Китидан хат келган бўлади. Ҳа, Стива тўғри айтади: Кити олдида ўзимни эркакларча тутмайман, хотинчалиш бўлиб қолганман... лекин, на чора! Бу ҳаракатим яна салбий маънода!»

Уйкусида Весловский билан Степан Аркадьичнинг кулишганини, шўх-шўх гаплашганини эшитди. Кўзларини бир лаҳза очиб қаради: ой чиққан, улар ланг очиб қўйилган дарвозахонада, ойнанинг сутдай ёруғида гаплашиб туришган эди. Степан Аркадьич қиз таровати тўғрисида гапириб, уни ҳозиргина пўсти арчилган янги ёнроқ марзига ўхшатар, Весловский эса одатдаги шарақлаб кулиб, афтидан мужик ўзига айтган сўзларини такрорлар: «Сен ўз тенгларингга осил!» – деярди. Левин уйку аралаш:

– Жаноблар, тонгда чиқамиз! – деди-ю, уйкусини давом эттирди.

ХП

Левин тонг ёришар-ёришмас уйғониб, ўртоқларини ҳам уйғотиб кўрди. Васенька мукка тушиб, пайпоқли бир оёғини чўзиб юбориб шу қадар қаттиқ ухлардики, ундан жавоб олишнинг иложи ҳам йўқ эди. Облонский уйқу аралаш, овга бундай барвақт чиқмайман деди. Пичан четида юмалоқланиб ётган Ласка ҳам, малол келгандек туриб, орқа оёқларининг олдин бирини, кейин иккинчисини эринчоқлик билан чўзиб керишди. Левин этиқларини кийди-да, қўлига милтиғини олиб, гичилаб очиладиган сарой эшигини очиб чиқиб кетди. Кучерлар аравалар ёнида ухлашар, отлар мудраб туришар эди. Отлардан фақат биттаси тоғорадаги сулини тумшуғи билан у ёқ бу ёқ сочиб, эринчоқлик билан ем еб турган эди. Ташқари ҳали ғира-шира ёруғ эди.

Уй бекаси кулбасидан чиқиб:

– Ҳа, мунча барвақт уйғониб олдинг, қароғим? – деди Левинга; у Левин билан худди эски, яхши танишдай гаплашди.

– Овга чиқмоқчиман, холажон. Шундай борсам ботқоқликдан чиқаманми?

– Орқа билан; бизнинг хирмондан ўтиб, канопзор билан боравер, чирорим: сўқмоққа чиқасан.

Кампир офтобда куйган яланг оёқларини эҳтиёт билан босиб бориб, хирмонга чиқадиغان ювни очиб берди.

– Тикка бораверсанг қоқ ботқоқдан чиқасан. Болаларимиз ўша ёққа кечаси от ҳайдаб кетишган.

Ласка ёлризоёқ йўлда суюниб чошиб кетди; Левин ит орқасидан тез, енгил одимлар билан шахдам юриб борар, тез-тез осмонга қараб кўярди. Ботқоққа етмасдан қуёш чиқиб қолишини хоҳламасди. Аммо қуёш ҳам имилаб ўтирмади. Боя омборхонадан чиққанда ёғду сочиб турган ой энди

бир парча симобдай ярқираб турарди; илгари кўзга дангал кўриниб турган тонг юлдузини энди қидириб топиш керак эди; илгари узоқ-узоқларда доғ бўлиб кўринган нарсалар энди равшан кўрина бошлади; булар жавдар ғарамлари эди. Тепалари қайириб олинган баланд бўйли, хушбўй канопподаги шудринг Левиннинг оёқларини, кўйлагини белидан юқорисигача ивитиб юборди. Бу шудринг офтоб чиқмасдан олдин кўзга чалинмасди. Тиниқ субҳидам сукунатида энг секин овоз ҳам қулоққа чалинарди. Бир асалари Левин қулоқлари ёнидан ўқдай учиб ўтди. Левин разм солиб яна иккитасини кўрди. Ҳаммаси асалари уяси четанидан учиб чиқиб, каноп устида ботқоқ томон учиб кетишди. Йўл тўрри ботқоқдан олиб чиқди. Ботқоқликни бир ерда қуюқроқ, бир ерда сийрақроқ кўтарилиб турган буғдан билиб олинса буларди: қиёқ ўтлар билан оқ тоғлар, худди кичик-кичик ороғларга ўхшаш, ана шу буғ ичида чайқалиб турарди. Кечаси от боққан болалар билан мужиклар ботқоқлик четида, йўл бўйларида тонг ёришар олдиндан устларига кафтанларини ёпиб олиб ухлаб ётишарди. Улар яқинида оёқлари тўшалган учта от ўтлаб юрарди. Биттасининг оёқларидаги кишан шиқирлаб қўяди. Ласка эгасининг ёнида боради ва илгари кетишга ижозат сўраётгандек қараб-қараб қўяди. Ухлаб ётган мужиклар ёнидан ўтиб, биринчи кечикка етишганда, Левин пистонларини кўздан кечириб, итни қўйиб юборди. Отлардан бири, семиз қўнғир от, итни кўриб чўчиб кетди-да, думини кўтариб, пишқирди. Бошқа отлар ҳам чўчиди, тушовланган оёқларини ботқоқда шалолатиб, ёпишқоқ балчиқдан туёқларини суғурганда чалакка ўхшаган овоз чиқариб юриб ботқоқдан сакрай-сакрай чиқиб олишди. Ласка тўхтаб отларга кулаётгандек, Левинга: «нима қиламиз?» – деб сўраётгандек қилиб қаради. Левин

Ласкани силаб, бошласанг бўлади, деган маънода хуштак чалиб қўйди.

Ласка оёқлари тагида билқилаб турган ботқоқ устида суюниб чопиб кетди.

Ласка ботқоқликка чопиб киргандан сўнг томирлар, ботқоқ ўланлари, балчиқларнинг ўзига таниш ва отлар тезагининг ўзига ёт ҳидлари орасида бу томонларнинг ҳамма ёғига тарқалиб кетган қушлар ҳидини, ўзини ҳаммасидан ҳам кўпроқ ҳаяжонга солиб қўйган ўша қушлар ҳидини дарҳол сизди. Бахмал ўтлар ва отқулоқлар орасидан бу ҳидлар жуда қаттиқ анқиб турган бўлса ҳам, лекин қаёққа қараб кучаниб ё сусайиб борганини аниқлаб бўлмасди. Бунини аниқлаш учун шамол юришиб турган жойдан нарига кетиш зарур эди. Ласка оёқларининг ҳаракатини сезмай, зарурат чиқиб қолган пайтда тўхтаб олиш учун эҳтиёткорлик билан югургилаб кетди; у шарқдан эсиб турган тонг шабадасидан ўзини олиб қочиб, шамол келиб турган томонга бурилди. Бурун катакларини кериб туриб ичига тоза ҳаво олгандан сўнг, изларигина эмас, ўзлари ҳам шу ерда, худди мана шу атрофда эканини, битта эмас, жуда ҳам кўплигини дарҳол сизди. Ласка энди тез югурмай қўйди. Қушлар шу атрофда эди, аммо қаердалигини у аниқлаёлмасди. Ласка шу жойни топиш учун доира бўйлаб югуришга тушган эди, бирдан эгасининг овози йўлидан чалритди: «Ласка! Бу ёқда!» - деди Левин, итга нарияги томонни ишора қилиб. Ласка, «ўзим бошлаган ишни қилаверсам қалай бўларкин?» деб сўраётгандек, бир оз тўхтаб турди. Лекин эгаси, ҳеч нима топиб бўлмайдиган, сув босган ўнқир-чўнқир ерга ишора қилиб, буйруғини яна жаҳл билан такрорлаб қолди. Ласка буйруққа бўйсунди, уни хурсанд қилиш учун ўзини излаётганга солиб ўнқир-чўнқир ерни кавлаштириб чиқди-да, яна бояги жойига келиб, тегин қушлар ҳиди-

ни сизди. Мана энди, эгаси аралашмагандан кейин, нима қилишини биларди: оёқларининг остига қарамай доира бўйлаб югуриб кетди, бу доира бутун сирни аниқлаб бериши керак эди; гоҳ баланд дўнгликка урилиб сувга тушиб кетар, гоҳ кучли, эпчил оёқларининг ҳаракати билан сувдан чиқиб оларди. Қушларнинг тобора кучайиб, тобора аниқ-таниқ келаётган ҳидлари Ласкани ҳайратга солиб қўйди; улардан бири шу ерда, анави дўнгер орқасида, ўзидан беш қадамча нарида эканини Ласка бирдан равшан сизди-да, дарров тўхтаб, бутун вужуди билан қотиб қолди. Ласка ўзининг калта оёқлари устида туриб, олдида нима борлигини кўрмаса-да, унинг шу ердалигини сезиб жим бўлди. Бу сезги вужудини завққа тўлдирган эди. Ёниб юборилган ражак думининг фақат учигина қилпанглаб турарди. Оғзи хиёл очилган, қулоқлари диккайган эди. Югуриб кетаётганда қулоқларининг бири ёпишиб қолган эди. У оғир-оғир, лекин эҳтиёт билан нафас олар, эгасига калласини ўгирмай, фақат кўз қирлари билан жуда эҳтиёт бўлиб қараб қўярди. Эгаси Ласкага таниш бўлган юзини олдинга қаратиб, ҳаммиша даҳшатли кўзларини рўпарасига тиккан ҳолда тўнгаларга қоқилиб келар, Ласкага у ниҳоятда секин келаётгандек туюларди. Итга шундай туюлса ҳам, аслида чопиб келаётган эди.

Левин Ласканинг ов қидиргандаги таниш авзойини сизди-да: «Омадим келишсин-да, айниқса биринчи қушни урай-да», деб кўнглида худога илтижо қилиб, ити олдига чопиб келди; ити шу пайт орқа оёқлари билан ер кавлаётгандек, қапишиб олиб оғзини хиёл очиб ётарди. Левин мошак топганини тушунди. Левин итга қадалиб келди-да, қаддини ростлаб рўпарасига қаради ва Ласка димоғи билан кўриб турган нарсани кўзлари билан кўрди. Дўнгерлар орасидаги тор йўлкада мошакни кўрди. Қуш

бошини ўтириб, қулоқ солиб турган эди. Кейин қанотларини хиёла ростлаб, тагин йиғди-ю, орқасини қўполгина буриб, бир бурчакка уриб кетди.

– Бос, бос! – деб ўшқирди Левин Ласкани орқасидан туртиб.

«Ия, мен кетолмайман. Қаёққа бораман? Уларни шу ерда сезиб турибман, агар олдинга кетсам, қаердалигини ҳам, қанақа қушлигини ҳам билмай қоламан», – деб ўйларди Ласка. Аммо эгаси тиззаси билан итариб, ҳаяжон билан шивирлади: «Бос, Ласкажон, бос!»

«На чора, агар у шуни хоҳласа, қиламан, аммо энди ўзимга кафил бўлолмайман», – деб ўйлади-ю Ласка, кучининг борича дўнгликлар орасига қараб отилди. Энди димоғи ҳеч нарсани сезмас, ҳар нарсани кўрар, эшитарди-ю, аммо ҳеч нарсани англамасди.

Итнинг аввалги урнидан ўн қадамча нарида бир мошак, бўғзидан чуғурлаган овоз чиқарди-да, қанотларини ўзига хос бир товуш билан шитирлатиб, учиб чиқди. Ўқ узилиши биланоқ оқ кўкраги билан ҳўл ерга пақиллаб тушди. Иккинчиси, итнинг келишини ҳам кутмай, Левин орқасидан кўтарилди.

Левин қуш томонга қайрилиб қараганда, у алақачон узоқлашиб кетган эди. Шундай бўлса ҳам ўқ етиб борди. Иккинчи қуш йигирма қадамча учиб боргандан сўнг юқорига лўмбоздай отилиб чиқди-ю, бирдан пастга ташланган коптокдай қуруқ ерга пўкиллаб тушди.

Левин иссиқ, семиз қушларни ов халтасига жойлаб туриб: «Мана бу антиқа бўлди! – деб ўйлади... – А, Ласкажон, антиқа бўлди-а?»

Левин милтирини ўқлаб йўлга тушганда, қуёш булутлар орқасида кўринмаса ҳам, лекин чиққан эди. Ой бутун ёрдусини йўқотиб, осмонда худди бир пар-

ча оқ булутдай оқариб кўринарди: осмонда битта ҳам юлдуз кўринмасди. Илгари шудрингда кумуш сингари товланиб турган ўланлар саргайиб қолди. Балчиқ қаҳрабо тусига кирди. Кўкиш кўринган гиёҳлар сариқ-яшил тусга айланди. Ботқоқ қушлари ариқ бўйида шудрингларни товлатиб, узун-узун соялар ташлаб турган буталар устида учишарди. Қарчиғай ҳам уйғонди: ғарам устида калласини у ёқ бу ёққа буриб, ботқоққа норозидек қараб ўтирарди. Далаларда ҳақкалар учишар, яланг оёқ бир бола кафтани тагидан туриб, қашина бошлаган чол томонга отларни ҳайдаб кетди. Отиланган ўқлар тутуни кўм-кўк ўланлар устида сутдай оқариб кўринарди.

Болалардан бири Левиннинг олдига чошиб келди.

– Амаки, кеча шу ерда ўрдаклар бор эди! – деб қичқирди-да, бола, Левин орқасидан эргашиб, узоқроқда келаверди.

Левин бирин-кетин учта мошакни отиб туширди ва ўзига завқи келган боланинг кўзи ўнгида отиб туширгани учун икки баравар хурсанд бўлди.

ХП

Овчиларнинг биринчи ҳайвонни ё биринчи қушни қўлдан чиқармасанг, омадинг келишаверади, деган каромати тўғри чиқди.

Левин ўттиз чақиримча юргандан сўнг роса чарчади. Қорни очди, лекин омади келишиб, ўн тўққизта ажойиб қушни ов халтасига тикди-да, халтага сирмаган бир ўрдакни белига боғлаб олиб, эрталаб соат тўққиздан ошганда уйига хурсанд бўлиб қайтиб келди. Ўртоқлари аллақачон уйронган, қоринлари очгани учун нонушта ҳам қилиб бўлган эди.

Левин учиб чиқаётгандаги тароватларини йўқотган, букланган, қуришган, қонлари қотган, бошла-

ри ёнга букилган лойхўрақлар билан мошақларни иккинчи марта санашга ўтириб:

– Шошманглар, шошманглар, биламан, ўн тўқ-қизта, – деди.

Ҳисоб тўғри чиқди, Левин Степан Аркадьичнинг ҳасади қўзиганини кўриб хурсанд бўлди. Уни хурсанд қилган яна бир нарса шу бўлдики, уйга қайтиб келганда, Китидан хат келтирган чопар кутиб ўтирган эди.

«Тамоман соғу саломатман, вақтим ҳам чор. Илгари мендан хавотирда бўлсанг, энди хотиржам бўлишинг мумкин. Янги қўриқчим бор, Дарья Васильевна (бу доя хотин Левиннинг оиласидаги янги, муҳим шахс эди). Мендан хабар олгани келибдилар. Қараб, бутунлай саломатлигимни айтдилар, уларни сен қайтгунингча олиб қолдик. Ҳамма хурсанд, саломат, сен ҳам, жоним, шошилма, агар ов яхши ўтаётган бўлса, майли, яна бир кун қола қол».

Овдаги омади билан хотинидан келган хат уни шундай хурсанд қилган эдики, кейин юз берган иккита кичкина дилсиёҳдик Левинга таъсир ҳам қилмади. Таъбини хира қилган нарсанинг бири шу эди: жийрон, кеча кўп уриниб қолган шекилли, бугун овқат емай, машқи қочиб қолди. Кучер, касал деб айтди.

– Кеча ёмон уринтириб қўйдик, Константин Дмитрич, – деди кучер. – Ўн чақирим ерга чоптириш осонми?

Кайфи чор бўлиб турганда дастлаб таъбини яна бир нарса хира қилиб қўйди; буни кейинча эслаб, ўзи ҳам кулди; бу кўнгилсиз воқеа шундан иборат эдики, Кити берган ва бир ҳафтада ҳам тугатиб бўлмайдигандек кўринган мул-кул озуқадан ҳеч нарса қолмаган эди. Левин овдан чарчаб, очиқиб, сомса ейман деб умид билан кулбага яқинлашганда, худди Ласка илвасин ҳидини пайқагандек, унинг ҳам

димоғига сомсаларнинг ҳиди келган, оғзида уларнинг таъмини сезган эди. Левин дарҳол Филиппга овқат келтиришни буюрди, лекин сомса у ёқда турсин, жўжалардан ҳам битта қолмаган эди.

Степан Аркадьич Васенька Весловскийга ишора қилиб:

– Роса иштаҳаси карнай экан-да! – деди кулиб. – Мен ҳам иштаҳам камлигидан зорланмайману, лекин буникига қойилман...

– Нима ҳам деярдик! – деди Левин Весловскийга хўмрайиб қараб. – Филипп, бўлмаса мол гўшtidан келтир.

– Мол гўштини ҳам еб бўдилар. Суякларини итларга бердим, – деди Филипп.

Левин шу қадар хафа бўлдики, аламига чидолмай:

– Менга лоақал бирон нарса қолдиришдими-йўқми? – деди йирламоқдан бери бўлиб кейин, Весловскийга қарамасликка тиришиб, қалтироқ товуш билан Филиппга ўшқирди: – Бўлмаса, анави отиб келган қушларимдан тозалаб, ачитқи босиб қўй! Менга ҳеч бўлмаса сут сўраб чиқ.

Сутни ичиб, қорнини тўйғизиб олгандан сўнг бегона одамга аччиқ қилгани учун хижолат тортиб, очликдан жаҳли чиққанига кула бошлади.

Кечкурун яна овга чиқишди, Весловский ҳам бир неча қуш ургандан сўнг кечаси уйга қайтишди.

У ёққа қандай ўйнаб-кулиб кетишган бўлса, бу ёққа ҳам шундай ўйнаб кулиб қайтишди. Весловский гоҳ ашула айтар, гоҳ ўзини ароқ билан сийлаган ва унга: «Айб қилмайсан-да», деб айтган мужикларнинг меҳмон қилганини завқ билан эсларди; гоҳ ёнроқ, қишлоқ қизи ва мужик билан ўзи ўртасида ўтган тунги можарони эслади, мужик ундан, хотининг борми, – деб сўраган, хотини йўқлигини билгандан кейин: «Бўлмаса бировнинг хотинига олайма, кўзинг кунётган бўлса, қалампир чай-

на», деганини айтиб берди. Мужикнинг бу сўзлари Весловскийни жуда ҳам кулдирарди.

– Умуман, сафаримиздан жуда хурсандман. Сизчи, Левин?

– Мен ҳам жуда мамнунман, – деди Левин, самимият билан; уйда Васенька Весловскийга нисбатан ҳис қилган душманлик туйғуси тарқалгани, унга нисбатан юрагида энг яқин дўстлик ҳислари уйронгани учун чиндан ҳам хурсанд эди.

XIV

Эртасига эрталаб, соат ўнда, Левин ўз хўжалигини айланиб чиққандан сўнг, келиб Васенька ётган хужрани тақиллатди.

– Entrez¹, – деб қичқирди Весловский, – кечирасиз, ҳозиргина ablutions²имни тутатдим, – деди у кулимсираб. Весловский Левин қаршисида кўйлақчан турарди.

– Уялманг, бемалол, – деди Левин ойна ёнига ўтириб. – Яхши ухладингизми?

– Ўликдай. Қалай, бутунги кун овбопми?

– Сиз чой ичасизми ё қаҳва?

– Унисини ҳам, бунисини ҳам ичмайман. Овқат қиламан. Тўтрисини айтсам, жуда хижолатдаман. Хонимлар, чамамда, туришган бўлса керак? Бир айланиб келсак яхши бўларди. Отларингизни кўрсатардингиз.

Левин Весловский билан борда айланиб, отхонага боришди, икковлашиб гимнастика ҳам қилгандан сўнг меҳмони билан уйга қайтиб, бирга меҳмонхонасига кирди.

Кити самовар ёнида ўтирган эди; Весловский Китининг олдига келиб:

¹ кириш (франц.).

² устидан сув қуйиш (франц.)

- Жуда ажойиб ов қилдик, орттирган таассуротларимизнинг ҳадди-ҳисоби йўқ! - деди. - Хонимларнинг бундай лаззатдан маҳрумлигига афсус ейсан киши!

«На чора, уй бекаси билан қандай бўлса ҳам гаплашиши керак-да», деди ўзича Левин. Меҳмоннинг табассумида, Кити билан гаплашганида сиймосиде яна алақандай бир ифода бордек кўриниб кетди.

Княгиня столнинг у томонида Марья Васильевна ва Степан Аркадьич билан бирга ўтирган эди у Левинни ёнига чақириб олиб, Китининг Москвага бориб кўз ёриши кераклигини, бунинг учун у тайёрлаш зарурлигини айтди. Содир бўлаётган воқеанинг улуғворлигини ўзининг тубанлиги билан таҳқир этувчи ҳар қандай тайёргарлик тўй маҳалида Левинда қанчалик нохуш из қолдирган бўлса Китининг кўз ёриши учун кўриладиган тайёрликлар ҳам унга шунчалик таҳқиромуз бўлиб туюларди; ҳолбуки Китининг кўз ёрадиган кунига фақат бармоқ билан саналадиган кунларгина қолган эди Левин княгинянинг туриладиган болани йўргаклаш усули тўғрисидаги гапларини ҳамиша эшитмасликка тиришар, алақандай сир билан тўқилаётган матоларни, Долли жуда катта аҳамият берадиган алақандай учбурчак газмолларни ва шунга ўхшаган нарсаларни кўрмаслик учун юзини тескари ўтири оларди. Левинга ўғил кўрасан деб ваъда қилишси ҳам, ҳар ҳолда бунга ишаноолмасди, унга бу нарсашу қадар ғайриоддий бир нарса бўлиб кўринарди ўғлининг туғилиш ҳодисаси (ҳар ҳолда у ўғил турилади, деб ишонарди) унга, бир ёқдан, ниҳоят даражада катта ҳодиса, эришилмайдиган бахт бўлиб иккинчи ёқдан, шу қадар сирли бир ҳодиса бўлиб кўринардикки, бу воқеани хаёлига келтириб, одамлар қилиб келган алақандай оддий нарсага тайёргарлик кўриш Левинга инсон вазабини келтиради

ган, инсон иззат-нафсини ерга урадиган бир нарса бўлиб туюларди.

Лекин княгиня унинг юрагидаги ҳисларни пайқамас, шунинг учун куёвининг бу ҳақда ўйлагиси, гапиргиси келмаганини унинг енгилтаклигига, парвосизлигига йўярди-да, оқибат, ҳол-жонига қўймай қийнарни. Княгиня квартира топиш вазифасини Степан Аркадьичга юкляб, энди Левинни ёнига чақирди.

– Мен ҳеч нарса билмайман, княгиня. Хоҳлаганингизни қилаверинг, – деди Левин.

– Қачон кўчиб тушишларингизни ҳал қилиш керак.

– Тўғриси айтсам, ҳайрон бўлиб қолдим. Лекин Москвасиз ҳам, докторларсиз ҳам миллионлаб болалар туғилаётганини биламан... нега энди...

– Ундай бўлса...

– Йўқ, ихтиёр Китида.

– Бундан Китига оғиз очиб бўлмайди! Нима, айтиб юрагини чиқаринг, дейсанми? Шу йил баҳорда Наталья Голицина доянинг нобоплигидан нобуд бўлди.

– Ихтиёрингиз, нима десангиз мен тайёрман, – деди Левин хўмрайиб.

Княгиня унга бир нималар гапира бошлаган эди, Левин қулоқ солмади. Княгиня билан ўзи ўртасида ўтган гап таъбини хира қилган бўлса ҳам, бу гап эмас, самовар олдида кўриб турган нарсалари қоворини тушириб юборган эди.

Левин Кити томонга эгилиб олиб, ўзининг чиройли табассуми билан унга бир нималар гапираётган Васенькага ҳамда қизариб, бесаранжомланиб ўтирган Китига ора-сира қараб қўйиб: «Йўқ, бу бўладиган гап эмас!» деб ўйларди.

Васеньканинг алпозида, кўз қарашларида, жилмайишларида суқланиш бор эди. Левинга Китининг алпози ва кўз қарашларида ҳам шундай ҳис бордек кўринди. Шундан кейин ёруғ дунё кўзига қоронғи

бўлди. Яна худди кечагидек, бахт, фароғат ва малоҳат чўққисидан жаҳолат, ғазаб ва ҳақирлик чоҳига бирдан қулатиб юборилганлигини ҳис этди. Яна ҳамма, ҳамма нарса кўзига хунук кўриниб кетди.

– Шундай бўлсин, княгиня, ўзингизга маъқулини қилаверинг, – деди Левин яна атрофига жаланглаб.

Степан Аркадьич, афтидан, княгиня билан ўртада ўтган гапгагина эмас, балки Левинни безовта қилаётган ва ўзи ҳам сезиб турган сабабга шама қилиб:

– Бошга тушганни кўз кўраверади, – деб қўйди. – Бугун жуда кеч чиқдинг-да, Долли!

Ҳамма Дарья Александровна билан кўришгани турди. Васенька бир зумгагина ўрнидан турди-ю, хонимларга назокат кўрсатишдан маҳрум бўлган ҳозирги ёшларга хос бир адо билан бошини сал эгди-да, нимагадир кулиб юбориб, яна гапига тушиб кетди.

– Мени Маша қийнаб юборди. Ёмон ухлади, эрта-лаб туриб инжиқлик қилди, – деди Долли.

Васенька Кити билан бошлаган гап яна кечаги мавзу устида, Анна тўғрисида, муҳаббат жамият шароитидан юқори туриши мумкинми-йўқми, деган мавзуда кетаётган эди. Китига бу гап ёқмас эди, чунки унинг мундарижаси ҳам, сўз даромадининг оҳанги ҳам, бу гапларнинг эрига қанчалик таъсир қилишини айниқса яхши билгани важдан ҳам Китини безовта қиларди. Аммо Кити шу қадар содда, шу қадар маъсум бир жувон эдики, бу гапни қандай қилиб тўхтатишни ҳам билмас, ҳатто бу йигитнинг эътиборини ўзига жалб қилгани учун мамнун бўлганини яширишга ҳам уқуви етмас эди. Аслида бу гапни тўхтатгиси келарди-ю, лекин қандай тугаттиришни билмас эди. Ниманки қилмасин, ҳаммасини эри сезишини, кейин ёмон томонга йўйишини биларди. Ҳақиқатан ҳам, Кити опасидан Машага нима бўлганлигини сўраганда, Васенька ўзини диққинафас қиладиган бу гапнинг тугали-

шини кутиб, Доллига парвосиз бир кўз билан қараб турганда, Китининг бу саволи Левинга райритабий, жирканч бир найранг бўлиб туюлди.

– Нима дейсизлар, бутун кўзиқорин тергани борамизми? – деб Долли сўраган эди, Кити:

– Борамиз, жуда соз, мен ҳам бораман, – деди-ю, қизариб кетди. Кити одоб юзасидан Васеньканинг бориш-бормаслигини сўрамоқчи бўлди, лекин сўрамади. Эри ўз ёнидан қадамларини гурсиллатиб ўтиб кетаётганда, айбдор бир алпозда: – Қаёққа. Костя? – деб сўради. Китининг юзида кўринган бу айбдорлик аломатлари Левиннинг барча гумонларини тасдиқлаб тушди.

Левин хотинига қарамасданоқ:

– Менинг йўғимда машинист келган экан, кўрганым йўқ эди, – деди.

Левин пастга тушиб, кабинетидан чиқишга улгурмай, эҳтиётсизлик билан шошиб келаётган хотинининг таниш одимларини эшитиб қолди.

– Нимага югурасан? – деди Левин хотинига қуруққина қилиб. – Бизнинг ишимиз бор ахир.

Кити машинист-немисга мурожаат қилди:

– Кечирасиз, эримга бир-икки оғиз гапим бор эди.

Немис чиқиб кетмоқчи бўлган эди, Левин тўхта-тиб қолди:

– Бемалол ўтираверинг.

– Поезд соат учда ўтади, а? – деб сўради немис. – Кечикиб қолмасам яхши бўларди-да.

Левин жавоб қилмай, хотини билан ташқарига чиқди.

– Хўш, менга қанақа гапингиз бор эди? – деди Левин французча қилиб.

Левин хотинининг юзига қарамасди, унинг шу аҳволида бутун юзи титраб турганини, хароб бўлган кишидай эзилиб кетганини кўргиси келмасди.

– Мен... мен айтмоқчи эдим, бундай умр қилиб бўлмайди... бу ахир азоб-ку... – деди Кити зўрға.

– Буфетда одамлар бор, томоша кўрсатманг, – деди зарда қилиб Левин.

– Бўлмаса, юр бу ёққа!

Улар даҳлизда туришган эди. Кити ёндаги уйга кирмоқчи бўлди. Лекин у ерда инглиз хоним Таняни ўқитаётган эди.

– Бўлмаса, юр боққа.

Борда ҳам йўлкаларни тозалаб юрган мужикка дуч келишди. Китининг кўз ёшлари тўкилган, Левиннинг эса ҳаяжон тўлган юзларини мужик кўриб турганини ўйлаб ҳам ўтирмай, ўзларининг аллақандай офатдан қочиб кетаётган одамларга ўхшаб қолганларини ўйлаб ҳам ўтирмай, тез-тез одимлар билан юриб боришар, кўнгилларидаги гапларини айтиб, бир-бирларини ҳушларига келтириш зарурлигини, бирга бўлишиб, шу билан ўзларини эзиб турган азобу уқубатдан халос бўлиш зарурлигини юракларида сезиб туришарди.

– Бундай яшаб бўлмайди! Бу азоб-ку! Мен ҳам қийналяпман, сен ҳам қийналяпсан. Нима учун бундай? – деди Кити, ниҳоят, арғувон дарахтлари ўсиб ётган йўлканинг бурчагидаги хилват ўриндикқа етиб боришганда.

Левин анави кеча Кити олдида муштларини кўксига босиб туриб гапирган эди; ҳозир ҳам шу қиёфада туриб:

– Шошма, менга фақат шуни айт: унинг муомаласида одобсизлик, ҳаромилик, одамни ерга урадиган хунук нарса бормиди? – деди.

– Бор эди, – деди Кити овози қалтираб. – Шошма, Костя, айб менда эмаслигини наҳотки кўрмаётган бўлсанг? Эрталабданоқ муомаламни совуқ қилиб олай дедим, лекин бу одамлар... нимага келди? Ўзимиз қандай бахтиёр бўлиб юривдик! – деди

Кити, пиқ-пиқ йирлаб: тўлишиб қолган гавдаси йирисидан титрарди.

Буларни орқасидан ҳеч ким қувмаганига, демак чошиб кетишнинг ҳеч қандай зарурати бўлмаганига, хилватдаги ўриндиқда ҳеч қандай кўнгила шодлиги топишлари мумкин бўлмаганига қарамай, у ёққа чошиб кетишганини борбон кўриб, ҳайрон қолди, кейин ёнидан уйларига хотиржам бўлишиб, кулишиб қайтганини ҳам кўрди.

XV

Левин хотинини юқори хонага кузатиб қўйиб, ўзи Долиннинг бўлмасига кирди. Дарья Александровна шу бутун жуда қаттиқ хафа эди. У бўлмасида у ёқдан бу ёққа юриб, бурчакда йирлаб турган қизига жаҳдан чиқиб гапирётган эди.

– Бутун кун билан бурчакда турасан, овқатни ҳам ёлғиз ейсан, битта ҳам қўғирчоқни кўрмайсан, янги кўйлак ҳам тикиб бермайман, – деярдн онаси қандай жазо беришини билмай.

– Йўқ, жуда ёмон қиз бу! – дедя кейин Левинга юзланиб. – Ҳайронман, бу ярамас қилиқларни қаердан ўрганияпти экан?

Левин ўз иши тўғрисида маслаҳатлашгани кирган эди; дилсиёҳлик устидан чиқиб қолгани учун бир оз таъби хира бўлган бўлса ҳам, яна омир туриб:

– Нима қилибди бу қиз? – деб сўради.

– Гриша билан малина тергани боришган экан. Ўша ерда... нима қилганини айтишга орзим ҳам бормаиди. Miss Elliotдан минг марталаб қасам ичворгинг келади. Ҳеч нимага парво қилмаиди, машина... *Figurez vous, que la petite!*

Шундай қилиб, Дарья Александровна қизининг жиноятини айтиб берди.

¹ Қарангки, кичкина қиз... (франц.)

– Эй, шунчаки бир шўхлик қилибди-да, бу асло ёмон майл-иштиёқи борлигини билдирмайди, – деб тасалли берди Левин.

– Ҳа, ўзингнинг машқинг пастроқ? Нима иш билан келдинг? – деб сўради Долли. – Улар нима қилишяпти?

Левин бу савол замирида: айтадиган гапингни бемалол айтавер, деган маъно борлигини англади.

– Мен улар олдидан келганим йўқ. Кити билан боғда эдик. Биз яна жанжаллашиб қолдик, ўша... Стива келгандан бери.

Долли унга ақлли, уқувли кўзлари билан қараб турарди.

– Қўлингни кўксингга қўйиб туриб айт: Китида эмас... ўша жанобдан таъбни хира қиладиган, таъбни хира қиладиган эмас, одамни даҳшатга соладиган, эрни ерга киргизиб юборадиган қилиқ содир бўлдимми?

– Яъни, сенга нима десам бўлади... тур, бурчакда тур! – деди Машага қараб; Маша, ойисининг юзида хиёл жилмайиш пайдо бўлганини сезиб, энди ўтирилган эди. – Унинг бу қилиғи киборлар жамоасида: у ҳам ўзини ҳамма ёш йигитлар сингари тутяпти, *il fait la cour a une jeune et jolie femme*¹, кибор эри эса бундан фақат хурсанд бўлиши керак, деган хулосани туғдириши мумкин.

Левин хўмрайиб туриб:

– Ҳа, ҳа, лекин ўзинг сездингми? – деди.

– Мен тутул, Стива ҳам сезди. Чойдан кейин тўппа-тўрри: *je crois que Veslovskiy fait un petit brin de cour a Kiti*², – деди.

– Жуда соз, энди кўнглим жойига тушди. Весловскийни ҳайдаб чиқараман, – деди Левин.

¹ Ёш, чиройли жувога жонгарсўхталик қилиб юрибди (франц.).

² назаримда, Весловский Китига хуштор бўлиб қолганга ўхшайди (франц.).

– Вой ўлай, жинни бўлдингми? – деб юборди Долли, эсхонаси чиқиб. – Ҳай, Костя, ўзингни бос! – деди яна кулиб. Кейин Машага қараб: – Бор, Фаннининг олдига кетавер, – деб қўйди. – Йўқ, мабодо йўқ демасанг, Стивага мен айтиб қўяман. Ўзи олиб кетади. Меҳмонлар келар экан, деб қўйсак ҳам бўлади. Туррисини айтганда, у бизнинг уйимизга муносиб одам эмас.

– Йўқ, йўқ, ўзим айтаман.

– Уришиб қоласан-да?

– Қилча ҳам. Айтсам, шунақа кайфим чоғ бўладики, – деди Левин, чиндан ҳам хурсанд бўлганидан кўзларини чақнатиб. – Долли, кел энди, Машанинг гуноҳидан ўт! Энди шўхлик қилмайди, – деди кичкина жиноятчининг ёнини олиб; Маша Фаннининг олдига кетмай, онасининг қарашини ер остидан пойлаб, рўпарада юраги дов бермай турар эди.

Онаси қаради. Қизалоқ ҳўнграб йиғлаб юборди, югуриб келиб юзчасини онасининг тиззаларига суртди, Долли ҳам озғин, мулоийм қўлини қизининг бошига қўйди.

Левин: «у билан бизнинг ўртамизда қанақа алоқа бўлиши мумкин?» деб ўйлади-ю, Весловскийни қидириб кетди.

Даҳлиздан ўтиб кетаётиб, станцияга бориш учун коляскани қўшишга буюрган эди, лакей:

– Кеча рессори синиб қолди, – деди.

– Бўлмаса аравани қўшинглар, лекин тезроқ. Меҳмон қани?

– Уйларига кириб кетдилар.

Весловский жомадонидан нарсаларини чиқариб, янги романсларини ёйиб ташлаган эди; Левин кирганда у от миниш учун тўқали қўнжни ўлчаб кўраётган эди.

Левиннинг юзида бошқача аломат бормиди ё ўзи қилган ўша се petit de drin de cour¹ бу оилага тўғри келмаганлигини сезиб турганмиди, ҳар ҳолда, Левин кирганда бир оз (кибор одамда бўладиган даражада) хижолатли кўринди.

– Тўқали кўнж кийиб от минасизми?

– Ҳа, одам анча тоза бўлади, – деди Весловский, семиз оёғини стулга қўйган ҳолда кўнжининг пастки илгагини қадаб ва оғзи қулоғига етгудек кулимсираб.

Весловский, шубҳасиз, яхши йигит эди, шунинг учун Васенька кўзларида кўринган хуркакликни сезиб, Левиннинг унга ҳам раҳми келди, уй эгаси бўла туриб шундай қилаётгани учун ўзи ҳам хижолат бўлди.

Бугун эрталаб икковлари гимнастика қилишиб туриб шишиб кетган тўсинни кўтаришганда синдиришган калтакча синиғи столда ётган эди. Левин шу калтакчани олди-да, гапни қандай бошлашни билмай, шу калтакчани титилиб ётган бир учидан секин-секин синдира бошлади.

– Мен бу ерга... – деб гап бошлаган эди Левин, бироқ тўхтаб қолди; аммо Кити ҳамда бошқа гаплар бирдан эсига тушди-ю, Весловскийнинг кўзларига тик қараб туриб: – Аравани қўштириб қўйдим, – деди.

Весловский ҳайрон бўлиб сўради:

– Яна нима гап? Бир ёққа борамизми?

Левин калтак учини юлқиб туриб:

– Сиз темир йўлга борасиз, – деди қовоқларини солиб.

– Сиз бир ёққа жўнаяпсизми ё бирон ҳодиса рўй бердимми?

– Рўй берди: мен меҳмон кутяпман! – деди Левин калтакнинг учини кучли бармоқлари билан тобора

¹ андак ишқибозлик (франц.).

тез юлқиб туриб. – Йўқ, меҳмон ҳам кутаётганим йўқ, ҳеч нарса ҳам рўй бергани йўқ, бироқ сизнинг кетишингизни илтимос қиламан. Ҳурматсизлик кўрсатаётганимни қандай тушунсангиз, ихтиёр ўзингизда.

Васенька қаддини ростлади, кейин виқор билан:

– Сабабини билай, сиздан илтимос қиламан... – деди ниҳоят сирга тушуниб.

Левин юзининг гўшtlари лип-лип қилиб учиб турганини яширишга тиришиб, паст, секин овоз билан:

– Сабабини айтиб беролмайман, – деди. – Иннай-кейин, сўрамаганингиз маъқул.

Калтакнинг учи синдириб бўлингани учун, Левин уни йўғон учига бармоқларини босиб ёрди-да, ерга туша бошлаган томонини дарров ушлаб олди.

Эрталаб гимнастика маҳалида ўзи ушлаб кўрган ўша пайлар, қучга тўлган бу қўллар, чақнаб турган бу кўзлар, осойишта чиқаётган бу овозлар, юзининг титраб туриши Васенькани жўнаб кетиш зарурлигига ҳар қандай сўздан ортиқроқ ишонтирди шекилли, Весловский елкаларини қисиб, нафрат билан илжайгандан сўнг, бош эгиб таъзим қилди.

– Облонскийни кўрсам булармикан?

Елкаларини қисгани, илжайгани Левиннинг жаҳлини чиқармади. «Бошқа нима ҳам чораси бор? – деб ўйлади Левин.

– Ҳозир айтиб юбораман.

Степан Аркадьич ўртотини ҳайдашаётганини эшитгандан ва меҳмоннинг кетишини кутиб, борда айланиб юрган Левинни топгандан сўнг:

– Бу қанақа бемаънилик! – деди. – Mais c'est ridicule¹. Сени қанақа пашша чақди? Mais c'est du

¹ Бу жуда кулгили-ку! (франц.)

dernier ridicule!¹ Сенга нимага бундай кўринади, агар ёш йигит...

Аммо Левиннинг папша чақиб олган жойи ҳали ҳам оғриётган эди шекилли, Степан Аркадьич бунинг сабабини айтмоқчи бўлиб турганда, ранги яна бўзариб, гапни дарҳол бўлиб қўйди:

– Жон биродар, қўй, менга сабабини айтма! Ноиложман! Сенинг олдингда ҳам, унинг олдида ҳам уятлиман. Кетса, унга бир нима бўлиб қолмайди, аммо қолса, менинг ҳам, хотинимнинг ҳам дилимиз сиёҳ бўлади.

– Ахир нафси оғрийди-ку! Et puis c'est ridicule!²

– Менинг ҳам нафсим оғрияпти, ҳам ўзим қийналяпман! Менинг ҳеч қанақа айбим йўқ, шу сабабли қийналишимга ҳам ҳожат йўқ.

– Э, сендан бу нарсани кутмаган эдим! On peut etre jaloux, mais a ce point, c'est du dernier ridicule!³

Левин шартта ўтирилади-ю, ундан узоқлашиб, хиёбон ичига кириб кетди; хиёбонда бир ўзи у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Ҳадемай араванинг тарақа-туруғини эшитди ва бошида шотланд шалкаси билан пичан устида (унинг шўрига аравада ўриндиқ йўқ эди) ўтирган Васеньканинг ўйдим-чуқур ерларда силкиниб, хиёбондан ўтиб бораётганини дарахтлар панасидан кўрди.

Лакей уйдан чопиб чиқиб аравани тўхтатганда, Левин: «Бу қанақаси бўлди?» деб ўйланди. У – Левиннинг тамом эсидан чиқиб кетган машинист эди. Машинист Весловскийга таъзим қилиб туриб бир нималар деяр эди ва аравага чиқди, икковлари бирга жўнади.

¹ Ахир бу бориб турган даражада кулгили-ку! (франц.)

² Ийнайкейин, бу кулгили ҳам (франц.)

³ Рашк қилиш мумкин, лекин бу даражаси - бориб турган даражада кулгили! (франц.)

Степан Аркадьич билан княгиня Левиннинг қилигидан газабга келди. У ҳам ўзини фақат бориб турган ridicule¹ ҳис қилиш билан бирга бутунлай айбдор, шармандаи шармисор бўлганини ҳис қиларди; лекин ўзи билан хотинининг қаттиқ азобда қолганини эслаб: «Яна шундай ҳодиса юз берса, нима қилардинг?» – деб ўзидан сўрар: «яна шундай қилардим», деб жавоб берарди.

Шундай бўлса ҳам кечга томон ҳамма, баайни жазосини олиб бўлган болалардек ёки расмий қабулдан сўнг ўзларини эркин ҳис қилган катталардек ниҳоятда жонланиб, хушчақчақлашиб кетди; Васеньканинг қувилганини кечкурун княгиня йўқлигида, узоқ ўтмишда бўлган ҳодиса сингари эслаб-эслаб қўйишарди; княгиня бўлса Левиннинг бу қилирини ҳалигача кечирмагани учун умумий вақтичорликка қўшилмас эди. Воқеаларни отасига ўхшатиб жуда қизиқ қилиб айтиб беришга уста бўлган Долли Васенька ҳодисасини учинчи ва тўртинчи марта, ҳар сафар янгидан-янги кулгили қўшимчалар билан ҳикоя қилиб бериб, Варенькани кулгидан ичақларини узаёзди: «Бир вақт меҳмонга янги лента тақиб қўяй деб меҳмонхонага кирсам, кулофимга араванинг тақир-туқури эшитилиб қолди-ку! Аравада ким экан деб қарасам – Васеньканинг ўзи-да! Бошида шотланд шалкаси, қўлларидан романслари, оёқларида суворий этиклари, пичан устида гашт қилиб ўтирибди!» деярдди.

– Каретага ўтқазиб юборсалар ҳам кошки эди! Ҳа, кейин: «Ҳой, тўхтанг!» деган овозни эшитиб қолдим, Ҳа, раҳмлари келбди, деб ўйладим. Қарасам, йўқ, аравага семиз немисни ҳам ўтқазиб ҳайт деб жўнаб қолишди... Бечора ленталарим тақилмай қолди!..

¹ кулгили (франц.).

XVI

Дарья Александровна ният қилган ишни бажо келтириб, Аннаникига борди. Сингаисини хафа қилиб, куёвини ранжитгани учун ўзи ҳам жуда койиди; у Левинларнинг Вронский билан алоқа қилишини ҳеч истамаганликлари тўғри эканлигини яхши англади; шундай бўлса ҳам Аннани кўриб келишини ўзининг бурчи деб ҳисоблар ва унинг аҳволи ўзгарган бўлса ҳам, лекин ўзининг Аннага бўлган муҳаббати ўзгармаганлигини кўрсатгиси келар эди.

Дарья Александровна Левинларнинг ёрдамига кўз тутгиси келмади-да, бемалооқроқ кетиш учун қишлоққа от кира қилгани одам юборди; лекин Левин билиб қолиб, унга танбеҳ қилди.

– У ёққа боришингни нима учун таъбимни хира қилади деб ўйлайсан? Боришинг таъбимни хира қилганда ҳам, менинг отларимни олмаганинг таъбимни беш баттар хира қилади, – деди Левин. – Боришга бел боғлаганингни менга ҳади орзингдан ҳам чиқарганинг йўқ-ку. Қишлоқдан от кира қилишинг, аввало, менга маъқул эмас, хусусан, улар элтиб кўйишга кўнишади-ю, лекин элтиб қўйишмайди. Менда ҳар қанча керак бўлса от бор. Мени хафа қилгинг келмаса, отларимни ол.

Дарья Александровна кўнишга мажбур бўлди; шундай қилиб белгиланган кунга Левин қайинэгачиси учун тўрт отлиқ аравани, буларни ҳайдаб борадиган одамларни тахт қилиб қўйди; ажратган отлари кўп хунук бўлса ҳам, лекин ишга содиниб ва минилиб келган, Дарья Александровнани бир кундаёқ манзилга етказиб қўядиган отлар эди. Ҳозир, уйга қайтаётган княгиня учун ҳам, доя учун ҳам отлар зарур бўлиб турган бир пайтда, Дарья Александровнага отларини бериб юбориш Левинни қийнаб қўйса ҳам, лекин меҳмондўстлик бурчи Дарья

Александровнанинг Левин уйида туриб от кира қилишига йўл қўймас эди, бундан ташқари, олиб бориб қўйиш учун Дарья Александровнадан сўрашган йигирма сўм кира пули қайинэгачиси учун жуда катта пул эканлигини ҳам биларди; Дарья Александровнанинг пул масаласида тортаётган қийинчилигини эса Левинлар ўз қийинчиликларидек ҳис қилиб келардилар.

Дарья Александровна Левиннинг маслаҳати билан тонг ёришмай йўлга чиқди. Йўл яхши, коляска тинч, отлар чаққон югуришар, ҳайдовчи ўриндиғида кучердан ташқари бир контора ходими лакей ўрнида борар эди; Левин буни йўлда хавфсизроқ боришар деб қўшиб юборган эди. Дарья Александровна мудраб қолиб, карвонсаройга яқинлашганларидагина уйғонди; карвонсаройда отларини алиштириш керак эди.

Левин Свияжскийникига кетаётганда қўнган бадавлат мужикникида чой ичишиб, хотин-халажлар билан болалар ҳақида, чол билан эса граф Вронский ҳақида (чол Вронскийни жуда мақтади) анча гаплашиб ўтиришгандан кейин, Дарья Александровна соат ўнда яна йўлга тушди. Уйда болаларининг ташвиши билан бўлиб ўйлашга вақт тополмасди. Мана энди, шу тўрт соатли сафариди, илгари кўнглида йиғилиб қолган ўйлари бирдан миясига келди-ю, ўтган ҳаётини ҳар томонлама бир-бир ҳаёлидан кечирди; илгарилари ҳеч бундай бўлмаган эди. Уйлари ўзига равати туюларди. Олдин болаларини ўйлади, княгиня, айниқса Кити (бунга кўпроқ ишонарди) болаларига қараб туришни ваъда қилишган бўлишса ҳам, бари бир, яна хавотирда эди. – «Маша яна шўхлик қилмасайди, Гришани от тепмасайди, Лилининг қорни оғриб-нетиб қолмасайди», деб ташвиш тортарди. Кейин эса кундалик масалалар ўрнини яқин келажак масалалари эгаллади. Шу йил

қишда Москвада янги квартира олиш, меҳмонхонадаги мебелларни ўзгартириш, катта қизига пўстин тиктириш ва ҳоказолар ҳақидаўйлана бошлади. Сўнгра булардан ҳам узоқроқ келажак масалалари, яъни болаларини одам қилиш масалалари кўз олдига кела бошлади. «Қизлар-ку тузук, болалар қандай буларкин? – деб ўйларди. – Яхшики ҳозир Гриша билан шуғулланыпман, лекин ўзим бўшман, турма-япман, шу сабабдан. Стивадан эса хомтама бўлиб ўтиришининг, албатта, фойдаси йўқ. Шунинг учун дуруст одамлар ёрдами билан болаларимни катта қилиб оламан; борди-ю, яна турсам... «шундан кейин хотинлар қарғишга учраганлари учун қийналиб туришади», – деган сўзнинг нақадар ноҳақ эканлигини ўйлаб кетди. – Туриш-ку ҳеч гап эмас, аммо кўтариб юриш – мана шуниси ёмон қийнайди», деб ўйлади, сўнги ҳомиладорлигини ва шу сўнги боласининг ўлиб кетганлигини кўз олдига келтириб. Шундан кейин карвонсаройдаги ёш жувон билан гаплашган гапи эсига тушди. Боласи борми-йўқлигини сўраганда, ўша чиройли жувон кулиб туриб:

– Битта қизим бор эди, худо мени ташвишдан кутқезди; рўза ҳафтасида жойига қўйдим, – деди.

– Қалай, қизингга қуясанми? – деб сўради Дарья Александровна.

– Куйиб зарил кептими? Усиз ҳам чолнинг неваралари кўп. Турган-битгани ташвиш. Иш қилолмасанг, ҳеч нимага қараёлмасанг. Қўл-оёғингга тушов.

Ёш жувон шунча чиройли, суюмли бўлса ҳам, бари бир, жавоби Дарья Александровнага жирканч туюлган эди. Мана ҳозир ўша сўзларни беихтиёр хаёлига келтирди. Бу беҳаё сўзларда, ҳар нечук, ҳақиқат зарраси бор эди.

Дарья Александровна эр қўлида ўтган ана шу ўн беш йиллик умрининг ҳаммасини назаридан ўтказиб: «Фақат ҳомиладорлик, кўнгил айнишлик, мия

заифлиги, ҳамма нарсага бепарво қарашлик, айниқса бемазагарчиликдан иборат бўлди. Кити, ёшгина, яхшигина Кити ҳам шунчалик ҳуснини йўқотиб қўйди-ку, мен ҳомиладор бўлганимда, биламан, жуда хунуклашиб кетаман. Қўз ёриш, азоб чекиш, даҳшатли тўлроқ, мана шу сўнгги дам... кейин эмиш, бу уйқусиз кечалар, бу даҳшатли оғриқлар...»

Дарья Александровна ҳар сафар бола туққанда кўкрак учи ёрилиб берган азоби, шу биргина оғриқнинг ўзини эслаб сесканиб кетди. «Кейин болалар оғриғи, булар туфайли юракдан кетмайдиган доимий ваҳима, сўнгра тарбия, ярамас қилиқлар (кичкина Машанинг малинада қилган жиноятини эслади), ўқиш, лотин тили – буларнинг ҳаммаси шу қадар дудмал, қийин нарсаларки. Булардан ҳам ёмони – шу болаларнинг ўлими». Мана шундан кейин, бағрини ҳамма вақт қон қақшатиб келган сўнгги эмизик боласининг ўлими, дафни, кичкина, пушти ранг тобутча атрофидаги умумий лоқайдлик, зар хос қўйиб пушти ранг қоққоғини ёпишаётганда тобутча ичидан кўринган чакка сочлари, қўнғироқ қонсиз манглайчаси, ҳайрат билан очилган кичкина оризчасини кўрганда ёлғиз она қалбини пора-пора қиладиган дард-ҳасрат яна кўз ўнгида гавдаланди.

«Бу нарсаларнинг нима керағи бор экан-а? Бу нарсалардан нима чиқар экан? Бир дам ором билмай – гоҳ юкли, гоҳ эмизикли бўлиб, ҳар доим зардам қайнаб, тўнғилаб юраман, ўзим қийналаман, бошқаларни ҳам қийнайман, эримга хунук кўришиб, умримни шу тахлит азобу укубатлар билан ўтказаман, оқибатда бадбахт, тарбияси бузуқ, йўқсил болалар етишади. Мана ҳозир ҳам, агар ёз кунларимизни Левинларникида ўтказмаганимизда, билмайман, қандай кун кўрар эдик экан. Албатта, Костя билан Кити ўзларини назокатли тутишади, шунинг учун биз буни сезмаймиз, лекин ҳаётимиз бу

хилда давом этолмайди. Ўзлари ҳам фарзанд кўришади. Кейин бизга ёрдам қилишолмайди; ҳозир ҳам ўзлари қисилишиб қолишди. Ё ўзларига қарийб ҳеч нарса қолдирмай, бор мулкни болаларига бўлашиб бериб юборган дадам ёрдам қиладиларми? Бу аҳволда болаларимни бир ўзим катта қилолмайман, билмадим, ўзгалар олдида ўзимни хор қилиб ёрдам олсам, бошқа гап. Хайр, бахтимга болаларим ўлмай, уларни бир амаллаб тарбия қилиб олдим ҳам дейлик. Бу тақдирда, энг яхши одамлар бўлиб етишганда ҳам ҳар ҳолда ярамас, пасткаш одамлар бўлмайди. Менинг ҳозирги орзуим фақат шугина, шуни деб қанча азоб, қанча заҳмат чекасан одам... Умрим хазон бўлди!» Яна ёш жувоннинг сўзлари эсига тушди, яна бу нарсаларни эслаб, кўнгли ағдарилди; шундай бўлса ҳам, бу сўзларда кўпол ҳақиқат зарраси борлигига тан беролмай қололмади.

Дарья Александровна юрагига ваҳима солаётган ўйларни тарқатиш учун контора хизматчисидан:

– Ҳали узоқми, Михайла? – деб сўради.

– Мана шу қишлоқдан етти қақирим эмиш.

Коляска кўчадан ўтиб, кўприкка тушиб борди. Кўприкда бўғчаларини орқалаб олган бир тўда хушчақчақ мужик хотинлар кулишиб келишаётган эди. Улар кўприкда тўхташиб, коляскага мароқланиб қараб қолишди. Ўзига ўтирилган юзларнинг ҳаммаси Дарья Александровнага соғлом, хушчақчақ, ҳаёт шавқи билан тўла чехралардек кўринди. Дарья Александровна мужик аёллар ёнидан ўтиб, тепаликка чиққандан сўнг, эски колясканинг юшоқ, рессорларида яна маза қилиб силкиниб бораркан: «Ҳаммаси яшнашади, ҳаёт лаззатини тотишади, мен эса, худди турмадан чиққандай, ташвиш-рам остида эзилиб ётган жойимдан ёруғликка чиқарилгандай бўлдим, мана эндигина кўзларим бир зумгина очилгандай бўлди, – деб ўйларди ҳамон. – Ҳамма бу

қишлоқи хотинлар ҳам, Наталья опамлар ҳам, Варенька ҳам, ҳозир мен уйларига кетаётган Анна ҳам ноппа-нозин яшаб келади, фақат мен яшамайман.

Улар бўлса Аннага ҳужум қилишади. Нима учун? Ажабо, мен ундан яхшироқманми? Ҳар ҳолда менинг эрим бор, эримни яхши кўраман. Кўнглим истаганидек яхши кўрмасам ҳам, ҳар ҳолда яхши кўраман, Анна бўлса эрини ёмон кўрарди. Хўш, унинг айби нимада? Анна яшашни истаydi. Бу истакни оллоҳнинг ўзи қалбимизга солган. Мен ҳам Аннанинг йўлига кириб кетсам ажаб эмас эди. Анна Москвага келган ўша мудҳиш дамларда унинг гапига кириб яхши қилдимми-йўқми, буни ҳалигача ўзим ҳам билмайман. Ушанда эримни ташлаб, ҳаётимни янгидан бошлашим керак эди. Мен ҳам чинакамига сева олар, севгили бўла олар эдим. Нима, ҳозир аҳволим яхшими? Унга заррача ҳурматим йўқ, – деб ўйларди эри тўғрисида. – У менга керак, шунинг учун чидаб келяпман. Нима, шу қилганим яхши бўлдими? У вақтлар бировга ёқишим мумкин эди, яна ҳусним бор эди, – деб ўйлар эди ҳамон Дарья Александровна. Шу пайт ойнага қарагиси келиб кетди. Халтасида сафар ойнакчаси бор эди, шуни олгиси келди; лекин кучерга ва унинг ёнида силкиниб бораётган контора хизматчисига орқаларидан қараб, битта-яримтаси кўриб қолса уят бўлар, деб ўйлади-ю, ойнагини олмади.

Лекин ойнага қарамасданок, ҳали ҳам фурсат қўлимдан кетгани йўқ, деб ўйлаб, ўзига жуда ширин муомалада бўлган Сергей Ивановични, скарлатина бўлиб қолган болаларига ўзи билан бирга қарашиб юриб яхши кўриб қолган меҳрибон Туровцинни, яъни Стиванинг ошнасини эслади. Булардан ташқари, яна битта жуда ҳам ёш йигит бор эди. Эри ҳазиллашиб бу йигит сени опа-сингиллари ичида энг чиройлиги экан деяпти, деган эди. Ана

шундан кейин Дарья Александровнанинг кўз олдига ақлга сирмайдиган энг эҳтиросли ишқ савдолари кела бошлади. «Анна ажаб қилди, мен уни ҳеч қораламайман, ўзи ҳам бахтли, бошқа одамни ҳам бахтиёр қилиб юрибди, менга ўхшаб қон ютиб юрмайди, иннайкейин, сўлиб-сарғаймайди, башанг, ақлли, ҳамма нарсага очиқ кўнгил», – деб ўйлар эди Дарья Александровна; шу пайт лаблари жийирилиб чехрасида қув табассум пайдо бўлди; чунки Аннанинг ишқ савдосини ўйлаб туриб, айти вақтда ўзига ошиқ бўлган хаёлий киши билан ўзининг ўртасидаги айти шу тахлит ишқ-муҳаббат савдосини кўз олдига келтирди. Дарья Александровна ҳам, Анна сингари, хаёлан эри олдида бутун айбини бўйнига олади. Унинг эътирофини эшитиб, Степан Аркадьичнинг ҳайрат ва саросимага тушиб қолганини хаёла қилди-ю, илжайиб қўйди.

Дарья Александровна катта йўлдан Воздвиженскийга буриладиган жойга шундай ширин хаёллар билан етиб келди.

XVII

Кучер тўрт отли аравасини тўхтатди-да, ўннга, жавдарзорга қаради: шалдироқ аравалар ёнида мужиклар ўтиришган эди. Контора хизматчиси коляскадан сакраб тушмоқчи бўлди-ю, лекин фикридан қайтиб, мужикни имо-ишоралар билан олдига чақирди. Йўлда эсиб турган шабада тўхтаганларидан кейин тинди; тер босган отларга, зўр бериб думлари билан ўзларини кўришларига қарамай, майда чивинлар ёпишиб олди. Аравалар олдида чалғи пешлаб ўтирганлар ишдан тўхтаб, темир жаранги тинди. Мужиклардан бири ўрнидан туриб, коляска томон юрди.

Контора хизматчиси арава юрмаган қатқалоқ йўлда яланг оёқларини аста-аста босиб келаётган мужикка:

– Ҳой! Тирикмисан? Тезроқ юрсанг-чи! – деб жаҳл билан ўшқирди.

Пешонасини латта билан танғиб олган, букри яғрини тердан қорайиб кетган жингалак соқол мужик қадамини тезлатиб коляска ёнига келди-ю, офтобда қўйган қўли билан арава қанотини ушлаб туриб:

– Воздвиженскийга, бой қўрасигами? Графникигами? – деб қайтариб сўради. – Фақат анави қайрилишдан ўтсанг бўлди. Чапга бурилсан, пришпект¹ билан тўғри борсанг – ўзидан чиқасан. Сизларга ким керак эди? Ўзларими?

Дарья Александровна мужикдан Аннани қандай сўрашини билмай, дудмал қилиб:

– Билмайсизми, уйларидами? – деб сўради.

Мужик яланг оёқларини гоҳ унисини, гоҳ бунисини босиб ва тупроқда беш бармоғи равшан кўриниб турган оёқ изларини қолдириб туриб:

– Уйда бўлсалар керак, – деди. – Уйда бўлсалар керак, – деди яна, афтидан, гаплашгиси келиб. – Кеча меҳмонлар келувди. Шунақаям кўпки, санаган билан адо қилиб бўлмайди... нима дейсан? – деди кейин, арава ёнидан ўзига бир нима деб қичқирган йигитча томонга қараб. – Уни ҳам ол! Айтмоқчи, янчиқ машинасини кўргани боя ҳаммаси отда ўтиб кетишувди. Қайтишган бўлсаям ажабмас. Ўзларингиз қаёқдан?

Кучер ўрнига чиқаётиб:

– Узоқдан, – деди. – Яқин дегин?

– Шу ерда, деяпману. Бундай чиқсанг – етдинг-да...

– деди, қўли билан коляска қанотини силаб.

Ёш, бардам, бўлабир йигитча ҳам улар олдига келди.

¹ Проспект (катта кўча) сўзининг бузилган шакли. (Тарж.)

– Нима, ўроқ ишларидан йўқми?

– Қайдам, чирогим.

Мужик, гаплашиш истаги бор эди шекилли, йўловчиларнинг кетишини кўнгли хушламай:

– Ҳа, чапга бурилсанг, қоқ ўзидан чиқасан, – деди.

Кучер отларни ҳайдаб, энди бурилган эди, орқаларидан мужик қичқариб қолди:

– Тўхта! Ҳой, орайни! Тўхта! – деб бирдан иккита овоз қичқирди.

Кучер коляскасини тўхтатди.

– Ўзлари ҳам келишяпти! Ҳов ана! – деб қичқирди мужик яна. – Кўрдингми, от қўйиб келишяпти! – деди кейин йўлда келаётган тўрт отлиққа ва аравадаги икки кишига ишора қилиб.

Отлиқлар Вронский, жокей¹, Весловский ва Анна; аравадагилар эса княжна Варвара билан Свяжский эди. Улар сайр қилгани ва янги сотиб олинган ўроқ машинасининг ишини кўргани боришган эди.

Коляска тўхтагандан сўнг, суворийлар отларини аста юрғизиб кела бошлашди. Олдинда Анна билан Весловский ёнма-ён келарди. Анна ёли қирқилиб, думи калта кесилган ўрта бўйли, бўлиқ инглиз зотли жийронни секин-секин қадамлатиб келарди. Аннанинг баланд шляпа остидан қора сочлари чиқиб турган чиройли боши, бўлиқ елкалари, қора амазонкада сиқилиб турган нозик бели, от устидаги вазмин, зебо қомати Доллини асир қилди.

Аннанинг от миниб юриши дастлаб унга ножўя кўринди. Дарья Александровнанинг назарида, хонимларнинг от минишлари ёш қизларнинг енгилтак нози билан барабар эди; шунинг учун Аннанинг от минишини ўзига ярашмайдиган қилиқ деб ўйларди; лекин уни яқиндан кўргач, фикридан бутунлай қайтди. Шундай зебо кўринганига қарамай, Ан-

¹ Жокей – пойгачи, чавандоз.

нанинг сумбати, кийимлари, ҳаракатлари шундай содда, вазмин ва ўзига муносиб эдики, бундан ҳам табиийроғини тасаввур қилиб бўлмасди.

Аннанинг ёнида, қизишиб кетган бўз суворий отда йўтон оёқларини олдинга чўзиб, афтидан, ўзига бино қўйиб, Васенька Весловский шотланд қалпоғининг ленталарини ҳилпиратиб келарди; Дарья Александровна таниб, кулиб юборишдан ўзини тутиб қололмади. Орқаларида Вронский келарди. Остидаги асл зотли қорабайир йўртувда қизиб кетган бўлса керак, Вронский тизгин тортиб келарди.

Вронскийнинг орқасида пойгачилар кийимида чуваккина бир киши бор эди. Свяжский билан княжна Варвара йўтон, тўриқ от қўшилган янгигина аравада отлиқлар орқасидан қистаб келарди.

Эски колясканинг бурчагида мунғайиб ўтирган кичкина хотиннинг Долли эканини таниган соати Анна қувониб, юзи табассум билан ёришиб кетди. Эгар устида бир силкиниб чинқириб юборди, отини тезлаб чоптириб келаверди. Коляска олдида келиши биланоқ, бировнинг ёрдамисиз отдан сакраб тушди-да, амазонкасини ушлаб олиб, Долли томон югурди.

– Келасан деб ўйлар, келмайсан деб кўрқар эдим. Вой, мана бу хурсандчиликни қара! Қанчалик хурсанд бўлганимни кўз олдинга келтиролмайсан! – дедарди Анна гоҳ юзини Доллига суртиб ва ўпиб, гоҳ ўзини тортиб ва табассум қилиб.

Отдан тушиб, ўзлари томон келаётган Вронскийга қараб:

– Мана бу хурсандчиликни қара, Алексей! – деди.

Вронский биланд кулранг шляпасини қўлига олиб, Доллининг ёнига келди.

– Келганингизга қанчалик хурсанд бўлганимизни айтсак, ишонмайсиз, – деди Вронский айтган сўз-

ларига алоҳида маъно бериб ва табассум билан оқ, муस्ताҳкам тишларини кўрсатиб туриб.

Васенька Весловский отдан тушмаёқ қалпогини олди-да, ленталарини боши устида сиякиб, меҳмонни хурсандчилик билан табриклади.

Арава етиб келганда, Анна Дарья Александровнанинг савол назари билан қараганини сезиб:

– Булар княжка Варвара бўладилар, – деб жавоб қилди.

Дарья Александровна:

– А! – деди-ю, юзида беихтиёр норозилик аломати пайдо бўлди.

Княжка Варвара эрининг холаси эди, Долли буни эски вақтлардан бери билса-да, аммо хурмат қилмас эди. Княжна Варвара бутун ҳаётини бадавлат қариндошлариникида текинхўрлик билан ўтказиб келганини Долли биларди; лекин ҳозир Вронскийникида, ўзига бегона бўлган бир одамникида турганини билиб эри учун нафси оғриди. Анна Доллининг юзидаги норозилик аломатларини сезиб, хижолат бўлди, қўлидан амазонкасини тушириб юбориб, унга қоқиниб кетди.

Дарья Александровна келиб тўхтаган арава ёнига бориб, княжна Варвара билан совуқкина кўришди. Свяжский ҳам таниш эди. У қизиқ табиатли ошнасининг ёш хотини билан қандай турганини сўрагандан сўнг, бир-бирига муносиб бўлмаган отлар қўшилган ва қанотларига ямоқ солинган коляскага бир кўз югуртириб чиқди-ю, хонимларни ўз аравасида боришни таклиф қилди.

– Мен бу аравада борай, – деди Свяжский. – От жуда ювош, яна княжна Варвара яхши ҳайдайдилар.

– Йўк, ўз аравангизда кетаверинг, – деди шу ерга келиб турган Анна, – биз коляскада борамиз, – деди-да, кейин Доллини қўлтиридан олиб, коляска томон кетди.

Дарья Александровна ўзи бир умр кўрмаган бу ажойиб, шинам аравани, бу ажойиб отларни, ўзини ўраб олган бу зебо, хушчақчақ чехраларни кўриб, кўзлари ўйнардди. Таниш, севгили Аннасида юз берган ўзгариш уни ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ ҳайратга солди. Аннани бурунлари танимаган, айниқса Дарья Александровна йўлда келаётиб ўйлаган нарсаларини миясига келтирмаган, камроқ эътибор билан қарайдиган бошқа хотин бўлса Аннада айтарли бир нарса борлигини сезмаган бўларди. Аннанинг чехрасида шундай ўткинчи ҳусн бор эдики, бу ҳусн хотинларда ишққа мубтало бўлиб юрган кезлардагина бўлади; ҳозир Долли Аннанинг шундай ҳуснини кўриб эси оғиб қолаёзди. Чехрасидаги ҳамма нарса: ияк ва юзларида яққол кўриниб турган чуқурчалари, лабларининг андози, юзи атрофида учиб юргандек кўринган табассуми, кўзларининг чақнаб туриши, ҳаракатларидаги зеболик, тезлик, овозининг тиниқлиги, ҳатто ўнг оёғини сакратиб юришга ўргатиш учун отни миниб боришга рухсат сўраган Весловскийга берган зарда аралаш мулозим жавобидаги адо ҳам – ҳамма нарсаси жуда-жуда жозибадор эди; яна бу нарсаларини ўзи ҳам сезиб тургандек кўринар, шунинг учун қувонар эди.

Иккала хотин коляскага кириб ўтириши билан бирданига иккаласида хижолатпазлик пайдо бўлди. Анна Доллининг диққат билан, савол назари билан қараётганидан хижолат тортарди. Долли бўлса, Свияжскийнинг сўлори чиқиб кетган арава деб айтган сўзларидан кейин Анна билан тушган ифлос, эски коляска туфайли хижолат чекарди. Филипп кучер билан контора хизматчиси ҳам айни шу нарсани ҳис этар эдилар. Контора хизматчиси хижолатпазлигини яшириш учун хонимларни шошиб-пишиб коляскага ўтқазди, лекин Филипп кучер қош-қовоқларини осилтириб бу сиртқи устун-

лик таъсирига берилмасликка тайёргарлик кўриб қўйди. У тўриқ айғирга бир қаради-ю, чиройли аравага қўшилган бу тўриқ от фақат калта-калта сафарларгагина боп, бир қўшилган бўйича иссиқда қирқ чақиримлик йўлга чидамайди, деган хаёл билан кулимсираб қўйди.

Шалдироқ арава ёнидаги ҳамма мужиклар ўринларидан туришиб, меҳмоннинг кутиб олинишига қизиқиб қараб туришар, ўз фикрларини айтишар эди.

Пешонасини латта билан танғиб олган жингалак соқол чол:

– Роса хурсанд бўлишяпти-ку, кўришмаганларига анча бўлганми дейман, – деярди.

– Герасим тоға дейман, мана шу тўриқ айғирда борлаб қўйилган бугдойни ташиса борми, мазза бўларди-да!

– Анавинга қара. Анави чалворли хотин кишимми? – деди мужиклардан бири, заифона эгарга минаяётган Васенька Веслонскийни кўрсатиб.

– Йўқ, эркак. Чаққон минишини кўрдингми?

– Нима дейсизлар, йигитлар, энди ухламаймиз-а?

– Эй, ухлаб бўладими! – деди чол, офтобга қийшайиб қараб. – Қара, чошгоҳ ҳам ўтиб кетди! Қани, чалғиларни ол, ишга тушавер!

XVIII

Анна Доллининг озиб-тўзиб кетган, қийналган, ажинларига чанг ўтирган юзига қараб, кўнглидаги гапларини, яъни Долли озиб кетганини айтгиси келарди; лекин ўзининг хусни очилиб кетганини, бунини Доллининг кўзлари айтиб турганини эслаб хўрсинди-ю, ўзидан гап очди.

– Менга қараб туриб: «Бу ўзини шу аҳволида бахтли деб билармикан?» деб ўйлайсан-да? – деди Анна. – Нима ҳам деярдим! Бўйинга олиш уят; ле-

кин мен... мен кечириб бўлмайдиган даражада бахтлиман. Ёмон, жуда ёмон туш кўраётганинда бирдан уйғониб кетасану, шу ваҳималарнинг ҳаммаси бекор эканини, йўқ бўлиб кетганини сезасан; менда ҳам шунга ўхшаш сеҳрли бир нарса рўй берди. Уйғониб кетдим. Мен даҳшатли, азобли қийноқларни бошимдан кечирдим: энди, анча вақтлардан бери, айниқса шу ерда тура бошлаганимиздан бери, ўзимни бахтли ҳис қиламан!.. – деди Анна Доллига хуркак бир табассум назари билан қараб.

Долли ўзи хоҳлаганидан бошқачароқ, совуқроқ бир оҳангда:

– Жуда хурсандман! – деб қулимсиради. – Бахтинг очилгани учун хурсандман. Менга нима учун хат ёзмадинг?

– Нима учун? Шунинг учунки, юрагим дов бермади... Менинг аҳволим эсингдан чиққан шекилли...

– Менга хат ёзгани-я? Юрагинг дов бермадимми? Мени билсайдинг, мен... назаримда...

Дарья Александровна бугун эрталаб миясига келган ўйларини айтмоқчи бўлди-ю, лекин ҳозир бу нарсани нима учундир ноўрин деб билди.

– Хайр, бунинг кейин гаплашамиз. Бу бинолар қанақа бинолар? – деб сўради Долли, гапини бошқа ёққа айлантириш учун ям-яшил акация ва сирень дарахтлари орқасида кўриниб турган қизил, яшил томларни кўрсатиб. – Худди шаҳарчанинг ўзи-я.

Лекин Анна жавоб қилмади.

– Йўқ, йўқ! Назарингда менинг аҳволим қандай? Қандай деб ўйлайсан, қандай? – деб сўради Анна.

– Менимча... – деб Долли гап бошлаган эди, лекин шу пайт Васенька Весловский ўзининг калта жакетқасида заифона эгарнинг чармларига гул-гул туша-туша, отни улар ёнидан ўнг оёғи билан йўрттириб ўтиб қолди.

– Үргатибманми, Анна Аркадьевна! – деб қичқирди Васенька.

Анна унга қарамади ҳам; аммо Дарья Александровнага бу узоқ гапни коляскада бошлаб ўтириш ноқулай бўлиб кўринди, шунинг учун фикрини қисқагина қилиб айтиб қўя қолди:

– Менинг назаримда ҳеч қанақа ёмон гап йўқ, – деди у, – мен сени ҳамма вақт яхши кўраман; агар бировни яхши кўрадиган бўлсанг, у одам ўзинг хоҳлаганингча бўлгандагина эмас, қандай бўлса шундайлигича яхши кўраверасан.

Анна кўзларини дугонасидан олди-да, бу сўзларнинг маъносини тўла англаш учун кўзларини сузиб (бу Аннада пайдо бўлган янги одат эди, буни Долли билмасди) ўй суриб кетди. Кейин, буни ўзи хоҳлаганича тушунди шекилли, яна Доллига қаради.

– Агар бирон гуноҳинг бўлса, – деди Анна, – шу келганинг, шу сўзларинг учун кечирилган бўларди.

Ана шунда Долли Аннанинг кўзларига ёш чиққанини кўрди. Индамай Аннанинг қўлини қисди.

Бир дақиқа жим боришгандан кейин, Долли бояги саволини яна қайтариб сўради:

– Бу қанақа бинолар? Мунча кўп-а!

– Булар хизматчиларнинг уйлари, завод, отхоналар, – деди Анна, – Мана бу ер бўлса паркнинг этаги. Ҳамма ёқ ташландиқ бўлиб ётган экан, Алексей ҳаммасини тузаттирди. Шу мулкни жуда яхши кўради, хўжалик ишларига шундай эҳтирос билан берилиб кетдики, мен бундай қилар деб ҳеч ўйлаган эдим. Чиндан ҳам, жуда эпчил одам! Нимагаки қўл урса, ҳаммасини гуллатади. Зеркиш у ёқда турсин, ишдан боши чиқмайди. Уни яхши биламан, режалик, ажойиб хўжайин, ҳатто рўзғор ишларида қаттиққўл. Фақат рўзғор ишларидагина. Бошқа масалада бўлса, ўн минг сўмлик пулнинг юзига қараб ўтирмайди, – деярдн Анна, шодиёна-қув табассум

билан жилмайиб; хотинлар севгили кишисининг фақат ўзигагина маълум бўлган сирлари ҳақида ҳамиша шу тахлит шодиёна-қув табассум билан жилмайиб туриб гапиришади. – Анави катта бинони кўряпсанми? Янги касалхона у. Чамамда, юз минг сўмдан ортиққа тушса керак. Унинг топиб олгани ҳозир шу. Биласанми, қаердан бу нарса миясига келди? Мужиклар пичанзорни арзонроққа берсангиз деб сўрашган экан, Алексей унамабди, мен хассисан деб таъна қилдим. Фақат шу сабабдангина эмас, албатта, бошқа сабаблар ҳам бўлди – ўзининг хасис эмаслигини кўрсатиш учун шу касалхонани солдира бошлади. Мен сенга айтсам *c'est une petitesse*¹, лекин шу қилгани учун муҳаббатим яна ортиб кетди. Мана ҳозир уйни кўрасан. Бувасидан қолган уй, шунинг учун ташқарисини ҳеч ўзгартиргани йўқ.

Доли боғнинг ранг-баранг, яшил кекса дарахтлари орасида қад кўтариб турган зўр-зўр устунли ажойиб уйга оғзи очилиб:

– Қандай яхши-я! – деб юборди.

– Ростдан ҳам яхши-а? Уй ичидан, тепадан қарсанг манзара жуда ажойиб.

Майда шағал солиниб, атрофига гуллар экилган ҳовлига киришди; ҳовлида иккита хизматкор чопиб қўйилган гулзор атрофига тарашлашмаган тош теришаётган эди, буларни кўриб, улар дарвозахонада тўхташди.

Анна уй зинапоясси оддидан олиб кетилаётган отларни кўриб:

– Улар келишибди! – деди. – Анави от ростдан ҳам яхши-а? Чоққир. Жуда яхши кўраман. Бу ёққа олиб кел, қанд бер. Граф қани? – деб сўради, югуриб чиққан иккита мулозимидан. Кейин Вронскийнинг

¹ майда нарса (франц.).

Весловский билан рўпарадан келаётганини кўриб: –
А, ана ўзи! – деди.

Вронский французчалаб:

– Княгиняни қаерга жойлайсиз? – деб сўради Аннадан; кейин, жавоб ҳам кутмай, Дарья Александровна билан яна саломлашиб, бу сафар қўлини ҳам ўпди. – Менингча, балконли катта хонага жойласак.

– Йўқ, йўқ, у ер узоқ! Бурчакдаги хонага қўяйлик, тез-тез кўришиб турамиз. Юр уйга, – деди Анна, лакей олиб чиқиб берган қандни арзанда отига егизиб бўлиб.

Весловский зинапоя устида турар эди; Анна унга қараб:

– Et vous oivliez vozte devoir¹, – деди.

Васенька бармоқларини жилетининг чўнтакларига суқиб туриб:

– Pardon, j'en ai toit plein les roches², – деди кулимсираб.

Анна от қандни еяётганда ивитган қўлини дастрўмолчаси билан артиб:

– Mais vous trop tart³, – деди. Кейин Доллидан сўради: – Кўпроқ турасанми? Фақат бир кунгина? Йўқ, бўлмаган гап.

– Ваъдам шунақа, кейин болалар... – деди Долли хижолат чекиб; коляскадан халтачасини олиш керак бўлгани, юзини жуда ҳам чанг босганлигини билгани учун у ийманаётган эди.

– Йўқ, Долли, жонгинам... хайр, кўрамиз. Юр, юр! – деди-ю Анна, Доллини бўлмасига бошлади.

Доллига берилган бўлма Вронский таклиф қилган серҳашам бўлма эмас, Анна Долли учун ажратган бўлма эди. «Долли бизни кечиради» деган эди Анна. Лекин бу бўлма шундай ҳашаматли эдики, Долли

¹ Вазифангизни эсдан чиқаряпсиз (франц.).

² Кечирасиз, чўнтакларим билан битта (франц.).

³ Аммо жуда кеч кўринасиз (франц.).

бундай бўлмаларда бир умр турмаган, бу энг яхши чет эл мусофирхоналарининг номерларига ўхшатиб безатилган эди.

Анна ўз амазонкасида бир зумгина Доли ёнига ўтириб:

– Вой, жонгинам-э, бирам хурсанд бўлдимки! – деди. – Қани, болаларинг қалай? Стивани бир қур кўрдим. Лекин у болалари тўғрисида ҳеч нима деёлмади. Менинг севгили Таням қалай? Катта қиз бўлиб қолгандир?

– Ҳа, жуда катта бўлиб қолди, – деди Доли қисқагина қилиб, кейин ўз болалари тўғрисида шунақа совуқ жавоб қилгани учун ўзига ҳайрон қолди. Сўнгра: – Левинларникида жуда яхши турибмиз, – деб қўшиб қўйди.

– Агар билсайдим, – деди Анна, кейин: – мендан нафратланмаганингни... ҳаммаларингиз келсангиз бўларди. Ахир Стива Алексейнинг эски кадрдон дўсти-ку, – деб, бирдан қизариб кетди.

– Шунда-ю, биз жуда яхши... – деб жавоб қилди Доли хижолат тортиб.

Анна яна уни ўтиб:

– Ҳа-я, суюнганимдан шундай бемаъни гапларни гапиряпман. Аммо-лекин келганингга жуда хурсанд бўляпман-да, жонгинам! – деди. – Сен ҳали мен тўғримда нималар ўйлаганингни айтиб берганинг йўқ; ҳаммасини билгим келади. Аммо мен қандай бўлсам, шундайлигимча кўраётганинг учун хурсандман. Бировлар мени бир нарсани исбот қилмоқчи деб ўйламаса бўлгани, менга фақат шу керак. Мен ҳеч нимани исбот қилмоқчи эмасман, фақат яшамоқчиман, холос; ўзимдан булакка ёмонлик қилмоқчи эмасман. Бунга-ку, ҳақим бор, а? Хайр, бу узоқ гап, бафуржа гаплашамиз. Ҳозир чиқиб кийинай, сенга хизматкор қизни юбораман.

XIX

Дарья Александровна ёлғиз қолгандан кейин бўлмасига уй эгасининг кўзи билан қараб чиқди. Уйга яқинлашиб келаётганда ва уй хоналаридан ўтаётганда, ҳозир эса ўз бўлмасида кўрган нарсаларининг ҳаммаси, унда тўқлик, зеби-зийнат, ўзи инглизча романлардагина ўқиган, лекин Россияда, айниқса қишлоқда ҳеч қачон кўрмаган, янғича, европача ҳашамат таассуротини қолдирарди. Француз гулқорозларидан тортиб, бутун деворга қоқилган гиламчагача ҳамма нарса янги эди. Каравот пужинали, кичкина тўшакли, ёстиқчалар жилди чиройли. Мармар ювиндиқ, пардоз столи, кушетка, столлар, каминь устидаги тунч соат, эшик ва дераза пардалари – буларнинг ҳаммаси янги, қимматбаҳо буюмлар эди.

Хизматини таклиф қилиб кирган ва Доллиникидан кўра башангроқ кўйлак кийиб, сочларини турмаклаб олган сатанг хизматкор қиз ҳам шу уйдаги нарсалар сингари янги, қимматбаҳо эди. Унинг назокати, латофати ва хизматга тайёрлиги Дарья Александровнага ёқиб тушган бўлса ҳам, лекин унинг олдида ўзини ўнрайсиз ҳис қиларди; ямоқ тушган кофтасини янглишиб олиб келгани учун хизматкор қиздан номус қиларди. Уйда ўзи фахрланиб юрган ўша ямоқлар учун уялар эди. Уйда бўлса бошқа гап, чунки олтига кофточка учун олтмиш беш тийиндан йигирма тўрт газ мато олиш керак бўлар, бунда ўн беш сўмдан ортиқроқ пул чиқар эди; ҳали бунга тикиш, безаш чиқимлари кирмасди; шундай қилиб, эскини, ямоқли кофтани кийиш билан ўша ўн беш сўм ёнга қолган эди. Аммо ҳозир хизматкор қиз олдида уялибгина қолмай, балки ноқулай аҳволга ҳам тушиб қолди.

Дарья Александровна эски таниши Аннушка киргандан кейингина ўзини анча енгил ҳис қила бошлади. Башанг хизматкор қиз бегойимга керак экан, шунинг учун Аннушка Дарья Александровна билан қолди.

Аннушка, Доллининг келганидан жуда хурсанд бўлган шекилли, оғзи тинмай гапирарди. Аннушка бегойимнинг аҳволи тўғрисида, айниқса, графнинг Анна Аркадьевнага бўлган севги ва садоқати тўғрисида гапиргиси келиб турганини сезиб, шу ҳақда у оғиз очиши биланоқ Долли уни тўхтатиб қўйди.

– Мен Анна Аркадьевна билан бирга ўсганман, шунинг учун улар менга ҳаммадан ҳам азизроқ. Биз нима ҳам деярдик. Чамамда, севгининг шунчалик бўлишини...

– Ҳа, буни чиқариб бер, иложи бўлса, ювиб қўйишсин, – деб Дарья Александровна шу тахлитда гапни кесиб қўярди.

– Ҳўп бўлади. Кирхонамизга иккита алоҳида хотин берилган, кирлар бўлса машинада ювилади. Ҳаммасига графнинг ўзлари кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Киройи эр...

Анна кириб, Аннушканинг лақиллашларига хотима берганда, Долли жуда суюниб кетди.

Анна жуда одми, батист кўйлак кийиб чиққан эди. Долли бу одми кўйлакка диққат билан разм солди. Долли бу хил одмиликнинг нималигини, қандай пуллар эвазига келишини биларди.

– Эски таниш, – деди Анна Аннушка тўғрисида.

Анна энди тортинмасди. Энди ўзини оғир, эркин тутарди. Долли келиши билан туғилган таассуротдан Анна энди ўзини тамоман ўнглаб олганини кўрди-да, ўзини юзаки, лоқайд қарайдиган кишига солди, ҳислари ва сирли ўйлари яширилган дил қутисининг қопқори ёпиқдай кўринарди.

– Қизчанг қалай, Анна? – деб сўради Долли.

– Аними? (У қизи Аннани шундай деб атарди) Сор. Жуда яхши бўлиб кетди. Кўрасанми? Юр, кўрсатаман. Энага масаласи бошимни хўп оғритди-да, – деб ҳикоя қила кетди. – Битта итальян энагамиз бор эди. Ўзи чиройликкина эди-ю, эси пастроқ чиқиб қолди! Жўнатиб юбормоқчи бўлган эдик, қизча жуда ўрганиб қолгани учун, ҳали сақлаб турибмиз.

Долли қизчага қандай фамилия кўймоқчи эканликларини билиш мақсадида:

– Хўш, нима қилдинглар? – деб сўрай бошлаган эди, бирдан Аннанинг қовоқлари тушиб кетганини сезиб, саволнинг маъносини ўзгартириб юборди: – Хўп, нима қилдинглар? Сутдан чиқардингларми?

Лекин Анна тушунган эди.

– Сен аслида буни сўрамоқчи эмас эдинг, а? Фамилияси қанақа бўлишлигини сўрамоқчи эдинг, шундай эмасми? Тўғри, а? Алексейни шу нарса қийнаб турибди. Фамилияси йўқ, яъни Каренина, – деди Анна кўзларини сузиб; шунда киприкларининг бир-бирига ёпишиб тургани кўринар эди. Кейин бирдан юзи чарақлаб кетди. – Хайр, майли, бу тўғрида кейин бафуржа гаплашамиз. Юр қизчани кўрсатаман. Elle est tres gentille¹. Эмаклаб қолди.

Уйларнинг ҳаммасидаги ҳашаматни кўриб, оғзи очилиб қолган Дарья Александровнани болалар бўлмасининг ҳашамати яна ҳам баттар ҳайратга солди. Бу ерда Англиядан келтирилган аравачалар, юришни ўргатадиган асбоблар, эмакласин деб жўрттага миллиардга ўхшатиб қилинган диван, осма беланчак, ғалати, янги ванналар бор эди. Буларнинг ҳаммаси Англияда қилинган, пишиқ, пухта, афтидан, жуда қимматбаҳо нарсалар эди. Бўлма катта, шипи баланд, ёрур эди.

Улар киришганда, қизалоқ стол ёнидаги кичкин курсида кўйлакчан ўтириб бульён ичаётган, бу-

¹ Жуда ширин қиз (франц.).

тун кўкракчасига бульон тўкиб юборган эди. Болалар бўлмасида хизмат қиладиган рус қизи қизчага овқат берар, афтидан, ўзи ҳам қизча билан бирга овқатланарди. Бу ерда энагаси ҳам, сут эмизувчиси ҳам йўқ эди: улар қўшни хонада эдилар; чунки французчани ғалати қилиб гапиришаётганлари эшитилиб турарди; улар бир-бирлари билан фақат француз тилидагина гаплаша олишарди.

Ясаниб-тусанган, новчадан келган, бадбашара, қарашлари совуқ инглиз энага Аннанинг товушини эшитди шекилли, жингалак малла сочларини селкилатиб эшикдан кирди-да, Анна уни ҳеч тўғрида айбламаса ҳам, дарҳол ўзини оқлашга тушди. Аннанинг ҳар бир сўзига инглиз аёл шошиб-пишиб бир неча марта: «Yes my lady!»¹ деб қўйди.

Қора қош, қора соч, қизил юз, биққидек, пушти тан қизалоқ, ўзи кўрмаган бу аёлга хўмрайиб қараган бўлса ҳам Дарья Александровнага жуда ёқди; қизчанинг саломатлигига Доллининг ҳатто пича ҳасади ҳам келди. Қизчанинг эмаклашлари ҳам жуда ёқди. Болаларининг ҳеч бири бунақа эмакламаган эди. Бу қизалоқ гиламга ўтқазилиб, орқасидан кўйлакчаси тортиб қўйилганда, жуда ҳам ширин бўлиб кетди. У, худди айиқ боласидек қора кўзларини парпиратиб катталарга қарар, ўзига ҳаваслари келаётганидан қувониб, ҳадеб қулимсирар, оёқларини кериб, қўлчаларига оғирлигини соларди-да, яна қўлчалари билан олдинга талпинарди.

Аммо болалар бўлмасининг умумий қиёфаси, аиниқса, инглиз энага Дарья Александровнага сира ҳам ёқмади. Дарья Александровна, одамларни яхши биладиган Анна ўз қизига мана шундай хунук, бедаво инглиз энага олганини шу билан изоҳладикки, Аннаникига ўхшаган мана шундай нотўғри оилавий ҳаёт кечирадиган уйларга яхши энага келмас

¹ Ҳа хоним (ингл.)

эди. Бундан ташқари, Дарья Александровна ўртада ўтган бир неча сўздан Анна, эмизувчи хотин, энага ва чақалоқ аҳил эмасликларини, Аннанинг келиши таажжуб бир ҳодиса бўлганлигини дарҳол тушуниб олди. Анна қизчанинг ўйинчоғини олиб бермоқчи бўлган эди, тополмади.

Ҳаммасидан таажжуби шу бўлдики, қизчанинг тиши нечта эканлигини сўраганда, онаси янглишиб кетди, ҳатто у кейин чиққан иккига тишидан ҳам бехабар эди.

Анна болалар бўлмасидан чиқаётганда, эшик оғзида ётган ўйинчоқлар илашиб кетмаслиги учун узун этагини кўтариб олди.

– Ўзимнинг бу ерда ортиқчалигимни билиб, баъзан қаттиқ эзиламан, – деди Анна, болалар бўлмасидан чиқиб. – Биринчи болам вақтида бундай бўлмаган эди.

– Мен аксинчадир деб ўйлаб эдим, – деди Дарья Александровна, ҳайиқиброқ.

Анна кўзларини сузди-да, худди узоқдаги бир нарсага қараётгандек:

– Йўқ, ундай эмас. Хабаринг бордир, Серёжани кўрдим, – деди. – Хайр, майли, бу тўғрида кейин бафуржа гаплашамиз. Айтсам гапимга ишонмайсан, мен олдимга овқат уйиб юборилган оч одамга ўхшайман: қайси бирига қўл уришни билмайман. Бу уйилган овқат – сен билан менинг ўртамизда очилдиган гап; мен ҳеч ким билан кўнгил ёриб гаплаша олмайман; шунинг учун гапни қайси биридан бошлашни билмайман: Mais je ne vous teri grace de rien¹. Менга кўнглингдагини очиб солишинг керак. Ҳа, бизда шундай одамларни кўрасанки, улар ҳақида фикрингни айтмасанг бўлмайди, – деб Анна гап бошлади. – Хонимлардан бошлайман. Княжна

¹ Лекин сени тирноқча ҳам аямайман (франц.).

Варвара, сен уни биласан, мен ҳам сен билан Стиванинг княжна тўғрисидаги фикрларингизни билман. Стива: княжна ҳаётининг бутун мақсад ва муроди Катерина Павловна холаминдан ўзининг афзаллигини исбот қилишдангина иборат, дейди; тўғри айтади. Аммо ўзи меҳрибон хотин, мен ундан жуда миннатдорман. Петербургда шундай дамлар бўлдики, менга бир улфат зарур бўлиб қолди. Ўшанда шу княжна тўғри келди. Лекин, ҳақ гапни айтсам, дилбар хотин. Жонимга ора кирди. Менинг аҳволим у ердаги... Петербургда қанчалик оғир бўлганлигини фаҳмлай олмаётганингни кўриб турибман, – деди Анна сўзини давом эттириб. – Бу ерда эса тамоман тинчман, бахтлиман. Хайр, майли, бу тўғрида кейин гаплашамиз. Аввал одамларни айтиб чиқай. Аввало, Свияжский, – дворянлар саркардаси, жуда боодоб одам, лекин Алексейдан унга бир нима керак. Биласанми, Алексейнинг давлати катта, шунинг учун ҳозир, қишлоққа кўчиб келганимиздан кейин, зўр нуфузга эга бўлиши мумкин. Сўнгра Тушкевич, – уни кўргансан; Бетси ёнида юрарди. Назардан қолгандан кейин бизникига келган. Алексейнинг гапига қараганда, бу шундай одамлардан эмишки, агар уларни ўзларини кўрсатганларича қабул қилинса, жуда хушҳазм одам бўлар эмиш, княжна Варваранинг айтишича: *et puis il est comme il faut*¹. Сўнгра Весловский... буни ўзинг танийсан, жуда дилбар йигит, – деди Анна, шунда маккорона бир табассумдан лаблари жийрилиб кетди. – Левиннинг бу ёввойиларча қилиги нимаси? Весловский келиб Алексейга айтувди, биз ишонмадик. *Tres gentil et naïf*², – деди яна боғидай қулимсираб. – Эркакларга ишрат керак, Алексейга эса улфат, шунинг учун бу одамларнинг бор-

¹ иннайкейин, боодоб одам (франц.).

² У жуда дилбар, соддадил одам (франц.).

лигидан мамнунман. Уйимизда хушвақтлик, ўйин-жулги бўлиб турса бас, ишқилиб. Алексей бошқа нарсаларни қўмсаб қолмаса бўлди. Кейин хўжалик мудирини кўрасан. Немис, яхши одам, ишини ҳам жуда яхши билади. Алексей уни жуда қадрлайди. Сўнгра доктор, ўзи ёшгина йигитча, бутунлай ни-гилист деб бўлмайди, лекин, қара, овқатни пичоқ билан ейди... Аммо жуда яхши доктор. Кейин архитектор... Une petite cong¹.

XX

– Мана сизга Долли, княжна, жуда кўргингиз келаётган эди, – деди Анна Дарья Александровна билан бирга катта фиштин айвонга чиқиб; княжна Варвара айвоннинг салқин ерида ўтириб граф Алексей Кирилловичнинг курсиси учун каштали жилд тикаётган эди. – Долли тушлик овқатгача ҳеч нима егим йўқ деяпти, сиз айтинг, нонушталик олиб келишсин, мен бориб Алексейни топиб келай.

Княжна Варвара Доллини ҳимояси остига олаётгандек ширин сўз билан қарши олгандан сўнг Аннани ҳамма вақт яхши кўрганлигини, ҳатто Аннани тарбия қилган ўз опаси Катерина Павловнадан ҳам кўпроқ яхши кўрганлигини, ҳозир, ҳамма Аннадан юз ўтириб кетган бир пайтда, мана шу ўткинчи, энг оғир бир паллада Аннага ёрдам қилишни ўзининг бурчи деб ҳисоблагани учун Анналарникига келиб турганлигини дарҳол изоҳ қила кетди.

– Эри талоқ хатини бергандан кейин яна ўз ғам-хонамга кетаман, ҳозир эса фойдам тегиб қолиши мумкин. Бурчим ҳар қанча оғир бўлса ҳамки, ба-жараман, бошқаларга ўхшаб юз ўтириб кетмайман. Айлана қолай сендан; келиб бирам яхши қилдинг,

¹ Кичкинагина сарой (франц.).

бирам яхши қилдингки! Булар энг яхши эру хотинлардек жуда аҳил, жуда яхши туришади. Буларга худонинг ўзи ҳакамлик қилади, биз эмас. Масалан, Берюзовский билан Авеньева-чи... Никандровнинг ўзи-чи... Васильев билан Мамонова-чи... хўш, Лиза Нептунова-чи... ахир булар тўғрисида ҳеч ким ҳеч нима дегани йўқ-ку! Оқибатда нима бўлди? Ҳамма боягидай ўз даврасига олди, иннайкейин, c'est un interieur si joi, si comme il faut. Tout-a-fait al' anglaise. On se reuit le matin eu brekfast tepuis on se sepere...¹ Ҳар ким овқатгача хоҳлаган нарчасини қилди. Овқат соат еттида. Сени юбориб, Стива кўп яхши қилибди. Шуларга яқинроқ турса чакки бўлмайди. Биласан-ку, онаси билан акаси орқали ҳар нимани қилиш қўлидан келади. Иннайкейин, булар жуда кўп саховатпарварлик қилишяпти. Касалхона солдираётганини ўзи айтгани йўқми сенга? Ce sera admirable², – ҳаммасини Париждан келтиряпти.

Анна биллиард бўлмасидан эркакаларни топиб, уларни айвонга бошлаб чиқди-ю, Долли билан княжнанинг суҳбатларини бўлиб қўйди. Овқатга ҳали анча вақт бор эди; ҳаво ниҳоятда яхши бўлгани учун, қолган шу икки соатлик вақтни қандай ўтказиш тўғрисида турли таклифлар бўлди. Воздвиженскийда вақтни ўтказишнинг усули жуда кўп бўлса-да, лекин, ҳеч бири Покровскийда қўлланилган усулларга ўхшамас эди.

Весловский чиройли табассуми билан жилмайиб туриб:

– Une partie de lowntennis³, – деди. – Биз яна икковимиз, Анна Аркадьевна.

¹ бу ер жуда шинам ва батартиб жойки, худди инглизчасига эрталабки нонуштада тўпланишиб, кейин тарқалишиб кетади (франц.).

² Жуда ажойиб бўлади (франц.).

³ Теннис ўйинида (франц.).

– Йўқ, кўп иссиқ; яхшиси, борда айланиб қайиққа тушайлик-да, Дарья Александровнага сув бўйларини томоша қилдирайлик, – деб таклиф қилди Вронский.

– Мен ҳаммасига йўқ демайман, – деди Свияжский.

– Менингча, айланганимиз яхши, Доллининг баҳри очилади, шундай эмасми? Кейин қайиққа тушамиз, – деди Анна.

Шунга қарор қилишди. Весловский билан Тушкевич чўмиладиган жойга кетишди; қайиқни тайёрлаб, ўша ерда кутишадиган бўлишди.

Иккита-иккита бўлиб йўлкадан юриб кетишди: Анна Свияжский билан, Долли Вронский билан борди. Долли ўзи тушиб қолган тамом янги муҳитдан бир оз тортиниб, ташвишланиб борарди. У Аннанинг қилмишини мавҳум ва назарий маънода оқлаш билан бирга маъқуларди ҳам. Ахлоқли ҳаётнинг бир қолипда ўтишидан чарчаган тамоман пок, ахлоқли хотинлар умуман кам учрамаганидек, Долли ҳам, Аннанинг жинояткорона ишқ-муҳаббатини узоқдан туриб кечирар, ҳатто унга ҳаваси ҳам келарди. Бундан ташқари, Аннани жон-дилидан севарди. Амалда эса уни ўзи учун ёт бўлган бу одамлар орасида ўзи учун янги бу сермулозамат одамлар муҳитида кўриб ўнғайсизлик тортарди. Ўзи қулай турмуш кечираётгани туфайли ҳамма нарсани кечираверадиган княжна Варварани кўрганда кўнгли айниқса ағдарилиб кетарди.

Долли Аннанинг қилмишини умуман маъқулласа ҳам, лекин шу ишига сабаб бўлган кишини кўришдан дили озор топарди. Бундан ташқари, Вронский ҳеч қачон унга ёқмас эди. Долли уни жуда керак одам деб ҳисоблар, бойлигидан бошқа кериладиган бирон нарсаси борлигини билмас эди. Аммо Вронский бу ерда, ўз уйида, беихтиёр илгаригидан ҳам савлатлироқ кўриниб кетди, шунинг учун Долли

унинг олдида ўзини эркин тутолмасди. Ямоқ кофточкаси туфайли хизматкор қиз олдида қандай ҳисга тушган бўлса, Вронский олдида ҳам ўшандай хижолат тортар эди. Хизматкор қиз олдида кўйлагининг ямоғидан уялган бўлмаса-да, лекин ноқулай аҳволга тушиб қолгани сингари, Вронский олдида ҳам ўзи туфайли номус қилмаса-да, лекин ноқулайлик тортар эди.

Доли ийманаётганини сезиб, гап учун мавзу қидирар эди. У Вронскийнинг уйи билан борини мақташ бундай мутакаббир кишига манзур бўлмайди деб ҳисобласа-да, бошқа гап тополмагани учун, яна унинг уйини мақтаб, ўзига жуда ҳам ёққанлигини айтди.

– Ҳа, бу жуда чиройли бино, иннайкейин, қадимий услубда, яхши услубда солинган, – деди Вронский.

– Ташқи эшик олдидаги ҳовли саҳни менга жуда ҳам ёқди-да. Илгари ҳам шундай эдимиз?

– У, йўқ! – деди-ю Вронский, хурсанд бўлганидан юзи чарақлаб кетди. – У ҳовлини шу йил баҳорда кўргангиздами!

Мана шундан кейин Вронский Долининг диққатини уй ва боғ безакларининг турли икир-чикирларига олдин эҳтиёт билан, кейин эса тобора берилиб жалб қила кетди. Вронский чорбоғини яхшилаш, безаш учун кўп меҳнат сарф қилиб қўйиб, ҳар бир янги одам олдида чорбоғи билан мақтанишини яхши кўрганлиги, ҳозир эса Дарья Александровнанинг мақтовини эшитиб ич-ичидан қувонаётганлиги кўриниб турарди.

– Солдираётган касалхонамизни кўргингиз келса, агар чарчамаган бўлсангиз, яқин, юринг, – деди Вронский зерикмаганини аниқ билиш учун юзига тикилиб.

– Анна, сен ҳам борасанми? – деб сўради Доли.
Анна ҳам Свяжскийга қараб:

- Биз ҳам борамиз. Биз ҳам борамиз-а? - деди.
- Mais li ne faut pas baisser le peuvre Весловский et Тушкевич se morfondre la dans le dans le bateau¹, одам юбориб хабар қилдириб қўйиш керак. Ҳа, Алексейнинг шу ерда қолдириб кетадиган ёдгорлиги бўлади бу, - деди Анна, боя касалхона тўррисида гапираётганда лабларида пайдо бўлган ҳамон ўша қув табассум билан Доллига юзланиб.

- О, жуда катта иш қилиняпти! - деди Свяжский. Лекин Вронскийнинг ҳайбаракаллагиси бўлиб кўринмаслик учун, дарҳол бошқа камчиликлардан оғиз очди. - Мен бир нарсага ҳайронман, граф, - деди Свяжский, - санитария масаласида халқ учун жуда кўп нарсалар қиласизу, аммо-лекин мактаб тўррисида бепарво қараганингиз қизиқ.

- C'est devanu tellement commun les ecoles², - деди Вронский. - Биласизми, қизиққанам учун эмас, ишқибозлик учун. Касалхонага бу ёқ билан борилади, - деди Дарья Александровнага, хиёбондан чиқиладиган чап йўлни кўрсатиб.

Хонимлар шамсияларини ёзиб, ён томондаги ёлғиз оёқ йўлга ўтишди. Бир қанча бурилиш-му-йилишлардан ўтиб бориб эшикдан чиқишгандан сўнг Дарья Александровна рўпарасида, баланд жойда солиб бўлинаёзган каттакон, серҳашам қизил бинони кўрди. Ҳали бўялмаган том тунукаси чарогон куёшда кўзларни қамаштирадиган даражада ярқираб турарди. Битган бино ёнида ҳавозалар билан ўралган яна битта уй қурилаётган эди: фартуғли ишчилар ҳавозаларда туриб фишт теришар, оҳақ қоришмаси қуйиб, андоза билан тўғрилдилар.

¹ Лекин бечора Весловский билан Тушкевични қайиқ олдида куттириб қўйиш ярамайди (франц.).

² Мактаб масалалари жуда оддий масала бўлиб қолган (франц.)

– Ишингиз жуда чаққон кетяпти! – деди Свяжский. – Қайси куни келганимда томи йўқ эди.

– Кузга ҳамма иш тайёр бўлади. Ичи қўлдан чиқди ҳисоб, – деди Анна.

– Янги уйни нимага соляписизлар?

– Докторлар билан дорихонага, – деб жавоб қилди-ю Вронский, ўзи томон келаётган калта пальтоли архитекторни кўриб, хонимлардан узр сўрагач, у томон кетди.

Ишчилар оҳак олишаётган чуқурдан айланиб ўтиб, архитектор билан тўхтади, нима тўғрисида-дир қизишиб гапира бошлади. Анна нима гаплигини сўраган эди:

– Фронтон¹ пастлаб кетяпти, – деб жавоб берди.

– Пойдеворни кўтариш керак, деб айтмовдимми, – деди Анна.

– Ҳа албатта, кўтарилса яхши бўларди, Анна Аркадьевна; на чора, вақт кетди, – деди архитектор.

Свяжский Аннанинг архитектурадан хабардорлигига ҳайрон қолган эди, Анна:

– Ҳа, архитектурага жуда қизиқаман, – деб жавоб қилди. – Ҳозирги солинаётган уй ҳам касалхона биносига монанд бўлиши керак эди, аммо буни солиш хаёли кейин туриди-ю, режасиз иш бошлаб юборилди.

Вронский архитектор билан гапни тугатгандан сўнг хонимларга қўшилиб, касалхона ичига бошлаб кирди.

Ташқаридан карнизларнинг ками-қўстлари қилинаётган ва пастки қаватда деворларни бўяётган бўлсалар ҳам, устки қават қарийб тайёр бўлган эди. Сербар чўян зинадан чиқишгандан сўнг биринчи катта хонага киришди. Деворлари мрамар тусда бўялган, каттакон яхлит деразалар ўрнатилган, фақат паркет пол ҳали тугамаган эди; дурадгорлар

¹ Иморат пештоқи. (Тарж.)

мўлжаллаган квадратни рандалашаётган экан, дар-
ров ишларини қўйишди-да, сочларини тўсиб тур-
ган пешонабоғларини олиб, хўжайинлар билан са-
ломлашди.

- Бу - қабулхона, - деди Вронский. - Бу ерда
шюпитр, стол, шкафдан бошқа ҳеч нима бўлмайди.

- Бу ёққа, бу ердан ўтамиз. Деразага яқин борма,
- деди Анна, бўёқ қуриганми йўқлигини текшириб
кўриб. - Алексей, бўёқ қуриб қолибди, - деб қўйди
кейин.

Қабулхонадан йўлакка ўтишди. Бу ерда Врон-
ский уларга янги усулда қурилган вентиляцияни
кўрсатди. Сўнгра мрамар ванналарни, пуржинали
ажойиб каравотларни кўрсатди. Кейин кетма-кет
палаталарни, қазноқни, чойшаблар, қўйлак-лозим-
лар сақланадиган бўлмани, сўнгра янги усулда қу-
рилган печкаларни, иннайкейин, керакли нарса-
ларни ташиганда йўлакда шарпа чиқармайдиган
галтак аравачаларни ва бошқа жуда кўп нарсалар-
ни кўрсатди. Свяжский янги такомиллаштирилган
ускуналарни яхши билувчи миришкор кўзи билан
ҳамма нарсага баҳо берди. Долли шу ёшга кириб
кўрмаган нарсаларидан ажабланар, ҳамма нарсани
тушунишни истаб, ҳамма нарса тўғрисида батаф-
сил саволлар берар, бу эса, афтидан, Вронскийни
хурсанд қиларди.

- Ҳа, менинча, бу Россияда тамоман тўғри қу-
рилган ягона касалхона бўлади, - деди Свяжский.

- Тўғруқ бўлими бўлмайдами? - деб сўради Дол-
ли. - Қишлоқ шароитида жуда ҳам зарур-да. Мен
кўпинча...

Вронский боодоб киши бўлганига қарамай Дол-
лининг гапини кесиб қўйди.

- Бу тўғруқхона эмас, касалхона; бу ерда юқум-
ли касаллардан бўлак ҳамма касаллар даволана-
ди, - деди у. - Ҳа, мана буни қаранг, - деди кейин,

тузалувчиларга атаб, яқинда чет элдан сотиб олиб келинган курсини Дарья Александровнанинг ёнига фидиратиб келиб. – Бир қаранг, – ўзи курсига ўтириб, юргизиб-кўрсатди. – Касал ё занфликдан ёки оёқлари оғриқлигидан юролмаслиги мумкин, аммо унга тоза ҳаво керак, шундай пайтларда курсига ўтиради-ю, сайр қилади...

Дарья Александровнани ҳамма нарса қизиқтирди, унга ҳамма нарса ёқди, аммо мана шу содда, чин кўнгил билан шу ишга қизиққан Вронский ҳаммадан ҳам кўпроқ ёқди. «Ҳа, жуда дилбар, жуда яхши киши экан», деб ўйларди баъзан гапларига қулоқ солмай, лекин унга тикилиб туриб Вронскийнинг юзига синчиклаб қарар экан, Аннани хаёлига келтирарди. Вронский шу жўшқинлиги билан Доллига шу қадар ёқиб қолдики, у Аннанинг бунга қандай ошиқ бўлганлигини энди тушуна бошлади.

XXI

Свияжский янги айғирни кўришни истар эди, шунинг учун Анна от заводига борайлик деб таклиф қилганда, Вронский:

– Йўқ, назаримда, княгиня чарчаган бўлсалар керак, отларга ҳам қизиқмаслар, – деди. – Сизлар бораверинглар, мен княгиняни уйга узатиб қўяман, кейин бир оз гаплашамиз, – деб Доллига мурожаат қилди: – Агар малол келмаса.

Дарья Александровна бирмунча ҳайрон бўлиб:

– Отлар тўғрисида мен ҳеч нарса тушунмайман, уйга қайтсам хурсанд бўлардим, – деди.

У ўздан бир илтимоси борлигини Вронскийнинг юзидан пайқаган эди. Янглишмаган экан. Эшикдан яна боққа киришлари биланоқ, Вронский Анна кетган томонга бир қаради-да, Анна овозларини

эшитмаслигига, ўзларини кўрмаслигига қаноат ҳосил қилгандан сўнг, гапни бошлади.

Вронский хижолат тўла кўзлари билан Доллига қараб туриб:

– Сизга гапим борлигини пайқадингиз шекилли, а? – деди, – Аннанинг дўстисиз, мен бу хусусда хато қилмайман. – Вронский шляпасини олди-да, дастрўмолчасини чиқариб, тепа сочлари тўкила бошлаган тақир бошини артди.

Дарья Александровна ҳеч қандай жавоб қилмай, унга ҳайқиброқ қараб қўйди. Долли у билан ёлғиз қолганда, бирдан юрагини ваҳима босди: Вронскийнинг кулиб турган кўзлари ва жиддият тўла юзлари кўрқитиб юборди.

Доллининг миясидан: у мен билан нима тўғрисида гаплашмоқчи, деб турли фикр-хаёлга борди: «Болаларим билан меҳмон бўлиб келишимни сўраса, мен кўнмаслигим керак, ё Москвада Аннага дугоналик қилишимни сўрармикан... ё Васенька Весловский ва унинг Аннага муносабатини сўрармикан? Балки ўзини айбдор билиб, Китидан гап очиб қоллар?» Долли фақат дилни сиёҳ қиладиган нарсаларнигина ўйларди-ю, лекин Вронский гаплашмоқчи бўлган нарсани ҳеч тополмасди.

– Сизнинг Аннага таъсирингиз кучли, сизни жуда яхши кўради у, – деб гап бошлади Вронский. – Менга ёрдам қилсангиз.

Дарья Александровна унинг жонли юзига юраги дов бермай, яна нима деяр экан деб, савол назари билан қараб турарди; липа дарахти сояси орасидан тушиб турган қуёш ёғдуси гоҳ Вронский юзининг бир чеккасини, гоҳ бутунлайин ёритар, гоҳ унинг юзи сояда хўмрайиб кўринар эди; аммо Вронский калтаги билан шағал тошларини илиб, ёнида индамай борарди.

– Агар сиз бизникига келган бўлсангиз, Аннанинг эски дўстлари орасида биринчи асл сиз бўлиб чиқасиз – мен княжна Варварани бу ҳисобга қўшмайман, – демак, сиз бу ерга бизнинг аҳволимизни тушунганингиз учун эмас, йўқ, бу аҳволимизнинг қанчалик оғирлигини билганингиз ҳолда, яна уни яхши кўрганингиз, ёрдам қилиш истагида бўлганингиз учун келгансиз. Шундай тушунганим тўғрими? – деб сўради, Долли томонга ўтирилиб.

– Ҳа, албатта, – деб жавоб қилди Дарья Александровна, шамсиясини йиғиб туриб. – Лекин...

– Йўқ, – деб Вронский унинг гапини бўлиб қўйди-да, шу қилири билан суҳбатдошини ноқулай аҳволга тушириб қўйиши мумкинлигини беихтиёр эсидан чиқариб, тўхтади; Долли ҳам тўхташга мажбур бўлди. – Аннанинг аҳволи нақадар оғирлигини ҳеч ким мендан ортиқ, мендан кучли ҳис қилмайди. Агар мени қалби, дили бор киши деб ҳисоблаб, мени шундай шарафга нойил қилсангиз, бу нарсани осонгина тушуниб оласиз. Шу аҳволнинг сабабчиси менман, шунинг учун ҳам ҳаммадан ортиқ сезаман.

Шу сўзни самимият ва қатъият билан айтгани учун Дарья Александровна Вронскийга беихтиёр завқи келиб:

– Тушунаман, – деди. – Лекин ўзингизни сабабчи деб билганингиз учун муболага қияпсиз, деб қўрқаман. Аннанинг аҳволи киборлар оламида оғир албатта мен бунга тушунаман, – деди яна.

– Киборлар муҳити – дўзах! – қовоқларини хўмрайтириб, шошиб галирди Вронский. – Петербургда турган ўша икки ҳафта ичида Анна тортган маънавий азобдан оғирродини тасаввур қилиб бўлмайди... гапларимга ишонишингизни илтимос қиламан.

– Шундоғу, лекин бу ерда на Анна... на сиз киборларга муҳтож эмассизлар...

– Киборлар! – деди Вронский нафратланиб. – Киборларга муҳтож бўлиш зарил кептими менга?

– Аҳвол шундай бўлгандан кейин – ҳамма вақт шундай бўлиб қолиши ҳам мумкин – тинч, бемалол, бахтли бўлиб яшайверасизлар. Мен Аннадан сезиб турибман: у бахтли, тамоман бахтли. Бахтли эканини менга айтди ҳам, – деди Марья Александровна, кулимсираб; кейин шу гапни айтиб туриб, Анна чиндан ҳам бахтлимикан, деган гумонга тушиб қолди.

Аммо Вронскийнинг бу тўғрида гумони йўқ эди.

– Ҳа, ҳа, – деди у. – Биламан, кейинги барча азобу укубатларидан кейин ўзига келиб қолди; чиндан ҳам бахтли. Аммо ҳозирги кунда бахтли. Хўш, менчи?.. Мени келажак қўрқитади... кечирасиз, юрмоқчимсиз?

– Йўқ, бари бир.

– Бўлмаса, бу ерга ўтирайлик.

Дарья Александровна хиёбон бурчагидаги ўриндикқа ўтирди. Вронский рўпарасига келиб турди.

– Кўриб турибман, у бахтли, – деб Вронский бояғи сўзини яна такрорлади; шунда, Дарья Александровнанинг Анна чиндан ҳам бахтлимикан, деган гумони ўзини яна ҳам баттарроқ ҳайратга солиб қўйди. – Аммо аҳвол шу тахлитда давом эта оладими? Яхши иш қилдикми, ёмон иш қилдикми, бу бошқа масала; аммо толе шу экан, – деди Вронский, русчадан французчага ўтиб, – биз умримизнинг охиригача қовушдик. Севгининг биз учун энг муқаддас бўлган борлари билан борландик. Боламыз бор, яна қатор-қатор бола кўришимиз мумкин. Аммо қонун ва ҳозирги аҳволимиз чалкаш, шундай рўпарамизда минглаб ровлар турибди; Анна эса, шунча тортган азобу укубатларидан сўнг қалби билан эркин нафас олаётгани учун, бу ровларни кўрмайди, кўргиси ҳам келмайди. Шундай бўлиши табиий. Аммо менинг кўрмаслигим мумкин эмас. Менинг қизим

– қонун бўйича меники эмас; Каренинники. Мен бундай сохтагарчиликка қўнмайман! – деди Вронский қўл ҳаракати билан буни рад этгандай. Кейин қовоқларини солиб туриб, Дарья Александровнага қараб қўйди.

Долли унга жавоб қилмай юзига қараб турарди. Вронский сўзини давом қилдирди:

– Хўш, эртага ўғил турилди дейлик, менинг ўғлим, қонун бўйича у ҳам Каренин бўлади; менинг мулкимга ҳам, давлатимга ҳам меросхўр бўлолмайди; оилада нечоғлик бахтли бўлмайлик, нечоғлик фарзанд кўрмайлик, мен билан улар ўртасида ҳеч қандай боғ бўлмайди. Улар Каренин бўлиб кетишади. Бу аҳволнинг қанчалик оғир, қанчалик мудҳишлигини бир ўйлаб кўринг! Анна билан шу тўғрида гаплашишга ҳаракат қилиб кўрдим. Бу гаплар жигига тегади, холос. Анна гапга тушунмайди, мен ҳам ҳамма дардимни унга очиб айтолмайман. Энди бу масалага бошқа томондан қаранг. Мен-ку Аннанинг севгисидан бахтиёрман-а, лекин бирон иш қилишим керакми-йўқми! Мен шундай ишни топдим, бу ишдан фахрланаман ҳам, иннайкейин, бу ишимни илгариги ошна-оғайниларимнинг саройдаги ва хизмат соҳасидаги ишларидан анча олижаноб иш деб ҳисоблайман. Энди, ҳеч шубҳа йўқки, бу ишимни уларнинг ишларига ҳеч-ҳеч алиштирмайман. Мен шу ерда, уйимда ўтириб ишлайман, шунинг учун бахтлиман, мамнунман, бахтимиз учун бизга ортиқ ҳеч нима даркор ҳам эмас. Мен ҳозирги фаолиятимни яхши кўраман. *Cele n'est pas un pisaller*¹, аксинча...

Дарья Александровна гап шу ерга келиб тақалганда Вронский адашиб кетганини сезди, бу чекинишнинг нима ҳожати борлигини яхшироқ уқмаган бўлса ҳам, лекин Анна билан гаплаша олмайдиган

¹ Яхшиси йўқлиги сабабидан эмас (франц.).

сирларидан оғиз очгандан кейин энди ҳамма нар- сани очди қилиб гапирётганини, қишлоқдаги фао- лияти масаласи ҳам, Аннага бўлган муносабати масаласи билан боғлиқ бўлган дард эканини ҳис этди.

– Шундай қилиб, гапимни давом қилдираман, – деди Вронский, ҳушига келиб. – Энг муҳим нарса шуки, ишга киришган пайтимда ишимнинг ўзим билан бирга ўлиб кетмаслигига, мендан кейин ме- росхўрларим қолишига ишонган бўлишим зарур – менда бўлса бундай ишонч йўқ. Ўзи билан севгили хотинининг болалари ўзиники бўлмаслигини, балки уларни кўришга кўзи бўлмаган, уларни назар-пи- санд қилмаган бошқа бировники бўлиб кетишини олдиндан билиб турган кишининг аҳволини кўз ол- дингизга келтириб қаранг! Ахир бу даҳшат-ку!

Ҳаяжони кучайиб кетди шекилли, жим бўлиб қолди.

– Ҳа, албатта, тушунаман. Ҳўш, Аннанинг қўлидан нима келади? – деб сўради Дарья Александровна.

– Гапимдан мақсад шу-да, – деди Вронский, зўрра ўзини босиб. – Аннанинг қўлидан келади, ҳам- ма нарса Аннага боғлиқ... ўз болаларимни фарзанд- ликка олишга рухсат беринг деб подшодан илтимос қилиш учун ҳам талоқ керак бўлади, талоқ масала- си эса Аннага боғлиқ. Эри талоқ хатини беришга рози бўлган – ўша вақт эрингиз талоқ масаласини ҳал қилиб қўяёзган эди. Биламан, ҳозир ҳам йўқ де- мас эди. Фақат хат ёзса кифоя эди. Эри ўшанда: «Агар Анна рози бўлса, мен йўқ демайман», – деган. Албатта, – деди Вронский қовоғини солиб, – фақат бу бағри тош одамларнинггина қўларидан келади- ган мунофиқлик бу. Уни Анна эслаганда, қанчалик азобга тушишини билади, билгани учун ҳам хат ёзи- шини талаб қилади. Аннага қийин бўлишини тушу- наман, албатта. Лекин сабаблар шу қадар муҳимки,

passer pardessus toutes ces finesses de sentiment¹ зарур бўлади. Il y va du bonheur et de l'existence d'Anne et de ses entents². Гарчи менга оғир бўлса, жуда-жуда оғир бўлса ҳам, ўзимни ўйлаётганим йўқ, – деди, ўзига қийин бўлгани учун алакимга таҳдид қилаётгандек. – Гап шунақа, княгиня, мен нажот лангарига осилгандек, уялмай-нетмай, сизга осилиб оламан. Эрига хат ёзиб, талоқ хатини талаб қилдириш учун Аннани йўлга солишда менга ёрдам беринг!

Дарья Александровна ўзининг Алексей Александрович билан охирги марта учрашганини дарҳол эсига олиб:

– Ҳа, албатта, – деди, ўйчан бир қиёфада. Кейин Аннани эслаб, қатъий қарор билан такрорлади. – Ҳа, албатта.

– Аннага бўлган таъсирингизни ишга солинг, бир иш қилингики, хат ёзсин. Мен бу тўғрида Аннага бир нима дейишни хоҳламайман, деёлмайман ҳам.

– Хўп, гаплашиб кўраман. Тавба, нега ўзи буни ўйламайди-я? – деди Дарья Александровна, Аннанинг кўзини сузадиган янги одат чиқариб олганини нима учундир бирдан эслаб; гап худди ички сирларига бориб тақалганда, Анна кўзларини сузиб кўйганини ҳам ҳозир эсига туширди. «Ҳаётнинг ҳамма томонларини кўрмаслик учун кўзларини қисиб қарайди шекилли», – деб ўйлади Долли. Кейин Вронскийнинг юзидаги миннатдорлик аломатларини кўриб: – Мутлақо, ўзим учун ҳам, Анна учун ҳам гаплашиб кўраман, – деб жавоб қилди.

Ўринларидан туриб, уйга қараб юришди.

¹ ҳис-туйғуларнинг бу ҳамма нозик жойларидан ҳатлаб ўтиш (франц.).

² Гап Анна билан болаларнинг бахти ва тақдири устида кетяпти (франц.).

XXII

Анна, Доллининг аллақачон қайтганини кўриб, Бронский билан унинг ўртасида ўтган гапни сўраётгандек қилиб кўзларига диққат билан қаради-ю, лекин сўрамади.

– Овқат вақти ҳам бўлиб қолди шекилли, – деди Анна. – Ҳали сен билан дурустроқ кўришганимиз ҳам йўқ. Бутун умидим оқшомдан. Энди бориб кийиниш керак. Менингча, сен ҳам. Қурилишда ҳамма ёғимиз бўлганди.

Долли бўлмасига кетаётиб, кулгиси қистади. Киядиган бошқа кийими йўқ эди, чунки энг яхши кийими эғнида эди; лекин овқатга тайёргарлик кўрганини нима билан бўлса ҳам билдириш учун хизматкор қиздан натимос қилиб қўйлагини тозалатди, енгилги билан бантигини ўзгартирди, бошига тўр ташлаб олди.

Анна яна ҳам одмироқ бўлган учинчи қўйлақда чиққанда:

– Мана, қўлимдан келгани шу бўлди, – деди кулимсираб.

– Ҳа, биз бу ерда ҳам расм-русумларга риоя қиламиз, – деди Анна, ўзи ясанган-тусан қилгани учун кечирим сўраётгандек қилиб. – Келганингдан Алексей жуда хурсанд, у камдан-кам шунақа хурсанд бўлади. Жуда ҳам меҳри тушиб қолибди сенга, – деб қўшиб қўйди. – Чарчаганинг йўқми?

Овқатгача бирон масала тўғрисида гаплашгани вақт қолмаган эди. Меҳмонхонага киришганда, қора сюртукдаги эркаклар билан княжна Варвара ўша ерда эди. Архитектор фрак кийиб келибди. Бронский доктор билан иш бошқарувчисини меҳмонга таништирди. Архитекторни бўлса касалхонада таништириб қўйган эди.

Соқол-мўйловлари тоза қирилган юмалоқ юзи ва оҳорланган оқ галстугининг банти ярқираб турган

семиз хизматкор овқат сузилганини хабар қилди. Хонимлар кўзғалдилар. Вронский Свияжскийдан Анна Аркадьевнани қўлтиқлаб олишини илтимос қилиб, ўзи Доллининг ёнига борди. Весловский Тушкевичдан илдамроқ келиб қўлини княжна Варварага тутди. Шунинг учун Тушкевич доктор ва мудир билан бирга борди.

Овқат, емақхона, идиш-товоқ, хизматкорлар, вино ва тамаддилар уйнинг янгича ҳашаматига муносиб ва балки, яна ҳам ҳашаматлироқ, яна ҳам янгроқ бўлиб кўринарди. Дарья Александровна ўзи учун янгилик бўлган бу ҳашаматни кузатиб борар, бу ердаги ҳашаматлар ўз ҳаёт тарзига нисбатан беқиёс баланд бўлгани учун, бу ерда кўрган нарсаларининг ҳеч бирини ўз уйига татбиқ қилиш ниятида бўлмаса ҳам, уй-рўзғор тебратиб турган бека кўзи билан беихтиёр ҳамма нарсага, ҳамма икир-чикирларга эътибор қилар, бу нарсаларни ким қилди, қандай барпо қилди деб ўз-ўзидан сўраб кўяр эди. Васенька Весловский, ўзининг эри, ҳатто Свияжский ҳам, иннайкейин, у биладиган жуда кўп одамлар бу нарсаларни ҳеч маҳал ўйлашмас эди-ю, лекин ҳар қандай боодоб хўжайин ўз уйидаги қулайликларни вужудга келтириш учун унча заҳмат чекмаганини, аксинча, ўз-ўзидан бўлиб қолганлигини меҳмонларига сездиришни хоҳлайди, деган гапга ишониб келишарди. Дарья Александровна бўлса болаларга пишириб бериладиган каша ҳам ўз-ўзидан тайёр бўлиб қолмаслигини биларди. Шунинг учун уй-рўзғорни усталик билан бошқариш учун кимнинг бўлса-да, озмунча диққат сарф қилмаганига амин эди. Алексей Кирилловичнинг дастурхонга кўз югуртирганидан, бош хизматкорга калласи билан ишора қилганидан, ўзига шўрванинг хилларини таклиф этганидан Долли ҳамма нарса уй хўжасининг рамхўрлиги билан қилиниб, яна шу рамхўрлик

орқасида сақлаб келинаётганини англади. Бу нар-салар Весловскийга қанчалик боғлиқ бўлса, Аннага ҳам, афтидан, шунчалик боғлиқ кўринарди. Анна, Свяжский, княжна ва Весловский олдиларига қўйилган нозу неъматлардан хурсанд бўлиб ўтирган бир хил меҳмонлар эди.

Анна фақат суҳбат олиб боришда бекалик қиларди. Лекин кичкина дастурхон теварагида, ўзлари одатланишмаган ҳашаматдан довдираб қолмасликка тиришган ва умумий гурунгда узоқ бош кўша олмайдиган тамоман бошқа муҳит кишилари бўлмиш ишбошқарувчи билан архитектор ҳузурида олиб бориш ниҳоятда қийин бўлган бу оғир суҳбатни Анна ўзига хос назокат билан, табиийлик билан, ҳатто, Дарья Александровнанинг пайқашича, мамнуният билан олиб борарди.

Гап Весловский билан Тушкевичнинг ўзлари ёлғиз қайиққа тушганлари устида борди; Тушкевич Петербургдаги Яхта-клубда ўтказилган сўнги пойгани ҳикоя қила кетди. Лекин суҳбат кесилгач, Анна пайт пойлаб туриб, архитекторни сукутдан қутқозиш учун, унга дарҳол гап отди.

– Николай Иванович сўнги марта келганларидан бери, – деди Анна, Свяжский тўғрисида, – янги бино қад кўтариб қолганига ҳайрон бўляптилар, ўзим ҳам ҳар кун бориб тураману, ҳар кун ишнинг шундай жадал кетаётганига ҳайрон буламан.

– Граф жаноблари билан ишласанг маза қиласан, – деди архитектор кулимсираб (у ўз қадрини биладиган, ҳурмат бурчини бажо келтирадиган вазмин одам эди). Губерния маъмурлари билан қилинадиган ишга сира ўхшамайди бу. У ерларда қучоқ-қучоқ қорозга ёзиладиган нарсаларни бу ерда графга айтиб бераману, уч оғиз сўз билан масалани ҳал қиламиз.

– Америка усули, – деди Свяжский кулимсираб.

– Ҳа, у ерда бинолар ҳар томонлама ўйлаб қурилади...

Гап Америка Қўшма Штатларида ҳокимиятдан суистеъмол қилинишига кўчган эди, лекин Анна иш бошқарувчини сукутдан қутқазиб учун гапни дарҳол бошқа ёққа буриб юборди.

– Янчиқ машинасини ҳеч кўрганмисан? – деб сўради Дарья Александровнадан. – Сени йўлда учратганимизда, кўргани борган эдик. Ўзим ҳам биринчи кўрганим.

– Қанақа ишлар экан? – деб сўради Долли.

– Бамисоли қайчидай. Тахталари, яна жуда кўп майда қайчилари бор. Мана бундай.

Анна қўша-қўша узук таққан чиройли, оппоқ қўлларига пичоқ билан санчқи олиб, кўрсата бошлади. Уқтираётган нарсасидан ҳеч нима тушуниб бўлмаслигини ўзи кўриб турса ҳам, лекин тилининг ширилигини, қўлларининг эса чиройлилигини билгани учун яна изоҳини давом қилдираверди.

Весловский ундан кўз узмай қараб турган эди. Хушомадгўйлик қилиб:

– Пичоқлари кўпроқ қаламтарошга ўхшайди, – деди.

Анна мийирида кулимсираб қўйди-ю, лекин жавоб қилмади. Иш бошқарувчига юзланиб:

– Ростдан ҳам қайчига ўхшамайдими, Карл Федорович? – деди.

– О ја, – деб жавоб қилди немис. – Es ist ein ganz einfaches Ding¹, – дея машинанинг тузилишини уқтира кетди.

– Аттанг, ўзи борламас экан-да. Мен Вена кўргазмасида ўзи борлаб ҳам қўядиган машинани кўрувдим, – деди Свяжский. – Ўшандақаси қулайроқ бўларди-да.

¹ О, албатта, бу жуда осон нарс (нем.).

– Es kownt drauf an... Der Preis von Draht muss ausgerechnet wersen¹. – Сукут қилиб ўтирган немис гапга киргандан кейин Вронскийга юзланди: Das lasst sich ansechnen, Erlaucht². – Немис ҳар хил ҳисобларни ёзиб борадиган дафтарчаси билан қалами чўнтагида эди, чўнтагига бир қўл солди-ю, лекин овқат устида ўтирганини эслаб, бунинг устига, Вронскийнинг ҳам совуқ бир назар билан қараб қўйганини пайқаб, қўлини тортиб олди. – Zu complicirt, macht zu viel Klopot³, – деб гапига хотима берди.

– Wunseht man Dochots, so hat man auch Klopots⁴, – деди Васенька Весловский, немиснинг жирига тегиб. Кейин яна шундай табассум билан Аннага мушоаат қилди: – Jadore l' allemand⁵.

– Cessez⁶, – деб қўйди Анна, ҳазил-мутойиба аралаш бир жиддият билан.

– Биз сизни даладан топармиз, деб ўйлаган эдик, Василий Семёнич, – деди Анна, касалванд докторга қараб, – даладамидингиз?

Доктор хўмрайиб:

– Далада эдим, лекин жуфтакни тўррилаб қолдим, – деди ҳазил аралаш.

– Демак, жуда ажойиб иш қилибсиз-да.

– Жудаямки, асти сўрамайсиз!

– Кампирнинг соғлиги қалай? Терлама эмасдир деб ўйлайман.

– Терлама деб ҳам бўлмайди, лекин аҳволи яхши эмас-да.

¹ Гап шундаки... сиз нарҳини ҳисоблаб чиқиш керак (немис.).

² Буни ҳисоблаб чиқиш мумкин, граф жаноблари (немис.).

³ Одамнинг бошини оғритадиган оғир иш (немис.).

⁴ Даромадни кўзлаган киши бош оғригига ҳам чидаб беради (немис.).

⁵ Немис тилини яхши кўрмаганидан-да. (франц.)

⁶ Бас қилинг (франц.).

- Аттанг! - деди-ю Анна, шу тахлит меҳмонларига ҳурмат бурчини бажо келтиргандан кейин, ўзига қарашли одамларга мурожаат қила бошлади.

- Сизнинг изоҳингизга қараб машина қилинадиган бўлса дейман, Анна Аркадьевна, жуда қийин бўларди-да, - деди Свяжский ҳазиллашиб.

- Йўқ, нимага? - деди Анна, кейин машинанинг қурилиши ҳақидаги ўз изоҳида аллақандай ширин гап ўтган бўлса, буни Свяжский сезиб қолибди-да, деб кулимсираб гапира кетди. Ёшларга хос бўлган бу янгича ноз Доллига ёқмади.

- Аммо Анна Аркадьевнанинг архитектурадаги билими одамни ажаблантиради, - деди Тушкевич.

- Албатта, кеча ўзим ҳам эшитдим, Анна Аркадьевна плинтус тўғрисида гапираётган эдилар, - деди Весловский. - Тўғри айтдимми?

- Кўра-кўра кўзинг пишиб, эшита-эшита кулорингга қуйилганидан кейин бунга ажабланиб бўладими, - деди Анна. - Чамамда, уйни нимадан қилишларини ўзингиз билмасангиз ҳам керак?

Анна ўзи билан Весловский ўртасидаги қочириқ гаплардан норози бўлса ҳам, яна беихтиёр берилиб кетаётганини Дарья Александровна кўриб ўтирарди.

Вронский шундай пайтларда ўзини Левиңдан тамоман бошқача тутарди. Весловскийнинг лақиллашларига ҳеч қандай аҳамият бермас, аксинча, унинг ҳазилларини маъқуллаб ҳам кўяр эди.

- Бўлмаса айтинг-чи, Весловский, риштарни нима билан жипслаштиришади?

- Албатта, цемент билан-да.

- Яшанг! Цемент ўзи нима?

- Лойга ўхшаган... йўқ, замазкага ўхшаган нарса-да, - деб Весловский ҳаммани кулдирди.

Овқат қилиб утирганлар орасида гап гоҳ сийраниб, гоҳ қоқиниб кетиб, гоҳ бировнинг иззати нафсига тегиб сира тўхтамай давом қилди; гапга

қош-қовоқларини солиб индамай утирган доктор, архитектор ва иш бошқарувчигина аралашмади. Бир марта Дарья Александровнанинг ҳам жиргига тегиб ўтишди, шунда Долли алам қилганидан ҳатто қизариб кетди; кейин эса ўзим ортиқча, бемаъни гап қилиб юбормадиммикан, деб ўйланиб қолди. Свяжский Левиндан гап очди, унинг машиналар рус хўжалигида фақат зарар келтиради, деган гап-ти гапларини айтиб берди.

– Мен бу жаноб Левинни билиш шарафига ноил эмасман, – деди кулимсираб Вронский, – лекин ўзи қоралаётган машиналарни ҳеч қачон кўрмаган бўлса керак. Агар кўрган, синаган бўлса, у ҳолда чет эл машиналарини эмас, биронта рус машинасини кўрган. Бу хусусда қандай муҳокама бўлиши мумкин?

– Умуман, туркча муҳокама, – деди Весловский, Аннага кулимсираб туриб.

– Унинг муҳокамаларини ҳимоя қилиш кўлимдан келмайди, – деди ўтдай ловиллаб Дарья Александровна, – шундай бўлса ҳам айтишим мумкин: у жуда билимли, ўқиган киши; агар шу ерда бўлса борми, сизларга қандай жавоб беришни биларди. Лекин мен билмайман.

– Мен уни жуда яхши кўраман, биз жуда қалин оғайнилармиз, – деди Свяжский меҳрибонлик билан кулимсираб. – *Mais pardon, il est un petit peu toqué¹*, – масалан, земствони ҳам, мировой судьяларни ҳам кераксиз нарсалар деб даъво қилиб, ҳеч бирига бош қўшишни хоҳламайди.

Вронский муз солинган графиндан таглик юпқа стаканга сув қўйиб туриб:

– Ҳуқуқимиз зиммамизга юклаётган бурчларимизни тушунмаймиз, шунинг учун бурчларимизни

¹ Лекин, кечирасизлар, бир оз тентакнамо қилиқлари бор (франц.).

инкор қиламиз – бу биз русларга хос бепарволик,
– деди.

Дарья Александровна Вронский ўзини баланд олиб айтган бу гапидан жаҳли чиқиб:

– Ўз бурчини Левиндан ортиқроқ бажарадиган одамни ҳали кўрганим йўқ, – деди.

Бу гап Вронскийнинг иззати нафсига тегди шеклли:

– Мен, аксинча, – деб сўзини давом қилдирди. – Мен, аксинча, мени боримча кўрганингиз ва буни айтиб мени шарафлантирганингиз учун жуда миннатдорман, лекин мана бу Николай Иванович (Свияжскийни кўрсатди) шарофати билан мени мировой судга фахрий раис қилганларини айтялман. Мен кўлимдан келадиган ҳар қандай иш қатори съездга боришни ҳам, мужикнинг от тўғрисидаги ишини муҳокама қилишни ҳам ўшандай муҳим бурчим деб ҳисоблайман. Агар мени земство аъзоси қилиб сайлашса, буни мен ўзимга шараф деб биламан. Мен заминдор сифатида кўриб келаётган фойдаларимни фақат шу хизматим билангина оқлашим мумкин. Шўримиз шундаки, катта заминдорликнинг давлат доирасида эга бўлиши керак бўлган аҳамиятига тушунмайдилар.

Вронскийнинг ўз дастурхони устида ҳақлигига кўнгли тўқ эканлигини кўриш, гапларини эшитиш Дарья Александровнага ғалати туюларди. Фикрлари буниқига тескари бўлган Левин ҳам ўз дастурхони устида кескин-кескин муҳокамалар юритганини эслади. Лекин Долли Левинни яхши кўрар, шунинг учун тарафини оларди.

– Демак, келажак съездда сизни кўзда тутамиз-да, а граф? – деди Свияжский. – Аммо саккизинчида ўша ерда бўлиш учун барвақтроқ жўнаш керак. Мениқига бориб тушсангиз бошим осмонга етади. Шундай қиласиз-да, а?

– Сенинг веау-фегенга мен бир оз кўшиламан, – деди Анна. – Лекин унча эмас, – деб кўшиб кўйди кейин, кулимсираб туриб. – Мен бир нарсдан кўрқаман: охирги пайтларда бизда ижтимоий ва-зифалар жуда кўпайиб кетяпти. Илгариги вақтларда амалдорлар шунча кўп эдики, ҳар бир ишга биттадан амалдор тўғри келарди, мана энди жамоат арбоблари кўпайиб кетди. Алексейнинг бу ерга келганига атиги олти ой бўлибди-ю, дарров бешта-ми-олтитами идорага аъзо бўлиб кирибди – васий, судья, аъзо, маслаҳатгўй, яна отга тааллуқли бир нарса. Dutraiu que cela va¹ ҳамма вақти шунга кетади. Ишчиларнинг шунча кўплиги фақат хўжа кўрсин учун қилинаётган иш бўлмасин деб кўрқаман. Сиз қанча жойда аъзосиз, Николай Иванович? – деб Свияжскийдан сўради. – Чамамда, йигирматадан ортиқ жойда бўлсангиз керак.

Анна ҳазил аралаш гапираётган бўлса ҳам, лекин сўзларининг оҳангидан тажанглик сезилиб турарди. Анна билан Вронскийни диққат билан кузатиб ўтирган Дарья Александровна бу тажангликни дарҳол пайқаб олди. Шу гап маҳалида Вронскийнинг юзи дарҳол жиддий тус олганини ҳам пайқади. Дарья Александровна буни ҳам, княжна Варвара гапни бошқа ёққа буриб юбориш учун Петербургдаги танишлар ҳақида дарҳол гап очганини ҳам пайқади, кейин борда Вронский ўз фаолияти ҳақида ноўрин гап қилганини эслаб, ижтимоий фаолият тўғрисидаги бу масала Анна билан Вронский ўртасидаги аллақандай жанжал билан боғлиқ эканлигини англади.

Овқатлар, ичимликлар, идиш-оёқлар – буларнинг ҳаммаси жуда яхши эди, лекин булар ҳам Дарья Александровна зиёфатларда ва балларда кўрган идиш-оёқлар сингари кўзга ташланмайдиган ха-

¹Шундай ҳаёт тарзи натижасида (франц.).

рактарда эди. Долли эса бундай зиёфатларга кўпдан бери бормаган эди; шунинг учун оддий кунда, кичик бир даврада ўтган бу ҳашаматлар Доллида нохуш таассурот қолдирди.

Овқатдан сўнг айвонга чиқиб ўтиришди. Кейин lawn tennis ўйнай бошлашди. Ўйинчилар икки тўдага бўлинишиб, жуда яхши текисланган, шибаланган крокетграунд майдончасида устунлари зарҳал билан бўялган таранг тўрнинг икки томонига келиб туришди. Дарья Александровна ҳам ўйнамоқчи бўлди-ю, лекин анчагача ўйинга тушунолмади, тушунганда эса шу қадар чарчаб қолган эдики, княжна Варваранинг ёнига ўтириб, ўйинни томоша қилди. Доллининг шериги Тушкевич ҳам ўйиндан чиқди; бошқалар эса ўйинни узоқ давом қилдиришди. Свияжский билан Вронский иккаласи жуда яхши, вазмин ўйнади. Булар ўзларига томон иргитилган коптокни хушёрлик билан кузатишар, шошмасдан, имилламасдан чаққон етиб боришар, коптокнинг сакрашини кутиб туриб, усталик билан уриб, тўрдан ошириб ўтказишарди. Весловский бошқалардан ёмонроқ ўйнади. Ўйинда жуда қизишса ҳам, лекин хушчақчақлиги билан ҳаммани кулдириб турди. Кулишлари, қичқирлишлари бир зум ҳам тинмади. У ҳам бошқа эркаклар сингари хонимлар ижозати билан сюртугини ечиб ташлагани учун оқ, енгил кўйлаги ичида тиқилиб турган барваста чиройли қомати, тер босган қизил бетлари ва чаққон ҳаракатлари билан одамнинг миясида маҳкам сақланиб қоларди.

Шу кеч Дарья Александровна ухлагани ётиб кўзларини энди юмиши биланоқ крокетграундда у ёқдан бу ёққа чопиб юрган Васенька Весловскийни кўрди.

Ўйин палласида Дарья Александровнанинг вақтичор бўлмади. Ўйин маҳалида Васенька Весловский

билан Анна ўртасида давом қилган ғамзабозлик, болалар ўйинини катталарнинг ўзлари, болаларсиз ўйнашлари – бу умумий, ғайритабиий аҳвол Доллига ёқмаган эди. Лекин бошқаларнинг таъбларини хира қилмаслик, бир амаллаб вақтни ўтказишлик учун, дамини олгандан кейин, яна ўйинга қўшилди-да, ўзини жуда хурсанд қилиб кўрсата бошлади. Бутун куни билан ўзини шундай ҳис қилди, гўё у ўздан кўра яхшироқ артистлар билан театрда ўйнаётгандек булар, ўзининг ёмон ўйини билан бутун ишни бузиб қўяётгандек туюларди.

Долли, агар кўнглига сиғса, икки кун туриб кетиш нияти билан келган эди. Лекин кечқурун, ўйин палласида, эртагаёқ жўнаш қарорига келиб қолди. Йўлда кўзига жуда ҳам хунук кўриниб кетган азоббахш оналик ташвишлари болаларсиз ўтган шу биргина кундан сўнг Доллига бошқача кўриниб, уни ўзига торта бошлади.

Оқшом чойидан ва тунги қайиқ сайридан сўнг Дарья Александровна бўлмасига ўзи ёлғиз кириб, кўйлаklarини ечиб, ётиш ҳаракатида сийрак сочларини тартибга сола бошлагандагина енгил тортди.

Ҳозир Аннанинг киришини ўйласа ҳам кўнгли хира булар, ўз фикрлари билан ўзи ёлғиз қолишни хоҳларди.

ЖХП

Долли энди ётмоқчи бўлиб турганда Анна кечки кийимида кириб келди.

Шу ўтган кун давомида Анна ички дардлари, ҳасратлари ҳақида бир неча бор оғиз очган бўлса ҳам, лекин бир-иккита сўз айтар-айтмас: «Хайр, майли, кейин ёлғиз қолганда бафуржа гаплашармиз, сенга айтадиган гапим шу қадар кўпки!» деярд-ю, тўхтаб қоларди.

Мана ҳозир иккови холи эди, шундай бўлса ҳам Анна нимадан гапиришни билмасди. У ҳозир дераза олдида Доллига қараб, кўнглидаги битмас-туганмасдек кўринган ҳасратларини бир-бир хаёлидан ўтказиб ўтирар, лекин айтадиган гап тополмай ҳайрон бўларди. Назарида, ҳозир ҳамма гап айтиб бўлингандек туюларди.

- Кити қалай? - деди Анна чуқур хўрсингандан сўнг Доллига гуноҳкорларча қараб. - Тўғриси айт, Долли, мендан хафа эмасми?

- Хафа? Йўр-э, - деди Дарья Александровна кулимсираб.

- Мендан нафратланар, жирканар?

- Йўр-э! Лекин, ўзинг биласан, бундай нарсалар кечирилмайди.

- Ҳа, ҳа, - деди Анна, юзини ўтириб; кейин очиқ деразадан қараб ўтирди. - Лекин менда гуноҳ йўқ эди. Гуноҳ кимда эди? Иннайкейин, гуноҳ деган нарсанинг ўзи нима? Тавба, бундан бошқача бўлиши мумкин эдими? Хўш, сен нима дейсан? Стивага тегмаслигинг мумкинмиди?

- Ўзим ҳам ҳайронман. Менга қара, сен менга айт шуни...

- Хўп, хўп, лекин Кити тўғрисидаги гапимизин тугатганимиз йўқ. Менга қара, Кити бахтлими? Эрини жуда ажойиб одам дейишади.

- Ажойиб дейиш ҳам кифоя қилмайди. Бундан яхшисини кўрган эмасман.

- Вой, худога шукур! Жуда хурсанд қилдинг! Ажойиб одам дейиш ҳам камлик қилади, - деб такорлади Анна.

Долли кулимсираб қўйди.

- Кел, ўзингдан гапир. Ҳали гаплашадиган гапим кўп. Биз... - Долли Вронскийни нима деб аташини билмай тўхтаб қолди. Граф дейишини ҳам, Алексей Кириллович дейишини ҳам ўзига эп кўрмасди.

– Алексей билан, – деди Анна, – биламан, Алексей билан гаплашдинглар. Аммо сендан бир нарса ни рўй-рост сўрамоқчиман: ўзим тўғримда, ҳаётим тўғрисида нима ўйлайсан?

– Дабдурустан қандай айтиб бўлади? Ростини, бир нима дейишимни билмайман.

– Йўқ, нима бўлса ҳам айтасан... туриш-турмушимни кўриб турибсан. Лекин эсингдан чиқмасин, сен бизни ёзда ёлғиз эмаслигимизда кўряпсан... Биз эрта баҳорда кўчиб кетамиз. Ёлғиз иккаламизгина турардик, бундан кейин ҳам ёлғиз турамыз, менинг бундан бошқа тилагим йўқ. Лекин фараз қил, мен усиз тураман, ёлғиз тураман, бундан кейин ҳам шундай бўлади... Мен ҳамма аломатлардан кўриб турибман: бу аҳвол такрорланаверади, умрининг ярмини уйдан ташқарида ўтказди, – деди-да, ўрнидан туриб келиб, Доллига яқинроқ жойга ўтирди.

Этироз билдирмоқчи бўлиб турган Доллининг гапини оғзидан олиб:

– Албатта, – деди, – албатта уни зўрлаб тутиб қололмайман. Тутаётганим ҳам йўқ. Айтайлик, бугун пойга, унинг отлари чопади, ўзи ҳам боради. Жуда хурсандман. Лекин менинг аҳволимни ўйлаб кўр, кўз олдинга келтириб кўр... э, буни гапириб нима ҳам қилдим! – деб жилмайди. – Қани, сен билан нима тўғрисида гаплашди?

– Ўзим гапирмоқчи бўлиб турган нарсалардан гапирди, шунинг учун унга адвокатлик қилишим осон бўлади: яъни сенинг аҳволингни... – Дарья Александровна туталиб қолди, – тузатиш, яхшилаш чораси борми-йўқлигидан гапирди... бу нарсага менинг қандай қарашимни ўзинг биласан. Ҳар ҳолда, агар иложи топилса, эрга тегишинг керак.

– Яъни талоқ хатини ол демоқчисан-да? – деди Анна. – Петербургда менинг олдимга келган бирдан-бир хотин Бетси Тверская бўлди, бундан хаба-

ринг борми? Сен танийсан-ку уни. An fond c'est la femme la plus depravee dui exieste¹. Эрини энг ифлос йўллар билан алдаб, Тушкевич билан алоқа қилиб келарди. Ана шу хотин ҳам, аҳволим тўғриланмагунча, мени танишни истамаганини айтди. Ўйлама, сени унга ўхшатаётганим йўқ... Сени биламан, жонгинам... Ҳозир беихтиёр эсимга тушиб кетди-да... Шундай қилиб, сенга нима деди у? – Анна яна қайтариб сўради.

– У сени ҳам, ўзини ҳам ўйлаб қийналаётганини айтди. Эҳтимол, сен буни худбинлик деб айтарсан, лекин худбинлик бўлганда ҳам, қонуний, олижаноб худбинлик. Унинг истаги, аввало, қизини қонуний йўл билан қиз қилиб олиш, сенга эр бўлиш, сенга ҳуқуқли бўлиш.

– Мен шу аҳволимда унга бир жорияманки, қайси бир жория хотин менчалик жория бўла оларкин? – Анна қовоқларини солиб туриб Доллининг гапини бўлиб қўйди.

– Унинг энг катта истаги... сени азоб чекмасин, дейди.

– Бу бўладиган гап эмас! Кейин?

– Кейин, болаларингиз ўз фамилияларида бўлишини истайди – бу ўринли гап.

Анна Доллига қарамасданоқ кўзларини сузиб туриб:

– Қанақа болалар? – деб сўради.

– Ани, кейин бўладиганлари.

– Кўнгли тўқ бўлаверсин, энди бола кўрмайман.

– Бола кўрмасангингни сен қаердан биласан?..

– Бўлмайди, чунки бўлишини хоҳламайман.

Анна Доллининг юзидаги содда, мароқ, ҳайрат ва даҳшат аломатларини кўриб, шундай ҳаяжонга тушиб турганига қарамай, кулимсираб қўйди.

¹ Аслида бориб турган бутук хотин (франц.)

– Касал бўлганимдан кейин доктор шундай деди...

– Бўлмаган гап! – деди Долли кўзларини олайтириб. Бу нарса Долли учун оқибати жуда катта бўладиган, ақлга ҳам сифмайдиган, имконсиз нарсадай туюлди; бу нарса кейинча Доллини жуда кўп, жуда кўп ўйлашга мажбур қилган кашфиётлардан бири бўлди.

Биттадан ёки иккитадан фарзанд кўрадиган оналарнинг сирини бирданига равшанлаштириб юборган бу кашфиёт Доллида шунча кўп ўйлар, мулоҳазалар, қарама-қарши ҳислар уйротдики, у бир нима дейишга қодир бўлмай, кўзларини олайтириб, Аннага ҳайронлик билан қараб қолди. Бугун йўлда келаётиб орзу қилган нарсаси шу эди, лекин ҳозир, бу нарсанинг мумкинлигини билгандан сўнг, кўрқиб кетди. У бу нарсани ҳаддан зиёд мураккаб масаланинг ҳаддан зиёд осон ҳал қилиниши деб биларди.

– N'est ce pas immoral?¹ – деди зўрға бир оз жим қолгандан кейин.

– Нима учун? Ўзинг ўйлаб кўр, мен шу икки нарсадан бирини танлаб олишим керак: ё ҳомиладор бўлишим, яъни касал бўлишим керак ё бўлмаса эримнинг, бари бир, эримнинг дўсти, ўртоғи бўлиб қолишим керак, – деди Анна жўрттага юзаки, енгилтак бир оҳангда.

Дарья Александровна илгари ўзи учун келтирган бу далилларни эшитди-ю буларда илгариги қаноатдан асар ҳам йўқлигини сезиб:

– Ҳа-да, ҳа-да, – деди.

– Сен учун, бошқалар учун, – деди Анна, худди Доллининг ўйларини билиб олгандай, – яна гумон бўлиши мумкин; лекин мен учун... тушунгин, мен ахир хотини эмасман, у мени севиши мумкин бўлган кунгача севади. Хўш, ана ундан кейин севгисини қандай сақлаб қола оламан? Шу биланми?

Ахир бу ахлоқсизлик эмасми? (франц.)

Анна оппоқ кўллариини қорни олдида чўзиб кўрсатди.

Дарья Александровнанинг фикр ва хотиралари (киши ҳаяжонга тушганда шундай бўлади), ғайриоддий бир тезликда миясига тўпланиб, чувала бошлади: «Мен Стивани ўзимга ийдириб ололмадим, – деб ўйлаб кетди Долли; – мени ташлаб, бошқага кетди; менга хиёнат қилгандан кейин топган ўша биринчи ёри ҳам, ҳар қанча чиройли, шўх бўлса-да, бари бир ушлаб қололмади. Стива уни ҳам ташлаб, бошқасини топди. Наҳотки, Анна ҳам шу ҳусни билан граф Вронскийни ўзига ийдириб олиб, ушлаб қолса? Агар граф Вронский шу нарсани кўмсайдиган бўлса, албатта, бундан ҳам жозибадорроқ, шўхроқ пардоз ва андозларни топа олади. Яланғоч кўллари қанчалик оқ, қанчалик гўзал бўлмасин, тўла қомати, бу қора сочлари, ҳуснига ҳусн қўшган юзи қанчалик чиройли бўлмасин, у ҳам, менинг жирканч, аянч, дилбар эрим сингари яхшироғини топиб олади».

Долли жавоб қилмасди, фақат хўрсинибгина кўя қолди. Анна бу хўрсинишда норозилик борлигини сезса ҳам, яна сўзини давом қилдирди. Унинг ихтиёрида яна ҳам кучлироқ далиллар бор эди, бу далилларга жавоб топиб бўлмасди.

– Сен буни яхши эмас дейсанми? Йўқ, чуқурроқ ўйлаб боқиш керак, – деди, сўзини давом қилдириб, – менинг аҳволим хотирингдан чиқяпти. Шу аҳволимда қандай қилиб бола кўргим келади? Азобини айтаётганим йўқ, азобидан кўрқмайман. Ўйлаб кўр: болаларимнинг аҳволи қандай бўлади? Бировнинг фамилияси билан юрган болалар – бахтсиз болалар, булар дунёга келганлари учун оналаридан, оталаридан, турилганларидан уяладиган бўлиб ўсишади.

– Ҳа, баракалла, шунинг учун ҳам талоқ хатини олиш керак.

Аммо Анна қулоқ солмади. У ўзида неча бор қаноат ҳосил қилдирган далилларини охиригача айтиш тилагида эди.

– Бу ёруғ дунёга бебахтларни келтирмасликка ақлим етмаса, ақлнинг менга нима ҳожати бор?

Анна Доллига бир қараб олди, лекин жавоб кутмасдан, яна давом қилди:

– Мен бу бебахт болалар олдида ўзимни ҳамма вақт гуноҳқорман деб, эзилиб ўтардим, – деди. – Агар у болалар дунёга келишмаса лоақал бахтсиз бўлишмайди, агар бахтсиз бўлишса, у ҳолда бир мен айбдор бунга.

Дарья Александровна ўзига келтирган далиллар ана шулар эди; лекин ҳозир эшитиб туриб, буларнинг маъносига тушунолмасди. «Дунёга келмаган болалар олдида қандай гуноҳқор бўлиш мумкин-а?» деб ўйларди Долли. Шунда бирдан миясига: «Гриша туғилмаган бўлса, бошқа бирон шароитда аҳволи яхшироқ бўлармидикан?» – деган фикр келди. Бу фикр ўзига шу қадар бемаъни, тутуриқсиз кўришиб кетдики, бу чувалашиб юрган телба фикрларни қувиш учун калласини тебрата бошлади.

Долли ижирганиб:

– Йўқ, бимайман, бу яхши эмас, – дея олди холос.

– Лекин эсингдан чиқарма-да: сен қанақасану, мен қанақаман... бундан ташқари, – деб илова қилди у ўз далилларининг кучлилигини, Доллиники эса кучсизлигига қарамай, бу нарсанинг яхши эмаслигига ҳар ҳолда тан бераётгандек қилиб гапирди, – шу муҳим томонини ҳам эсдан чиқармагинки, мен сенинг аҳволингдаги сингари аҳволда эмасман. Сенинг олдинда, бундан кейин бола кўрмасликни хоҳлайманми-йўқми, деган масала турса, менинг олдимда бола кўришни хоҳлайманми-йўқми, деган масала туради. Бунинг фарқи жуда катта. Билгин

ахир, мен шу аҳволимда бола кўришни асло хоҳла-майман.

Дарья Александровна эътироз қилмади. У ўзининг Аннадан жуда узоқлашиб кетганини, ораларида ҳеч қачон келиша олмайдиган, шунинг учун офизга олинмагани маъқулароқ бўлган талай-талай масалалар турганини бирдан сезиб қолди.

XXIV

– Шунинг учун ҳам, иложи бўлса аҳволингни тузатиш ҳаракатига тушганинг маъқул, – деди Доли.

– Ҳа, иложи бўлса, – деди Анна, бирдан тамоман бошқа, сокин, ғамгин товуш билан.

– Наҳотки талоқ хатини олишнинг иложи бўлмаса? Эринг рози эмиш-ку.

– Доли! Бу тўғрида асло гапиргим йўқ.

Дарья Александровна Аннанинг юзида пайдо бўлган изтироб аломатларини сезиб, апила-тапил:

– Хўп, гапирмаймиз, – деди. – Бу нарсани уйлаганда дилинг қон бўлиб кетади. кўриб турибман.

– Менми? Тирноқча ҳам. Жуда шод, жуда мамнунман. Кўрдинг-ку, *je tais des passions*¹ Весловский...

– Ҳа, ростини айтсам, Весловскийнинг қилиқлари менга ёқмади, – деди Дарья Александровна, гапни бошқа ёққа буриш мақсади-да.

– Э, парвойимга ҳам келмайди! Фақат Алексейнинг қитирига тегади холос; лекин қип-қизил ёш бола, «гаҳ» десам қўлимга қўнади; биласан-ку, бундайларни қўлимда кўғирчоқ қилиб уйнайман. Бу нима-ю, сенинг Гришанг нима... Доли! – Анна бирдан гапни эски томонга буриб юборди, – сен менга дилинг қон бўлади, дединг. Тушунолмайсан-да. Аҳволим сен тушунадиган даражадан баттар, даҳшатли. Шунинг учун қарамасликка тиришаман.

¹ Муваффиқиятларим чакки эмас (франц.).

– Аммо, менингча, қараш керак. Қўлингдан келган ҳамма нарсани қилишинг керак.

– Қўлимдан нима келади? Ҳеч нима! Сен мени Алексейга тег дейсан, мен бўлсам буни хаёлимга ҳам келтирмайман. Ҳайламайман ҳам! – деб такрорлади-ю, юзига қип-қизил ранг югурди. Ҳўридан туриб, кўкрагини ростлади. Оғир хўрсинди, кейин енгил одимлар билан хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади, фақат ора-сира тўхтаб-тўхтаб қўяр эди. – Ҳайламайманми, а? Ҳайламаган ва Ҳайлаганим учун Ҳўзимга таъна қилмаган бирон куним, бирон соатим йўқ. Чунки бу тўғридаги Ҳўларим мени жинни қилиши мумкин. Жинни қилиши мумкин, – деб такрорлади. – Шу нарсаларни Ҳўлаган куним морфинсиз ухлаёлмайман. Ҳўп, яхши. Бафуржа гаплашайлик. Менга талоқ хатингни ол, дейишади. Аввало, у бермайди. Ҳўзир у графиня Лидия Ивановнанинг таъсирида юрибди.

Дарья Александровна юзини Ҳўтириб у ёқдан бу ёққа юриб турган Аннага дардманд-хайрихоҳ бир назар билан Ҳўтирган еридан қараб-қараб қўярди.

– Ҳўракат қилиб кўриш керак, – деди секингина Долли.

– Ҳўракат қилиб кўрдик ҳам, дейлик. Бу нима деган сўз? – деди Анна, минг марталаб Ҳўланган, ёд бўлиб қолган фикрини айтаётгандек. – Бу шу деган сўзки, мен, яъни уни кўришга кўзи йўқ бўлса ҳам, яна Ҳўзини унинг олдида айбдор ҳисоблаган бир киши (уни олижаноб одам деб ҳисоблайман), яъни мен Ҳўзимни хор қилиб унга хат ёзаман... хайр, мен Ҳўзимни зўрлаб бўлса ҳам хат ёздим, дейлик. Унда ё ҳақоратомуз жавобини оламан ё розилигини. Ҳўп, розилигини олдим ҳам, дейлик... – Анна шу маҳал уйнинг нариги бурчида эди, дераза пардасини бир нима қилиб туриб тўхтади. – Розилигини олдим ҳам, дейлик, хўш, Ҳўр... Ҳўрлим нима бўлади? Ҳўрлимни мен-

га беришмайди-ку! Ахир у мен ташлаб кетган отаси олдида мендан нафратланиб ўсади-ку! Тушунгин ахир, икковини, яъни Серёжа билан Алексейни баравар севаман, ҳатто ўзимдан, жонимдан ортиқ севаман.

Анна бўлма ўртасига келди-да, кўксини қўллари билан эзиб туриб Долли қошида тўхтади. Оқ, нафис кўйлақда қомати айниқса зўр, сумбатли кўринарди. Бошини қуйи солиптирди-да, парпираб турган нам кўзлари билан ямоқ тушган кофточкаси ва каллапўшида мунғайиб, ҳаяжонидан дағ-дағ титраб ўтирган кичкина, озгин, ғариб Доллига ер остидан қаради.

– Мен фақат шу икки одамни севаман, бирини десам, иккинчисидан маҳрумман. Мен уларни бир-бирига қовуштиролмайман, ҳолбуки менга шуниси зарур. Агар қовуштиролмасам – у вақтда менга икки дунё бир қадам. Ахир бир йўли билан тугаб кетар бу нарсалар, шунинг учун бу тўғрида гапиришга ожизман, гапиришни ёмон кўраман. Шундай қил: менга таъна қилма, мени бирон тўғрида қоралама. Менга азоб бераётган нарсаларни сен ўзингнинг пок қалбинг билан тушунишга ожизсан.

Анна яқин келиб Долли ёнига ўтирди-да, гуноҳкор кишидек, юзига тикилиб қўлидан ушлади.

– Нималар ўйлайсан? Нималарни ўйлайсан менинг тўғримда? Мендан нафрат қилма. Мен нафратга арзимамайман. Ҳа, мен шундай бахти қароман. Агар дунёда бирон бахти қора, шўрпешона бўлса – ўша мен, – деди-ю ҳасрат билан, юзини Доллидан ўтириб, йиғлаб юборди.

Долли, ёлғиз қолгандан кейин Аллоҳга муножот қилиб, ухлагани ётди, Анна ўзи билан гаплашиб турган пайтда унга ич-ичидан куйиб раҳми келган эди; аммо ҳозир уни ўйлашга ўзини мажбур қилолмади. Уйи ва болалари тўғрисидаги хотиралари

жуда бошқача, ўзи учун тамоман янги бир латофат ва аллақандай янги нур, ёғду ичида кўз ўнгига кела бошлади. Ўз уйи, ўлан тўшаги унга ҳозир шу қадар азиз, шу қадар ширин кўриниб кетдики, унинг ташқарисида бир кунини ҳам ўтказишни хоҳламай қолди, эртага мутлақо жўнаб кетишга қарор қилди.

Бу орада Анна кабинетига қайтиб кириб қадаҳни олди-да, асосий қисмини морфий ташкил қилган доридан бир неча томчи оқизиб ичди, кейин бир неча фурсат қимир этмай ўтиргандан сўнг ўзини босиб олиб, кўнгли шод ҳолда ётовига кириб кетди.

Ётовига кирганда, Вронский унга разм солиб қаради. Анна Доллининг бўлмасида узоқ қолиб кетгани учун, у билан шу ҳақда гаплашган бўлиши керак эди. Ҳозир унинг чеҳрасидан ўзига маълум бўлган ўша гапларнинг изини қидирарди. Аммо гоҳ ҳаяжонли, гоҳ босиқ кўринган ва ниманидир яшириб турган чеҳрасидан, гарчи ўзига маълум бўлса ҳам, лекин ҳамон ўзини асир қилувчи гўзалликдан бошқа нарсани тополмади; Аннанинг ўзи ҳам гўзаллигини англар, Вронскийга таъсир қилишни хоҳларди. Вронский улар нима тўғрида гаплашганларини ўзи ёрилар деган умид билан сўрагиси келмади. Аммо Анна фақат шу сўзларнигина айтди:

– Долли сенга ёққани учун хурсанд бўлдим. Тўғрими?

– Эй, Доллини анчадан бери биламан-ку. Назаримда, жуда меҳрибон, *mais excessivement tette-tette*.¹ Шундай бўлса ҳам, келганидан жуда хурсандман.

Вронский Аннанинг қўлини ушлаб, кўзларига савол назари билан тикилди.

Анна, бу тикилишни бошқача тушуниб, кулимсираб қўйди.

¹ лекин жуда тўпори (франц.).

Эртасига эрталаб, уй эгаларининг ялиниб-ёлвориларига қарамай, Дарья Александровна йўл тараддудига тушди. Левиннинг кучери ўзининг эски кафтанида, почта аравасини ҳайдовчилар киядиган шляпасида, ҳар хил рангли отлар қўшилган, қанотлари ямалган коляскасини қовоқларини солган ҳолда дадил ҳайдаб, қум сепилган усти ёпиқ дарвозахонага кириб борди.

Княжна Варвара ҳамда эркаклар билан хайр-маъзурлашишдан Дарья Александровнанинг таъби хира бўлди. Бир кун тургандан сўнг ўзи ҳам, уй эгалари ҳам бир-бирларига муносиб эмасликларини, шунинг учун тезроқ ажралиб қўя қолиш маъқуллигини сеза бошлади. Ёлғиз Аннагина ҳамда қолди. Анна Долли келгандан кейин юрагида уйронган ҳисларни энди, Долли кетгач, ҳеч ким безовта қилолмаслигини биларди. Бу ҳисларни уйротиш, безовта қилиш – Анна учун жон оғриғидай гап эди, шундай бўлса ҳам бу ҳислар бағрининг энг азиз парчаси эканлигини ва шу тарзда ҳаёт кечирганда бағрининг ана шу парчасини жуда тез эт қолаб бораётганлигини биларди.

Далага чиқишгандан кейин Дарья Александровна ўзини енгил ҳис этиб, шу қадар ҳузур қилдики, хизматкорлардан Вронскийни ёққанми-йўқлигини сўрагиси келиб кетди; лекин у сўрашга улгурмай, Филиппнинг ўзи гап очиб қолди:

– Бойликка-ку бой экан-а, лекин сулини атиги уч ҳовучдан беришди. Хўроз чақирмай, отлар сулини пок-покиза ялаб юборишди. Уч ҳовуч нима деган нарса? Тиши орасида йўқ бўлиб кетади. Ҳозир деҳқонларда сулининг нархи қирқ беш тийин. Биз бўлсак, келган одамларнинг отига еганича берамиз.

– Хасис бой экан, – деб контора хизматчиси ҳам тасдиқлади.

– Қалай, отлари ёқдимми сенга? – деб сўради Долли.

– Отларига тараф йўқ! Ем-хашаги ҳам жойида. Билмайман, сизга қандай бўлди-ю, лекин менинг юрагим сиқилди, Дарья Александровна, – деди у чиройли, меҳрли юзини Доллига ўгириб.

– Ҳа, меники ҳам сиқилди. Қалай, кечгача етиб бора олармиканмиз?

– Етиб бориш керак.

Дарья Александровна уйга етиб келиб, ҳамманинг соғу саломат, вақти хуш эканини билганидан кейин қилган сафарини, ўзини яхши кутиб олишганини, Вронскийлар ҳаётининг ҳашаматини, дидлари яхши эканини, уларнинг айш-ишратларини жуда зўр иштиёқ билан ҳикоя қилиб берди; лекин уларга қарши ҳеч кимни бир оғиз ҳам гапиртирмади.

– Уларнинг дилбарликларини, хушмуомалаликларини англаш учун Анна билан Вронскийни билиш керак – мен Вронскийни ҳозир жуда яхши билиб олдим, – деярдн Долли; у ерда ҳис қилган нохушлик ва ноқулайлик туйғуларини эсидан чиқариб, энди тамоман самимият билан гапирарди.

XXV

Вронский билан Анна, талоқ хатини олишга ҳеч қандай чора кўрмасдан, яна ўша эски аҳвол ва шароитда бутун ёзни, кузнинг ҳам бир қисмини қишлоқда ўтказди. Улар ҳеч қаерга бормаймиз, деб келишиб олишган эди; лекин ўзлари ёлғиз турган сари, айниқса куз палласида, меҳмонсиз қолган кезларида бу тариқа ҳаёт кечирришга чидаёлмасликларини, буни ўзгартириш зарурлигини ҳис қилиб қолдилар.

Турмушлари шундай ширин эдики, назарларида, бундан яхшисини умид қилиб бўлмасди; еганлари олдида, емаганлари орқада, саломатликлари

жойида, чақалоқлари баррида, иккаласининг ҳам машғулоти бор. Анна меҳмонларсиз ҳамон ўзи билан машғул бўлар, жуда кўп романлар, расм бўлган жиддий китоблар ўқир эди. Чет эллардан олиб турадиган газеталар ва журналларда мақталган ҳамма китобларни ёздириб келтирар, кейин бу китобларни ёлғиз қолган одамга хос зўр диққат ва эътибор билан ўқиб чиқарди. Булардан ташқари, Вронский машғул бўлган нарсаларни ҳам китоблардан ва махсус журналлардан ўқиб, ўрганиб борарди, шунинг учун Вронский агрономия, архитектура, ҳатто баъзан от заводлари ҳамда спорт масалалари билан тўғридан-тўғри Аннага мурожаат қилаверарди. Вронский унинг билимига, муҳофазасига ҳайрон бўлар, дастлабки пайтларда гумонсираб, далил талаб қиларди; Анна ҳам у сўраган нарсани китобдан топиб кўрсатарди.

Касалхона масаласи ҳам Аннани қизиқтирарди. У фақат ёрдам қилибгина қолмай, кўп нарсани тўғрилар, ўзи ўйлаб топарди. Лекин энг асосий машғулоти – ўзи эди – Аннанинг ўзи, Вронский учун қанчалик қадрли, Вронский баҳридан кечган нарсаларнинг ўрнини қанчалик боса олар эканман, деган масала эди. Анна ҳаётнинг бирдан-бир мақсади бўлиб қолган бу нарсани, яъни фақат Вронскийга ёқишгина эмас, унга хизмат ҳам қилиш тилагини Вронский қадрларди, аммо шу билан уни ўраб олиш ҳаракатида юрган Аннанинг севги тўрлари орасида қийналарди ҳам. Вақт қанча кўп ўтган сари, ўзини шу тўр билан қанча ўралганини кўрган сари, бу тўрдан қутулиш эмас, бу, тўр эркига халақит бераётганми-йўқлигини текшириб кўриш истаги ҳам шунча кучайиб борарди. Эркин бўлиш истаги ана шу тахлитда кучайиб бормаса, шаҳарга, съездга, пойгага бориш керак бўлган пайтларнинг ҳар бирида жанжал чиқмаса, Вронский ҳаётдан

тўла мамнун бўлган бўлар эди. Ўзи танлаган роль, яъни рус аристократиясининг моягини ташкил қилиш керак бўлган бадавлат заминдорлик роли дидига тўла-тўқис ёқиб қолган, шу билан бирга, ҳозир ярим йилча шундай яшагандан кейин бу нарсаси хурсандлигига яна хурсандлик кўшар эди. Иши ҳам уни тобора ўзига жалб қилиб, яхши юришиб борарди. Касалхона, машиналар, Швейцариядан олдириб келган ситирлар, яна бошқа кўп нарсалар жуда-жуда кўп пулга тушганига қарамай, давлатини исроф қилмаётганига, аксинча, орттираётганига амин эди. Гап даромад устида, ёғоч, ғалла, юнг сотиш, ерни ижарага бериш устида кетаётганда, Вронский қаттиқ туриб олар, нарх-навони маҳкам тутиб турар эди. Катта хўжалик ишларида, мана шу ва бошқа мулкларида, таваккалчиликка бормамай, энг оддий йўлни тутар, майда-чуйда рўзгор харажатларини ниҳоятда тежар, ҳисобли иш олиб борарди. Ул-буларини сотиб олишга ундаб, ҳар қандай ҳисоб-китобни олдин катта қилиб кўрсатишга, кейин эса ўйлаб кўриб, арзонроққа олиш мумкинлигини, бундан катта фойда чиқишини топган кишига ўхшаб кўринишни истаган немиснинг барча ҳийлакорлиги ва эпчилигига қарамай, Вронский, унинг найрангларига учмас эди. Вронский иш бошқарувчининг гапларини эшитиб, сўраб-суриштириб, чет эздан олиб келинадиган ёки шу ернинг ўзида қилинадиган нарсаларнинг Россияда ҳали маълум бўлмаган, одамларда ҳайрат уйрота оладиган энг янги нарсалар эканига ишонгандан кейингина сотиб олишга рози бўларди. Бундан ташқари, қўлида ортиқча пул бўлгандагина катта сарф-харажатларга рози бўлар, бу сарф-харажатларни қилиб туриб, энг майда икир-чикирларгача ҳисобга олар, харид қиладиган нарсаси энг яхши нарсалар бўлишини талаб қиларди. Ишни қай тахлитда олиб бораётта-

ниданок, бойлигини исроф қилиш у ёқда турсин, ошириб бораётгани равшан эди.

Октябрь ойида Кашин губерниясида дворянлар сайлови бўлди: у ерда Вронский, Свяжский, Кознишев, Облонскийларнинг мулклари, Левиннинг эса кичкинагина жойи бор эди.

Бу сайлов кўп сабабларга биноан ва унда иштирок қилган шахсларга қараб, афкор оммани ўзига жалб қилган эди. Бу сайлов тўғрисида кўп гаплар бўлган ва катта тайёргарликлар кўрилган эди. Бунақа сайловни кўрмаган москваликлар, петербургликлар ва чет эл кишилари сайловни кўргани келишди.

Вронский Свяжскийга сайловга бораман, деб қачонлари ваъда қилиб қўйган эди.

Свяжский Воздвиженскийга тез-тез келиб-ке-тиб турарди; сайлов олдидан у яна Вронскийдан хабар олгани келди.

Свяжский келмасдан бир кун олдин шу сафар туфайли Вронский билан Анна ўртасида гап қочиб, уришиб қолаёзишди. Қишлоқда одамни хун қилиб юборадиган энг оғир йил палласи куз бўлади; шунинг учун Вронский курашга бел боғлади-ю, сайловга кетаётганлигини совуққина қилиб айтди; Анна билан у ҳеч маҳал шундай совуқ гаплашмаган эди. Аммо Анна бу хабарни тамоман вазмин туриб эшитди, фақат қачон қайтишини сўради; бу ҳол Вронскийни ҳайрон қолдирди. Вронский Аннанинг бу вазминлигига тушунолмади, юзига диққат қилиб қаради. Анна унинг кўзларига қараб кулимсираб қўйди. Вронский Аннанинг дардини шундай яшириш одатини билар, Анна ўз режаларини айтмай, ўзича бир қарорга келгандагина шундай вазмин бўлиб қолишини ҳам биларди. Вронский бу нарсдан кўрқарди; у жанжал чиқишини шу қадар хоҳла-масдики, ўзи ишонгиси келган нарсага - Аннанинг

андишалилигига ўзини ишонаётганга солди, чин кўнгли билан бир оз ишонди ҳам.

- Зерикиб қолмассан деб умид қиламан.

- Умид қиламан, - деди Анна. - Кеча Готьедан бир яшик китоб олдим. Йўқ, зерикмайман.

«У ўзини шундай тутиш фикрига тушибди, яна яхши, - деб ўйларди Вронский, - бўлмаса ҳамма вақт ўша можаро-можаро».

Шундай қилиб, Вронский Аннани бақамти гаплашишга мажбур қилмай, сайловга жўнаб кетди. Улар алоқа боғлашгандан бери бу биринчи марта ораларини очти қилмай кетиши эди. Бир томондан, бу нарса Вронскийни хавотир қилар, иккинчи томондан эса, у шундай бўлгани яхши деб ўйларди. «Олдин ҳозиргидақа ноаниқ, яширин дардга ўхшаб кўриниб туради, кейин ўзи ҳам ўрганиб кетади. Ҳар ҳолда ҳамма нарсамни унга беришим мумкин, лекин ўзимнинг эрлик мустақиллигимни эмас», деб ўйларди Вронский.

XXVI

Сентябрда Левин Москвага кўчиб тушди: Кити ўша ерда кўз ёриши керак эди. У Москвада бутун бир ой ишсиз юрди; ана шу кунларда Кашин губерниясида мулки бўлган ва келажак сайловлар масаласида қизгин иштирок қилиб келган Сергей Иванович сайловга жўнаш тараддудига тушиб қолди. Укасини ҳам бирга боришга таклиф қилди; чунки укасининг Селезневский уезди бўйича сайлов соққаси бор эди. Бундан ташқари, Левиннинг чет элда турадиган опасининг Кашинда жуда зарур иши бор эди; бу - васийлик ва ер ижарасининг ҳақини ундириш тўғрисидаги иш эди.

Левин ҳамон борсамми-бормасамми деб иккиланиб юрарди, лекин Кити эрининг Москвада зери-

киб қолганини кўриб, боришига маслаҳат берди-да, унга айтмасданоқ, эрига саксон сўмлик дворян мундири буюртирди. Шундай қилиб, Левиннинг боришига сабаб бўлган асосий нарса – ана шу мундир учун тўланган саксон сўм бўлди. Левин Кашинга жўнади.

Левин мана олти кундан бери Кашинда: ҳар куни мажлисларга боради, опасининг ҳеч ўнганмаётган иши орқасидан югуради. Бошлиқларнинг ҳаммаси сайлов билан банд бўлгани учун, васийлик ишига боғлиқ бўлган энг оддий масалани ҳам ҳал қилиб бўлмасди. Иккинчи масала, яъни пулни ундириш масаласи ҳам худди шунга ўхшаш тўсқинликларга учради. Кўп овора бўлгандан кейин пулни бермаслик тўғрисидаги тақиқни бекор қилдирди; лекин ҳар қандай хизматга тайёр нотариус талонни беролмади, чунки раиснинг имзоси керак эди; раис бўлса, ўрнига бировни қўймасданоқ, ўзи сессияга кетиб қолибди. Бутун бу сарғайишлар, бу идора-ма-идора югуришлар арзғўй аҳволининг нохушлигини англаса ҳам, лекин ёрдам қилиш қўлидан келмайдиган ниҳоятда шафқатли, яхши одамлар билан гаплашишлар ҳеч қандай натижа бермайдиган бу оворагарчиликлар, Левинда одамни қийнайдиган, алам қилдирадиган бир ожизлик ҳиссини уйғотарди; бу хил ожизлик ҳисси тушида бировни уролмай алам қилган кишиларда бўлади. Левин ўзининг энг шафқатпарвар вакиллари билан гаплашиб турганда тез-тез шу ҳисга тушиб қоларди. Бу вакил Левиннинг мушқулини осон қилиш учун ўзининг бутун ақлий кучини ишга солаётгандек, қўлидан келган ҳаракатини қилаётгандек кўринарди. «Мана буни қилиб туринг, у ёққа, бу ёққа бориб кўринг», деярди-да вакили қайта-қайта, ҳамма нарсага ҳалақит бериб турган ўша машъум касофатдан қутилиш режасини туза бошларди. Аммо ўша соати:

«Йўқ, ҳар ҳолда тўхтаб туриш керак. Майли, уннаб кўринг», деб такрорларди. Шундан кейин Левин уннаб кўрар, юрар, қатнардди. Учраган одамларнинг ҳаммаси хушмуомала, шафқатли одамлар эди, аммо ишим битди деганда яна тўсиқ пайдо бўларди. Левин ким билан курашаётганини, иши орқага сурилганидан ким манфаатдор эканлигини ҳеч англамас, бу эса уни қаттиқ хафа қиларди. Назарида, бу сирни ҳеч ким билмайдигандек кўринарди; вакили ҳам билмасди. Агар Левин бу нарсани ҳам, темир йўл кассасига фақат навбат билангина келиш мумкинлигини англаганидек англаган бўлса эди, унда алам ҳам қилмасди, хафа ҳам бўлмасди; аммо иши юзасидан учраб турган тўсқинликларни, уларнинг нимага кераклигини Левинга ҳеч ким уқтириб беролмасди.

Аммо Левин уйлангандан бери анча ўзгариб кетган – сабру тоқатли бўлиб қолган эди; агар ҳозир бу нарсаларнинг нимага кераклигини тушунмаётган бўлса, ўзим билганимдан кейин бир нарса дейишим яхши эмас, эҳтимол, шундай бўлиши қаракдир, деб ўйларди-да, жаҳдини чиқармасликка тиришар, ўзини босарди.

Сайловга келиб, ўзи ҳам қатнашиб турган ҳозирги пайтда у ҳурмат қилган яхши одамлар шу қадар жиддий ва тиришқоқлик билан жон куйдириб машғул бўлаётган ишни ҳам қораласликка, кўп талашмасликка, балки уни тушунишга ҳаракат қиларди. Илгарилари сайлов ишларига енгилтаклик билан қараб келгани учун сайлов унга жуда бачкана, майда масала бўлиб кўринарди; уйлангандан кейин эса сайловнинг жуда кўп янги, жиддий томонларини кўрди, энди сайлов ишлари жиддий аҳамиятга эга деб ўйлайдиган ва унинг мазмунини қидирадиган бўлиб қолди.

Сергей Иванович сайловда кўзда тутилган ўзгар-
ришнинг маъно ва аҳамиятини Левинга тушунтир-
ди. Ғоят зўр аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ишлар-
ни – васийлик ишини ҳам (ҳозир Левин азобини
тортиб юрган ўша иш), дворянлардан тўпланадиган
ниҳоятда катта маблағларни ҳам, хотин-қизлар, эр-
каклар ва ҳарбийлар гимназияларини ҳам, янги ни-
зом бўйича халқ маорифини ҳам, ниҳоят, земство-
ни ҳам қонун бўйича ўз қўлида сақлаб келаётган
губерния дворянлар оқсоқоли Снетков – маишати
учун жуда кўп пул сарфлайдиган, эски дворянлик
масалада бўлган, шафқатпарвар, ўзига яраша
виждонли, аммо янги замон талабларини сира ту-
шунмайдиган бир одам эди. У ҳамма вақт, ҳамма
масалада дворянлар тарафини олар, халқ маорифи-
нинг кенгайишига рўй-рост қарши турар, ниҳоят
катта аҳамият касб қилиши керак бўлган земство-
га ҳам дворянлар табақаси характерини бериб ке-
ларди. Унинг ўрнига замона тушунчасига эга бўл-
ган янги, ишчан, тамоман янги бир одамни қўйиб,
ишни шундай олиб бориш керак эдики, дворянлар-
га (улар дворян бўлганликлари учун эмас, земство
унсурлари бўлгани учун) берилган барча ҳуқуқлар-
дан губерния миқёсида ички ишларни мустақил
идора қилиш учун мумкин бўлганича фойда чиқа-
риб олиш зарур эди. Ҳамма масалада бошқалардан
ҳар вақт олдинда борадиган бой Кашин губерния-
сида ҳозир шунча кўп куч тўпланган эдики, агар иш
лойиғича олиб борилса, бошқа губерниялар учун,
бутун Россия учун ибрат бўлиши мумкин эди. Шу
сабабли ҳамма ишнинг аҳамияти зўр эди. Снетков
ўрнига бошлиқ қилиб Свияжскийни ёки Неведов-
скийни қўйиш тахмин қилинарди; эски профессор
Неведовский қўйилса яна ҳам яхши бўларди, чунки
бу кўп ажойиб, ақлли одам ҳамда Сергей Иванович-
нинг қалин ошнаси эди.

Мажлисни губернатор очиб дворянларга қарата сўзлаган нутқида: сайланадиган мансабдорларни юзларига қараб эмас, хизматларига қараб, Ватан саодатини кўзлаб сайлаш керак, дегандан сўнг, олижаноб Кашин дворянлари илгариги сайловлардаги сингари бу сафар ҳам ўзларининг муқаддас бурчларини ҳалол бажаришади ва подшоҳу аъзамнинг юксак ишончларини оқлашади, деб умид билдирди.

Губернатор нутқини тугатгандан сўнг залдан чиқиб кетди; дворянлар ҳам шовиллашиб, гуриллашиб, ҳатто баъзилари қувонишиб орқасидан эргашиб чиқишди-да, губернатор пўстинини кийиб, губерния оқсоқоли билан дўстона гаплашиб турганда атрофини ўраб олишди. Ҳамма нарсанинг тағига етиш, ҳеч бир нарсани кўздан қочирмасликни истаган Левин ҳам шу оломон ичида турган эди; у губернаторнинг: «Лутфан, Марья Ивановнага айтиб қўйсангиз, хотиним етимхонага борадиган бўлгани учун кўп афсус еб қолди», деганини эшитди. Ана шундан кейин дворянлар чақчақлашиб пўстинларини кийишди-ю, жомега жўнашди.

Левин жомеда бошқалар билан баравар қўлларини кўтариб ва пратопоннинг сўзларини такрорлаб, губернатор умид қилган нарсаларни бажаришга энг ваҳимали қасамлар билан онт ичди. Черков ибодати Левинга ҳамма вақт таъсир қиларди, шунинг учун «Ушбу хочни ўпаман» деган сўзларни айтиб туриб, ана шу сўзларни такрорлаётган ёш ва кекса одамлар оломонига қаради-ю, кўнгли эриб кетганини сезди.

Съезднинг иккинчи ва учинчи кунларида дворянлар маблари ва хотин-қизлар гимназияси тўррисидаги ишлар кўрилди; Сергей Иванович бу ишларнинг аҳамияти йўқлигини айтгандан кейин, Левин ўз ишлари билан бўлиб, бу масалаларга эътибор қилолмади. Тўртинчи кун губерния идорасида губер-

ния маблағини ҳисоблаш, текшириш ишлари борди. Ана шу ерда янги партия билан эски партия ўртасида биринчи марта тўқнашув чиқди. Маблағни текшириб чиқиш вазифаси юкланган комиссия маблағнинг бутунлигини мажлисга эълон қилди. Губерния дворянлари оқсоқоли ўрнидан турди-да, ишонч билдирганлари учун дворянларга ташаккур айтиб туриб йиғлаб юборди. Дворянлар гулдураб олқишлагандан кейин, келиб қўлини қисишди. Лекин шу пайт Сергей Иванович партиясига мансуб бўлган дворянлардан бири комиссия губерния дворянлари оқсоқолининг нафсини офритади, деган андиша билан маблағни текширмаган эмиш, деб қолди. Комиссия аъзоларидан биттаси, эҳтиётсизлик қилиб, бу гапни тасдиқлаб қўйди. Шу пайт жуссаси кичкина, юзидан жуда ёш кўринган, лекин тилидан заҳар томиб турган бир жаноб: губерния оқсоқоли маблағ юзасидан ҳисоб берса ҳузур қилса керак эди, аммо комиссия аъзоларининг ноҳўя назокатлари у кишини бу маънавий ҳаловатдан маҳрум қилиб қўйди, деб қолди. Ана шундан кейин комиссия аъзолари ўз хулосаларидан воз кечдилар. Сергей Иванович бўлса: маблағни ё текширилган деб топиш керак ёки текширилмаган деб топиш, деган мушқул муаммони олдинга сургандан сўнг, уни таҳлил қилишга турди. Қарши партиянинг бир маҳмадонаси чиқиб, Сергей Ивановичга қарши гапирди. Сўнгра Свяжский, кейин яна тилидан заҳар томиб турган жаноб сўзлади. Музокара узоқ давом қилди, аммо бирон қарорга келилмади. Бу тўғрида узоқ тортишганларига Левин ҳайрон қолди, айниқса Сергей Ивановичдан маблағни исроф қилганми-йўқлигини сўраганда, Сергей Ивановичнинг:

– Бе! У жуда ҳалол киши. Лекин дворянлар ишини бу тахлит ота меросларча, эскича идора қилиб ке-

лиш усулига зарба бериши керак эди, – деган жавобини эшитиб, Левин яна беш баттар ҳайрон бўлди.

Бешинчи кун уезд дворян оқсоқоллари сайлови ўтди. Шу кун баъзи уездларда шовқин анча зўр бўлди. Селезневск уездида Свияжский муҳокамага қўйиламаёқ бир оғиздан оқсоқол қилиб сайланди ва шу кунидек Свияжский уйида зиёфат берди.

XXVII

Олтинчи кунга губерния сайловлари тайинланган эди. Катта заллар ҳам, кичик заллар ҳам ҳар хил мундирли дворянлар билан тўлиб кетди. Кўп одамлар фақат шу кунга келган эди. Қайси бири Қримдан, қайси бири Петербургдан, қайси бири чет элдан келган, танишларини кўп вақтлардан бери кўрмаган одамлар шу залларда учрашардилар. Губерния столи ёнида, подшо портрети остида музокара борарди.

Катта ва кичик залларда дворянлар ўз тўплари билан юрар, бегона одамлар яқинлашганда ўртала-ридаги гапнинг тўхтаб қолишидан, уларга ишончсизлик, душманлик кўзи билан қарашларидан, баъзиларининг пичирлашиб йўлакнинг бир бурчагига кетиб қолишларидан ҳар бир тўпнинг бошқа тўпдан яширган ўз сири борлиги кўриниб турарди. Дворянлар ўз қиёфалари билан икки типга: эски ва янги типдаги дворянларга ажралиб туришарди. Эски типдагилар кўпинча ё тугмалари қадаб қўйиладиган эски дворян мундирида, ёнларида шпага, бошларида шляпа бўларди ёки ўзларига хос флотча, суворийча, пиёда аскарча тutilган мундирда бўларди. Қари дворянларнинг мундирлари қадимий усулда елкаларига зар уқа қўйиб тикилган эди; бу мундирлар, худди эгалари ўсиб, катта бўлиб қолгандек, кичкина, калта, бели тор келиб қолган эди. Ёшлар

бўлса беллари паст, елкалари кенг, тутмалари очиб қўйилган дворян мундирларида, оқ жилеткаларда ёки қора ёқали ва адлия министрлиги тиктирадиган дафна тамғали мундирда эди. Мажлисга ҳусн бериб, у ер бу ерда кўриниб қоладиган сарой аҳдларига хос мундирлар ҳам ёшлар эғнида учрарди.

Аммо ёшлар билан қарилар тўпига ажралиш – партияларга ажралишни билдирмас эди. Левин мушоҳадасига қараганда, баъзи ёшлар эски партияга мансуб бўлса, аксинча, энг қари дворянларнинг баъзилари Свяжский билан пичирлашиб юришар, демак, булар янги партиянинг энг оташин тарафдорлари эдилар.

Левин кичкина залда, ўз одамлари папирос чекишиб, тамадди қилишиб ўтирган жойда уларнинг гапларига қулоқ солиб турар, бу гапларни ўқиш учун бекорга овора бўлиб диққат билан қулоқ берарди. Сергей Иванович ўз теварагини ўраб олган одамлар марказида эди. У ҳозир Свяжский билан Хлюстовнинг сўзини эшитиб турган эди; Хлюстов уларнинг партиясига мансуб бўлган бошқа бир уезд оқсоқоли эди. Хлюстов ўз уезд дворянлари билан Снетков ҳузурига боришга ва уни ўз номзодини қўйишни илтимос қилишга кўнмаётган эди. Свяжский бўлса уни боришга ундарди; Сергей Иванович ҳам шу режани маъқуларди. Ўзлари туширишмоқчи бўлишган оқсоқолдан яна сайланишини сўраб, душман партиясига бориб мурожаат қилишнинг нима ҳожати борлигини Левин ҳеч тушунолмасди.

Степан Аркадьич ҳозиргина еб-ичиб бўлиб, орзини хушбўй, ҳошияли батист дастрўмолча билан арта-арта улар ёнига келиб қўшилди. Степан Аркадьич эғнида камергерлик мундири бор эди.

У иккала бакенбардини тузата туриб:

– Позиция эғаллаяпмиз денг, Сергей Иванович!
– деди.

Кейин, гапга кулоқ солиб туриб, Свяжскийнинг фикрини қувватлади.

– Битта уезд кифоя, Свяжский бўлса, афтидан, оппозицияга ўтиб олган кўринади, – деди. Бу сўзларга Левиндан бошқа ҳамма тушунарди.

Кейин Левинга юзланиб:

– Сен ҳам, дейман, Костя, мазахўрак бўлиб қолганга ўхшайсан, а? – деди-ю, қўлтиридан олди.

Левин жон-жон деб мазасига тушунишни истарди-ю, лекин қанақа гаплагини ҳеч англаёлмасди. Сухбатлашиб турганлар ёнидан бир неча одим нари кетишгандан кейингина Левин Степан Аркадьичга губерния оқсоқолидан нима учун яна сайланишни илтимос қилиш кераклигига ҳайрон қолаётганини айтди.

– *O saneta simplicitas!*¹ – деди-да Степан Аркадьич, кейин гапнинг нималигини Левинга лўнда қилиб айтиб берди.

Агар ўтган сайловлардаги сингари ҳамма уездлар губерния оқсоқолини сўрашган бўлганда уни оқ соққалар билан сайлашарди. Бу номатлуб эди. Ҳозир эса саккизта уезд илтимос қилишга рози; мабодо иккита уезд илтимос қилишдан бош тортса, Снетков ҳам номзодини қўйишдан бош тартади. Шундай бўлгандан кейин эски партия ўз аъзоларидан бирортасини сайлаши керак бўлади, чунки кўзлаган умидлари пуч чиқиб қолади. Мабодо биргина Свяжскийнинг уезди илтимос қилмаса, бу тақдирда Снетков номзодини қўяди. Уни сайлашади, жўрттага бу вазифани устига олишни илтимос ҳам қилишади: шундай бўлганда қарши партия ҳисобдан адашади, биздан номзод кўрсатилганда, соққаларни шунга келтириб тўкишади.

Левин тушунди, аммо охиригача эмас, яна бир неча савол бермоқчи бўлиб турувди, бирдан одам-

¹ Довдир! (лот.)

лар шувиллашиб, чуғурлашиб катта зал томонга юриб қолди.

Левин ҳар ёқдан:

– Нима гап? Нима? Кимни? – Ишонч қорози? Кимга? Нима? – Рад қиялпти? – Ишонч қорози эмас. – Флеровни қўйишмаяпти. – Нимага, судда бўлгани учунми? – Бундай қилишаверса, ҳеч кимни қўйишмайди. Пасткашлик бу! – Қонун! – деган сўзларни эшитди ва қасққадир шошаётган, ниманидир кўрмай қолишдан қўрқаётган одамлар билан бирга катта залга кирди-да, дворянлар орасида сиқилиб-сиқилиб юриб губерния оқсоқолининг столи яқинига етиб олди; у ерда губерния оқсоқоли, Свяжский ва бошқалар жон куйдириб гап талашаётган эди.

XXVIII

Левин анча узоқда турарди. Ёнида хириллаб нафас олаётган бир дворян билан пойабзалининг қалин таг чармларини вижирлатаётган бошқа бир дворян гапларни аниқ эшитишга халақит берарди. Левин узоқдан фақат оқсоқолнинг мулойим овозини, кейин тилидан заҳар томиб турган жаноб товушини, сўнгра Свяжскийнинг бир нималар деганини эшитди, холос. Левиннинг тушунишича, улар қонун моддаси тўғрисида ва тергов остида бўлган киши сўзларининг маъноси устида талашардилар.

Халойиқ стол томон бораётган Сергей Ивановичга йўл берди. Сергей Иванович, тилидан заҳар томиб турган жанобнинг гапи тугашини кутиб туриб, қонун моддасига бир қараб олсак тўғрироқ бўларди, деди ва котибдан шу моддани топишни илтимос қилди. Моддада ихтилоф чиққудай бўлса, овозга қўйиш кераклиги айтилган эди.

Сергей Иванович моддани ўқиб чиқиб, маъносини тушунтира бошлаган эди, новча, семиз, бир оз

букчайган, мўйловлари бўялган, ёқаси гарданини сиқиб турган тор мундирли бир помешчик бирдан гапни бўлиб қўйди. У столга келди-да, узути билан столни уриб, бақира бошлади.

– Овозга қўямиз! Соққа ташлаб! Гап тамом! Соққа ташлаб!

Шу пайт бирданига бир неча овоз эшитилди, энди узукли новча дворян тобора қизишиб, яна баттар қичқира бошлади. Шундай бўлса ҳам, нима деяётганини уқиб бўлмасди.

У ҳам Сергей Иванович таклиф қилаётган нарсаларни гапираётган эди; аммо, афтидан, Сергей Ивановични ва унинг бутун партиясини ёмон кўрса керак, ундаги бу нафрат сезгиси бутун партиясига таъсир қилди-ю, гарчи бошқалар бирмунча одоб билан гапиришган бўлишса ҳам, бари бир, ана шундай эътирозлар билдирилди. Шов-шув кўтарилди, ҳамма нарса бир зумгина аралаш-қуралаш бўлиб кетди, натижада губерния саркардаси тартиб сақлашни илтимос қилишга мажбур бўлди.

– Овозга қўйилсин! Овозга қўйилсин! Кимки дворян бўлса тушунади. Биз қонимизни тўқямиз ахир... Подшоҳу аъзамнинг ишончи бор ахир... оқсоқолига қулоқ солиш керакмас, у хўжайин эмас... Ҳа, гап унда эмас... Гап шу, соққа ташлаймиз! Пасткашлик бу!.. – ҳар ёқдан ана шундай ғазабли, қаҳрли ҳайқириқлар эшитиларди. Юзлар, кўзлар сўзлардан ҳам қаҳрлироқ эди. Бу юз-кўзларда даҳшатли нафрат бор эди. Левин нима гаплагини сира англамас, Флеров тўғрисидаги фикрни овозга қўйиш керакми-йўқми деган масаланинг шу қадар эҳтирос билан муҳокама қилинишига ҳайрон бўлар эди. Сергей Иванович умумий бахт-саодат учун губерния оқсоқолини амалдан тушириш кераклигини тушунтириб бераётганда айтган асосий фикрини эсидан чиқарган эди; оқсоқолни амалдан тушириш

учун соққа кўпроқ бўлиши керак, соққанинг кўпроқ бўлиши учун эса Флеровга овоз ҳуқуқини бериш керак эди; Флеровга овоз ҳуқуқини бериш учун эса қонун моддасини қандай тушуниш кераклигини изоҳ қилиб бериш лозим эди.

– Битта овоз бутун ишни ҳал қилиши мумкин, агар жамоат ишига хизмат қилишни хоҳласанг, унда жиддий ва изчил бўлишинг керак, – деб Сергей Иванович сўзини тамомлади.

Аmmo Левин акасининг бу гапларини эсидан чиқариб, ўзи ҳурмат қилиб келган бу яхши кишиларнинг бунчалик ҳаяжонга тушиб бўғилишларига раҳми келарди. У бу оғир ҳисдан қутулиш учун, музокара тугагини ҳам кутиб ўтирмай залга чиқиб кетди, у ерда буфет ёнида турган лакейлардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Идиш-оёқларни артиш, лиқобчалар ва қадаҳларни жой-жойига қўйиш билан овора бўлган лакейларнинг тетик, хотиржам юзларини кўриб, Левин худди сассиқ хонадан тоза ҳавога чиққандай, кутилмаган бир енгиллик ҳис этди. Лакейларнинг чеҳраларини кўриб мамнун бўлди, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Мўйсафид бакенбардли бир лакей ҳазиллашиб ўзининг жирига тегаётган бошқа ёш лакейларга қўл сочиқларни тахлаш усулини ўргатиб туриб, уларга нафрат кўзи билан қараб-қараб қўйганини кўрганда, бу нарса Левинга жуда ҳам ёқиб кетди. Левин кекса лакей билан энди гаплашмоқчи бўлиб турганда, губерниянинг барча дворянларини ўз оти ва отасининг оти билан билиш ихтисосига эга бўлган васийлик бўлимининг секретари – ушоққина чол хаёлини бўлиб қўйди.

– Буюрсинлар, Константин Дмитрич, жанобларини акалари излаяптилар, фикрлар овозга қўйиляпти, – деди чол.

Левин залга кириб, оқ соққа олди-да, акаси Сергей Иванович кетидан сайлов столига борди; у ерда

Свияжский соқолларини тутамлаб, ҳидлаб турар, юзида таъсирли киноя аломати бор эди. Сергей Иванович қўлини яшикка суқиб, соққасини алақаерига яширгандан сўнг Левинга жойни бўшатиб бериб, ўзи шу ерда тўхтаб қолди. Левин яшик ёнига келди, аммо нима гаплигини тамоман эсидан чиқариб қўйган эди, шунинг учун уялиб, акаси Сергей Ивановичдан: «Қаерга солай!» деб сўради. Жуда паст овоз билан сўради, бундан ташқари, шу пайт яқинда одамлар гаплашиб туришган эди, шунинг учун ҳам саволимни ҳеч ким эшитмайди деб ўйлаган эди, аммо гаплашиб турганлар бирдан тиниб қолишди-ю, ножўя савол эшитилиб кетди. Сергей Иванович хўмрайиб олди.

– Бу нарса ҳар кимнинг маслағига боғлиқ, – деди у кескин қилиб.

Баъзи бировлар илжайиб қўйди. Левин қизариб, шоша-пиша қўлини мовут тагига суқди-да, соққани ўнг томонга ташлади, чунки соққа ўнг қўлида эди. Соққани ташлаб бўлгандан сўнг, чап қўлини суқиб кераклигини эслаб, дарҳол чап қўлини суқди, лекин вақти ўтган эди, ана шундан кейин яна беш баттар уялиб, тезроқ энг орқадаги қаторларга ўтиб кетди.

«Р» ҳарфини айтолмайдиган котиб:

– Сайлаш фойдасига юз йигирма олти соққа! Сайлаш қаршисига тўқсон саккиз соққа! – деб эълон қилди. Сўнгра кулгилар эшитилди: яшикдан битта тутма билан иккита ёнроқ ҳам чиқибди. Дворянин Флеровга сайлов ҳуқуқи берилди ва натижада янги партия ғалаба қилди.

Шундай бўлса ҳам эски партия ўзини енгилган ҳисобламасди. Левин Снетковдан номзодини қўйишни сўрашаётганларини эшитди, кейин дворянлар оломони бир нима гапираётган губерния оқсоқолини ўраб олганини кўрди. Снетков дворянлар илтимосига жавоб қилиб, дворянларнинг ишонч-

лари ҳақида, уларнинг ўзига бўлган муҳаббатлари ҳақида гапиргандан сўнг, бундай муҳаббатга ўзи муносиб эмаслигини, чунки бутун хизмати дворянларга садоқатдан иборат бўлганини, бу йўлда ўн икки йил хизмат қилганини сўзлади. У гапининг орасида: «Кучимнинг борича инсоф билан ҳалол хизмат қилдим, қадрларингизга етаман, ташаккур етаман» иборасини бир неча бор такрорлади. Ахир томоғига келиб тиқилиб қолган ёшдан нафаси бўғилиб, задан чиқиб кетди. Кўзларига ёш чиқарган нарса – ўзига адолатсизлик қилинаётганини ўйлагани бўлди. Ё дворянларга бўлган муҳаббати ёки бўлмаса, ўзи тушиб қолган аҳволнинг танглиги ва ё душманлар қуршовида қолганини сезиб тургани бўлди, ҳар ҳолда, бошқаларга ҳам ҳаяжонининг нуқси урди, дворянларнинг кўпчилиги таъсирланди, Левиннинг ҳам Снетковга раҳми келиб кетди.

Губерния оқсоқоли эшикдан чиқишда ўзини Левинга уриб олди.

- Ия, кечиринг, хафа бўлмайсиз-да, – деб бу нотаниш одамга дарров уэр билдирди; аммо юзига қараб Левинни таниди-да, ҳайиқиб кулимсираб қўйди. Левиннинг назарида, у бир нима демоқчидай туюлди-ю, лекин ҳаяжонидан ҳеч нима дея олмади. Мундир ва қизил жиякли оқ шим кийган, хочлар таққан қомати ҳамда юзининг ифодалари, шошиб-пишиб юриши – буларнинг ҳаммаси Левинга иши хароб эканлигини кўрган қуврин жониворни эслатди. Оқсоқолнинг юзидаги бу ифода Левиннинг юрагини эзиб юборди, чунки кечагина васийлик иши билан уйига борганда бу меҳрли, болажон кишини бутун улувворлиги билан кўрган эди. Эски мебеллар қўйилган катта уй; олифта бўлиш у ёқда турсин, кир-чир, аммо ҳурматнавоз қари лакейлар (хўжайинларини ўзгартиришни хоҳламай қолган эски крепостной деҳқонлар бўлишса керак); боши-

да каллапўш ва туркона шолрўмол бўлган қизининг қизини, яъни ширингина неварасини эркалатиб ўтирган семиз, меҳрибон хотини; гимназиянинг олтинчи синфида ўқиб, ҳозир уйга келган ва отаси билан кўришиб туриб, отасининг йўгон қўлини ўпган азамат ўғли; уй эгасининг таъсирчан, мулойим сўзлари ва ҳаракатлари – буларнинг ҳаммаси кеча Левинда беихтиёр ҳурмат ва хайрихоҳлик уйротган эди. Бу чол ҳозир Левинга яриб ва аянч кўриниб кетди. У ҳозир чол кўнглини кўтарадиган бирон нарса айтишни истар эди.

– Демак, яна саркардамиз бўлиб қолдингиз-да? – деди Левин.

Чол чўчиб қайрилиб қаради-ю:

– Қайси гўрда, – деди. – Чарчадим, қариб қолдим. Мендан кўра лойиқроқ ёшроқ одамлар хизмат қилишсин, майли.

Шу сўзлардан кейин оқсоқол ён эшикка кириб юйиб бўлди.

Энг тантанали дақиқа келди. Дарҳол сайлов бошлаш керак эди. Ҳар иккала партиянинг саноқчилари оқ ва қора соққаларни бармоқлари билан санашарди.

Флеров устидаги мунозара янги партияга Флеровнинг соққасинигина эмас, яна вақт ютуғини ҳам берган эди: чунки эски партиянинг найранги билан сайловга қатнашиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолган учта дворянни ҳам олиб келиш мумкин бўлди. Бу дворянлардан иккитасини, ичкиликка ўч бўлганлари учун, Снетковнинг одамлари ичириб маст қилиб қўйишган, учинчисининг эса мундирини олиб кетиб қолишган эди.

Янги партия бу воқеалардан хабар топди-ю, Флеров масаласи муҳокама қилиб турилган пайтда дворянга мундир кийдириб келтириш ва маст қилиб қўйилган дворянлардан биттасини мажлиста олиб келиш учун дарҳол извошда одам юборди.

Мастларни келтириш учун борган помешчик Свяжскийнинг ёнига келиб:

– Биттасини устига сув қуйиб, олиб келдим, – деди. – Булаверади, ярайди.

– Қаттиқ маст эмасми? Йиқилиб-нетиб кетмайдими? – деб сўради Свяжский бошини чайқаб.

– Йўқ, бардам. Ишқилиб, мана шу ерда ичиришиб қўйишмаса бўлди... Буфетчига тайинладим: ҳеч бир йўсин билан ичкилик берманглар деб.

XXIX

Одамлар папирос чекишиб, тамадди қилишиб турган тор зал дворянлар билан лиқ тўла эди. Ҳаяжон, ҳовлиқиш дам сайин кучайиб борар, ҳамманинг юзида бесаранжомлик сезилиб турарди. Айниқса бутун тафсилотдан ва соққаларнинг ҳисобидан хабардор бўлган саноқчилар кўпроқ ҳаяжон ичида эди. Келажак жангнинг фармонбардорлари шулар эди. Бошқалар эса жанг олдидаги оддий аскарлар сингари жангга тайёргарлик кўришаётган бўлсалар ҳам, ҳозирча кўнгилхушлиги билан овора эдилар. Бири тикка туриб ё стол ёнига ўтириб тамадди қилар; бошқаси оғзида папирос билан узун хонада у ёқдан бу ёққа юриб, узоқ вақтлардан бери кўрмаган ошнаси билан гаплашарди.

Левиннинг ҳеч нарса егиси ҳам келмас, у чекмас ҳам эди; ўз яқинлари, яъни Сергей Иванович, Степан Аркадьич, Свяжский ва бошқалар билан топишиб олиб, овқат егиси келмасди, чунки уларнинг қизин суҳбатларида шталмейстер мундиридаги Вронский ҳам қатнашаётган эди. Левин уни кеча сайловда кўрган ва учрашмаслик учун ўзини эҳтиёт қилиб юрган эди. У дераза ёнига келди-да, атрофига кўз югуртириб, теварагида нималар тўғрисида гаплашаётганига кулоқ солиб ўтирди. Унинг юраги

раш эди, чунки ҳамма ниманингдир гами, ташвиши билан машғул бўлиб, у ёқдан бу ёққа югуриб юрса-ю, бир ўзи ёнига келиб ўтирган эски флотча мундирли, қариб-чириган, лабларини чапиллатиб гапирадиган бир тишсиз чол билан бекор, бемароқ ўтирса!

– Бу шунақа расво! Мен айтдим, кўнмади-да. Таваба! Уч йилда ҳам бунча йиғолмасди! – Бўялган сочлари мундирининг каштали ёқасига тушиб ётган, бир оз букчайган ўрта бўйли помещчик, афтидан, махсус сайловга кийиб келган янги этикларининг пошналарини ерда тўқ-тўқ уриб, қайнаб гапирди. Кейин, Левинга норози бир назар ташлаб, шартта бурилиб кетди.

Кичкина помещчик ингичка овоз билан:

– Ҳа, қаллоблик бор, кўриниб турибди, – деди.

Шундан кейин бир семиз генерални ўраб олган бир тўда помещчик тез-тез юриб Левинга яқинлашиб келаверди. Помещчиклар гапларини ҳеч ким эшитмайдиган хилватроқ бир жой қидириб юришган бўлсалар керак.

– Қайси бети билан менга шундай деди-я: гўё мен унинг шимини ўғирла деб буюрган эмишман! Ўзи сотиб ароқ ичган. Унинг князлиги менга бир пул! Бунақа гапни овозига олмасин, бу разиллик!

– Шошманг ахир! Улар моддага асосланишяпти, – деярди иккинчи тўдадагиларнинг бири, – хотини дворян деб ёзилган бўлиши керак.

– Моддаси менга бир чақа! Мен зотини айтялман. Олижаноб дворянлар эмиш, ишониб кўр шу нақаларга!

– Генерал жаноблари, юринг, *fine champagne*¹!

Яна бир тўда одам нимагадир баҳириб-чақириб гапираётган дворян орқасидан эргашиб борарди: маст қилиб қўйилган уч дворяннинг бири шу эди.

¹ коньякка (франц.).

– Мен Марья Семёновнага ҳамиша ижарага бериб юборинг деб маслаҳат бериб келганман, билан-да, фойда кўрмайди, – деярди ёқимли овоз билан, эски генерал штабнинг полковниги мундирида юрган оқ мўйловли помешчик. Левин Свияжский-никида кўрган помешчик шу эди. Левин уни дарҳол таниди. Помешчик ҳам Левинга разм билан қаради, шундан кейин саломлашдилар.

– Жуда соз. Бўлмасам-чи! Жуда яхши эсимдасиз! Бултур Николай Ивановичникида, оқсоқолимизникида кўришганмиз.

– Хўш, хўжалигингиз қалай кетяпти? – деб сўради Левин.

Помешчик Левин ёнида тўхтади-да, тақдирга тан берган кишидек, хотиржам бир қиёфада мутеларча кулимсираб:

– Боягидек, зарар беряпти, – деди. Кейин: – Хўш, сизни бу ёқларга қандай шамол учирди? – деб сўради. – Бизнинг соир d'etat¹да қатнашгани келдингизми? – деди французчани ёмон гапирса ҳам, лекин дона-дона қилиб. – Бутун Россия йиғилди: камергерлар ҳам, оз бўлмаса министрлар ҳам, – дегандан сўнг, генерал билан юрган оқ шимли, камергер мундирли Степан Аркадьичнинг салобатли қоматига ишора қилди.

– Мен дворянлар сайловининг маъносига яхши тушунмайман, бунга иқрор бўлишим керак, – деди Левин.

Помешчик унга қараб қўйди.

– Тушунадиган нимаси ҳам бор эди? Ҳеч қанақа маъноси йўқ. Қулаган, лекин инерция кучи билан ҳаракатни давом эттириб келаётган бир муассаса-да. Қаранг, мундирларнинг ўзиёқ айтиб турибди: мировой судьялар, ўзгармас аъзолар ва шуларга ўхшаганлар мажлиси, аммо дворянларники эмас.

¹ давлат ўзгариши (франц.).

– Бўлмаса ўзингиз нимага келдингиз? – деб сўради Левин.

– Одат бўлиб қолган-да, шу холос. Иннайкейин, алоқани узмаслик керак. Бир томондан, маънавий мажбурият ҳам. Сўнгра, ҳақ гапни айтганда, манфаат ҳам йўқ эмас. Куёвим ўзгармас аъзоликка сайланмоқчи; улар бадавлат одамлар эмас, шунинг учун куёвни ўтказиш керак. Анави жанобларга бу ерда нима бор? – деди, губерния столида гапирган бояги тили заҳар жанобни кўрсатиб.

– Дворянларнинг янги авлодларидан бу.

– Янги бўлса, янгидир. Лекин дворянларнинг янги авлоди эмас. Булар заминдорлар, биз бўлсак помешчиклармиз. Улар ўзларини ўзлари дворян қилиб олишган.

– Ахир буни жони чиққан муассаса деб айтдингиз-ку!

– Жони чиқишга-ку чиққан-а, шундай бўлса ҳам, бунга бир оз ҳурмат билан қараш керак эди-да. Лоақал Снетков... Яхшимизми, ёмонимизми, ҳарқалай, минг йилдан бери яшаб, ўсиб келяпмиз. Биласиз-ку, уйингиз олдига боғча қилмоқчи, ерни текисламоқчи бўлсангиз, кўрасизки, шу ерда юз йил умр қилган бир дарахт ўсиб етибди... У ер бу ери чириб, қариб қолган бўлса ҳамки, янги гулзорингизни деб ўша қари дарахтингизни кесиб ташламайсиз, гулзорингизни шундай режалаштирасизки, оқибатда ўта дарахтдан ҳам фойдаланасиз. Бунақа дарахтни бир йилда вояга етказолмайсиз, – деди помешчик ётиғи билан, кейин дарҳол гапни бошқа ёққа буриб юборди. – Хўш, ўзингизнинг хўжалигингиз қалай?

– Унча яхши эмас. Беш фоизгина.

– Шунақа-ю, лекин ўзингизни ҳисобга олмаяпсиз-да. Сизнинг ҳам бирон қимматингиз бордир ахир? Ўзимдан қиёс олинг. Хўжаликка уринмасдан олдин уч минг сўмлик хизмат даромадим бор эди.

Ҳозир эса, хизматда юрган вақтимдагидан кўпроқ ишлайман-у, сизга ўхшаш, беш фойз фойда кўраман, шунга ҳам худога шукур дейман. Ўзимнинг меҳнатим бўлса бекорга кетади.

– Модомики шунчалик зарар кўрар экансиз, бўлмаса нега бундай қиласиз?

– Нима қилайлик бўлмаса? Одатланиб қолганмиз, шундай қилмасак бўлмайди. Буни қўйиб тулинг, – деди-да помешчик деразага суяниб, кейин яна гапани давом эттирди: – Ўғлимнинг хўжалик ишларига ҳеч иштиёқи йўқ. Олим бўлади шекилли. Шунинг учун, хўжалик ишимни давом эттирадиган ҳеч кимим йўқ, шундай бўлса ҳам уннаб ётасан. Мана шу йил боғ қилдим.

– Ҳа, ҳа, жуда тўғри гап, – деди Левин. – Мен ҳам хўжалигимдан фойда йўқлигини ҳамини сезиб турман-у, яна бари бир уннаб ётаман... Ер олдида қандайдир бурчинг борлигини сезасан киши.

– Мана мен сизга айтиб берай, – деди помешчик сўзини давом қилдириб, – менинг бир савдогар кўшним бор эди. Бирга хўжаликни, боғни айландик. «Йўқ, Степан Васильич, дейди, ҳамма нарсангиз тартибида-ю, лекин, дейди, боғингиз қаровсиз бўлиб қолибди», дейди. Ҳолбуки боғимда тартиб жуда жойида. «Менга қолса, анави липа дарахтини кесиб ташлардим. Ахир минггача липа бор-а, ҳар биттасидан иккитадан яхши лубок¹ чиқади. Ҳозир лубок жуда қиммат. Иннайкейин, липадан иморат-боп ёроқлар ҳам чиқариб олардим» дейди.

– Бу пулга эса чорва ёки арзон-гаров ер сотиб оларди-да, мужикларга ижарага берарди, – бу хил савдолар бошига кўп тушган бўлса керак, – Левин унинг фикрини шу тахлитда кулимсираб туриб тугатди. – Шундай қилиб давлат орттиради. Сиз би-

¹ пустақ.

лан биз бўлсак, боримизни сақлаб, болаларимизга қолдирсак – худого шукур деймиз.

– Уйланибсиз змишми? – деди помещчик.

Левин мағрур бир мамнуният билан:

– Ҳа, – деб жавоб берди. – Ҳа, шуниси ғалати, – деб сўзини давом қилди. – Умрни бекорга ўтказяп-миз, худди қадим замонлардаги пири муғондек ўтни ёндириб ўтирамиз.

Помещчик истехзо билан мийиғида кулиб қўйди.

– Бизнинг орамизда ҳам шунақалар бор, масалан, ошнамиз Николай Иванович ёки граф Вронский (бу киши ҳозир қишлоққа кўчиб келди), булар агрономия саноатини ўстириш пайида юришибди; лекин бу нарса ҳозирча сармойанинг бошига сув қуйишдан нарига ўтмайди, бундан ҳеч қандай наф чиқмайди.

– Менга қаранг, нима учун биз ҳам савдогар сингари иш қўрмаймиз? Боғдаги дарахтларни кесиб лубок қилмаймиз? – деди Левин, ўзини ҳайрон қилган фикрига қайтиб.

– Шунинг учунки, ўзингиз айтгандек, ўтни ёндириб ўтирамиз. Боғни кесишни дворянларга ярашадиган иш деб билмаймиз. Дворянлик ишлари ҳам шу ерда, сайловда ҳал бўлмайди, ўз гўшамизда ҳал бўлади. Нимани қилиш керак, нимани қилмаслик кераклигини биламиз. Ўз табақамизга хос инстинкт билан биламиз. Мужикларни олайлик, бундай разм солиб қарасам: яхши мужик дарров ерни ижарага олишга интилади. Ёмон ер бўлса ҳам, бари бир, олади, ҳайдайди. Бу ҳам ишнинг кўзини билмайди. Тўппа-тўрри зарар.

– Биз ҳам шу-да, – деди Левин. – Сизларни кўрганимдан ниҳоятда хурсанд бўлдим, – деди Левин, ёнларига келаётган Свяжскийни кўриб.

– Сизникида кўришганимиздан бери бу биринчи марта учрашишимиз, – деди помещчик, – ўтириб, гаплашиб қолдик.

Свияжский кулимсираб:

– Янги тартибни роса сўжкандирсизлар? – деди.

– Усиз гап татийдими?

– Юрагимизни бўшатдик.

XXX

Свияжский Левинни қўлатиридан олиб, ўз тўдасига қараб кетди.

Энди Вронскийнинг ёнидан ўтмасликнинг иложи қолмаган эди. У Степан Аркадьич ва Сергей Иванович билан тўрри Левин томонга қараб турган эди.

Вронский қўлини Левинга узата туриб:

– Жуда хурсандман. Чамамда, сизни кўриш ша-рафига... княгиня Шчербацкаяларникида нойил бўлган эдим шекилли, – деди.

– Ҳа, учрашганмиз, жуда эсимда, – деди Левин, лавлагидай қизариб; кейин юзини дарҳол нарёққа ўгириб, акаси билан гаплаша бошлади.

Вронский мийирида бир кулимсираб қўйди; Левин билан гаплашишга иштиёқи йўқ эди шекилли, яна Свияжский билан суҳбатини давом эттирди; аммо Левин акаси билан гаплашиб туриб, тез-тез Вронский томонга қараб қўяр, ҳозирги қўпол муомаламни ювиш учун нима тўғрисида гаплашсам экан, деб боши қотар эди.

Левин Свияжский билан Вронскийга қараб:

– Энди иш кимга қараб турибди? – деб сўради.

– Снетковга. Ё воз кечиши, ёки рози бўлиши керак, – деб жавоб қилди Свияжский.

– Нима қилибди: рози бўлибдими-йўқми?

– Гап шунда-да, ҳаям демайди, йўқ ҳам, – деди Вронский.

– Рози бўлмаса, унда ким сайланади? – деб сўради Левин Вронскийга қараб.

– Ким хоҳласа, – деди Свияжский.

– Сиз хоҳлайсизми? – деб сўради Левин.

Свияжский Сергей Иванович ёнида турган тили заҳар жанобга қўрқа-писа бир қараб олди-ю, хижолат бўлиб:

– Зинҳор, – деди.

Левин гапдан адашганини сезиб:

– Бўлмаса ким? Неведовскийми? – деди.

Лекин бу гап жудаям қизиқ бўлди. Неведовский билан Свияжскийнинг иккови ҳам номзод эди.

– Мен ўлсам ҳам рози бўлмайман, – деди тили заҳар жаноб.

Неведовский – шу киши эди. Свияжский Левинни у билан таништириб қўйди.

– Роса жиғингга тегдими, дейман-а? – деди Степан Аркадьич, Вронскийга кўзини қисиб. – Бу ҳам пойгадай гап. Дов қўйса бўлади.

– Албатта, жиғингга тегади-да, – деди Вронский.
– Ишни бошлаганингдан кейин охирига етказинг келади-да. Кураш! – деди қовоғини солиб.

– Свияжский қандай ишбилармон одам-а! Ўзининг фойдасига ҳал бўлиб қолди-ку.

– Ҳа-да, – деди Вронский паришонхотирлик билан.

Ўртага сукунат тушди: Вронский шу сукунат пайтида қаёққа бўлса ҳам қараши керак эди-да: – Левинга, оёқларига, мундирига, кейин юзига қаради, кўзлари ўзига хўмрайиб қараб турганини сезиб, бирон нарса дейиш мақсадида.

– Бу қандай бўлди: доимо қишлоқда турасиз-у, нима учун мировой судья эмассиз? Эгнингизда мировой судья мундири йўқ, – деди.

Левин дастлаб кўришганда йўл қўйган қўпол муомаласини ювиш учун ҳамма вақт Вронский билан гаплашиш пайида эди, шу сабабли қовоқларини солиб туриб:

– Шунинг учунки, мировой судьяни аҳмоқона бир муассаса деб ҳисоблайман, – деб жавоб қилди.

– Мен бундай деб ўйламайман, аксинча, – деди Вронский, вазмин бир ҳайрат билан.

– Ўйинчок, – деб Левин унинг сўзини бўлиб қўйди. – Бизга мировой судьяларнинг кераги йўқ. Саккиз йил бўлди, ишим тушгани йўқ. Ишим тушган бўлса, фақат расвоси чиқарилди. Мировой судья мендан қирқ чақирим нарида туради. Икки сўмлик ишни деб, ўн беш сўмлик харажатни бўйнимга олишим, адвокат юборишим керак.

Кейин бир мужик тегирмончининг уини ўғирлаганини, тегирмончи уни ўғри қилганда, мужик тухмат қилди деб тегирмончи устидан мировой судьяга арз қилганини сўзлаб берди. Бу гапларнинг ҳаммаси ўринсиз, бемаъни гаплар эди, Левин буни айтаётиб ўзи ҳам сезиб турарди.

– У, жуда аломат-ку! – деди Степан Аркадьич ўзининг ширин табассуми билан жиламайиб туриб. – Қани юринглар, овозга қўйишяпти шекилли...

Шундан кейин тарқалиб кетишди.

Сергей Иванович укасининг ноҳўя ҳаракатини сезиб:

– Ҳайронман, – деди, – ҳар қандай сиёсий андишадан шу қадар маҳрум бўлиш мумкин эканлигига ҳайронман. Биз русларнинг битта камчилигимиз шу. Губерния оқсоқоли – бизнинг душманамиз, сен бўлсанг у билан *ami* *sosnon*¹ ва сайланишини илтимос қиласан. Граф Вронский бўлса... мен уни ўзимга дўст қилолмайман; мени овқатга таклиф қилди, аммо бормайман! Ҳар ҳолда ўз одамимиз, бундай бўлгандан кейин уни душман қилиб олишнинг нима ҳожати бор? Сўнгра, Неведовскийдан номзодини қўйиш-қўймаслигини сўрайсан. Бундай қилинмайди.

– Эй, бу нарсага тушунсам ўлай агар! Бу ҳаммаси бекорчи машмаша, – деди Левин қовоқларини осилтириб.

¹ ориз-бурун ўпишасин (франц.)

– Бекорчи машмаша дейсан-у, ўзинг ҳамма нарсани чатоқ қилиб ўтирасан.

Левин индамади. Кейин катта залга кириб кетишди.

Губерния оқсоқоли ишнинг чаппасидан кетганлигини сезиб турса ҳам, ўз номзодини овозга қўйишни ҳамма сўрамаган бўлса ҳам, яна сайланишга қарор қилди. Зал сукунатга чўмди, секретарь баланд овоз билан гвардиячи ротмистр Михаил Степанович Снетков губерния оқсоқоллигига номзодини қўяди, деб эълон қилди.

Уезд оқсоқоллари соққалар солинган ликобчаларини ўз столларидан губерния столига олиб ўтишди, шундан кейин сайлов бошланиб кетди.

Левин оқсоқол орқасидан акаси билан столга яқинлашганда Степан Аркадьич унга:

– Ўнг томонга ташла, – деб пичирлади. Аммо Левин ўзига тушунтирилган йўлни эсидан чиқариб қўйган эди, шунинг учун: Степан Аркадьич «Ўнг томонга ташла» деб янглишмаганмикан, деб ваҳимага тушиб қолди. Ахир Снетков душман эди-ку! Левин яшикка келганда, соққани қўлида ушлаб турган эди, кейин хато қилганини ўйлаб, яшикка ташлаш олдида соққани чап қўлига ўтказди, шу тахлит чап томонга ташлади шекилли ҳам. Яшик ёнида турган корчалон тирсагининг биргина ҳаракатидан соққанинг қайси томонга ташланганини билиб, ноҳушлик билан юзини тириштирди. У сезгирлигини машқлантириш учун бошқа нарса топмагандек эди.

Ҳамма жим бўлди, шундан кейин соққалар санала бошланди. Сўнгра ёқлаб ташланган ва қарши соққалар миқдорини бир киши эълон қилди.

Оқсоқол кўпчилик овоз билан сайланган эди. Ҳамма ёқда шов-шув кўтарилди, ҳамма ўзини эшикка қараб урди. Снетков пастга тушди, дворянлар ўраб олишиб, табриклай бошлашди.

– Энди тамом бўлдимми? – деб сўради Сергей Ивановичдан Левин.

Сергей Иванович ўрнига Свияжский кулимсираб жавоб қилди.

– Энди бошланяпти. Оқсоқол номзоди соққани кўп олиши мумкин.

Левин бу нарсани ҳам бутунлай эсидан чиқарган эди. Шу масалада алақандай бир нозик томон борлигини ҳозиргина эсига туширди. Лекин бу нозик томоннинг нимадан иборатлигини эслашга тоқати етмади. Юраги сиқилиб, халойиқ ичидан тезроқ чиқиб кетгиси келиб қолди.

Левин ҳеч ким ўзига эътибор қилмагани, ўзи ҳам ҳеч кимга керак эмасдай кўрингани учун одамлар тамадди қиладиган кичкина залга секин чиқиб кетди-ю, яна лакейларни кўриб, анча енгил тортди. Чолакей Левинга овқат таклиф қилган эди, у дарров рози бўла қолди. Луя билан битта котлет еди-да, нагариги бой-бадавлатлар тўғрисида лакей билан бир оз гаплашиб ўтиргандан кейин, дилини хира қиладиган катта залга яна қайтиб киришни хоҳламай, балконларда айлангани кетди.

Балконлар безанган-тузанган хонимлар билан лиқ тўла эди; улар пастдан кўтарилаётган гапларнинг биттасини ҳам эшитмай қолмасликка тиришиб, панжаралардан пастга энгашиб ўтиришарди. Хонимлар ёнида зебо адвокатлар, гимназияларнинг кўзойнак таққан муаллимлари ва офицерлар ё ўтиришар, ёки тикка туришарди. Ҳамма ерда сайловдан, оқсоқолнинг қийналиб кетганидан ва мунозараларнинг яхши бўлганидан гап кетарди; Левин шу ердаги тўдаларнинг бирида акасини мақташаётганини эшитиб қолди. Бир хоним ёнидаги адвокатга:

– Кознишевнинг сўзини эшитганим учун бирам хурсандманки! – деярдди. – Унинг гапини эшитганда оч-наҳорлигинг ҳам билинмайди. Жонга ҳузур!

Қаранг, ҳамма гапи равшан, дона-дона эшитилиб турибди! Лекин сизларнинг судларингизда ҳеч ким бундай гапирмайди. Майдель пича тузукроқ, лекин у ҳам ҳеч қачон бундай чиройли гапирмайди.

Левин панжарадан бўш жойни топди-ю пастга энгашиб, қулоқ сола ва томоша қила бошлади.

Ҳамма дворянлар тўсиқ орқасида ўз уездлари билан ўтиришарди. Зал ўртасида мундирли бир киши туриб, ингичка, лекин баланд овоз билан эълон қилди:

– Губерния дворянлари оқсоқоллигига штаброт-мистр Евгений Иванович Апухтиннинг номзоди овозга қўйилади!

Ўртага чуқур бир сукунат чўкди, кейин заиф, қари кишининг овози эшитилди:

– Қайтиб олди!

– Еттинчи даражадаги чиновник Пётр Петрович Боль овозга қўйилади, – деди яна бояги овоз.

Ёш, чинқироқ товуш эшитилди:

– Қайтиб олди!

Яна ўшандай овоз чиқди, яна ўшандай «қайтиб олди» жавоби эшитилди. Бу машина бир соатча давом қилди. Левин панжарага суяниб олиб, қараб, қулоқ солиб турди. Дастлаб бу нима қилишгани экан, деб ҳайрон бўлди, билгиси ҳам келди; кейин буни билиш мушкул эканлигига қаноат ҳосил қилди-ю, зерика бошлади. Сўнгра одамлар юзида кўрган бу ҳаяжон ва разабларни эслаб, юраги сиқила бошлади: кетмоқчи бўлиб, пастга тушди. Балкон даҳлизидан ўтиб кетаётиб, ўша ерда у ёқдан бу ёққа юриб турган қовоқлари шиш, ғамгин бир гимназия талабасига дуч келди. Зинада эса бир жуфт кишига учради: бири пошналарини тақиллатиб тез-тез юриб чиқаётган хоним, иккинчиси енгил-енгил одим ташлаб келаётган прокурор ёрдамчиси эди.

Левин хонимни ёнидан ўтказиб юбориш учун ўзини четга олиб турганда, прокурор:

– Кечикмайсиз деб айтмабмидим, – деди.

Левин ташқи эшик зинасига келиб, пўстинининг номерчасини жилет чўнтагидан энди олмоқчи бўлиб турган эди, бирдан секретарь келиб ушлаб қолди.

– Марҳамат, Константин Дмитрич, овозингизни беринг, – деди.

Ўлсам ҳам кўнмайман, деб турган Неведовскийнинг номзоди овозга қўйилган эди.

Левин зал эшигига келди: эшик қулф эди. Секретарь тақиллатгандан кейин эшик очилди-ю, кип-қизариб кетган иккита помешчик Левин ёнидан лип этиб ўтиб кетди.

Қизариб кетган помешчиклардан бири:

– Тоқатим қолмади, – деди.

Помешчик орқасидан губерния оқсоқолининг юзи кўрилади. Бу юзда – мадорсиз, қўрқув аломати бор эди.

– Чиқарма деб айтмабмидим сенга! – деди у қорувулга.

– Мен чиқарибманми, саркарда жаноблари!

– Эҳ, худо! – деди-ю, чуқур нафас олиб, губерния бошлиғи, оқ шимли оёқларини ҳоррин-толғин босган, бошини қуйи солинтирган ҳолда зал ўртасидан катта стол томонга қараб юриб кетди.

Мўлжаллангандек, соққаларнинг кўпчилиги Неведовскийга ташланди. Натижада Неведовский губерния оқсоқолигига сайланди. Кўп одамлар вақтичор бўлди, кўп одамлар мамнун бўлди, бахтиёр бўлди, кўп одамлар шоду хуррам бўлди, кўплар норози ва хафа бўлди. Губерния бошлиғи куйиб-ёнди, куйиб-ёнганини яширолмай қолди. Халойиқ съездининг биринчи кунида сайлов мажлисларини очиб берган губернатор орқасидан қандай эргашган бўлса, Снетков сайланганда унинг орқасидан ҳам қандай эргашган бўлса, Неведовский залдан чиқа бошлаганда, уни ҳам ўраб олиб, орқасидан шундай шоду хуррамлик билан эргашиб борди.

Янги сайланган губерния оқсоқоли ва тантана қилган янги партиянинг кўпгина тарафдорларига шу кун Вронский зиёфат берди.

Вронскийнинг сайловга боришига, аввало, қишлоқда зерикиб қолгани, қолаверса, ўз эркига бўлган ҳуқуқини Анна олдида кўрсатиб қўйиши зарурлиги сабаб бўлган эди; бундан ташқари, земство сайловларида Вронский учун жон кўйдирган Свияжскийни уезд оқсоқоллари сайловида қўлаб-қувватлаш, шу билан унинг олдидаги бурчини бажариш ҳам керак эди; булардан ҳам муҳимроғи, ўзи ҳозир танлаб олган дворянлик ва заминдорлик мавқеининг барча бурч ва мажбуриятларини қатъий бажариши лозим эди. Лекин бу сайлов иши ўзини шунчалик қизиқтирар, шунчалик асир қилар, буни шунчалик силлиқ бажарарман, деб ҳеч ўйламаган эди. Вронский дворянлар муҳотида тамоман янги киши эди, лекин, бунга қарамасдан, муваффақият қозонди; дворянлар орасида анча нуфуз орттирдим деб ўйлаши хато эмас эди. Унинг нуфузи ошишига давлати, аслзодалиги кўпроқ сабаб бўлди; Кашинда гуллаб-яшнаб турган банкни таъсис қилган, молия ишлари билан шуғулланиб юрган эски таниши, яъни Ширкав, шаҳарда унга берган ажойиб уйи ҳам, Вронский қишлоқдан олиб келган пазанда ошпаз ҳам, Вронскийга ўртоқ бўлган ва айни замонда Вронский ҳимоя қилиб келган губернатор билан дўстлиги ҳам, ҳаммасидан ҳам кўпроқ – ҳаммага баб-баравар, бир хил, содда муносабатда бўлгани ёрдам қилди; бу муносабат уни кибру ҳавоси баланд деб юрган аксар помешчикларнинг фикрини тез орада ўзгартириб юборди. *A propos de bottes*¹, телбаларча бир жаҳл билан ўзига бир талай қовушмаган бемаъни гаплар-

¹ ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ (франц.).

ни айтиб юборган, Кити Шчербацкаяга уйланиб олган ана шу беандиша жанобни ҳисобга олмаганда, қайси бир дворян билан танишмасин, унинг ўзига тарафдор бўлиб қолаётганини сезиб турарди. Неведовскийнинг муваффақият қозонишида таъсири кучли бўлганини ўзи ҳам кўриб турар, бошқалар ҳам сезиб турарди. Мана энди, ўз уйида, Неведовскийнинг сайланганини дастурхони устида нишонлаб, ўзи танлаган одам туфайли тантана гаштини суриб ўтирибди. Сайлов уни шунчалик қизиқтирдик, пойгада от минари совринни ютиб чиққандан сўнг ўзининг ҳам қатнашгиси келиб кетгани сингари, уч йилгача уйланиб олса, ўзининг номзодини ҳам қўйиш орзусига тушиб қолди.

Ҳозир эса от минар байрами ўтказиларди. Вронский столнинг тўрида, ўнг қўлида эса ёш губернатор, сарой генерали ўтирарди. Ҳаммининг назарида у мажлисларни тантана билан очадиган, нутқ сўзлайдиган ва, Вронский кўриб турганидек, ҳаммада кўр-кўронасига ҳурмат уйғотадиган губерния хўжайини эди; Вронскийнинг назарида эса, пажлар корпусидаги лақаби билан айтилганда бу Маслов Катька эди холос; бу Маслов Катька Вронский олдида уялиб-ийманиб турар, Вронский эса унга *mettre a son aise*¹ ҳаракат қиларди. Чап қўлида ёш, тебранмас, юзидан заҳар томиб турган Неведовский ўтирар, Вронский у билан соддача муомалада бўлса ҳам, аммо ҳурмат қиларди.

Свияжский ўзининг муваффақиятсизлигини писанд қилмай, хушвақт бўлиб ўтирарди. У Неведовский шарафига қадаҳ кўтариб, бу мен учун муваффақиятсизлик эмас, дворянлар эргашиши керак бўлган янги оқимнинг бундан яхшироқ вакилини топиб бўлмасди, шунинг учун ҳар бир виждонли

¹ далда бернишга.

киши ҳозирги ютуқ тарафида бўлди ва оқибат тантана қилди, деди.

Степан Аркадьич ҳам вақтини хушчақчақлик билан ўтказгани ва ҳамма мамнун бўлгани учун хурсанд эди. Шинам дастурхон устида сайлов манзаралари бир-бир эсга олинди. Свияжский оқсоқолнинг йиғи аралаш нутқини кулгили қилиб айтиб бергандан сўнг, Неведовскийга қараб: энди оқсоқол жаноблари маблағни текширишда, кўз ёшларини эмас, бошқа мураккаброқ усулни қўллайдилар-да, – деди. Яна бир ҳазилкаш дворян губерния оқсоқоли бермоқчи бўлган балга пайпоқли лакейлар чақиртирганини, агар янги губерния саркардаси пайпоқли лакейлар билан бал бермаса, уларни энди қайтариб юборишга тўғри келишини айтди.

Овқат устида ҳамма Неведовскийга қараб, нуқул: «Бизнинг губерния оқсоқоли» ва «жаноби олийлари» деб муомала қилиб ўтирди.

Ёш жувонни эрининг фамилияси билан бажонидил «madame» деб атагандек, бу гаплар ҳам орзиларидан тушмас эди. Неведовский бўлса бу лақабга парвосиз эмас, ҳатто ўзини ундан жирканадиган кишига ўхшатиб кўрсатса ҳам, лекин бахтиёр экан ва шу ердагиларнинг ҳаммаси мансуб бўлган янги, либерал муҳитга ҳеч ярашмайдиган бир шодлик кўрсатиб юбормаслик учун нўхтасини бўшатмай ўтиргани равшан кўриниб турарди.

Сайлов натижасига қизиқувчи одамларга овқат устида бир неча телеграмма юборилди. Вақти жуда чоғ бўлиб кетган Степан Аркадьич ҳам Дарья Александровнага шу мазмунда телеграмма юборди: «Ун икки соққа билан Неведовский сайланди. Табриклайман. Айтиб қўй». Степан Аркадьич телеграммасини баланд овоз билан айтиб «туриб: «Уларни хурсанд қилиб қўйиш керак», – деди. Дарья Александровна бўлса телеграммани олди-ю бунга кет-

ган бир сўм учун уҳ тортиб, телеграмманинг овқат охирида берилганини англади. У Стиванинг овқат охирида «faire jouer le telegraph»¹ қилиш одати борлигини биларди.

Ажойиб овқатдан тортиб (рус винофурушларидан сотиб олинмай, тўғридан-тўғри чет элдан келтирилган) виноларгача ҳамма нарса қулинг ўргилсин, аломат эди: ҳамма хушвақт бўлиб ўтирди. Свяжский маслақдошларидан, либераллардан, янги арбоблардан, ҳаммалари ниҳоятда сўзга бурро ё боодоб йиғирма кишини тўплаб келган эди. Янги губерния оқсоқоли учун ҳам, губернатор учун ҳам, банк директори учун ҳам, «одамшаванда уй соҳиби» учун ҳам ҳазил аралаш қадаҳлар кўтарилди.

Вронский мамнун эди. Вилоятда шундай дилкашлик бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Овқат охирида кайфлари яна ҳам тарақ бўлиб кетди. Губернатор биродарлар фойдасига хотини томонидан уюштирилган концертга Вронскийни таклиф қилди; хотини Вронский билан танишиш иштиёқида эди.

– У срда бал бўлади, баҳона билан бизнинг гўзалимизни ҳам кўрасан. Жуда ҳам соз бўлади.

Вронский «Not in my lips», деб жавоб берди, у шу иборани яхши кўрарди. Кейин кулимсираб, боришга ваъда қилди.

Ҳамма папирос туташтириб, энди дастурхондан туриш тараддудига тушганда, Вронскийнинг камерденери патнусда хат билан келиб қолди.

– Воздвиженскийдан чопар келтирди, – деди камерденер, маънодор қилиб.

Вронский хўмрайиб хатни ўқиб турганда, меҳмонлардан бири французча қилиб камерденер тўғрисида:

¹ «телеграфдан суинстельмол» (франц.).

² Бу менинг вазифам доирасига кирмайди (ингл.).

– Қизик, бу одам прокурор ёрдамчиси Свентицкийга жуда ҳам ўхшар экан, – деди.

Хат Аннадан келган эди. Вронский хатни ўқимасдан одиноқ мазмунини биларди. Сайлов беш кунда тугар деган тахмин билан жума куни қайтаман деб ваъда қилган эди. Бугун шанба эди, шунинг учун хат мазмуни вақтида қайтмаганлиги учун таъна-ю, кудуратдан иборат бўлишини биларди. Ўзи кеча кечқурун юборган хати ҳали етиб бормаган шекилли.

Хатнинг мазмуни ўзи кутган нарсалардан иборат бўлса ҳам, шакли кутилмаган, айниқса таъбини хира қиладиган эди. «Ани жуда бетоб, доктор ўпкаси яллиғланган бўлса ажаб эмас, дейди. Бир ўзим ёмон шошиб қолдим. Княжна Варваранинг қўлидан эса ёрдам қилиш эмас, халақит беришгина келади. Сени келарсан деб илгари куни кутдим, кеча кутдим, ахир бўлмай, бугун хабар олдиргани одам юбордим: нима бўлдинг, нима қилиб юрибсан? Бир кўнглим ўзим бора қолай дедим-у, лекин сенга манзур бўлмаслигини билиб, фикримдан қайтдим. Қандай бўлса ҳам жавоб ёзиб юбор, шунга қараб иш тутай».

Бола касал эмиш, ўзи бу ёққа келмоқчи эмиш. Қизи касал эмиш-у, мана шундай ғаразли хат ёзибди-я!

Сайловнинг бу масъум хушчақчақлиги ва баҳайбат оғир муҳаббат даргоҳига яна қайтиш кераклиги ўз қарама-қаршиликлари билан Вронскийни танг қилиб қўйди. Қайтмасликнинг иложи йўқ эди, шунинг учун биринчи поезд билан кечасиёқ уйига қараб жўнади.

XXXXI

Вронский сайловга кетаётганда Анна у ҳар сафар у ёқ бу ёққа борадиган бўлса ўртада чиқадиغان жанжал ўзини унга иситиши эмас, совутиши мумкинлигини ўйлаб, бу айрилиққа чидаш учун ўзини

қўлидан келганча босишга қарор қилган эди. Аммо Вронский сайловга кетаётганини айтгани кириб, унга сиполик билан совуқ назар ташлагани Аннанинг нафсини оғритди; Вронский кетмасданоқ у тинчини йўқотди.

Анна ўзи ёлғиз қолгандан кейин Вронскийнинг эркинлик ҳуқуқини талаб қилиб совуқ кўз билан қараганини ўйлаб кўриб, ҳар вақтдагидай бир хулосага келди, яъни ўзини оёқ ости қилаётганини англади. «Қаерга боришни хоҳласа, қачон боришни хоҳласа – ихтиёри ўзида, ҳақи бор. Бир ёққа боришгагина эмас, мени ташлаб кетишга ҳам ҳақи бор. Ҳамма нарсага ҳақи бор, лекин менинг ҳақим йўқ. Лекин шуни билиб туриб, шундай қилмаслиги керак эди. Хўш, аслида нима қилди!.. Сиполик билан совуқ назар ташлади, холос. Албатта, буни аниқ билиш, сезиш қийин. Лекин илгарилари бундай қилган эмасди, иннайкейин, бу қарашнинг ҳам тагида маъно кўп, – деб ўйларди Анна. – Бу қараш совий бошлаганини билдиради».

У совий бошлаганига амин бўлса ҳам, лекин қўлидан ҳеч нима келмас, бурунги муносабатларини ҳеч бир жиҳатдан ўзгартира олмас эди. Илгаригидек, яна биргина севги ва жозибаси билангина уни ушлаб қолиши мумкин эди. Агар мендан кўнгли совиб кетса унда нима бўлади, деган даҳшатли ўйларини илгаридек яна кундузлари иш билан, кечалари морфин ичиш билангина босиши мумкин эди. Тўғри, битта чора, яъни қўл-оёғига кишан бўлмаслик чораси ҳам бор эди. – Анна унинг муҳаббатидан бўлак ҳеч нарсани хоҳламасди, – лекин ўзини ташлаб кетолмайдиган даражада ораси яқин бўлиши керак эди. Бу чора – талоқ ва никоҳдан иборат эди. Шундай қилиб, Анна шуни хоҳлаб қолди ва уми, Стивами бундан овиз очди дегунча дарров рози бўлишга қарор қилди.

Анна шу хил ўйлар билан беш кунини Вронский-сиз ўтказди, бу беш кун – Вронский сайловда юрган кунлари эди.

Анна вақтини сайру сафолар, княжна Варвара билан қилган суҳбатлар, касалхонага бориш-келишлар, айниқса китоб ўқиш, бирин-кетин китоб ўқиш билан ўтказди. Лекин олтинчи кун, кучер Вронский-сиз келганда, Анна у тўғрисидаги, унинг ўша ёқларда нималар қилаётгани тўғрисидаги ўйларини ортиқ ҳеч нарса билан босолмай қолди. Шу орада қизалоғи бетоб бўлиб қолди. Анна қизалоғига қарай бошлади, лекин бу ҳам уни чалғитолмади. Зеро боласи хавфли хаста эмас эди. Қанчалик тиришиб-тирмашмасин, бари бир, у қизини яхши кўролмасди, ўзини яхши кўрганга солай деса, бунга ҳам кўнгли бўлмасди. Шу кун кечга бориб, Анна ўзи ёлғиз қолганда, Вронскийнинг ташвиши юрагига шунчалик ваҳима солдики, бир кўнгли шаҳарга бормоқчи ҳам бўлди. Лекин яхшироқ ўйлаб боққандан сўнг, Вронскийнинг қўлига бориб теккан қарама-қарши мазмуни хатни ёзди-да, ўзи ўқиб ҳам чиқмай, чопар орқали юборди. Эртасига эрталаб Вронскийдан хат олди-ю, қилмишига пушаймон бўлди. Вронский кетаётган маҳалдагидек яна совуқ назар ташлашини Анна ваҳима билан кутиб турди, айниқса қизчанинг касали хавфли эмаслигини билгандан сўнг яна ҳам совуқроқ қилиб қарашига ишониб ўтирди. Шундай бўлса ҳам, Вронскийга хат ёзиб юборганига хурсанд эди. Анна унга энди ўзи оғир тушаётганига, Вронский бу ёққа жуда оғриниб, ўйин-кулгисидан зўрға кечиб келишига ақли бовар қилса-да, яна унинг қайтишидан хурсанд эди. Оғир тушса ҳам майли, ишқилиб, шу ерда бўлса, Анна уни кўриб турса, ҳар бир ҳаракатини билиб турса бас.

Анна меҳмонхонада, чироқ тагида, Тэннинг янги китобини ўқиб ўтирарди; у гоҳ ташқаридаги шамолнинг ғувиллашига қулоқ солар, гоҳ экипажнинг

келишини дақиқа сайин кутиб интизорлик чекарди. Бир неча марта гилдираклар овозини эшитгандай бўлди, лекин ҳар гал янглишарди; ниҳоят гилдиракларнинг шарпасигина эмас, ҳатто кучернинг овози ҳам, дарвозахонадаги ғовур-ғувур ҳам эшитилди. Пасьянс қилаётган княжна Варвара ҳам шу овозларни эшитганини тасдиқлади, шунда Анна бирдан ўт бўлиб ёнди-ю, сакраб туриб кетди, лекин боя икки марта хабар олиб чиққанга қарамай, пастга тушиш ўрнига турган ерида қотиб қолди. Алдагани учун бирдан уялиб кетди. Вронский ўзини қандай қабул қилишни ўйлаб, яна ҳам баттарроқ ваҳимага тушди. Ҳақирлик ҳисси алақачон тарқалган эди; фақат унинг норози бўлишидан қўрқарди. Ўтган кун қизчаси соппа-соғ бўлиб кетгани эсига тушди. Хат ёзиб юборган кун тузалиб қолгани учун қизчасидан ҳатто кўнгли ҳам ранжиди. Кейин Вронскийнинг қўл-оёри бутун эканлигини, ўзи шу ердалигини эслади. Овозини эшитди. Эшитди-ю, ҳамма нарсани эсидан чиқариб, шодлик билан олдига югуриб чиқди.

Вронский юқоридан чопиб тушаётган Аннага пастдан қараб:

– Қалай, Ани қалай? – деди юраги дукиллаб.

Вронский стулда ўтирган, лакей эса оёридан иссиқ этигини сузураётган эди.

– Тузук, яхши бўлиб қолди.

– Ўзинг-чи? – деди у устини қоқиб.

Анна икки қўли билан унинг қўлини ушлади-да, кўзларини олмай, уни ўз баррига тортди.

– Жуда соз, – деди у Аннага, сочларининг таралишига, кўйлагига совуқдина қараб, Вронский бу кўйлакни ўзи учун кийиб чиққанини фаҳмлаган эди.

Буларнинг ҳаммаси Вронскийга ёқарди. Ёққан-да ҳам ҳар сафар ёқарди! Аммо Вронскийнинг юзи-да тошдай совуқ бир ифода пайдо бўлди-ю, шу ҳо-

лича қотиб қолди, Анна унинг бундай қарашидан қўрқар эди.

Вронский қўл соатини дастрўмолчаси билан арди-да, Аннанинг қўлини ўпиб туриб:

– Жуда хурсанд бўлдим. Хўш, ўзинг соғмисан? – деди.

«Бари бир, – деб ўйларди Анна, – ишқилиб, шу ерда бўлса бас, шу ерда бўлганда эса мени севмай туролмайди, журъат қилолмайди».

Оқшом княжна Варвара ҳузурда жуда бахтли, жуда хушчақчақ ўтди; княжка Варвара Вронский йўқлигида Анна морфин ичганидан зорланди.

– На чора? Ухлаёлмадим-да... ҳар хил ўйлар келавериб ухлатмади. Бу шу ердалигида ҳеч ичмасдим. Ҳа, ичмасдим ҳисоб.

Вронский сайловдан гапириб берди; Анна саволлар бериб, уни хурсанд қилган нарсдан – қозонган муваффақиятларидан гапиртирди. Анна ҳам уни уйда қизиқтирадиган нарсаларнинг ҳаммасини сўзлаб берди. Анна гапириб берган нарсаларнинг ҳаммаси фақат хурсанд қиладиган нарсалар эди.

Лекин вақт тунга яқинлашиб, ўзлари ёлғиз қолишганда, Анна уни яна ўзига тўла мафтун қилиб олганини кўргандан кейин, хат туфайли кўзларида кўринган оғир таассурот изларини йўқотиш ҳаракатига тушди.

Анна:

– Ростини айт: хатимни олганингдан кейин жаҳлинг чиққандир? Гапимга ишонмагандирсан? – деб сўради.

Анна шу сўзни сўради-ю, лекин Вронскийнинг кўнгли ўзига мойил бўлиб турса ҳамки, яна уни кечирмаганини пайқади.

– Ҳа, – деди Вронский. – Хатинг жуда ралати эди. Гоҳ Анини касал дейсан, гоҳ ўзим бормоқчи эдим дейсан.

– Ҳаммаси тўғри.
– Мен ҳам гумон қилмайман.
– Йўқ, гумонинг бор. Норозисан, кўриб турибман.
– Тирноқча ҳам. Менинг норозилигим шундаки, –
бу тўғри гап, – бурчларим борлигига ишонгинг кел-
майди...

– Концертга бориш бурчи...
– Қўй, бундан гапирмайлик, – деди Вронский.
– Нимага гапирмас эканмиз? – деди Анна.
– Мен, зарур ишлар чиқиб қолиши мумкин, де-
моқчиман холос. Мана энди Москвага боришим
керак, уй иши билан... Вой Анна-ей, мунча та-
жангсан-а? Тавба, сенсиз яшай олмаслигимни бил-
майсанми ахир?

– Агар шундай бўлса, – деди Анна, бирдан ўзга-
риб кетган овози билан, – демак, шу кечираётган
кунларимиз сенга оғир туюляпти... Ҳа, келасан-у,
бир кун туриб, яна кетасан, бамисоли...

– Анна, бу бағритошлик ахир. Мен жонимни бе-
ришга тайёрман...

Лекин Анна қулоқ солмади.

– Москвага борадиган бўлсанг, мен ҳам бирга бо-
раман. Бу ерда қолмайман. Ё ажралишимиз ё бўл-
маса бирга туришимиз керак.

– Ахир бу менинг бирдан-бир тилагим эканлиги-
ни биласан-ку, лекин бунинг учун...

– Талоқ керак? Хўп, унга хат ёзаман. Бундай
яшаёлмаслигимни кўриб турибман... Лекин Моск-
вага бирга бораман.

– Менга худди пўписа қилгандай гапирасан.
Тўғри, сен билан бирга бўлишдан бошқа тилагим
йўқ, – деди Вронский кулимсираб.

Вронский бу ширин сўзларни айтиб турганда,
унинг кўзларида ёлғиз совуқ ифода эмас, таъна қи-
линган, жонидан тўйган одамнинг вазабли нигоҳи
кўриниб кетди.

Анна бу нигоҳни кўрди, маъносини ҳам тўғри пайқади.

«Агар шундай бўлса, бу бахтсизлик!» – деярдн унинг нигоҳи. Бу биргина лаҳза таассуроти эди-ю, лекин Анна буни кейинча ҳеч эсидан чиқармади.

Анна талоқ қилишни сўраб эрига хат ёзди-да, Петербургга кетаётган княжна Варвара билан хайрлашиб, ноябрь охирларида Вронский билан Москвага кўчиб тушди. Улар ҳар кун Алексей Александровичнинг жавобини, кетидан талоқ хатини кутишиб энди эру хотинлардек бирга тура бошлашди.

ЕТТИНЧИ ҚИСМ

I

Левинлар уч ойдан бери Москвада туришарди. Бу ишдан яхши хабардор одамларнинг мўлжалига қараганда, Китининг ой-куни аллақачонлар ўтиб кетган эди; Кити бўлса ҳамон юкли юрарди, унинг аҳволи икки ой илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди, кўз ёриш пайти яқинлашиб қолганини кўрсатувчи нишона йўқ эди. Доктор ҳам, доя ҳам, Долли ҳам, онаси ҳам, айниқса кўз ёриш соатининг яқинлашиб келаётганини ваҳимасиз ўйлаёлмайдиган Левин ҳам бардошини йўқотиб, хавотирга тушиб қолди; биргина Кити ўзини тамоман хотиржам ҳис қилиб, бамайлихотир юрарди.

Энди Кити туриладиган, ўз назарида эса аллақачон бунёдга келган чақалоқ учун қалбида янги муҳаббат ҳислари уйғонганини англаб, бу ҳисга завқ билан берилар эди. Чақалоқ энди унинг жигарпораси эмас эди, у ўз ҳаёти билан баъзан ундан алоҳида яшарди. Кўпинча бу унга озор берарди, лекин шу билан бирга, юрагида уйғонган янги, ғалати шодликдан кулгиси қистарди.

Кити яхши кўрган одамларининг ҳаммаси ёнида эди, ҳамма унга шу қадар меҳрибон эди, унга шу қадар парвона эди, унга ҳамма нарса шу қадар яхши кўринардики, бу нарсаларнинг тез орада тугалишини билмасайди, Кити бундан ҳам яхши-

роқ, бундан ҳам лаззатлироқ ҳаётни орзу қилмасди. Унинг учун ҳаётнинг бу лаззатини бузиб турган бир нарса бўлса – бу эрининг ўзгариб кетгани эди; эри Кити севган, қишлоқда кўриб юрган эри эмасди.

Кити унинг қишлоқдаги вазмин, дилкаш ва меҳмондўст хосиятини севарди. Шаҳарда эса ҳар доим безовта бўлиб, типирчилаб юрар, гўё биров ўзини, ўзидан ҳам кўпроқ Китини хафа қилиб қўйишидан кўрқаётгандек кўринарди. Қишлоқда, афтидан, ўзини ўз муҳитида ҳис қиларди шекилли, шу сабабдан ҳеч қаерга шошилмас, ҳеч қачон бекор ҳам юрмас эди. Шаҳарда бўлса, бир нарсадан қуруқ қолаётгандек, доимо шошар, лекин ҳеч нарса қилмас эди. Китининг унга раҳми келарди. Аммо бошқаларга аянч кўринмаслигини Кити биларди; баъзан севгили кишиси бошқаларда қолдираётган таъсирини аниқлаш учун уни бегона одам ўрнида кўришга интиланларидек, Кити ҳам, аксинча, жамиятда унга шу кўз билан қараб рашк қилишдан кўрқар, у Китига ғариб одам эмас, балки ўз одоби билан, аёлларга бирмунча эскироқ, уятчанроқ, назокатли муносабати билан; бақувват қомати ва Кити назарида, бошқача, маъноли чеҳраси билан жозибали одам бўлиб кўринарди. Лекин Кити уни сиртдан эмас, ичидан кўрарди: Кити бу ерда унинг чинакам Левин эмаслигини кўрарди; Кити унинг ҳолатини ўзига бошқа турда тасаввур этолмасди. Шаҳарда яшашни билмагани учун баъзан кўнглида унга ўпка ҳам қилиб кўярди; баъзан эса ҳаётни ўзига манзур бўладиган шаклда қураман деб эри чиндан ҳам қийналаётганини англади.

Тўғридан ҳам, у нима қилиши керак эди? Карта ўйнашни ёмон кўрарди. Клубга бормасди. Облонский сингари хушчақчақ кишилар билан қўшилиб юришнинг нима эканлигини Кити энди биларди...

Бу ичиш ва ичгандан сўнг аллақаерларга кетиш деган сўз эди. Бундай ҳолларда эркакларнинг қаерга боришларини ўйлаганда Кити ваҳимага тушар эди. Бўлмаса киборлар муҳитига аралашсинми? Лекин Кити бунинг учун ёш жувонлар билан яқинлашишдан лаззат топиш кераклигини биларди, шунинг учун Кити буни хоҳлай олмасди. Уйда ўзи, онаси ва опалари билан ўтирсинми? Қари князь «Оля ва Надя» суҳбатлари деб атаган опа-сингиллар суҳбатини ҳадеб эшитиб ўтириш Китининг қанчалик баҳрини очмасин, унга қанчалик ёқмасин, бари бир, суҳбат эрини зериктириши мумкинлигини ҳам биларди. Бундай бўлгандан кейин нима қилиши керак эди? Бўлмаса ёзаётган китобини давом эттирсинми? У буни ҳам қилиб кўрди, китоби учун кўчирмалар ва маълумотлар тўплаш мақсадида аввал кутубхоналарга ҳам қатнади; лекин Китига айтган сўзига қараганда, қанча кўп бекор юрса, вақти шунча камайиб борарди. Бундан ташқари, бу ерда китобидан жуда кўп гапириб юборгани учун, миясида фикрлари чувалиб, китобига ҳаваси қолмаганини ҳам Китига айтган эди.

Шаҳарда ўтаётган кунларининг бир фойдаси шу эдики, бу ерда улар ҳеч жанжаллашмас эдилар. Шаҳар шароити бошқа эдими ё бу масалада икковлари анча эҳтиётли ва андишали бўлиб қолишган эдими, ҳар нечук, Москвада рашк туфайли ораларида ҳеч жанжал чиқмади, ҳолбуки шаҳарга кўчиб келаётганларида бу нарсадан жуда кўрқишган эди.

Бу жиҳатдан ҳар иккаласи учун жуда муҳим бўлган бир ҳодиса юз берди – Кити Вронский билан учрашди.

Китини чўқинтирган, уни ҳамиша яхши кўриб келган қари княгиня Марья Борисовна Китини кўргиси келиб қолди. Кити юкли бўлганидан ҳеч қасққа чиқмай кўйган эди; шундай бўлса ҳам отаси

билан бирга ҳурматли кампирни кўргани бориб, у ерда Вронский билан учрашиб қолди.

Кити бу учрашиш пайтида бир вақтлар ўзига шу қадар таниш бўлган одамни граждан кийимида кўриб таниганда, нафаси бўғзига тиқилиб, юраги дуқирлай бошлагани, юзи лоладай қизариб кетгани учун ўзидан ўпка қилиши мумкин эди. Лекин бу нарсаларнинг ҳаммаси фақат бир неча сониягина давом қилди. Вронский билан жўрттага баланд овозда гаплашаётган отаси гапини тугатмасданок, Кити Вронскийнинг юзига дадил қарашга, лозим бўлса, у билан ҳам, княгиня Марья Борисовна билан қандай гаплашса, у билан ҳам шундай гаплашишга юраги дов берадиган даражада ўзини босиб олди; эри шу ерда бўлмаса ҳам, лекин унинг маънавий борлигини ҳар дам сезиб турарди; шунинг учун Кити сўзларининг барча оҳангини, чеҳрасидаги табассумини эри маъқуллайдиган қилиб гапиришга тайёр эди.

Кити у билан бир неча оғиз сўзлашди, Вронский сайловни ҳазил аралаш «Бизнинг парламентимиз» деб атаганда, Кити бу ҳазилга ҳатто кулимсираб ҳам қўйди (ҳазилни тушунганлигини билдириш учун кулимсираши керак эди-да). Лекин дарҳол юзини княгиня Марья Борисовнага ўгириб олди-ю, Вронский ўрнидан туриб хайрлаша бошлагунча у томонга ақалли бир марта ҳам назар ташламади; шундагина у Вронскийга қаради, лекин таъзим билан хайрлашаётган кишига қарамасликни назокатсизлик бўлади, деб ўйлагани учунгина қараб қўйгани равшан эди.

Кити Вронский билан кўришгани тўғрисида отаси оғиз очмагани учун миннатдор бўлди. Лекин княгиня Марья Борисовнани кўриб келишганларидан сўнг, одатдаги сайр маҳалида отасининг жуда меҳрибон бўлиб қолганини, ўзидан хурсанд бўлганини англади. Китининг ўзи ҳам ўзидан мамнун

эди. У Вронскийга бўлган эски ҳисларининг бутун хотираларини қалбининг чуқур бир ерида тўхтатиб, сир бой бермаслик, зоҳиран эмас, ҳақиқатда ҳам унга нисбатан бепарво, вазмин бўлиш учун ўзида шунчалик куч топишига ишончи комил эмас эди.

Кити княгиня Марья Борисовнаникида Вронский билан кўришганини айтганда, Левин ундан баттарроқ қизариб кетди. Буни эрига айтиш қанчалик қийин бўлган бўлса, бу кўришиш тафсилотини ҳикоя қилиш беш баттар қийин бўлди, чунки Левин унга ҳеч қандай савол бермай, фақат қовоқларини солиб юзига қараб турарди.

– Сенинг у ерда йўқлигингга жуда ачиндим, – деда Кити. – Ўша хонада бўлмаганингга эмас... Сен бўлсанг, мен ўзимни бу қадар табиий тутолмасдим... Мен ҳозир яна ҳам кўпроқ қизаряпман, яна ҳам кўпроқ, – дерди Кити йиғлағудай қизариб. – Тирқишдан қараб турганингда қизармаганимни кўрган бўлардинг.

Унинг ростгўй кўзлари Китининг ўзидан мамнун эканлигини айтиб турарди, шунинг учун, Кити қизариб-бузариб турганига қарамай, Левин дарҳол кўнгли жойига тушиб саволлар бера бошлади; Кити ҳам худди шу саволларга мунтазир эди. Ҳамма нарсани ҳатто Китининг дастлабки дақиқада қизармасдан қололмаганини, кейин эса Вронскийга биринчи марта учрашган одамга қандай муомала қилса, у билан ҳам шундай содда, енгил муомала қилганини Левин икир-чикирларигача билгандан кейин таъби ёруғ бўлиб, бундан ниҳоятда хурсанд эканлигини, минбаъд сайловдаги сингарни аҳмоқона қилиқлар қилмаслигини, балки Вронский билан биринчи учрашгандаёқ унга дўстларча муомалада бўлишга ҳаракат қилишини айтди.

– Душманинг борлигини, у билан кўришиш нақадар оғир эканлигини ўйласанг, одам шунча қаттиқ

азият чекади. Лекин мен жуда хурсанд бўлдим, жуда, – деди Левин.

II

Левин соат ўн бирларда уйдан кетмасдан аввал Китининг ёнига кирган эди, у эрига:

– Шундай қил, албатта Больларникига кир, – деди.
– Клубда овқат қилишингни биламан, отам сени у ерга ёздириб қўйган. Эрта билан нима қиласан?

– Фақат Катавасовларникига кириб чиқаман, – деб жавоб берди Левин.

– Нега мунча эрта бормасанг?

– Мени Метров билан таништириб қўяман деб ваъда қилган эди. Мен китобим тўғрисида у билан гаплашиб олоқчи эдим; Метров петербурглик машхур олимлардан, – деди Левин.

– Ҳа, мақоласини мақтаганинг олим шуми? Хўш, кейин нима қиласан?

– Эҳтимол, опамнинг иши билан судга ҳам борсам.

– Концертга-чи? – деб сўради Кити.

– Бир ўзим бориб нима қиламан!

– Йўқ, боравер, янги нарсалар чалишармиш... Сени жуда қизиқтирарди-ку. Сенинг ўрнингда мен бўлсам, жон деб борардим.

– Ҳар ҳолда, овқатдан олдин уйга кириб чиқаман, – деди Левин соатига қараб.

– Сюртугингни кийиб ол, тўғри графиня Больларникига борасан.

– Эй, албатта боришим зарурми?

– Ах, албатта! Эри бизникига келган ахир! Борсанг, бир нима бўлиб қоласанми? Кирасан, бир оз ўтирасан, беш дақиқача боди-ҳаводан гаплашсан, кейин туриб чиқиб кетасан.

– Эй, айтсам гапимга ишонмайсан-да, мен улардан шунча бегоналашиб кетганманки, киришга уя-

ламан. Бир ёт одам кирса, ҳеч қанақа иши бўлмаса, халақит берса, ўзининг ҳам таъбини хира қилса-ю, индамай чиқиб кетса. Бу қандай бўлади ахир?

Кити кулиб юборди.

– Ахир бўйдоқлигингда бориб турмасмидинг?

– Бориб турардим, лекин ҳамиша хижолат тортардим, энди бўлса шунчалик бегоналашиб кетганманки, худо ҳақи, уларникига киришдан кўра, икки кун овқат қилмаганим афзал. Шунчалик хижолат тортаман! Назаримда, улар хафа бўлишиб: «Ишинг-ку йўқ экан, нима қилиб келдинг?» дейишадигандай кўринади.

– Йўқ, хафа бўлишмайди. Бу ёғига мен кафилман, – деди Кити кула-кула юзига қараб. Кейин қўлидан ушлади.

– Хайр, яхши бор... Албатта кириб ўт.

У хотинини қўлидан ўпиб энди кетмоқчи бўлиб турган эди, Кити тўхтатиб қолди.

– Костя, хабаринг борми, менда фақат эллик сўм пул қолган-а!

Левин Китига таниш бўлган норозилик оҳанги билан:

– Хўп бўлмаса, кириб банкадан оламан. Қанча олай? – деб сўради.

– Йўқ, шошма, – деди Кити уни қўлидан ушлаб.

– Бу нарса мени хавотирга солиб қўйди, гаплашиб олайлик. Назаримда, беўрин сарф-харажат қилаётганим йўғу, лекин пул сувдай оқиб кетяпти. Ё эвини қилолмаётибмизмикан?

Левин йўталди, кейин ер остидан Китига қараб туриб:

– Йўғ-э! – деди.

Кити бу йўталишнинг маъносини биларди. Бу Китидан эмас, ўзидан жуда қаттиқ норози эканлигини кўрсатадиган бир аломат эди; лекин пул харажат қилинаётганидан эмас, йўқ, бу масалада иши пача-

валигини билиб, буни унутиш ҳаракатида юрганда яна эсга солганлари учун норози эди.

– Соколовга буғдойни сотиб, тегирмоннинг пулини олдиндан олгин, деб тайинлаганман. Ҳар ҳолда пул бўлади.

– Йўқ, мен умуман пулни кўп харжлаб юбораётганимиздан қўрқяпман...

– Йўғ-э, йўғ-э, – деб такрорлади Левин. – Хайр, яхши қол, жонгинам.

– Йўқ, рости, оймларнинг гапларига кирганим учун баъзан афсусланаман. Қишлоқда қолсақ қандай яхши бўларди! Мана энди ҳаммангизни қийнаб қўйдим, пулни ҳам кўп харж қилиб юборяпмиз...

– Йўғ-э, йўғ-э. Уйланганимдан бери бирор марта ундай эмас, бундай қилсам тузук бўларди, деб ҳеч айтганим йўқ...

Кити унинг кўзлари ичига тикилиб туриб:

– Ростми? – деб сўради.

Левин бу сўзларни ўйлаб эмас, фақат Китини юпатиш учун айтган эди. Лекин унга қараб, бу ростгўй дилбар кўзларнинг ўзига савол назари билан тикилиб турганини кўрди-ю, энди ўша сўзларни бутун қалби билан такрорлади. «Мен Китини тамоман эсдан чиқаряпман», – деб ўйлади-да, шу яқин орада юз берадиган ҳодисани эслади.

Левин унинг ҳар иккала қўлини бараварига ушлаб:

– Яқин қолдимми? Сен қандай ўйлайсан? – деб пичирлади.

– Бу тўғрида шунча кўп ўйладимки, энди ўйламаёқ қўйдим, қачонлигини билмайман.

– Қўрқмаяпсанми?

Кити истеҳзо аралаш кулимсиради.

– Заррача ҳам.

– Бир гап бўлиб қолса, мен Катавасовларникида бўламан.

– Йўқ, ҳеч нима бўлмайди, ўйлама ҳам. Дадам билан хиебонга чиқиб, айланиб келаман. Доллиникига кирамиз. Овқат олдидан сени кутиб ўтираман. Ҳа-я! Хабаринг борми, Доллининг аҳволи жуда ёмонлашиб борапти? Қарзга ботиб ўтирибди. Тулай деса пули йўқ. Кеча ойимлар, Арсений (опаси Львованинг эрини шундай деб атарди) учаламиз ўтириб шу ҳақда гаплашдик-да, Арсений билан сени Стиванинг кўзини очиб қўйгани юборадиган бўлдик. Жуда ёмон бўлиб кетяпти. Бу гапдан дадамга оғиз ҳам очиб бўлмайди... Агар сен билан у...

– Қизиқ-ку, биз нима қила оламиз? – деди Левин.

– Ҳар ҳолда Арсенийнинг олдига борасан-ку; нима гапга тўхтаганимизни у сенга айтиб беради.

– Хўп, олдинданоқ айтиб қўяй: Арсений нима деса мен розиман. Бўпти, уларникига кираман. Ҳа, айтгандек, мабодо концертга борадиган бўлсам, Натали билан бораман. Хайр энди, яхши қол.

У бўйдоқлигидан бери хизмат қилиб келган, ҳозир эса шаҳардаги рўзгорига қараб юрган қари Кузьма кўча эшигининг зинапоясида Левинни тўхтатди.

– Моҳруйни (қишлоқдан келтирилиб, араванинг чап томонига қўшиб келинган от исми) тақалашган эди, лекин ҳали ҳам оқсаяпти, – деди чол. – Нима қилайлик?

Қишлоқдан келтирилган отлар дастлабки кунларда Левинни Москвада анча ўйлатиб қўйди. У отулов харажатини мумкин қадар арзонроқ туширмоқчи бўлган эди, аммо ўзининг отлари киракаш отларидан қимматга тушиб кетди, яна бунинг устига извош кира қилишга ҳам тўғри келарди.

– Бор, ёт табибига одам юборишсин, балки бичилиб қолгандир.

– Ундай бўлса, Катерина Александровна борадиган каретага қайсисини қўшайлик? – деб сўради Кузьма.

Воздвиженкадан Сивцев Вржсккача оғир каретага иккита кучли от қўшиш, бу каретани қор босган йўлдан чорак чақирим жойгача судратиб олиб боргандан сўнг кўчада тўрт соат тўхтатиб қўйиш, бунинг учун беш сўм тўлаш ҳозир Левинни Москвага кўчиб тушган дастлабки кунларидаги сингари ҳайратга солмасди. Энди бу нарса табиий кўринарди.

– Извошчига айт, бизнинг каретамизга иккита от келтириб қўшсин, – деди Левин.

– Хўп бўлади.

Қишлоқдан анчагина меҳнат ва ҳаракат талаб қиладиган мушкулотни шаҳар ҳаётининг шарофати билан шу тариқа осон ҳал қилгандан сўнг, Левин, кўчага чиқди-ю, извош чақириб ўтиргач, Никитская кўчасига қараб кетди. Йўлда ортиқ пул масаласини ўйламади, социология фанлари билан шуғулланувчи петербурглик олим билан қандай танишиш, ўз китоби ҳақида у билан қандай гаплашиш тўғрисида ўйлаб борди.

Қишлоқ аҳлига ралати кўринган, ҳар томондан чиқиб келаверадиган самарасиз, лекин зарур сарф-харажатлар Левинни Москвадаги фақат дастлабки кунларидагина ҳайратга соларди. Энди эса бу хил харажатларга ортиқ ўрганиб қолган эди. Бу харажатларга у ҳам, одамлар айтганидек, ароқсўрлар ароққа ўргангани сингари ўрганиб қолди. Биринчи қадаҳ томоғини куйдириб ўтди, иккинчи қадаҳ бир оз енгил кетди, учинчи қадаҳ эса, бамисоли бодом ёғидек, томоғидан силлиқ ўтаверди. Левин лакейи билан швейцарига зарбоф кийим олиш учун биринчи юз сўмлигини майдалаганда, ҳеч кимга зарурати бўлмаган, аммо бунинг зарурати йўқлигини ишора қилганда княгиня билан Китининг ажабланаётганларига қараганда, мутлақо зарур бўлган бу зарбоф кийим – ёз бўйи ишлатиладиган иккита мардикор ҳақиға, яъни муқаддас ҳафтадан то рўза кунларига-

ча қилинадиган қарийб уч юз меҳнат кунига, шунда ҳам тонг ёришмай қош қорайгунча қилинадиган оғир меҳнат кунига барабар эканлигини беихтиёр кўз ўнгига келтирди, – шунинг учун бу юз сўмлик қоғоз томоғини куйдириб ўтди. Лекин қариндошларига бериладиган зиёфатга йигирма саккиз сўмлик озиқ-овқат сотиб олиш учун майда қилинган иккинчи юз сўмлик эса, гарчи ундан сарф қилинган бу йигирма саккиз сўм – терга пишиб, инқилаб-синқилаб ўришган, боғлашган, янчишган, шопиришган, сўнгра омборга келтириб тўкишган тўққиз чорак сулига барабар эканлигини хотирига солса ҳам, – томоғидан ҳар ҳолда осонгина ўтиб кетди. Энди майда қилинаётган юз сўмликлар эса қачонлардан бери уни бу хил ўйларга туширмас, бамисоли майда қушлардай қўлидан учиб чиқиб кетаверди. Пулни қўлга киргишиш учун тўкилган меҳнат шу пулга сотиб олинаётган нарсалар берган шукуҳ ва ҳаловатга муносибмиди-йўқми, бу хил мулоҳазалар қачонлари кўнглига келмас эди. Маълум миқдордаги ғалани маълум нархдан пастга сотиб бўлмаслиги тўғрисидаги хўжалик қоидалари ҳам эсидан чиқиб кетган эди. Кўп вақтлардан бери арзонга сотмай келаётган жавдариси, бир ой бундан олдин берилган нархдан чорагига ярим сўмдан арзонга кетди. Ҳаражат шундай бўлгандан кейин қарз олмай бир йил ҳам яшаб бўлмаслиги тўғрисидаги мулоҳазалар ҳам аллақачон аҳамиятини йўқотиб қўйган эди. Фақат бир нарса – эртага мол гўшти сотиб олишга нақд пули бўлиши учун банкада пул сақлаш, бу пулларнинг қаердан келаётганини суриштирмаслик керак эди. У шу кунгача бу талабларга риоя қилиб келди: банкада ҳаминша пули бор эди. Аммо ҳозир банкада пули тугади, энди қаердан пул олишни билмай қолди. Кити пул масаласини эсига солганда, Левиннинг таъби худди шу вазҳдан бир оз хира бўлган

эди, аммо буни ўйлаб ўтиришга вақти йўқ эди, чунки у ҳозир Катавасовни, сўнгра Метров билан танишишни ўйлаб борарди.

III

Левин бу сафарги Москвага келишидан университетда бирга ўқишган эски ўртоғи профессор Катавасов билан яна ҳам кўпроқ яқинлашиб олди; уйлангандан бери у билан кўришмаган эди. Катавасов ўз дунёқарашининг равшанлиги ва соддалиги билан Левинга ёқарди. Левин Катавасовнинг дунёқарашидаги равшанликни табиатнинг чекланганлигидан деб ўйласа, Катавасов Левин фикрларидаги қарама-қаршиликни ақлий интизомсизликдан деб ўйларди; шундай бўлса ҳам, Катавасовнинг дунёқарашидаги равшанлик Левинга, Левин тафаккуридаги интизомсизликнинг кўплиги Катавасовга манзур эди, шу важдан тез-тез учрашиб, мунозара қилиб туришни яхши кўришарди.

Левин ўз асарининг баъзи ерларини ўқиб берган эди – Катавасовга ёқди. Кеча Катавасов Левинни халқ олдида ўқилган маърузада учратиб, мақоласи Левинга жуда ҳам манзур бўлган машҳур Метров ҳозир Москвада эканлигини, Левиннинг асаридан ориз очганда, Метров жуда қизиққанини, Метров эртага соат ўн бирда ўзиникига келишини, Левин билан танишиш орзусида эканини айтган эди.

Катавасов Левинни кичик меҳмонхонасида кутиб олиб:

– Кун сайин тузалиб боряпсиз, отам, хўш кўрдик, – деди. – Кўнғироқ жирингини эшитиб, ўзимча ўйла-ниб қолдим: наҳотки вақтида... хўш, қараторликлар тўғрисида нима дейсиз? Табиатлари жангарими?

– Нима бўпти? – деб сўради Левин.

Катавасов, сўнгги хабарларни бир неча оғиз сўз билан айтиб бергандан сўнг, кабинетга кириб Левинни ўрта бўй, рўлабир, истараси иссиқ бир киши билан таништирди. Метров шу киши эди. Бир оз сиёсатдан ва Петербургдаги олимақом доираларнинг сўнгги воқеаларга қандай қарашларидан гап кетди. Метров ишончли манбалардан ўзига маълум бўлган сўзларни айтиб берди, бу сўзларни шу муносабат билан подшо ва министрлардан бири айтган эмиш. Катавасов бўлса подшонинг бугунлай бошқа сўз айтганини эшитибди, бу ҳам ишончли гап эмиш. Левин у гапнинг ҳам, бу гапнинг ҳам айтилиши мумкин бўлган бир вазиятни ўйлаб топишга ҳаракат қилди; оқибат, гап шу билан тамом бўлди.

– Мана, мардикорнинг ерга бўлган муносабатидаги табиий шартлар тўғрисида бутун бошли бир китоб ёзиб қўяёзди, – деди Катавасов. – Мен мутакхассис эмасман, лекин шундай бўлса ҳам, инсониятга ҳайвонот қонунларидан ташқарида, ўзига хос бир нарса деб қарамайди, балки, аксинча, унинг муҳитга боғлиқ эканлигини исбот қилади ва тараққиёт қонунларини шу борлиқдан ахтаради; каминга бир табиатшунос бўлгани учун бу нарса менга жуда манзур бўлди.

– Бу жуда қизиқ нарса, – деди Метров.

Левин қизариб:

– Аслида қишлоқ хўжалиги ҳақида китоб ёза бошлаган эдим, лекин қишлоқ хўжалигининг асосий қуроли бўлган ишчи кучи масаласига беихтиёр берилиб кетиб, тамоман кутилмаган хулосаларга келиб қолдим, – деди.

Шундан кейин Левин, оёқлари остидаги ерга авайлаб қадам босаётгандек, ўз нуқтаи назарини эҳтиёт билан изоҳ қила кетди. Левин Метровнинг ҳаммага мақбул бўлган сиёсий-иқтисод таълимига қарши мақола ёзганини билса ҳам, аммо ўзининг

янги қарашларига Метров қайси даражада хайри-хоҳ бўла олишини билмас, буни олимнинг маъноли, хотиржам чеҳрасидан аниқлай ҳам олмасди.

– Лекин рус мардикорининг ўзига хос сифатлари нимада деб ўйлайсиз? – деб сўради Метров. – Нима десам бўлади, яъни зоологик сифатларидами ёки яшаб турган шароитдами?

Левин бу саволдан унинг ўз фикрларига қўшилмаганлигини пайқади; шундай бўлса ҳам яна ўз фикрини изоҳ қила кетди; унинг фикрича, рус мардикорининг ерга қараши, муносабати бошқа халқларникидан бутунлай ўзгача эди. Бу аҳволни исбот қилиш учун, унинг фикрича, рус халқи шарқда фойдаланмай ётилган поёнсиз ерларни ишга солишни ўз зиммасидаги бурчи эканини аңлашдан келиб чиққан, деб айтишга шошилди.

– Халқнинг умумий бурчи ҳақида хулоса чиқарман деб хатога кетиб қолиш ҳеч гап эмас, – деди Метров Левиннинг сўзини бўлиб. – Мардикорнинг аҳволи ҳамиша унинг ерга ва сармоёга бўлган муносабатига боғлиқ.

Метров, Левиннинг ўз фикрини исбот этишига йўл бермай, ўз таълимотининг хусусиятларини тушунтира кетди.

Таълимотининг хусусияти нимадан иборатлигини Левин тушунмади, чунки тушунишга уриниб ҳам ўтирмади. Метровнинг ҳам мақоласида иқтисодшуносларнинг таълимотини рад қилганига қарамай, бошқалар сингари, рус мардикорининг аҳволига фақат сармоё, иш ҳақи ва рента нуқтаи назаридангина қараётганини кўриб турарди. Россиянинг энг катта қисми бўлган шарқда рентанинг ҳали ноль даражада эканини, саксон миллионли рус аҳолисининг ўндан тўққизи оладиган иш ҳақи фақат ўзларининггина боқишга кетаётганини, сармоёнинг ҳали энг ибтидоий қуроллардангина иборат эканини

икрор қилишга мажбур бўлса ҳам, иқтисодшунослар билан кўп масалаларда келишолмаса ҳам, иш ҳақи тўғрисида янги назарияси бўлса ҳам, буни ҳозир Левинга тушунтираётган эди, яна ҳар бир мардикорга фақат юқоридаги нуқтаи назар билангина қарарди.

Левин беҳафсалалик билан қулоқ солиб, аввал эътироз қилиб ўтирди. У ўз фикрини айтиш учун Метровнинг сўзини бўлмақчи ҳам бўлди, чунки, Левиннинг хаёлича, ўзининг бу фикри Метровнинг бундан кейинги изоҳларига хотима бериши керак эди. Аммо ўзларининг масалага тамоман бошқа-бошқа нуқтаи назар билан қараганларига ва бир-бирларининг муддаоларига ҳеч қачон тушуна олмасликларига қаноат ҳосил этгандан кейин ортиқ эътироз қилмай, фақат қулоқ солибгина ўтирди. Энди Метровнинг сўзлари ўзини мутлақо қизиқтирмай қўйди; шундай бўлса ҳам Левин унинг сўзларини эшитиб, озми-кўпми ҳузур қилиб ўтирди. Шундай бир олим одам Левиннинг бу борада яхши маълумоти борлигига катта эътибор ва ишонч билан қараганидан, баъзан бу мавзунинг катта-катта соҳаларини биргина ишора билан кўрсатиб ўтиб, ўз фикрларини шу қадар иштиёқ билан сўзлардики, бу ҳол Левиннинг иззати нафсини қаноатлантириб борарди. Метровнинг бу масалада ўз яқинларининг ҳаммаси билан алақачон гаплашиб бўлиб, энди, янги учраган ҳар бир одам билан бу ҳақда бажонидил гаплашганини, умуман, ҳали ўзига ҳам унча равшан бўлмаган, аммо фикру зикрини банд қилган бу масала тўғрисида ҳамма билан баҳузур гаплашиб юрганини билмай, Левин буни ўз лаёқатига бир шараф деб ўйлади.

Метров изоҳларини битирар-битирмас Катава-сов соатига қараб:

– Кечикяпмиз-да, – деди.

Катавасов Левиннинг саволига жавоб бериб:

– Ҳа, бугун Свинтичнинг элик йиллик юбилейи муносабати билан ҳаваскорлар жамиятининг мажлиси бўлади, – деди. – Пётр Иванович билан бормоқчи эдик. Мен унинг зоологияга оид асарлари ҳақида сўзлаб беришга ваъда қилган эдим. Бирга борайлик, жуда қизиқ бўлади.

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам вақти бўлибди, – деди Метров. – Бирга борайлик, агар хоҳласангиз, у ердан тўғри бизникига кетамиз. Асарингизни эшитишга жуда ҳавасмандман.

– Йўғ-э. Ҳали асар битганича йўқ. Мажлисга, майли, жон деб бораман.

Катавасов нариги хонада фрагини кийиб туриб:

– Эшитдингларми? Алоҳида фикр баён қилдим, – деди.

Шундай қилиб, университет масаласидан гап чиқиб кетди.

Университет масаласи шу йил қишда Москвадаги жуда муҳим ҳодисалардан бири бўлди. Учта кекса профессор илмий кенгашда ёшларнинг фикрларини қабул қилишмаган эди; шундан кейин ёшлар алоҳида фикр баён қилишди. Баъзи бир хилларнинг тушунчасича эса энг содда, энг адолатли фикр эди; шу вазҳдан профессорлар икки тўдага бўлиниб кетишди.

Катавасов мансуб бўлган тўда қарши тўдани айроқчилик ва ёлғончиликда айбларди; у тўда бўлса бунисини болаликда, нуфузли зотларга ҳурматсизликда айбларди. Левин университетга алоқадор бўлмаса ҳамки, ўзи Москвада эканидан бери бу гапни бир неча марта эшитган, ўзи ҳам фикрини айтган, бу ҳақда бир хулосага келиб қўйган эди; уювлари эски университет биносига етгунларича давом этган бу суҳбатга Левин қатнашиб борди.

Мажлис бошланган эди. Катавасов билан Метров устига мовут ёпилган стол ёнига бориб ўтиришди, булардан бошқа яна олти киши бор эди; бир киши қўлэзма устига энгашиб олиб, бир нималар ўқирди. Левин стол четидаги бўш стуллардан бирига ўтириб, ёнида жойлашган бир студентдан нима ўқилаётганини пичирлаб сўради. Студент Левинга норози бир кўз билан қараб:

– Таржимаи ҳол, – деди.

Олимнинг таржимаи ҳоли Левинни қизиқтирма-са ҳам, беихтиёр қулоқ солиб ўтириб, машҳур олимнинг ҳаёти ҳақида баъзи қизиқ, янги нарсаларни билиб олди.

Қўлэзма ўқиб бўлингандан кейин мажлис раиси уни ўқиб эшиттирган кишига ташаккур изҳор қилди; кейин шу юбилей муносабати билан шоир Мент ёзиб юборган шеърни ўқиб бериб, шоир шаънига бир неча оғиз сўз билан миннатдорчилик билдирди. Ана шундан сўнг Катавасов ўзининг баланд, чинқироқ товуши билан юбилярнинг илмий асарлари тўғрисида ёзган маърузасини ўқиб эшиттирди.

Катавасов ўқишни тугатганда, Левин соатига қараб, вақт бирдан ошганини кўрди-ю, концерт бошланганга қадар асаримни Метровга ўқиб бергани улгурмайман, деб ўйланиб қолди; бундан ташқари, ҳозир ўқиб беришга иштиёқи ҳам қолмаган эди. Маъруза ўқилиб турилган пайтда ҳам Левин ҳамон бояги гапларни ўйлаб ўтирди. Метровнинг фикрларида маъно бўлса бўлгандир, аммо ўз фикрларининг ҳам аҳамияти борлиги энди ўзига равшан бўлди; улар танлаб олган соҳаларда мустақил ишлаганларидагина бу фикрлар ойдинлашиши ва бирон хулосага келтириши мумкин; аммо бу фикрлар бирлашгудай бўлса, бундан ҳеч нарса чиқмаслиги аниқ эди. Шунинг учун Левин Метров таклифидан воз кечишга қарор қилиб, мажлис охирида унинг

ёнига борди. Метров раис билан сиёсат оламидаги янгиликлардан гаплашиб турган эди, Левинни раис билан таништириб қўйди. Метров Левинга айтган гапларини шу пайт раисга ҳам айтди, Левин ҳам бугун эрталаб қилган танбеҳ ва тазкираларини так-рорлади, аммо суҳбатга ранг-баранглик бериш учун ҳозиргина миясига келган янги фикрларини ҳам баён қилди. Шундан кейин яна университет маса-ласида гап чиқди. Левин бу гапларнинг ҳаммасини эшитгани сабабли Метров таклифидан истифода этолмагани учун афсус еб қолганини шошиб-пишиб айтди-ю, у билан бош эгиб хайрлашгандан сўнг Львовларникига жўнаб кетди.

IV

Китининг опаси Наталига уйланган Львов бутун умрини пойтахтларда ва чет элларда ўтказган, ўша ерларда тарбия олиб, ўша элларда дипломатик ва-зифаларни бажариб келган бир киши эди.

Бултур дипломатлик соҳасидаги хизматини ташлаб (бирон дилсиёҳлик орқасида эмас, у ҳеч ким билан ҳеч маҳал айтишиб қолмаган эди), иккита ўғлига ях-широқ тарбия бериш мақсадида Москвадаги сарой маҳкамаларининг бирига хизматга кирган эди.

Урф-одатлари ва дунёқарашларида кескин зид-дият борлигига ҳамда Львовнинг ёши Левинники-дан катталигига қарамай, улар шу қиш жуда қа-линлашиб, бир-бирини яхши кўриб қолишган эди.

Львов уйда экан, шунинг учун Левин хабар қил-масданоқ тўғри уйга кириб келаверди.

Львов эгнида камарли уй скортуги, оёқларида юмшоқ ботинка, кўзларида кўк ртсе-пег билан кенг курсида пюпитр устига қўйилган бир китобни ўқиб ўтирар, ярмигача ёниб кул бўлган сигарасини чи-ройли қўлида эҳтиёт билан нари тутиб турарди.

Кумуш рангли ялтироқ жингалак сочлари чиройли, нозик ва ҳали ёш чеҳрасининг ҳуснига ҳусн қўшар эди. Левинни кўрганда унинг чеҳраси ёришиб кетди.

– Жуда соз! Ўзим одам юборай деб турувдим. Хўш, Кити қалай? Мана бу ерга ўтиринг, тинчроқ... – Ўрнидан туриб, беланчак курсини Левинга сурди. – «Journal de st. Petersbourg»да чиққан сўнгги циркулярни ўқидингизми? Менинчга, жуда ажойиб, – деди французлардек бошқача талаффуз билан.

Левин Катавасовдан эшитган Петербург мишмишларини айтиб, сиёсатдан бир оз гаплашгандан сўнг, Метров билан танишганини, мажлиста борганини ҳикоя қилиб берди. Бу гаплар Львовни жуда қизиқтирди.

– Сиз бу ажойиб олимлар билан борди-келди қилиб турасиз, мен шунингизга ҳасад қиламан, – деди Львов. Кейин, гапга киришиб кетиб, одатича, ўзи учун қулайроқ бўлган француз тилига дарҳол ўтиб олди. – Тўрри, менинг вақтим йўқ. Қилиб турган хизматим ҳам, болалар билан машғуллим ҳам мени бу нарсадан маҳрум этади; яна тортинмай айтсам: маълумотим ҳам жуда кам.

– Мен бундай деб ўйламайман, – деди Левин кулимсираб. Львовнинг ўзини камтар қилиб кўрсатиш ёки чиндан ҳам камтар бўлиш нияти борлиги учун эмас, балки ўзи ҳақида чиндан ҳам шундай фикрда бўлгани Левинни ҳар вақтдагидай эритиб юборди.

– Йўқ, худди шунақа! Маълумотимнинг нақадар камлигини ҳозир сезиб қолдим. Болаларимни тарбия қилиш учун ҳатто кўпгина нарсаларни яна эста олишим, содда қилиб айтганда, ёдлашим керак. Чунки биргина муаллим кифоят қилмайди, балки сизнинг хўжалигингизда мардикорлар ва улар устидан назоратчи керак бўлганидек, болаларга ҳам кўз-қулоқ бўлиб турадиган битта одам керак. – У Буславевнинг

пюпитр устида ётган грамматикасини кўрсатди. – Мана бу китобни ўқияпман, буни Мишадан сувдай билишни талаб қилишади, ҳолбуки бу жуда-жуда қийин нарса... Қани, менга тушунтириб беринг. У мана бу ерда...

Левин буни тушуниб бўлмаслигини, балки ёдлаш кераклигини уқтирмоқчи бўлган эди, Львов унинг фикрига қўшилмади.

– Кўрдингизми, сиз шу нарсада мендан куляпсиз.

– Аксинча, мен сизга қараб, келажакда қилинадиган нарсаларни, яъни болалар тарбиясини ҳар вақт сиздан ўрганиб келаман, сиз буни тасаввур этмайсиз-да.

– Олинг-а, ўрганадиган нима ҳам бор эди.

– Мен фақат шуни биламанки, – деди Левин, – сизнинг болаларингиздан яхшироқ тарбия кўрган болаларни ҳали кўрган эмасман, шунинг учун сизникидан афзалроқ болаларни орзу қилолмайман.

Львов хурсандлигини билдирмасликка тиришиб кўрди, лекин бўлмади, юзи табассум билан ёришиб кетди.

– Мендан яхшироқ бўлишсин. Менинг бирдан-бир тилагим шу. Менинг ўрилларим сингари, чет элда яшаб қаровсиз қолган болалар тарбиясига қанчалик меҳнат сарф қилинганини сиз ҳали билмайсиз, – деб Львов сўз бошлади.

– Йўлга солиб оласиз. Болаларингиз жуда қобилиятли. Энг муҳими – ахлоқ тарбияси. Болаларингизга қараганимда, улардан худди шу нарсани ўрганаман.

– Сиз ахлоқ тарбиясидан гапирасиз. Бу нарсанинг нечоғлиқ қийинлигини кўз олдига келтириб бўлмайди! Бир томонини не-не азоб билан тузатсангиз, бошқа томони кўндаланг бўлади, яна кураш бошланади. Агар диннинг ёрдами бўлмаса, – эсингиздами, биз бу ҳақда гаплашган эдик, – диннинг бу

соҳадаги ёрдами бўлмаса, ҳеч бир ота фақат ўз кучи билан болаларини тарбия қила олмасди.

Левинни ҳамма вақт қизиқтириб келган бу суҳбат шаҳарга чиқиш учун кийиниб олган гўзал Наталья Александровнанинг кириши билан бўлинди.

Наталья Александровна ўзига кўпдан маълум бўлган бу дилхун суҳбатни бўлиб қўйганига заррача ҳам хафа бўлмай, аксинча, хурсанд бўлгандай:

– Вой, шу ердалигингизни билмабман ҳам, – деди. – Хўш, Кити қалай? Бутун сизларникида овқат қиламан. – Кейин эрига қараб гапирди: – Менга қара, Арсений, каретани сен олсан...

Шундан кейин бутунги кунни қандай ўтказиш масаласи эру хотин ўртасида муҳокама қилина бошланди. Эри ўзи билан бирга ишлайдиган аллакимни кутгани, хотини эса концертга, сўнгра жануби-шарқ қўмитасининг умумий мажлисига бориши лозим бўлгани учун кўпгина масалани ҳал қилиш, ўйлаб олиш керак эди. Левин яқин одам бўлгани туфайли бу режа муҳокамасида қатнашиши лозим бўлди. Шундай қарорга келинди: Левин Наталья билан концертга, кейин умумий мажлисга боради; Арсенийни олиб келиш учун каретани у ердан идорасига юборишади. Арсений эса яна шу ерга келиб, Натальяни Китиникига элтиб қўядиган бўлди; ёки Арсений мабодо ишини тугатолмаса, каретани қайтариб юборади, бу тақдирда Левин Наталья билан бирга кетади.

– Бу мени йўлдан уряпти, – деди Львов хотинига, – болаларимизни жуда ажойиб болалар деб кулоримга қуйяпти, ҳолбуки ёмон томонлари кўплигини ўзим биламан.

– Арсений ҳаддан ошириб юборади, мен ҳаминша айтаман, – деди Наталья. – Камолат ахтарадиган бўлсанг, ҳеч қачон кўнглинг тўлмайди. Бизларни тарбия қилишда битта нарсани ҳаддидан ошириб

юборганмиз, деб дадам тўғри айтганлар: бизни иккинчи қаватдаги пастаккина ҳужрада асрашиб, ота-онамиз пастда туришган; энди эса тескариси бўляпти: ота-оналар қазноқда-ю, болалар ясадоқда. Энди ота-оналар ўзларини ўйламасдан, нуқул болаларини ўйлашлари керак.

Львов ўзининг чиройли табассуми билан жилмайди-да, хотинининг қўлига қўлини тегизиб:

– Шуниси ёқса нима қилайлик? – деди. – Билмаганлар сени болаларнинг ўз онаси эмас, ўтай онаси деб ўйлайди.

Натали эрининг китоб варақларини кесадиган пичорини тайинли жойга қўйиб туриб:

– Йўқ, ҳаддидан ошириб юборилган нарсанинг ҳеч қанақа хосияти бўлмайди, – деди вазмингина.

– Ана холос, қани, бу ёққа келинлар, менинг комил ўрилларим, – деди Арсеней ичкарига кириб, Левинга таъзим қилишгандан сўнг ўзи томон келаётган чиройли ўрилларига; булар оталаридан бир нима сўрамоқчидай кўринишарди.

Левин болалар билан гаплашгиси, оталарига нима дейишларини эшитгиси келиб турганда, Натали уларни гапга солиб қолди, бунинг устига, Львовнинг хизматдоши Махотин ҳам ичкари кириб келди; Махотин Львов билан алақимни кутиб олгани бориш учун сарой аҳларига хос мундир кийиб олган эди; ана шундан кейин Герцеговина, княжна Корзинская, дума ва Апраксинанинг туйқусдан ўлиб қолгани тўғрисида қизгин гап бошланиб кетди.

Левин ўзига берилган топшириқни эсидан ҳам чиқариб қўйди. Бу топшириқлар даҳлизга чиққандагина эсига тушди.

Львов зинапояда тўхтаб, хотини билан уни узатаётганда, Левин:

– Эҳ, Кити Облонский тўғрисида сиз билан бир нарсани гаплашиб олгин, девди-я, – деди.

– Ҳа, ҳа, татам биз les beaux-freesнинг¹ унга ҳужум қилишимизни истайдилар, – деди Львов ҳам қизариб, ҳам кулимсираб. – Шуниси қизиқки, нима учун ҳужум қилишим керак?

Ёқаси оқ ит баррасидан бўлган енгсиз пальтосини кийиб олган Львова сўзнинг охирини пойлаб туриб:

– Ҳўп бўлмаса, мен ҳужум қиламан. Қани, кетдик, – деди.

V

Эрталабки концертда иккита жуда мароқли нарса чалинарди.

Булардан бири «Қирол Лир саҳрода» фантазияси, иккинчиси эса Бах хотирасига бағишланган кваттет эди. Ҳар иккаласи янги услубдаги янги асар бўлганидан, Левин булар тўғрисида ўзича бир фикрга келиб қўймоқчи бўлди. У, қайинэгачисини ўз курсисига кузатиб қўйгандан сўнг, устунлар ёнида тўхтаб, иложи борича диққат ва ҳафсала билан тинглашга аҳд қилди. Левин мусиқа маҳалида оқ галстукли капельмейстернинг одам хаёлини жуда ёмон бўлиб юборадиган қўл ҳаракатларига, қулоқларини ленталар билан маҳкам боғлаб концертга келадиган шляпали хонимларга, ё ҳеч бир нарса билан банд бўлмаган ёки хилма-хил ишлар билан банд бўлса-да, лекин мусиқа эшитишга қизиқмаган бу ердаги барча шахсларга қарамасликка, шу билан ўз таассуротига путур етказмасликка, хаёлини бўлмай қулоқ солишга тиришди. У мусиқа шинавандалари ва маҳмаданалар билан учрашишдан ўзини олиб қочиб, ерга тикилган ҳолда тик туриб эшитарди.

Лекин «Қирол Лир» фантазиясига қанча кўп қулоқ солса, бу ҳақда ашиқроқ бир фикрга келиш им-

¹ Божалар (франц.).

конидаан ҳам шунча кўп узоқлашиб кетаётганини сезиб борарди. Ҳисларнинг мусиқий ифодаси узлуксиз бир жараён билан бир ерга йиғилгандек бўлар, лекин дарҳол янги услубдаги мусиқа ифодалари жараёни парчаларга бўлиниб, баъзан эса бастакорнинг инжиқлигидан бўлак ҳеч нима билан боғлиқ бўлмаган, аммо ниҳоятда мураккаб садоларга айланиб кетарди. Лекин баъзан яхши уюшган бу мусиқа ифодаларининг парчалари ҳам кўнгилга ёқмас эди, чунки булар ҳеч қандай тайёргарликсиз туйқусдан амалга келарди. Шодлик ҳам, қайғу ҳам, ғазаб ҳам, шафқат ҳам, тантана ҳам баайни жинни жазава-си сингари, ҳеч қандай асоссиз майдонга келарди. Шунинг учун ҳислар ҳам, жинни одамники сингари, туйқусидан ўтиб кетарди.

Ўйинга тушаётганларни томоша қилаётган кар одам нимани ҳис қилса, Левин ҳам фантазия чалиниб турган муддатда шу нарсани сезиб турди. Пьеса тутаганда, шунча зўр диққат билан эшитгани эвазига ҳеч қандай ҳузур қилмай, жуда ҳам чарчаб кетганига ҳайрон бўлди. Ҳамма ёқдан гулдурол олқишлар эшитилди. Ҳамма ўрнидан турди, юриб гаплаша бошлади. Левин, ўз ҳайратини бошқаларнинг таассуротига қараб изоҳ этиш учун, мусиқа шинавандаларини қидиргани кетди; кейин, бир машҳур мусиқа шинавандасининг ўз таниши Песцов билан гаплашиб турганини кўриб суюнди.

– Ажойиб! – деди Песцов, йўрон овози билан. – Салом, Константин Дмитрич. Корделиянинг яқинлашганини, *das ewig Weibliche*¹ тимсоли бўлган бир хотиннинг шум тақдир билан кураша бошлаганини тасвир қилган жойи айниқса образли, нима десам бўлади, ҳа, бўрттик бўёқларга бой чиққан. Шундай эмасми?

Левин фантазияда қирол Лир саҳрода тасвир этилганини бутунлай эсидан чиқариб:

¹ мангу латофат (немс.).

– Ахир Корделиянинг бу ерда нима дахли бор? – деб кўрқа-писа сўради.

– Корделия келади... мана! – деди Песцов кўлидаги атлас афишани бармоғи билан чертиб; кейин афишани Левинга берди.

Левин фантазиянинг номини ҳозиргина элади-ю, афиша орқасига босилган Шекспир шеърининг русча таржимасини ўқиб чиқди.

Сухбатдоши кетиб қолгани учун гаплашгани бошқа одам бўлмаганидан Песцов Левинга қараб:

– Бусиз асарни тинглаб бўлмайди, – деди.

Танаффус маҳалида Левин билан Песцов ўртасида мусиқада Вагнер оқимининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида мунозара бошланди. Вагнернинг ҳам, унга эргашувчиларнинг ҳам хатоси шундаки, – деб Левин исботларди, – мусиқа бошқа санъат соҳасига ўтишни хоҳлайди; одам башарасини расм санъати чизиши керак бўлган ҳолда поэзия тасвир этиб хато қилганидай гап. Левин ана шундай хатога пьедестал устидаги шоир ҳайкали атрофидаги илҳом кўланкасини мрамаруда йўниш хаёлига тушган ҳайкалтарошни мисол қилиб кўрсатди. «Ҳайкалтарош йўйган бу кўланкалар кўланкага шу қадар кам ўхшайдики, ҳатто зинапоёга ёпишиб олишган», – деди Левин. Бу гап Левиннинг ўзига жуда манзур бўлди; лекин бу гапни илгари Песцовга айтганми-йўқлиги эсидан чиққан эди. Шунинг учун бу сўзни айтиб қўйиб, ўзи уялиб кетди.

Песцов бўлса санъатнинг ягоналигини, у фақат санъат хилларининг ҳаммасини бирлаштиргандагина юксак маромига ета олишини исбот қилди.

Левин концертнинг иккинчи номерини дурустроқ эшитолмади. Песцов унинг ёнида туриб олиб, Левинга ҳадеб гапирар, ортиқча, меъдага тегадиган, сохта соддалиги учун бу пьесани қоралар, уни рассомлик санъатига доғ тушириб келган ёлгончи

Рафазлпараастларнинг асарлари билан таққослар эди. Концертдан чиқишда Левин яна кўпгина танишлари билан учрашди, улар билан ҳам сиёсатдан, мусиқадан ва умумий танишларидан гаплашди: булар орасида граф Больни ҳам кўрди; уникига бориши кераклиги Левиннинг бутунлай хаёлидан кўтарилган эди.

Уларникига бориш кераклигини Львовага айтган эди, у:

– Бўлмаса, ҳозир бора қолинг, – деди. – Балки сизни қабул қилишмас, унда менинг олдимга, мажлисга келинг. Сиз келгунингизча шу ерда бўларман.

VI

Левин графиня Боль уйининг даҳлизига кириб:

– Балки қабул қилишмас? – деб сўради.

Швейцар Левиннинг пўстинини дадил ечириб туриб:

– Марҳамат, қабул қилишади, – деди.

Левин, қўлқопларининг бирини чиқаргандан сўнг, шляпасини тузата туриб: «Оббо, жуда ёмон бўлди-да! У ерга кириб нима ҳам қилдим? Ахир улар билан нимани гаплашаман?» деб уҳ тортди.

Левин биринчи меҳмонхонадан ўтиб кетаётиб, эшик оғзида графиня Больга дуч келди; графиня Боль юзларини буриштириб, қаҳр билан хизматкорига алланима буюраётган эди. Левинни кўриб кулимсиради-да, одамларнинг овози чиқиб турган нариги кичкина меҳмонхонага ўтишни илтимос қилди. Бу меҳмонхонада графинянинг иккита қизи билан москвалик полковник курсиларда ўтиришган эди; Левин бу полковникни танирди. Левин уларга яқин келиб кўришгандан сўнг диван ёнида шляпасини тиззаси устида ушлаб ўтирди.

– Рафиқангизнинг соғлири қалай? Концертга бордингизми? Биз боролмадик. Ойимлар жанозага боришлари керак эди.

– Ҳа, эшитдим... бемаҳал ўлим, – деди Левин.

Графиня келиб диванга ўтирди, у ҳам Левиннинг қайлигидан ҳол сўради. Концертга борганми-йўқлигини суриштирди.

Левин жавоб қилди, Апраксинанинг бевақт вафот қилгани тўғрисидаги афсусини яна такрорлади.

– Сорлиғининг ҳам мазаси йўқ эди.

– Кеча операга бордингизми?

– Ҳа, бордим.

– Лукка жуда яхши куйлади.

– Ҳа, жуда яхши куйлади, – деди-ю Левин сўнгра ўзи тўғрисида нима дейишларининг асло ғамини еб ўтирмай, ашуланининг порлоқ таланти тўғрисида юз марталаб эшитган таърифини такрорлай бошлади. Графиня Боль ўзини тинглаётганга солиб ўтирди. Левин гапириб хумордан чиққандан сўнг, ҳозиргача жим ўтирган полковник гапга тушиб кетди. Полковник ҳам операдан, саҳнанинг ёритилишидан гапирди. Ниҳоят Тюриникида бўлиши кўзда тутилган *folle joug*тедан¹ шанғилаб гапириб кулди, кейин ўрнидан туриб чиқиб кетди. Левин ҳам кўзғалган эди, аммо графинянинг чехрасидан ҳали ўзининг кетишига вақти борлигини, яна бир-икки дақиқа ўтириши кераклигини пайқаб қолди. Шунинг учун яна ўтирди.

У, бу ерга келиши билан нақадар бемаъни иш қилганини ҳадеб ўйлайверганидан, гапиришга гап тополмай, жим ўтирар эди.

– Сиз умумий мажлисга бормайсизми? Жуда қизиқ дейишади, – деб графиня сўз бошлаган эди. Левин:

– Йўқ *delle-soeur*имга² келиб олиб кетаман, деб ваъда қилган эдим, – деди.

¹ қиёмат кун (франц.).

² қайинэгачи (франц.).

Ўртага жимлик чўқди. Она билан қиз яна бир-бирига қараб олди.

Левин «Хайр, энди турсам бўлади», деб ўйлади-ю, ўрнидан кўзгалди. Хонимлар унинг кўлини қисиб, рафиқасига mille choses¹ айтишни сўрашди.

Швейцар Левиннинг пўстинини бераётиб:

– Қаерда турадилар? – деб сўради-да, Левиннинг жавобини яхши муқоваланган каттакон дафтарига дарҳол ёзиб қўйди.

Левин «Албатта-ку менинг учун бари бир, аммо, шундай бўлса ҳам, одам ёмон хиҷолат бўлади, кўп аҳмоқона нарса бу», деб ўйлади; кейин ҳамма ҳам шундай қилади, деган фикр билан ўзига тасалли бериб, умумий мажлисга жўнади: у ердан қайинэга-чисини топиб, уйга кетиши керак эди.

Қўмитанинг умумий мажлисида одам кўп эди, жамият аъзоларининг ҳаммаси шу ерда деса бўларди. Левин нутқларга умумий хулоса чиқараётганларида етиб келди, ҳамма буни жуда қизиқ деярди. Хулоса ўқиб бўлингандан кейин одамлар бир-бирлари билан топишди; Левин Свяжский билан учрашди, Свяжский уни бугун кечқурун Қишлоқ хўжалиги жамиятида ўқиладиган жуда қизиқ маърузага албатта келишини сўради; Левин бундан ташқари, ҳозиргина пойгадан келган Степан Аркадьич ҳамда бошқа кўп танишлари билан ҳам кўришди. Левин мажлис, пьеса ва суд тўррисида ҳар хил гаплар эшитди, ўзи ҳам гапирди. Лекин, мияси чарчаганини сеза бошлагани учунми, суддан гапириб туриб адашиб кетди; бу хатосини кейинча бир неча марта эслаб, хиҷолат тортиб юрди. Россияда суд қилинаётган бир ажнабийга жазо берилиши, уни чет элга сургун қилиш жазоси тўрри эмаслигини гапирганда, Левин кеча бир таниш билан қилган суҳбатиде эшитган гапларини такрорлади.

¹минг марта салом (франц.)

– Менингча, уни чет элга сургун қилиш ҳам чўртган балиқни сувга қўйиб юборишдай гап, – деди Левин. Кейин у танишидан эшитган, ҳозир эса ўзиникидай баён қилган бу фикрнинг Крилов масалидан олинганини, таниши ҳам бу фикрни газетадаги бир фельетондан олиб такрорлаганини эслади.

Левин қайинэгачиси билан уйга келиб, Китини хушчақчақ ва соғу саломат кўргандан сўнг, клубга кетди.

VII

Левин клубга айна вақтида келди. Меҳмонлар ҳам, клуб аъзолари ҳам у билан бир вақтда етиб келишди. Левин кўп вақтдан бери, университетни тугатгандан сўнг Москвада яшаб, кибор жамиятларига қатнай бошлагандан бери клубда бўлмаган эди. Клубни, унинг сиртқи кўринишини эсидан чиқармаган бўлса ҳам, лекин бурунлари клубдан олиб келган таассуротини бутунлай унутган эди. Аммо клубнинг камалак нусха кенг ҳовлисига қаретаси кириб тўхтагач, ундан туша солиб зинага оёқ босганда, қўлига лента боғлаб олган швейцар жимгина эшикни очиб таъзим қилганда, калошларини юқорига судраб чиқишни ортиқча заҳмат билиб, шу ерга ечиб кетишган клуб аъзоларининг калош ва пўстинларини даҳлизда кўрганда ўзидан олдин чалинган кўнвироқнинг сирли жарангини эшитиб, устига гилам тўшалган сирли зинапоядан чиққач, майдончадаги ҳайкални ҳамда юқори қават эшиги оғзида клуб хизматкорларига хос зарбоф кийим кийган, шошмасдан, имилламасдан эшикни очиб, меҳмонга бошдан-оёқ қараб чиққан учинчи қари швейцарни кўрганда Левиннинг вужудини клубнинг эски таассуроти, истироҳат, мамнуният ва назокат ҳисси қамраб олди.

Швейцар клуб қондасига кўра шляпасини даҳ-
лизда қолдиришни унутган Левинга:

– Шляпани марҳамат қилсинлар, – деди. – Жуда кам-
намо бўлиб кетдилар. Князь сизни кеча ёздириб қўйди-
лар. Князь Степан Аркадьич ҳали келганлари йўқ.

Швейцар Левиннинг ўзинигина эмас, ҳатто бар-
ча таниш ва қариндошларини ҳам биларди, шунинг
учун яқин одамларини дарҳол эслаб ўтди.

Левин ширмалар тўсилган биринчи залдан ўтиб,
мевафуруш ўтирган чап хонага бурилди-да, се-
кин-секин юриб бораётган чолдан ўзиб, одамлар
шов-шуви билан тўла емакхонага кирди.

У қарийб банд қилинган столлар ёнидан меҳмон-
ларга кўз ташлаб борди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда чала
таниш ва яқин, хилма-хил одамлар, қарилар ва
ёшлар учрарди. Ҳеч бирининг юзидан на жаҳл ва на
ташвиш аломати бор эди. Гўё ҳаммаси ҳаяжон ва
ташвишларини шляпалари билан бирга швейцарга
ташлаб келган-у, энди ҳаётнинг моддий неъматла-
ри сурурини шошилмасдан сургани тўплангандек
эди. Свяжский ҳам, Шчербацкий ҳам, Неведов-
ский ҳам, қари князь ҳам, Вронский ҳам, Сергей
Иванович ҳам шу ерда эди.

– А! Нимага кеч қолдинг? – деди кулимсираб
князь елкаси орқали Левинга қўл чўзиб. Кейин жи-
леткасининг тутмасига қистириб қўйган қўл сочиқ-
сини тузатиб туриб илова қилди: – Кити қалай?

– Тузук, саломат; улар учови уйда овқат қи-
лишяпти.

– Ҳа, Оля-Надялар. Хайр, бизнинг ёнимизда бўш
ўрин йўқ. Анави столга бор-у, тезроқ жой эгалла, –
деди князь; кейин ёнига ўгирилиб балиқ шўрвали
лиқобчани эҳтиёткорлик билан ола бошлади.

Анчагина наридан:

– Левин, бу ёққа келинг! – деган мулойим овоз
эшитилди. Бу Туровчиннинг овози эди. У бир ёш

ҳарбий киши билан утирган, ёнларида иккита стул энгаштириб қўйилган эди. Левин суюниб ўшалар ёнига борди. У меҳрибон улфатпараст Туровцинни ҳамма вақт яхши кўрарди, у Левинга Кити билан изҳор муҳаббат қилишган дамларини эслатарди, – аммо бугун, шунча ақлли қизгин суҳбатлардан кейин, Туровциннинг меҳрибон қиёфаси унга жуда ҳам хуш ёқиб кетди.

Бу жой сиз билан Облонскийники, у ҳозир келиб қолади.

Қоматини тик тутиб ўтирадиган, аммо кўзлари ҳамиша кулиб турган бу хушчақчақ ҳарбий петербурглик Гагин эди. Туровцин уларни таништириб қўйди.

– Облонский ҳамиша кечикади.

– Ҳа, ана келди.

Облонский улар ёнига тез етиб келиб:

– Шу тобда келдингми? – деди. – Жуда соз. Ароқ ичдингми? Юр бўлмаса.

Левин ўрнидан туриб, у билан каттакон бир стол ёнига борди; стол устига ароқлар ва хилма-хил хуш-хўр овқатлар териб ташланган эди. Бу ердаги йиғирма хилча овқатдан кўнглинг тусаганини танлаб олсанг бўларди, аммо Степан Аркадьич алақандай тамаддини сўраган эди, шу ерда турган зарбоф кийимли лекейлардан бири дарҳол у сўраган тамаддини келтириб берди. Улар бир қадаҳдан ароқ ичишиб, столларига қайтиб келишди.

Балиқ шўрвасини ичиб бўлишлари биланоқ Гагинга шампан виноси келтиришган эди, у тўртта стаканга бўлдириб қўйдирди. Левин таклиф қилинган винодан қайтмади, у ҳам яна бир шиша шампан виноси буюрди. Қорни оч бўлгани учун Левин зўр иштаҳа билан еб-ичар, ҳамсуҳбатларининг шўх, содда гурунглирига зўр бир мамнуният билан иштирок қиларди. Гагин Петербургда ёйилган бир янги

латифани паст овоз билан гапириб берди; бу латифа пардасиз, маънисиз бўлса ҳам, шу қадар кулгили эдики, Левин бор овози билан хахолаб кулиб юборди; кўшнилари унга қайрилиб қарашди.

– Бу ҳам: «Эҳ, бунга сира тоқатим йўқ!» деган латифага ўхшайди. Биласанми шу латифани? – деб сўради Степан Аркадьич. – Эҳ, қандай ажойиб латифа! Яна бир шиша келтир, – деди лакейга, сўнгра латифани ҳикоя қила бошлади.

Кекса лакей кўпиги энди босила бошлаган шампан виноси тўла иккита юпқа стаканни келтирди-да, Степан Аркадьич билан Левинга мурожаат қилиб:

– Пётр Ильич Виновский юбордилар, – деди; шу билан Степан Аркадьичнинг ҳикоясини бўлиб қўйди.

Степан Аркадьич стаканни олди-да, столнинг нариги бошида ўтирган тақир бош, жийрон мўйловли бир кишига бош ирраб қўйиб кулимсиради.

– Ким у? – деб сўради Левин.

– Бизникида бир марта кўргансан, эсингдами? Яхши одам.

Левин ҳам, Степан Аркадьич сингари, бош ирраб стаканни олди.

Степан Аркадьичнинг латифаси ҳам жуда кулгили экан. Левин ҳам ўзи билган бир латифани айтиб берди, бу ҳам ҳаммага ёқди. Сўнгра отлардан, бугунги пойгадан, Вронскийнинг Атлас номи оти биринчи мукофотни олганидан гап очилиб кетди. Левин овқатнинг қандай ўтганлигини сезмай қолди.

Овқатни еб бўлишгандан кейин Степан Аркадьич бир новча гвардиячи полковник билан ўзлари томон келаётган Вронскийга стулининг суянчири орқали ўгирилиб қаради-да:

– А, мана ўзлари ҳам келишди! – деди қўлини чўзиб. Вронскийнинг чеҳрасида ҳам клубдагиларга

хос умумий шодиёна берамлик кўриниб турарди. У кайфи чоғ бўлиб Степан Аркадьичнинг елкасига суянди-да, қулоғига бир нималар пичирлагандан сўнг, яна ўшандай жилмайиб туриб Левинга қўлини узатди.

- Кўришганим учун жуда хурсандман, - деди Вронский. - Сизни ўша куни сайловда роса ахтардим, лекин одамлар кетиб қолди дейишди.

- Ҳа, ўша кунидек жўнаб кетдим. Ҳозиргина отингиздан гапириб турувдик. Табриклайман, отингиз жуда тез чопар экан, - деди Левин.

- Сизнинг ҳам отларингиз бордир?

- Йўқ, отамники бор эди; лекин эсимда, биламан.

- Сен қаерда овқатландинг? - деб сўради Степан Аркадьич.

- Биз устунлар орқасидаги иккинчи столда.

- Буни муборакбод қилдик, - деди новча полковник. - Иккинчи император совринини олди; бунинг отдан омади бор, кошки эди мен ҳам қиморда шундай омадли бўлсам.

- Эй, олтин вақтши бекор кетказиб бўладими! Мен қиморхонага кетдим, - деб полковник столдан узоқлашди.

Вронский Туровциннинг саволига:

- Яшвин бу, - деб жавоб қилгандан сўнг, ёнларида бўшаган ўринга ўтиб ўтирди. Тутилган қадаҳни ичиб, ўзи ҳам бир шиша вино чақирди. Клуб таассуроти орқасидами ё ичган винолари кайфи биланми, ҳарқалай, Левин Вронский билан энг яхши қорамол зоти устида очилиб гаплашар, бу одамга қалбида ҳеч қандай душманлик ҳисси йўқлигидан хурсанд бўларди. У ҳатто сўз орасида хотини Вронскийни княгина Марья Борисовнаникида кўрганини, буни хотинидан эшитганини ҳам қистириб ўтди.

Степан Аркадьич:

– Эҳ, княгиня Марья Борисовна жуда аломат хотин-да! – деди-ю, у тўғрисида бир латифа айтиб, ҳаммани кулдирди. Айниқса Вронский шу қадар хахолаб кулиб юбордики, Левин ўзини у билан тамоман ярашган ҳис этди.

Степан Аркадьич ўрнидан қўзғалиб:

– Хўш, басми? – деди кулимсираб туриб, – юринглар бўлмаса!

VIII

Левин стол ёнидан тургандан кейин, юрганда қўллари айниқса тўғри ва енгил силкиниб бораётганини сезиб, баланд шифтли хоналар орқали Гагин билан бильярдхонага томон кетди. Катта залдан ўтиб бораётганда қайнатасига дуч келди.

Князь уни қўлтиғидан олиб:

– Хўш? Бизнинг бекорчилар маъбудимиз ёқдимиз сенга? – деб сўради. – Юр, бир оз айланайлик.

– Мен ҳам бир оз айланиб, томоша қилсам деб турувдим. Жуда қизиқ бўлади.

– Ҳа, сен учун қизиқ, мен учун қизиги йўқ, сени қизиқтирадиган нарсалар мени қизиқтирмайди, – деди князь юмшоқ этиклар ичидаги оёқларини зўрра-зўрра судраб келаётган, лаби сўлжайган, букчайган клуб аъзосига ишора қилиб, – сен мана шунақа чолларни кўрасан-у, булар шунақа паларда бўлиб турилишган, деб ўйлайсан.

– Қандай паларда?

– Мана кўрдингми, бунақа гапни билмайсан ҳам. Бу бизнинг клуб истелоҳларимиздан. Биласанми, тухумни юмалатса, ҳаддан ортиқ юмалатаверса, шунақа паларда бўлиб қолади. Биз ҳам шунақамиз: умримиз клубга бориш-келиш билан ўтади, охири паларда бўламиз. Сен куласан-да, лекин биз қачон паларда бўлишимизни билиб турамиз. Князь Чечен-

скийни танийсанми? – деб князь сўраб қолди; Левин унинг кулгили бир нарса айтиб бергиси келаётганини пайқади.

– Йўқ, танимайман.

– Йўғ-э, бўлмаган гап! Эй, ўша машҳур князь Чеченский-да. Хайр, майли, фарқи йўқ. Ана ўша ҳар вақт келиб бильярд ўйнайди. Уч йил бундан аввал ҳали палағда бўлмаган эди, жуда керилиб юрарди. Ўзи бошқаларни палағда деб атарди. Бир кун клубга келса, бизнинг швейцаримиз... Василий-да, танийсан-а! Ҳа, ўша бўрдоқи. Роса оладиган хилдан-да. Ҳа, князь Чеченский ундан: «Хўш, Василий, қани айтчи, кимлар бор, кимлар йўқ? Палағдалардан борми?» деб сўраб қолади. У ҳам дангал жавоб қилади: «Сиз учинчисиз», дейди, Ҳа, мана шунақа, оғайни!

Левин князь билан гаплашиб ва йўлиққан танишлар билан саломлашиб юриб бутун хоналарни айланиб чиқди: столлар қўйилган ва одатдаги қартабозлар майдалаб ўйин бошлаб юборган катта қиморхонага, шахмат ўйнашаётган ва Сергей Иванович аллаким билан гаплашиб ўтиргани диванли хонага, бўлма муйилишидаги диван ёнида, Гагин иштирокида бир тўда хушчақчақ улфат шампан виноси ичиб турган бильярдхонага, Яшвин қимор ўйнаётган стол теварагида пул қўювчилар деваланиб турган қиморхонага ҳам кириб чиқишди. Кейин, шарпа чиқармасликка тиришиб, қоронғи қироатхонага ҳам киришди; бу ерда сержаҳл бир йигит қалпоқли чироқлар тагида ўтириб олиб, у журнални қўйиб, бу журнални олар, бир тақир бош генерал эса берилиб китоб ўқир эди. Князь «ақлхона» деб атаган бўлмага ҳам киришди. Бу ерда уч нафар жаноб сиёсат оламининг сўнгги янгиликлари ҳақида қизғин суҳбат билан банд эди.

Князнинг улфатларидан бири уни шу хонада топиб:

– Князь, марҳамат қилсинлар, тайёр, – деди; шундан кейин князь чиқиб кетди. Левин суҳбатга бир оз қулоқ солиб ўтирди; лекин бугун эрталабки гапларни эслади-ю, бирдан юраги сиқилиб кетди. Даст ўрнидан туриб, Облонский билан Туровцинни қидириб кетди – булар билан вақтичор бўларди.

Туровцин қўлида бир кружка ичкилик билан бильярдхонадаги баланд диванда ўтирар, Степан Аркадьич эса Вронский билан хонанинг тўридаги эшик оғзида алланима тўғрисида гаплашиб турар эди.

– Анна зерикишга-ку зерикади-я, лекин аҳволининг дудмаллиги, қарорсизлиги юрагини сиқади, – деган сўзларни эшитиб, Левин ўзини дарҳол четга олмоқчи бўлган эди, бирдан Степан Аркадьич:

– Левин! – деб чақириб қолди. Левин қараб, Степан Аркадьичнинг кўзларида ёш эмас, намлик борлигини кўрди; у ичганда ёки юраги қаттиқ таъсирланганда кўзлари ҳамиша шундай бўларди. Бугун эса ҳам ичган, ҳам юраги эзилиб турган эди. – Левин, кетма, – деди. Афтидан, уни кеткизгиси йўқ эди шекилли, билагидан маҳкам ушлаб олди.

– Бу менинг энг самимий, энг қалин дўстим, – деди Степан Аркадьич Вронскийга. – Сен ҳам мен учун яна ҳам қалинроқ, яна ҳам азизроқсан. Шунинг учун иккалангизнинг дўст бўлишингизни, қалин бўлишингизни хоҳлайман, биламан, иккалангиз ҳам яхши одамларсиз.

Вронский меҳрибонлик билан ҳазиллашиб:

– Демак, бир ўпишишимиз қолибди-да, – деди қўл чўзиб.

Левин чўзилган қўлни шошиб ушлади-ю, маҳкам қисди.

– Жуда хурсандман, жуда хурсандман, – деди Левин Вронскийнинг қўлини қисиб туриб.

Степан Аркадьич дарҳол:

– Ҳой киши, битта шампан келтир! – деди.

Вронский ҳам:

- Мен ҳам жуда хурсандман, - деди.

Лекин, Степан Аркадьич ҳам, уларнинг ўзлари ҳам гаплашиш орзусида бўлсалар-да, аксига гап топилмади, буни иккалови ҳам сезиб турарди.

- Бу Анна билан таниш эмас, хабаринг борми? - деди Вронскийга Степан Аркадьич. - Мен буни албатта Аннанинг ёнига олиб бормоқчиман. Борамиз-а, Левин!

- Ростданми? - деди Вронский. - Аннанинг боши осмонга етади. Мен ҳам ҳозир уйга кетардим-у, лекин Яшвиндан кўнглим тинч эмас, - деб гапига қўшиб қўйди, - ўйини тутагунча шу ерда турмасам бўлмайди.

- Нима бўпти, аҳволи ёмонми?

- Нуқул ютқазяпти, уни мендан бошқа ҳеч ким тўхтатиб қололмайди.

- Нима қиламиз, бильярд ўйнаймизми? Левин, ўйнайсанми? Ҳа, жуда соз, - деди Степан Аркадьич. Кейин маркерга буюрди: - пирамидага қўй.

Маркер, бильярд шарларини учбурчак ичига аллақачон териб қўйиб, қизил шарни эрмак қилиб юмалатиб турган эди.

- Аллақачон тайёр, - деб жавоб қилди у.

- Бошладик бўлмаса.

Бир қўл бильярд ўйнашгандан сўнг Вронский билан Левин Гагин ўтирган стол ёнига келиб жойлашишди; ана шундан кейин Степан Аркадьичнинг таклифи билан Левин унга пул қўйди. Вронский гоҳ стол орқасида ўтириб, муттасил ёнига келиб турган танишлари билан гаплашар, гоҳ қиморхонага Яшвиндан хабар олгани кирар, Левин булса эрталабки мия ҳорғинлигидан сўнг ҳузур қилиб дам оларди. Вронскийга қарши душманлик ҳиссини кўнглидан чиқариб юборгани учун хурсанд бўлар.

кўнгли жойига тушиб, назокат ва шодлик ҳисси билан тўлган эди.

Ўйин тугагандан сўнг Степан Аркадьич Левинни қўлтиридан олди.

– Қани, Аннанинг олдига кетдикми? Ҳозир-а? А? Анна уйида. Мен олиб келаман, деб қачонлари ваъда қилганман. Кечқурун қаёққа бормоқчи эдинг?

– Борадиган унча зарур жой йўқ. Қишлоқ хўжалик жамиятининг мажлисига бораман, деб Свияжскийга ваъда қилувдим. Майли, борсак бора қолайлик, – деди Левин.

– Жуда соз, кетдик! Қара-чи, менинг каретам келганмикан, – деди лакейга Степан Аркадьич.

Левин столга келди-да, тузга тикиб ютқазган қирқ сўмни тўлади; эшик оғзида турган кекса лакейга алақандай сирли йўл билан маълум бўлган клуб чиқимларини бергандан сўнг, қўлларини салангла-тиб, бутун заллар орқали эшик томон юриб кетди.

IX

– Облонскийнинг каретаси! – деб ўшқирди швейцар, йўрон овози билан. Карета етиб келди, иккаласи каретага минди. Карета клуб дарвозасидан чиқиб бораётган дастлабки дақиқалардагина Левин клубдаги осойишталик, ҳузур ва ҳаловат, одамларнинг хуштавозелигидан олган таассуроти остида эди; лекин карета кўчага чиқар-чиқмас ўйдим-чуқур йўлда араванинг силкинганини сезганда, рўпарадан келаётган извошчининг жаҳл билан ўшқирганини эшитганда, хира ёрурда майхоналар ва дўконларнинг қизил вивискаларини кўрганда бу таассурот вайрон бўлди, энди у ўз қилмишларини ўйлашга тутинди, Аннаникига бориш билан яхши иш қиляптими-йўқлигини ўзидан сўради. Бунга Кити нима дейди? Лекин Степан Аркадьич уни ўй-

ланишга қўймади, худди кўнглидаги шубҳаларни пайқаб тургандек, гумонларини тарқатиб юборди.

– Анна билан танишишингга жуда хурсанд бўлапман, – деди Степан Аркадьич. – Мен сенга айтсам, Долли қачондан бери шуни орзу қилиб юрарди. Львов ҳам Аннаникига борган, ҳозир ҳам бориб туради. Гарчи у менинг синглим бўлса ҳамки, – деб Степан Аркадьич сўзини давом қилдирди, – дадил айта оламан: Анна жуда ажойиб жувон. Борганинга ўзинг кўрасан. Аҳволи жуда оғир, айниқса ҳозир.

– Нима учун айниқса ҳозир?

– Биз талоқ хатини олиш тўғрисида эри билан музокара олиб боряпмиз. Эри рози ҳам; лекин ўғли борасида иши бир оз чатоқлашиб турибди; натижада, аллақачон битиб кетиши керак бўлган бу иш, мана уч ойдан бери чўзилиб кетяпти. Талоқ хатини олди дегунча, дарҳол Вронскийга тегади. Бу эски бош оғриқ одат, «Исо, қувон», деган одат қанчалик аҳмоқона бир одат-а! Ҳолбуки, бунга ҳеч ким ишонмайди, чунки бу одамларнинг бахтига раҳна солиб келади, – деб Степан Аркадьич сўз орасига қистириб кетди. – Ана ундан кейин уларнинг ҳам аҳволи меникидақа, сеникидақа муайян шаклга киради.

– Нимаси чатоқлашиб турибди? – деди Левин.

– Эй, бу одамнинг юрагини қон қилиб юборадиган узун гап! Бизда ҳамма вақт аҳвол шунақа дудмал. Лекин гап шундаки, Анна уч ойдан бери шу Москвада яшаб, ундан талоқ хатини кутиб ўтирибди; Москвада эса ҳамма уни ҳам, эрини ҳам танийди; ҳеч қаерга чиқмайди, Доллидан бўлак ҳеч бир аёлни кўрмайди, чунки биласанми, одамларнинг мурувват қилиб келишларини ўзи ҳам хоҳламайди; ҳалиги тентак княжна Варвара бўлса, Аннанинг ёнида туришни номуносиб ҳисоблаб, у ҳам кетиб қолибди. Кўрдингми, мана шундай аҳволга тушиб қолган бошқа бир хотин ўзини қўйишга жой топол-

масди. Анна бўлса, ҳали ўзинг кўрасан, турмушини шундай йўлга солган, шундай вазмин, ўзига муносиб бир ҳаёт кечирадики, одам ҳайрон қолади. – Степан Аркадьич карета деразасидан суқилиб: – чапга, тор кўчага, черков рўпарасига, – деб қичқирди. Кейин ўн икки даража совуққа қарамай, олди очик пўстинини яна ҳам кенгроқ очиб юбориб: – Уҳ, жуда ёмон исиб кетди-да! – деди.

– Ахир қизчаси бор-ку; шу билан овуниб юрса керак? – деди Левин.

– Сен, чамамда, ҳар қандай хотинни урғочи, ипе souveuse¹ деб ўйлайсан шекилли, – деди Степан Аркадьич, – овунади, албатта, болалари билан овунади. Йўқ, қизчасини чамамда, жуда яхши тарбия қилади, аммо ҳеч оғзига олмайди. Анна, аввало, ёзаётган нарсалари билан банд, шулар билан овунади. Мана шу-да, киноя билан кулимсираяпсан, лекин бекор куласан. У болалар учун битта китоб ёзипти, буни ҳеч кимга оғзидан чиқармайди; лекин менга ўқиб берди, мен ҳам қўлёзмасини Воркуевга бердим, биласан-ку, ҳа ўша ношир... Чамамда, ўзи ҳам ёзувчи эди шекилли. Бундақа нарсаларга фаҳми зўр; у, жуда ажойиб нарсани чиқибди, дейди. Нима, сен бу хотинни шунчаки бир адиба деб ўйлайсанми? Ҳечда. У ҳаммадан аввал ҳассос хотин, мана, борганинга ўзинг кўрасан. Ҳозир уникида битта инглиз хизматкор қиз ва бутун бир оила яшайди, Анна шулар билан банд.

– Нима, бу хайру саховат қилиш учунми?

– Мана шунақа-да, сен ҳамма вақт тўғридан қинғир қидириб юрасан. Саховатли эканини кўрсатиш ҳисси эмас, инсоний ҳис, одамшавандалик, яъни Вронскийникида ўз ишини яхши билса ҳам, лекин ичкиликка муккасидан кетган бир инглиз от ўргатувчи бор эди. Бутун ичкиликка берилди-ю,

¹ курж товук (франц.).

delirium tremens¹ касалига мубтало бўлиб, бола-чақасига қарамай қўйди. Анна инглиз оиласининг аҳволини кўриб ёрдам берди, хабар олиб турди, ҳозир шу оила Аннанинг қўлида; манманликка берилиб пул билангина ёрдам қилаётгани йўқ, Аннанинг ўзи болаларини рус тилидан гимназияга тайёрлапти, қизини эса ўзининг ёнига олиб келводди. Ҳали борганингда кўрасан.

Карета ҳовлига кириб тўхтагандан кейин Степан Аркадьич ёнида чаналар турган зинадан қаттиқ кўнғироқ чалди.

Степан Аркадьич эшикни очган кишидан Аннанинг уйдаими-йўқлигини сўроқлаб ҳам ўтирмасдан, тўғри даҳлизга кирди. Левин яхши иш қиялманми ё ёмон иш қиялманми деб кўнгли алағда бўлиб, Степан Аркадьичнинг орқасидан кириб борди.

Левин ойнага қараб, қизариб кетганлигини кўрди; лекин маст эмаслигига ишончи комил эди, шунинг учун Степан Аркадьичга эргашиб гилам тўшалган зинапоядан юқорига чиқиб борди. Тепада Степан Аркадьичга яқин одам сингари таъзим қилган лакейдан Облонский Анна Аркадьевнанинг ёнида ким борлигини сўраган эди, лакей Воркуев жаноблари борлигини айтди.

– Қаерда ўтиришибди?

– Кабинетда.

Степан Аркадьич Левин билан бирга деворлари қорамтир тахтадан қилинган, полига юмшоқ гилам тўшалган ўртамиёна емакхонадан ўтиб, ним қоронғи кабинетга кирди; кабинетга каттакон, қорамтир қалпоқли биргина чироқ ёрув сочиб турарди. Девордаги иккинчи кичкина чироқ эса бутун қомати билан солинган бир жувон портретининггина ёритади. Левиннинг диққати беихтиёр шу портретга тортилди. Бу Аннанинг Италияда Михайлов то-

¹ тутқаноқ (лот.).

монидан чизилган портрети эди. Степан Аркадьич уч табақали ойна орқасига ўтиб кетди, у ердан эшитилиб турган эркак овози тингунча, Левин порлоқ ёғду остида ромдан чиқиб келаётгандек кўринган портретга ҳуши кетиб қараб турди. У ҳатто қаерда эканлигини эсидан чиқариб қўйди, гапирилаётган гапларни эшитмас, кўзларини бу ажойиб портретдан уза олмас эди. Бу портрет эмас эди, балки қора сочлари жингалак, елка ва қўллари яланғоч, гўзал, жонли бир жувон эди; майин тук босган лабларида толғин бир табассум бор эди, қолибона ва мулоим бир нигоҳи билан Левинни уялтирган ажойиб кўзлари бор эди. Жонли бўлганда бундан ортиқ чиройли бўлмас эди.

– Мени жуда хурсанд қилдингиз, – деган овозни эшитди бирдан Левин; ўзига мурожаат билан айтилган бу овоз қулоғи остида янгради, бу портретига Левиннинг ҳуши кетиб қолган жувон овози эди. Анна уни кутиб олиш учун ойна орқасидан чиққан эди, ана шунда Левин кабинетдаги гира-шира ёруғликда портретдаги қорамтир, ранг-баранг кўк кўйлакли ўша жувонни кўрди, гарчи у расмдаги вазиятда бўлмаса ҳам, чехрасидаги ифодалар ўзгача бўлса ҳам, лекин рассом портретда акс эттира олган ўша гўзаллик билан бир хил баландликда эди. У ҳаётда портретдаги қадар порлоқ бўлмаса-да, лекин тирик сиймосида портретда йўқ алақандай янги, жозибали нарсалар бор эди.

Х

Анна уни кўргани учун юрагида уйронган шодлигини яширмай, рўпарасига келиб турди. Кичкина, миқти қўлини бамайлихотир узатишида, Воркуевни таништиришида, шу ерда иш билан машғул бўлган чиройликкина малла қизни кўрсатиб, уни

ўз тарбиясига олганини айтишида, Левин ҳамisha ўзини вазмин ва табиий тутадиган катта кибор жамиятига мансуб аёлларда бўладиган ёқимли, таниш мулойимлик борлигини кўрди.

– Жуда-жуда хурсанд қилдингиз, – деб яна такрорлади Анна; бу оддий сўзлар Левин учун Аннанинг оғзидан чиққанидан негадир бошқача маъно касб этди. – Мен сизни кўп вақтдан бери танийман; ҳам Стива билан дўстлигингиз, ҳам қайлигингиз туйфайли... сизни яхши кўраман; қайлигингизни жуда кам биламан, лекин у менда гўзал бир гул, худди ростмана гул таассуротини қолдирган! Қаранг, яқинда она бўлади!

Анна шошмасдан, бамайлихотир гапирар, онда-сонда кўзларини Левиндан акасига кўчирар, Левин ҳам ўзининг Аннада яхши таассурот қолдирганини сезиб турарди; ана шундан кейин Левин, Аннани худди ёш болалик чоғларидан бери таниб келгандек, ўзини унинг ёнида эркин, содда, хушхол сеза бошлади.

Анна Степан Аркадьичнинг «Папирос чексак бўладими?» деган саволига жавобан:

– Биз Иван Петрович билан Алексейнинг кабинетида худди шунинг учун ўтирибмиз-да, чекиш мумкин, – деди. Кейин «Чекасизми?» деган савол ўрнига, Левинга бир қаради-ю, тошбақа косасидан қилинган папиросдонни олдига тортиб, битта папирос чиқарди.

– Бугун аҳволинг қалай? – деб сўради акаси.

– Тузук. Ҳар вақтдаги асаб.

Степан Аркадьич Левиннинг портретга зимдан қараб-қараб қўяётганини сезиб:

– Жуда аломат солинган, а? – деди.

– Умримда бундан яхши портрет кўрган эмасман.

– Яна шунақа ҳам ўхшайдик, а? – деди Воркуев.

Левин кўзларини портретдан олиб оригиналга қаради. Левиннинг ўзига қараб турганини ҳис қилганда, Аннанинг юзи ғалати бир ёрду сочиб порлади. Левин қизариб кетди; у хижолат бўлганини яшириш учун Дарья Александровнани қачон кўрганлигини Аннадан сўрамоқчи бўлган эди, аммо Анна гап бошлаб қолди.

– Биз ҳозир Иван Петрович билан Вашченковнинг сўнгги расмлари тўғрисида гаплашиб ўтирган эдик. Сиз ўша расмларни кўрганмисиз?

– Ҳа, кўрганман, – деб жавоб берди Левин.

– Э, кечирасиз, мен сизнинг гапингизни бўлиб қўйдим. Сиз бир нима демоқчи эдингиз...

Левин Доллини қачон кўрганлигини сўради.

– Кеча келувди, Гриша туфайли гимназияга жуда жаҳли чиқиб юрибди. Чамамда, лотин тили муаллими Гришага ноҳақ муомала қилаётган эмиш.

Левин яна Анна бошлаган суҳбатга қайтди.

– Ҳа, ўша расмларни кўрганман. Менга унчалик ёққани йўқ, – деди.

Левин энди бугун эрталабки сингари ишга косибчасига қарайдиган одам кўзи билан қараб гапирмас эди. Анна билан гаплашганда ҳар бир сўз алоҳида маъно касб этарди. У билан гаплашиш қанчалик ёқимли бўлса, овозини эшитиш яна ҳам кўпроқ ҳузур баришларди.

Аннанинг гаплари табиий ва бамаъни эди, бамаъни бўлса ҳам парвосизлик билан гапириб, ўз фикрларига ҳеч қандай қиммат бермас, аксинча, суҳбатдошининг фикрларига кўпроқ қиммат берарди.

Гап санъатдаги янги оқим ва француз рассомларининг Тавротга чизган янги суратлари устида борарди. Воркуев рассомни интиҳосига етказилган кўпол реализмда айбларди. Левин французлар санъатда шартлиликни ҳаддидан ошириб юборишган, шунинг учун улар реализмга қайтиш билан ўз-

ларини катта хизмат қилган деб ўйлайдилар. Ёлғончиликка чек қўйишларининг ўзида бир шеърият борлигини кўрадилар, деди.

Левин шу вақтгача айтган бирон ақлли сўзидан бунчалик лаззат олган эмас эди. Анна бу фикрга таҳсин қилганидан, чеҳраси бирданига чарақлаб кетди. Анна кулиб юборди.

– Мен аслига жуда ўхшаган портретни кўрганда кулган одамга ўхшаб кулягман, – деди Анна. – Сиз айтган фикрларингиз ҳозирги француз рассомлари ва санъатини, ҳатто адабиётини ҳам, масалан: Zola, Daudetни ҳам тамомила тавсифлаб берди. Ким билади, балки улар ўз Conceptionsларини¹ олдин ҳамиша уйдирма, шартли фигуралардан тузишар ва бутун combinaisons² тайёр бўлгандан кейин, бу уйдирма фигуралар жонларига тегиб, табиийроқ, ҳаққонийроқ фигуралар ўйлаб топишга киришишар.

– Баракалла, мана бу тамоман тўғри гап! – деди Воркуев.

– Клубга борувдингларми? – деб сўради акасидан Анна.

Левин ҳозир Аннанинг бирданига бутунлай ўзгариб кетган гўзал, ўйноқи юзидан кўзларини узолмай: «Ҳа, ҳа, хотин киши деган мана шундай бўлса!» деб ҳуши кетиб ўйланиб қолди. Аннанинг эгилиб акасига нималар деганини Левин эшитмади. Чунки чеҳрасининг ўзгаргани Левинни маҳлиё қилиб қўйган эди. Бир зумгина аввал ўз осойишталиги билан ниҳоят гўзал кўринган чеҳраси бирданига ралати бир мароқ, ғазаб ва ғурур аломатларини акс эттира бошлади. Лекин бу атиги бир дақиқагина давом этди. Анна бир нимани эслай олмаётгандек қилиб кўзларини сузди.

¹ концепция (франц.).

² комбинация (франц.).

– Шунақа, хайр майли, бу гапнинг ҳеч кимга қизиги йўқ, – деди Анна, кейин, дарҳол, инглиз қизга мурожаат қилди:

– Please order in the drawing-room¹.

Қизча ўрнидан туриб чиқиб кетди.

– Қалай, бу қиз эпақага келяптими? – деб сўради Степан Аркадьич.

– Жуда ҳам-да. Ниҳоятда уддабурон, ширин табиат қиз.

– Бориб-бориб, буни ўз қизингдай ортиқ севиб қоласан.

– Эркак кишининг айтадиган гапи шу-да. Севгининг катта, кичиги бўлмайди. Қизимнинг қалбимдаги ўрин бошқа, буники – бошқа.

– Мен ҳам Анна Аркадьевнага шуни айтяпман, – деди Воркуев, – агар шу инглиз қизига сарф қилаётган меҳнатнинг юздан бирини рус болаларини тарбия қилиш соҳасидаги умумий ишимизга сарф қилган бўлсалар эди, Анна Аркадьевна ниҳоятда катта фойдали иш қилган бўлардилар.

– На чора, нима десангиз денг, қўлимдан келмади-келмади-да. Граф Алексей Крилович (граф Алексей Крилович сўзларини айтиб туриб, Анна узр сўраётгандек ҳуркак бир назар билан Левинга қараб олди; Левин ҳам эҳтиром билан бош эгиб, унинг гапини мақуллади) мени қишлоқ мактаби билан шуғулланишга рағбатлантирди. Мен бир неча бор мактабга бордим ҳам. Болалар жуда яхши, лекин шу ишга берилиб кетолмадим. Сиз меҳнатдан гапирдингиз. Меҳнат тагида муҳаббат бор. Муҳаббат эса ташқаридан келмайди, унга буюриб бўлмайди. Мана мен шу қизни яхши кўриб қолдим, лекин қандай яхши кўриб қолганимни ўзим ҳам билмайман.

¹ Марҳамат қилиб айтсангиз, меҳмонхонага чой келтиришини (ингл.).

Анна яна Левинга қараб олди. Аннанинг табасуми ҳам, қарашлари ҳам Левиннинг фикрини қадрлаганидан, шу билан бирга, бир-бирларининг фикрларини тушунишларини билиб турганидан далолат берарди, шунинг учун ҳам бу сўзларни фақат Левингагина қаратиб айтар эди.

– Мен буни яхши тушунаман, – деб Левин жавоб берди. – Мактабга ва умуман шуларга ўхшаш муассасаларга одам жонини тикиб қўёлмайди, назаримда, шунинг учун ҳам бу хил хайрия муассасалари ҳамиша жуда кам маҳсул беради.

Анна бир оз жим тургандан сўнг кулимсираб юборди.

– Ҳа, ҳа, – деб тасдиқ этди Анна. – Мен ҳеч шундай қилолмадим. Je n'ai pas le coeur assez large¹ мурдор қизчалар тарбияланадиган бутун бошлиқ бир етимхонани яхши кўра олсам. Cela ne m'a jamais reussi.² Ҳолбуки бу йўл билан ўзларига position sociale³ қозонган хотин кишилар озмунча эмас. Ҳозир эса айниқса, – деди; Анна бу сўзларни ишонч билан гапгин бир оҳангда, зоҳирда акасига қараб айтгандек туюлса ҳам, ҳақиқатда Левинга мўлжаллаб айтгани ошқора кўриниб турарди, – мана ҳозир, бирон нарса билан шуғулланишга эҳтиёж сезиб турган бир пайтимда, шу нарсанинг улдасидан чиқолма-япман. – Анна бирдан қошларини жийирди-ю, (Левин Аннанинг ўзи ҳақида гапираётгани учун ўзига жаҳли чиққанини фаҳмлади), гапни бошқа ёққа буриб юборди. Левинга қараб шундай деди: – Сизнинг ёмон ватандош эканлигингизни биламан, шундай бўлса ҳам, сизни қўлимдан келганича ҳимоя қилиб келганман.

– Ия, мени қандай ҳимоя қиласиз?

¹ Менинг юрагим шу қадар кенг эмаски (франц.).

² Бу нарсани ҳеч қачон урдамай олган эмасман (франц.).

³ ижтимоий мавқе (франц.).

– Сизга қарши ҳужумлардан. Хайр, майли, чойга марҳамат қилмайдиларми? – деди Анна саҳтиён муқовали китобни қўлига олиб ўрнидан турди.

Воркуев китобга ишора қилиб:

– Менга беринг, Анна Аркадьевна, – деди. – Жуда қимматли китоб бу.

– Вой, йўқ, ҳали хом бу.

Степан Аркадьич синглицига:

– Мен бунга айтдим, – деди Левинни ишора қилиб.

– Чакки қилибсан. Менинг ёзганларим – авахтада ишлаган Лиза Мерцалова бир маҳаллар менга сотган нақшли саватчаларга ўхшаган нарсаси. Лиза Мерцалова маҳбусларга бошчилик қиларди, – деди Анна Левинга қараб. – Ўша шўрликлар сабр-матонат бобида мўъжизалар яратдилар.

Левин ўзига бениҳоя ёқиб қолган бу жувонда янги бир хислат кўрди. Унда ақл, зеболик ва гўзалликдан ташқари, яна ростгўйлик ҳам бор эди. Анна ўз аҳволининг нақадар оғирлигини ундан яширишни истамас эди. Анна бу сўзларни айтиб чуқур хўрсинди, шунда чеҳраси бирданига жиддий тус олиб, тошдай қотиб қолди. Юзидаги бу ифода Аннани яна ҳам очиб юборди; аммо бу янги ифода эди; бу ифода рассом портретда чизган саодат нури билан ёритилган, саодатбахш ифодадан бошқача эди. Левин портретга ва акасини қўлидан ушлаб баланд эшик томон кетаётган Аннанинг қоматига яна бир марта қаради-ю, қалбида Аннага нисбатан уйронган малоҳат ва шафқатдан ўзи ҳам ҳайрон бўлди.

Анна Левин билан Воркуевдан меҳмонхонага киришларини илтимос қилиб, ўзи акаси билан бир нима тўррисида гаплашиб қолди. Левин: «Талоқдан, Вронскийдан, клубда у нима қилиб юрганидан, менадан гаплашса керак», деб ўйлади. Аннанинг Степан Аркадьич билан нима тўррисида гаплашаётгани Ле-

виннинг эс-хушини шу қадар олиб қўйган эдики, Анна Аркадьевнанинг болалар учун ёзган романи ва унинг фазилатлари ҳақида Воркуев гапираётган гаплар қарийб қулоқларига кирмас эди.

Чой устида ҳам ўша ёқимли, мазмунли суҳбат давом қилди. Суҳбатга мавзу қидириш учун бирон дақиқа ўйлаш у ёқда турсин, аксинча, оғзиларига келиб турган гапларини айтишга улгуришмаганини, ўзларининг гапларини жон-диллари билан тўхтатиб, бошқаларнинг гапларини мамнуният билан эшитаётганларини ҳис этиб ўтиришди. Левинга фақат Аннанинг сўзларигина эмас, балки Воркуевнинг, Степан Аркадьичнинг сўзлари ҳам, Анна диққат билан тинглаб, луқма ташлаб тургани тўфайли, алоҳида маъно касб этгандек туюларди.

Левин бу мароқли суҳбатга кўз-қулоқ бўлиб ўтириб, Аннанинг ҳусн-жамолига, ақлу хушига, онг ва билимига, айни замонда соддалиги ва дилдорлигига ҳаваси келарди. У қулоқ солар, ўзи ҳам сўзлар ва ҳамма вақт Аннанинг ички дунёсини ўйлар, ҳисларини пайқашга тиришарди. Илгарилари Аннани жуда ёмон қоралаб келганига қарамай, энди миясида қайнаётган алақандай фикрлар зўри билан Аннани оқлар, шу билан бирга, Вронский бунинг қадрига тўла етмайди, деб раҳми келар. қўрқар эди. Соат ўн бирда Степан Аркадьич ўриндан қўзғалиб кетмоқчи бўлганда (Воркуев илгарироқ чиқиб кетган эди), Левин ўзини ҳозиргина келгандек ҳис қилди. Шунинг учун афсус еб ўрнидан турди.

Анна уни қўлидан ушлаб ва жозибадор кўзлари билан тикилиб туриб:

– Яхши боринг, – деди. – *Que la glace est rompue!*¹ жуда хурсандман.

Анна унинг қўлини қўйиб юбориб, кўзларини сузди.

¹ Биринчи қадамнингиз учун (франц.).

– Қайлиғингизга айтиб қўйинг: мен уни бурунгидай яхши кўраман; агар ҳозирги аҳволим важдидан мени маъзур кўра олмаса, у ҳолда мени бир умр маъзур кўрмаслигини орзу этаман. Маъзур кўриш учун эса менинг бошимдан кечган азобу уқубатларни кечириш керак; бу азоблардан уни худо асрасин.

– Албатта, ҳа, албатта айтаман... – деди Левин, қизариб.

XI

Левин Степан Аркадьич билан муздек ҳавога чиққанда: «Нақадар ажойиб, дилбар ва ғариб бир аёл», – деб ўйланди.

Степан Аркадьич Левиннинг бутунлай мағлуб бўлганини кўриб:

– Хўш? Мен сенга айтмабмидим? – деди.

– Ҳа, – деб жавоб берди Левин, ўйчан бир ҳолда, – мисли йўқ жувон! Ақлли эканлигини қўявер, лекин самимий ҳам, шуниси одамни ҳайрон қолдиради. Уволки, асти сўрама!

– Худо насиб қилса, яқинда ҳамма иш тўғри бўлиб кетади. Шунақа, билмай туриб, одамни олдиндан ёмонотлиққа чиқарма, – деди Степан Аркадьич каретанинг эшигини очиб. – Яхши бор, йўлимиз бир эмас.

Левин йўл бўйи Аннани, у билан бўлган энг содда суҳбатларини ўйлаб борди; чехрасидаги ифодаларни икир-чикирларигача бир-бир хаёлидан ўтказди, буларни ўйлаган ва хаёлидан ўтказган сари Аннага ҳамдард бўлиб, унга юраги ачишиб, шу тахлитда уйга етиб борди.

Уйда Катерина Александровнанинг саломатлигини, опалари яқиндагина кетганлигини айтиб, Кузьма Левинга иккита хат берди. Левин кейин хаёлини бўлиб юрмаслик учун хатларни шу ерда, даҳлизда-

ёқ ўқиб чиқди. Хатларнинг бири приказчиги Соколовдан эди. Соколов буғдойни сотиб бўлмаслигини, чунки беш ярим сўмдан ортиқ беришмаётганларини, бошқа ердан эса пул топишнинг иложи йўқлигини ёзган эди. Иккинчи хат опасидан келган эди. Опаси ишни ҳалигача бир ёқлик қилмагани учун Левиндан ўпкаланарди.

«На чора, ортиқ беришмагандан кейин, беш ярим сўмдан сотамиз-да», – Левин илгарилари ҳал қилиниши ўзи учун жуда оғир бўлган бу биринчи масалани шу тахлитда осонгина ҳал қилди. Кейин иккинчи хат тўғрисида: «Қизиқ, бу ерда одамнинг ҳеч вақти бўлмайди», – деб ўйланди. Левин опаси илтимос қилган ишни ҳалига довур бартараф қилмагани учун ўзини опаси олдида айбдор ҳис қиларди. «Бутун тарин судга бормадим, лекин бутун ҳақиқатан ҳам вақтим бўлмади». Левин, бу ишни мутлақо эртага бартараф қилишни кўнглига тутиб, хотинининг ёнига кетди. Кета туриб, бутунги кун ҳодисаларини бир зумда хаёлидан кечириб чиқди. Бутунги кун ҳодисалари фақат гап-сўздан иборат эди: бу сўзларни ўзи эшитган, бу сўзларда ўзи ҳам қатнашган эди. Суҳбат шундай мавзулар устида бордики, агар у қишлоқда бўлса, буларнинг ҳеч бири билан шуғулланиб ўтирмасди. Бу ерда эса бу гап-сўзлар жуда одамни қизиқтирарди. Бу гап-сўзларнинг ҳаммаси ҳам яхши эди; фақат иккита нарса Левинга унча ёқмади: бири – унинг чўртан балиқ тўғрисидаги гапи, иккинчиси эса, ўзининг Аннага юраги эзилиб ачинишида алланима борлиги эди.

Левин кирса, хотини қайғуриб, зерикиб ўтирган экан. Уч опа-сингилнинг тушлик овқати жуда лаззатли ўтиши мумкин экан, аммо уш жуда кўп кутишибди, кута-кута кўзлари тўрт бўлибди. ахийри ҳаммаси зерикибди, опалари кетиб, Китининг ўзи ёғриз қолибди.

Кити Левиннинг жуда бошқача, чарақлаб турган кўзларига қараб шубҳаланиб:

– Қани айт-чи, ўзинг нималар қилдинг? – деб сўради. Аммо эрининг ҳамма нарсани оқизмай-томизмай айтишига халақит бермаслик учун унинг сўзларини қандай эътибор билан эшитаётганини яшириб, оқшомни қандай ўтказганлиги тўғрисидаги ҳикоясига маъқулловчи бир табассум билан кулоқ солиб ўтирди.

– Хуллас, Вронскийни кўрганимга жуда хурсанд бўлдим. Ўзимни йўқотмай у билан бемалол гаплашдим. Биласанми, энди у билан ҳеч қачон кўришмасликка тиришаман, ишқилиб орамиздаги совуқлик кўтарилсинда, – деди-ю Левин, ҳеч қачон кўришмасликка тиришгани ҳолда дарҳол Аннанинг ҳузурига чопганини эслаб, қизариб кетди. – Мана, масалан, биз халойиқни ичади, деймиз; билмайман, ким кўп ичар экан: оддий халойиқми ё бизнинг табақамизми? Оддий халқ лоақал байрамда ичади, лекин...

Аммо халойиқнинг ичиши тўғрисидаги мулоҳазалар Китини қизиқтирмас эди. Кити эрининг қизариб кетганини кўрган эди, у ҳозир шуни билишни истарди.

– Хўш, кейин қаерга бординг?

– Стива қўярда-қўймасдан Анна Аркадьевнанинг олдига олиб борди.

Левин шу гапни айтди-ю, лоладек қизариб кетди; Аннаникига бориш билан яхши иш қилган қилмаганлиги тўғрисидаги гумонлари узил-кесил ҳал бўлди. У бундай қилмаслиги кераклигини энди билди.

Левин Аннанинг номини тилга олганда, Китининг кўзлари жуда ғалати олайиб, чақнаб кетди, лекин у ўзини босиб олиб, ҳаяжонини яширди ва шу билан эрини алдади. У фақат:

– Э! – деб қўя қолди.

– Уникага борганимга ростдан ҳам жаҳлинг чиқмас? Стива қўймади. Долли ҳам хоҳлаган экан, – деб Левин сўзини давом қилдирди.

– Йўқ-йўқ, – деди Кити; аммо у қайлигининг ўзини зўрға босиб турганлигини, лекин бундан ўзи учун ҳеч қандай яхшилик чиқмаслигини кўрди.

Левин Аннадан, унинг машғулотидан ва Китига айтиб қўйишни топширган сўзларидан ҳикоя қилиб туриб:

– Жуда дилбар, жуда, жуда ҳам ғариб, яхши жувон экан, – деди.

Левин ҳикоясини тугатганда, Кити:

– Ҳа, албатта, жуда ғариб, бечора, – деб қўйди. – Кимдан хат олдинг?

Левин кимлардан олганини айтди-да, Китининг хотиржамлигидан қўнғли тўқ бўлиб, счингани кетди.

Қайтиб кирганда, Кити ҳамон бояги курсида ўтирарди. Левин ёнига келиши билан Кити унга бир қаради-ю, ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Нима бўлди? Нима бўлди? – деб сўради Левин, нима бўлганлигини илгаридан билгани ҳолда.

– Бу ярамас хотинга ошиқ бўлгансан, у сени сеҳрлаб олган. Буни кўзларингдан кўрдим, ҳа, ҳа! Бунинг оқибати нима бўлади энди? Сен клубга бориб ичгансан, ичгансан, ўйнагансан, кейин боргансан... тагин кимнинг олдига? Йўқ, кетамиз... эртагаёқ мен бу ердан жўнаб кетаман.

Левин анча паллагача хотинини юпата олмади. Ахийри, шафқат ҳисси ичкилик таъсири билан қўшилиб ўзини йўлдан ургангани, Аннанинг найрангларига учганини, бундан бу ёқ ўзини ундан олиб қочишлигини бўйнига олгандан сўнггина Китини юпатишга муваффақ бўлди. У Москвада шунча узоқ вақт ёлғиз гап-сўз билан овқат ейиш ва ичиш билан яшаб келиб, ўзини эркалатиб қўйган эди, буни чин қалбидан эътироф қилар эди. Эру хотин

кечаси соат учгача гаплашиб ўтиришди. Фақат соат учдагина тамоман апоқ-чапоқ бўлишиб, уйкуга кетишди.

XII

Анна, меҳмонларни кузатгандан сўнг, ўтирмасдан, хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Анна ғайришуурий тарзда бутун оқшом бўйи Левинда ўзига нисбатан севги ҳисси уйғотиш учун қўлидан келганча ҳаракат этган бўлса ҳам (сўнгги вақтларда ёш кишиларга нисбатан шундай ҳаракат қиларди), бир кечада хотинли ва номусли бир одамни имкони борича ўзига мафтун эта олганини билса ҳам, гарчи Левин ўзига жуда-жуда ёқиб қолган бўлса ҳам (эркак кишилар назарида. Вронский билан Левин ўртасидаги фарқ жуда катталигига қарамасдан, Анна хотинлик сифати билан уларда бир ўхшашлик борлигини кўрардики, Кити ҳам худди шу ваздан ҳам Вронскийни, ҳам Левинни яхши кўрган эди), Левин уйдан чиқар-чиқмас, Анна уни ўйламай қўйди.

Бир ўй, фақат биргина ўй уни минг мақомга солиб қийнар эди. «Агар мен бошқаларга, бу оилани, хотинини севадиган бир кишига шу қадар таъсир қила олсам, нега энди у менга шу қадар совуқ?.. Йўқ, совуқ эмас, мени яхши кўради, мен буни билман. Лекин ҳозир қандайдир янги бир нарса бизни бир-биримиздан айиряпти. Нега бутун оқшом қорасини кўрсатмайди? Яшвинни ташлаб кетолмаслигини, ўйинга кўз-қулоқ бўлиб туриши кераклигини Стивадан айттириб юборибди. Яшвин бояқиш бу ерда нима қилиб юрибди? Хайр, бу гапни тўғри ҳам деяйлик. У ҳеч вақт ёлгон гапирмайди. Лекин шу тўғрилигида бошқа нарса бор. Ўзининг бошқа ишлари борлигини менга кўрсатиш учун бу тасодифдан фойдаланган. Мен буни биламан, мен бунига

розиман. Аммо буни менга исбот қилиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? У менга бўлган севгисининг озодлигига халақит бермаслик кераклигини менга исбот қилмоқчи. Аммо менга исбот керак эмас, муҳаббат керак. У менинг шу ерда, Москвада ҳаётим нечоғлиқ мушқул эканлигини тушуниши керак эди. Ажабо, менинг ҳаётим ҳам ҳаётми? Мен ҳаёт кечириётганим йўқ, балки кундан-кунга узоқлашиб бораётган сўнгги ечимни бир ёқлик бўлишини кутиб ўтирибман. Яна жавоб йўқ! Стива ҳам Алексей Александровичнинг олдига боролмайман, дейди. Мен бўлсам, яна унга хат ёзолмайман. Ҳеч нарсага қўлим бормайди, ҳеч нарсага қўл уролмайман, ҳеч нарсани ўзгартиролмайман, ўзимни босаман, интизорлик чекаман, ўзимга ҳар хил эрмаклар топаман – ўзимни инглиз оиласи билан, ёзиш-чизиш билан, ўқиш билан овора қиламан, лекин буларнинг ҳаммаси ёлрон, буларнинг ҳаммаси яна ўша морфин. Менга раҳми келиши керак эди, – деярдди, ўзи ўзига куйганидан кўзларига ёш чиққанини сезиб.

У Вронскийнинг пайдар-пай босган қўнғироқ жарангини эшитди-да, апил-тапил кўз ёшларини артди, кўз ёшларини артиш билан кифояланмай, чироқ ёнига ўтириб, китобни очди ва ўзини хотиржам кўрсатишга тиришди. Вронскийнинг ваъда қилган вақтида келмагани учун норозилигини, фақатгина норозилигини кўрсатиши, аммо ўз дардини, айниқса ўзига ачинганини зинҳор унга кўрсатмаслиги керак эди. Аннанинг ўз-ўзига раҳми келиши мумкин эди. Лекин Вронский эмас. Анна курашни истамасди, Вронскийни курашмоқчи бўлгани учун таъна қиларди, оқибатда эса беихтиёр ўзи кураш вазиятига тушиб қоларди.

Вронский тетик ва шўх бир қиёфада яқинига келиб:

– Қалай, зерикканинг йўқми? – деб сўради. – Қимор ўлгур ёмон нарса-да!

– Йўқ, зерикканим йўқ, иннайкейин, зерикмасликка қачонлардан бери одатланиб қолганман. Стива билан Левин келди.

– Ҳа, улар сенинг олдинга келишмоқчи эди. Қалай, Левин ёқдимми сенга? – деди Вронский, Аннанинг ёнига ўтириб.

– Жуда ҳозиргина кетишди. Яшвин нима бўлди?

– Ўн етти минг сўм ютиб олган эди, кетайлик, дедим. Сал бўлмаса мен билан бирга кетувди ҳам. Яна ўйинга қайтиб бориб, энди ютқазяпти.

Анна бирдан кўзларини кўтариб унга қаради-да:

– Бўлмаса нимага қолдинг? – деб сўради. Юзида совуқ кек, адоват ифодаси бор эди. – Стивага: Яшвинни олиб кетгани қоляпман, дебсан. Бари бир, яна ташлаб келибсан.

Вронскийнинг юзида ҳам курашга тайёрликнинг совуқ ифодаси кўринди.

– Аввало, мен ундан сенга бир нима деб қўйишни илтимос қилганим йўқ, қолаверса, мен ҳеч қачон ёлрон гапирмайман. Аслида, қолгим бор эди – қолдим, – деди Вронский хўмрайиб. Бир дақиқача жим қолгандан сўнг Анна томонга эгилиб: – Анна, бу гапларнинг нима кераги бор, нима кераги бор? – деди-да, Анна қўлини қўяди деган ният билан ўз ҳовучини очиб турди.

Вронскийнинг малоҳатга даъватини кўриб, Анна хурсанд бўлди. Аммо кураш шартлари бўйин эгишга йўл қўймаётгандек, вазабидан турилган ғалати бир куч орзуларига таслим бўлдирмас эди.

– Албатта, қолнинг келган экан – қолибсан. Сен кўнглинг тусаганини қиласан. Лекин бу нарсаларни нечун менга айтасан? Нима учун? – дея кетди Анна тобора тутақиб. – Наҳотки биров сенинг ҳаққи ҳуқуқингга чанг солаётган бўлса? Агар сен ўзингнинг ҳақли эканлигингни кўрсатишни хоҳлаётган бўлсанг, майли, ҳақли бўла қол.

Вронскийнинг ҳовучи юмилиди, ўзини орқага тортди, юзи аввалгидан ҳам ўжар тус олди.

Анна диққат билан унга разм солгандан сўнг, Вронскийнинг юзидаги ўзининг жаҳдини чиқариб турган ифодага бирдан от топиб:

– Сен бунни азбаройи ўжарликдан қиласан, – деди, – ҳа, ўжарликдан. Сен мен билан курашингда фолиб чиқасанми-йўқми – шуни ўйлайсан, мен бўлсам... – яна Аннанинг ўзига раҳми келиб, йиғлаб юборай деди. – Кошки эди менинг дардим нимада эканлигини билсанг! Ҳозиргидай, мен билан ёвлашгандай, ҳа, худди ёвлашгандай муомала қилганингни сезиб юрганганимни билсайдинг, бунинг мен учун нима демак эканлигини англасайдинг! Агар шундай дақиқаларда бахтсизликка нақадар яқин, яқин эканлигимни билсайдинг, – Анна юзини четга ўтириб, йиғисини яширишга уринди.

Вронский унинг жонидан тўйганини авзойидан кўриб даҳшатга тушди-да, яна у томонга эгилиб:

– Ахир биз нимани талашамиз-а? – деди-ю, Аннанинг қўлини олиб ўпа бошлади. – Мен нима гуноҳ қилдим? Ё мен уйдан ташқарида вақтимни чоғ қилиб юрибманми? Ё мен хотинлардан ўзимни олиб қочмаяпманми?

– Қочмай кўргин эди! – деди Анна.

Вронский унинг ҳасрат чекаётганидан таъсирланиб:

– Айт бўлмаса, сени тинчитиш учун нима қилай? Бахтли бўлишинг учун ҳар нима қилишга тайёрман, сени ҳозиргидақа доғу ҳасратдан халос қилиш учун жонимни ҳам аямайман, Анна! – деди.

– Ҳеч нима бўлгани йўқ, ҳеч нима бўлгани йўқ! – деди Анна. – Ўзим ҳам билмайман: якка-ёлғиз турганимданми, асабларим бузилганиданми... хайр, бу гални бас қилайлик. Қани, пойга нима бўлди? Менга айтганинг ҳам йўқ, – деб сўради Анна, ҳар ҳолда

ўз фойдасига ҳал бўлган ғалаба тантанасини яширишга тиришиб.

Вронский, кечки овқат сўрагандан сўнг, пойга тафсилотини айтиб бера бошлади; лекин Анна унинг сўз оҳанглирида, ҳамон совуқлашиб бораётган кўз қарашларида Анна қозонган ғалаба учун уни кечирмаганлигини, Анна енгмоқчи бўлган ўша ўжарлик ҳисси яна унда қарор топганлигини кўриб турди. Вронский унга аввалгидан совуқроқ муомала қилар, бўйин эггани учун пушаймондек кўринарди. Ана шунда Анна ўзига ғалаба келтирган сўзларини, яъни «мен даҳшатли бир бахтсизлик қаршисида турибман, ўзимдан қўрқаман», деган сўзларини эслаб, бу қуролнинг хавфли эканини, иккиламчи ишлатиш мумкин эмаслигини англади. Анна бўлса ўзларини бир-бирига боғлаб турган муҳаббат ёнида алақандай ашаддий кураш руҳи жойланиб олганини, бу руҳни на унинг қалбидан ва на ўзининг қалбидан қувиб чиқара олмаслигини сезиб турарди.

ХІІІ

Одам боласи ўрганиб кетмайдиган ҳеч бир шароит йўқ; айниқса теварагингдаги одамларнинг ҳам шундай яшаб турганларини кўрганда, албатта, ўрганасан. Левин ҳозирги шароитда тинчгина ётиб ухлаши мумкинлигига бундан уч ой аввал ҳеч бир ишона олмас эди; бемаслак, бемаъни ҳаёт кечириб, қурбидан ортиқча сарф-харажат қилишдан, арокўрликдан (клубда бўлган нарсаларни бошқа сўз билан атай олмасди), бир маҳаллар хотини яхши кўриб қолган бир киши билан келишмаган дўстона муомалалар қилганидан, йўлдан озган хотин деб аташдан бошқасига тил бормайдиган бир аёл уйига бориб, ўзига ярашмаган қилиқ қилганидан, бу аёлга ишқибозлик қилиб, кейин ўз хотинини ранжитгандан сўнг – мана

шундай бир шароитда бамайлихотир ухлай олишига ҳеч-ҳеч ишона олмасди. Аммо ҳорғиналик, уйқусиз ўтган тун, ичилаган вино касофати билан данг қотиб ухлаб қолди.

Эрталаб соат бешда эшикнинг гичиллаб очилиши уйротиб юборди. У сапчиб туриб, атрофига қаради. Кити ёнида йўқ эди. Лекин тўсиқ орқасида қимирлаётган ёруғни кўрди, Китининг оёқ товуши эшитди.

– Нима бўлди?.. Нима гап? – деб уйқусираб сўради. – Кити! Нима бўлди?

Кити қўлида шам билан тўсиқ орқасидан чиқиб:

– Ҳеч нима, – деди. Кейин жуда ҳам ширин, маънодор бир табассум билан жиламайди: – бир оз тобим қочгандай бўлди.

Левин қўрқиб кетди.

– Нима бўлди! Бошландими? Бошландими? – деб устма-уст сўради. – Одам юбориш керак, – деди-ю, дарҳол туриб, кийина бошлади.

Кити кулимсираб, уни қўлидан ушлади.

– Йўқ, йўқ, ҳеч гап йўққа ўхшайди. Бир оз тобим қочди холос. Ҳозир босилди, – деди Кити.

Кити шундан кейин каравот ёнига келиб шамни ўчирди-да, ётиб жим бўлди. Китининг худди нафасини қисиб тургандек жимиб кетиши, айниқса тўсиқ орқасидан чиқиб, «ҳеч нима» деган вақтидаги жуда бошқача ҳаяжон ва малоҳати Левинда шубҳа туядирган бўлса ҳам, қаттиқ уйқуси келиб тургани учун ўша заҳоти ухлаб қолди. Нафаси ичига тушиб, жим бўлиб қолган ўша соатда, Кити хотинлар ҳаётида юз берадиган воят улуғ ҳодисани кутиб ёнига кириб қимирламасдан ётганда, унинг азиз, дилбар қалбида нималар булганини Левин кейинча англади. Соат еттида Кити қўлини елкасига теггизиб, секин шивирлаганда уйрониб кетди. Кити уни уйротишга ҳам ачинар, ҳам у билан гаплашгиси ке-

ларди; гўё унинг қалбида шу икки истак ўртасида кураш борарди.

– Костя, кўркма, ҳеч гап йўқ. Лекин, назаримда... Лизавета Петровнага одам юбориш керак.

Шам яна ёқиб қўйилган эди. Кити каравотда, сўнгги кунларда тўқий бошлаган ишини қўлида ушлаб ўтирарди.

Кити Левиннинг ваҳима босган юзини кўриб:

– Кўркма, айланай, ҳеч гап йўқ. Мен тирноқча ҳам кўркмайман, – деди-да, Левиннинг қўлини кўксига босиб, кейин лабларига келтирди.

Левин ўзини йўқотиб сакраб турди-да, кўзларини Китидан олмай халатини кийиб, унга тикилганча тўхтаб қолди. Чиқиш керак бўлса ҳам, лекин кўзларини Китининг кўзларидан айира олмасди. Китининг чеҳрасини севмасмиди, ифодаларини, боқишларини билмасмиди, аммо уни ҳеч маҳал бу хилда кўрмаган эди. Кеча уни хафа қилганини эслаб, ҳозирги аҳволдаги Кити олдида ўзининг нечоғлиқ қабиҳ, пасткаш эканлигини кўз ўнгига келтирди! Каллапўши остидан чиқиб турган майин сочлар қуршовидаги лола юзидан суюнч ва қатъият ёрилиб турарди.

Китининг умумий характерида ғайритабиийлик ва ғайрисамимийлик нечоғлиқ оз бўлса-да, бутун пардалар бирданига кўтарилиб, қалб гавҳари кўзларида порлай бошлаганда, Левин кўз ўнгига яққол кўринган бу латофатдан ақлини йўқотиб қўйди. Кити, Левин севган ўша Кити, пардаси кўтарилган шу софликда, соддаликда яна ҳам равшанроқ кўзга чалинарди. У Левинга кулимсираб қараб турарди; лекин бирдан қошлари ўйнади, бошини баланд кўтарди, тез яқинлашиб, Левиннинг қўлини ушлади, бутун вужуди билан баррига суқилди, иссиқ нафаси юзига гупилаб урди. Кити азоб чекар, гўё азобидан Левинга шикоят қилар эди. Одати бўйича, дастлаб Левин ўзини айбдор деб ҳис қилди. Лекин Кити кўзларида

шундай бир латофат бор эдики, бу латофат Левиндан ўпка қилиш у ёқда турсин, балки уни шу азоблар туфайли яхши кўрганлигини айтиб турарди. Левин бу азобларнинг сабабларини топиш ва унинг жазосини бериш учун беихтиёр: «Айбдор мен бўлмасам, бошқа ким ахир?» – деб ўйланди: лекин ўртада айбдор йўқ эди. Кити азоб чекар, зорланар, бу азоблардан тантана қилар, қувонар, уларни севарди. Левин Китининг қалбида гўзал бир нарса содир бўлаётганини кўрар, лекин бу нима эди? – буни англай олмай қийналарди. Бу унинг тушунчасидан юксак нарса эди.

– Мен ойимларга одам юбордим. Сен тез Лизавета Петровнага чоп... Костя!.. Ҳозир тузук, босилди.

Кити эридан узоқлашиб, қўнғироқни чалди.

– Қани энди, бор. Паша келяпти. Ҳозир яхшиман.

Левин Китининг кечаси олиб келган қўл ишини яна тўқий бошлаганини кўрди-ю, ҳайрон бўлиб қолди.

Левин бир эшикдан чиққанда, иккинчи эшикдан хизматкор қиз кирганини эшитди. У эшик оғзида тўхтаб, Китининг хизматкор қизга муфассал топшириқлар берганини, кейин қиз билан бирга қаравот ўрнини ўзгартира бошлаганини эшитди.

Левин кийиниб бўлди-да, ҳали извошчилар келмагани учун аравасини қўшгунларича, яна ётоқхонага чопиб кирди. Оёқ учида юриб эмас, назарида, қанот чиқариб учиб киргандай бўлди. Иккита хизматкор қиз ётоқхонада алланарсаларни ташвиш билан у ёқ бу ёққа олиб қўяётган эди. Кити, юриб туриб, тез-тез илмоқлар ясаб тўқир, буйруқлар берарди.

– Мен ҳозир докторга бораман. Лизавета Петровнага одам кетди, лекин ўзим ҳам учрайман. Бирон нарса керак эмасми? Ҳа, Доллига хабар қилмаймизми?

Кити эрига бир қараб қўйди, афтидан, гапларига қулоқ солаётгандай кўринарди. Қошларини жийириб, қўлини силтади-ю:

- Хўп, хўп, бор, бор, - деди шошиб.

Левин меҳмонхонага энди кириб эди ҳамки, ётоқхонадан аянчли бир фарёд эшитилди, лекин дарҳол тинди. У тақа-тақ тўхтаб, нима бўлганини анчагача билолмай турди.

Левин ўз-ўзига: «Ҳа, Кити бу», - деди-ю, бошига чанг солиб пастга қараб югурди.

- Ё худо, раҳминг келсин! Ё худо, ўзинг кечир! - деб илтижо қила кетди Левин, кутилмаганда бирдан орзига келган сўзларни айтиб. Динга эътиқод қилмайдиган бу одам бу сўзларни фақат тилидагина айтмас эди. Кўнглидаги шак-шубҳалар эмас, балки динга шуурли суратда ишониши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қаноати ҳам ҳозир шу пайтда оллоҳига ёлворишига заррача халақит бермаслигини биларди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси ҳозир тўзондай қалбидан учиб кетди. Модомики ўзини, қалбини, севгисини Аллоҳнинг ихтиёрида эканлигини сезгандан кейин, яна кимга илтижо қила оларди.

От ҳали тайёр эмас эди; лекин у жисмоний қуввати кучайганини, олдида турган ишларни ўйлаб, райратга кирганини ҳис этди, бир дақиқасини ҳам зое кеткизмаслик учун, отни ҳам кутиб ўтирмай, ўзи пиёда йўлга чиқди; орқасидан етиб боришни Кузьмага топширди.

У муйилишда бир извошчининг шошиб келаётганини кўрди. Лизавета Петровна кичкина чанада, бахмал пальтосига бурканиб, бошига рўмол ўраб олиб келаётган эди. Левин унинг ҳозир жуда ҳам бошқача кўринган жиддий, ҳатто салобатли юзини таниб, суюнганидан: «Худога шукур, худога шукур!» деб юборди. Извошни тўхтаттирмасданок, Лизавета Петровнанинг ёнига югуриб борди.

- Икки соатча бўлди, денг? Ортгани йўқми? - деб сўради Лизавета Петровна. - Пётр Дмитрични то-

пасиз, лекин шошилтирманг. Иннайкейин, дорихонадан қорадори олинг.

Левин дарвозасидан ўзининг оти чиқиб келаётганини кўриб:

– Чамангизда, эсон-омон кўз ёриб оладими? Худоё, ўзингнинг раҳминг келсин, ўзинг мадад қил, парвардигори олам! – деди-ю, чанага сакраб чиқиб Кузьманинг ёнига ўтирди-да, докторникига қараб ҳайдатди.

XIV

Доктор ҳали уйғонмаган экан; лакей «Кеч ётдилар, уйғотманглар деб тайинлаганлар, ўзлари ҳам яқинда турадилар», – деб айтди. Лакей лампа шишаларини тозалар, бу иш билан жуда банд кўринарди. Лакейнинг чироқ шишасига бутун фикри зикри билан берилиб кетгани, Левин қалбида юз бераётган ҳодисага бепарво қараши олдин уни ажаблантирган бўлса ҳам, кейин бир оз ўйланиб кўриб, қалбида юз бераётган ҳисларни ҳеч ким билмаслигини, билишга ҳам мажбур эмаслигини, шу сабабли бу парвосизлик деворини синдириб, мақсадга етиш учун ҳам яхши ўйлаб, оғир бўлиб, қатъий ҳаракат қилиш кераклигини англади. Левин жисмоний қувватининг ошганини ва қиладиган ишларини ўйлаб, диққати кучайиб борганини сезди-да, ўз-ўзига: «Шошилиш ҳам, ҳеч нарсани кўздан қочириш ҳам керак эмас», – деярдди.

Левин, докторнинг ҳали турмаганини билиб, бошида пайдо бўлган турли-туман режалардан мана шунисига тўхтади: Кузьмага хат ёзиб бериб, уни бошқа докторга юборади; ўзи бўлса дорихонадан қорадори олиб келади; қайтиб келгунча доктор турмаса, унда лакейга пул қистириб, агар у қўнмаса,

зўрлик қилиб киради-ю, ҳар нима бўлса ҳам докторни уйғотади.

Дорихонанинг озғин дорифуруши ҳам шу ерда кутиб турган извошчининг дорисини, бояти чироқ шишасини бепарволик билан тозалаётган лакей сингари, бамайлихотир тайёрлаб бўлгандан сўнг, Левинга қорадори сотгани унамади. Левин шошилмаеликка, қонини қиздирмасликка тиришиб, доктор билан доянинг номларини айтди-да, қорадорининг нимага кераклигини тушунтириб, дорифурушни кўндиришга тиришди. Дорифуруш қорадорини сотиш мумкинми-йўқлигини тўсиқ орқасидаги одамдан немисчалаб сўради, у ердан розилик олгандан кейин шиша билан воронкани олди, катта шишадан кичик шишага имиллаб дори қўйди, кичик шишага қороз ёпиштирди, Левиннинг илтимосига ҳам қарамай, шиша орзини маҳкамлади, ҳатто қорозга ҳам ўрамоқчи бўлди. Бунисига Левин тоқат қилолмади; дорифуруш қўлидан шишани юлиб олди-ю, каттакон ойнабанд эшик томон югурди. Левин келса, доктор ҳали ҳам турмабди; лакей энди ерга гилам солиш билан овора эди, у докторни уйғотишга кўнмади. Левин шошилмасдан чўнтагидан ўн сўмлик қороз пулни олди-да, секин-секин гапириб, лекин вақтидан ўтказмасдан пулни лакейга берди-ю, Пётр Дмитрич (илгарилари назарига илмай келган Пётр Дмитрич ҳозир Левинга нақадар буюк, нақадар мўътабар бир киши бўлиб туюларди!) хоҳлаган вақтингизда келаверинг, деб ваъда қилганини, шунинг учун жаҳли чиқмаслигини уқтирди: шу сабабли ҳозир кириб уйғотиши мумкинлигини айтди.

Лакей рози бўлиб юқори чиқиб кетди, Левинни эса қабулхонада кутишни илтимос этди.

Докторнинг эшик орқасида йўталгани, юрганни, ювингани ва бир нималар деяётгани Левинга эшитилиб турди. Орадан уч дақиқагина вақт ўтган

булса ҳам, бу Левинга бир соатдан ортиқ кўринди, сабри чидамай:

– Пётр Дмитрич, Пётр Дмитрич! – деб, қия очик эшиқдан ёлворувчи бир товуш билан чақирди. – Худо хайрингизни берсин, мени қабул қилинг. Майли, қандай бўлса ҳам, ҳозир қабул қилинг. Икки соатдан ортиб кетди.

Ичкаридан:

– Ҳозир, ҳозир! – деган овоз чиқди; Левин, бу сўзларни доктор кулимсираб туриб айтганини эшитиб, хайрон бўлди.

– Бир дақиқагина...

– Ҳозир.

Доктор этикларини кийгунча икки дақиқа ўтди, кийимларини кийиб, сочларини тарагунча яна икки дақиқа ўтди.

Левин зорланувчи бир товуш билан:

– Пётр Дмитрич! – деб энди гап бошлаган эди, лекин доктор ичкаридан кийиниб-тараниб чиқиб қолди, «Бу одамларда виждон йўқ, – деб уйланди Левин, – биз бу ерда ўлиб ётибмиз-у, булар тараниб ўтиришади!»

Доктор ўз вазминлиги билан Левиннинг қитирига тегмоқчи бўлаётгандек:

– Эртангиз хайрли бўлсин! – деди унга қўлини чўзиб. – Шошилманг. Хўш, нима гап?

Левин қайлиғининг аҳволи ҳақидаги лузумсиз тафсилотларни мумкин қадар оқизмай-томизмай айтишга шошилди ва докторнинг ҳозироқ бирга боришини қайта-қайта илтимос қилиб, ўз ҳикоясини тез-тез бўлиб турди.

– Йўқ, бунақа шошилманг. Ахир сиз билмайсиз-ку. Мен, эҳтимол, керак эмасдирман, лекин ваъдам бор, бораман. Лекин шошилишнинг ҳожати йўқ. Марҳамат, ўтиринг, бир чашка қаҳва ичиб оласизми?

Левин докторга қараб, кўзи билан мендан қула-
яптими-йўқми деб сўрагандек бўлди. Аммо кулиш
докторнинг хаёлига ҳам келгани йўқ эди.

– Билаган, билаган, – деди доктор кулимсираб, –
ўзим ҳам бола-чақали одамман; лекин биз эркаклар
шундай дамларда жуда аянч қолга тушиб қоламиз.
Менга ўзини қаратиб юрадиган бир хотин бор, ўша
хотиннинг эри шундай пайтларда ҳамиша отхонага
қочиб кириб кетади.

– Пётр Дмитрич, сиз нима дейсиз? Назарингиз-
да, эсон-омон кўз ёриб олармикан, а?

– Кўнглингиз тўқ бўлаверсин, эсон-омон қутулиб
олади, бунга бутун асослар бор.

Левин, қаҳва келтирган лакейга жони чиқиб бир
хўмрайди-ю:

– Бўлмаса ҳозир борасизми? – деб доктордан
сўради.

– Бирор соатлардан сўнг.

– Йўқ-э, худо хайрингизни берсин!

– Ундай бўлса, келинг, қаҳвамни ичиб олай.

Доктор қаҳвасини ичгани ўтирди. Иккаласи жим
бўлиб қолди.

Доктор орзидаги булкани чайнаб туриб:

– Туркларни роса савалашяпти-ку. Кечаги теле-
граммани ўқидингизми? – деди.

– Йўқ, тоқатим қолмади, – деди Левин, ўрнидан
сахраб туриб. – Демак, чорак соатдан кейин етиб
борасиз, а?

– Ярим соатдан кейин.

– Чин сўзми?

Левин уйга қайтаётди, йўлда княгиняга дуч келди:
иккаласи бирга ётоқхона эшигига келишди. Княгиня-
нинг кўзларига ёш чиққан, қўллари дир-дир титраб
эди. Левинни кўрди-ю, кучоқлаб йирлаб юборди.

Княгиня шу маҳал рўпарадан чиқиб келган Лиза-
вета Петровнанинг қўлига ёпишиб:

– Нима гап, жонгинам Лизавета Петровна? – деди. Лизавета Петровнанинг юзи ёришган бўлса ҳам, ташвиш аломатлари бор эди.

– Иш жойида кетяпти, – деди Лизавета Петровна, – йўлга солинг, ётсин. Ётса яхши бўлади.

Левин уйқудан уйғониб, юз бераётган воқеани англаган дақиқасидан бошлаб ҳеч нарсани ўйла-масликка, фикр ва туйғуларини қулф-калит қилиб қўйишга, қайлиғининг таъбини хира қилмай, аксинча, унга ором ва далда беришга, қаршисидаги қийинчиликларга матонат билан чидашга тайёрланган эди. У нима бўлишини, оқибати қандай бўлишини, одатда бу қанча вақт давом этишини асло ўйламас, бу хил ўйларнинг миясига келишига сира-сира йўл қўймас эди; Левин беш соатча чидашга, юрагини шу муддат ичида босиб туришга хаёлан тайёрланган. Бу эса унга мумкиндек кўринган эди. Аммо докторникидан қайтиб келиб, Китининг ҳамон азоб ичида эканини кўргандан сўнг, тез-тез «Ё оллоҳ, ўзинг кечиргайсан, мадад қилгайсан!» дейдиган, оҳ уриб, бошини кўкка кўтарадиган бўлди; бунга чидай олмаслигини, йирлаб юбориш ё қочиш кетиш мумкинлигини сезиб, вос-вос бўлиб қолди. У азоб ичида қолган эди. Ҳолбуки эндигина бир соат ўтган эди.

Лекин бу бир соатдан кейин яна бир соат, икки, уч ва Левин сабр қила олиши учун ўзи белгилаган энг узоқ муддат, яъни беш соат ҳам ўтган бўлса-да, аҳвол яна боягича қолаверди, шундай бўлса ҳам у сабр қилди, чунки сабр қилишдан бошқа чораси қолмаган эди; дақиқа сайин сабри тутаб борганлигини, юраги ачинишдан ҳали замон ёрилажагини сезиб турарди.

Лекин дақиқа кетидан дақиқалар, соат кетидан соатлар ўтиб, ваҳима ва изтироб ҳисси авжга миниб борди.

Ҳаётнинг бутун шароити (бу шароитсиз ҳеч нарсани тасаввур қилиб бўлмайди) Левин учун ортиқ аҳамиятини йўқотган эди. У вақт тушунчасини йўқотди. Кити уни ўз ёнига чақирар, Левин ҳам унинг тер босган қўлини ушлаб турар, Кити эса гоҳ райриоддий бир куч билан унинг қўлини қисар, гоҳ уни ўзидан итариб юборарди, шу дақиқалар Левинга гоҳ соатлар қадар узоқ, гоҳ дақиқалар қадар қисқа бўлиб туюларди. Лизавета Петровна тўсиқ орқасидаги шамни ёқиб қўйсангиз, деб илтимос қилганда, кун оғиб, соат беш бўлганини билди-ю, ҳайрон бўлди. Агар унга ҳозир эрталаб эканлигини, соатнинг ҳам энди ўн бўлганлигини айтсалар, у бу қадар ҳайрон колмаган бўларди. Шу муддат ичида нима бўлганлигини қанча оз билса, шу вақт ичида қаерда бўлганлигини ҳам шунча кам биларди. Левин қайлигининг яллиғанган, гоҳ ҳайрат ва изтироб акс этган, гоҳ жилмайиб, унга таскин берган чехрасини кўрарди. Левин қизарган, титраган, оқ сочлари тўзгиган, лабларини тишлаб, кўз ёшларини ютиб турган княгиняни ҳам, Доллини ҳам, йўғон-йўғон папирослар чекиб юрган докторни ҳам, юзидан қатъият, матонат ва тасалли аломатлари барқ уриб турган Лизавета Петровнани ҳам, қовоқларини солиб олиб, залда айланиб юрган қари князни ҳам кўрарди. Лекин уларнинг қандай кириб, қандай чиққанларини, қаерда туриб, қаерда бўлганларини Левин билмасди. Княгиня гоҳ доктор билан ётоқхонада, гоҳ дастурхон тузалган кабинетда кўриниб қолар, гоҳ у княгиня эмас, Долли бўлиб қоларди. Кейин Левин ўзини қаёққадир юборишганларини эслади. Бир қур диван билан столни олиб келгани юборишди. Левин бу нарсаларни Китига деб ўйлаб, жон-дили билан келтирди, фақат кейингина бу нарсалардан ўзига ётоқ тайёрлаганлигини билди. Сўнгра уни бир нарса сўраб келгани доктор

турган кабинетга юборишди. Доктор сўраган нарсасига жавоб қилгандан сўнг думадаги бошбошдоқликдан гап очди. Кейин уни княгинянинг ётоқхонасидан кумуш ромига зар югуртирилган Исо суратини олиб келгани юборишди; шунда княгинянинг кампир хизматкори билан бирга шкафча устидаги Исо суратини оламан деб, қандилни синдириб қўйди: княгинянинг хизматкори қайлиғингиздан ҳам, қандилнинг синганидан ҳам хавотир бўлманг, деб тасалли берди, шундан кейин Исонинг суратини олиб келиб, Китининг бош томонига, ёстиқ орқасига авайлаб қистириб қўйди. Лекин бу нарсаларни қаерда, қачон, нима учун қилганини ўзи билмасди. У нима учун княгиня қўлидан ушлаганини, ўзига раҳми келиб қараганини, тасалли берганини, Доли овқат еб олишни сўраб, ётоқдан олиб чиқиб кетганлигини, докторнинг ҳам ўзига жиддий бир суратда юраги ачишиб қараганини, дори таклиф қилганини ҳам тушунмас эди.

У бир йил бундан муқаддам губерния шаҳрининг мусофирхонасида Николай акасининг ўлим тўшагида юз берган ҳодиса сингари бир ҳодиса юз бераётганлигини билар, ҳис қиларди. Лекин униси аламли, буниси эса қувончли эди. Аммо у қайрули ҳодиса ҳам, бу қувончли ҳодиса ҳам ҳаётнинг бутун оддий шароитидан бир хил ташқарида эди, бу оддий ҳаётда гўё шундай бир туйнук бор эдики, ундан аллақандай юксак, самовий бир нарса кўриниб турарди. Бу нарса худди ўшандай оғир эди, худди ўшандай қийинчилик билан юз берар эди; бу юксак нарсага қараган кишининг руҳи ўзи илгарилари ҳеч вақт идрок қилмаган баландликка кўтарилар, ақли эса руҳи кетидан етолмай, орқада қолар эди.

Диндан шу қадар узоқ муддат четда қолганига ва ундан тамоман ажраб кетгандай кўринганига қарамай, болалик ва ўсмирлик чоғларидаги син-

гари, олмоҳга худди ўшандай имон билан муножот қилаётганини сезиб, нуқул: «ё худо, ўзинг кечиргайсан, ўзинг мадад бергайсан!» деярди.

Шу муддат давомида у бир-биридан фарқ қилувчи икки хил кайфият таъсири остида эди. Йўғон папиросни пайдар-пай чекиб, кейин оғзигача тўлиб кетган кулдон четига босиб, ўчириб ўтирган доктор билан, Доли ва қари князь билан овқатдан, сиёсатдан, Марья Петровнанинг касаллигидан сўзлашиб ўтирган, хотинини кўрмаган вақтда бир бошқа кайфиятда эди, Левин шундай пайтларда юз бераётган ҳодисани бир дақиқагина тамоман эсдан чиқарар, шунда ўзини худди уйқудан уйғониб кетгандек сезарди; Левин хотинининг бошида ўтирганда бутунлай бошқа кайфиятда бўлар, Китининг тортаётган азобидан юраги ёрилгудай бўлар, лекин ёрилмас, ўзи эса худога илтижо қилишдан чарчамас эди. Ҳар сафар ётоқхонадан келган фарёдни эшитиб ҳушига келганда, дастлабки дақиқада кечирган ғалати саросималик уни яна қамраб оларди; ҳар сафар хотинининг фарёдини эшитганда, ўрнидан сакраб туриб кетар, ўзини оқлагани югурар, йўлда кетаётиб, ўзининг айбдор эмаслигини эслар, қайлиғини ҳимоя қилишни, унга ёрдам беришни истарди. Лекин унга қарарди-ю, ёрдам беришнинг иложи йўқлигини кўриб, ваҳимага тушар, яна: «Ё худо, ўзинг кечиргайсан, ўзинг мадад қилгайсан!» – деярди. Вақт қанча кўп ўтган сари, иккала кайфияти ҳам шунча кучайиб борар эди: қайлиғи кўзидан нари бўлганида, Левин ҳам уни эсдан чиқариб қўяр, унинг ҳузурда эса тортаётган азобларини кўриб қаттиқ қийналар ва ўзини ожиз ҳис этарди. У ўрнидан сакраб турар, бирон ёққа қочиб кетгиси келар, лекин яна Китининг олдига югуриб кирарди.

Баъзан қайлиғи қайта-қайта чақираверганда, Левин уни айбларди. Лекин унинг кулимсираб тур-

ган итоаткор чехрасини кўрганда, «Сени қийнаб кўйдим», деган сўзларини эшитганда, худони айбларди-ю, аммо худони эслаганда, дарҳол тавба қилар, гуноҳларини кечирешини сўрар эди.

XV

У вақтнинг кечми, эртами эканлигини билмас эди. Шамларнинг ҳаммаси ёниб бўлаёзган эди. Довли ҳозиргина кабинетга кириб, докторга мизғиб олсангиз бўларди, деб таклиф қилди. Левин докторнинг кўзбўёқчи гипнозчи тўғрисидаги ҳикоясига қулоқ солиб, папиросининг учидаги кулга қараб ўтирарди. Дам олиш пайти бўлгани учун, у ўз кайфи билан банд эди. Ҳозир нима воқеа юз бераётгани бутунлай хаёлидан чиққан. Докторнинг ҳикоясини эшитиб, тушуниб ўтирарди. Бирдан ҳеч маҳал эшитилмаган бир фарёд кўтарилди. Бу фарёд шу қадар ваҳимали эдики, Левин ўтирган жойида қотиб қолди, лекин нафасини ичига ютиб, докторга кўрқа-писа савол назари билан ялт этиб қаради. Доктор калласини ёнга букиб қулоқ солди-ю, маъқуллаб кулимсиради. Рўй бераётган ҳодисалар шундай ғайриоддий эдики, Левин ҳайратланмай кўйди. «Шундай бўлиши керақдир», – деб ўйлаб, ўрнидан ҳам кўзгалмади. Бу кимнинг фарёди эди? У сакраб турди-ю, оёқ учларида ётоқхонага кириб, Лизавета Петровна билан княгинянинг ёнидан ўтиб бориб ўз ўрнига, Китининг бошига келиб турди. Фарёд тинган бўлса ҳам, лекин бу ерда бир нима ўзгаргани сезилиб турарди. Аммо нима ҳодиса бўлганини у кўргани ҳам, тушунгани ҳам йўқ, кўришни ҳам, тушунишни ҳам хоҳламасди. Лекин бу ўзгаришни Лизавета Петровнанинг юзидан кўриб турарди: Лизавета Петровнанинг ияклари бир оз титраб турган, кўзлари Китига тикилиб қолган бўлса ҳамки, оқа-

риб кетган юзида жиддият ва қатъият бор эди. Китининг қаттиқ азоб чекиб яллиғланган, бир тутам сочи ёпишиб қолган терли юзи Левинга ўтирилган, Левиннинг қарашига мунтазир, кўтарилган қўллари эса унинг қўлларини ушлашни истар эди. Терлаб кетган қўллари билан унинг совуқ қўлларини ушлагандан сўнг юзига келтириб боса бошлади.

– Кетма, кетма! Қўрқаётганим йўқ, қўрқаётганим йўқ! – деди у шошиб. – Ойи, балдоғимни олиб қўйинг. Халақит беряпти. Сен қўрқаётганинг йўқми? Мана ҳозир, мана ҳозир, Лизавета Петровна...

Кити шошиб, бидирлаб гапирар, жиламайгиси келарди. Шу вақт бирдан юзи буришди, Левинни ўзидан нари итарди.

– Йўқ, бу даҳшатли! Ўламан, ўлиб қоламан! Бор, бор! – деб қичқирди Кити, ана шунда яна бояги ҳеч нимага ўхшамаган фарёд кўтарилди.

Левин бошини чангаллаб, хонадан чопиб чиқиб кетди.

Доли орқасидан:

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, яхши боряпти! – деб қолди.

Улар нима десалар десин, аммо Левин энди ҳамма иш барбод бўлди, деб биларди. У қўшни хонада бошини эшикка суяб турар, аллакимнинг ўзи ҳеч маҳал эшитмаган чинқириғини, бўкиришини эшитар, чинқирган бу нарса – илгари Кити деб аталган нарса деб биларди. Болани энди орзу қилмасди. У энди бу боладан нафратланарди. У энди Китининг ҳатто яшашини ҳам истамас, фақат бу даҳшатли азобларнинггина тугалишини истарди.

Левин ичкари кириб келган докторнинг қўлига чанг солиб:

– Доктор! Бу қандай тал ахир? Айтинг, бу қандай азоб ахир? Ё оллоҳ! – деди.

– Тамом бўляпти, – деди доктор. Бу сўзларни айтаётганда юзида шу қадар бир жиддият бор эдики, Левин тамом бўляпти сўзларини «жон беряпти» деган маънода тушунди.

У эс-ҳушини йўқотиб, ётоқхонага чопиб кирди. Даставвал кўрган нарсаси – Лизавета Петровна-нинг чехраси бўлди. Унинг юзи яна ҳам жиддий тус олган, қош-қовоқлари яна ҳам баттар осилган эди. Китининг юзини таниб бўлмасди. Унинг юзи ўрнида энди тиришиб-бужмайиб кетган, ғалати товушлар чиқараётган қўрқинчли бир нарса бор эди. Левин, юрагининг ёрилаётганини сезиб, бошини каравот тахтасига ташлади. Ваҳимали фарёд тинмаган эди; бу фарёд яна ҳам даҳшатли тус олди, кейин у, даҳшатнинг худди сўнгги пардасига кўтарилиб бўлгандек бирдан тинди. Левин ўз қулоқларига ишонмаса ҳам, лекин шубҳага ўрин қолмаган эди: фарёд тинди, оҳиста ҳаракатлар, шитир-шитирлар, ҳансирашлар эшитилди: шу дам Кити жонли, мулойим, бахтли, бир товуш билан ҳарсилаб: «Тамом бўлди», – деди.

Левин бошини кўтарди. Кити мисли кўрилмаган даражада очилиб кетган эди; мажолсиз қўлларини одеял устига ташлаб, қимир этмай ётарди; у Левинга жимгина қараб, кулимсирашни истар, лекин кула олмас эди.

Ана шунда Левин сўнгги йигирма икки соат ичида яшаб келган сирли, даҳшатли, узоқ бир оламдан бир зумда илгариги оддий оламга туйқусдан қайтарилганини сизди; лекин бу олам шу қадар янги бахт нурларини сочардики, бунга бардош беролмади. Таранг тортилган ҳаяжон торлари узилди. У ҳеч вақт кутмаган бир шодлик йирғиси, кўз ёшлари вужудини шу қадар тўлдирди, шу қадар ларзага келтирдикки, у анча вақтгача гапиролмай қолди.

Левин қайлирининг каравоти ёнига келиб тиз чўкди, унинг қўлини лабларига келтириб ўпди; бу қўл ҳам бармоқларининг мажолсиз ҳаракатлари билан унинг ўпишларига жавоб қилди. Бу орада, ўрнининг оёқ томонида, Лизавета Петровнанинг чаққон қўлларида янги бир хилқат ҳаёти худди пил-пиллаб ёнаётган чироқ каби тебранар, илгари мавжуд бўлмаган бу хилқат ўзи учун айни ҳуқуқ, мазмунли ҳаёт талаб қиларди, унинг ўзи каби хилқатлар вужудга келтириши муқаррар эди.

– Тирик! Тирик! Бунинг устига, яна ўғил! Хавотир қилманг! – деди Лизавета Петровна, титраб турган қўли билан чақалоқ орқасига шал-шал уриб. Левин Лизавета Петровнанинг сўзларини эшитди.

Китининг ҳам:

– Ростми, ойи? – деган овози эшитилди.

Унга княгинянинг фақат ҳиқ-ҳиқ йирисигина жавоб бўлди.

Ўртага тушган сукунат ичида онасининг саволига энг тўғри жавоб бўлиб бутунлай бошқача бир овоз эшитилди; бу овоз хонада гапирилаётган паст, эҳтиётли овозлардан тамоман бўлакча эди. Бу – қардан пайдо бўлганлиги кишини ҳайрон қолдирадиган янги инсон хилқатнинг ҳеч нарсани писанд қилмаган дадил, жасур чирқираши эди.

Агар илгари Левинга Кити ўлди, сен ҳам у билан бирга ўлдинг, болаларингиз фаришталар, худойи таоло қошларингизда, – деб айтишса, Левин бу галга ҳеч ажабланмаган бўларди; лекин энди ҳақиқий оламга қайтгандан сўнг Китининг соғу саломатлигини, жону жаҳди билан чирқираётган хилқат ўзининг ўғли эканлигини англаш учун бутун ақлини зўр бериб ишга соларди. Кити саломат қолган, тўлақон азоблари тутаган эди. Левин энди таърифдан ташқари бахтиёр эди. У бу нарсани англаб, бу билан бахтиёр эди. Ҳўш, чақалоқ нима қилиб юриб-

ди? Қаердан келди, нима учун келди, ўзи ким у?.. Левин бу нарсага сира ҳам тушунмас, бу фикрга сира ҳам кўникиб кетолмасди. Бу алақандай ортиқча нарсадай туюларди, шунинг учун бунга узоқ вақтларгача кўниколмай юрди.

XVI

Соат тўққиздан ошган эди; қари князь, Сергей Иванович ва Степан Аркадьич Левинларникида янгигина кўз ёриган ёш она тўғрисида гурунглашиб бўлгандан сўнг, у ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтиришарди. Левиннинг қулоқлари уларда бўлса ҳам, лекин хаёли бошқа нарсада эди: бугун эрталабгача бўлган нарсаларни беихтиёр эслар, кеча, бу воқеага қадар ўтган умрини хотирларди. Назарида, шундан юз йил ўтиб кетгандай туюлар эди. У ўзини қўл етмас бир юксакликда ҳис этар, суҳбатдошларини хафа қилмаслик учун ўша юксакликдан тушишга ҳаркат қиларди. Оғзи гап билан бўлса ҳам, фикру зикри хотинида, ҳозирги аҳволнинг майда-чуйда томонларида, ўғлида эди; у ўғли борлигига ўзини кўниктирмоқчи бўларди. Уйланганидан кейин унинг назарида ўзига маълум бўлмаган аёллар олами энди янги маъно касб этган, ҳозир Левиннинг назарида шу қадар юксакларга кўтарилган эдики, уни хаёл кучорига сиғдиришдан ожиз эди. Левин кеча клубда қилишган овқат тўғрисидаги гапни эшитиб ўтириб: «Ҳозир Кити нима қияпти экан, ухлаяптимикиан? Аҳволи қандай бўлди экан? Нималарни ўйлаётибди экан? Ўғлим Дмитрий чинқиряптимикиан?» деб ўйларди. Охири суҳбат ўртасида, йўқ, гап ўртасида салчиб туриб, уйдан чиқиб кетди.

– Менга хабар қил, ёнига кирсам бўлармикиан, – деди князь.

- Хўп, ҳозир, - деди-ю Левин, имилаб ўтирмасдан тўғри қайлиғининг бўлмасига қараб кетди.

Кити ухламаган, ўрамини чўқинтириш маросими ҳақида онаси билан секин-секин гаплашаётган эди.

Кити тараниб-тусанган, бошига ҳаво ранг безакли чиройли чепчик кийган ҳолда қўлларини одая устига чиқариб қўйиб чалқанча ётган эди; эрига нигоҳ ташлаб, шу нигоҳи билан уни ўзига тортди. Левин яқинлашган сари Китининг азалги нуруний чеҳраси яна ёришиб кетди. Чеҳрасида ғалати бир ўзгариш бор эди; бу ўзгариш мурдалар юзида кўринадиган улвийликни эслатарди; аммо мурдалар юзида айрилиш аломати бўлса, бунда топишиш нишонаси бор эди. Яна Левиннинг юрагида хотини кўз ёраётган пайтда қўзраган ҳаяжонга ўхшаган бир ҳаяжон пайдо бўлди. Кити унинг қўлини ушлаб, ухлаганми-йўқлигини сўради. Левин жавоб қилолмади, кўнгли бузилиб бораётганини сезиб юзини ўтириб олди.

- Ҳеч нарсани билмай ётиб қолибман, Костя! - деди Кити. - Энди қушдайман.

Кити унга қараб ётган эди, бирдан юзи ўзгариб кетди. Чақалоқнинг йиғлаганини эшитиб:

- Менга беринглар, - деди. - Олиб келинг, Лизавета Петровна, Костя ҳам кўрсин.

Лизавета Петровна қип-қизил ғалати қимирлаб турган алақандай нарсани кўтариб келаётди:

- Мана, мана, дадаси ҳам кўрсин, - деди. - Шошманг, олдин ясениб олайлик. - Лизавета Петровна қимирлаб турган бу қизил нарсани каравотга қўйди-да, йўргакларини ечиб, бир бармоғи билан кўтарди ва айлантириб алланарсалар сепгандан сўнг, яна йўргакка ўради.

Левин бу муррак, аялч хилқатта қаради-да, қалбида унга нисбатан оталик ҳисларининг нишонасини қириришга тиришиб овора бўлди. У чақалоқдан фақат

жирканаётганини ҳис этарди. Лекин уни яланғочлаганларида, чўпдай ингичка қўлчаларига, қўлчалари сингари бармоқли, ҳатто бошқаларидан фарқ қилиб турган бошмалдоқли оёқчаларига кўзи тушганда, Лизавета Петровна бу тарвақайлаган қўлчаларини юмшоқ пружина сингари босиб туриб без латталарга ўраётганини кўрганда, бу хилқатга юраги шу қадар ачишди, Лизавета Петровна унга лат етказди деб шу қадар кўрқдики, бориб доянинг қўлидан ушлади.

Лизавета Петровна кулиб юборди.

– Қўрқманг, қўрқманг!

Чақалоқ йўргакланиб, қўғирчоққа ўхшаб қолгандан сўнг Лизавета Петровна, ўз ишидан фахрланаётгандек, болани бир тебратди-ю, Левин ўғлини бутун чиройида кўрсин деб, орқароққа тисарилди.

Кити ҳам кўзларининг қирини ўша томонга ташлаб ётарди.

– Олиб келинг, олиб келинг! – деди у ўрнидан туриб кетгудай бўлиб.

– Ҳай-ҳай, Катерина Александровна, сизга нима бўлди! Қимирлаш ярамайди-я! Шошманг, ҳозир олиб бориб берман. Келинг, бизнинг қандай азамат йигитлигимизни дадамиз бир кўрсинлар!

Лизавета Петровна қимирлаётган, бошини йўргак четига яшираётган бу ғалати, қизил хилқатини бир қўли билан (иккинчи қўлининг бармоқлари ликиллаётган бошчани гарданидан тираб турарди) кўтариб, Левинга узатди. Бу хилқатнинг ҳам бурни, қисик кўзлари, чапилаб турган лаблари бор эди.

– Ажойиб бола! – деди Лизавета Петровна.

Левин хафа бўлиб ҳўрсинди. Бу ажойиб бола унда фақат жирканч ва аянч ҳиссинигина уйротар эди. Бу ҳис у кутган ҳисга сира ҳам ўхшамасди.

Лизавета Петровна чақалоқин ҳали ўрганмаган кўкракка тўррилаб ётқизиб қўйгунча, Левин тесқари ўгирилиб турди.

Бирдан жаранлаган кулги овози бошини кўтаришга мажбур қилди. Кити кулаётган эди. Чақалоқ эма бошлаганди.

Лизавета Петровна:

– Ҳай-ҳай, бас, бас! – деса ҳам, Кити чақалоқни айирмас эди. Бувак онасининг қўлида ухлаб қолди.

Кити чақалоғини отаси кўра оладиган қилиб айлантирди-да:

– Мана энди кўр, – деди. Бувакнинг чолларни-кига ўхшаган юзчаси яна баттар тиришди, кейин аксирди.

Левин кўнгли ийиб кетганидан кўзларига югурган ёшни зўрра тийиб, кулимсиради-да, хотинининг қўлини ўпиб, қоронғи уйдан чиқди.

Бу кичкина хилқатга нисбатан ўзида уйронган ҳис кутган ҳисга асло ўхшамас эди. Бу ҳисда кўнглини шод-хуррам қиладиган ҳеч бир нарса йўқ эди; аксинча, бу азоб берувчи янги бир ваҳима эди. У шу билан ўзининг яна бир заиф томони борлигини сезди. Дастлабки пайтларда бу сезги шу қадар изтиробли, бечора хилқат лат емасайди деган ваҳми шу қадар кучли бўлдики, Левин чақалоқ аксирганда юрагида уйронган ғалати, бемаъни шодлик, ҳатто мағрурлик ҳиссини бу ваҳима зўридан сезмай қолди.

XVII

Степан Аркадьичнинг ишлари чатоқ эди.

Ўрмоннинг учдан икки қисми учун олинган пуллар еб бўлиниб, қолган учдан бир қисмининг пули ўн фоиз чегирини шарт билан савдогардан барвақт олиб бўлинган эди. Савдогар қолган пули бермай қўйди, чунки Дарья Александровна, ўз мулкига бўлган ҳуқуқини шу қиш биринчи марта очиқ-ошкор ҳимоя қилиб, ўрмоннинг қолган учдан бир қисми учун тўланадиган пулини олишга тузилган шартномага қўла

қўйишдан бош тортди. Ойлигининг ҳаммаси рўзгор харажатларига ва битмас-туганмас майда қарз-қурзларга кетарди. Пул қуриган эди.

Степан Аркадьичнинг фикрича, бу ноҳўя эди, одамни ноқулай аҳволга тушириб қўяр эди, аҳвол бу тариқа давом қилмаслиги керак эди. Унинг фаҳмича, бу аҳволнинг сабаби ҳаддан зиёд кам маош олганида эди. Бундан беш йил илгари кўзига яхши кўринган амали энди ҳеч ёқмай қолди. Банк директори Петров – йилига ўн икки минг сўм; ширкат аъзоси Свентицкий ўн етти минг; банкни таъсислаган Митин – эллик минг сўм олади. Степан Аркадьич: «Чамамда, ухлаб қолган бўлсам керак, мени эсларидан чиқаришган-да», деб ўйларди. Шунинг учун қулоқлари динг, кўзлари жавдираб қолди, натижада қиш охирларида ўзига бопта бир жой топиб, ҳужумга ўтди; бу ҳужумни олдин Москвадан, хола-аммалари, тоға-амакилари, ошна-оғайнилари орқали бошлади. Иш битгандан кейин эса кўк-ламда ўзи Петербургга қараб жўнади. Бу – йилда минг сўмдан эллик минг сўмгача маоши бўлган турли-туман амаллардан бири эди; бу хил амаллар, серпора, иссиқ ўринлар ҳозир бурунгидан кўпроқ учрарди; бу амал жанубий темир йўли кредит-қарз баланси агентлиги билан банк идораларининг бирлашган комиссиясига аъзоликдан иборат эди. Бу амал ҳам, шунга ўхшаган бошқа ҳамма амаллар сингари, бир одамда бўлиши қийин бўлган ниҳоятда катта билим ва ишчанликни талаб қилар эди. Бу ҳар икки сифатга эга бўлган биронта одам топилмагани учун, бу амалга ҳаромхўр одам ўтириганидан кўра, ҳар ҳолда, ҳалол одам ўтириши маъқул эди. Степан Аркадьич эса мажозий маънодаги ҳалол одам бўлиш билан бирга, ҳақиқатан ҳам ҳалол одам эди. Москвада ҳалол арбоб, ҳалол ёзувчи, ҳалол журнал, ҳалол идора, ҳалол маслак деган сўзларни

шу маънода ишлатадилар; бу сўз одам ё идоранинг ҳаромхўр эмаслигини билдириш билан бирга, балки пайти келганда ҳукуматни чақиб олишга қобил эканликларини ҳам билдирарди. Степан Аркадьич Москвада бу сўз ишлатиладиган муҳитда ўралашиб юрганидан ҳалол одам деб ҳисобланар, шунинг учун бу амалга бошқалардан кўра кўпроқ ҳақи бор эди.

Бу ўрин йилда етти мингдан ўн минг сўмгача даромад келтирар эди, шу билан бирга, Облонский ҳукумат идорасидаги хизматини ташламасданоқ бу ўринни эгаллаши мумкин эди. Бу ўрин икки министр, бир хоним ва икки яҳудийга боғлиқ эди; бу одамлар билан гап бир ерга қўйилган бўлса ҳам, Степан Аркадьич уларни Петербургга бориб кўриши керак эди. Бундан ташқари, Степан Аркадьич синглизис Аннага Карениндан талоқ хусусида қатъий жавоб олиб келишга ваъда қилган эди. Шундай қилиб, Доллидан эллик сўм сўраб олди-ю, Петербургга жўнаб кетди.

Степан Аркадьич Карениннинг кабинетида унинг рус молиясининг ёмон аҳволда эканлиги сабаблари ҳақидаги лойиҳасига қулоқ солиб, ўзининг ҳам, Аннанинг ҳам ишидан гап очиш учун лойиҳани ўқиб бўлишини пойлаб ўтирарди.

Алексей Александрович кўзойнаксиз ўқиёлмай қолган эди. У кўзойнагини олиб, собиқ қайнарасига савол назари билан қараганда, Степан Аркадьич:

– Ҳа, жуда тўғри, – деди, – тафсилоти эътибори билан жуда тўғри, лекин ҳар нима бўлганда ҳам замонамизнинг принципи ҳурликдир.

Алексей Александрович:

– Шундайку-я, лекин мен ҳурлик принципи ўз ичига оладиган бошқа принципни олдинга сурялман, – деди, «ўз ичига оладиган» сўзларига ургу бериб; кейин, шу принцип тилга олинган жойини яна ўқиб бериш учун, тарин кўзойнагини тақди.

Алексей Александрович ҳошияларини кенг қолдириб, чиройли хат билан ёзилган қўлёзмасини варақлаб, одамда ишонч туғдирадиган жойни яна ўқиб берди.

У кўзойнаги устидан Облонскийга қараб:

– Мен ҳомийлик системасининг айрим шахслар манфаати учун эмас, умумий бахт-саодат учун – ҳам паст, ҳам баланд синфлар учун бир хил бўлишни хоҳлайман, – деди. – Лекин улар бу нарсани тушуна олмайдилар, улар фақат шахсий манфаатлари билангина бўлиб, чиройли сўздан нарига ўтмайдилар.

Степан Аркадьич Карениннинг улар, яъни Карениннинг лойиҳаларини қабул қилишни хоҳламаганлар ва Россияда бутун ёвузликларнинг сабабчилари бўлганлар нималар қилишиб, нималар ўйлашаётгани тўғрисида гап бошлаганда суҳбатнинг тугаиши яқин эканлигини биларди: шу сабабли ҳурлик принциpidан бажонидчи воз кечди-ю, Алексей Александровичнинг фикрига тўла қўшилиб қўя қолди. Алексей Александрович жим бўлиб, қўлёзмаларини ўйчанлик билан варақлай бошлади.

– Ҳа, айтмоқчи, – деди, – Степан Аркадьич, – сендан бир илтимосим бор эди; Поморский билан кўришганингда, пайтини топиб айтиб қўйсанг: Жанубий темир йўллар кредит-қарз баланси бирлашган агентлигида бўшаётган комиссия аъзоллиги ўрнини эгаллаш иштиёқида эдим.

Юрагига жо бўлиб қолган бу ўриннинг номини айтишга тили ўрганиб қолгани учун Степан Аркадьич буни ҳеч адашмасдан тез гапирди.

Алексей Александрович, бу янги комиссиянинг иши нимадан иборатлигини сўраб, ўйлиниб қолди. Бу комиссиянинг ишида ўз лойиҳаларига қарши бирон нарса йўқмикан деб ўйларди. Лекин бу янги идоранинг фаолияти жуда мураккаб бўлгани, ўзининг лойиҳалари эса жуда катта бир соҳани қамраб

олгани учун бунга дарҳол фаҳми ета олмасди; шу сабабли кўзойнагини тушириб:

– Айтиб қўйишим мумкин, бунга шубҳа йўқ, – деди, – нима учун худди шу ўринни эгалламоқчисан?

– Маоши яхши, тўққиз минг сўмгача. Менинг маблағим эса...

– Тўққиз минг сўм, – деб такрорлади Алексей Александрович, қош-қовоғини осилтириб. Бу маошнинг катталиги унга Степан Аркадьич илинжида бўлган фаолият шу жиҳатдан ўз лойиҳаларининг асосий маъносига зид эканлигини хотирлатди; унинг лойиҳалари эса ҳамма вақт тежаб-тергашни назарда тутарди.

– Менимча, бизнинг замонамизда бу катта маошлар ҳукуматимиз олиб бораётган сохта иқтисодий assiette¹ нишонасидир; мен бу ҳақда ёзганман ҳам.

– Хўш, сен қандай бўлсин дейсан? – деди Степан Аркадьич. – Хайр, фараз этайлик, банк директори ўн минг сўм олади – ахир шунга лойиқ-ку! Ёки инженер йигирма минг сўм олади. На чора, бор гап!

– Менинг назаримда, маош товар учун тўланадиган ҳақ, шу важҳдан талаб ва таклиф қонунига муносиб бўлиши керак. Агар маош бу қонундан ташқарига чиқиб кетса, масалан, институтни тугатган ва бир хил билим, бир хил истеъдодга эга бўлган икки инженердан биттаси қирқ минг олганини, иккинчиси эса икки минг сўм билан чекланганини: ҳеч қандай махсус маълумотга эга бўлмаган ҳуқуқшуносларни, гусарларни катта маош билан жамият банкларининг директорлигига тайинлаганларини кўраман-у, маошнинг талаб ва таклиф қонунига қараб эмас, тўғридан-тўғри одамларнинг юзига қараб тайинланаётганлигига қаноат ҳосил қиламан. Бу

¹ сибсат (франц.).

нарсанинг ўзи муҳим бир сунистеъмом бўлиб, давлат хизматига катта зарар етказадиган бир жиноятдир. Назаримда...

Степан Аркадьич куёвининг сўзини шошиб-пишиб бўлди.

– Шундайдир-у, лекин янги ташкил топаётган идоранинг фойдали эканига ҳам тан бер-да. Нима десанг де, аммо жонли иш! Бу иш ҳалоллик билан йўлга солинса, ниҳоятда хурсанд бўлишди, – деди Степан Аркадьич, ҳалоллик сўзига ургу бериб.

Лекин ҳалол сўзининг Москвадаги маъносини Алексей Александрович тушунмас эди. Шунинг учун:

– Ҳалоллик фақат салбий сифат, холос, – деди.

– Поморскийга бир овиз айтиб қўйсанг, эсдан чиқмайдиган иш қилардинг, – деди Степан Аркадьич. – Гаплашиб ўтирганингда мундоғ...

Алексей Александрович:

– Чамамда, бу нарса кўпроқ Болгариновга боғлиқ бўлса керак, – деган эди, Степан Аркадьич қизариб:

– Болгаринов қарши эмас, хўп деяпти, – деди.

Болгариновнинг оти тилга олинганда Степан Аркадьичнинг қизариб кетгани бежиз эмас эди: у шу бугун эрталаб яҳудий Болгариновнинг қабулида бўлган ва бу нарса унда ёмон таассурот қолдирган эди. Қиломоқчи бўлган ишининг янги, жонли, ҳалол иш эканига Степан Аркадьичнинг имони комил эди; лекин шу бугун эрталаб Болгаринов қабулхонасига келган бошқа аризачилар билан бирга уни ҳам икки соатча атайин куттириб қўйганда, ноқулай аҳволга тушиб қолди.

Рюрик насли-насабидан бўлган князь Облонский бўла туриб бир жухуднинг қабулхонасида икки соат сарғайгани учунми ёки, ҳукумат хизматини қила туриб умрида биринчи марта ота-бобосининг йўлидан бормай янги соҳага қадам қўяётгани учун-

ми, ноқулай аҳволга тушиб қолган эди. Болгаринов қабулхонасида сарғайган шу икки соат мобайнида Степан Аркадьич, бакенбардларини тузата-тузата у ёқ бу ёқ айланиб юрар, иш билан келган бошқа одамлар билан гаплашар, жухуд қабулини кутиб қанчалик сарғайганлигини кейин ҳикоя қилиб бериш учун гап ўйлар, шу орада ҳис қилиб турган нарсаларини бошқалардан, ҳатто ўзидан ҳам тиришиб-тирмашиб сир сақлар эди.

Шу муддат давомида ўзини ноқулай ҳис қилиб, жаҳли чиқиб турган бўлса ҳам, лекин сабабини ўзи ҳам билмасди: ишим тушди жухудга, вақтим кетди беҳуда қабилида тузган гапидан ҳеч нима чиқмаганиданми ё бошқа сабабданми, ҳайтовур, таъби хира эди. Болгаринов, унинг иззати нафсини анчагина хорлаб, маза қилиб олди шекилли, ниҳоятда зўр иззат ва ҳурмат билан қабул қилиб, илтимосини қарийб рад этганда, Степан Аркадьич бу нарсани мумкин қадар тезроқ эсдан чиқаришга шошилади. Мана ҳозир эслади-ю, бирдан қизариб кетди.

XVIII

Степан Аркадьич бир оз жим тургандан ва бу ноқуш таассуротини ўзидан қувгандан сўнг:

– Сенда яна битта ишим бор, бунинг қанақа ишлигини ўзинг биласан. Анна тўррисиди, – деди.

Облонский Аннанинг отини айтар-айтмас Алексей Александровичнинг авзойи бутунлай ўзгариб кетди: тетиклиги йўқолиб, юзи оқариб мурдадек бўлиб қолди. У ўтирган курсисиди айланиб, кўзойнагининг филофини шарақ этказиб ёпди-да:

– Мендан нима истайсиз, муддаонгиз нима? – деди.

– Қарор, бирон қарор, Алексей Александрович. Энди мен сенга («тахқир этилган эр» демоқчи бўлди-ю, лекин бу сўз ишни бузиб қўйишидан қўрқиб,

бошқа сўзларни ишлатди) давлат одами сифатида эмас (буниси ҳам ўринсиз чиқди), балки оддий бир одам бўлганингдан, шунда ҳам меҳру шафқатли ва насроний одам бўлганингдан мурожаат қиламан. Сен Аннага раҳм қилишинг керак, – деди Степан Аркадьич.

Каренин паст товуш билан:

– Яъни, нимада раҳим қилишим керак? – деди.

– Ҳа, ачиниш керак. Мен шу йил қишни унинг ёнида ўтказдим, агар сен ҳам мен каби унинг аҳволини кўрган бўлсанг, сенинг ҳам юрагинг ачишар эди. Аҳволи оғир, жуда ҳам оғир.

Алексей Александрович чийиллаб, ингичка бир товуш билан жавоб берди:

– Назаримда, Анна Аркадьевна хоҳлаган нарсаларига эришган бўлса керак.

– Эҳ, Алексей Александрович, худо ҳақи, ўтган нарсаларни эслаб ўтирмайлик! Ўтган ишга саловат, дейдилар. У нимани хоҳлаганини, нимани кутиб ўтирганини ўзинг биласан – талоқ қилишингга интизор.

– Лекин мен ўғлимнинг менда қолдиришини талаб этганим учун Анна Аркадьевна талоқдан воз кечяпти, деб хаёл қилибман. Мен шундай жавоб қилиб, ишни тугади деб ўйловдим. Ҳозир ҳам тутаган деб ҳисоблайман, – деди Алексей Александрович.

Степан Аркадьич куёвининг тиззасига қўлини теккизиб:

– Йўқ, худо ҳақи, қизишма, – деди. – Иш тутагани йўқ. Агар гапнинг пускаласини айтишимга ижозат берсанг, аслида иш бундай бўлган эди: ажрашган пайтингизда сен мумкин қадар олижаноблик кўрсатдинг; сен унга ҳамма нарсани – озодликни, ҳатто талоқни ҳам бердинг. Анна бу олижаноблигингдан миннатдор бўлди. Йўқ, кўнглингга бошқа гап келмасин. Ҳа, миннатдор бўлди. Шу қадар миннатдор бўлдики, ўзини сенинг олдинда гуноҳкор сезгани

учун, ўша дастлабки дақиқаларда бу нарсаларни ўйламади, ўйлашга қурби етмас ҳам эди. Натижада ҳамма нарсадан воз кечди. Лекин замон ва ҳақиқат аҳволининг изтиробли эканини, боши берк кўчага кириб қолганини кўрсатди.

Алексей Александрович қошларини чимириб, унинг гапини бўлди:

– Анна Аркадьевнанинг ҳаёти мени қизиқтира олмайди.

Степан Аркадьич мулойимлик билан эътироз этди:

– Рухсат эт, мен бунга ишонмайман. Аҳволи ўзи учун жуда оғир, ҳеч ким учун бундан манфаат йўқ. Қилмишига яраша бўлди, деярсан. Анна шундай деб ўйлашингни билгани учун ҳам сендан илтимос қилмайди-да. У бирон нарса сўрашга юраги дов бермаганини очиқ-ошкор айтяпти. Лекин мен, ҳамма қариндошлари, уни севгувчилар сендан илтимос қиламиз, сенга ялиниб-ёлворамиз. Нима учун у азоб чекиши керак? Бундан кимга фойда?

– Кечирасиз, сизлар мени айбдор қилиб қўй-япсизлар-ку, – деди Алексей Александрович.

Степан Аркадьич яна унинг қўлига қўлини тегизди-ю, бу қилири куёвини юмшатишига ишонгандек:

– Йўғ-э, ундай эмас, менинг гапимга тушун, – деди. – Мен фақат аҳволининг оғирлигини айтяпман, сен уни енгиллаштиришинг мумкин, шундай қилсанг, бари бир, ҳеч нарса йўқотмайсан. Мен ишни шундай тўғрилайманки, ўзинг ҳам сезмай қоласан. Ваъда қилгансан ахир.

Алексей Александрович рангги бўзариб, лаблари қалтираб, зўрға:

– Илгари ваъда қилувдим. Ишни ўғлим масаласи ҳал қилади деб ўйловдим. Бундан ташқари, Анна Аркадьевнага олижаноблик таъсир қилар деган умидда эдим... – деди.

– У ҳали ҳамма нарсани сенинг олижаноблигингга ҳавола қилиб қўйган. У ўзи тушиб қолган ёмон аҳволдан қутқозишингни илтимос қилади, ялиниб-ёлвориб сўрайди. Ҳозир ўғлини талаб қилаётгани йўқ. Алексей Александрович, шафқатли одамсан. Бир зум бўлса ҳам унинг аҳволини кўз олдинга келтир. Ҳозирги аҳволида талоқ масаласи унинг учун ҳаёт-мамот масаласи-я! Агар илгари талоқ қилишга ваъда бермаганинда, тақдирига тан бериб, қишлоқда қоларди. Лекин сен ваъда қилгансан. Шунинг учун сенга хат ёзиб, Москвага ҳам келди. Мана энди Москвада, ҳар бир кўринган таниш юрагига ханжар бўлиб санчилаётган бир ерда, кун сайин масаланинг ҳал бўлишини кутиб, олти ойдан бери турибди. Ахир бу ҳам ўлимга ҳукм қилинган кишини бўйнида сиртмоқ билан: балки ўларсан, балки кечириларсан, деган ваъда билан ойларча сақлаш билан бир-ку. Унга раҳминг келсин, у ёғини қўйиб бер, ўзим тўғрилайман... Vos scrupules¹...

– Мен буни айтаётганим йўқ, буни эмас... – деди Алексей Александрович, жирканч билан унинг сўзини бўлиб. – Балки ваъда қилишга ҳақим бўлмаган нарсани ваъда қилгандирман.

– Нима, энди ваъдангдан бош тортмоқчимисан?

– Иложи бор нарсани бажаришдан мен ҳеч қачон бош тортган эмасман, лекин берган ваъдамнинг иложи қанчалигини ўйлашим учун фурсат керак.

– Йўқ, Алексей Александрович! – деди Облонский, ўрнидан сакраб туриб. – Бу гапингга ишона олмайман! Анна шу қадар бахтсизки, ҳеч бир хотин бундан ортиқ бахтсиз бўлолмайди, шунинг учун илтимосини қайтаролмайсан...

– Берилган ваъданинг иложига қараб. Vous protestez d'être un libre penseur². Лекин мен диндор

¹ Сенинг нафсоиниятинг... (франц.)

² Сенинг ҳур фикрли киши деган номинг бор (франц.).

одам бўлганим учун бундай муҳим масалада насроний қонунига қарши ҳаракат қилолмайман.

– Лекин, менинг билишимча, насроний жамиятида ҳам, бизда ҳам талоққа йўл қўйилади, – деди Степан Аркадьич. – Талоққа бизнинг черковимиз ҳам йўл қўяди. Кўриб турибмиз...

– Йўл қўяди, лекин бу маънода эмас.

– Алексей Александрович, мен сенга ҳайрон бўлиб қолдим, – деди Облонский, бир оз жим тургандан сўнг. – Унинг ҳамма ҳаракатини кечирган, насронийлик ақидаси билан иш кўриб, ҳамма нарсани қурбон қилишга тайёр турган сен эмасмидинг? (Биз сенинг ҳаракатларингни тақдирламаганмидик?) «Кўйлагингни ечириб олганларида, камзулингни ҳам қўшиб бер», деб ўзинг айтмабмидинг? Мана энди...

– Илтимос қиламан, – Алексей Александрович бирдан туриб кетди, ранги бўзарди, ияги қалтираб, гапира кетди: – илтимос қиламан, илтимос қиламан сиздан... бас қилинг бу гапни.

– Хайр, кечир, сени хафа қилган бўлсам, мени кечир, – Степан Аркадьич хижолат бўлганидан кулимсираб, унга қўлини чўзди, – мен фақат ўзимга топширилган сўзни айтдим, холос.

Алексей Александрович қўлини берди, бир оз ўй суриб тургандан кейин бир фикрга келиб:

– Ўйлашим, кейин бунга йўл-йўриқ топишим керак. Индинга узил-кесил жавобимни айтаман, – деди.

ХІХ

Степан Аркадьич чиқиб кетмоқчи бўлиб турганда, Корней кириб:

– Сергей Алексеевич! – деди.

– Ким бу Сергей Алексеевич? – деб Степан Аркадьич сўрамоқчи бўлди-ю, лекин дарҳол эслаб: – Эҳ! Серёжа! – деди. – «Сергей Алексеевич» деса, депар-

тамент директорими деб ўйлабман. – Кейин эслади: «Анна Серёжани кўриб келгин деб илтимос қилувди».

Анна ўзини юбораётганда, ҳуркак ва аянгч бир қиёфада: «Ҳар ҳолда уни кўрасан. Яхшилаб бил: қаерда, ёнида ким бор, иннайкейин, Стива... агар иложи бўлса! Иложи бордиру, а?» деган сўзларини хотирлади. Степан Аркадьич «агар иложи бўлса» деган сўзларнинг маъносини англаган эди, агар иложи бўлса талоғимни шундай берсинки, ўғлим ўзимда қолсин, деган маънода эди... Ҳозир Степан Аркадьич бу тўғрида ўйлашнинг ҳам фойдаси йўқлигини билди, шундай бўлса ҳам жиянини кўришдан хурсанд бўлди.

Алексей Александрович ўғлига онасидан ҳеч вақт оғиз очмасликларини қайнағасига эслатиб, ундан онаси тўғрисида чурқ этмасликни илтимос қилди.

– Бизнинг бепарволигимиз орқасида ўша сафар онасини кўргандан кейин қаттиқ бетоб бўлиб қолди, – деди Алексей Александрович. – Бир нима бўлиб қоладими, деб ёмон кўрқдик. Лекин тўғри муолажа қилингани ҳамда ёз кунлари денгизда чўмилгани саломатлигини сақлаб қолди. Ҳозир докторнинг маслаҳати билан уни мактабга бердим. Чиндан ҳам, ўртоқлари унга яхши таъсир қилишди, ҳозир соппа-соғ бўлиб кетди, ўқиши ҳам яхши.

Степан Аркадьич эгнига кўк пиджак, узун шим кийган, дади, бетакалуф кириб келган кенг яғринли, чиройли болани кўриб кулимсиради.

– Э, азамат йигит бўлиб қолибди-ку! Кичкина Серёжа эмас, каттакон Сергей Алексеевич! – деди у.

Бола сорлом, хушвақт кўринарди. У тоғасига ёт одамдай таъзим қилган бўлса ҳам, таниганидан кейин қизариб, дарҳол ундан тескари ўтирилиб олди. Кейин отасининг ёнига келиб, мактабидан олган дарслар баҳосини кўрсатди.

– Ҳа, чакки эмас, боравер, – деди отаси.

– Анча озиб, бўйига тортиб қолибди; гўдакликдан чиқиб кап-катта бола бўлиб қолибди, жуда хурсанд бўлдим, – деди Степан Аркадьич. – Мени тани-япсанми?

Бола ялт этиб орқасига қаради.

– Таниймаин, топ onele,¹ – деб жавоб берди тоғасига қараб, тагин дарров қош-қовоғини солиб олди. Тоғаси уни ёнига чақириб, қўлидан ушлади.

– Хўш, ишлар қалай? – деди у гаплашмоқчи бўлиб, лекин нима тўғрисида гаплашишни билмас эди.

Бола қизариб-бўзарди, жавоб қилмасдан, қўлини тоғасининг қўлидан секин тортди. Степан Аркадьич қўлини қўйиб юборар-юбормас, отасига нима қилай дегандек бир қараб олди-ю, қафасдан чиқарилган кушдай шахдам одимлар билан уйдан чиқиб кетди.

Серёжа онасини сўнгги марта кўрганига бир йил бўлган эди. Ана ўшандан бери онаси тўғрисида ҳеч нима эшитмаган эди. Ўша йили уни мактабга беришди, Серёжа ўртоқлари билан танишиб, уларни севиб қолди. Онаси билан кўришгандан сўнг уни бетоб қилиб қўйган орзу ва хотиралар энди Серёжанинг хаёлига келмасди. Бу орзу ва хотиралар эсига тушганда, буларни айб нарса деб, ўғил болага эмас, қизларга ярашадиган нарса деб, хаёлидан қувишга тиришарди. У отаси билан онаси ўртасида уларни бир-биридан ажратган жанжал борлигини, ўзининг пешонасига эса отаси билан қолиш битилганини билар, бу фикрга ўзини кўниктиришга тиришарди.

Онасига ўхшаган тоғасини кўриб, дили сиёҳ бўлди, чунки бу нарса у айб ҳисоблаган хотираларни хаёлида уйротди. Кабинет эшиги ёнида кутиб турганда кулоқларига чалинган баъзи сўзлардан, айниқса отаси билан тоғасининг афтларидан онаси ҳақида гап кетаётганлигини пайқагани учун ҳам юраги беш баттар сиқилиб кетди. Серёжа билан

¹ тоғамсиз (франц.).

бирга турган ва ўзи қарамоғида бўлган отасини қораламаслик, айниқса пасткашлик деб ҳисоблаган ҳиссиётга берилмаслик учун ўзининг тинчини бузгани келган бу тоғага қарамасликка, у эслатиб турган одамни ўйламасликка тиришди.

Лекин Степан Аркадьич кетма-кет чиқиб уни зинапояда кўрди-ю, ёнига чақирди; тоғаси танаффус маҳаллари вақтини қандай ўтказишини сўраганда, Серёжа тоғаси билан гаплашди, чунки у ҳозир отаси ёнида эмас эди.

У тоғасининг саволига:

– Ҳозир мактабда темир йўл ўйини ўйнаймиз, – деб жавоб берди. – Бундай қиламиз; иккита бола ўриндиққа ўтиради. Булар йўловчилар. Битта бола бўлса ўриндиққа тикка туради. Ҳаммамиз ўриндиққа қўшиламиз. Қўл билан қўшилса ҳам, камар билан қўшилса ҳам бўлади, кейин заллардан залларга тортамиз. Эшиклар олдин очиб қўйилган бўлади. Лекин кондуктор бўлиш жуда мушкул-да!

Степан Аркадьич кулимсираб:

– Ҳалиги тик турганми? – деб сўради.

– Ҳа, бу ишда дадил, чаққон бўлиш керак, айниқса бирдан поезд тўхтаб қолганда ёки бирон йўловчи йиқилиб тушганда.

Степан Аркадьич Серёжанинг онасиникига ўхшаган, ортиқ бола кўзлари ҳолатидан чиқиб, маъсумлигини анчагина йўқотган ўйноқи кўзларига ҳасрат билан қараб:

– Ҳа, бу ҳазилакам эмас, – деди. – Сўнгра Алексей Александровичга Аннадан ориз очмасликка ваъда қилган бўлса ҳам, сўзида туролмади. Бирдан:

– Ҳеч онангни эслайсанми? – деб сўраб қолди.

Серёжа дарров:

– Йўқ, эсламайман, – деди-ю, лоладай қизариб, тумтайиб олди. Бундан кейин тоғаси ундан бир ориз ҳам сўз эшитмади.

Славян мураббий шогирдини ярим соатдан сўнг зинапоядан топиб, унинг жаҳли чиққанини ҳам, йирлаётганини ҳам анчагача аниқлай олмади.

– Нима бўлди, йиқилганингизда бир ерингиз қаттиқ лат едими? – деди мураббий. – Мен айтдим-а сизга: хавфли ўйин деб. Мактаб мудирига ҳам айтиб қўйиш керак.

– Йиқилиб, бир еримга лат етказсам ҳеч ким сезмасди. Кўнглингиз тўқ бўлсин.

– Йўқса нима бўлди?

– Қўйинг мени! Эслайманми, эсламайманми... унинг нима иши бор? Эслаб нима қиламан? Мени ўз ҳолимга қўйинг! – У энди мураббийсига эмас, бутун дунёга қараб гапирди.

ЖХ

Степан Аркадьич ҳар маҳалгидан, Петербургда вақтини бекор ўтказмади. Петербургда синглисининг талоғини олиш, хизмат масаласини гаплашишдан ташқари, унинг таъбири билан айтганда, Москванинг диққинафас муҳитидан кейин, ҳар вақтдагидай, тоза ҳаво олиши керак эди.

Москва, *cafes chantants*¹ ва омнибусларига қарамай, ҳар ҳолда кўмак ботқоғига ўхшарди. Степан Аркадьич буни ҳамма вақт сезиб турарди. Москвада, айниқса бола-чақаси яқинида турганда, руҳи тушиб кетарди. Москвадан ҳеч қаёққа жилмай, у ерда узоқ қолиб кетганда, хотинининг ёмон муомаласи ва ўпка-таънаси, болаларининг сиҳат-саломатлиги ва тарбияси, хизматга доир майда масалалар таъбини хира қила бошларди; ҳатто қарзларини ҳам ўйлаб бесаранжом бўларди. Лекин Петербургда келиб, ҳаминша аралашиб юрадиган муҳитда, Москва-

¹ очик сахнави қаҳвахона ёки ресторан. (франц.)

даги сингари завқсиз, бемаъни ҳаёт эмас, чинакамга ҳаёт кечирадиган муҳитда тура бошлагач, бу ўйлари ўт тафтидан эриган мум шамдай эриб ғойиб бўлиб кетарди.

Хотини-чи?.. Бугун князь Чеченский билан гаплашди. Князь Чеченский хотинли, бола-чақали одам, кап-катта бўлиб қолган паж ўғиллари бор экан; қонунсиз турадиган яна бошқа хотини ҳам, ундан орттирган болалари ҳам бор экан. Биринчи хотини ҳам яхши экану, лекин князь Чеченский иккинчи хотини ёнида кўпроқ хузур қилар экан. Катта ўғлини иккинчи хотининикига бирга олиб борар экан; у Степан Аркадьичга бу нарса ўғлининг вояга етишига фойдаси борлигини айтган. Бундай гапга Москвада нима дейишар эдийкин?

Болалари-чи? Петербургда болалар оталарининг туриш-турмушларига халақит беришмайди. Болалар тарбияхоналарда тарбия олишади. Болалар ҳаёт лаззатини суришлари, ота-оналар эса заҳмат чекиб, уларнинг ғамларини ейтишлари керак, деган ваҳшиёна тушунчани Москвада тарқатувчилар, масалан, Львовга ўхшаганлар бу ерда йўқ эди. Бу ерда инсон ўқимишли кишиларга ярашадиган тахлитда ўзи учун яшаши керак, деб тушунардилар.

Хизмати-чи? Бу ерда хизмат ҳам Москвадаги сингари одамни эзиб ташлайдиган, умидсизлик тугдирадиган оғир юк эмас эди; бу ерда хизматдан манфаат бор. Кўришиб туриш, хизмат кўрсатиш, ўткир сўз айтиш, бировларни турли шаклларда тақлид қилиш орқасида одамнинг бирданига мансаби кўтарилиб кетади. Масалан, кеча Степан Аркадьич кўрган Брянцев биринчи аъён бўлиб олди. Бундай хизматдан манфаат бор.

Айниқса, Петербургда пул муомаласига булган муносабат Степан Аркадьичга тасалли берар эди. Ўз тарзи ҳаётига қараб, йилга камида эллик минг

сўмнинг бошига сув қуйиб келаётган Бартнянский кеча шу ҳақда ажойиб сўз айтди.

Тушлик овқатдан олдин Степан Аркадьич галлашиб ўтириб Бартнянскийга:

– Назаримда, сен Мордвинскийга яқин бўлсанг керак, – деди, – барақа топкур, менинг тўғримда бир офиз айтиб қўйсанг, ҳеч унутмайдиган иш қилардинг-да. Мен кўз остимга олиб қўйган битта ўрин бор. Агентлик аъзоси...

– Эй, бари бир, эсимда қолмайди... менга қара, бу темир йўл ишида жухудларга қўшилиб нима қиласан-а?.. Нима десанг де-ю, лекин бу бир разолат!

Степан Аркадьич буни «мойли жой» деб атамади, буни Бартнянский, бари бир, уқмас эди.

– Пул керак, тирикчилик чатоқ бўлиб қолди.

– Тириклигингни кўриб юрибсан-у!

– Тирикликка-ку тирикман-а, лекин қарзим бор.

– Йўр-э? Кўпми? – деб сўради Бартнянский, унинг аҳволига ачиниб.

– Жуда кўп, йигирма минг сўмча.

Бартнянский шарақлаб кулиб юборди.

– У, бахтли одам экансан! – деди у. – Менинг эса бир миллион сўм қарзим бор, лекин қуп-қуруқман, шундай бўлса ҳам, кўриб турибсан, ўлганимиз йўқ!

Степан Аркадьич унинг гали сўздагина эмас, ҳақиқатда ҳам тўғри эканлигини кўрди. Живаховнинг уч юз минг сўм қарзи бор экан, ёнида эса бир чақаси ҳам йўқ; шундай бўлса ҳам ноппа-нозин юрибди. Юрганда ҳам қандини уриб юрибди! Граф Кривцовнинг алақачон жанозасини ўқиб қўйишибди-ю, ҳали ҳам иккита хотинини гулатиб юрибди. Петровский беш миллион сўмини пок-покиза еб бўпти, шундай бўлса ҳам яна бояғидай яшайди, ҳатто молия ишларини бошқариб, йилига йигирма минг сўм маош олади. Бундан ташқари, Петербург Степан Аркадьичга жисмоний жиҳатдан ҳам шукуҳ

берарди. Петербург уни яшартирарди. Москвада эса гоҳо сочларининг оқига қарар, овқатдан сўнг ухлаб қолар, зинадан бир-бир қадам ташлаб, ҳарсиллаб чиқарди; ёш жувонлар ёнида зерикар, балларда ўйинга тушмай ўтирарди. Петербургда эса ўзини ўн ёш яшарган ҳис қиларди.

У Петербургда ўзини яқиндагина чет элдан қайтиб келган олтмиш яшар князь Пётр Облонский кеча айтган аҳволда ҳис қиларди.

– Биз бу ерда яшаш йўлини билмаймиз, – деган эди Пётр Облонский. – Ишонасанми, бутун ёзни Баденда ўтказдим; эй, нимасини айтасан, қирчиллама йигитга ўхшадим-қолдим. Ёш жувонни кўрсам, миямга нималар келмайди... овқатни бошлаб қиласан, озроқ ичиб оласан, қарабсанки, кучга тўлиб, лорсиллаб кетибсан. Россияга қайтиб келдим, – хотинимнинг олдига, яна қишлоққа бориш керак, – эй, айтсам ишонмайсан, икки ҳафтадан кейин ҳалат кийиб олдим, овқатга кийинмай чиқадиган бўлдим. Ёш жувонларни ўйлаш қаёқда! Бутунлай қаридим-қолдим. У дунёни ўйлашдан бошқа нарса қолмади. Парижга бордим – яна миҳдай бўлдим.

Степан Аркадьич ҳам Пётр Облонский сезган фарқнинг худди ўзини сезиб турарди. Москвада унинг ҳам шу қадар ҳафсаласи пир бўлиб қолардики, агар у ерда узоқ турса, худо кўрсатмасин, у дунё ғамини ейдиган бўлиб қоларди: Петербургда эса ўзини яна ноппа-нозин одам ҳис қиларди.

Княгиня Бетси Тверская билан Степан Аркадьич ўртасида узоқ вақтлардан бери ниҳоятда ғалати бир муносабат давом этиб келарди. Степан Аркадьич ҳаминиша унга ҳазил аралаш жигарсўхталик қилар, Бетсининг ёқтирганини билгани учун ҳазиллашиб пардасиз нарсалар айтарди. Каренин билан гаплашган кунининг эртасига Степан Аркадьич Бетсиникига келиб, ўзини шу қадар ёш ҳис этди,

бу ҳазил аралаш жигарсўхталик ва ёлрон-яшиқ сўзларида бехосдан шу қадар ҳаддан ошиб кетдики, оқибатда ёқасини қандай тутқазишни биламай, ўралашиб қолди: шўрига, Бетси унга ёқмас, балки кўнглини ағдарарди. Ораларидаги муносабатнинг бу хил тус олишига сабаб шу эдики, Степан Аркадьич Бетсига ёқарди. Шунинг учун княгиня Мягкая келганда Степан Аркадьич жуда суюнди. Чунки княгиня ўзининг келиши билан улар ўртасидаги маҳрамликка хотима берган эди.

– Ҳа, сиз ҳам шу ерда экансиз-ку, – деди княгиня Мягкая, Степан Аркадьични кўриб. – Ҳўш, бечора синглингиз қалай? Мени унақа деб ўйламанг, – деб гапига қўшиб қўйди. – Ҳамиша, айниқса Аннадан юз минг марта баттар бўлганлар унга ҳужум бошлагандан бери: «Анна ажаб қилди!» дейдиган бўлдим. Аннанинг Петербургда эканини менга хабар қилмагани учун Вронскийни асло кечирмайман. Жон-жон деб олдига ҳам борардим, қаёққа борса бирга ҳам юрардим. Шундай қилинг, менинг муҳаббатимни айтиб қўйинг, барака топкур. Қани, синглингиздан галиринг, эшитайлик.

Степан Аркадьич соддадил одам бўлганидан княгиня Мягкаянинг «Қани, синглингиздан галиринг, эшитайлик» деган сўзларини чин юрагидан айтяпти деб ўйлаб:

– Ҳа, аҳволим яхши, у... – деб сўз бошлаган эди, княгиня Мягкая оdatини қилиб, дарров унинг гапини бўлди-ю, у галира кетди.

– Анна менга бошқа ҳамма қиладиган ишни қилди, лекин оқалар қилриликларини яшириб юришади; Агар бўлса одамларни алдамади, ажаб қилди. Иннаёқ ин ўша овсар зрини ташлаб кетгани ҳам жуда яхши бўлди. Мени кечирасиз-да. Ҳамма, куёвингизга ақлли, жуда ақлли одам деярди, мен бир ўзим те... ак деб юрардим. Мана энди, Ли-

дия Ивановна билан, кейин Landau билан топишиб олгандан сўнг, ҳамма, овсар дейдиган бўлди; менга қолса, жон-жон деб ҳеч кимнинг гапига қўшиямас эдим, лекин бу сафар иложи йўқ.

– Қани, бу гапнинг маъноси нима экан, барака топкур, бир тушунтириб юборинг, – деди Степан Аркадьич. – Кеча синглим масаласида олдига бориб, узил-кесил жавоб қилишини сўрадим. Жавоб бермай, ўйлаб кўраман, деди; бугун эрталаб эса, жавобини олиш ўрнига, шу кун кечқурун мени графиня Лидия Ивановнаникига таклиф қилган қоғозини олдим.

Княгиня Мягкая суюниб:

– Ҳа, ҳа, шундоғ-шундоғ! – деди. – Улар Landauнинг фикрини сўрашади.

– Нера Landau фикрини? Нима учун Landau нима ўзи?

– Ия, ҳали Jules Landau, le fameux Jules Landau, le clairvoventни¹ билмайсизми? Landau ҳам бир тентак одам, лекин синглингизнинг тақдири ўшанга боғлиқ. Вилоятда яшовчилар ҳаётда мана шунақа нарсалар бўлиб турганидан беҳабар-да. Билсангиз, Landau Париж магазинларининг бирида Commis² экан. Бир кун докторга борибди-ю, қабулхонада ухлаб қолиб, уйқусида ҳамма касалларга маслаҳат бера бошлабди. Маслаҳатлари ҳам жуда галати. Бир кун Юрий Мелединскийнинг – биласиз-а шу касални? – хотини Landaуни эшитиб қолибди-ю, топиб эрининг олдига олиб келибди. Ҳозир эрини даволаяпти. Чамамда, эрига ҳеч қандай фойда етказгани йўқ, нимага десангиз, эри боягидай мажолсиз, шундай бўлса ҳам Landaуга ишониб, уни бирга олиб юришади. Россияга ҳам олиб келишди. Бу

¹ Жюль Ландони, башорат қиладиган машҳур Жюль Ландоня (франц.).

² приказчик, гумашта (франц.).

ерда ҳамма унга сажда қила бошлади, мана ҳозир ҳаммани даволаяпти. Графиня Беззубовани шифолаган экан, яхши кўриб қолиб, ўғил қилиб олибди.

– Қандай ўғил қилиб олади?

– Шундай, ўғил қилиб олибди-да. Энди у Landau эмас, граф Беззубов. Лекин гап бунда эмас, бошқа ёқда; мен Лидияни жуда яхши кўраман, лекин тўғриси айтишим керак, мияси жойида эмас, нимага десангиз, Лидия ҳам ана ўша Landauga осилиб олди; ҳозир Landausиз Лидиянинг ҳам, Алексей Александровичнинг ҳам иши битмайди. Шу сабабли синглингизнинг тақдири ҳозир ана ўша Landauning, бошқача қилиб айтганда, граф Беззубовнинг қўлида.

XXI

Степан Аркадьич Бартањанскийда яхшилаб овқатлангандан ва мўл-кўлгина коньяк ичгандан сўнг графиня Лидия Ивановнаникига тайинланган вақтидан фақат озгина кечикиб келди.

Степан Аркадьич Алексей Александровичнинг таниш пальтоси билан бошқа бир ралати, оддий пальтони кўриб:

– Графинянинг ҳузурида яна ким бор? Французми? – деб сўради швейцардан.

– Алексей Александрович Каренин билан граф Беззубов, – деди швейцар салобат билан.

Степан Аркадьич зинадан чиқиб бораётди: «Княгиня Мягкая топибди, – деб уйланди. – Ғалати! Лекин графиня билан иноқлашиб олсам, зарар қилмасди. Сўзи ўтадиган танишлари жуда кўп-да. Агар Поморскийга бир оғиз айтиб қўйса борми, ишлар беш-да».

Ташқари ҳали ёп-ёруғ бўлса ҳам, графиня Лидия Ивановнанинг пардалари тушириб қўйилган кичкина меҳмонхонасида алақачон чироқ ёқиб қўйилган эди.

Чироқ тагидаги юмалоқ стол ёнида графиня билан Алексей Александрович бир нима тўррисида секин-секин гаплашиб ўтирарди. Бўйи ўртамиёна, озгин, лекин сағри аёлларники сингари катта, тиззалари ичкари томонидан букик, рангида бир қатра қони бўлмаса ҳам, чеҳраси чиройли, узун сочлари сюртугининг ёқасига тушиб турган бир шахло кўз киши хонанинг нариги четида девордаги портретларни томоша қилиб турарди. Степан Аркадьич уй бекаси ва Алексей Александрович билан кўришгандан сўнг нотаниш киши томонга яна бир марта беихтиёр қараб қўйди.

Графиня Облонскийни қайрон қилган юмшоқ, мулойим бир товуш билан:

– Monsieur Landau! – деб мурожаат қилгандан сўнг уларни таништирди.

Landau дарров ўтирилиб қаради, яқин келиб Степан Аркадьичнинг чўзилган қўлига ўзининг тер босган, жонсиз қўлини қулмсираб қўйди-ю, яна дарҳол узоқлашиб, портретларни томоша қила бошлади. Графиня билан Алексей Александрович бир-бирига тағдор қилиб қараб олишди.

Графиня Лидия Ивановна Степан Аркадьичга Каренин ёнидан жой кўрсатиб:

– Сизни кўрганим учун, айниқса шу бугун кўрганим учун хурсандман, – деди. Кейин французга, сўнгра дарҳол Алексей Александровичга бир қараб олиб, паст товуш билан гапирди: – Сизга уни Landau деб таништирдим, лекин, ўзингиз ҳам биларсиз, ҳақиқатда граф Беззубов. Фақат бу унвонини ёқтирмайди.

– Ҳа, эшитдим, – деди Степан Аркадьич, – графиня Беззубовани шифолагандан кейин у бутунлай соғайиб кетган эмиш.

– Графиня бугун меннинг олдимга келди, кўриб бирам юрагим ачишди! – деди графиня Алексей

Александровичга қараб. – Бу айрилиқ унга жуда ҳам оғир. Унинг учун катта зарба!

– Нима, муқаррар кетмоқчимиз? – деб сўради Алексей Александрович.

– Ҳа, Парижга кетяпти. Кеча битта овоз эшитибди, – деди графиня Лидия Ивановна, Степан Аркадьичга қараб.

Облонский, бу одамлар орасида ўзи тушунмайдиган аллақандай ҳодиса юз бераётганлигини ёки юз бериши кераклигини пайқади, иложи борича эҳтиёт бўлишга тиришиб:

– Ў, овоз! – деди такрорлаб.

Ўртага тушган бир дақиқалик сукунатдан сўнг графиня Лидия Ивановна, суҳбатнинг асосий мавзуга киришаётгандек, мулоимгина жилмайиб:

– Сизни кўп вақтлардан бери танийман, энди яқиндан таниётганим учун жуда хурсандман, – деди Облонскийга. – *Les amis le nos amis sont nos amis*¹. Лекин дўст бўлиш учун, дўст қалбидан хабардор бўлиш керак: мен бўлсам сизни Алексей Александровичга шундай муносабатда эмассиз, деб қўрқаман, – деди графиня Лидия Ивановна чиройли, ўйчан кўзларини кўтариб. – Нима тўғрисида гапираётган гапимни фаҳмлаётгандирсиз?

Облонский масала нима устида эканлигини яхши фаҳмламагани учун умумий гаплар билан чекланиш мақсади-да:

– Қисман тушунаман, графиня, Алексей Александровичнинг аҳволи... – деб гап бошлаган эди, графиня Лидия Ивановна:

– Ундаги ўзгариш зоҳирий ўзгариш эмас, қалбан ўзгариш, – деди қатъий қилиб. У шу сўзларни айтганда, ўрнидан кўзгалиб, Landau томонга ўтган Александр Александровични маъшуқа кўзлари би-

¹ Дўстларимизнинг дўстлари – бизнинг дўстларимиз (франц.).

лан кузатиб турди. – Унинг қалби ўзгарган, унга янги қалб ато бўлган. Шунинг учун унда юз берган ўзгаришни дурустроқ фаҳлмамагансиз, деб кўрқаман.

Степан Аркадьич графинянинг қарашига мулоийим қараш билан жавоб бериб, кўзларини сузиб:

– Яъни бу ўзгаришни умумий тарзда тасаввур қила оламан. Биз Алексей Александрович билан ҳамма вақт дўст эдик, ҳозир ҳам... – деди, икки министрдан қайси бирига графинянинг яқинлигини аниқлаш ва графиня орқали қайси биридан илтимос қилишни ўйлаб.

– Унда юз берган ўзгариш яқин кишиларига бўлган муҳаббат ҳиссини камайтирмайди, аксинча, ундаги ўзгариш бу муҳаббатни оширади. Лекин менинг гапларимга тушунмайсиз, деб кўрқаман. Чой ичасизми? – деди графиня патнусда чой келтирган лакейга кўзи билан ишора қилиб.

– У қадар эмас, графиня. Албатта, унинг бу бахтсизлиги...

– Ҳа, бу бахтсизлик олий бахтга айланди, қалби янгилангандан кейин шу бахт билан тўлди, – деди графиня, Степан Аркадьичга маъшуқаларча қараб.

Степан Аркадьич ичида: «Чамамда, иккала министрдан ҳам илтимос қилдирсам бўладиганга ўхшайди», – деб ўйлади.

– О, албатта, графиня, – деди Степан Аркадьич, – менингча, бу ўзгаришлар шу қадар махфийки, ҳеч ким, ҳатто энг яқин одами бу хусусда оғиз очиб гапиргиси келмайди.

– Аксинча! Биз гапиришимиз, бир-биримизга ёрдам қилишимиз керак.

– Албатта, буниси шубҳасиз, лекин ақидаларимизда шу қадар фарқ бўлардики, бундан ташқари... – деди Облонский мулоийимгина кулимсираб.

– Муқаддас ҳақиқатда фарқ бўлиши мумкин эмас.

– О, албатта, лекин... – деди-ю Степан Аркадьич хижолат бўлиб, тилини тишлаб қолди. Гап дин устида кетаётганлигини фаҳмлади.

Алексей Александрович Лидия Ивановнага яқин келиб, маъноли бир шипшиш билан:

– Назаримда, ҳозир ухлайди, – деди.

Степан Аркадьич ялт этиб ўтирилди. Landau дераза ёнидаги курсининг орқа ва ён томонидаги сунъичиғига таяниб, бошини солинтириб ўтирган эди. Ўзига қарашганларини сезиб, бошини кўтарди-ю, болаларникига ўхшаш содда бир табассум билан жилмайди.

Лидия Ивановна:

– Парво қилманг, – деди-да, мулоим бир ҳаракат билан стулни Алексей Александровичга суриб қўйди. – Мен сездим... – деб кейин гап бошлаган эди, лакей хат кўтариб кириб келди. Лидия Ивановна хатга тез кўз югуртириб чиққач, ўтирганлардан афв сўраб, жуда тезлик билан жавоб ёзиб бергандан сўнг яна столга қайтиб келди. Сўнгра бошлаган гапини давом эттирди: – Мен сездим: москваликлар, айниқса эркаклар динга жуда ҳам парвосиз одамлар бўлишар экан.

– О, йўқ, графиня, назаримда, москваликлар динни қаттиқ ушлаб шуҳрат чиқаришган бўлишса керак, – деди Стенан Аркадьич:

Алексей Александрович ҳорғин бир табассум билан унга жилмайиб:

– Шундайдир-у, лекин менинг фаҳимча, афсуски, сиз динга парвосиз қарайдиганлар тоифасидансиз, – деди.

– Динга қандай парвосиз қараб бўлади-я! – деди Лидия Ивановна.

Степан Аркадьич одамни эритадиган мулоим табассуми билан:

– Бу масалада мен парвосиз эмасман, кутиш палласидаман, – деди. – Менинг учун бу масалаларни ҳал қилиш пайти келди, деб ўйламайман.

Алексей Александрович билан Лидия Ивановна бир-бирига қараб олишди.

– Биз учун бу масалаларнинг ҳал этиш пайти келганми-йўқлигини ҳеч вақт билолмаймиз, – деди Алексей Александрович, қатъий қилиб. – Биз тайёрми-йўқми ўйлашимиз керак эмас: барақат инсонларнинг мулоҳазаларига боғлиқ нарса эмас; барақат баъзан унинг йўлида жон куйдирганларга насиб бўлмай, Савл сингари тайёрланмаганларга насиб бўлади.

Шу пайт французнинг ҳаракатларига кўз ташлаб ўтирган Лидия Ивановна:

– Йўқ, чамамда, ҳали эрта, – деди.

Landau ўрнидан туриб, улар ёнига келди.

– Мен ҳам эшитсам ижозатми? – деб сўради у.

Лидия Ивановна унга сузилиб қараб:

– О, албатта, фақат сизга халақит бергим йўқ эди, марҳамат, ўтиринг, – деди.

Алексей Александрович сўзини давом қилдирди:

– Ёғдудан маҳрум бўлмаслик учун кўзларимизни юммаслигимиз керак.

– Аҳ, унинг доим қалбимизда яшаганини сезишдан олган ҳузур-ҳаловатимизни кошқийди сиз ҳам билсангиз! – деди графиня Лидия Ивановна, бахтиёрлик билан кулимсираб.

– Лекин инсон бу юксакликка кўтарилиш учун баъзан ўзини қобилиятсиз ҳис қилиши мумкин, – деди Степан Аркадьич: у диннинг юксаклигини эътироф қилиш билан рикорлик қилаётганини сезиб турса ҳам, лекин Поморскийга бир оғиз сўз айтиш билан у хоҳлаган ўрнини олиб бериши мумкин бўлган бир шахс олдида ўзининг эркин фикрли киши эканини тан олишга журъат қила олмади.

- Яъни, гуноҳи халақит беради, демоқчисиз-да? - деди Лидия Ивановна. - Лекин бу хато фикр. Динга эътиқод қилувчилар учун гуноҳ йўқ, гуноҳи ювилган. Pardon, - деб илова қилди графиня, яна битта хат кўтариб кирган лакейга қараб. Графиня бу хатни ўқиб, оғзаки жавоб қилди. - Эртага улуф княгиня хузурларида, денг. - Сўнгра суҳбатни давом эттирди: - динга эътиқод қилувчилар учун гуноҳ йўқ.

- Шундай-ю, лекин дин амалиётсиз ўликдир, - деди Степан Аркадьич, ҳадисдан шу жумлани эслаб, биргина табассуми билан ўз мустақилигини ҳимоя қилиб.

Алексей Александрович билан Лидия Ивановна амалиёт тўғрисида анча-мунча гап талашган бўлишса керак, Алексей Александрович бирмунча таънали қилиб:

- Ана Ховориюн Иаков ҳадисларидан бири, - деди графиняга. - Мана шу ҳадиснинг хато талқин этилиши қанча зарар етказди-я! Ҳеч бир нарса одамларни диндан шу талқин қадар жиркантирмайди. «Менда амалиёт йўқ, шунинг учун динга ишона олмаيمان», ҳолбуки бу талқин ҳеч қаерда айтилмаган. Бунинг тескариси айтилган.

Графиня Лидия Ивановна жирканувчи бир нафрат билан:

- Худойи таоло учун заҳмат чекиш, рўза билан руҳимизни пок этиш - булар монахларимиз ўйлаб чиқарган ваҳшиёна тушунчалардир, - деди. - Ҳолбуки, бу нарсалар ҳеч қаерда айтилмаган. - У саройда, янги вазиятда уялиб-тортиниб турган малика хизматидаги ёш қизларга далда берадиган ўша табассуми билан Облонскийга жилмайиб туриб, илова қилди: - Бу анча содда, анча осон.

Алексей Александрович графинянинг сўзларини кўз қарашлари билан маъқуллаб:

– Бизга бизнинг йўлимизда жафо чеккан ҳазрати Исо нажот берди, – деди.

Лидия Ивановна:

– Vous comprenez l'anglais¹ – деб сўради ва тасдиқ жавобини олгандан сўнг ўрнидан туриб бориб, рафдаги китобларни қарай бошлади. Кейин Каренинга савол назари билан бир қараб олиб: – Мен «Safe and Happy»дан² ёки «Under the wing»дан³ ўқиб бермоқчиман, – деди. Айтган китобини топиб, яна жойига келиб ўтиргандан сўнг китобни очди. – Бу жуда мухтасар. Бунда динга эътиқод туғдирадиган ва бу дунёнинг барча ҳузур-ҳаловатларидан юксак бўлган, инсон қалбини тўлдирган бахт-саодат йўли тасвир этилган. Диндор киши бахтсиз бўла олмайди, чунки у ёлғиз эмас. Мана ҳозир ўзингиз кўрасиз. – Графиня энди ўқимоқчи бўлиб турганда, яна лакей кириб қолди. – Бороздинами? Эртага соат иккида, денг. – Графиня бармоғини китобнинг очилган ерига қўйди-да, ҳорғин, чиройли кўзларини рўпарасига тикиб, уҳ тортди. – Ҳа, чинакам эътиқод мана бундай таъсир қилади. Сиз Мари Санинани танийсизми? Унинг бошига тушган бахтсизликни биласизми? Ёлғиз боласидан жудо бўлди. Доғу ҳасратда қолди. Хўш, оқибат нима бўлди? Оқибат шу бўлдики, дўстини топди, мана энди ўғлининг вафоти учун худодан миннатдор бўлиб юрибди. Ана эътиқод берадиган бахт!

– О, албатта, бу жуда... – деди Степан Аркадьич, китоб ўқишса, ўзимга келиб қоларман деб хурсанд бўлиб. Кейин: «Йўқ, бугун илтимос қилмаганим маъқул кўринадим, ишқилиб, ишни чалкаштириб юбормай, эсон-омон чиқиб кетсам бўлгани», деб уйлади.

Графиня Лидия Ивановна Landaura қараб:

¹ Инглизча тушунасизми? (франц.)

² «Соф ва хушбахт» (ингл.)

³ «Қанот остида» (ингл.)

– Сиз инглизчани тушунмаганингиз учун зерикиб қоласиз-да, лекин ўқиб берадиган жойим қисқа, – деди.

Landau ҳам ўшандай табассум билан жилмайиб: – О, тушунаман, – деди-ю, кўзларини юмиб олди.

Алексей Александрович билан Лидия Ивановна бир-бирига тагдор қилиб қараб олишгандан сўнг ўқиш бошланди.

XXII

Степан Аркадьич бу ерда эшитган янги, ғалати гаплардан калласи ғовлаб кетганлигини сезиб ўтирарди. Петербург ҳаётининг мураккаблиги уни умуман ҳаяжонга солар, Москвада ўрганиб қолган ҳаёт турғунлигидан чиқарар эди; аммо бу мураккабликни ўзига яқин, таниш одамлар муҳотида бўлганда севар, шундагина тушунарди; бу ёт муҳитда эса калласи шишиб, ҳамма нарсани қамраб олишга қурби етмай қолди. Степан Аркадьич, графиня Лидия Ивановнанинг сўзларига қулоқ солиб, Landauнинг чиройли, содда ёки муғамбир (қандайлигини ўзи ҳам билмасди) кўзлари ўзига тикилиб қолганини сезгач, калласи шишиб офирлашганини пайқай бошлади.

Миясида турли-туман фикрлар чувалиб борарди. •Мари Санина боласи ўлгани учун хурсанд... бир чекиб юборсам яхши бўларди-да... руҳни пок сақлаб қолиш учун фақат ишониш керак холос эмиш, бу нарсани қандай қилишни монахлар билмас экану, графиня Лидия Ивановна билар экан... Нега бошим офирлашиб кетяпти-я? Коньякданмикан ёки бу нарсаларнинг ғалатилигидан? Бу ерда, назаримда, ҳеч қандай ноҳўя иш қилмаган бўлсам керак. Шундай бўлса ҳам, энди ундан илтимос қилиб бўлмайди. Булар одамларни ибодат қилишга мажбур этади,

дейишади. Мени ҳам мажбур қилиб қолишмасин тагин. Бу бориб турган нодонлик бўлади-ку. Ўқиётган нарсалари жуда бемаъни, лекин талаффузи яхши. Landau Беззубов. Нега у Беззубов? Бирдан Степан Аркадьич жағи қаришиб, эсноқ келиб қолганини сизди. Эснашни яшириш учун бакенбардларини тузатиб жунжикди. Шундан кейин кўзи уйқуга кетиб, хуррак ота бошлаганини сизди. Графиня Лидия Ивановнанинг «ухлаб қолди» деган овозини эшитгандан кейингина уйғонди...

Степан Аркадьич чўчиб уйғонди-ю, қўлга тушганини пайқаб, ўзини гуноҳкор ҳис қилди. Лекин «ухлаб қолди» дейилган сўзнинг ўзига эмас, Landauга тааллуқли эканини кўриб, кўнгли тасалли топди. Француз ҳам Степан Аркадьич сингари ухлаб қолган эди. Аммо Степан Аркадьичнинг ухлаб қолгани, ўзининг фаҳмича, уларни хафа қилиши мумкин эди (аслида буни ҳам ўнглагани йўқ, чунки ҳамма нарса унга шунақа галати кўринарди), Landauning ухлаб қолгани эса уларни, айниқса графиня Лидия Ивановнани ҳаддан ташқари хурсанд қилди.

Лидия Ивановна, шарпа чиқармаслик учун шойи кўйлагининг турилиб қолган жойларини эҳтиётлик билан тузатиб ва ҳаяжонни орқасида Каренинни Алексей Александрович эмас, «mon ami»¹ деб атади:

– Mon ami, donnez lui la main. Vous voyez?² – кейин, кириб келган лакейга имо қилди: – Жим! Қабул қилинмасин.

Француз бошини курсининг орқасига суяб ухлаб ўтирар ёки ўзини ухлаётганга солар, тиззасида турган терли қўлини элас-элас қимирлатиб, бир нимани ушламоқчи бўлаётгандек кўринарди. Алексей Александрович ўрнидан турди-да, эҳтиёт бўлиб бораман деб столга тегиб кетди; кейин француз ёнига

¹ Достим (франц.).

² Достим, қўлингизни беринг унга. Кўряпсизми? (франц.)

бориб, қўлини унинг қўлига қўйди. Степан Аркадьич ҳам турди, ухлаб қолган бўлсам уйқумни қочирай деган мақсадда кўзларини катта-катта очиб, гоҳ унга, гоҳ бунга қарай бошлади. Бу нарса чиндан ҳам ўнгида бўлаётган эди. Шундан кейин Степан Аркадьич калласи ровлаб бораётганини сездди. – *Que la personne qui est arrivee la derniere, celle qui demande, qu'elle sorte! Qu'elle sorte!*¹ – деди француз кўзларини очмай.

– *Vous m'excuserez, mais vous vagez... Revenez vers dix heures, encore mieux demain*².

– *Qu'elle sorte!*³ – деди француз, чидамсиз так-рорлаб.

– *C'est moi, n'est ce pas?*⁴

Степан Аркадьич саволига тасдиқ жавоби олди-ю, Лидия Ивановнадан қиладиган илтимосини ҳам, синглиси тўғрисидаги масалани ҳам унутиб, шу ердан тезроқ қутулиш тилагида оёқларининг учида юриб, заҳарланган уйдан қочган кишидай кўчага чопиб чиқди-да, тезроқ ҳушига келиш учун извошчи билан узоқ гаплашиб, ҳазиллашди.

Степан Аркадьич француз театрига томошанинг охири пардасига етиб келди; кейин татар қўлидан шампан виноси ичиб, икки суйган муҳитда бир оз нафасини ростлаб олди. Шундай бўлса ҳам шу кеча кайфи жуда бузуқ бўлди.

Степан Аркадьич Петербургда Пётр Облонский-никига тушган эди; уйга қайтса Бетсидан хат келган экан. У чала қолган суҳбатларини охирига етказишни жуда хоҳлаганини, шунинг учун эртага келишини сўраб ёзибди. Степан Аркадьич бу хатни

¹ Кейинги келган киши чиқиб кетсин, сўраётган киши чиқиб кетсин! Чиқиб кетсин! (франц.)

² Кечиринг мени, лекин кўриб турибсиз... соват ўнда келинг, яна ҳам яхшиси эртага келинг (франц.).

³ Чиқиб кетсин (франц.).

⁴ Менга айтяпсиз, шундай эмасми? (франц.)

ўқиб бўлиб, юзини тириштиришга ҳам улгурмай, пастдан оғир бир нарсани кўтариб келаётган одамларнинг дупури эшитилиб қолди.

Степан Аркадьич қарагани чиқди. Келтирилган нарса яшарганини пеш қилган Пётр Облонский эди. У шу қадар маст эдики, зинадан чиқолмади: лекин Степан Аркадьични кўриб, мени турғизиб қўйинглар деб буюрди; кейин Степан Аркадьичга ёпишиб унинг бўлмасига кирди-да, кечани қандай ўтказганлигини ҳикоя қилиб туриб ухлаб қолди.

Степан Аркадьичнинг кайфи бугун бузуқ эди, бу ҳодиса унда камдан-кам юз берарди, шунинг учун узоқ ухлаёлмай ётди. Ниманики эсламасин, ҳаммаси жирканч туюларди; лекин Лидия Ивановнанинг уйида ўтказган оқшоми ҳаммасидан ҳам жирканч, уятли бир нарсадай эсига тушди.

Эртасига у Алексей Александровичдан Аннани талоқ қилишга рози эмаслиги тўғрисида қатъий жавоб олди ва қарор кеча французнинг ясама ёки чин уйқусида айтилган сўзларга асосланганлигини англади.

XXIII

Оила ҳаётида бирон қарорга келиш учун эру хотин ўртасида кучли адоват ёки муҳаббат бўлиши керак. Эру хотин ўртасидаги муносабат аниқ бўлмаганда, яъни юқоридаги шартнинг униси ҳам, буниси ҳам бўлмаганда, ҳеч бир ишга қўл уриб бўлмайди.

Йиллар ўтса ҳам, эру хотин бир-бирининг меъдасига теккан бўлса ҳам, кўп оилалар эски ўринларида сақланиб қолади. Бунга сабаб фақат шуки, ўрталарида низо ҳам, аҳиллик ҳам бўлмайди.

Қуёш баҳордаги сингари эмас, ёздаги сингари қиздириб, бульварлардаги дарахтлар япроқлар билан, япроқлар эса чанг билан қопланганда, Врон-

ский ҳам, Анна ҳам иссиққа бардош беролмай қолди; лекин қачонлардан бери Воздвиженское қишлоғига жўнаш фикрида эканликларига қарамай, икковлари ҳам меъдаларига теккан Москвада қолиб кетдилар. Чунки сўнгги вақтларда ўрталаридаги тотувлик йўқолган эди.

Улар ўртасига нифоқ солган асабийликнинг ҳеч қандай зоҳирий сабаби йўқ эди; ярашиш учун қилинган ҳаракатлар бу тажангликни бартараф қилиш у ёқда турсин, балки кучайтирар эди. Бунинг ички сабаблари бор эди: Анна Вронскийнинг муҳаббати камайгани орқасида тажанг бўлса, Вронский, Аннани деб ўзини офир аҳволга солиб қўйгани учун пушаймон бўлгани, Анна жонига ора кириш ўрнига, аҳволини яна ҳам офирлаштираётганлиги учун асабийлашар эди. У ҳам, бу ҳам тажангликларининг сабабини айтмас, бир-бирларини ноҳақ деб ҳисоблашар, ҳар нарсадан баҳона топиб, буни бир-бирларига, исбот қилишга тиришардилар.

Аннанинг назарида, Вронскийнинг борлиги – барча одатлари, фикр-ўйлари, орзу ҳаваслари, бутун маънавий ва жисмоний вужуди биргина нарсадан – хотинларга муҳаббатдан иборат эди; Аннанинг сезишича, ёлғиз ўзигагина бағишланиши лозим бўлган бу муҳаббат камайиб қолган эди; демак, Аннанинг мулоҳазаларига кўра, Вронский муҳаббатининг бир қисмини бошқаларга ёки бошқа хотинга бағишлаётган бўлиши керак, – шунинг учун Анна рашк қиларди. Анна уни бирон бошқа хотинга эмас, муҳаббатининг камайганига рашк қиларди. Рашк қилиш учун бирон василаси бўлмагани учун, у шу василани қидирарди. Орада кичик бир нарсаси юз берса, у дарҳол бир нарсани қўйиб, иккинчи нарсага рашк қила бошларди. Анна Вронскийнинг гоҳ бўйдоқлик маҳалларида осонгина алоқа қилиши мумкин бўлган дағал хотинларга, гоҳ у учраша ола-

диган кибор хонимларга, гоҳ ўзи билан алоқасини узиб, уйланиш ниятида юрган хаёлий қизга рашк қиларди. Бу сўнгги рашк уни ҳаммасидан кўпроқ қийнар эди; бунинг сабаби бор эди: Вронский бир кун и у билан дилкашлик қилиб турган маҳалда эҳтиётсизлик қилиб, онаси ўғлини яхши билмаслигини, княжна Сорокинага уйлан деб авраганини айтиб қўйган эди.

Шу сабабли, Аннанинг рашки келиб, Вронскийга жаҳл қилар ва ҳар бир нарсадан баҳона ахтарарди. Аҳволини оғирлаштирган нарсаларга Вронскийни айбдор деб ўйларди. Москвада икки олов ўртасида азоб ичида кечирган интизорлик кунларини, Алексей Александровичнинг имиллагани ва қарорсизлигини, ўзининг яққа танҳолигини – буларнинг ҳаммасини Анна Вронскийга тўнкар эди. Агар у яхши кўрса, Аннанинг бошига тушган аҳволнинг бутун оғирлигини англай, уни бу аҳволдан қутқарар эди. Анна қишлоқда эмас, Москвада турганига ҳам Вронский айбдор. Вронский қишлоқ ишларига боши билан шўнғиб кета олмади, ҳолбуки Анна шуни хоҳлар эди. Вронскийга улфат керак бўлди, шунинг учун Аннани мана шу даҳшатли аҳволга солиб қўйди, бу даҳшатли аҳволнинг оғирлигини тушунгиси келмади. Ўғлидан бир умр жудо бўлиб қолганига ҳам яна Вронский айбдор.

Ораларида камдан-кам бўлиб турадиган дилкашлик дақиқалари ҳам Аннага таскин бермасди: Анна ҳозир унинг эркалашларида хотиржамлик ва кибру ҳаволик аломатларини кўрарди, илгарилари кўрилмаган бу аломатлар Аннани вижинтирар эди.

Қош қорайиб қолган эди. Анна Вронскийнинг кўча шовқини камроқ эшитиладиган кабинетида унинг бўйдоқлар зиёфатидан қайтишини кутиб, у ёқдан бу ёққа юрар, кечаги жанжалларини ипидан игнасигача бирма-бир хаёлидан кечирар эди. Анна

юрагида ўрнашиб қолган ҳақоратли сўзлардан бошлаб, бу сўзларни айтишга сабаб бўлган нарсаларни қидира кетди; охири суҳбатларининг ибтидосига келиб етди. Ҳеч кимнинг кўнглини оғрита олмайдиган шундай беозор бир нарсадан жанжал чиқиб кетганига Анна узоқ вақтгача ишона олмади. Ҳақиқатда эса шундай бўлди. Вронский хотин-қизлар гимназиясини ортиқча ҳисоблаб, уни масхара қилди, Анна бўлса ҳимоя қилди – жанжал худди мана шундан бошланиб кетди. Вронский умуман хотин-қизларнинг билим олишларига ҳурматсизлик қилиб, ўз фикрини билдиргандан сўнг, Анна ҳимояси остида инглиз қиз Ганнанинг физика билимига ҳеч ҳам муҳтож эмаслигини айтди.

Бу нарса Аннанинг гашига тегди. Унга бу сўзлар ўзининг машғулотига ҳақоратли бир пичинг бўлиб туюлди. Шундан кейин Анна юрагида жароҳат очган бу сўзлар эвазига Вронскийнинг ҳам юрагида жароҳат очадиган бир сўз топиб айтди.

– Меҳрибон киши сифатида менинг ҳис ва туйғуларимни юз-хотир қиларсиз деган умидда бўлмасам ҳам, ҳар ҳолда шунчаки бир назокатда бўларсиз деб умид қилардим, – деди Анна.

Ҳақиқатан ҳам, бу гап Вронскийга алам қилди, у қизариб, хунук бир сўз айтди. Анна унга нима жавоб қилганини эслай олмасди, лекин Вронский ҳам унинг кўнглини оғритмоқчи бўлди шекилли, шу чор нимагадир:

– Сизнинг бу қизга бўлган ихлосингиз мени ҳеч қизиқтирмайди, мен тўғриси айтяпман, чунки ихлосингизнинг ғайритабиий эканлигини кўриб турибман, – деди.

Оғир ҳаётини енгил қилиш учун не-не машаққатлар билан ўзига қуриб олган ҳаётини Вронский бағритошлик билан бузаётгани, муғамбирликда,

ғайритабиийликда айблаб, инсофсизлик қилаётгани Аннани тутактириб юборди. Шунинг учун:

– Кўп афсуски, сизга фақат кўпол ва моддий нарсаларгина равшан, фақат шу нарсаларгина табиий кўринади, – деди-ю кабинетдан чиқиб кетди.

Кеча кечқурун Вронский унинг ёнига кирганда бўлиб ўтган жанжал тўғрисида оғиз очишмаган бўлишса ҳам, лекин бунинг изи юракларида қолганини ҳар иккови ҳам сезиб турар эди.

Вронский бутун кун бўйи уйда бўлмади; Анна у билан уришиб қолгани учун ўзини шу қадар ёлғиз, аҳволини шу қадар оғир ҳис қила бошладики, ўртада бўлиб ўтган нарсаларнинг ҳаммасини унутиш, Вронскийни кечириш, у билан ярашиш, ўзини айблаш, уни оқлаш фикрига тушиб қолди.

«Айб ўзимда. Ўлгудай тажангман, бемаъни рашк қиламан. У билан ярашиб оламан, қишлоққа чиқиб кетамиз, у ерда ўзимни босиб оламан», – дедирди Анна ўзига.

«Ғайритабиий» – Анна ўзини ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ таҳқир этган бу сўзлар эмас, бу сўзларни жўрттага жонни оғритиш учунгина айтилганини бирдан эсига туширди.

«Унинг нима демоқчи бўлганини биламан: «Ўз қизини севмай, ўзга қизини севиш ғайритабиий нарса, демоқчи эди. Болаларга бўлган меҳру муҳаббатимни, менинг Серёжага бўлган меҳру муҳаббатимни у қайдан билсин? Мен ўшани деб ўғлимдан кечдим! Йўқ, бу сўзни менинг жонимни оғритиш учун айтган! Йўқ, у бўлак хотинни яхши кўради, бошқача бўлиши мумкин эмас».

Анна ўзини юпатиш учун илгарилари неча бор хаёлидан ўтказган ўйларини яна бир марта миясидан кечириб, юрагида яна ўша алам пайдо бўлганини сезди-ю, ўз аҳволдан кўрқиб кетди: «Наҳотки иложи бўлмаса? Наҳотки мен ҳамма айбни ўзимга

ололмасам? – Шундан кейин яна бошидан ўйлай бошлади. – У ростгўй, виждонли одам, мени яхши кўради. Мен уни севаман, яқинда талоқ хатимни оламан. Яна нима керак? Оғир бўлиш, ишониш керак. Мен ҳамма нарсани ўз устимга оламан. Ҳа, у ҳозир келса, айб менда бўлмаса ҳам, айб менда эди деб айтаман, кейин қишлоққа чиқиб кетамиз».

Анна ортиқ ўйламаслик, асабини бузмаслик учун қўнғироқ чалиб хизматкорини чақирди-да, қишлоққа жўнаш учун сандиқларини киритиб, ул-буллларини жойлашга буюрди.

Соат ўнда Вронский келди.

XXIV

Анна унга пешвоз чиқиб, юзида айбдор, мўмин киши ифодаси билан:

– Қалай, яхши ўтдимиз? – деб сўраган эди, Вронский:

– Одатлагича, – деб жавоб берди-ю, бир қарашдаёқ Аннанинг кайфи чоғ эканлигини пайқади. У Аннанинг гоҳ айниб, гоҳ тузалишига ўрганиб қолган эди, шунинг учун бугун айниқса хурсанд бўлди, чунки ўзининг ҳам кайфи жуда чоғ эди.

Вронский даҳлиздаги сандиқларга ишора қилиб:

– Яхши қилибсиз! Жуда соз! – деди.

– Ҳа, қишлоққа чиқиб кетиш керак. Сайр қилгани борган эдим, шундай роҳат қилдимки, қишлоққа чиқиб кетгим келиб қолди. Сенинг ҳам бу ерда кўлингни ушлаб турган ишинг йўқдир?

– Менинг ҳам бирдан-бир тилагим шу. Ҳозир кийимларимни ўзгартириб келаман, гаплашамиз. Айт, чой келтиришсин.

У кабинетга кириб кетди.

Вронскийнинг: «жуда соз» деган сўзларида ҳақоратга ўхшаган бир нарса бор эди; инжиқлигини

бас қилган гўдақларга шундай дейиларди; Аннанинг айбдорларча қисилиб, унинг эса керилиб айтган гаплари оҳангидаги қарама-қаршилиқ яна ҳам таҳқирли эди; Анна юрагида бир зумгина кураш орзуси бош кўтарганини сезган бўлса ҳам, ўзини зўрға қўлга олиб, бу ҳаяжонини босди-ю, Вронскийни яна очиқ чехра билан кутиб олди.

Вронский қайтиб чиққанда, Анна бутунги кунни қандай ўтказганини, қишлоққа жўнаш режасини сўзлаб берди; бу сўзларни илгари тайёрлаб қўйган эди.

– Биласанми, менга илҳом келиб қолди дейиш мумкин. Бу ерда талоқни кутиб ўтиришнинг нима ҳожати бор-а? Қишлоқда кутилса ҳам бўлади-ку, бари бир эмасми? Ортиқ сарфайишга тоқатим қолмади. Талоққа илҳақ бўлишни ҳам, талоқ тўғрисидаги гап-сўзларни эшитишни ҳам хоҳламайман. Менинг ҳаётимга минбаъд бу нарсанинг нуқси урмайди – мен шундай қарорга келдим. Сен ҳам шу гапга қўшилисанми?

Вронский унинг ҳаяжонли юзига ташвиш билан қараб:

– Ҳа, албатта! – деди.

Анна бир оз жим тургандан сўнг:

– Ҳўш, у ерда нима қилдинглар? Ким келди? – деб сўради.

Вронский меҳмонларнинг номларини айтди.

– Зиёфат яхши бўлди, қайиқ мусобақаси ҳам тузук ўтди, ҳамма нарса кўнгилагидай бўлди, лекин Москвада *ridicules*¹ ўтиришолмайди. Бир хоним келиб ҳунарини кўрсатди, Швеция қироличасига сузишни ўргатадиган муаллима экан.

– Вой ўлай! Чўмилдиямми? – деб сўради Анна, хўмрайиб.

¹ кулгили нарса (франц.).

- Эй, устига алақандай қизил costume de patation¹ кийиб олибди; қари, бирам хунук. Хайр, шундай қилиб қачон жўнаймиз?

- Қандай аҳмоқона қилиқ! Нима бало, бошқача сузар эканми? - деди Анна, Вронскийга жавоб бермай.

- Ҳеч қандай бошқачалиги йўқ. Аҳмоқона қилиқ, - дедим-ку мен ҳам. Қани, қачон йўлга чиқайлик дейсан?

Анна таъбини хира қиладиган фикрларини қувмоқчи бўлгандек бошини силкиди.

- Қачон дейсанми? Қанча барвақт кетсак, шунча яхши. Эртага улгурмаймиз. Индинга.

- Ҳа... йўқ, тўхта. Индинга якшанба, мен оймларнинг олдиларига боришим керак, - деди Вронский; у онасининг номини айтиши биланоқ Анна шубҳа тўла кўзлари билан ўзига тикилиб қолганини сезиб шошиб қолди. Шошиб қолгани Аннанинг гумонларига тасдиқ бўлиб тушди. Анна жаҳли чиқиб, ўзини орқага тортди. Энди унинг кўзларига Швеция қироличасига сузишни ўргатувчи муаллима эмас, Москва яқинидаги қишлоқлардан бирида графиня Вронская билан бирга турган княжна Сорокина кўринди. Анна:

- Эртага бориб келсанг бўлмайдими? - деб сўраган эди, Вронский:

- Бўлмайди-да! Мен бир иш билан кетяпман. Шу ишга таалуқли ишонч қорози билан пул эртага тайёр бўлмайди, - деб жавоб қилди.

- Бундан бўлса, ҳеч қачон қишлоққа чиқиб кетолмаймиз.

- Нимага энди?

- Мен ундан кейин чиқиб кетмайман. Душанба куни чиқиб кетсак - хўп, бўлмаса - йўқ.

- Нима вазоҳдан? - Вронский ҳайрон қолаётгандек қилиб сўради. - Бунинг ҳеч қандай маъноси йўқ-ку!

¹ чўмилиш кийими (франц.).

– Бу нарсанинг сен учун ҳеч қандай маъноси йўқ, чунки мен хаёлингга ҳам келмайман. Ҳолимни англашни истамайсан. Менинг бу ерда битта юпанчим бўлса – у ҳам Ганна эди. Сен бўлсанг буни муғамбирлик дейсан. Қизингни яхши кўрмайсан, ўзингни шу инглиз қизини яхши кўрганга соласан, бу қилиғинг ғайритабиий, дединг-ку кеча; бу ерда қандай ҳаёт мен учун табиий бўла олади? Мен шунни билмоқни истар эдим!

Анна бир зумгина ҳушига келиб, қарорига қарши ҳаракат қилаётганидан ваҳимага тушди. Лекин ўзини ҳалок этаётганини билиб турса ҳам, яна ўзини ушлай олмади, Вронскийнинг ноҳақлигини кўрсатмасдан туролмади, унга бўйин эголмади.

– Мен ҳеч қачон бундай деганим йўқ; мен бу тасодифий муҳаббатга хайрихоҳ эмасман, дедим.

– Сен-ку ҳамма вақт ростгўйлигинг билан мақтаниб келасан, ҳўш, нима учун тўғрисиани айтавермайсан?

Вронский юрагида бош кўтараётган ғазабини босиб, паст овоз билан:

– Мен ҳеч қачон мақтанмайман ҳам, ҳеч қачон ёлғон гапирмайман ҳам, – деди. – Кўп афсуски, сен ҳурмат қилмайсан...

– Ҳурматни бўш ерни, муҳаббат банд қилиши кетрақ бўлган ерни яшириш учун ўйлаб чиқаришган. Агар мендан кўнглинг қолган бўлса, айтиб қўя қол: ҳам яхши бўлади, ҳам виждонли ҳаракат қилган бўласан.

Вронский студдан туриб кетди.

– Йўқ, бунга чидаб бўлмайди! – деди у қичқириб. Кейин Анна ёнида тўхтаб, аста-секин гапира бошлади: – Нима учун менинг сабр торимни чертасан-а? – деди Вронский, яна ҳам кўпроқ нарсаларни айтиши мумкин бўлган ҳолда ўзини босиб турган киши қиёфасида. – Тор узилиши мумкин.

Анна Вронскийнинг бутун юзида, айниқса шафқатсиз, баҳайбат кўзларида аниқ ифодаланган нафратни кўриб, ваҳима билан қичқирди:

– Сиз шу сўзингиз билан нима демоқчисиз?

– Шунини демоқчиманки... – деб Вронский гап бошлаган бўлса ҳам, лекин тўхтаб қолди. – Мендан нима исташингизни сўрамоқчиман.

– Нима исташим мумкин? Мени ташлаб кетманг деб илтимос қилади, мени шу нарсанигина хоҳлайди деб ўйлайсиз, – деди Анна, Вронский айтмай қолдирган гапини фаҳмлаб. – Лекин мен бу илтимосни қилишни хоҳламайман, бу иккинчи даражали нарса. Мен муҳаббат истайман, муҳаббат эса йўқ. Демак, ҳамма нарса битди!

Анна эшикка қараб юрди.

Вронский ҳамон қошларини чимириб туриб, Аннани қўлидан ушлаб:

– Тўхта! – Тўх...та!.. – деб тўхтатди. – Нима гап ўзи? Мен қишлоққа уч кундан кейин жўнайлик дедим, сен бўлсанг шу гапим учун мени ёлғончи қилдинг, виждонсиз одамга чиқардинг.

Анна аввалги жанжалда айтилган сўзларини эслаб:

– Ҳа, яна қайта айтаман, ҳамма нарсасини менинг йўлимда қурбон қилганини ҳадеб пеш қилаверадиган одам виждонсиз одамдан баттар, қалбсиз одам, – деди.

– Йўқ, сабру тоқатнинг ҳам чегараси бўлади! – Вронский Аннанинг қўлини қўйиб юборди.

Анна: «У мендан нафратланади, бу равшан кўриниб турибди», – деб ўйлади-да, индамасдан, орқасига ҳам қарамасдан, уйдан гандираклаб чиқиб кетди.

Анна ўз бўлмасига кириб: «У бошқа хотинни яхши кўради, бу яна ҳам равшанроқ кўриниб турибди», – деди ўзига, кейин боя айтган сўзларини такрорлади: –

Мен муҳаббат истайман, лекин муҳаббат йўқ. Демак, ҳамма нарса битди, битириш керак.

«Лекин қандай?» – деб Анна ўзидан сўради-да, тошойна олдидаги курсига келиб ўтирди.

Энди қаерга – ўзини тарбия қилган холасиникига ёки Доллиникига борадими ё бўлмаса ўзи ёлғиз чет элга бошини олиб кетадими, ҳозир у кабинетда нима қиляпти, бу уришлари узи-кесилми, ё бўлмаса ярашиб олишнинг иложи борми, Петербургдаги аввалги танишлари энди ўзи тўғрисида нима дейишар экан, бунга Алексей Александрович қандай қарар экан, Вронскийдан ажралгандан сўнг ҳоли нима бўлар экан – шу ва шуларга ўхшаш жуда кўп фикрлар Аннанинг миёсига келса ҳам, у бутун кўнгли билан бу фикрларга берилмас эди. Унинг кўнглида битта дудмал фикр бор эди. Аннани ёлғиз шу фикргина қизиқтирса ҳам, у тутқич бермас эди. Анна яна бир марта Алексей Александровични эслаб, кўз ёргандан сўнг касал бўлган пайтларини, ўшанда ўзини тарк этмаган ҳисларини ҳам ёдига олди. «Нега ўлиб кета қолмадим?» – деди у, ўшанда айтган сўзларини ва ўшанда туйган ҳисларини эслаб. Ана шунда Анна кўнглидаги нарсани бирдан тушуниб қолди. Ҳа, бу нарса – ҳамма масалани ҳал қила биладиган ўша фикр эди. «Ҳа, ўлиш!..»

«Алексей Александровичнинг ҳам, Серёжанинг ҳам расволик ва шармандалиги, ўзимнинг ҳам даҳшатли шармандалигим шу ўлим билан ювилади. Ўлсам у пушаймон бўлади, афсус қилади, яхши кўради, мен туфайли азоб чекади». Анна ўзига ачинганидан лабларини буриштирган ва шу ҳолда лабида қотиб қолган бир табассум билан курсида ўтириб, чап кўлининг бармоқларидаги узукларини гоҳ чиқариб, гоҳ тақар, ўзи ўлгандан сўнг Вронский тушадиган ҳолатни турли томондан ҳаёлида гавдалантирарди.

Яқинлашиб келаётган оёқ дупури, Вронскийнинг дупури Аннанинг хаёлини бўлди. У ўзини узукларини жойлаётган кишига солиб, қайрилиб қарамади ҳам.

Вронский Аннанинг ёнига келиб уни қўлидан ушлади-да, паст овоз билан:

– Анна, майли, хоҳласанг, индинга кетайлик, – деди. – Мен ҳаммасига розиман.

Анна чурқ этмади.

– Айт, нима дейсан? – деб сўради Вронский.

– Ўзинг биласан, – деди-ю Анна, ўзини босиб қололмай, шу он пиқиллаб йирлаб юборди. Кейин пиқиллаб йирлаб туриб: – Қўй мени, қўй, ташлаб кетавер! – деди. – Мен эртага кетаман... Бутунлай бошимни олиб кетаман. Мен нима деган одамман? Бузуқ хотинман! Бўйнингга осилган тошман. Сени қийнашни хоҳламайман, хоҳламайман! Сени бу азобдан қутқазаман. Сен мени ёмон кўрасан, бошқани яхши кўрасан!

Вронский ялиниб, уни юпатишга тиришди, рашк қилиш учун ҳеч қандай асос йўқлигини, ҳамма вақт севганини, ҳозир ҳам севишини, бундан кейин ҳам севишини, энди аввалгидан ҳам ортиқроқ севишини айтди.

– Анна, ўзингни ҳам, мени ҳам нега бунча қийнайсан? – дерди Вронский, унинг қўлини ўпиб. Ҳозир Вронскийнинг юзида нозик туйғулар ифодаси бор эди, Анна унинг овозини кўз ёшлари бўғиб турганини эшитгандай бўлди, кейин шу ёшларнинг наминини қўлида сизди. Ана шунда Аннанинг телбаларча рашки бир зумда телбаларча эҳтирос ўтига айланди; Анна уни қучоқлади, бошидан, бўйнидан, қўлларидан бўса қилди.

Анна, бутунлай ярашиб олганликларини ҳис этиб, қишлоққа жўнаш тараддудига эрталабданоқ киришиб кетди. Кеча бир-бирларига ён босганликлари учун қишлоққа душанбами ё сешанбами куни кўчиш хусусида бир қарорга келмаган бўлсалар ҳам, Анна бир кун илгари ё бир кун кейин жўнашлари ўзи учун тамоман фарқсиз эканлигини сезиб тургани ҳолда, яна зўр бериб йўл тараддудини кўраётган эди. Вронский алақачон кийиниб, Аннанинг бўлмасига одатдагидан барвақтроқ кириб келганда, Анна очиқ сандиқ ёнида ул-булларини танилаб турган эди.

– Мен ҳозир ойимларникига бориб келаман, менга пулни Егоровдан бериб юборишар. Унда эртага жўнасақ бўлади, – деди Вронский.

Аннанинг кайфи қанчалик яхши бўлса ҳам, Вронскийнинг чорбоғга, онасининг ёнига боришини айтгани юрагига наштардай санчилди.

– Йўқ, эртага ўзим ҳам улгурмайман, – деди-ю Анна, дарҳол: «Демак, бу ишларни мен хоҳлаганимдек қилса бўлар экан-ку» – деб ўйланди. – Йўқ, хоҳлаганингни қилавер. Емакхонага чиқиб тур, мен ҳозир бораман; мана бу кераксиз нарсаларни олиб кўяй. – Анна бир қучоқ латта-путталарни кўтариб турган Аннушкага яна бир нарсани берди.

Анна емакхонага кирганда, Вронский қовурдоқ еб ўтирган эди. Анна унинг ёнига, қаҳва қўйилган стол олдига келиб ўтирди-да:

– Бу уйлар шунчалик жонимга тегдики, айтсам ишонмайсан, – деди. – Бу *chambres garnies*лардан¹ ҳам хунуқроқ. Буларда на файз бор ва на хосият. Ана шу соат, мана бу пардалар, айниқса деворларга ёпиштирилган қорозлар кўнглимга урибди. Наза-

¹ мусофирхона (франц.).

римда, Воздвиженский жаннатга ўхшайди. Отларни қайтариб юбормайсанми?

– Йўқ, улар биздан кейин боришади. Нима, сен бирон ёққа бормоқчимидинг?

– Вильсонникига бориб келмоқчи эдим. Қўйлақларимни элтиб бермоқчиман. Демак, эртага аниқ кетамиз-а? – деди Анна хушчақчақ бир овозда; кейин бирдан юзи ўзгариб кетди.

Вронскийнинг камердинери Петербургдан келган телеграмманинг тилхатини сўраб кирди. Вронскийнинг телеграмма олишида ҳеч қандай айб нарса бўлмаса ҳам, у алланимани Аннадан яширмоқчи бўлгандек, тилхат кабинетда эканини айтди-ю, дарҳол Аннага мурожаат этди.

– Эртага ҳамма ишимни албатта тугатаман.

Анна унинг сўзига қулоқ солмай:

– Телеграмма кимдан келибди? – деб сўради.

Вронский малол келаётгандай қилиб:

– Стивадан, – деб қўя қолди.

– Вой, нимага кўрсатмадинг менга? Стива билан менинг ўртамда қандай сир бўлиши мумкин?

Вронский камердинерини чақириб олиб, телеграммани келтиришни буюрди.

– Кўрсатгим келмаганининг боиси шуки, Стива телеграммавозликни яхши кўради; ҳали ҳеч нима ҳал бўлмай туриб телеграмма беришнинг нима ҳо-жати бор экан?

– Талоқ тўғрисидами?

– Ҳа. Ҳали-бери ҳеч нима қилолмаганини ёзибди. Яқинда узил-кесил жавоб берар эмиш. Мана, ўқиб кўр.

Анна телеграммани титраб турган қўлларига олиб, Вронский айтган сўзларни ўқиди. Телеграмманинг охирида: «Умид оз, лекин мен қўлимдан келганини ҳам, келмаганини ҳам қиламан», деган илова ҳам бор эди.

Анна қизариб:

– Талоқни қачон олсам ҳам, ҳатто олмасам ҳам менга бари бир, деб кеча айтдим-ку, – деди. – Буни мендан яшириб ўтиришнинг ҳеч лузуми йўқ эди. «Хотинлар билан ёзишган хатларини ҳам мендан шундай яшириши мумкин, яширади ҳам», – деб ўйлади Анна.

– Айтмоқчи, Яшвин бугун эрталаб Вайтов билан келмоқчи эди, – деди Вронский, – чамамда, Певцовнинг бору бурдини ютиб олибди – олтимиш минг сўмча, буни тўлашга Певцовнинг қурби етмас.

Вронский гапни бошқа ёққа буриб юбориш билан Аннанинг жаҳли чиққанини очиқ-ошкор кўрсатмоқчи бўлгани Аннани хуноб қилди.

– Йўқ, – деди, – нима учун бу хабар мени шу қадар қизиқтирдик, уни мендан яшириш керак, деб ўйлайсан? Мен буни хаёлимга келтиришни ҳам хоҳламайман, деб айтдим-ку сенга! Сен ҳам менга ўхшаб бу нарсага кўп қизиқмасанг яхши бўларди.

– Менинг қизиқишимнинг боиси бор: мен ҳамма нарсада аниқлик бўлишини ёқтираман, – деди Вронский.

Анна унинг сўзларидан эмас, гапидаги совуқ хотиржамлик оҳангидан тутақиб:

– Аниқлик оғизда эмас, қалбда бўлиши керак, – деди. – Сенга бу нима учун керак бўлиб қола қолди?

Вронский пешонасини тириштириб: «Вой, худо, яна муҳаббатга тушди», – деб ўйланди.

– Нима учун кераклигини ўзинг биласан-ку: сен учун, кўрадиган болаларинг учун, – деди Вронский.

– Бола кўрмайман.

– Кўп афсус.

Анна унинг: «Сен учун ва болалар учун» деганини бутунлай эсидан чиқарди, ҳатто эшитмади ҳам, шунинг учун:

– Сенга бу нарса фақат болалар учун керак, мени ҳеч ўйламайсан-а? – деди.

Бола кўриш масаласи кўп вақтлардан бери жанжалга сабаб бўлиб келар, Аннанинг жиғига тегар эди, Вронскийнинг бола тирноғига зорлигини: «У хуснимнинг қадрига етмайди» деб тушунарди.

– Эй, «сен учун» ҳам дедим-ку. Ҳаммадан кўпроқ сен учун, – деб такрорлади у. Худди бир ери оғриётгандек пешонасини тириштирди, – чунки, мен аминман, тажанглигингга асосан аҳволингнинг ноаниқлиги сабаб бўляпти.

Анна унинг сўзларига қулоқ солмади, балки Вронскийнинг кўзлари ичидан масхара қилиб мўралаб турган совуқ, бағритош ҳакамга ваҳима билан тикилиб: «Ҳа, мана энди ўзини анойиликка солмаяпти, менга бўлган бутун нафрати очиқ-ошкор кўриняпти», – деб ўйланди.

– Сабаби бу эмас, – деди Анна, – мен бу гапнинг хатто тушунолмаيمان ҳам, мен-ку бутунлай сенинг ҳукмингдаман, сен бўлсанг тажанглигимнинг сабаби шу нарса бўлиши мумкин дейсан. Бу аҳволимда қандай ноаниқлик бор? Аксинча.

– Кўп афсуски, менинг гапларимни тушунгинг келмаяпти, – деди Вронский ўз фикрини айтиш учун унинг сўзини ўжарлик билан бўлиб, – ноаниқлик шундаки, сен мени боши очиқ деб ҳисоблайсан.

– Бу масалада тамоман хотиржам бўлишинг мумкин, – деди-ю Анна, юзини тесқари ўтириб олиб, қаҳвасини ича бошлади.

У синчалогини кўтариб, чашкани оғзига келтирди. Бир неча қултум ичгандан сўнг яна ўтирилиб Вронскийга қаради-ю, қўли ҳам, қилири ҳам, ичаётганда лаблари орасидан чиққан товуш ҳам Вронскийнинг таъбини хира қилаётганини юзидаги нишонлардан равшан кўрди. Кейин қалтироқ турган қўлидаги чашкани қўйиб туриб:

– Онанг нималарни ўйлайди, сени қандай уйлантирмоқчи – бу нарсаларнинг мен учун ҳеч қандай фарқи йўқ, – деди.

– Лекин биз бу тўғрида гаплашаётганимиз йўқ-ку.

– Йўқ, худди шу тўғрида гаплашяпмиз. Тошюрак хотин, майли у кампирми ё жувонми, сенинг онангми ёки бегонами, бари бир, мени қизиқтирмайди, мен ундай хотинни танишни истамайман.

– Анна, сендан илтимос қиламан, онамни беҳурмат қилма.

– Ўғлининг бахту саодати нимада эканлигини қалби билан англамаган хотин – тошюрак хотин.

Вронский овозини кўтариб, қаҳри билан:

– Илтимосимни яна қайтараман: мен ҳурмат қилган онамни беҳурмат қилма, – деди.

Анна жавоб қилмади. Унинг ўзига, юзига, қўлларига тикилиб туриб, кечаги яраш манзарасини ва унинг эҳтиросли эркалашларини бутун тафсилоти билан хотирлади. «Бошқа хотинларни ҳам худди шундай эркалаган, эркалайди, эркалашни хоҳлайди!» деб ўйланди. Кейин унга нафрат билан қараб:

– Сен онангни ёмон кўрасан. Бу фақат қуруқ гап, қуруқ гап! – деди.

– Агар шундай бўлса, у ҳолда...

– Бир қарорга келиш керак, мен қарорга келдим, – деди-ю Анна, чиқиб кетмоқчи бўлди; лекин шу пайт Яшвин кириб келди. Анна у билан кўришиб, тўхтаб қолди.

Қалбидаги ҳис-туйғулари қайнаб тошган бир пайтда ҳаёт йўли айрилиб кетадиган жойда тургани, бунинг оқибати даҳшатли бўлиши мумкинлигини сезиб турган бир ҳолда нима учун, нима учун шундай бир дақиқада, ҳамма сирдан эртами-кечми воқиф бўладиган бир бегона олдида сохтакорлик қилиш керак – Анна буни билмас эди; шундай бўлса

ҳам, кўнглида қутурган ҳисларини дарҳол босди-ю, ўтириб, меҳмон билан гаплаша бошлади.

– Ҳўш, ишларингиз қалай? Қарзингизни ундирдингизми? – деб сўради Яшвиндан.

– Чакки эмас; чамамда, ҳаммасини ололмайдиганга ўхшайман, чоршанба куни эса кетишим керак. – Кейин, ўртадаги жанжални пайқади шекилли, кўзларини сузиб Вронскийга қаради-да: – Ўларингиз қачон жўнайсизлар? – деб сўради.

– Индинга жўнаймиз шекилли, – деди Вронский.

– Жўнамоқчи бўлиб юрганларингиз ҳам анча бўлиб қолди чоғи.

Анна Вронскийнинг кўзларига тик қараб туриб:

– Лекин буниси узил-кесил, – деди; Аннанинг бу қарашида: энди ярашамиз деб ўйламагин, деган ишора бор эди. Кейин Яшвинга гапириб турган сўзини давом эттирди: – Ўша бечора Певцовга наҳотки раҳмингиз келмаса-я?

– Раҳмим келадими-йўқлигини ҳеч қачон ўзимдан сўрамабман, Анна Аркадьевна. Менинг бутун бору йўғим мана шу ерда, – деб ён чўнтагини кўрсатди, – мана энди бадавлат бўлиб қолдим! Бугун тагин клубга бораман, ким билади, балки у ердан гадо бўлиб чиқарман. Мен билан қимор ўйнашга ўтирганки бор, мени ҳатто қўйлагимгача ютиб олишни хоҳлайди, мен ҳам шундай. Ана шундай қилиб курашамиз, ҳамма маза шунда-да.

– Борди-ю, уйланган бўлсангиз, унда хотинингизнинг ҳоли не кечарди? – деди Анна.

Яшвин кулиб юборди.

– Шунинг учун ҳам уйланмай юргандирман-да; уйланиш эсимга ҳам келгани йўқ.

Вронский сўзга аралашиб:

– Ҳўш, Гельсингфорс-чи? – деди-ю, кулимсираб ўтирган Аннага бир қараб қўйди.

Кўзлари бир-бирига тўқнашганда, Аннанинг юзи бирдан совуқ, жиддий тус олди; у худди «Эсимдан чиққани йўқ. Қарор ўша-ўша», деяётгандек бўлди. Кейин Яшвинга:

– Наҳотки ҳеч вақт бировга ишқингиз тушмаган бўлса? – деди.

– Эй худо! Неча марталаб тушган! Лекин, биласизми, бировлар қиморга ўтиришади-ю, rendez-vous¹ пайти келганда ўринларидан туриб кетаверишади. Менга эса, кечқурунги қиморга кечикишимга йўқ қўймайдиган муҳаббат керак. Мен ишни шунақасига тўғрилаб юраман.

– Йўқ, мен бунақасини сўраётганим йўқ, ҳақиқийсини сўраяпман. – Анна Гельсингфорсдагисини демоқчи бўлди-ю, лекин Вронский айтган сўзни оғзига олгиси келмади.

Вронскийнинг айғирини сотиб олгани келган Войтов ичкарига кирганда, Анна ўрнидан туриб уйдан чиқиб кетди.

Вронский уйдан чиқиб кетмасдан аввал Аннанинг бўлмасига кирди. Анна ўзини столда бир нима қидираётганга солмоқчи бўлди, лекин алдашга виждони бўлмай, совуқ бир назар билан юзига тиккасига қаради. Кейин французчалаб:

– Сизга нима керак? – деб сўради.

– Гамбеттанинг гувоҳномаси, уни сотдим, – деди Вронский; у шундай бир оҳангда гапирдики, бу оҳанг сўзлардан ҳам равшанроқ қилиб: «Изоҳ бериб ўтиришга вақтим йўқ, бари бир, ҳеч нарса чиқмайди», деган маънони билдирди.

«Унинг олдида менинг ҳеч қандай айбим йўқ. Агар ўзини жазоламоқчи бўлса, tant pis pour elle², – деб ўйланди Вронский. Лекин чиқиб кетаётганда,

¹ васл (франц.).

² ўзига қийин (франц.).

назарида, Анна бир нима дегандай бўлди; бирдан унга раҳми келиб, юраги ачишиб кетди.

– Нима дединг, Анна? – деди.

Анна ҳам совуқ, хотиржам бир оҳангда:

– Ҳеч нима, – деб жавоб қилди.

Вронский: «Ҳеч нима бўлса, tanf pis, – деб ўйлади-ю, юраги увишди, кейин ўтирилиб юриб кетди. Уйдан чиқиб кетаётганда ойнада Аннанинг сарғайган юзини, титраб турган лабларини кўрди. Шунда тўхтамоқчи, унга тасалли берадиган бирон сўз айтмоқчи бўлди, аммо айтадиган сўзини ўйлаб топгунча оёқлари уни бўлмадан олиб чиқиб кетди. У бугун кунини уйдан ташқарида ўтказди, кечқурун қайтиб келганда, хизматкор қиз Анна Аркадьевнанинг боши оғриб қолганини, шунинг учун унинг ҳузурига кирмаслигини илтимос қилганини айтди.

XXVI

Шу маҳалгача нуқул жанжал билан ўтган бирон кун бўлмаган эди. Бугун биринчи марта шундай бўлди. Нафсилавр, буни жанжал деб ҳам бўлмасди. Бу Вронскийнинг совиганлигини очиқ-ошкор тасдиқлар эди. У от гувоҳномасини олгани кирганда Аннага шундай қарадики, ажабо, шундай кўз билан қараш мумкинмиди? Аннага қараса-ю, аламидан юраги пора-пора бўлганини кўрса-ю, тагин ёнидан индамай, лоқайд-парвосиз ўтиб кетаверса-я? У Аннадан совиган, балки ундан нафратланади ҳам, чунки бошқа хотинни яхши кўриб қолган – буниси равшан эди.

Анна Вронский айтган аччиқ-тирсиқ гапларни эслади, айттиси келган ва айтиши мумкин бўлган сўзларни хаёлига келтирди, натижада дарду алами ортиб кетди.

Вронский: «Мен сизни ушлаб турганим йўқ, – дея оларди. – Хоҳлаган ерингизга кета биласиз. Эҳтимол, эрингизнинг олдига қайтиш учунгина ундан ажрамагандирсиз. Қайтаверинг. Пул керак бўлса, хўп, бераман. Айтинг, неча сўм керак?»

Вронский Анна тасавурида дағал бир одам айтиши мумкин бўлган энг шафқатсиз сўзларни айтди, шунинг учун Анна бу сўзларни чиндан ҳам Вронский айтгандек, уни кечирмади.

Шундан кейин у: «Бу ростгўй, виждонли киши мени яхши кўраман деб кечагина онт ичмабмиди? Мен ҳам кўп марталаб бекорга қон бўлмабмидим?» – деди ўзига.

Анна Вильсонникига бориб-келишга сарф қилган икки соатидан бошқа бутун кунини шубҳалар ичиде ўтказди: энди иш тамомми ёки ярашишга умид борми, ҳозир бошини олиб кетсинми ё уни бир марта кўрсинми? Анна уни бутун кун билан кутди; кечқурун эса, боши оғриб қолганини айтишни буюриб, бўлмасига кириб кетганда: «Хизматкор қизнинг огоҳлантиришига ҳам қарамай ёнимга кирса, демак мени ҳали яхши кўради. Кирмаса, демак, иш тамом. Унда нима қилишимни биламан!» – деб кўнглига тугиб қўйди.

Анна кечқурун эшик олдига келиб тўхтаган колясканинг тақир-туқурини, Вронскийнинг оёқ дупурини, хизматкор қиз билан гаплашганини эшитди: у ўзига айтилган гапга ишониб, бошқа ҳеч нарсани суриштирмай, бўлмасига кириб кетди. Демак, иш тамом.

Ана шунда, Вронскийнинг қалбиде Аннага бўлган муҳаббатини тирилтирадиган, уни жазолайдиган, Аннанинг кўнглига кириб олган шайтоннинг васвасаси билан Вронскийга қарши олиб бораётган курашда галаба қозонтирадиган бирдан-бир воси-

та, яъни ўлим Аннанинг кўз ўнгида равшан намоён бўлди.

Энди Воздвиженскийга жўнаш ё жўнамасликнинг, эридан талоқ хатини олиш ё олмасликнинг Анна учун фарқи қолмади – булар лузумсиз нарсалар эди. Энди ёлғиз бир нарса – уни жазолашигига керак эди.

Анна ҳамиша ухлаш учун ичадиган қорадорисини одатдаги меъёрда суза туриб: «Ҳаммасини биратўла ичсаму ўлардим-қолардим», – деб ўйлади; бу нарса унга шу қадар осон, шу қадар жўн бўлиб кўриндики, фурсат қўлдан кетганда Вронскийнинг нечорлик азоб чекишини, пушаймон бўлишини, ўзини ёдлаб соғиниб-сарғайишини ўйлаб ҳузур қила бошлади. Анна ёниб бўлаёзган биргина шам ёруғида шифтнинг пирамонидаги қуббали нақшларга, ширмадан тушиб шифтнинг бир қисмини тўсиб турган кўланкага қараб ўрнида кўзлари очиқ ётар, ўзи ўлиб кетиб, Вронский учун ёлғиз бир хотирагина бўлиб қолганда, у қандай ҳис-туйғулар ичида қолишини кўз ўнгига равшан келтирар эди. Ушанда Вронский: «Аннага шундай шафқатсиз сўзларни айтишга қандай тилим борди-я? Унга ҳеч нима демасдан, қандай қилиб уйдан чиқиб кетдим-а? Энди у йўқ. Анна бизни бутунлай ташлаб кетди. Анна ўша ёқда...» – дейди. Бирдан кўланка лопиллаб кетди, бутун пирамон, бутун шифтни босди, бошқа тарафдан бошқа кўланкалар булар томонга қараб югурди; бир зумгина кўланкалар йўқ бўлди, лекин кейин яна шиддат билан чопишиб, тебраниб келишиб бир-бирига қўшилди. Сўнгра ҳамма ёқни қоронғи босди. «Ўлим!» деб ўйлади Анна. Шундан кейин юрагига шундай бир ваҳима тушдики, ўзи қаерда эканлигини анчагача билолмади; ёниб бўлиб ўчган шам ўрнига бошқасини ёқиш учун титроқ қўллари билан гугурт қидириб, анчагача тополма-

ди. «Йўқ, бўлди – яшаш керак! Ахир мен уни яхши кўраман-ку. Ахир у мени яхши кўради-ку! Бу нарсалар ўтар-кетди!» – деярдн Анна. У ҳаётга қайтиш шодлигидан кўз ёшлари оқиб бетларидан юмалаб тушаётганини сезиб турарди. Ана шундан кейин, юрагини тўлдирган ваҳимадан қутулиш учун, шошиб Вронскийнинг кабинетига кетди.

Вронский кабинетига донг қотиб ухлаб ётган эди. Анна унинг ёнига келди-да, юзига юқоридан шам тутиб, узоқ тикилиб қолди. Мана энди Вронский ухлаб ётганда, Аннанинг унга муҳаббати шу қадар жўшдики, юзини кўриб, севги ёшларини тўтолмай қолди; лекин у биларди. Агар Вронский ҳозир уйғониб кетса, Аннага ўзининг ҳақлигини даъво қилувчи совуқ бир назар билан қарайди, Анна ҳам унга бўлган муҳаббатини айтишдан аввал, унинг ўзи олдида нечоғлик айбдор эканини исбот қилишга мажбур бўлади. Анна уни уйғотмасдан ўз бўлмасига қайтди-да, яна бир марта қорадори ичгандан сўнг эрталабга яқин оғир, чала-чулпа уйкута кетди; уйкусида ўзини сезиб ётди.

Вронский билан алоқа қилмасдан олдин бир неча марта кўрган ваҳимали тушини эрталаб яна кўриб, уйғониб кетди. Пахмоқ соқоли чол темир устига энгашиб олиб бир нима бало қилар, французча маъносиз сўзлар айтиб тўнғиларди; Анна ҳар вақт мана шу даҳшатли туши вақтида чол ўзига парво қилмай қўлидаги темир билан Анна устида туриб аллақандай қўрқинчли нарсалар қилаётганини сезиб ётарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. У уйкусидан уйғонганда, бутун баданини совуқ тер босган эди.

Анна ўрнидан турганда, кечаги кун гира-шира эсига тушди.

«Жанжалландик. Шу вақтгача бир неча марта бўлган нарса яна бўлди. Мен унга бошим оғриб қолганини айттирдим, ёнимга кирмади. Эртага қи-

шлокқа жўнаймиз, узини кўрай, йўлга тайёрланишимиз керак», – деди Анна узига. Кейин, унинг кабинетда эканини билиб, ўша ёққа кетди. Меҳмонхонадан ўтиб кетаётганда, кўча эшиги олдига арава келиб тўхтаганини эшитиб, деразадан қаради: у ерда бир карета турар, бинафша шляпали ёш бир қиз бошини каретадан чиқариб, эшик кўнғирогини чалаётган лакейга бир нима деб буюрар эди. Даҳлизда гаплашгандан кейин, аллаким юқорига чиқди, сўнгра меҳмонхона ёнидан Вронскийнинг оёқ дупури эшитилди. У шахдам одимлар билан зинадан тушиб борарди. Анна тагин деразага келди. Ана у, шляпасиз кўча эшигидан чиқиб каретага яқинлашди. Бинафша шляпали ёш қиз унга битта пакет берди. Вронский кулимсираб унга бир нима деди. Карета юриб кетди; Вронский яна шахдам одимлар билан зинадан югуриб чиқди.

Аннанинг кўнглини қоплаб олган туман бирдан тарқалди. Кечаги ҳислари хаста дилини яна қаттиқроқ сиқди. Бутун кунни унинг уйида у билан бирга ўтказиш даражасида тубанлашиб кетганини ҳозир Анна англай олмасди. У қарорини айтиш учун Вронскийнинг кабинетига кирди.

Вронский Аннанинг юзидаги дардли, тантанали ифодани кўришни ҳам, тушунишни ҳам хоҳламай:

– Сорокина қизи билан келди; ойим юборган пул билан қорозларни келтириб беришди. Кеча ололмаган эдим. Бошинг қалай, тузукми? – деди хотиржам бир оҳангда.

Анна кабинет ўртасида индамасдан Вронскийга тикилиб турарди. Вронский унга бир қаради-ю, бир зумгина хўмрайиб, қўлидаги хатни ўқийверди. Анна ўтирилиб, кабинетдан секин-секин чиқиб кета бошлади. Вронский уни тўхтатиб қолса булар эди, лекин у эшикка етиб қолди: Вронский шунда

ҳам индамади, фақат ағдарилаётган хат varaғининг шитирашигина эшитилди.

Анна эшик оғзига етганда:

– Ҳа, айтгандек, – деди у, – эртага муқаррар кетамиз-а? Шундайми?

Анна унга юзини ўтириб:

– Сиз кетасиз, мен эмас, – деди.

– Анна, ахир бундай умр қилиб бўлмайди!..

– Сиз кетасиз, мен эмас, – деди Анна такрорлаб.

– Бунга чидаб бўлмайди!

– Сиз... пушаймон бўласиз, – деб Анна чиқиб кетди.

Вронский бу ҳасратли сўзларнинг маъносидан оҳангидан қўрқиб кетди, у ўрнидан салчиб турди-ю, Анна орқасидан югурмоқчи бўлди, лекин, ўзига келиб, яна жойига ўтирди, тишларини гижирлатиб, қовоқларини солди. Унинг назарида ярашмаган қилиқ бўлган бу дўқ қонини бузган эди. «Мен қўлимдан келган ҳамма нарсани қилиб кўрдим, – деб ўйлади, – энди битта чора қолди у ҳам бўлса – парвосизлик». Ана шундан кейин шаҳарга, сўнгра ваколатномага қўл қўйдириш учун яна онасининг ёнига бориш тараддудини кўра бошлади.

Анна кабинетдан кейин емакхонадан унинг оёқ дупурини эшитди. Вронский меҳмонхона эшиги олдида бир тўхтади. Лекин Аннанинг бўлмасига бурилмади, фақат ўзи йўрида Войтов келса айғирни бериб юбораверинглар деб тайинлади. Сўнгра Анна эшик олдида коляска келтиришганини, эшик очилганини, Вронский яна ташқарига чиққанини эшитди. Лекин у яна даҳлизга қайтиб кирди, кимдир юқорига югуриб чиқди. Бу Вронскийнинг эсидан чиққан қўлқопларини олиб тушгани чиққан камердинер эди. Анна деразага келиб қаради: Вронский қарамасданоқ қўлқопларини олди, қўли билан кучернинг орқасидан туртди, унга бир нима деди. Сўнгра, деразага қарамасдан, коляскада одатдаги

вазиятда ўтирди, оёқларини мингаштирди. Қўлқопларини кийиб, муйилишда кўздан ғойиб бўлди.

XXVII

Анна дераза ёнида туриб: «Кетди! Энди тамом!» – деди; бунга жавобан кечаси шам ўчганда уйни қоплаган қоронғилик ва кўрган ваҳимали туши қолдирган таассурот бир-бири билан қўшилиб қалбини совуқ бир ваҳимага тўлдирди.

Анна: «Йўқ, бу мумкин эмас!» – деб қичқирди ва бўлмадан ўтаётиб қўнғироқни қаттиқ чалди. У ёлғиз қолишдан шунчалик қўрқиб кетдики, хизматкор киришини ҳам кутиб ўтирмай, ўзи унинг олдига борди.

– Билинг-чи, граф қаерга кетди экан, – деди Анна.

Хизматкор графнинг отхонага кетганлигини айтгандан сўнг:

– Агар бирон ёққа бормоқчи бўлсалар, коляска ҳозир қайтиб келади, шунини айтиб қўйинглар деб тайинладилар, – деди.

– Яхши. Тўхтаг. Ҳозир хат ёзиб бераман. Хатни Михайлога беринг, отхонага элиб берсин. Тез етказсин.

Анна ўтириб, шу сўзларни ёзди:

«Айб менда. Уйга қайт, гаплашамиз. Худо ҳақи кел, мен қўрқяпман».

Анна хатни конвертга солиб, хизматкорнинг қўлига берди.

У ҳозир ёлғиз қолишдан қўрқа бошлади. Хизматкор кетгандан кейин бўлмасидан чиқиб, болалар хонасига қараб юрди.

Анна хаёл паришонлиги билан болалар бўлмасида Серёжасини кўрмоқчи эди, лекин Серёжа ўрнида узининг бетлари қизил, сочлари қўнғироқ, дундик қизчасини кўрганда, миясига келган биригчи фикр

шу бўлди: «Йўқ, йўқ, бу Серёжа эмас, ҳеч ҳам у эмас! Қани унинг мовий кўзлари, дилбар, хуркак табассуми?» Қизалоқ стол ёнида ўтирар, пўкакни зўр бериб столга тақиллатиб урар, чаросдай қора кўзчаларини онасига тикиб, маъносизча қарар эди. Анна инглиз хонимнинг саволига жавобан ўзининг соғу саломатлигини, эртага қишлоққа жўнашларини айтгандан сўнг қизчаси ёнига ўтириб графиндан чиқарилган пўкакни унинг олдида пилдирата бошлади. Лекин қизчанинг баланд овоз билан шарақлаб кулиши, қошларини чимириб ўйнатиши Вронскийни унинг кўз ўнгида шу қадар жонлантириб юбордики, у зўрга йиғисини босиб жадал ўрнидан турди-да, уйдан чиқиб кетди. «Наҳотки ҳамма нарса тамом? Йўқ, бу бўладиган гап эмас! – деб ўйларди Анна. – Қайтиб келади. Лекин ўшанда жилмайгани, ўша қиз билан гаплашгандан кейин жонланиб кетганининг сабабини менга қайси тил билан айтиб беради? Майли, айтмаса ҳам ишонаман. Агар ишонмасам, унда бир нарсадан бошқа иложим қолмайди – бу нарсани эса хохламайман».

Анна соатга қаради. Ўн икки дақиқа ўтган эди. «Хатимни алақачон олди, ҳозир йўлда келяпти. Оз қолди, яна ўн дақиқагина... Ҳай, бирдан келмасачи? Йўқ, бу бўладиган гап эмас! Лекин шундай қилиш керакки, йиғлаганимни пайқамасин. Бориб, бетимни ювиб олай. Ҳа-я, сочимни тараганми-йўқми? – деб сўради у ўзидан. Лекин тараганми-йўқлигини эслай олмади. Бошини қўли билан силаб кўрди. «Ҳа, тарабман; лекин қачон тараганим ҳеч эсимда йўқ». У қўлига ҳам ишонмай, ҳақиқатан ҳам сочини тараганми-йўқлигини кўриш учун тошойна олдига келди. Сочлари таралган эди, аммо қачон таралганини ҳеч эслолмади. Анна ойнада кўринган бўриқиб кетган юзига, ғалати пориллаб, ўзига ҳуркиб қараб турган кўзларига тикилиб: «Бу

ким экан?» – деб ўйлади. Кейин ўзини таниб, бирдан «Ия, менман-ку», – деди-да, ҳамма ёнига кўз югуртириб, унинг ўпишларини сеза бошлади, сесканиб, елкаларини қисди. Сўнгра қўлини лабларига келтириб ўпди.

«Нима бўлди, жинни бўляпман шекилли», – деб бўлмасига қараб юрди; Аннушка бўлмасини йириштираётган эди. Анна хизматкор қиз ёнига келиб тўхтади: унинг юзига қарамасданок:

– Аннушка, – деди, нима деярини ўзи билмаса ҳам. Хизматкор қиз унинг фикрини пайқагандек.

– Дарья Александровнаникига бормоқчийдингиз, – деди.

– Дарья Александровнаникигами? Ҳа, бораман.

«Ўн беш дақиқа у ёққа, ўн беш дақиқа бу ёққа. У келяпти, ҳозир келиб қолади. – Соатини чиқариб қаради. – Мени шундай аҳволда қолдириб кетишга қандай кўнгли бўлди-я? Мен билан ярашмасдан қандай тура олади?» – Деразага келиб, кўчага қарай бошлади. Бу маҳалгача алақачон келиши керак эди. Лекин ҳисобдан адашган бўлиши мумкин эди, шунинг учун Вронский кетган пайтни эслашга, дақиқаларни яна санашга тутинди.

Ўзининг соатини, солиштириб кўргани катта соат ёнига келганда, кўча эшиги олдига бир арава келиб тўхтади. Анна деразадан қараб Вронскийнинг коляскаси эканини кўрди. Лекин зинадан ҳеч ким чиқавермади. Пастдан фақат овозларгина эшитилди. У Вронскийнинг коляскасида қайтиб келган ўз чопари эди. Анна унинг олдига тушди.

– Графни тополмадик. Улар Нижегород йўлига кетиб қолган эканлар.

Икки бети қизил, хушчақчақ Михайло Анна топширган хатни қайтариб бераётганда:

– Ҳай-ҳай, сента нима бўлди? – деди Анна.

«Ҳа, юборган хатимни олмабди», – деб эслади Анна.

Кейин ўз чопарига:

– Шу хат билан тўғри қишлоққа, графиня Вронскаяникига бор. Дарҳол жавобини олиб кел, – деди.

«Хуш, ўзим-чи, ўзим нима қиламан?» – деб ўйланди.

«Ҳа, ўзим Доллиникига бораман; тўғри, бўлмаса жинни бўлиб қоламан. Дарвоқе, телеграмма юборишим ҳам мумкин». Шундан кейин телеграмма ёзди:

«Сиз билан гаплашишим керак, ҳозир етиб келинг».

Анна телеграммани юбориб, ўзи кийингани кетди. Кийиниб, шляпасини бошига кийиб бўлгандан сўнг, анча йўғон тортиб, сумбатда бўлиб турган Аннушканинг кўзларига яна қаради. Унинг кичкина, меҳрибон, тарғил кўзларида ошкор бир ачиниш аломати бор эди.

Анна чор-ночор ўзини курсига ташлаб:

– Аннушка, айланай, нима қилдим энди? – деди йирлаб туриб.

– Нимага хавотир бўласиз, Анна Аркадьевна! Ахир бундай нарсалар бўлади-ку. Дарья Александровнаникига боринг, баҳрингиз очилади, – деди хизматкор қиз.

Анна ўзига келиб ўрнидан турди-да:

– Ҳа, бора қолай, – деди. – Менинг йўғимда телеграмма келса, Дарья Александровналарникига юборинглар... йўқ, ўзим қайтиб келаман.

Анна юрагининг қаттиқ дуқирлаб ураётганига ваҳима билан кулоқ солиб: «Ҳа, уйлайвериш керак эмас, бирон нарса қилиш, яхшиси бирон ёққа кетиш керак», – деди-ю, жадал уйдан чиқиб, коляскага ўтирди.

Пётр коляскадаги ўринга чиқишдан аввал:

– Қаёққа ҳайдашни буюрадилар? – деб сўради.

– Знаменка кўчасига, Облонскийларникига.

XXVIII

Ҳаво очиқ эди. Эрталабдан бери майдалаб ёриб турган ёмғир тинди; ҳаво яқиндагина очилиб кетди. Томларнинг тушукалари, тротуарларнинг плиталари, йўлларнинг тошлари, – извошларнинг гилдирак ва чармлари, мис ва темирлари ҳаммаси май куёшида ярқираб турарди. Соат уч бўлганидан кўчалардаги қатновнинг энг кучайган пайти эди.

Анна, бўз отлар чошиб кетар экан, таранг рессорлари устида сезилар-сезилмас силкиниб бораётган осойишта колясканинг бурчагида ўтириб олиб, гилдиракларнинг тинимсиз шақир-шуқурлари ва тоза ҳавода тез-тез ўзгариб турган таассуротлар остида сўнги кунларнинг ҳодисаларини хаёлидан бир-бир ўтказиб, ўз аҳволининг уйда туюлганидан бутунлай бошқача эканини кўрди. Энди ўлиш фикри ҳам унга илгаригидек ваҳимали, равшан кўринмас, ўлимнинг ўзи ҳам ортиқ бирдан-бир чора бўлиб туюлмас эди. Энди у ўзини ўзи шунчалик ерга ургани учун ўзидан койир эди. «Мени кечирини ёлвориб сўрадим. Ихтиёримни топшириб қўйдим. Ўзимни айбдор деб бўйнимга олдим. Нима учун? Тавба, усиз туролмайманми?» Анна, усиз қандай тура олиши тўғрисидаги саволга жавоб ҳам бермай, кўчалардаги вивескаларни ўқий бошлади: «Контора ва омбор. Тиш доктори». Ҳа, Доллига ҳаммасини айтаман. У Вронскийни ёмон кўради. Кўнглим оғриси ҳам, уят бўлса ҳам, майли, ҳаммасини Доллига айтаман. У мени яхши кўради, нимани маслаҳат кўрса, қиламан. Энди Вронскийга бўйин эгмайман; узимни унга тарбият қилдириб қўймайман. Филиппов, калач нонлар. Булар хамирни Петербургда олиб боришар эмиш. Москванинг суви жуда яхши-да. Митишчи қудуқлари ва чалпақлари.

Шундан кейин узоқ, узоқ ўтмишда, энди ўн еттига кирган чоғларида холаси билан Троицага борганини эслади. Яна отда борган эдим. Наҳотки ўша кўллари қип-қизил қиз мен бўлсам? У маҳаллар мен етиша олмайдиган ажойиб кўринган нарсаларнинг кўпи энди маъносиз, аҳамиятсиз бўлиб қолди, у маҳаллар ихтиёримда бўлган нарсаларга энди мен ўлсам ҳам етиша олмайман. Ўзимни шунчалик қора ерга уришимга ўша маҳаллар ишона олармидим? Хатимни олиб, роса керилади, роса мамнун бўлади! Лекин мен унга кўрсатаман... Бу рангдан мунча сассиқ ҳид келади. Нега улар ҳадеб бўяшади. Ҳадеб бинолар қуришади-я? Модалар ва кийимлар!.. – деб Анна вивескани ўқиди. Бир эркак унга салом берди. У Аннушканинг эри эди. Анна Вронский айтган сўзни эслаб: «Бизнинг танимизга тушган қуртлар, – деди. – Бизнинг танимизга? Нима учун бизнинг танимизга? Шуниси даҳшатлики, ўтмишни туб-томири билан юлиб ташлаб бўлмайди. Юлиб ташлаб бўлмайди. Лекин ўтмиш хотирасини хаспўшлаб кетса бўлади. Мен ҳам хаспўшлаб кетаман». Шу он Анна Алексей Александрович билан ўзи ўртасида бўлиб ўтган нарсаларни, буларни эсдан қандай чиқарганини хотирлади. «Долли мени иккинчи эридан чиқяпти, шунинг учун мени ноҳақ, деб ўйлар балки, ажабо, мен ҳақ бўлмоқчиманми? Ҳақ бўлолмайман!» деди-ю, йиғлагиси келиб кетди. Лекин ўтиб кетаётган иккита қизнинг нимага кулишлари мумкинлигини дарҳол ўйлашга тутинди. «Бўлса-бўлмаса, ишқ-муҳаббатдан гаплашаётишгандир-да? Ишқ савдосининг нечоғлик камгин, тушкин нарса эканлигини билишмайди... Хиёбон ва болалар. Учта бола чопишиб, от-от ўйнашяпти. Серёжа! Энди мен ҳамма нарсадан жудо бўламан. Уни қайтариб келтиролмайман. Ҳа, агар қайтмаса, ҳамма нарсадан

жудо бўламан. Поездга кечикиб қолиб, энди етиб келган бўлса ҳам ажаб эмас. Яна ўзингни хор қилмоқчимисан? – деди у ўзига. – Йўқ, Доллиларникига кираман-у, бор гапни айтаман: мен бахти қора бўлдим, мен шунга лойиқман, мен айбдорман, ҳар ҳолда бебахтман, менга ёрдам қил, дейман. Бу отлар, бу коляска, – бу коляскада ўзимга ўзим бирам жирканч кўринаман – буларнинг ҳаммаси уники, лекин буларни мен энди кўрмайман».

Анна Доллига айтадиган бутун дарду аламларини ифода қила биладиган сўзларни ўйлай-ўйлай, жўрттага юрагига туз сепиб, зинадан чиқиб борди. Даҳлизга киргандан кейин. Ким бор? – деб сўради.

– Катерина Александровна Левина, – деди лакей.

•Кити! Бир маҳаллар Вронский ошиқ бўлган ўша Кити, – деб ўйлади Анна. У Китига ўйланмаганига афсус ейди. Мени эса нафрат билан эслаб, мен билан топишганига афсусланади».

Анна келган пайтда, опа-сингил чақалоқни боқиш тўррисида маслаҳатлашиб ўтирган эди. Сухбатларига ҳалал берган меҳмонни Доллининг ўзи кутгани чиқди.

– Вой, ҳали кетганинг йўқми? Бутун ўзим бормоқчийдим, – деди Долли, – бутун Стивадан хат олдим.

Анна Китини кўриш учун теварагига жаланглаб:

– Биз ҳам телеграмма олдик, – деди.

– Алексей Александровичнинг муддаоси нима эканлигига тушунолмаганини, лекин жавоб олмасдан қайтмаслигини ёзибди.

– Мен ёнингда биров бормикан деб ўйловдим. Хатни ўқисам буладими?

Долли хижолат бўлиб:

– Ҳа, Кити бор, – деди, – болалар булмасида ўтирибди. Қаттиқ бетоб эди.

– Эшитдим. Хатни ўқисам буладими?

– Ҳозир олиб келаман. Лекин Алексей Александрович оёғини тираб олмабди; аксинча, Стива умид борлигини айтибди, – деди Долли эшик оғзида тўхтаб.

– Менинг умидим йўқ, жавобига зормасман, – деди Анна.

Анна ёлғиз қолгандан сўнг: «Бу нимаси, Кити мен билан кўришишни ўзи учун разолат деб ҳисоблайдими? – деб ўйлади. – Ким билади, балки ҳақдир. Бу бир ҳақиқат бўлса ҳам, лекин бир маҳаллар Вронскийни яхши кўрган Кити буни менга рўкач қилмаслиги керак эди. Биламан, мени шу аҳволимда биронта бообрў хотин қабул қилолмайди. Биламан, Вронский билан топишган дақиқамдан бошлаб ҳамма нарсамни унинг йўлида фидо қилганман! Фидокорлигимнинг мукофоти шу бўлди! О, кўришга кўзим йўқ уни! Нима учун ҳам бу ерга келдим? Ҳолим яна ҳам ёмон, яна ҳам оғир бўлди. – Анна нариги хонада опа-сингилларнинг ўзаро гаплашганларини эшитди. – Энди Доллига нима ҳам дейман? Ўзимнинг бебахтлигимни айтиб, Китини суюнтирайми? Ўзимни унинг ҳимоятига таслим қилайми? Йўқ, бари бир, Долли ҳам ҳеч нимага тушунмэйдди. У билан гаплашадиган гапим ҳам йўқ. Фақат Китини кўрсам, уларнинг ҳаммасидан нафратланганимни, энди менга ҳеч бир нарсанинг фарқи йўқлигини кўрсатсам яхши булар эди».

Долли хатни олиб кирди. Анна ўқиб чиқиб, индамасдан қайтариб берди.

– Мен буни билардим, – деди Анна. – Мени бу нарса заррача ҳам қизиқтирмайди.

Долли Аннага мароқ билан қараб:

– Нега энди? Мен бўлсам, аксинча, умидворман, – деди. Долли уни ҳеч бир маҳал мана шундай галати, тажанг ҳолда кўрмаган эди. – Қачон қишлоққа чиқиб кетасан? – деб сўради.

Анна кўзларини сузиб, рўпарасига қараб ўтирарди. Доллининг саволига жавоб бермади.

Анна эшик томонга қараб қизарди-ю:

– Нега Кити мендан қочади? – деб сўради.

Долли ёлғонни дўндиролмас эди, шунинг учун ўнғайсизланиб:

– Вой, йўғ-э! Чақалогини эмизяпти, ҳеч эпини қилолмайди, маслаҳат бердим... Келганингни эшитиб жуда суюнди. Ҳозир киради, – деди. – Ҳа, мана келди.

Кити Аннанинг келганини эшитиб, олдига чиқишни хоҳламаган эди, Долли қўймади. Кити ўзини қўлга олиб ичкари кирди, қизариб-бузариб Анна ёнига келди. Кейин унга қўлини бериб, қалтироқ товуш билан:

– Мен жуда хурсандман, – деди.

Кити ичида бу бузуқ хотинга бўлган душманчилик ҳисси билан унга шафқатли бўлиш истаги ўртасида кураш боргани учун қисилиб, тортинаётган эди; лекин Аннанинг чиройли, истараси иссиқ юзини кўрди дегунча душманчилиги бир зумда йўқ бўлди.

– Мабодо мен билан кўришгингиз келмаганда ҳам, мен бунга ажабланмас эдим. Мен ҳамма нарсага кўникиб қолганман. Касал бўлдингизми? Ҳа, бир оз ўзгариб қолибсиз, – деди Анна.

Кити Аннанинг ўзига душман кўзи билан қараётганини сезиб турарди. У Аннанинг бундай қарашини бир маҳаллар ўзига ҳомийлик қилган бу жувоннинг энди ўзининг олдида ноқулай аҳволга тушиб қолганлигидан деб билиб, унга юраги ачишди.

Улар Китининг касал бўлганидан, чақалоқдан, Стивадан гаплашган бўлишса ҳам, Аннани ҳеч бири қизиқтирмагани кўриниб турарди.

Анна ўрнидан тураётди:

– Сен билан хайрлашгани келувдим, – деди.

– Қачон жўнамоқчисизлар?

Лекин Анна жавоб қилмай яна Китига юзланди.
Кулимсираб туриб:

– Сизни кўрганим учун жуда хурсанд бўлдим, – деди. – Сизнинг таърифингизни шунча кўп эшитдимки, ҳатто эрингиз ҳам айтди. Эрингиз менинг олдимга келувди, у менга жуда ёқди, – деди; у бу сўзни ёмон ният билан айтган эди. – Ҳозир қаердалар?

– Қишлоққа кетганлар, – деди Кити қизариб.

– Мендан салом айтинг, албатта салом айтинг.

Кити Аннанинг кўзларига ҳамдард тикилиб туриб:

– Албатта айтаман! – деди соддалик билан.

– Хайр энди, яхши қол, Долли! – Анна Доллини ўпди. Китининг қўлини қисиб, шошиб чиқиб кетди.

Кити опаси билан холи қолганда:

– Ҳали ҳам бурунгидай, ҳали ҳам ўшандай жозибадор, жуда чиройли! – деди. – Лекин нимагадир одамнинг раҳми келади! Жуда ҳам раҳми келади!

– Йўқ, бугун аҳволи жуда ҳам бошқача, – деди Долли. – Даҳлизга кузатиб чиққанымда, йиғлагиси келиб турганга ўхшаб кўринди.

XXIX

Анна боя уйдан чиққанда ўзини қандай аҳволда сезган бўлса, ҳозир коляскага ундан баттарроқ аҳволда чиқиб ўтирди. Аввалги азобига энди хўрлик ва ҳақирлик ҳислари ҳам қўшилган эди; Анна бу нарсани Кити билан кўришганда равшан ҳис этди.

– Қаёққа ҳайдашимни буюрадилар? Уйгами? – деб сўради Пётр.

Анна энди қаёққа боришини ўйламасданоқ:

– Ҳа, уйга, – деди.

•Улар менга алақандай кўрқинчли, тушуниб бўлмайдиган таажжуб нарсага қарагандай қарашди-я! – Анна яёв кетаётган икки кишига қараб ўйланди: – У ҳамроҳига шунча ҳарорат билан нималарни гапиряпти экан? Тавба, кўнглидаги нарсаларни би-

ровга айтиб бўладими? Мен ҳам Доллига айтмоқчи эдим, яхши ҳамки, айтмадим. Айтсам, бебахтлигимдан хурсанд бўларди. Хурсандлигини-ку яширади-я, лекин у ҳасад қилган ҳузуру ҳаловатим учун жазомни тортганимга суюнар, у ҳис қилган асосий нарса шу суюнч бўларди. Кити-чи, у жуда қаттиқ суюнардди. Мен бу нарсаларни беш бармоғимдай биламан! Мен эрига одатлагидан ортиқ мулозамат қилганимни Кити билади. Шунинг учун у рашк қилади, мени кўролмайди, ҳатто нафратланади. Унинг назарида, мен ахлоқсиз хотинман. Агар ахлоқсиз хотин бўлганимда, эрини ўзимга ошиқ қилиб олардим. Албатта, хоҳласам. Ҳа, бир қур хоҳладим ҳам. – Шу маҳал Аннанинг рўпарасидан юзи қип-қизил, семиз бир жаноб коляскада келаверди; у, Аннани таниши деб ўйлаб, ялтироқ шляпасини ялтироқ тақир боши устида кўтарди-ю, янглишганини тушуниб, ўтиб кетаверди. Анна шу жаноб тўғрисида: – Мана бу ўзидан мамнун, – деб ўйлади. – У мени танийман деб ўйлади. Лекин у ҳам дунёда мени танийдиган ҳар қандай одамчалик кам танийди. Мен ўзим ҳам ўзимни таниёлмайман, билмайман. Франдузлар айтганидек, мен фақат иштаҳамни биламан. – Кўчада иккита бола музқаймоқ сотиб юрган жанобни тўхтатди; у бошидан қувасини олиб, лунгисининг учи билан юзини артди. Анна буларни кўриб: – Ана буларнинг кўнгли ифлос музқаймоқни кўмсаб қолибди. Булар мазасини билишса керак, – деб ўйлади. – Ҳаммамизнинг ҳам кўнглимиз ширин, мазали нарсани тусайди. Конфет бўлмаса, ифлос музқаймоқни. Кити ҳам шунақа: Вронский бўлмаса, Левинни хоҳлади. Шунинг учун менга кўзи куяди. Шунинг учун мени кўролмайди. Ҳаммамиз ҳам бир-биримизни кўролмаймиз. Мен Китини, Кити мени. Мана шу гап тўғри. Тюткин coiffeur. Je me fais coiffer par¹ Тюткин... У келганда

¹ сартарош. Менинг сочларимни Тюткин тарайди (франц.).

шу гапни айтаман, – деб ўйланди-ю, кулимсираб кўйди. Лекин шу пайт қизиқ гапни айтадиган ҳеч кими йўқлигини эслади. – Ҳеч қандай куладиган, вақтни чоғ қиладиган нарса йўқ. Ҳаммаси жирканч. Кечки ибодат зангини чалишяпти. Анави савдогар ўлиб-тирилиб чўқиняпти! Худди бир нарсани тушириб юборадигандай кўрқади. Нимага керак экан-а бу черковлар, бу занг уришлар, бу ёлғон-яшириқлар? Анави жону жаҳдлари билан сўкишаётган извошчилар сингари, биз ҳам бир-биримизни кўришга кўзимиз йўқлигини яшириш учунгина керак-да. Яшвин: «Мен билан қиморга ўтирган одам ичимдаги кўйлагимгача ютишни хоҳлайди, мен ҳам уни», дейди. Мана бу гап тўғри!»

Бу ўйлар уни шу қадар банд қилдики, шу ўйлар билан уйига етиб келганини билмай қолди. Уни қаршилагани чиққан швейцарни кўргандагина Вронскийга хат билан телеграмма юборгани эсига тушди.

– Жавоб борми? – деб сўради Анна. Швейцар:

– Ҳозир қарайман, – деди-ю, конторкага қараб, ундан телеграмма солинган нафис квадрат конвертни олиб берди. Анна: «Соат ўндан олдин боролмайман, Вронский», деган сўзларни ўқиди.

– Чопар қайтдимми?

– Йўқ-а, – деди швейцар.

Анна: «Агар шундай бўлса, мен ҳам нима қилишимни биламан, – деб ўйлади-ю, юрагида мужмал бир вазаб ва қасос эҳтиёжи турилганини сезиб, юқорига чопиб чиқиб кетди. – Мен ўзим олдига бораман. Бутунлай кетишдан аввал, юрагимдаги бор гапни айтиб оламан. Ҳеч қачон ҳеч кимдан ана шу киши қадар нафратланмаганман!» – деб ўйланди. Кейин унинг қозикдаги шляпасини кўриб, жирканганидан сесканиб кетди. Анна Вронскийнинг телеграммаси ўзи юборган телеграммага жавоб эканини, юборган хатини ҳали олмаганини фаҳм-

ламади. У Вронскийни ҳозир онаси ва Сорокина билан бамайлихотир гаплашиб, ўзининг изтиробларидан қувониб ўтирганини тасаввур этди. Қаерга боришини ҳали билмаса ҳам ўз-ўзига: «Ҳа, тезроқ бориш керак», – деди. Анна бу даҳшатли уйда сезаётган ҳис-туйғулардан тезроқ қутулиш ҳаракатида эди. Бу уйдаги хизматкорлар, деворлар, буюмлар – буларнинг ҳаммаси унда нафрат ва ғазаб уйғотар, уни оғир бир нарасадай эзарди.

«Ҳа, темир йўл станциясига бориш керак, бу ҳам бўлмаса, ўша ерга бориб, айбини очиб ташлаш керак». Анна газеталарни ахтариб, поездлар жадвалини қаради. Поезд кечқурун соат саккизу икки дақиқада жўнар эди. «Ҳа, улгураман». Анна, коляска тайёрлашни буюриб, бир неча кунга етгулик нарсаларни йўл халтасига жойлай бошлади. У энди бу ерга қайтиб келмаслигини биларди. Миясига келган режалар қаторида шу нарсани ҳам дудмалгина ҳал қилиб олди: станцияда ёки графинянинг мулкида юз берадиган ҳодисадан кейин Нижегород темир йўли билан биринчи учраган шаҳарчага бориб, ўша ерда тушиб қоладиган бўлди.

Овқат столга келтириб қўйилган эди; Анна овқат ёнига келиб, нон билан сирни ҳидлаб кўрди-да, сийладиган нарсаларнинг ҳаммасини кўнглини ардарганига қаноат ҳосил қилгандан сўнг коляскани келтиришга буюриб, ўзи ташқарига чиқди. Вақт чоштвоҳдан ўтган, уйнинг кўланкаси бутун кўчани қоплаб олган эди: ҳаво очиқ бўлганидан, офтоб тушиб турган ерлар илиқ эди. Ул-буллари кўтаришиб кузатгани чиққан Аннушка ҳам, ул-буларни коляскага юклаган Пётр ҳам, афтидан, норози кўринган кучер ҳам – ҳаммаси уни жиркантириб, ўз сўзлари ва ҳаракатлари билан вашига тегарди.

– Пётр, сен менга керак эмассан.

– Булмаса, билетни ким олади?

– Майли, хоҳлаганингни қил, менга бари бир, – деди бўғилиб Анна.

Пётр сакраб коляска олдига чиқди-да, қўлларини биқинига тираб туриб, вокзалга ҳайдашни буюрди.

XXX

Коляска йўлга тушди-ю, майда тошлар ётқизилган кўчада гурсиллаб, силкина-силкина юриб кетди; таассуротлар яна бирин-кетин ўзгара бошлади; шунда Анна: «Ана, яна бошланди! Мен ҳамма нарсани уқа бошладим», – деди ўзига.

«Айтгандек, жуда яхши ўйлаган кейинги ўйим нима тўғрисида эди? – Анна ўйлаган нарсаларини эслашга тиришди. – Тюткин coiffer? Йўқ, бу эмас. Ҳа, айтгандек, Яшвиннинг гапи тўғрисида: одамларни бир-бирига боғлаб турган бирдан-бир нарса – яшаш учун кураш-у, нафрат холос. – Анна тўрт отлик коляскага тушиб, афтларидан, шаҳар ташқарисига вақтичоғлик қилгани кетаётган жўраларга хаёлан мурожаат қилди: – Йўқ, бекор кетяпсизлар. Олиб кетаётган итингиз ҳам сизларга ёрдам қилолмайди. Ўзлингиздан қочиб кетолмайсиз». Пётр қараган томонга кўз ташлаб боши ликиллаб бораётган ўлгудай маст бир фабрика ишчисини кўрди; уни городской алақаёққа олиб кетаётган эди. «Ҳа, мана бу қочса ажаб эмас, – деб ўйлади Анна. – Граф Вронский билан биз ҳам бу ҳузур ҳаловатни тополмадик, гарчи бундан кўп нарса кутган бўлсак ҳам». Шундан кейин Анна ўзи билан Вронский ўртасида бўлган ва илгари ўйлашдан қочиб юрган муносабатини мана шу равшан ёруққа биринчи марта солди, чунки у бу ёруғда ҳамма нарсани кўра бошлаган эди: «У менинг нимамага зор эди; муҳаббат шуҳрат-парастлигини қондириш истаги қадар эмас эди». Анна унинг сўзларини, топишган кунларида итоат-

кор овчи ит муқомларини эслатувчи қилиқларини хотирлади. Энди ҳамма нарса шуни тасдиқларди. Ҳа, муваффақияти билан мақтанмоқчи бўлган. Албатта, муҳаббат ҳам бор эди, лекин кўпроқ ҳиссаси муваффақиятдан туғилган гурур эди. У мен билан мақтанарди. Энди бу нарсалар ўтиб кетди. Гурурланадиган нарсаси қолмади. Энди гурурланмайди, балки хижолат бўлади. У мендан олиши мумкин бўлган ҳамма нарсани олди, энди менинг кераклигим қолмади. Мендан безиб кетди, энди менга нисбатан фақат номуссизлик қилмасликка тиришади. Сарсонгарчиликка хотима бериш учун, эримдан ажратиб, менга уйланиш истагида эканлиги кеча орзидан чиқиб кетди. У мени яхши кўради, лекин қандай? *The zest is gone*¹. – Анна Манеж майдонида отда кетаётган қизил юз гумаштага қараб: – Бу ўздан мамнун, ҳаммани ҳайрон қолдирмоқчи, – деб ўйланди, – ҳа, у мендан илгарилари олган лаззатини ололмайдиган бўлиб қолди. Агар уни ташлаб кетсам, юрак-юрагидан хурсанд бўлади».

Бу бир тахмин эмас эди – буни Анна ҳаётнинг ва инсонлар муносабатининг маъносини энди очиб кўрсатаётган равшан ёруғда кўриб турарди.

«Менинг муҳаббатим ҳамон ўт олиб, худбинлашиб, уники эса кундан-кунга сўниб боряпти, шунинг учун ҳам бир-биримиздан айриляпмиз, – деб Анна ўйини давом қилдирди. – Энди бунинг чораси йўқ. Мен бутун борлигим билан унга боғланганман, унинг ҳам бутун борлиги билан меники бўлишини талаб қиламан. У эса кундан-кунга мендан узоқлашишни истаydi. Биз топишиш учун бир-биримизга пешвоз бордик, кейин эса турли томонга қараб ажраб боряпмиз. Энди буни ўзгартириб бўлмайди. У мени бемаъни рашк қиласан, дейди; мен ўзимга бемаъни рашк қиламан, дейман; лекин бу нотўғри

¹ *Дами қаятган (ингл.)*

гап. Мен рашк қилмайман. Норозиман. Лекин... – Анна оғзини очди ва бирдан миясига келган фикрдан ҳаяжонланиб, нарироқ сурилиб ўтирди. – Мен унинг эркалашларини эҳтирос билан севувчи маъшуқаси эмас, бошқа бирон нарса бўла олсам кошки эди; лекин мен бошқа нарса бўлишни хоҳламайман, эпини ҳам қилолмайман. Мана шу истагим билан уни ўзимдан жиркантираман, у эса мени ғазаблантиради; ҳақиқатан ҳам, бу бошқача бўла олмайди. У мени алдамайди. Сорокинани кўз остига олиб қўймаганини, Китига ошиқ эмаслигини, менга вафосизлик қилмаслигини, ажабо, билмайманми? Мен буларнинг ҳаммасини биламан, лекин билганим билан мушкуллим осон бўлмайди-ку, агар у мени севмаса-ю, фақат бурчини бажо келтириш учун меҳрибонлик қилса, ардоқласа, мен хоҳлаган нарса бўлмаса, – бу ахир қаҳру ғазабдан минг чандон баттар-ку! Бу – дўзах! Ҳозирги аҳволим эса – дўзахнинг ўзи. У мени кўп вақтлардан бери яхши кўрмайди. Муҳаббат тутаган жойда эса нафрат бошланади. Бу кўчаларни мен ҳеч билмайман. Тоғдек уйлар, уйлар, одамлар.. Одамларнинг сонунан санови йўқ, ҳаммаси ҳам бир-бирини кўролмайди. Хўп бўлмаса, бахтли бўлиш учун ўзим хоҳлаган нарсамни ўйлаб чиқарай. Хўпми? Талоқ оламан, Алексей Александрович Серёжани менга беради, мен ҳам Вронскийга тегаман». Анна Алексей Александровични тилга олган соати уни мўмин, жонсиз, сўник кўзларини, кўк томирли оппоқ қўлларини, гап оҳангларини, бармоқларини қисирлатишини фавқуллодда бир равшанлик билан худди тирик кишидай кўз олдига келтирди-да, ўрталарида бўлган ва у ҳам муҳаббат деб аталган ҳисни эсига олиб, жирканганидан жунжикиб кетди. «Хўп, талоғимни олиб Вронскийга тегдим ҳам. Хўш, ундан кейин Кити менга бугунгидақа қарамай қўядими? Йўқ. Серёжа ҳам

менинг иккита эрим борлигини сўрамай, ўйламай қўядими? Вронский иккаламизнинг ўртамизда қанақа янги ҳис, бўлиши мумкин деб ўйласа бўлади? Бахт тўғрисида оғиз очмай қўя қолай, фақат азобнинг ўзи бўлмаслиги мумкинмикан? Йўқ, асло йўқ! – деб жавоб берди Анна энди заррача ҳам иккиланмасдан. – Бўлмаслиги мумкин эмас! Ҳаётдаги йўлларимиз ажралиб боряпти, мен уни бахтсиз қиляпман, у мени. Энди уни ҳам, мени ҳам одам қилиб бўлмайди. Бутун сазъ-ҳаракатлар қилинди, тандан жон чиқди. Ҳа, анави гадой хотин чақалогини кўтариб олибди. У одамларнинг ўзига раҳми келади деб ўйлайди. Ажабо, биз бу дунёга фақат бир-биримизни кўролмаслик, сўнгра ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам қийнаш учун келмаганмизми? Ана гимназия талабалари кетишяпти, кулишяпти. Серёжа-чи? – Анна ўрлини эслади. – Мен ҳам Серёжани яхши кўраман деб ўйлаб, меҳрим билан маст-аласт бўлиб юрардим. Лекин усиз ҳам яшадим-ку, бошқа бир муҳаббат учун ундан кечдим-ку, шу муҳаббат билан маст-аласт бўлиб юрган пайтларимда боламдан кечганим учун шикоят қилмадим-ку». Ана шундан кейин Анна муҳаббат деб атаган нарсасини жирканиб эслади. Анна ўзининг ҳам, ҳамма инсонларнинг ҳам ҳаётини равшан кўра олганидан қувона бошлади. «Мен ҳам, Пётр ҳам, кучер Фёдор ҳам, анави савдогар ҳам, бу эълонлар бизни таклиф қилаётган Волга бўйларида яшовчилар ҳам шундай, ҳамма ерда, ҳаминша шундай», – деб ўйларди Анна, Нижегород станциясининг пастак биносига яқинлашиб қолганларида. Уларни кўриб ҳаммолар югуришиб келганда, Пётр:

– Обираловкага олайми? – деб сўради.

Анна қаерга, нимага келганини бутунлай эсидан чиқариб қўйган эди, шунинг учун саволни зўрға тусунди. Пуллик ҳамёнини Пётрга узатиб:

- Ҳа, - деди-ю, қизил халтачасини олиб, коляскадан тушди.

Анна оломон орасидан биринчи класс залига қараб борар экан, аҳволининг бутун икир-чикирларини ва ўзини иккилантирган қарорларини секин-секин ёдига туширди. Гоҳ умид, гоҳ умидсизлик эски оғриқлар жароҳатлаган, ҳилвираб қолган юрагининг яраларини тимдалар эди. Анна юлдуз шакли диванда ўтириб, поездни кута бошлади: залга кириб чиқувчиларга (буларнинг ҳаммаси кўнглини ағдарар эди) нафрат билан қаради: гоҳ станцияга қандай келишини, Вронскийга қандай хат ёзишини, нималар эзишини, гоҳ Вронскийнинг ҳозир (Аннанинг изтиробда эканини тушунмай) ўз аҳволдан онасига зорланаётганини, ўзи уларнинг уйига қандай кириб боришини, Вронскийга нималар дейишини ўйлади. Гоҳ турмушининг яна бахтли бўлиб кетиши мумкинлигини, Вронскийни нақадар азоб билан севганини, энди эса кўришга кўзи қолмаганини, юраги жуда ёмон ураётганини ўйлади.

XXXI

Кўнғироқ чалинди; шумшук, беҳаё, шошма-шошар, шу билан бирга ўзлари қолдирган таассуротга эътиборлари баланд ёш-яланглар залдан ўтиб кетди; эгнига зарбоф кийим, оёқларига ботинка кийиб олган ҳайвонсифат тўпори Пётр ҳам залдан ўтиб, Аннани вагонга кузатиб қўйиш учун унинг ёнига келди. Анна шовқин-сурон кўтаришиб турган эркаклар ёнидан платформада ўтиб кетаётганда, улар жим бўлиб қолишди; улардан бири иккинчисига алланима деб шипшиди, албатта, хунук сўз айтган бўлса керак. Анна вагоннинг баланд поронасига чиқди-да, купега ёлғиз ўзи кириб, бир маҳаллар оппоқ бўлган, энди эса кирланган пружинали

диванга ўтирди. Диванга қўйган халтаси пружина устида бир неча бор ирғишлагандан сўнг жимиб қолди. Пётр дераза олдида зар ҳошияли шляпасини кўтариб хайрлашган бўлди-да, аҳмоқларча тиржайди, беҳаё кондуктор эшикни ёпиб, кулфлаб қўйди. Кенг чопон кийган бир ногирон хотин (Анна бу хотинни хаёлан яланғочлаб, ногиронлигидан ваҳимага тушди), яна битта қиз сохта кулги билан пастдан югуришиб ўтди.

– Катерина Андреевнаникида, ҳаммаси ўша ерда, ma tante¹, – деб қизалоқ қичқирди.

Анна: «Ҳали муштумдай қиз-у, бу ҳам расво бўлган, қийшанглайди», – деб ўйлади. Кейин, ҳеч кимни кўрмаслик учун, жадал ўрнидан туриб, бўш вагоннинг нариги томонидаги деразаси ёнига бориб ўтирди. Бошидаги фуражжаси тагидан патак сочлари чиқиб турган, ҳамма ёғи кир-чир бадбашара бир мужик шу дераза ёнидан вагон филдиракларига энгашиб қараб ўтиб кетди – «Бу хунук мужик менга таниш кўринади-я», – деб ўйлади Анна. Шундан кейин туши эсига келди-ю, ваҳимадан титраб, нариги эшик томонга ўтиб кетди. Кондуктор эшикни очиб, бир эр-хотинни киргизди.

– Ташқарига чиқадиларми?

Анна жавоб бермади. Кондуктор ҳам, ичкари кирганлар ҳам Аннанинг парда тўсиб турган юзидаги ваҳимани сезмади. Анна яна бояги бурчакка келиб ўтирди. Эру хотин рўпарага ўтириб диққат билан, лекин зимдан Аннанинг қўйлагига тикилиб қолди. Эр ҳам, хотин ҳам Аннага жирканч кўринарди. Эр Аннадан папирос чекишга ижозат сўради; лекин папирос чекиш учун эмас, у билан гаплашиш учун сўраганлиги равшан эди. Розилик олгандан сўнг, чекишдан кўра кўпроқ сўзлашгиси келганини хотинига французчалаб айта бошлади. Улар атайин Анна

¹ хольв (франц.).

эшитсин деб, бемаъни нарсаларни гапиришар эди. Анна уларнинг бир-бирларидан безор булганликларини ва бир-бирларини кўришга кўзлари йўқлигини равшан кўриб турарди. Дарҳақиқат, бундай аянг, ногирон одамлардан нафратланмай бўлмас эди.

Иккинчи кўнгироқ чалинди; кейин юklar ташила бошланди, шовқин-сурон, кулгилар эшитилди. Ҳеч кимнинг суюниб-шодланишига ҳеч қандай асос йўқлиги Аннага шу қадар равшан эдики, бу кулгилар гашига тегиб, жонини офрита бошлади. Буларни эшитмаслик учун қулоқларига пахта тиқиб олгиси келди. Ниҳоят, учинчи занг урилди, ҳуштак, сўнгра паровоз гудоги эшитилди, вагонлар силкинди, рўпарасида ўтирган эркак чўқиниб олди. Анна унга жаҳл билан қараб: «Бир сўраш керак эди: у бу қилиғи билан нимани билдирмоқчи экан?» – деб ўйланди. У хоним ёнидан деразага қараб, яқинларини кузатгани чиққан ва платформада тик турган, худди орқага сузиб кетаётгандек кўринишган одамларни томоша қила бошлади. Анна тушган вагон рельслар уланган жойларда бир хил силкиниб, платформа ёнидан, тош девор, темир лавҳа ва бошқа вагонлар ёнидан ўтиб кетди: филдираклар рельсларда хиёл зинфилаб текис филдираб борар, деразадан ёрқин оқшом қуёши тушар, шабада пардани ўйнар эди. Анна вагондаги қўшнилларини эсидан чиқарди; энди у секин силкиниб бораётган вагонда ўпкасини тўлдириб тоза ҳаво олар, яна хаёл сурарди:

«Ҳа, айтгандек, нимада тўхтаб эдим? – Ҳа, ҳаётни азобу уқубатдан иборат қилиб қўймайдиган бирон чора ўйлаб тополмаслигим, ҳаммамиз фақат азобу уқубат кўриш учунгина дунёга келганимиз, буни ҳаммамиз била туриб, яна ўзимизни алдаш учун ҳар хил баҳоналар ўйлаб чиқаришимиз устидан тўхтаб эдим. Ҳақиқатни кўрганингда нима ҳам қила оласан!»

Аннанинг рўпарасида ўтирган хоним французча-лаб: – Ақл инсонга ўзини безовта қилаётган нарсалардан қутулиш йўлини топиш учун берилган, – деди; кейин топган бу гапидан хурсанд бўлди шекли, башарасини буриб тамшаниб қўйди.

Бу сўзлар Аннанинг миясига келган ўйларга жавобдай бўлиб тушди.

«Безовта қилаётган нарсалардан қутулиш», – деб такрорлади Анна. Сўнг, қизил юз эр билан унинг озғин хотинига қараб, бу дардман хотин ўзини тушунилмаган хотин ҳисоблаганини, эри алдашини ва хотинидаги бу тушунчани қувватлаб келишни пайқади. Анна уларнинг ўтмишини, юракларининг хилват жойларини худди чироқ тутиб кўргандай бўлди. Лекин бу ерда қизиқадиган нарсалар бўлмаганидан ўз ўйларини давом қилдирди.

«Ҳа, бу нарса мени жуда безовта қилади, ақл эса шу безовталиқдан қутулиш учун берилган; демак, қутулиш керак. Қарайдиган нарсанг бўлмагандан кейин, буларнинг ҳаммаси разил, паст нарсалар бўлгандан кейин нима учун шамни ўчирмаслик керак? Лекин қандай қилиб? Бу кондуктор нега ходалар устидан югуриб ўтди, нариги вагондаги ёшлар нега қичқаришади? Нега гаплашишади, нега кулишади? Ҳамма нарса ноҳақ, ҳамма нарса ёлғон, ҳамма нарса алдов, ҳамма нарса ёвузликдан иборат!..»

Поезд станцияга келганда, Анна бошқа йўловчилар билан бирга ташқарига чиқди-да, худди моховлардан қочгандек, улардан қочиб, платформага бориб турди; у бу ерга нима учун келганини эслашга ҳаракат қилди. Илгарилари ўзига иложи бор бўлиб кўринган нарсалар энди ақлига ҳеч сирмас, айниқса ўзини тинч қўймаётган бу бадбуруш одамлар оломонининг шовқин-суронида буни тушуна олмасди. Гоҳ ҳаммоллар ёнига югуриб келишиб, хизматларини таклиф қилишади: гоҳ ёшлар пошналарини

платформа тахталарида дукурлатиб ўтишади, баланд овоз билан гаплашиб унга қарашади; гоҳ рўпа-радан келаётган одамлар йўл бераман деб урилиб кетишади. Анна, жавоб келмаган бўлса, яна нари кетишини эслади-да, ҳаммолардан бирини тўхтатиб Вронскийга хат олиб борган кучер шу ерда-ми-йўқлигини сўради.

– Граф Вронский? Улар юборган одам ҳозиргина шу ерда эди. Княгиня Сорокина билан қизини кутиб олишди. Кучернинг башараси қанақа?

Анна ҳаммол билан гаплашиб турганда, келишган кўк камзул кийиб, соатининг занжирини осилтириб олган қизил юз, хушчақчақ кучер Михайло келиб хатни берди; у топшириқни шундай яхши бажарганидан мағрур қўринарди. Анна конвертни очди, ўқимасдан аввал юраги дукурлаб ура бошлади.

Вронский парвосизлик билан шу сўзларни ёзган эди:

•Кўп афсуски, хат менга вақтида етиб келмади.

Соат ўнда бўламан•.

•Шундор! Мен буни кутган эдим!• – деди Анна ўзига ўзи заҳарханда қилиб.

Анна Михайлога қараб паст овоз билан:

– Хўп, сен уйга кетавер, – деди. У шунинг учун паст овоз билан гапирдики, юрагининг потирлаб уриши нафас олишига халақит бераётган эди. Кейин унга ҳам эмас, ўзига ҳам эмас, балки ўзини азоб чекишга мажбур қилувчига таҳдид билан мурожаат қилиб: •Йўқ, ўзимни сенга азоблантириб қўймайман!• – деди-ю, станция ёнидаги платформа билан юриб кетди.

Платформада юрган иккига оқсоч қиз, бошларини орқага ўтириб, Аннага қарашди-да, унинг эғнидаги кийимидан гапиришди. Аннанинг устидаги кружевани кўриб. •Асл кружева экан•, – дейишди. Йигитлар Аннани ҳоли-жонига қўйишмас эди. Улар яна Аннанинг юзига қараб кулишди, райриабний бир овоз билан қичқиришиб, ёнидан ўтиб кетишди. Станция

бошлиғи ҳам кетаётиб, Аннанинг кетиш-кетмаслиғи-ни сўради. Квас сотиб юрган бола кўзларини Аннадан олмас эди. Анна платформа бўйлаб ҳамон узоқлашиб борар эди. «Ё раббий, қаерга бораман?» – деб ўйлади. Платформанинг охирига етиб тўхтади. Кўзойнакли бир жанобни кутгани чиққан хонимлар билан болалар ёнига етганда, улар кулгиларини ҳам, гапларини ҳам тўхтатиб, Аннага қараб қолишди. Анна одимини тезлатиб улар ёнидан узоқлашди; энди платформанинг четига етиб қолди. Шу пайт юк поезде келаверди. Платформа титрай бошлади. Аннага ўзи яна поездда кетаётган бўлиб кўринди.

Вронский билан биринчи марта учрашганида поезд босиб кетган одам шу он бирдан эсига тушди-ю, нима қилиш кераклиғи миясига келди. Водокачкадан рельсларга тушиладиган пиллапоялардан шахдам, енгил одимлар билан тушиб, ўзининг қоқ ёнидан ўтиб бораётган поездга тақалиб келиб тўхтади. Анна вагонларнинг тагига, винтларига, занжирларига ва биринчи вагоннинг секин-секин филдираб бораётган катта чўян филдиракларига қараб, олдинги филдирак билан орқадагисининг ўртасини, бу ўрта нуқта ўзига қачон етиб келишини кўзлари билан чамалаб турди.

Анна вагон соясига, шпаллар устига тўкилган кўмир аралаш қумга қараб: «Ўша ерга! – деди ўзига, – ўша ерга, филдиракларнинг ўртасига, ана шунда уни ҳам жазолайман, ҳаммадан ҳам, ўзимдан ҳам қутуламан».

Анна биринчи вагоннинг қоқ ўртасига ўзини ташламоқчи бўлди, лекин қўлидан чиқара бошлаган қизил халтаси халақит бериб, кечикиб қолди: ўрта нуқта ўтиб кетди. Энди кейинги вагонни кутиш керак бўлди. Одам чўмилагани бориб, ўзини сувга ташлашга тайёрланиб турган пайтда юрагида уйғонадиган ҳисга ўхшаш бир ҳис Аннани

қамраб олди. У чўқиниб олди. Чўқинар экан, одат бўлиб кетган ҳаракатлар қалбида қизлик ва болалик чоғларининг бир қатор хотираларини уйғотди; ана шунда ҳамма нарсани унинг кўзларидан яшириб турган зулмат пардаси бирдан парчаланди, ҳаёт ўзининг ўтмишидаги порлоқ шодиёналари билан бир зумгина кўз ўнгида гавдаланди. Лекин у яқинлашиб келаётган иккинчи вагоннинг филдиракларидан кўзларини олмаган эди. Орқа-олдин филдиракларнинг қоқ ўрта нуқтаси тенглашган пайтда қизил халтачасини ирғитиб, бошини елкалари ичига олди-ю, ўзини вагон тагига ташлади, қўлларини ерга тираб, дарҳол туриб кетгиси келгандек, енгил ҳаракат билан тиз чўкиб олди. Худди шу он қилиб қўйган ишидан даҳшатга келиб: «Қаердаман? Нима қилиб қўйдим? Нима учун?» – деб Анна турмоқчи, ўзини орқага ташламоқчи бўлди; лекин алақандай баҳайбат, омон бермайдиган бир нарса келиб бошига урилади, орқасидан туртиб юбориб, судраб кетди. Анна курашнинг ортиқ иложи қолмаганини сезиб: «ё раббий, ўзинг кечир гуноҳларимни!» – деди. Мужик алланималар деб тўнғиллаб, темир устида ишларди. Шуъласида ҳаяжон, алдов, алам, ёвузлик тўла китобни ўқиган шам ҳар вақтдагидан ҳам баландроқ лопиллаб ёнди, илгари зулмат ичида қолиб келган нарсаларни Аннага ёритиб кўрсатди, чирсиллаб сўна бошлади ва охири абадий сўнди.

САККИЗИНЧИ ҚИСМ

I

Орадан қарийб икки ой ўтиб кетди. Саратон ҳам ярим бўлиб қолди, Сергей Иванович эса Москвадан жўнаш тараддудини энди кўра бошлади.

Бу муддат ичида Сергей Ивановичнинг ҳаётида баъзи ҳодисалар рўй берди. Олти йиллик меҳнатнинг самараси бўлган ва «Европа билан Россияда давлат тузумининг асослари ҳамда шакларини кўздан кечириш тажрибаси» деб аталган китобини тугатганига ҳам бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу китобнинг баъзи бўлимлари ва кириш сўзи вақтли нашриётда босилгани ҳамда қолган қисмлари Сергей Иванович томонидан ўз доирасига мансуб кишиларга ўқиб берилгани учун бу асарда юритилган фикрлар жамоат учун тамомила янги бир нарса бўла олмасди; шундай бўлса ҳам Сергей Иванович, китобим нашр этилганда жамиятда жиддий таасурот қолдиради, агар фанда бир тўнтариш ясамаганда ҳам, ҳар ҳолда фан оламида кучли ҳаяжон уйғотади, деб умид қиларди.

Бу китоб диққат билан пардозлангандан кейин ўтган йили босилиб, турли нашриётларга юборилган эди.

Сергей Иванович китоби тўғрисида ҳеч кимдан фикр сўрамас, китобнинг қандай тарқалаётганини сўраган дўстларига малол келгандай сохта бир лоқайдлик билан жавоб берар, китобнинг қандай

сотиб олинаётганини ҳам суриштирмас, фақат китобининг жамият ва адабиётда қолдириши мумкин бўлган дастлабки таассуротларини ўткир кўз ва зўр диққат билан кузатиб борарди.

Лекин орадан бир ҳафта ўтди, икки, уч ҳафта ўтди ҳамки, жамиятда ҳеч қандай таассурот аломати кўринмади; унинг мутахассис ва олим дўстлари баъзан китобидан гап очиб қолишар, лекин бу гаплар табиатсозлик учунгина очилгани кўриниб турарди. Бошқа танишлари эса, бу китобнинг илмий мазмунига қизиқмаганликлари учун, Сергей Иванович билан гаплашганларида китобни оризларига ҳам олишмас эди. Ҳозирги пайтда бутунлай бошқа нарса билан машғул бўлган жамиятда тамоман бир лоқайдлик ҳукм суларди. Адабиётда ҳам бир ойдан бери китоб ҳақида лом-мим дейилмади.

Сергей Иванович тақриз ёзишга қанча вақт кетишини бутун икир-чикирларигача ҳисоблаб чиқди, лекин мўлжалидан бир ой, икки ой ўтиб кетди-ю, бу хусусда ҳеч ким ориз очмади.

Фақат «Шимол кўнғизи» номи журналда, овози йўқолган ашулачи Дарбантини ҳажв қилиб ёзилган фельетонда, Қознишевнинг китоби тўғрисида йўл-йўлакай бир неча ҳақоратомуз сўз айтилган эди; бу сўзлар Сергей Ивановичнинг китоби аллақачон омма томонидан қораланиб, умум масхарасига сабаб бўлганини кўрсатарди.

Ниҳоят, учинчи ойга келиб бир жиддий журналда танқидий мақола чиқди. Сергей Иванович мақола муаллифини танир эди. Уни бир қур Голубцовникида кўрган эди.

Мақола муаллифи жуда ёш ва нўноқ фельетончи бўлишига қарамай, қалами роят ўткир эди-ю, лекин маълумоти ҳаддан ташқари оз бўлиши устига, шахсий муносабатларда юраксиз ҳам эди.

Сергей Иванович мақола муаллифидан қаттиқ нафратланганига қарамай, мақолани том бир ҳурмат билан ўқишга киришди. Мақола даҳшатли эди.

Фельетончи китобни бошдан-оёқ тескари тушунган бўлса керак. Шундай бўлса ҳам у китобдан жуда усталик билан мисоллар келтирган; бу мисоллар китобини ўқимаганларга (китобни қарийб ҳеч ким ўқимаган бўлса керак) унинг баландпарвоз сўзлар, шунда ҳам ноўрин ишлатилган (буни қўйиб кетилган савол аломатлари кўрсатиб турарди) иборалар йиғиндисидан бошқа нарса эмаслигини, китоб муаллифининг бутунлай авом эканлигини равшан кўрсатар эди. Бу мақола шу қадар ўткир сўзлар билан ёзилган эдики, Сергей Ивановичнинг ўзи ҳам бундай ўткир сўзларни жон деб ишлатар эди, даҳшатли томони ҳам худди шунда эди.

Сергей Иванович тақризчи келтирган далилларнинг тўғрилигини инсоф билан текшириб чиққан бўлса ҳам, масхара қилинган бу нуқсон ва камчиликлар устида бир зум ҳам тўхтамади (чунки бу нуқсон ва камчиликлар жўрттага танлаб олингани ниҳоятда равшан эди), балки мақола муаллифи билан қандай кўришиб, қандай гаплашганини бутун икир-чикиригача дарҳол эслашга ўтирди. Сергей Иванович: «Бирон тўғрида кўнглига қаттиқ тегмабмидим экан?» – деб ўз-ўзидан сўради.

Сергей Иванович бу йигитнинг саводсизларча ишлатган бир сўзини тузатиб қўйганини эслади-ю, мақоланинг маъносига дарров тушуниб олди.

Бу мақоладан кейин китоб ҳақида матбуотда ҳам, оғизларда ҳам бир калима бўлсин сўз айтилмади; шундан кейин Сергей Иванович олти йил ўтириб шу қадар иштиёқ ва оғир меҳнат билан ёзилган асарнинг ному нишонсиз бўлиб кетганини кўрди.

Китобни ёзиб битиргандан сўнг, илгарилари вақтининг кўпроқ қисмини банд қилиб келган каби-

нет иши тугаб қолган эди, бу ҳол Сергей Ивановичнинг аҳволини беш баттар оғирлаштириб қўйди.

Сергей Иванович ақлли, билимли, соғлом, фаол одам эди, энди бутун куч-райратини қаерга сарф қилишни билмасди. Меҳмонхоналарда, қурултойларда, мажлисларда, қўмиталарда ва гапириш мумкин бўлган ерларнинг ҳаммасида қилинадиган гап-сўзлар вақтнинг фақат бир қисминигина оларди; лекин у, кўп вақт шаҳарда яшаган бир киши бўлгани учун, Москвага келгач, бутун умрини гап-сухбатлар билан ўтказган тажрибасиз укасига ўхшаб бутун вақтининг гап-сўз билан ўтишига йўл қўймас эди, шу сабабли Сергей Ивановичнинг бўш фурсати ҳам, ақлий кучи ҳам кўп эди.

Китоби муваффақиятсизликка учрагани орқасида аҳволи оғир бўлиб қолган кунларида, бахтига, райридинлар, америкалик дўстлар, Самарадаги очарчилик, кўргазмалар, спиритизм¹ масалалари ўрнини авваллари устини кул босиб ётган славянлар масаласи эгаллади-ю, Сергей Иванович, илгарилари ҳам бу масалани қўзғовчилардан бири бўлгани учун, бутун боши билан шу масалага шўнғиб кетди.

Шу кунлари Сергей Иванович мансуб бўлган муҳитда славян масаласи-ю, Сербия урушидан бошқа ҳеч нарса оғизга олинмас ҳам, ёзилмас ҳам эди. Бекорчилар одатда вақтларини ўтказиш учунгина қиладиган нарсалар ўрнини энди славянлар масаласи банд қилди. Баллар, концертлар, зиёфатлар, ўтиришлар, хотинлар безаги, пиво, майхоналар – ҳаммаси славянларга ҳусни таважжуҳ кўрсатилаётгандан дарак берарди.

Бу тўғрида айтилган ва ёзилган нарсаларнинг кўпчилигига Сергей Иванович қўшилмасди. У славян масаласининг ҳам жамиятни машғул қилган

¹ Арвоҳлар билан сўзлашиш мумкин деган бемаъни даъвога ишонилар. (Тарж.)

навбатдаги эрмаклардан бири бўлиб қолганини кўриб турарди; бу иш билан машғул бўлган одамлар орасида тамагирлар, шуҳратпарастлар кўплигини ҳам кўриб турарди. У газеталар ўзларини кўрсатиш ва бошқаларни сояда қолдириш мақсадидагина жуда кўп лузумсиз ва маҳоватли нарсаларни босаётганларига ҳам тан берарди. Толеи келишмаган, хафа қилинган одамлар, армияси йўқ бош кўмондонлар, министрлик маҳкамаси бўлмаган министрлар, журнали йўқ журналистлар, партизанлари йўқ партия раҳбарлари, бу умумий ижтимоий кўзғалишда оддинга отилиб чиқиб, бошқалардан қаттиқроқ қичқираётганларини кўриб турарди. Бу масалада енгилтаклик ва кулгили нарсалар кўплигини ҳам кўриб турар, лекин жамият синфларини шубҳасиз бирлаштираётган умумий руҳий кўтаринкиликни ҳам кўриб, бунга тан берарди, чунки бунга хайрихоҳ бўлмасликнинг иложи йўқ эди. Диндош ва қариндош славянларнинг қиринга учраётганлиги ситамдийдаларга хайрихоҳлик, зolimларга эса нафрат ҳислари уйротарди. Улуғ иш йўлида курашаётган серблар билан қораторликларнинг қаҳрамонликлари бутун халқда биродарларига қуруқ сўз билан эмас, амалий иш билан ёрдам қилиш истагини туғдирди.

Айни замонда Сергей Ивановични хурсанд қилган яна бир нарсаси – афкор оммада туғилаётган фикрлар эди. Жамоат ўз тилагини аниқ баён қилмоқда эди. Сергей Иванович айтганидек, халқ руҳи ўз ифодасини топган эди. Сергей Иванович бу иш билан шуғулланган сари унга бу ишнинг яна ҳам кенгайиши ва бутун бир даврни ташкил этиши лозимлиги шунчалик равшан бўлди.

У бутун борлигини бу улуғ хизматга баришлаб китобини хаёлига ҳам келтирмай қўйди.

Энди унинг буш вақти йўқ эди, шу сабабдан келаётган хатларга, қилинаётган талабларга жавоб беришга улгурмай қолди.

Сергей Иванович бутун баҳори билан ёзининг бир қисмини иш билан ўтказиб, фақат июль ойидагина қишлоққа, укасининг ёнига кетиш ҳаракатига тушди.

У қишлоққа икки ҳафтагина дам олгани ва энг табаррук ер бўлган хиват қишлоқда халқ руҳининг кўтарилиш манзараларини томоша қилгани бораётган эди; чунки унинг ўзи ҳам, пойтахт ва шаҳар аҳолиси ҳам бу кўтаринкиликка амин эди. Катавасов ҳам кўпдан бери Левинникига бориш тўғрисидаги ваъдасини бажариш хаёлида юрарди; у ҳам Сергей Иванович билан бирга жўнади.

II

Курск темир йўл станцияси бугун тирбанд эди; Сергей Иванович Катавасов билан станцияга келиб каретадан тушди-ю, орқасида юк билан келаётган хизматкорига қарашга улгурмай, тўртта извошда кўнгилилар келиб қолишди. Хонимлар уларни гулдасталар билан кутиб олишди, орқаларида ёпирилиб келаётган оломон билан бирликда станцияга киришди.

Кўнгилиларни кутиб олган хонимлардан бири залдан чиқиб, Сергей Ивановичдан французчалаб:

– Сиз ҳам кузатгани келдингизми? – деб сўради.

– Йўқ, княгиня, мен ўзим кетяпман. Укамникида дам олмоқчиман. Сиз ҳамма вақт одамларни уза-тиб турасизми? – деди Сергей Иванович, мийиғида кулиб.

– На чора, иложи йўқ, – деб жавоб берди княгиня.

– Биздан ҳам саккиз юз киши кетди, дейишди, ростми? Мен шундай десам, Мальвинский ишонмаяпти.

– Саккиз юздан ортиқ. Агар тўғридан-тўғри Москвадан юборилмаганлар ҳам ҳисобга олинса, мингдан ортиб кетади, – деди Сергей Иванович.

Хоним суюниб:

– Яшанг, мен ҳам шундай дегандим! Ҳозирча бир миллион сўмгача иона йиғилибди, тўғримми? – деди.

– Кўпроқ, княгиня.

– Бутунги телеграммани қаранг-а! Туркларни яна тор-мор қилишибди.

– Ҳа, ўқидим, – деди Сергей Иванович. Улар сўнги телеграмма хабарларидан гаплашишди; бу телеграммалар ҳамма пунктларда турклар уч кундан бери сурункасига мағлубиятга учраб қочаётганларини, эртага ҳал қилувчи жанг бўлиши кутилаётганини билдирарди.

– Ҳа, айтмоқчи, чиройли бир йигит кўнгилли бўлиб кетишни хоҳлаб илтимос қилувди, билмайман, нима учундир ишқал чиқариб туришибди. Мен уни танийман, сиздан илтимос қилмоқчи эдим, кам бўлманг, икки энли хат ёзиб берсангиз. Уни графиня Лидия Ивановна юборибди.

Сергей Иванович кўнгилли бўлиб кетишни хоҳлаган йигит тўғрисида княгиня билган нарсаларни ипидан игнасигача суриштириб билгандан сўнг, биринчи класс залига кирди-да, бу ишга мутасадди бўлган кишига хат ёзиб, княгиняга берди.

Сергей Иванович княгиняни яна топиб, хатни бераётганда, княгиня тантанали ва чуқур маъноли бир табассум билан жилмайиб:

– Биласизми, машҳур граф Вронский... шу поездда кетяпти, – деди.

– Унинг ҳам кетаётганини эшитган эдим, лекин қачон кетишини билмасдим. Шу поездда эканми?

– Ҳа, мен кўрдим. Шу ерда; фақат онаси кузатиб боряпти. Ҳар ҳолда шундай қилгани маъқулроқ.

– О, албатта.

Булар гаплашиб турган пайтда, оломон ёнларидан ўтиб, овқат столига ёпирилиб борди. Булар ҳам яқинроқ боришди ва қўлида қадаҳ билан кўнгилиларга қараб нутқ сўзлаётган бир жанобнинг баланд овозини эшитишди. «Динимиз учун, инсоният учун, оға-иниларимиз учун фидойи бўлайлик! – дея жаноб ҳамон овозини кўтариб гапирар эди. – Она Москваниз фотиҳа бериб, сизларни улуғ ишга юборяпти. Омон бўлинглар!» деди у сўзининг охирида баланд овоз билан, йиғламсираб.

Ҳамма: «Омон бўлинглар!» деб қичқирди; шундан кейин яна янги оломон залга ёпирилиб кириб, оз бўлмаса княгиняни йиқитиб юбораёзди.

Степан Аркадьич бирдан оломон орасида пайдо бўлиб қолди; у шодиёна бир табассум билан:

– Э, княгиня, қалай? – деди. – Жуда ширин, иссиқ гап қилди, а, тўғрими? Офарин! Ия, Сергей Иванович ҳам шу ерда-ку! Сиз ҳам ўз томонингиздан бир неча ориз сўз айтсангиз, биласизми, руҳни кўтарадиган сўз айтсангиз чакки бўлмасди. – Кейин Степан Аркадьич, Сергей Ивановични қўлидан ушлаб секин ўзига тортди-ю, нозик, эҳтиётли бир ҳурмат билан кулимсираб, гапига қўшиб қўйди: – Сиз гапни жуда қотирасиз.

– Йўқ, бўлмайди, ҳозир кетяпман.

– Йўл бўлсин?

– Қишлоққа, укамнинг олдига, – деб жавоб берди Сергей Иванович.

– Ундай бўлса хотинимни кўрар экансиз. Ўзим ҳам хат ёзиб юбордим-у, лекин сиз олдин кўрасиз: мени кўрганингизни all right¹ эканини айтиб қўйинг, барака топкур. Ўзи тушунади. Ҳа, айтмоқчи, бунисини ҳам айтиб қўярсиз, барака топкур, мени бирлашган... комиссияга аъзо қилиб тайинлашди. Ҳа, ҳа, ўзи тушунади. Биласизми, les petites miseres

¹ ишлар жойида (ингл.).

de la vie humaine¹, – деди у, худди узр сўраётгандек, графиняга мурожаат қилиб. – Мягкая эса (Лиза эмас, Бибиш) мингта милтиқ, ўн иккита ҳамшира юборяпти. Айтмовдимми сизга?

– Ҳа, эшитдим, – деб қўя қолди Кознишев, малол келгандек.

– Аттанг, йўлга чиқиб қолибсиз-да, – деди Степан Аркадьич. – Кўнгилли бўлиб кетаётганлардан иккитасига, петербурглик Димер-Бартнянский билан ўзимизнинг Гриша Веселовскийга эртага зиёфат беряпмиз. Иккови ҳам кетяпти. Веселовский яқинда уйланувди. Азамат йигит-да! Шундай эмасми, княгиня? – деб хонимдан сўради.

Княгиня жавоб бермай Кознишевга қаради. Лекин княгиня билан Сергей Иванович ўзидан қутулгилари келиб тургандек кўринишса ҳам, бу нарса Степан Аркадьични хижолат қилмади. У кулимсираб гоҳ княгинянинг шляпасидаги патга, гоҳ бир нарса эсига тушгандек теварагига қараб-қараб қўярди. Қўлида кружка билан ёнларидан ўтиб кетаётган хонимни чақириб, кружкага беш сўмлик қороз пул солиб қўйди.

– Пулим борида бу кружкаларга лоқайд қараб туролмайман, – деди. – Бутунги телеграмма хабарлари зўр-а? Баракалла, азамат қораторликлар!

Княгиня Вронскийнинг шу поездда кетаётганини айтганда, Степан Аркадьич:

– Ростдан-а! – деб қичқириб юборди. Степан Аркадьичнинг юзида бир зумгина қайғу кўринди, лекин биргина дақиқадан кейин ҳар қадамида силкиниб, бакенбардларини тузага-тузата Вронский ўтирган хонага кирганда, Степан Аркадьич сингисининг жасади устида фарёд кўтариб йиғлагани-

¹ инсон ҳаётида бўладиган майда-чуйда таъби хиралик (франц.)

ни бутунлай унутди-ю, Вронскийни бир қаҳрамон, кадрдон дўст каби қаршилади.

Облонский улар ёнидан кетар-кетмас, княгиня Сергей Ивоновичга:

– Ҳар қанча камчилиги бўлса ҳам, ҳар ҳолда тақдирлаш керак, – деди. – Чинакам рус табиатли, славян табиатли киши! Фақат уни кўрса, Вронскийнинг таъби хира бўлармикан, деб кўрқаман. Нима десангиз ҳам бу одамнинг кўрганларини ўйласам кўнглим бузилиб кетади. Йўлда бир гаплашиб кўринг.

– Ҳўп, тўғри келса гаплашармиз.

– Мен уни ҳеч қачон ёқтирган эмасман. Лекин бу ҳаракати ҳар қанча гуноҳи бўлса ювиб кетади. Бир узигина кетмай, ўз ҳисобидан бутун бир эскадронни ҳам олиб кетяпти.

– Ҳа, эшитдим.

Занг урилди. Ҳамма эшикка қараб югурди.

Княгиня эғнида узун пальто, бошида сербар ҳошияли қора шляпа билан онасини қўлтиғидан олиб келаётган Вронскийга ишорат қилиб:

– Ана ўзи! – деди.

Облонский унинг ёнида нима тўғрисидадир ҳаяжонланиб гапириб борарди.

Вронский, Степан Аркадьичнинг гапини худди эшитмаётгандек, қовоқларини солиб, рўпарасига қараб олган эди.

Облонскийнинг ишораси билан бўлса керак, Вронский княгиня билан Сергей Иванович турган томонга қараб индамасдан шляпасини кўтариб қўйди. Қариган, изтироб аломатлари буртиб турган юзи худди тошдай қотиб қолгандек мўринарди.

Платформага чиқишгандан сўнг, Вронский онасини индамай олдинга ўтказиб юбориб, ўзи вагонга кириб қойиб бўлди.

Платформада: «Худоё, подшоҳимни ўзинг асра!»;
сўнгра: «Урра! Омон бўлинглар!» деган садолар янгради. Кўнгиллилардан бири, бўйи новча, кўкраги ичига чўккан ёш бир йигит кигиз шляпаси билан гулдастасини боши устида силкитиб таъзим қиларди. Унинг орқасидан фуражкеси мой босган, соқоли кўкраги билан битта бўлиб турган катта бошлик бир киши билан яна иккита офицер ҳам чиқиб таъзим қилди...

Ш

Сергей Иванович княгиня билан хайрлашди-ю, шу он ёнига келган Катавасов иккаласи одам билан лиқ тўла вагонга киргандан сўнг поезд юриб кетди.

Царицин станциясида поездни ёшлар «Сенга шону шарафлар бўлсин!» деган ашула билан кутиб олишди; ашулани жуда келиштириб, хор бўлиб айтишди. Кўнгиллилар яна вагонлардан бошларини чиқариб таъзим қилишди, Сергей Иванович бўлса яна уларга эътибор қилмади; Сергей Иванович, кўнгиллиларга иши кўп тушгани ва уларнинг умумий башарасини яхши билгани учун, ҳеч қизиқмас эди. Катавасов бўлса, ўзининг илмий ишлари ваҳждан кўнгиллиларни томоша қилишга вақт тополмагани учун уларга жуда қизиқар, Сергей Ивановичдан уларнинг таърифини сўрарди.

Сергей Иванович унга иккинчи класс вагонига бориб кўнгиллиларнинг ўзлари билан гаплашиб кўришни маслаҳат этди. Кейинги станцияда Катавасов бу маслаҳатни бажо келтирди.

Поезд тўхтаганда, Катавасов иккинчи класс вагонга ўтиб, кўнгиллилар билан танишди. Улар ва-

¹ Чор Россиясининг давлат гимни шу сўзлар билан бошланарди. (Тарж.)

гон бурчагида баланд овоз билан гаплашиб ўтиришар, йўловчиларнинг, ҳозир кириб келган Катавасовнинг эътибори ўзларида эканини билишгани юзларидан сезилиб турарди. Кўкраги ботиқ новча йигит ҳаммадан ҳам қаттиқроқ гапирарди. У маст эди шекилли, ўзларининг идорасида бўлиб ўтган бир воқеани гапириб бераётган эди. Рўпарасида Австрия гвардиясининг ҳарбий кийимини кийган, ёши анчага бориб қолган бир офицер ўтирган эди. У ҳикояга кулимсираб ўтириб қулоқ солар, ора-сира гапни кесиб-кесиб қўярди. Тўпчи мундири кийган учинчи кўнгилли улар ёнидаги жомадонда ўтирар, тўртинчиси эса ухлаб ётарди.

Катавасов новча йигит билан гаплашиб, унинг йигирма икки ёшига қадар каттакон давлатини совурган москвалик бадавлат бир савдогар эканлигини билиб олди. У эркалаб, пўпалаб ўстирилганлиги, саломатлигининг заифлиги учун Катавасовга ёқмади; у кайф қилиб олган, ҳозирги пайтда ўзини қаҳрамонларча ҳаракат қиляпман деб ўйласа керак, куракда турмайдиган гапларни айтиб мақтаниб ўтирар эди.

Истеъфодаги иккинчи офицер ҳам Катавасовда ёмон таассурот қолдирди. Бу кишининг қилмаган иши, кирмаган кўчаси қолмаган кўринарди. Темир йўлда ҳам ишлабди, мудир ҳам бўлибди, фабрикаси ҳам бўлибди; ҳамма нарсани гапирар, лужумсиз-ўринсиз илмий сўзлар ишлатарди.

Кўнгиллиларнинг учинчиси, яъни тўпчи, аксинча, Катавасовга жуда ёқиб қолди. У камтар, камсухан одам эди; афтидан, истеъфодаги гвардиячининг билимига, савдогарнинг эса қаҳрамонларча фидокорлигига қойил қолиб, ўзи тўртинчисида бир оғиз ҳам гапирмай ўтирарди. Катавасов ундан Сербияга нима мақсадда кетаётганини сўраганда, у камтарлик билан.

– Нима қилай, ҳамма кетяпти. Сербларга ҳам ёрдам қилиш керак-да. Одамнинг юраги ачишар экан, – деди.

– Тўғри, у ерда айниқса сиздақа тўпчилар кам, – деди Катавасов.

– Мен артиллерияда жуда оз хизмат қилганман-да; ким билади, балки мени пиёдалар ёки отлиқлар қисмига тайин этишар.

Катавасов тўпчининг ёшига разм солиб, мартабаси анча юқори бўлиши кераклигини ўйлади, кейин:

– Нимага пиёдалар қисмига тайинлашади, ҳаммадан ҳам кўпроқ тўпчиларга эҳтиёж бор-ку? – деди.

– Мен артиллерияда оз хизмат қилганман, ўзим истеъфога чиққан юнкерман, – деди-ю тўпчи, имтиҳон беролмаганининг сабабини тушунтира кетди.

Бу нарсаларнинг ҳаммаси Катавасовда ёмон таъсир қолдирди; кўнгиллилар станцияга ичгани чиқишганда, Катавасов бирон киши билан гаплашиб, ўзидаги ёмон таассуротни текшириб кўрмоқчи бўлди. Ҳарбий кийим кийган бир чол Катавасовнинг кўнгиллилар билан қилган суҳбати асносида қулоқ солиб ўтирган эди. Катавасов шу чол билан холи қолгандан кейин унга мурожаат қилди.

У ўз фикрини айтиш, шу билан бирга чолнинг ҳам фикрини билиш учун дудмал қилиб:

– Ўша ёққа кетаётганлар ичида ҳар хил одамлар бор экан, – деди.

Чол икки урушни кўрган ҳарбий киши эди. У ҳарбий кишининг қандай бўлишини биларди, шунинг учун бу жанобларни қиёфалари ва гапларидан, йўлда фляжкани кўтариб оғизларига тутишларидан уларни яхши аскарлар деб ҳисобламасди. Бундан ташқари, чол уезд шахрининг аҳолисидан бўлгани учун ўз шаҳарларида ҳеч ким ишга олмаган

бир ароққўр, ўғри, муддатидан ошиқ хизмат қилган солдатнинг ҳам кетаётганини ҳикоя қилиб бермоқчи бўлди. Лекин жамиятнинг ҳозирги аҳволи руҳиясига кўра жамоатга қарши бирон фикр айтиш, айниқса кўнгиллиларни қоралаш хавфли эканини ўз тажрибасидан билгани учун, чол ҳам Катавасовга зимдан қараб ўтираверди. Кейин кўзлари билан кулимсираб туриб:

– На чора, у ерда одамлар керак-да, – деди. Ана шундан кейин иккаласи сўнгги уруш хабарларидан гапга тушиб кетди. Аммо сўнгги хабарларга кўра, турклар ҳамма пунктларда тор-мор қилинган бўлса, у ҳолда эртага ким билан жанг қилинади, деган иштибоҳларини бир-биридан яшириб қолдилар. Шундай қилиб, иккови ҳам ўз фикрини айтмай, ажрашиб кетди.

Катавасов ўзининг вагонга киргандан кейин олган таассуротини Сергей Ивановичга гапириб туриб, беихтиёр ёлгон сўзлади; гапининг мазмунидан, кўнгиллилар жуда аломат йигитлар эди.

Шаҳарнинг катта станциясида кўнгиллиларни тарин ашулалар ва олқишлар билан кутиб олдилар, яна қўлларида кружка билан иона тўплаб юрган хотинлар, эркаклар кўринди, яна губерниялик хонимлар кўнгиллиларга гулдасталар тутиб, улар билан буфетга бордилар; лекин бу тантаналар Москвадагидан анча заиф, анча кичик эди.

IV

Поезд губерния шаҳрида тўхтаганда, Сергей Иванович буфетга бормаи, платформада қолиб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

У Вронский тушган вагон купеси ёнидан биринчи марта ўтаётганда, деразанинг пардаси тушириб қўйилганини пайқади. Иккинчи марта ўтаётганда

эса қари графинянинг дераза ёнида турганини кўрди. У Кознишевни ёнига чақирди.

– Мана, ўғлимни Курсккача кузатиб кетяпман, – деди графиня.

Сергей Иванович дераза ёнида тўхтаб, унга қаради.

– Ҳа, эшитдим, – деди у. Кейин Вронскийнинг купеда йўқлигини сезиб, гапига қўшиб қўйди: – бу ишти унинг ажойиб фазилатли эканига далил.

– Рост айтасиз, бошига тушган фалокатдан кейин нима ҳам қиларди дейсиз.

– Жуда ёмон ҳодиса бўлди-да! – деди Сергей Иванович.

– Оҳ, тортан азобимни асти сўраманг! Бу ёққа кирсангиз-чи... тортган азобимни асти сўраманг! – деди такрорлаб, Сергей Иванович купега кириб, диванда ёнма-ён ўтирганда. – Одам боласи кўз олдига ҳеч келтиролмайдиган бир фалокат бўлди! Бояқиш олти ҳафтагача ҳеч ким билан гаплашмади, мен ялиниб-ёлвориб, зўрра овқат егизиб турдим. Уни бир зум ҳам ёлғиз қўйиб бўлмай қолди. Ўзини ўлдириши мумкин бўлган ҳамма нарсасини беркитиб ташладик; биз пастки қаватда турганимиз учун бир нима қилиб қўйишини билиш қийин эди. Биласиз-ку, ўша хотиннинг касрига бир марта ўзини отди, – деди графиня; бу воқеани эслаганда, кампирнинг қошлари чимирилиб кетди. – Ҳа, у шундай хотинлар қавлида кетди. Ҳатто, ўлимнинг ҳам энг разил, энг қабиҳини танилади.

Сергей Иванович хўрсиниб:

– Бу хусусда биз бир нима деёлмаймиз, графиня, – деди, – лекин бунинг сиз учун нақадар оғир бўлганлини тушунаман.

– Аҳ, нимасини айтасиз! Мен ўшанда ўзимнинг чорборимда эдим, ўғлим ҳам ўша куни келган эди. Бир вақт хат олиб келишди. У ҳам жавоб ёзиб юбор-

ди. У хотиннинг ёнгинамиздаги станцияда эканидан бизнинг асло хабаримиз йўқ эди. Кечқурун энди ҳужрамга кирувдимки, менинг Мери деган хизматкор қизим станцияда бир хоним ўзини поезд тагига ташлаганини айтиб қолди. Миямга бир нарса урилгандай бўлди! Ўша хотин эканлигини дарров тушундим. Оғзимдан чиққан биринчи сўз шу бўлди: ўғлимга айтманглар, дедим. Лекин аллақачон айтиб қўйишган экан. Кучери ўша ерда экан, ҳаммасини кўрибди. Ҳужрасига чолиб кирсам афти-ангорига қараб бўлмайди, даҳшат! Чурқ этмади. Отига минди-ю, чоптириб кетди. У ерда нима бўлганини билмайман, лекин ўғлимни станциядан олиб келишганда, у мурда эди. Ҳатто мен ҳам таниёлмамай қолдим. Доктор *prostration complete*¹ деди. Кейин бирам қутурдики!

– Ах, нимасини айтай! – деди графиня қўл силтаб. – Бошимизга қўп ёмон кунлар тушди! Йўқ, нима десаңгиз денг, ёмон хотин эди. Ахир одам ҳам шунақа қайсар бўладими? Шу билан ўзининг бошқачалигини исбот қилмоқчи бўлган-да! Ана, исбот қилди ҳам. Ўзини ҳам жувонмарг қилди, ноппа-нозин иккита эркакни – ўзининг эри билан менинг шўрлик боламини ҳам ҳалок қилди.

– Эри нима бўлди? – деб сўради Сергей Иванович.

– Эри хотинининг қизини олдириб кетди. Дастлаб нима деса Алёша ҳаммасига кўнаверди. Мана энди ўз қизини бир бегонага бериб юборгани учун ўзини қўярга жой тополмай юрибди. Лекин ўғлим лафзидан қайтолмайди. Каренин дафн маросимига келганда, уни Алёша билан учраштирмасликка ҳаракат қилдик. Эри учун бу жудолик ҳар ҳолда у қадар оғир эмас. Энди қўл-оёғи бушади. Лекин шўрлик болам ўзини унга фидо қилиб қўйган эди. Шу хотинни деб ҳамма нарсанинг баҳридан ўтган

¹ руҳий тушқунлик (франц.)

– мансабидан ҳам, мендан ҳам кечган эди. Шундай қилса ҳамки, шўрлик ўғлимга ачинмади, бечора боламини тириклайин ўлдирди. Қасддан шундай қилди. Йўқ, нима десангиз денг, у энг ифлос, динсиз хотин қавлида кетди. Худонинг ўзи кечирсин мени, лекин ўғлимнинг ҳалок бўлганини кўрсам, уни нафрат билан тилга олмай туролмайман.

– Хўш, ҳозир аҳволи қалай?

– Худонинг ўзи додимизга етди-ю, Сербия уруши чиқди. Мен бир қари кампирман, бундай нарса-ларга ақлим етмайди, лекин худо додимга етиб, шу урушни чиқарди. Албатта, мен онасиман, шунинг учун кўрқаман: бунинг устига, ce n' est pas tre's bien vu a Peterbourg.¹ Лекин иложи қанча? Унинг кўнглини фақат шу нарсагина кўтариши мумкин эди. Дўсти Яшвин бор-будини қиморга ютқазиб, Сербияга кетмоқчи бўлиб қолибди. Бизникига келиб, уни ҳам йўлдан урди. Ҳозир унинг фикру зикри шу уруш. Умрингиздан барака топинг, уни холи топиб гаплашсангиз, баҳри очилармикан, дейманда. Қай-ғуси кучли. Дард устига чипқон дегандек, бунинг устига тиши ҳам оғриб қолди. Сизни кўрса жуда хурсанд бўлади. Ҳа, шундай қилинг, барака топкур, гаплашинг, у мана бу томонда юрибди.

Сергей Иванович жуда хурсанд бўлганлигини айтиб, поезднинг у томонига ўтди.

V

Вронский шляпасини кўзларигача туширган, қўларини узун пальтосининг чўнтақларига солиб олгани ҳолда платформага уйилиб ташланган юкларнинг кечки қийроқ соясида, худди қафасдаги йиртқич ҳайвондек, йнгирма қадам у ёққа бора-

¹ Петербургда бунга ёмон кўз билан қарашармиш (франц.)

ди-ю, яна чўрт ўтирилиб орқасига қайтади. Сергей Иванович яқинроқ келганда, уни Вронский кўриб турса ҳам, лекин ўзини кўрмаганга солаётгандек туюлди. Бунинг Сергей Иванович учун фарқи йўқ эди. У Вронский билан шахсий ғаразда бўлишни ўзига муносиб кўрмас эди.

Шу дам Вронский Сергей Ивановичнинг назарида улуғ иш қилаётган муҳим бир арбоб эди, шунинг учун Кознишев унинг кўнглини овлашни, унга далда беришни ўзининг бурчи деб билди. У Вронскийга яқинлашди.

Вронский тўхтади, тикилиб қаради, таниганидан кейин эса Сергей Ивановичга бир неча қадам пешвоз юриб бориб, қўлини қаттиқ қисиб кўришди.

– Эҳтимол, мен билан кўришгингиз келмагандир, – деди Сергей Иванович, – лекин сизга бирор фойдам тегмасмикан деган умиддаман.

– Бошқалардан кўра сизни кўрганимда юрагим камроқ қисилади, – деди Вронский. – Мени кечиринг. Ҳаётда мени мамнун қиладиган нарса қолмади.

Сергей Иванович Вронскийнинг азоб чекаётганлиги очиқ-ойдин кўриниб турган юзига тикилиб:

– Тушунаман, шунинг учун ҳам сизга хизматимни таклиф қилмоқчиман, – деди. – Хоҳлайсизми, Ристичга, Миланга хат ёзиб берай?

Вронский унинг галини аранг тушунаётгандек:

– Йўр-е! – деди. – Агар йўқ демасангиз, бирга юрайлик. Вагонлар димиқиб кетди. Хат дедингизми? Йўқ, ташаккур. Ўлиш учун тавсияноманинг кераги йўқ. Балки туркларга шундай бир... – деб, орзининг бир чети билан кулимсиради. Кузлари эса вазаб аралаш изтироб аломатини сақлаб қолди.

– Шундай-у, лекин олдиндан қулори пишиқтириб қўйилган одам билан алоқа қилишингиз, эҳтимол, осонроқ бўлар, ҳар ҳолда, шундай алоқа зарур-ку. Тарин ўзингиз биласиз. Сизнинг бу қарорингизни

эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Ҳозир кўнгиллиларга хужум шундай катта бўляптики, сиздай бир одам жамият кўзида уларнинг обрўларини баланд кўтариб юборади.

– Мен бир одам сифатида шунинг учун яхшиманки, ҳаётнинг мен учун заррача ҳам қиймати йўқ. Лекин жангу жадалда душман сафини ёриб ўтиш ёки ҳалок бўлишим учун менда етарли жисмоний куч бор – бунисини ҳам биламан. Ҳозир менга кераксизгина бўлиб қолган эмас, ҳатто меъдамга ҳам тегиб кетган жонимни қурбон қиладиган жой топигани учун хурсандман. Биронтасига асқатиб қолар ахир бу сабил жон. – Истаган оҳангида гапиришига ҳам халақит бераётган тишининг тинмай лўқиллаб оғришидан Вронскийнинг жаҳли чиқиб, сабрсизлик билан юзини буриштириб қўйди.

– Мен сизга бир каромат қилиб қўяй: худди янгидан турилгандай бўлиб кетасиз, – деди Сергей Иванович кўнгли бузилиб. – Ака-укаларни зулм ва истибдоддан қутқариш ўлишга ҳам, яшашга ҳам арзийдиган улут бир мақсаддир. Худойим сизга ҳам жисмоний, ҳам руҳий қувват ато қилсин, – дея илова қилди, қўлини Вронскийга чўзиб.

Вронский Сергей Ивановичнинг қўлини маҳкам қисди. Кейин сўзларини чертиб-чертиб:

– Ҳа, бир қурол сифатида бирон нарсага яраб қоларман, лекин одам сифатида, мен бир вайронаман, – деди.

Маҳкам тишининг зирқираб оғриб, оғзини сўлакайга тўлдириб қўйганидан гапиришга халақит берарди. У жим бўлиб рельс устида секин-аста сирғаниб келаётган тендер вилдирақларига қараб қолди.

Ана шунда ичини тиндалаган доғу ҳасрат бирдан тиши оғриғини бир зумгина эсдан чиқарттирди. Бошига шўр тушгандан бери кўришаётган таниши билан қилган суҳбати таъсирида ҳамда тендер би-

лан рельсларга кўзи тушганда бирдан Анна, яъни ўзи темир йўл казармасига телбаларча чопиб кирганда Аннадан қолган нарсалар эсига тушиб кетди: яқиндагина ҳаёт жўш уриб турган, энди эса казарма столида, ёту бегоналар кўзида Аннанинг жасади ибосиз бир равишда қонларга беланиб ётарди; соғ қолган чаккалари, гажакли боши, оғир кокиллари орқага ташланган; гўзал чеҳрасида, ярим юмуқ қизғиш лабларида ачинарли, тиниб қолган очиқ кўзларида ваҳимали бир ифода бор эди; бу ифода уришиб қолишганда Вронскийга «Шошманг, ҳали пушаймон бўласиз» деган ўша даҳшатли сўзини айтиб турганга ўхшарди.

Вронский Аннани сўнгги дақиқада хотирасида қолган шафқатсиз-интиқомчи бир хотин сифатида эмас, балки унинг ўзи ҳам биринчи марта станцияда кўрганидаги сингари бахт қидириб, бахт бағишлаб турган меҳрибон, сирли, гўзал Аннани хотирлашга тиришди. У Анна билан ўтган энг ширин дамларини эслашга тиришди, лекин бу дамлар абадий заҳарланган эди. У Аннани фақат тантана қилган, ҳеч кимга лузуми бўлмаган, унутилмас бир афсус-надоматга сабаб бўлган пўписасини ёрига етказган бир аёл сифатида эслар эди. Вронский тишининг оғриғини ортиқ сезмай қолди, томоғига тикилган йиридан юзи буришди.

У платформадаги юклар ёнида икки марта у ёқдан бу ёққа жимгина юрганидан сўнг ўзини қўлга олиб, вазмин тутиб, Сергей Ивановичга мурожаат қилди.

- Кечяги телеграммадан кейин бошқа хабар эшитганингиз йўқми? Ҳа, туркларни учинчи марта марауб қилишибди; лекин эртага узи-кесида зарба бериладиган жанг қилинармиш.

Шундан кейин Миданинг қироа деб ўзлон қилишини, бунинг оқибати жуда хунук бўлиши-

дан гаплашишди-ю иккинчи қўнғироқдан сўнг ажрашиб, вагонларига кириб кетишди.

VI

Сергей Иванович Москвадан қачон чиқишини билмагани учун, укасидан арава юборишини сўраб телеграмма қилмаган эди. Сергей Иванович билан Катавасов станцияда кира қилишган бир тарантасчада, чанг-тўзондан худди ҳабаш сингари қорайиб, Покровскоедаги уйларига соат ўн иккиларда етиб келишганда, Левин уйида йўқ эди, Кити отасию опаси билан балконда ўтирган эди, қайнарасини таниб, кутиб олгани пастга чопиб тушди.

Кити Сергей Ивановичга қўл бергандан сўнг унга пешонасини тутиб:

– Келишингизни хабар қилмаганингизни қаранг, вой, айб эмасми! – деди.

Сергей Иванович:

– Қўяверинг, жуда соз келдик, сизларни ҳам бевовта қилмадик, – деб жавоб берди. – Шундай чанг бўлдимки, сизга қўлимни тегизишга ҳам қўрқмама. Иш билан жуда банд эдим, шунинг учун ҳам қачон жўнашимни билмадим. – Кейин кулимсираб туриб: – Ана холос, дунё равроларидан узоқда, ўзимизнинг роҳатижон гўшамизда маза қилиб ўтирибмиз, денг! – деди. – Мана, ошнализ Федор Васильевич ҳам ахийри жойидан кўзралди.

Катавасов қўлини Китига узатди-да, юзи қоп-қорайиб кетганидан жуда ҳам ялтираб кўринган тишларини кўрсатиб жилмайди-ю, одатдаги ҳазилкашлигини қилиб:

– Лекин мен негр эмасман, ҳозир ювинаман, кейин кўрасиз, келишган одам бўлиб қоламан, – деди.

– Костя жуда хурсанд бўлади. Хуторга кетувди, келадиган вақти ҳам бўлиб қолди.

– Ҳали ҳам хўжалиги билан овора денг. Чиндан ҳам роҳатижон гўша, – деди Катавасов. – Биз эса, шаҳарда Сербия урушидан бўлак ҳеч нимани кўрмаймиз. Хўш, бу масалага ошнам қандай қарайди? Қараши ҳам дейман, бошқачадир?

Кити Сергей Ивановичга бирмунча хижолатпазлик билан қараб:

– Нега энди бошқача бўлсин, – деб жавоб берди. – Бўлмаса Костяга одам юбораман. Ҳа, айтмоқчи, дадам бизникида меҳмон бўлиб турибдилар. Яқинда чет элдан қайтиб келдилар.

Кити Левинга одам юбориш, чанг босган меҳмонларни ювинтириш учун уларнинг бирини кабинетга, иккинчисини эса Долли турган катта хонага олиб бориш, меҳмонларга нонушта тайёрлаш ҳақида буйруқлар бергандан сўнг ҳомиладорлик маҳалида маҳрум бўлган тез юриш ҳуқуқидан фойдаланиб, балконга югуриб чиқиб кетди.

– Сергей Иванович билан профессор Катавасов келибди, – деди Кити.

Князь:

– Уҳ, роса бўрилар эканмиз! – деган эди, Кити отасининг юзидаги масҳара аломатини сезиб, ундан худди бир нимани илтимос қилаётгандек, кулимсираб туриб:

– Йўқ, дада, жуда дилкаш одам, Костя ҳам яхши кўради уни, – деди.

– Мен ҳам ҳеч нима деганим йўқ.

Кити опасига юзланиб:

– Жонгинам, сен уларнинг олдига бор, ўшаларга қара, – деди. – Улар Стивани станцияда кўришибди, саломат эмиш. Мен Митянинг олдига борай, худди ўчакишгандек, эрталабки чойдан бери эмизганим йўқ. Ҳозир уйғониб олиб, тоза йирлаётгандир, – деди-ю Кити, сути ийиганини сезиб, болалар ҳужрасига шошиб кириб кетди.

Кити ҳақиқатан ҳам адашмаган (чақалоқни ҳали сутдан чиқармаган эди), сутнинг ийиганидан бола-си очиққанини тўғри топган эди.

Ҳали болалар хужрасига етмай, чақалогининг қичқираётганини билган эди. Келса, ҳақиқатан ҳам қичқириб йиғлаётган экан. Боласининг овозини эшитиб, қадамини тезлаштирди. Лекин у қанча тез юрса, боласи ҳам шунча қаттиқ чинқирарди. Чақалоқнинг овози яхши, бақувват бўлса ҳам, лекин очиқиб, сабри тутаб қолганини билдирарди.

Кити стулга ўтирди-да, боласини эмизишга тайёрланиб:

– Анча бўлдим йиғлаётганига, доя хола, анча бўлдим? – деб шошиб-пишиб сўради. – Қани-қани, тезроқ бера қолинг менга. Вой хола-ей, мунча ивирсийсиз-а, каллапўшини кейин кийгизарсиз!

Бола очиққанидан ўпкаси тўлиб йиғларди.

Бутун вақтини деярли болалар хужрасида ўтказадиган Агафья Михайловна:

– Онам, ахир бундай қилиб бўлмайди, – деди. – Яхшилаб ўраб-чирмаш керак. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа! – дея овута кетди бола бошида, онасига эътибор ҳам қилмай.

Энага болани олиб бориб берди. Агафья Михайловна эса ийиб кетиб, бола орқасидан келарди. Бола чинқириридан ҳам баландроқ овоз билан:

– Танияпти, танияпти. Худо ҳақи, танияпти, айланай Катерина Александровна, мени танийди! – деярдди.

Аммо Кити Агафья Михайловнанинг сўзларини эшитмас, у ҳам чақалоқ сингари тоқати тоқ бўларди.

Шошиб қолганларидан, иш анчагача ўнголмади. Чақалоқ ўзига керакли жойга эмас, бошқа жойга ёпишар, жаҳли чиқарди.

Чақалоқ бўғилиб, қаттиқ чинқиргандан ва бир неча бор қуруқ ютинганидан сўнг она-бола барава-рига тинчиганини сезиб, иккаласи жимиб қолди.

Кити қўли билан боласини силаб кўриб:

– Бу бечора ҳам терлаб кетибди, – деб пичирлади. Кейин у чақалоқнинг сурилиб тушган каллапўши тагидан, назарида қувлик билан қараб тургандек туюлган кўзларига, бир меъёрда қимирлаб турган бетларига, доирасимон айлантираётган қизил кафтли қўлчасига кўз қирини ташлаб, илова қилди:

– Бу сизни таниётганини қаердан биласиз?

Кити Агафья Михайловна тасдиқига жавоб бериб:

– Бўлмаган гап! Танийдиган бўлса, олдин мени танир эди, – деди кулимсираб.

У шунинг учун кулимсирадики, гарчи тилида танимайди деса ҳам, чақалоқнинг Агафья Михайловнани таниш билан бирга, ҳамма нарсани билиб, тушуниб туришига, сўнгра ҳеч ким билмайдиган яна кўп нарсаларни ҳам билиши, тушунишига, Китининг ўзи ҳам, она бўла туриб, шу нарсаларни фақат унинг шарофати билангина билиб-тушуниб олганига кўнглида тан берар эди. Агафья Михайловна учун, энага учун, бобоси учун, ҳатто отаси учун ҳам Митя ўзига моддий парвариш талаб қиладиган бир тирик жон эди холос; онаси учун эса қачонлардан бери бир қатор руҳий муносабатларни бирга бошидан кечирган маънавий хилқат эди.

– Ҳали уйғонсин, иншоолмоҳ, ўзингиз кўрасиз. Бир мундай қилсам, кўзичогимнинг юзи ёришиб кетади. Баайни офтоб чикдимидейсиз, – деди Агафья Михайловна.

– Бўпти-бўпти, уйғонганда кўрамиз, – деб Кити пичирлади. – Энди борингла, ухлайди.

VII

Агафья Михайловна оёқларининг учида юриб чиқиб кетди; энага эса деразаларнинг пардаларини туширди-да, чақалоқ каравотининг дока паш-

шахонасидаги пашшаларни ва ўзини дераза ойна-
гига ураётган қовоқарини ҳайдаб чиқариб, сўлий
бошлаган оқ қайин шохини қўлига олди-ю, она-бо-
лани елпиб ўтирди.

– Жуда ёмон исиб кетди-да! Худойим ёмғир бер-
сайди, – деди энага.

Кити секин-секин тебраниб ва кўзчаларини дам
очиб, дам юмиб ётган Митянинг борган сари се-
кинроқ қимирлай бошлаган, билаги худди ип билан
бўғиб борлагандек кўринган момик қўлчасини аста-
гина босиб туриб:

– Ҳа-ҳа, жим-м-м... – деди. Бу митти қўл Китининг
тинчини олиб қўйди: у бу қўлчани ўпгиси келар, ле-
кин чақалорини уйротиб қўйишдан кўрқиб, ўпишга
юраги бетламас эди. Митти қўл, ниҳоят қимирлаш-
дан тўхтаб, кўзлар ҳам юмилди. Чақалоқ ўз ишини
давом эттириб, узун ва қайрилма киприкларини
ора-сира кўтарарди-да, ола қоронғида қора кўрин-
ган нам кўзлари билан онасига фақат қараб-қараб
қўярди. Энага ҳам, елпишини тўхтатиб, ухлаб қол-
ган эди. Устки қаватдан қари князнинг гуриллаган
овози ва Катавасовнинг қаҳқаҳаси эшитиларди.

Кити: «Менинг йўғимда суҳбатлари жуда қизиқ
кетди шекилли, – деб ўйланди, – аттанг, Костя уйда
йўқда. Тагин арихонага кириб қолган чиқар. Ҳадеб
ўша ёққа кетавериши одамнинг юрагини қисса ҳам,
майли, мен хурсандман. Унга эрмак бўлади. Ҳозир у
баҳордагидан анча хушчақчақ, яхшироқ бўлиб қолди.

Йўқса қош-қовоғи тушиб, шундай хафа бўлиб
юрардики, аҳволини кўриб, кўрқар эдим. Жуда қи-
зиқ одамда!» – Кити кулимсираб пичирлади.

Кити эрини қийнаган нарсани биларди. Уни эъ-
тиқодсизлиги қийнарди. Агар Китидан: «Эрингиз шу
эътиқодсизлиги билан яшайверса, келажак ҳаёти ҳа-
лок бўлишига ишонасизми?» деб сўрашса, у эрининг
ҳалок бўлишига ишонганини айтар эди: лекин бунга

қарамасдан унинг эътиқодсизлиги Китининг бахтига раҳна сололмасди; Кити эътиқодсиз одам учун нажот йўқлигини тан олса ҳам, дунёда эрининг қалбини ҳамма нарсадан ортиқ севгани учун унинг эътиқодсизлигини ўйлаб қулимсирар, уни ўзича «қизиқ одамда» деб айтар эди.

«Нега у йил ўн икки ой нуқул аллақандай фалсафий китобларни ўқир экан? – деб ўйланади Кити. – Агар бу нарсаларнинг ҳаммаси шу китобларда ёзилган бўлса, у ҳолда буларни тушуниб олади. Агар уларда ёзилган нарсалар ҳақиқат бўлмаса, унда нимага ўқийди? Ўзи: жон деб эътиқод қилардим, дейди. Ундай бўлса нега эътиқод қилмайди? Ё жуда кўп ўйлаганданмикан-а? Кўп ўйлаши эса танҳолигидан, ёлғизлигидан, уззукун ёлғиз, бир ўзи. Биз билан ҳамма нарса тўғрисида гаплашолмайди. Меҳмонлар, айниқса Катавасов бахрини очса керак, деб ўйлайман. Катавасов билан мунозара қилишни яхши кўради», – деб ўйлади-ю, дарҳол фикрида Катавасовни қаерга жойлаш – алоҳидами ёки Сергей Иванович билан бирга жойлаш керакми, деб хаёл қила бошлади. Шунда миясига бир ўй келди; туйқусдан келган бу ўй уни ҳаяжонга солиб сескантириб юборди, ҳатто Митяни ҳам безовта қилди; Митя безовта қилингани учун онасига бир хўмрайиб қараб қўйди. «Қир ювувчи хотин ювган қирларини олиб келмаган бўлса керак, меҳмонларга солинадиган чойшабларнинг ҳаммаси ишдан чиққан. Агар чорасини кўрмасам, Агафья Михайловна Сергей Ивановичга ишлатилган чойшабни солиб қўяди», – деб ўйлади; бу ўй миясига келар-келмас, юзига қон югурди.

Кити: «Ҳа, тайинлайман», – деди кўнглида; кейин бояги ўйларига қайтиб, қандайдир муҳим, маънавий бир нарса устида ўйлаб тагига етолмаганини эслади-да, у нарсанинг нима эканлигини хотирлай бошлади. «Ҳа, Костянинг эътиқодсизлиги», – деб яна қулимсираб эсига олди.

– Хўш, эътиқодсиз бўлса нима! Шталь хонимга ўхшаш диндор бўлгандан ёки чет элда эканимда мен орзу қилган қизларга ўхшаганидан кўра, Костянинг бутун умр шундай қола қолгани маъқул. Йўқ, у риёкорлик қилолмайди».

Левиннинг шу яқинда кўрсатган меҳрибонлиги бирдан кўз ўнгига келди. Бундан икки ҳафта олдин Степан Аркадьич Доллига тавба қилиб хат юборган эди. Степан Аркадьич Доллига ёлвориб, мулкингни сотиб шаъну шарафимни сақлаб қол, қарзларимни тўлаб олай деб сўраган эди. Доллининг дуди осмонга чиқди, эридан нафрати кўзради, ундан жиркана бошлади, гоҳо раҳми келиб, гоҳ ажрашмоқчи, илтимосини қайтармоқчи бўлди, лекин охирида мулкининг бир қисмини сотишга розилик берди. Шу воқеадан кейин эрининг ўйлаб қолганини, кўнглига чизиб қўйган мақсадини қандай қилиб амалга оширишини билмай хижолат бўлиб юрганини, ахйри Доллининг иззати нафсига тегмасдан унга ёрдам қилишнинг бирдан-бир чорасини топганини, Китига мулкининг бир қисмини Доллига беришни таклиф қилганини, бу нарса илгари ўзининг хаёлига келмаганини эслаб, Кити ихтиёрсиз кулимсираб қўйди.

«Шундай бир одамни эътиқодсиз деб бўлади-ми? Шундай қалбга эга бўлган, бировни, ҳатто ёш гўдакни ҳам хафа қилиб қўйишдан кўрқадиган бир одамни-я! Нимаики бўлса бошқаларга бўлсин, дейди. Ўзига ҳеч нимани раво кўрмайди. Сергей Иванович Костяга худди ўзининг гумаштасидек қарайди, Костянинг бурчи шу деб ўйлайди. Опаси ҳам шунақа. Ҳозир Долли ҳам болалари билан унинг қанотига кириб олди. Ҳар кун унинг олдига келиб-кетиб турадиган мужикларни айтмайсизми, Костя гўё уларга хизмат қилишга мажбурдай.

«Ҳа, сен ҳам отангдан ибрат олгин, фақат отангга ўхшаш одам бўлгин», – деди-ю, Кити, Митяни кич-

кинагина бетчасидан ўпгандан кейин энагасига берди.

VIII

Левин ўлим тўшагида ётган меҳрибон акасини кўрганда, биринчи марта ҳаёт ва мамот масалаларига ўзи янги ақида деб атаган нуқтаи назардан, яъни болалик ва ўсмирлик давридаги диний ақидалар ўрнини аста-секин эгаллаб олган янги нуқтаи назардан қараганда (йигирма ёшидан ўттиз тўрт ёшига қадар ўтган даврда шу янги ақидада эди), у ўлимдан кўра ҳаётдан, ҳаётнинг қаердан, нима учун, нима мақсадда пайдо бўлганини, нимадан иборатлигини заррача ҳам билмаганидан кўрқиб кетди. Организм, организмнинг бузилиши, модданинг йўқолмаслиги, кучнинг сақланиш қонуни, тараққиёт каби сўзлар энди унинг илгариги диний эътиқодлари ўрнини олган сўзлар эди. Бу сўзлар ва булар билан алоқадор бўлган тушунчалар ақлий мақсадлар учун жуда бопта сўзлар бўлса ҳам, лекин ҳаёт учун ҳеч нима бермасди; ана шундан кейин Левин иссиқ пўстинини дока кийимга алиштириб олган ва биринчи марта қаҳратон совуқда ўзининг бари бир яланғоч эканига, энди азоб ичида ҳалок бўлиши муқаррарлигига муҳокама йўли билан эмас, балки вужуди билан шак-шубҳасиз ишонган киши аҳволига тушиб қолганини бирдан ҳис қилди.

Левин ҳеч тўррида бош қотирмай, бу ҳақда ўзига ҳисоб ҳам бермай илгаригидек яшаб келган бўлса ҳам, ўша дақиқадан бери ўзининг бу гумроҳлиги учун юрагида бир кўрқув борлигини муттасил сезиб турар эди.

Бундан ташқари, ўзининг эътиқоди, ақидаси деб ҳисоблаган нарсаси, ёлғиз гумроҳлик эмас, шу билан бирга, билиши лозим бўлган нарсасини били-

шига имкон бермайдиган чигал фикрлар эканини ҳам сал-пал сезиб турарди.

Уйланганидан кейинги дастлабки пайтларда ҳис қилган янги, севинч, янги вазифалар бу фикрларни бутунлай бўғиб ташлаган эди; лекин сўнгги вақтларда, хотини кўз ёргандан сўнг Москвада бекор юрган кезларида уни бир масала безовта қила бошлади; бу масала Левинни ҳоли жонига қўймай, ўзининг ҳал этилишини қистар эди.

Левиннинг назарида, бу масала шундан иборат эди: «Агар ўз ҳаётим талаб қилган саволларга насронийлик берган жавоблар мени қаноатлантирмаса, у ҳолда қандай жавоблар қаноатлантиради?» Ана шундан кейин у ўз ақидалари сақланган хазинасини ағдар-тўнтар қилди-ю, лекин бу саволга биронта жавоб эмас, ҳатто жавобга ўхшаган биронта нарса ҳам тополмади.

Левин озик-овқатни ўйинчоқлар ва қурол-аслаҳалар сотиладиган дўкондан қидириб юрган кишига ўхшаб қолган эди.

У энди шуурсиз, ихтиёрсиз бир ҳолда ҳар қандай китобдан, ҳар бир суҳбатдан, ҳар қандай одамдан бу саволларга жавоб қидирарди.

Ўз доирасига мансуб ва ўз ёшидаги одамларнинг кўпчилиги ўзларининг бурунги эътиқодларини Левин сингари янги ақидаларга алмаштириб олишиб, бунда бирон фалокат борлигини кўрмай, бундан тамоман мамнун ва хотиржам бўлиб юришарди; бу эса Левинни ҳамма нарсадан ҳам ортиқ ажаблантирар, таъбини хира қиларди. Шу асосий масаладан бошқа, Левинни қийнаётган бўлак масалалар ҳам бор эди: бу одамлар самимий одамларми? Улар ўзларини жўрттага шу кепатага солиб кўрсатаётганлари йўқми? Ёки ўзининг фикру хаёлини банд қилган саволларга илим-фан берган жавобларни улар ўзидан, яъни Левиндан, бошқача, равшанроқ ту-

шунишадими? Шундай қилиб, Левин бу саволларга жавоб берувчи одамларнинг фикрларини ҳам, китоблардаги баёнларни ҳам тиришиб ўрганиб борди.

Бу саволлар фикру хаёлини банд қила бошлаган пайтлардан бери ахтариб топган нарсаларнинг бири шу бўлдики, ўсмирлик чоғларидаги ва университет доирасидаги хотираларини кавлаштириб боқса, ўша маҳал дин ёшини яшаб бўлди, энди у бутунлай тутади, деган фикрга келиб хато кетган экан. Ҳаётда ўзини яхши тутган, Левинга яқин турган одамларнинг ҳаммаси динга ишонарди. Қари князь ҳам, ўзининг меҳри тушиб қолган Львов ҳам, Сергей Иванович ҳам, ҳамма аёллар ҳам, хотини ҳам, дастлабки болалик чоғларида Левин қандай ишонган бўлса, булар ҳам динга шундай ишонарди, рус халқининг, ўзи ҳурмат қилган бу халқнинг юздан тўқсон тўққизи ҳам худога сирғинади.

Левин ахтариб топган нарсаларнинг иккинчиси шу бўлди: у талай-талай китобларни ўқиб чиққандан кейин шундай бир қаноатга келдики, ўзи билан бир хил нуқтаи назарда бўлган одамлар буздан бошқа нарсани кўзда тутмайдилар; жавоб топилмаса, Левин ўзини яшай олмайдигандек ҳис қилиб келаётган масалаларни улар ҳеч қандай изоҳсиз инкор қилдилар-у, Левинни асло қизиқтира олмайдиган бутунлай бошқа масалаларни, чунончи, организмларнинг ривожланиши, руҳнинг механик изоҳ ва шулар каби масалаларни ҳал қилишга тиришадилар.

Бундан ташқари, хотини кўз ёрган пайтда Левин учун ғайриоддий бир ҳодиса юз берди. Худога ишонмайдиган бу одам бирдан ибодат қила бошлади ва ибодат қилиб турганда худога ишонди. Аммо у пайт ўтиб кетди. Ўтгандан кейин эса ўша кайфиятига ҳаётдан бирон ўрин топиб беролмади.

Ўша пайтда ҳақиқатни билганига иқроор бўлолмасди.

Эндиликда янглишяпти, чунки бу масалани хотир-
жам ўйлай бошлади дегунча ҳамма нарса чилпарчин
бўлиб кетади; ўша маҳал янглишганига ҳам иқрор
бўлолмасди, чунки ўша пайтдаги руҳий кайфияти-
ни қадрлар, уни бир заифлик шукухи деб қабул этса,
ўша дамлар хотирасини таҳқирлаган бўларди. Левин
зиддият азобида қовурилар, бундан қутулиш учун бу-
тун маънавий кучини ишга соларди.

IX

Бу фикрлар уни гоҳ бўш, гоҳ қаттиқ қийнаб азоб-
лаб турса ҳам, лекин хаёлидан ҳеч нари кетмасди.
Левин мутолаа қилар, ўйлар ва қанча кўп ўқиса,
қанча кўп ўйласа, кўзлаган мақсадидан ўзининг
шунча узоқлашиб бораётганини ҳис қиларди.

Охирги пайтларда Москвада, кейин қишлоқда
ўз саволларига материалистларнинг китобларидан
жавоб тополмаслигига ишончи комил бўлгандан
сўнг ҳаётни материалистчасига тушунтирмайдиган
Платон, Спиноза, Кант, Шеллинг, Гегель, Шопенга-
уэр каби кўп файласуфларнинг китобларини қай-
та-қайта ўқиб чиқди.

Бошқа таълимотларни, айниқса материалистик
таълимотларни рад қиладиган асарларни ўқиганда
ёки ўзи ўйлаб раддий жавоб топганда фикрлари ўзи-
га жуда самарали кўринарди; лекин масалаларни ҳал
қиладиган бир нарсани ўқиб ёки ўзи ўйлаб ҳаллини
топди дегунча, айтиб бериш ҳол ҳамма вақт такрорла-
наверарди. Руҳ-ирода, ҳурлик, субстанция каби дуд-
мал сўзларга берилган таърифларга берилиб, файла-
суфлар ёки унинг ўзи ўзига қурган сўзлар гузориға
атаниб илтибарди-ю, гўё бир нарсани англай бошла-
гандек бўларди. Лекин фикрларининг суъбий жа-
раёнини мутиб, бу фикрлар силсиласидан борган-
да мияга келган ва ўзини қаноатлантирган нарсага

ўзи яшаб турган ҳаётдан ружу этса бу сунъий бино, худди қороздан ясалган уйдаи, бирдан йиқилар, бу бино ҳаётда ақдан ҳам муҳимроқ бўлган нарсани назар-писанд қилмай ўринлари алмаштириламиш айна сўзлардан қурилгани аён бўларди.

Бир кун Шопенгауэрнинг китобини ўқиб ўтириб, унинг ирода сўзи ўрнига муҳаббат сўзини қўйди; бу янги фалсафа икки кунгача унинг кўнглини тинчитиб келди, кейин яна кўнгли совиди; сўнгра бунга ҳаёт кўзи билан қараганда, бу фалсафа ҳам вайрон бўлди, бу ҳам докадан қилинган, иситмайдиган кўйлак бўлиб чиқди.

Акаси Сергей Иванович Хомяковнинг диний китобларини ўқиб чиқишни маслаҳат кўрди. Левин Хомяков асарларининг иккинчи томини ўқиб чиқди-да, китобнинг муноқашали, чиройли, ўткир услуби бошда ихлосини қайтарганига қарамай, черков ҳақидаги таълимотига қойил қолди. Илоҳий ҳақиқатларни идрок этиш қобилияти айри-айри одамларга берилган эмас, балки бир-бирларига меҳру муҳаббат билан боғланган одамлар жумласига – черковга берилган, дейилган фикр уни дастлаб жуда ҳайратга солиб қўйди. Ишини худога, узоқдаги сирли худо, ҳаллоқ ва ҳоказоларга сиғинишдан бошлагунча имон келтирувчи ҳамма бандаларни бирлаштирган, ўзи худога сиғинган, шу вайдан ўзи пок ва табаррук бўлган, одамлар кўзида яшаб турган черковга эътиқод қилиш; худога, олоҳу таолога сиғиниши, тавба этишни черковдан ўрганиш осонроқ эканлиги тўғрисидаги фикр Левинни хурсанд қилган эди. Аммо кейинча бир католик ёзувчининг черков тарихи билан бир православ ёзувчининг черков тарихини ўқиб чиқиб, моҳияти жиҳатдан гуноҳсиз бўлган бу ҳар икки черковнинг бир-бирини инкор қилганини кўргандан сўнг, Хомяковнинг черков тўғрисидаги таълимотидан ҳам ҳафсаласи

пир бўлди, натижада бу бино ҳам фалсафа соҳасидаги бино сингари йиқилиб, чанги осмонга соврилди.

У шу баҳор ичи, гоҳ худ, гоҳ беҳуд, даҳшатли кунларни бошидан кечирди.

Левин ўз-ўзига: «Ўзимнинг нима эканлигимни, дунёга нима учун келганлигимни биламай туриб яшашим мумкин эмас. Буни билиш эса қўлимдан келмайди, демак яшашим ҳам мумкин эмас», – деярдди.

«Поёнсиз замон ва маконда, битмас-туганмас материялар орасида, поёнсиз фазода бир пуфак-организм бор, бу пуфак бир оз тургандан сўнг ёриларди, ана шу пуфак – менман».

Бу одамни қийнайдиган, ҳақиқатга хилоф нарса эди, шундай бўлса ҳам бу инсон тафаккурининг асрлардан бери шу соҳада қилиб келган меҳнатининг бирдан-бир сўнгги натижаси эди.

Бу инсон тафаккурининг сўнгги босқичи эди, инсон фикрининг барча қидиришлари ҳамма соҳаларида деярли ана шунга суяниб иш олиб борди. Бу ҳукмрон бир ақида эди, шунинг учун, Левин бошқа ҳамма ақидалардан равшанроқ кўринган бу ақидани беихтиёр ўзига сингдириб олди. Лекин у бу ақидани ўзига қачон, қандай сингдириб олганини ўзи ҳам билмасди.

Аммо бу фақат ҳақиқатга хилоф эмас, шу билан бирга, алақандай ёвуз бир кучнинг шафқатсиз пичинги эди, бу куч шу қадар ёвуз, шу қадар жирканч эдики, унга бўйсунмай бўлмасди.

Бу кучдан қутулиш керак эди. Қутулиш эса ҳар кимнинг ихтиёрида эди. Ёвуз кучнинг бу асоратига хотима бериш керак эди. Бунинг иложи эса биргина ўлим эди.

Ана шундай қилиб, бу бахтиёр оила эгаси, соғлом танли Левин бир неча бор ўзини ўзи ўлдириш даражасига келди ва ахирги ўзини осиб қўймаслик учун

чилвирини яшириб қўйди, ўзини отиб қўймаслик учун овга милтиқ кўтариб боришдан қўрқиб қолди.

Аммо Левин ўзини отмади ҳам, осмади ҳам, кунини кўриб юраверди.

Х

Левин ўзининг нима эканлигини, нима учун яшаётганлигини ўйлаганда, бунга жавоб тополмай хун бўларди; лекин бу нарсаларни ўзидан сўрамаганда эса, ўзининг нималигини, нима учун яшаётганлигини билгандек бўларди, чунки аниқ ва дадил ҳаракат қилар, яшарди: ҳатто бу сўнги вақтларда илгаригидан анча аниқ, анча мустаҳкам иштиёқ билан яшарди.

Левин июнь ойининг бошларида қишлоққа қайтиб келиб, яна ўзининг одатдаги ишларига киришиб кетди. Қишлоқ хўжалиги, мужиклар ва қўшнилари билан алоқаси, рўзғор ишлари, опаси билан акасининг ўз қўлидаги ишлари, хотини, қариндошлари билан алоқаси, боласининг ташвиши, аричиликка шу баҳордан юрагида уйғонган янги ҳаваси, буларнинг ҳаммаси уни эртадан то қора кечгача банд қиларди.

Левин илгариги вақтлардагидек бу ишларга бирон умумий нуқтаи назардан қараб, уларни оқлаб келгани учунгина қизиқмас эди; аксинча, энди, бир тарафдан, умум фойдасини кўзлаб қилган илгариги ишлари муваффақиятсиз чиққани, иккинчи тарафдан, ўз фикрлари билан банд бўлгани ва ҳар ёқдан зиммасига туша бошлаган ишларнинг миқдори кўплиги учун умум фойдаси йўлидаги ҳар хил мулоҳазаларидан воз кечган эди; шу сабабли, у қилиб турган ишларини қилишга ўзини мажбур деб билгани ва бошқача ҳаракат этолмагани учунгина бу ишлар уни машғул қиларди.

Илгарилари (бу қарийб болалик чоғларидан бошланиб, вояга етганга қадар кучайиб борди), ҳамма

учун, инсоният учун, Россия учун, бутун қишлоқ учун бирон хайрли иш қилишга тиришиб юрган кезларида бу хусусдаги фикрларидан лаззат топарди, лекин бу соҳадаги иши юришмасди. Бу ишнинг зарурлигига кўнглада тўла ишонч йўқ эди, бошда ғоят зўр кўринган фаолиятининг ўзи ҳам кичрая-кичрая охирида йўқ бўлиб кетарди; энди, уйлангандан кейин эса, ҳаётда кундан-кун фақат ўзи учунгина яшаш билан қифоялана бошлагач, гарчи ҳозирги фаолиятини ўйлаганда юрагида йилт этган бирон шодликни тополмаса ҳам, қилаётган ишининг зарурлигига ишонар, иши аввалгидан анча юришиб, кундан-кунга зўрайиб, улрайиб бораётганини кўриб турарди.

Энди у ўзи истамаган ҳолда бамисоли омоч сингари ерга кундан-кунга чуқурроқ кириб борар, ер палахсаларини ағдармай юзага чиқолмаслигини биларди.

Оиласининг ота-бобоси одатланиб қолган қоида билан, яъни айна таълим-тарбия шароитида яшаш, болаларининг ҳам айна шаклда тарбияланиши шубҳасиз керак эди. Қорни очган кишининг овқат қилиши зарурдек, бу ҳам зарур эди; овқат ейиш учун уни тайёрлаш қанчалик зарур бўлса, бунинг учун Покровскоедаги хўжалик машинасини ҳам худди шундай даромад келтирадиган қилиб йўлга солиш зарур эди. Қарзни тўлаш қанчалик зарур бўлса, ота-бобосидан мерос қолган ерини ҳам шундай аҳволда сақлаш шубҳасиз зарур эди; тиккан уйлари ва эккан дарахтлари учун Левин бобосига қандай ташаккур билдирган бўлса, унинг ўғли ҳам ерни мерос қилиб олгандан сўнг отасига шундай ташаккур билдирсин. Бунинг учун ерини ижарага бермай, ўзи ишлатиши, чорва сақлаши, далаларни кўнглаши, дарахт ўтқозиши керак.

Қўлингда кўтариб турган болани ташлаб юбори-
шинг мумкин бўлмаганидек, Сергей Ивановичнинг
ҳам, опасининг ҳам, маслаҳат сўраб келадиган ва
бунга одатланиб қолган мужикларнинг ҳам ишла-
рини ташлаб бўлмасди. Меҳмон бўлиб келган қа-
йинэгачисининг болалари билан, ўз хотинининг ҳам
чақалоғи билан роҳатда яшашлари учун ғамхўрлик
қилиши керак, бунга кунининг лоақал кичик бир
қисмини ажратмасликнинг иложи йўқ эди.

Бу ташвишларнинг ҳаммаси қуш ови ва янги
асалариччилик билан бирликда Левин ўйга толган
пайтларда унинг учун ҳеч қандай маънога эга бўл-
май қоладиган ҳаётини тўлдириб турарди.

Бундан ташқари, Левин нима қилиши керакли-
гини қаттиқ билади, худди шунга ўхшаш бу нарса-
ларни қандай қилишни, қайси ишнинг қайси бири-
дан муҳимроқ эканини ҳам яхши билади.

У мардикорларни арзон-гаровга ёллаш керакли-
гини биларди; лекин олдин ҳақ тўлаб қўйиб, уларни
қул қилиб олиш, камроқ ҳақ тўлаш ҳар қанча фой-
дали бўлса ҳам, бундай қилиш керак эмас эди. Ют
келганда мужикларга ачинса ҳам, лекин уларга со-
мон сотиш мумкин эди; карвонсарой билан майхо-
на фойда келтирса ҳам бари бир буларни йўқотиш
керак эди. Ўрмондан ўрринча дарахт кесганларни
иложи борича қаттиқроқ жазолаши лозим, лекин
экинга қўйиб юборилган қорамолдан эса жарима
олиб бўлмасди, гарчи бу нарса қўриқчиларнинг
жаҳллариини чиқариб, мол эгаларини ҳайқиртирмай
қўйса ҳам, экинга тушган қорамолни эгасига қай-
тариб бермасдан бўлмасди.

Судхўрга ойнага ўн фоздан фойда тўлаётган Пётр-
га пул қарз бериб, уни қўтқариб олиш керак эди; ле-
кин қирғиларини тўламай келаётган мужикларнинг
тўламай қўйишларига ва тўлаш муддатларини ке-
лиштиришларига йўл қўйиб бўлмасди. Ўтлоқдаги ни-

чанни ўрдирмай, бутун пичанни нобуд қилгани учун приказчикни кечириш мумкин эмас эди; лекин да-раҳт кўчатлари ўтқазилган саксон десятини ердаги пичанларни ҳам ўриб бўлмасди. Оғаси вафот қилгани учун иш маҳалида уйига кетиб қолган мардикорни кечириб бўлмасди, ҳар қанча жони ачиса ҳам, ишга чиқолмаган куни учун ойлигидан ушламай қололмасди, лекин қариларга, ҳеч қандай лузуми бўлмаган ҳовли ходимларига ойлик бермай бўлмас эди.

Левин уйга қайтгандан кейин даставвал, бетоб ётган хотинининг ёнига кириш кераклигини ҳам биларди: ўзини уч соатдан бери кутиб ўтирган мужиклар эса яна кутаверишлари мумкин; Левин асаларини инларига солишдан жуда шукуҳ қилса ҳамки, бу шукуҳдан маҳрум бўлиш кераклигини, асалариларни уяга солиш вазифасини чолга топшириб қўйиб, ўзи уни арихонага қидириб келган мужиклар билан гаплашишга мажбур эканлигини ҳам биларди.

У яхши иш қилаётганини ҳам, ёмон иш қилаётганини ҳам билмасди, энди буни исбот қилиб ўтириш у ёқда турсин, ҳатто бу тўғрида оғиз очиш ва ўйлашдан ҳам ўзини олиб қочарди.

Муҳокама уни шубҳага солар, нима керагу нима керак эмаслигини кўришга халақит берарди. У ўй-хаёллarga берилмай яшаганда эса қалбида бенуқсон бир ҳакам борлигини ҳар дам сезиб турар, бу ҳаким босилиши мумкин бўлган икки қадамнинг қайси бири яхши, қайси бири ёмон эканлигини ажрим қиларди, керак бўлган ишнинг аксини қилди дегунча, Левин бу нарсани дарҳол ҳис этарди.

Ўзининг нималиги, дунёда нима учун яшаётганини билмасдан, билиш имкони борлигини ҳам кўрмасдан шу тахлит яшар, билмаганлигидан азоб чекиб, ўзини ўлдириб қўйишдан қўрқар, шундай бўлса ҳам яна ҳаётда ўзининг махсус, аниқ йўли билан бардам одим ташлаб борарди.

XI

Сергей Иванович Покровское қишлоғига келган пайтда Левин энг машаққатли кунлардан бирини кечирмоқда эди. Иш қайнаб турган палла эди; бу паллада бутун халқ меҳнатда шундай бир ғайрат билан жонбозлик кўрсатардики, ҳаётнинг бошқа ҳеч бир шароитда бундай фидокорлик кўрсатилмайди; агар шундай фидокорлик кўрсатган одамларнинг ўзлари бу фазилатларининг қадрларига етса, агар бу аҳвол ҳар йили такрор этилмаса, агар бу жонбозликнинг оқибати бу қадар оддий бўлмаса, у ҳолда бу фидокорликнинг қадрү қиммати жуда юксак бўлар эди.

Жавдари билан сулини ўриб янчиш, ташиш, пичанни охиригача ўриш, ерни шудгорлаш, уруғлиқни янчиш, лалми экиш – бу нарсалар осон, оддий иш бўлиб кўринади; ҳолбуки бу ишларни вақтида бартараф қилиш учун қишлоқнинг бутун аҳолиси каттадан кичигигача шу уч-тўрт ҳафта ичида одатдагидан уч баравар ортиқроқ тинмай ишлаши, квас, пиёз, қора нонга қаноат қилиши, бурдой ва сули борларини кечалари ташиб янчиши, бир кеча-кундузда жуда кўп деганда икки-уч соатгина ухлаши керак. Шуниси ҳам борки, ҳар йил бутун Россияда шу аҳвол.

Левин, умрининг кўп қисмини қишлоқда, халқ билан яқин алоқада ўтказгани учун, иш қайнаган паллаларда халқнинг бу умумий жонбозлиги ўзига ҳам таъсир қилганини сезиб турарди.

Левин саҳарлаб ўрнидан турди-да, биринчи жавдар экинини, сулиларни ташиб тарамлашганини кўргани борди; кейин хотини билан қайинэгачиси турадиган пайтда уйга қайтиб, улар билан қаҳва ичгандан сўнг хуторга пиёда жўнади; хуторда янги ўрнатилган янчиш машинасини бутун юргизиб, уруғлиқ тайёрлашлари керак эди.

Левин шу бутун приказчиги билан, мужиклар билан, уйда эса хотини, Долли, унинг болалари, қайнотаси билан гаплашиб турган пайтларида ҳам биргина нарсани, яъни сўнгги вақтларда хўжалик ташвишларидан ташқари фикру хаёлини қамраб олган нарсани кун бўйи ўйлаб, ўзининг: «Мен нимаман? Қаердаман? Дунёга нима учун келганман?» деган саволларига жавоб ахтариб юрди.

Левин пўстлоғи арчилган хўл оқтерак тўсинларни устига хушбўй япроқлари тўкилмаган шумурт шохлари бостирилган, усти похол билан ёпилган янги бостирма салқинида туриб гоҳ янчилаётган хирмондан қуруқ аччиқ чангларнинг кўтарилишига, гоҳ жазирама қуёш нур сочиб турган пичан гарамига, гоҳ ҳозиргина саройдан олиб чиқилган янги хашакка, гоҳ чуғурлашиб том тагидан учиб чиққан, қанотларини силкита-силкита дарвоза чўпига қўнаётган олабош, оқ тўш қалдирғочларга, гоҳ ним қоронғи, чанг бостирма ичида уймалашган одамларга ланг очиб ташланган дарвозадан қараб, ғалати-ғалати ўйларга чўмади:

«Бу нарсалар нима учун қилиняпти, а? – деб ўйларди. – Нега мен бу ерда туриб, уларни ишлагга мажбур қиляпман? Нима вайдан улар жавлон уришади, нима учун жонбозлик қилаётганларини кўрсатишга тиришишади? Мен танийдиган анави Матрёна кампир нима вайдан жонини аямайди? (ёнғин маҳали устига тўсин тушиб кетганда мен шу кампирни шифолаган эдим) – деб ўйлади, офтобда куйиб қорайган яланг оёқларини омборнинг ўйдим-чуқур, заранг полига қаттиқ босиб дон кураётган озгин қишлоқи хотинни кўриб: – Ўшанда тузалиб кетди, лекин бутун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса ўн йилдан кейин уни ҳам кўмишади, ана у вақт на бундан ва на анави эгнига қизил жун матодан камзул кийган, чаққон, нозик ҳаракатлар

билан дон шопираётган танноздан асар қолмайди. Уни ҳам кўмишади, анави чавқар ахтани эса тез кунда ерга тиқишади, – Левин оёқлари тагидаги чархни аранг айлантираётган отга қараб ўйлади; от ҳансираб нафас олар, нафасининг зўридан бурун катаклари керилиб кетар эди. – Уни ҳам гўрга тиқишади, соқолига сомон ёпишган, сочи жингалак, оқ кўйлагининг ярини йиртиқ мардикор Фёдорни ҳам кўмишади. У эса жавдар боғларини ечади, алланималар буюради, хотинларга ўшқиради, машина филдирагининг қайишини эпчиллик билан тузатади. Шуниси муҳимки, уларнигина эмас, ҳатто мени ҳам кўмишади, мендан ҳам асар қолмайди. Шундай бўлгандан кейин бу машмашаларнинг нима кераги бор-а?»

Левин шу нарсаларни ўйлаб туриб, соатига қараб-қараб қўяр, бир соатда қанча янчишларини билмоқчи бўлар эди. Кунлик топшириқни шунга қараб бериш учун буни албатта билиш керак эди.

Левин: «Ҳали замон соат бир бўлади, булар эса энди учинчи ғарамни янча бошлашди», – деб ўйлади-ю, жавдари пояларини машинага ташлаб турган мардикор ёнига келди-да, машинанинг шовқинидан ҳам баландроқ қичқариб, кам-кам бериб туриш кераклигини айтди.

– Кўп ташлаяпсан, Фёдор! Қара, тиқилиб қоляпти, шунинг учун иш юришмаяпти-да. Меъёрда ташла!

Тер юзига чанг кўниб қорайтириб юборган Фёдор қичқариб, бир нима деб жавоб берган бўлса ҳам, лекин, бари бир, Левин айтгандек қилмади.

Левин машина барабанига яқин келди. Фёдорни нари суриб қўйиб, пояларни машина орзига ўзи ташлай бошлади.

Мужиклар овқат қиладиган пайт яқинлашиб қолган эди; Левин ўша пайтгача ишлагандан сўнг мардикор билан биргаликда хирмондан чиқди-да,

уруғлиққа деб келтирилиб, ҳафсала билан тахлаб қўйилган сариқ жавдари пояларининг гарами ёнида гапга киришиб кетди.

Пояларни машина оғзига ташлаб турган бу мужик бир маҳаллар Левин ерини шерикликка бериб келган узоқ қишлоқдан экан. Энди эса у ер ҳовли қаролига ижарага берилган эди.

Левин боғ ташлаб турувчи Фёдор билан шу ер ҳақида гап очиб, шу ерни Платон келаси йили ижарага олармикан деб сўради; Платон ўша қишлоқлик бадавлат, яхши мужик эди.

Мужик тер босган қўйнидан бошоқларни чиқариб туриб:

– Нархи қиммат, Константин Дмитрич, Платон фойда қилолмайди, – деди.

– Ия, ана Кириллов фойда қияпти-ку!

– Эй, Константин Дмитрич, бу Митюха (ҳовли қоровулини мужик нафрат билан шундай деб атади) деганингиз фойда қилмай, ким фойда қилсин! У мардикорларга бало-қазодек ёпишиб олади, ишқилиб, айтганини қилдиради-да, ўзининг насронийига ҳам жони ачишмайди. Фоканич (Платон чолни шундай деб атади) амаким унақа эмас, одамнинг терисини шилиб олармиди? Тор келганда қарз беради, жойи келганда кечиб юборади. Шундай қилиб зарар кўради-да. Шунақа одамохун у.

– Ҳўш, нимага кечиб юборади?

– Қайдам, кечиб юборади-ю; бундан чиқди, одамлар ҳар хил бўлар экан-да; бировлар фақат ўзим бўлай дейди, масалан, Митюха, фақат қорнини ўйлайди, Фоканич бўлса, инсофли чол. У охирад учун яшайди, худони ёдидан чиқармайди.

Левин қичқариб:

– Қандай қилиб худони ёдидан чиқармайди? Қандай қилиб охирад учун яшайди? – деб юборди.

– Қандайлиги маълум, ҳаққоний, художўй одам. Ўзингиз биласиз, одамлар ҳар хил. Мана, масалан, сизни олсак, сиз ҳам ҳеч кимни хафа қилмайсиз...

Левин ҳаяжонидан нафаси тикилиб:

– Ҳа, ҳа, яхши қол! – деди-ю, ўтирилиб ҳассасини олгандан кейин уй томон шахдам одимлар билан юриб кетди. Мужикнинг: «Фоканич охират учун яшайди; ҳаққоний, художўй одам», деган сўзларини эшитганда хира ва мужмал бўлса ҳам, лекин маъноли фикрлар худди қулфловлиқ жойидан ёпирилиб чиққандай, Левиннинг миясини тўлдирди, ҳаммаси бир мақсадга интилиб, миясида айланди, кўзларини ўз ёрдуси билан қамаштирди.

ХИ

Левин катта йўлда катта-катта қадам ташлаб кетар экан, миясидаги фикрларни эмас (ҳали бу фикрларни тагигача тушуниб етганича йўқ), илгарилари ҳеч вақт сезмаган руҳий ҳолатни кузатиб борарди.

Мужик айтган сўзлар қалбига бир электр учқунидай таъсир қилди-ю, ҳаёлидан ҳеч маҳал кетмаган тарқоқ, алоҳида-алоҳида заиф фикрларини бирданига ўзгартириб, уларни бир бутун қилиб йирди. Левин ерини ижарага бериш тўғрисида галириб турганда ҳам бу ўйлар ҳаёлидан кетмаган, ўзи эса сезмаган эди.

У қалбида янги бир нарса пайдо бўлганини ҳис қилар, бунинг нималигини ҳали билмаса ҳам, яна уни сезиб лаззатланарди.

«Одам ўз нафси учун эмас, худо учун яшаши керак. Лекин қандай худо учун? Мужик айтган сўзлардан ҳам бемаънироқ нарсаларни айтиш мумкинми? У: «Одам ўз нафси учун яшамаслиги керак», – деди, яъни ўзимиз тушунган, бизни ўзига маҳлиё қилган, биз хоҳлаган нарсалар учун яшамай, ҳеч ким ту-

шунмайдиган аллақандай нарса учун, ҳеч ким тушуна ва аниқлай олмайдиган худо учун яшашимиз керак экан. Хўш, бу нима деган сўз? Фёдорнинг бу бемаъни сўзларини тушунмадимми? Тушунганимдан кейин эса бу сўзларнинг тўғрилигига шак келтирдимми? Ё бу сўзларни аҳмоқона, дудмал, хато сўзлар деб билдимми?

Йўқ, бу сўзларни у қандай тушунса, мен ҳам худди ўшандай тушундим, ҳаётда тушунадиган ҳар қандай нарсамдан ҳам аниқроқ, тўлароқ тушундим, ҳаётга ҳеч қачон шак келтирмаган бўлсам, бунга ҳам асло шак келтиролмайман. Буни ҳамма, бутун дунё тушунади, ёлғиз бу нарсага шак келтирмай, бу билан келишади.

Фёдор ҳовли қароли Кирилловни ўз нафси учун яшайди, дейди. Бу тўғри, бамаъни гап. Биз ҳаммамиз ҳам ақл-идрокли одамлар бўлганимиздан, ўз нафсимиз учун яшай олмаймиз. Мана энди ўша Фёдор: одамнинг ўз нафси учун яшаши яхши эмас, ҳақ-таоло учун яшаши керак, дейди; мен унинг мақсадини бир оғиз сўзиданоқ фаҳмлаб олдим! Мен ҳам, бундан неча асрлар илгари ўтган ва ҳозир яшаб турган миллионларча одамлар ҳам, мужиклар, руҳан қашшоқлар ҳам, бу тўғрида фикр ва қалам юритган ва ўзларининг чучқал тиллари билан худди шу гапни гапирадиган донишмандлар ҳам, бизнинг ҳаммамиз ҳам мана шу: «Нима учун яшаш керак ва нима яхши», дейилган биргина тушунчага келганда бир-биримизнинг фикрларимизга қўшилаемиз. Мен бутун одамлар билан биргаликда фақат бир нарсанигина мукамал, шубҳасиз, аниқ биламан, бу билганимни ақл-идрок кучи билан изоҳ қилиб бўлмайди, чунки у ақл-идрокдан ташқарида, унинг ҳеч қандай сабаби, ҳеч қандай оқибати йўқ.

Агар саховатли иш бирон сабаб билан қилинса, демак, у саховат бўлолмайди; агар унинг оқибати

– мукофоти бўлса, демак, у бу аҳволда ҳам саховат бўлолмайди. Демак, саховат сабабдан ҳам, оқибатдан ҳам холи бўлиши керак.

Лекин мен буни биламан, ҳаммамиз биламиз.

Мен эсам мўъжиза ахтариб юрибман, менда ишонч туғдирадиган мўъжизани кўрмаганим учун ачиниб юрибман. Мана доим мавжуд бўлган, мени ҳар томондан ўраб олган, имкон дохилида бўлган бирдан-бир мўъжиза кўз ўнгимда турибди-ю, мен эса пайқамабман!

Ажабо, бундан ҳам ортиқроқ мўъжиза бўла оладими?

Наҳотки бутун чигалларим ечилган, бутун изтиробларим энди хотима топган бўлса? – Левин на жазирамани ва на чарчаганини пайқамай, узоқ вақтлардан бери тортиб келаётган изтиробларининг хотима топганини ҳис этиб, чанг йўлда шу хил ўйланиб борар эди. Бу ҳис уни шунчалик суюнтираддики, бунинг ҳақиқат эканига ишонолмасди. Ҳаяжонининг зўридан нафаси тикилиб юришга мажоли қолмагандан кейин йўлдан ўрмонга бурилди-да, оқ тераклар соясига, ўрилмаган ўт устига келиб ўтирди. Левин шляпасини тер босган бошидан олиб, семиз, кўм-кўк ўрмон кўкатлари устига ёнбошлаб ётди.

Кейин рўпарасидаги топталмаган кўкатларга тикилиб қолди; ёввойи арпа поясидан ўрмалаб чиқаётган, бориб-бориб йўлидаги япроқдан ўтолмай қолган хонқизининг ҳаракатини кузатиб туриб ўйлана кетди: «Энди эс-ҳушимни йиғиштириб олишим, ҳаммасини батафсил ўйлашим керак. Ҳаммасини бошдан-оёқ ўйлаб чиқишим керак, – деди-ю, қўнғизчага халақит бермасин деб йўлидаги япроқни қайириб, қўнғизчани бошқа пояга ўтказиб юбориш учун бўлак кўкатни эгиб берди. – Мени нима суюнтиряпти? Мен нимани кашф этдим?»

Мен бурунлари ўзимнинг танимда, бу кўкатда, иннайкейин, манави хонқизининг ҳам танида (буни қаранг, у кўкатга ўтишни хоҳламай, қанотчаларини ёзиб учиб кетди) физик, кимёвий ва физиологик қонунларга биноан моддалар алмашиб туради, дейардим. Ҳолбуки ҳаммамизда, ҳатто манави оқ те-ракларда, булутларда, хира дорларда ҳам ривожла-ниш бор. Нимадан ривож топади? Нимага қараб ривож топади? Ривож билан курашнинг охири, поёни борми?.. Бу поёнсизликда гўё бирон йўналиш, кураш бўлиши мумкиндек! Бу йўлда фикрларим зўр бериб ишлаганига қарамай, ҳаётимнинг мазмуни-га, орзу ва интилишларимнинг маъносига тушунол-май ҳайрон бўлиб юрардим. Ҳолбуки орзу-тилакларимнинг маъноси менга шу қадар аёнки, мен доим шу орзу-тилакларим билан яшайман; мужик ана шу орзу-тилакларимни айтиб: худо учун, охират учун яшашни керак, деганда ажабланиб, суюндим.

Мен ҳеч нарса кашф этганим йўқ. Мен фақат билган нарсамнигина аниқлаб олдим. Мен ўтмиш умримдагина эмас, ҳозир ҳам менга ҳаёт бериб турган кучни англадим. Мен қаллобликдан қутулиб, эгамни танидим.

Ана шундан кейин Левин шу сўнгги икки йил ичида миясида айланган фикрларини қисқаги-на қилиб ўзича такрорлади; дастлаб, умидсиз бир аҳволда ётиб қолган меҳрибон акасининг ўлимини кўрганда миясига равшан фикрлар келган эди.

Левин ҳар қандай одам учун, жумладан, ўзи учун ҳам келажакда азобу уқубатдан, ўлимдан ва аба-дий уйқудан бошқа ҳеч нима йўқлигини ўша пайт биринчи марта равшан тушунган, бу тахлит яшаб бўлмайди, ўз турмушим аллақандай иблис масхара қилган нарсага ўхшаб қолмаслиги учун ё ҳаётим-нинг моҳиятини тушуниб олишим ёки ўзимни отиб ўлдиришим керак, деган қарорга келган эди.

Аmmo Левин унисини ҳам, бунисини ҳам қиламади. Аксинча, яшашда, ҳис қилиш, фикрлашда давом этди, ҳатто ўша маҳал уйланиб ҳам олди, кўп шоду хуррамликлар кўрди, ҳаётининг моҳиятини ўйламаган кезларида ўзини бахтиёр сезиб юрди.

Ҳўш, бу нимани кўрсатади? Бу унинг яхши яшаб, ёмон ўйларга берилиб кетганини кўрсатади.

У она сути билан танасига сингдириб олган маънавий ҳақиқатлар билан (ўзи ҳам англамасдан) яшарди-ю, лекин ўйлаганда бу ҳақиқатларга тан бермай, уларни четлаб ўтарди. Тарбия орқали суягига сингган эътиқодларга ихлос қилиш билан яшай олиши мумкинлиги энди равшан бўлди.

«Агар шу эътиқодларим бўлмаса, ўз нафсим учун эмас, худо учун яшаш кераклигини билмасам, унда мен нима бўлардим, қандай яшар эдим? Унда талончиллик қилардим, ёлгон гапирардим, одам ўлдирардим. Ҳаётимнинг асосий қувончини ташкил қилган нарсалардан ҳеч бири бўлмас эди». Левин тасаввур кучини ҳар қанча зўрлаб боқса ҳамки, нима учун яшаётганини билмаган тақдирда ўзи ўхшаб қолиши аниқ бўлган ўша йиртқич махлуқни кўз олдига келтиролмади.

«Мен саволимга жавоб ахтардим. Лекин ақл саволимга жавоб беролмади, чунки ақл билан саволимни умумий ўлчов билан ўлчаб бўлмайди, ҳаётнинг ўзи ниманинг яхши, ниманинг ёмонлигини менга ўргатиб, саволимга жавоб берди. Мен буни билиб олиш учун биронта иш қилганим йўқ, менга бу нарса бошқа ҳамма нарсалар билан биргаликда берилган, шунинг учун берилганки, мен буни бошқа бирон ердан билиб ололмасдим.

Мен бу нарсани қаердан билдим? Мен яқин одамнинг бўриш эмас, севиш кераклигини ақлим билан топдимми? Менга буни ёшлигимда айтган эдилар, мен бунга жон деб ишонган эдим, чунки менга

қўнглимда бор нарсани айтган эдилар. Хўш, буни ким кашф этди? Ақл кашф этган эмас. Ақл яшаш учун курашни ва орзуларимнинг ушалишига ҳалақит берувчиларнинг ҳаммасини бўғишни талаб қилган қонунни кашф этган. Бу ақл ҳулосаси. Бошқани севишни эса ақл кашф этолмасди, чунки бошқани севиш ақлдан эмас.

У мук тушиб олди-да, кўкатларнинг ўзақларини синдирмасликка тиришиб бир-бири билан чига-чига: «Ҳа, такаббурлик», – деб қўйди.

•Шунда ҳам, ақлнинг фақат такаббурлигигина эмас, аҳмоқлиги ҳам. Энг ёмони эса ақлнинг қувлиги, ҳа, худди қувлиги. Худди ақл фирибгарлиги», – деб такрорлади у.

ХIII

Ана шунда Доллининг яқинда болалари билан қилган жанжали эсига тушиб кетди. Болалар ёлғиз қолишиб, малинани шам ўтида қиздиришаётган, сутни оризларига фаввора қилиб қуйишаётган экан. Оналари устларидан чиқиб қолиб, улар нобуд қилаётган нарсани катталар қанчадан-қанча меҳнат эвазига қўлга киритганларини, бу меҳнат улар учун қилинганини, агар чашкаларини синдиришса, чой ичишга ҳеч нарса бўлмаслигини, агар сутни тўкишса, ейдиган ҳеч нарса бўлмай очдан ўлишларини Левин ёнида насихат қила бошлаган эди.

Болалар оналарининг бу сўзларига хотиржамлик, ишончсизлик билан қовоқ солиб қулоқ беришганини кўриб, Левин ҳайрон бўлди. Улар қизиқиб ўйнаётган ўйинларининг тўхтатиб қўйилганидан хафа бўлиб, оналари айтган сўзларнинг биттасига ҳам ишоничмади. Дарҳақиқат, ишона ҳам бўлмадилар. Чунки ўзлари қандай кўп нарсалардан фойдаланиб келаётганларини тасаввур этолмас, шунинг учун

ўзларининг қоринларига керак парсани нобуд қилаётганларини хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

«Бу нарсалар ўз йўлига, – деб ўйлашарди болалар, – буларда ҳеч қандай қизиқ, муҳим нарса йўқ, чунки бу нарсалар ҳар вақт бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Доим булаверади. Биз бу тўғрида ўйламасак ҳам бўлади, ҳаммаси тайёр; биз бўлсак ўзимизга биронта янги, қизиқ ўйин ўйлаб топишни хоҳлаймиз. Мана, ўйлаб ҳам топиб эдик: чашкага малина солиб, шам ўтида қиздира бошлаган эдик, сутни эса бир-биримизнинг орзимизга фавворага ўхшатиб пуркаётган эдик. Бу янги ўйин кўнглимизни шод қилди, сутни чашкадан ичгандан кўра фаввора қилиб ичганда маза бўлар экан».

«Табиат кучининг аҳамиятини, инсон ҳаётининг маъносини ақл-идрокимиз воситаси билан ахтарар эканмиз, ажабо, биз ҳам худди шу болалардай қилмаганмизми, мен ҳам шундай қилмаганманми?» деб Левин ўйини давом эттиради.

«Инсон узоқ замонлардан бери билган, билганда ҳам мукамал билган ва шунини билмаганда кун кўриши қийин бўлган нарсаларни инсонга хос бўлмаган таажжуб фикрлар воситаси билан шу инсоннинг ўзига тушунтираётган ҳамма фалсафий назариялар ҳам ажабо болаларнинг худди шу қилиқларини қилмаяптими? Ҳар бир файласуф ҳаётининг туб маъносини Фёдор мужикчалик олдиндан шубҳасиз билгани ҳолда (аммо ундан заррача ҳам равшанроқ билмайди), яна шубҳали фикрлар воситаси билан аллақачон ҳаммага маълум бўлган нарсага қайтмоқчи бўлгани, ажабо, унинг назарияси тараққиётдан равшан кўринмайдими?»

Қани болаларни ўз майлларига қўйиб берайлик, тирикчилигини ўзлари қилишсин, идиш-оёқ ясашсин, сигир соғишни ва ҳоказоларни билишсин. Ана шуида шўхлик қилишармикан? Очликдан ўлишар-

ди. Қани, бизда ҳам холиқнинг бирлигига ишонч туғдирмай туриб ўз эҳтиросларимиз, фикр-ўйларимиз билан қўйиб беринглам-чи! Ёки яхшилиқнинг нималигини билмаганимиз, маънавий тушқунликнинг маъносига бормаганимиз ҳолда бизни ҳам майлимизга қўйиб берсинлар-чи!

Қани, шу тушунчаларсиз бирон нарсани қилиб кўринг-чи!

Биз маънавий жиҳатдан тўқ бўлганимиз учун қўлимизга тушган нарсани вайрон қиламиз. Худди болаларга ўхшаймиз!

Тавба, мужик билан бир қаторда мен ҳам тушуниб олган, кўнглимни жойига туширган бу шодлик қаердан пайдо бўлди? Мен буни қаердан топдим?

Мен худога сирғиниш руҳида, насронийлик тушунчасида тарбияланган одам бўлганим учун насронийлик менга берган маънавий неъматлар билан тўлиб-тошганим ва шу неъматлардан фойдаланиб яшаганим ҳолда, болалар сингари, у нарсаларни англамасдан нобуд қиламан, яъни ҳаётим учун керакли нарсаларни нобуд қилмоқчи бўламан. Лекин ҳаётимнинг муҳим палласи келганда, совқотган, очиққан болалар сингари, мен ҳам оллоҳга муножот қиламан: тўқликдан келиб чиқадиган болаларча қутуришларим менга савоб бўлиб ёзилмаслигини болалик шўхликлари учун оналаридан дакки еган болалардан ҳам камроқ ҳис қиламан.

Ҳа, билган нарсаларимни ақл-идрок кучи билан биладим, балки менга аён бўлди, равшан бўлди, энди мен буни юрак сезгиси билан биламан, черков талқин этган ягона нарсага эътиқод қилиш йўли билан биламан.

Черков? Черков! – деб такрорлади-ю Левин, нариги ёнбошига аъдарилиб олгандан кейин узоқ-узоқларга, нариқдан сойга тушиб келаётган подага қараб қолди.

Левин ҳозирги осойишталигини бузиш мумкин бўлган нарсаларни хаёлига келтириб: «Лекин мен черков талқин қилган нарсаларнинг ҳаммасига ишона оламанми? – деб ўйлади, ўзини синаб кўриш учун. У черковнинг ҳаммиша ўзига кўпроқ ғалати туюлган, ўзини оздирган таълимотларини жўрттага эслай бошлади. – Хиёлат нима? Айтгандек, борлиқни нима билан изоҳлаган эдим? Борлиқ биланми? Ҳеч нарса биланми? – Шайтон билан гуноҳ нима? – дарвоқе, ёвузлик, ёмонликни нима деб изоҳ қилман?.. Нажот берувчи ким?»

Лекин мен ҳеч нарсани, ҳеч нарсани билмайман, бошқалар қатори менга ҳам айтилган нарсалардан бошқа ҳеч нарсани билолмайман».

Энди унинг назарида черков талқин этган эътиқодлар ичида энг муҳим нарсани, яъни инсоннинг худога, – саховатга ишонишдан иборат бўлган бирдан-бир вазифасига шикаст етказа оладиган биронта эътиқод йўқ эди.

Черков талқин этган ҳар бир эътиқодга нафс учун эмас, ҳақиқат учун хизмат қиладиган бир эътиқод деб қараш мумкин эди. Ҳар бир эътиқод ҳақиқатга қарши бормасди эмас, балки муҳим ҳисобланган ва ерда ҳар доим зуҳур этиб турган мўъжизанинг содир бўлиши учун ҳам зарур эди; бу мўъжиза эса ҳар бир кишининг миллионларча турли-туман одамлар билан: донолар ва нодонлар билан, болалар ва қарилар билан, умуман ҳамма билан, мужик, Львов, Кити, гадо ва шоҳлар билан биргаликда айни бир нарсани ҳеч шак келтирмай англай олишидан ва тақдирласа арзийдиган, биз қадрлаб келган маънавий ҳаётни қура билишдан иборат эди.

Энди чалқанча тушиб олиб, баланд, булутсиз осмонга қараб ётарди. «Нима, мен осмоннинг поёнсиз фазо эканлигини, юмалоқ гумбаз эмаслигини билмайманми? Лекин кўзларимни ҳар қанча сузиб, ҳар

қанча тикилиб қарамайин, бари бир, мен осмоннинг на юмалоқлиги ва на чегараланганлигидан бошқа нарсани кўра олмайман; фазонинг поёнсизлигини билсам ҳамки, қаттиқ мовий Гумбазни кўриб турганим учун шубҳасиз ҳақлиман, кўзларимни қаттиқ тикиб, осмоннинг нарғини кўришга интилимда эса яна ҳам кўпроқ ҳақлиман».

Левин ўйларига хотима берди-да, ўзаро нима тўғрисидадир баҳри диллари очилиб ташвиш билан гаплашаётган алақандай сирли овозларга қулоқ солиб қолгандек бўлди.

Левин бахтига ишонишдан кўрқиб: «Наҳотки имонимни топган бўлсам? – деб ўйланди. Кейин томоғига тикилиб келган йиғисини ичига ютди-да, ёш тўла кўзларини иккала қўли билан арта туриб: – ўзинга шукур, парвардигор!» – деди.

XIV

Левин рўпарасига қараб подани, кейин қорабайири қўшилган аравасини, подага яқин келиб, подачи билан нима тўғрисидадир гаплашган кучерини кўрди; сўнгра яқингинасидан арава ридиракларининг дукурини, семиз отининг пишқирганини эшитди; лекин у ўз фикрлари билан шу қадар банд эдики, кучер нима учун келяпти деган ўй хаёлига ҳам келмади.

Кучери ёнига келиб уни чақиргандагина, Левин ўзига келди.

– Бегойим юбордилар. Ахангиз билан яна бир жаноб келди.

Левин аравага ўтириб, жиловини қўлига олди.

Левин, уйқудан турган кишидай, анчагача эс-ҳушини йиғиштириб ололмади. У семиз отига, унинг терлаб кетган бут ораларига, қайиш ишқаган бўйнига, ёнида ўтириб бораётган Иван кучерга қарар, акасини кутганини эслар, узоқ қолиб кетганим учун

хотиним безовта бўлаётгандир деб уйлар, акаси билан бирга келган меҳмоннинг ким эканлигини уйлаб топишга интилар эди. Акаси ҳам, хотини ҳам, номаълум меҳмон ҳам энди унинг кўзларига илгаридан бутунлай бошқача бўлиб кўринарди. Ҳамма одамлар билан қиладиган муомаласи энди унга бошқа бўладигандек туюларди.

«Энди акам билан илгариги вақтлардаги сингари четлашиб юрмаймиз, энди талашиб-тортишмаймиз; Кити билан ҳеч қачон жанжаллашмаймиз; меҳмон ким бўлса ҳам, бари бир унга яхши муомала қиламан, меҳрибонлик қиламан; хизматкорларга ҳам, Иванга ҳам бошқача қарайман».

Левин тоқатсизликдан пишқириб, суриб кетаётган юрамол отининг жиловини маҳкам тортиб борар, бўш қолган қўлларини нима қиларини билмай, куйлагини тузатиш билан овора бўлиб ўтирган Иванга қараб-қараб қўяр, у билан гаплашишга баҳона қидирар эди. Левин Иванга, тиркишни баланд тортиб боғлаб чакки қилибсан, демоқчи бўларди-ю, лекин бу гап таънага ўхшаб қоларди, унинг эса ширин гаплар гапиргиси келарди. Миясига эса бошқа гап келмасди.

Кучер жиловни ушлаб тузатди-ю:

– Ўнг томонга буринг, рўпарада тўнгак бор, – деди.

Левин кучернинг аралашганидан жаҳли чиқиб:

– Қўй, жиловга ҳам тегма, менга ҳам ўргатма, – деди. Ҳар вақт ишига аралашганларида, Левиннинг мана шундай жаҳли чиқиб кетиши мумкин эди; лекин ҳаёт билан юзма-юз келганимда руҳий кайфиятим мени дарҳол ўзгартириб юборади, деб қилган тахминини нақадар хато эканини шу он англаб, хафа бўлди.

Уйига етишга чорак чақирим қолганда, Левин рўпарасидан чопиб келаётган Гриша билан Таняни кўриб қолди. Улар аравага чиқишиб:

– Костя почча! Ойимлар ҳам келяптилар, бувамлар ҳам келяптилар, Сергей Иванович ҳам, яна бир киши ҳам келяпти, – деб чуғурлай кетишди.

– У киши ким экан?

Таня:

– Жудаям ваҳимали! Қаранг, қўлларини нуқул бундай қилади, – деди-ю, аравада туриб Катавасовни тақлид қилди.

Танянинг ҳаракати Левинга алакимни эслатди, шунинг учун у кулимсираб:

– Қарими ё ёшми? – деб сўради.

«Ким бўлса ҳам, ишқилиб, дилни сиёҳ қиладиган одам бўлмасин-да!» – деб ўйланди Левин.

Левин аравани муйилишда бурди-ю, пешвоз чиққанлар орасида бошига чипта шяпа кийиб олиб, қўлларини худди Таня тақлид қилгандай саланглатиб келаётган Катавасовни кўриб таниди. Катавасов фалсафа сотишни жуда яхши кўрарди; фалсафа бобидаги билимларини ҳеч қаерда фалсафа билан машғул бўлмаган табиатшунослардан ўрганиб олган эди; сўнгги пайтлар Левин у билан Москвада кўп мунозара қилишган эди.

Уни таниганда, дабдурустдан Левиннинг эсига тушган нарса ўша мунозаралардан бири бўлди, Катавасов ўша мунозарада ўзини енгиб чиқдим деб юрган бўлса ҳам ажаб эмасди.

«Йўқ, энди мунозара ҳам қилмайман, ҳеч бир енгил-елпи фикрлар ҳам айтмайман», – деб ўйланди Левин.

У аравадан туша солиб акаси билан, кейин Катавасов билан кўришгандан сўнг хотинини суриштирди.

– У Митяни Колокка (уйлари ёнидаги ўрмоннинг номи) олиб кетувди. Уй исиб кетгани учун ўша ерда сақламоқчи, – деди Доли.

Левин болани ўрмонга олиб чиқишни хотинига ҳеч маслаҳат кўрмас, бундай қилиш хавфли деб билар эди; бу хабарни эшитиб, дили сиёҳ бўлди.

– Шунақа, боласини у ёқдан бу ёққа кўтариб юради, – деди кулимсираб князь. – Мен унга музхонага олиб кириб сақлай қол, деб маслаҳат берувдим.

– Кити арихонага бормоқчи эди. Сени ўша ерда деб ўйловди-да. Биз ҳам ўша ёққа кетаётувдик, – деди Доли.

Сергей Иванович бошқалардан орқароқда қолиб, ўқаси билан тенглашди-да:

– Хўш, нима қияпсан? – деб сўраган эди, Левин:

– Айтарли ҳеч нарса қилаётганим йўқ. Эскича, хўжалиқ ишлари билан овораман, – деб жавоб берди. – Кўпроқ турасанми? Сени кутавериб кўзларимиз тўрт бўлди.

– Икки ҳафтача тураман-да. Москвада ишим жуда кўпайиб кетди.

Сўзлашиб турганда, ака-уканинг кўзлари бир-бири билан тўқнашди; Левин акаси билан дўстона, айниқса содда муомалада бўлишни ҳарвақт орзу қилиб келарди, ҳозир бу орзуси яна ҳам кучли эканига қарамай, акасининг кўзларига қарашдан тортинди. Нима дейишини билмай, кўзларини пастга туширди.

Сергей Иванович Москвада ишлари жуда кўплигини айтиш билан Сербия уруши ҳамда славян масаласига ишора қилиб ўтган эди; Левин Сергей Ивановичга ёқадиган, эътиборини Сербия уруши ва славян масаласи тўғрисидаги гаплардан чалғитадиган мавзунини қидириб, Сергей Ивановичнинг китобидан гап очди.

– Қалай, китобингга тақриз ёзилдими? – деб сўради.

Сергей Иванович бу саволнинг жўрттага берилганидан кулимсираб:

– Бунга кимнинг қўли тегди, дейсан; ўзим эса бошқалардан ҳам кўпроқ бандман, – деди. Кейин оқ тераклар устида кўринган оқ булутларни шамсияси билан ишора қилиб, илова этди: – Буни қаранг, Дарья Александровна, ёмғир ёғади.

Левин акаси билан ўзи ўртасида адоват бўлмаганда ҳам, совуқ муносабат ўрнашидан ўзини олиб қочиш тилагида юрар эди: лекин юқорида айтилган сўзлардан кейин ака-ука ўртасида яна ўша совуқ муносабат ўрнашди.

Левин Катавасовга яқинлашиб:

– Жуда яхши қилдингиз-да келиб, – деди.

– Анчадан бери келиш ҳаракатида эдим. Энди тўйиб гаплашамиз. Қалай, Спенсернинг китобини ўқиб чиқдингизми?

– Йўқ, ҳали ўқиб туширганим йўқ, – деди Левин, – дарвоқе, энди менга кераги ҳам йўқ.

– Нега энди? Жуда қизиқ китоб эди-ку. Нима учун кераги йўқ дейсиз?

– Яъни, мени қизиқтирган саволларга Спенсердан ҳам, унга ўхшаганлардан ҳам жавоб тополмаслигимга имоним комил бўлиб қолди. Энди...

Лекин Катавасовнинг чеҳрасидаги вазмин, хушнуд ифода Левинни бирдан ҳайратга келтирди; у шу суҳбат билан ўзининг таъбини хира қилиб қўйганига юрак-юрагидан ачинди-ю, кўнглига тутиб қўйган ниятини эслаб, гапини тўхтатди.

– Хайр майли, кейин гаплашармиз, – деб илова қилди; кейин ҳаммага қараб: – Агар арихонага бораётган бўлсаларингиз, бу ёққа юринглар, мана бу сўқмоқ билан борамиз, – деди.

Улар тор сўқмоқ билан бориб, бир томони бошдан охиригача сариқ, бинафша ранг ёввойи гуллар босган, ораларида баланд бўйли, тўқ яшил ўзакли буталар ўсиб ётган, ўти ҳали ўрилмаган ялангликка етишганда, Левин меҳмонларини ёш оқ теракларнинг қуюқ

кўланкасидаги ўриндиқ билан тўнгакларга ўтқазди; бу ўриндиқ билан тўнгаклар арихонага келиб, асаларилардан қўрқадиган томошабинларга атайин тай-ёрлаб қўйилган эди. Ўзи эса болалар билан катталарга нон, бодринг ва янги асал олиб келгани кетди.

Левин сўқмоқда иложи борича секинроқ юришга тиришиб, ён-веридан тез-тез учиб ўтишаётган асалариларнинг зингилашларига қулоқ сола-сола охири кулбага ҳам етди. Даҳлиз ёнида битта асалари Левиннинг соқолига ўралашиб визиллаётган бошлаган эди, у эҳтиёт билан бўшатиб юборди. Салқин даҳлизга кириб, қозикда осикли тўрини олди-да, уни юзига тутиб, қўлларини чўнтакларига солгандан сўнг, тевараги ўраб олинган арихонага кирди; ўтлари ўриб олинган бу ерда ҳар бири ўз тарихи билан Левинга таниш бўлган эски ари уялари қозикларга қатор қилиб боғлаб қўйилган эди; четанларга эса шу йили ўтқазилган ёш ариларнинг инлари осиб қўйилган эди. Эркак арилар билан асаларилар инларининг орзида, бир ерда қайнашиб, учишиб ўйнашар; бол келтирган ва болга кетаётган арилар эса ўрмонда гуллаб турган липа дарахтлари билан ин ўртасида муттасил учиб турар эди.

Левиннинг қулоқлари остида гоҳ иш билан банд бўлиб, виз-виз учишаётган меҳнаткаш ариларнинг, гоҳ бекорчи эрка ариларнинг, гоҳ ўз бойликларини душмандан қўриқлаб, чақишга шайланиб турган қўриқчи ариларнинг визиллашлари эшитиларди. Четаннинг орқасида бир чол чамбар ясаётган эди, у Левиннинг келганини кўрмай қолди. Левин уни чақирмасданоқ, арихонанинг ўртасига келиб тўхтади.

Воқелик Левиннинг кайфини алақачон бузиб қўйган эди, у энди ўзини йиғиштириб олишни истар, шу сабабдан ёлғиз қолгани учун ҳам хурсанд бўларди.

У дарров Инанга аччиқланганини, акасига совуқ муомала қилганини, Катавасовга ҳам енгил-елли гаплар айтганини эслади.

Левин: «Наҳотки бу фоний бир кайфият бўлса, наҳотки бирон из қолдирмай ўтиб кетса?» – деб ўйланди. Лекин худди шу пайт яна аввалги кайфиятига қайтди-ю, ўзида қандайдир янги, муҳим бир ўзгариш юз берганини сезиб, қувонди. Унинг ўзи топган кайфиятини воқелик фақат бир нафасгина хиралаштириб қўйган, аслда эса бу кайфият қалбида саломат эди.

Ҳозир теварагида учишиб таҳдид солаётган, уни алаҳситаётган, жисмоний осойишталигини бузиб, гужмайишга мажбур қилаётган асаларилар сингари, у аравага тушган соати ташвишлари ҳам қамраб олиб, уни руҳий ҳурриятдан маҳрум этиб қўйган эди; лекин бу ҳолат шу тирикчилик ташвишлари билан банд бўлган пайтлардагина юз берди. Асаларилар ҳужумига қарамай, жисмоний кучи зарарланмагани каби янги идрок этган маънавий кучи ҳам зарарланмаган эди.

XV

Долли болаларига бодринг билан асал бергандан сўнг:

– Биласанми, Костя, Сергей Иванович поездда кимни кўрибди? – деди. – Вронскийни! Сербияга кетаётган эмиш.

– Яна бир ўзи эмас, ўз ҳисобидан бутун бир эскадрон олиб кетяпти! – деди Катавасов.

– Ҳа, бу иши унга ярашади, – деб қўйди Левин. Кейин Сергей Ивановичга юзланиб, илова қилди: – Ия, ҳалигача кўнгиллилар кетяптими?

Сергей Иванович жавоб қилмади; у чашканинг четига солинган ва оқ катакчаларидан оқиб турган асалга ёпишиб қолган тирик асаларини тўмтоқ пичоғи билан секин-секин чиқариш билан овора эди.

Катавасов бодрингни қарс-қурс еб туриб:

– Кетганда қандай! Кеча станцияда нима бўлганини бир кўрсангиз эди! – деди.

Бу суҳбат Левиндан олдин бошланган бўлса керак, қари князь давом эттириб:

– Хўш, буни қандай тушуниш керак? Худо хайрингизни берсин, Сергей Иванович, тушунтириб беринг. Бу кўнгиллилар қаёққа кетишяпти, ким билан жанг қилишади? – деб сўради.

Сергей Иванович оёқчаларини зўрға-зўрға қимирлатаётган, асалга бўялган арини чиқарди-да, пичоғидан терак баргига ўтқазаётди:

– Турклар билан, – деди, кулимсираб.

– Ия, туркларга ким уруш эълон қилди? Иван Иванович Рагозов билан графиня Лидия Ивановна-ю Шталь хонимми?

– Ҳеч ким уруш эълон қилгани йўқ, одамлар қон-қардошларининг изтиробларига ачинишиб, шуларга ёрдам қилишмоқчи холос, – деди Сергей Иванович.

Левин қайнотасининг ёнини олди.

– Лекин князь ёрдам берилаётганини сўраётгани йўқ, урушни сўраяпти, – деди Левин, – князь: хукуматнинг рухсати бўлмай туриб, айрим шахслар урушда қатнаша олмайди, деяпти.

– Костя, бу асаларингга қара! Ҳозир бизни чақиб олади! – деди Долли ёввойи аридан ўзини кўриқлаб.

– Эй, бу асалари эмас, ёввойи ари-ку, – деди Левин.

Катавасов Левин билан мунозараларга киришмоқчи бўлди шекилли:

– Қани, қани, билайлик-чи, бу тўтрида сизнинг назариянгиз қандай экан? – деди. – Нима учун айрим одамларнинг ҳақлари йўқ?

– Менинг назариям шундай: бир томондан, уруш шундай бир ҳайвоний, шундай бир шафқатсиз, даҳшатли нарсаки, насроний динидаги одамни бир ёққа қўйиб турайлик, бошқа ҳар қандай одам ҳам

урушни бошлаш масъулиятини зиммасига оломайди, бу масъулиятни уруш қилиш ўзининг бурчи ҳисобланган ва уруш қилишга мажбур бўлган ҳукуматгина зиммасига ола олади. Иккинчи томондан, илмий жиҳатдан ҳам, соғлом ақл билан қаралганда ҳам, давлат ишларида, айниқса уруш ишларида граждандар шахсий иродаларига қараб иш кўрмайдилар.

Сергей Иванович билан Катавасов эътироз этишга шайланиб турган эди, шунинг учун иккови бараварига гапира бошлади.

– Ҳамма гап шунда-да, отам; баъзи ҳолларда ҳукумат фуқароларнинг иродаларини амалга оширмайди, ана шунда жамият ўз иродаси билан иш қилади, – деди Катавасов.

Лекин Сергей Ивановичга бу эътироз ёқмади шекилли, Катавасовнинг сўзига қовоғини солиб, бошқа бир гап айтди:

– Сен масалани бу хилда қўйиб бекор қиласан. Аслида уруш эълон қилинмаган бўлса ҳам, ҳозир инсоний бир ҳис, насронийча бир ҳис изҳор қилиняпти. Ахир қон-қардошларимизни, диндошларимизни ўлдиришяптида! Майли, диндошларимизни, қон-қардошларимизни эмас, шунчаки болаларни, хотин-халажларни, қари-қартангларни ўлдиришяпти деяйлик; бу зулмни кўргандан кейин инсон ҳисси ралаёнга келади, ана шундан кейин рус кишилари бу даҳшатларга барҳам бериш учун ёрдамга югуришади. Фараз қил, сен кўчада кетиб боряпсан, қарасанг: мастлар битта хотинни ё болани уришяпти; фикримча, бу кишиларга қарши уруш эълон қилинганми-йўқлигини сўраб ўтирмайсан, балки уларга ташланиб калтакланганни қутқазасан.

– Лекин ўлдирмасдим, – деди Левин.

– Йўқ, ўлдирардинг.

– Билмайман. Агар шундай воқеани кўрсам, ўшанда юрагимда уйғонган бевосита ҳисга қараб иш кўрардим; лекин олдиндан бир нима деёлмайман. Славянларни жабрлаётганларга қарши бундай бевосита ҳис йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

– Эҳтимол, сенда йўқдир. Лекин бошқаларда бундай ҳис бор, – деди Сергей Иванович, норози бўлганидан қовоқларини осиб. – Халқ орқасида православларнинг «ҳароми агарянлар» зулми остида эзилгани тўғрисида ривоятлар бор. Халқ ўзининг қон-қардошлари жафо чекаётганини эшитиб, тилга кирди.

Левин хоҳламайроқ:

– Эҳтимол, – деди, – лекин мен бундайлигини сезаётганим йўқ; мен ҳам халқнинг бир заррасиман, мен бу нарсани сезмаяпман.

– Мана мен ҳам, – деди князь. – Мен чет элда яшадим, газеталар ўқиб турдим, тан беришим керак, руслар славян биродарларини бирдан бундай яхши кўриб қолганликларини Болгария даҳшатлари бошланмасдан олдин ҳеч тушунмас эдим; менинг эса уларга ҳеч қандай муҳаббатим йўқ-ку! Мен ё шундай баттолман ё бўлмаса Карлсбад менга шунақа таъсир қиляпти, деб ўйлаб, жуда хафа эдим. Лекин бу ерга келдим-у, тинчидим-қолдим, нимага десангиз, кўрдимки, славян биродарлар билан эмас, фақат Россия билангина қизиқадиган мендан бўлак одамлар ҳам бор экан. Мана, Константин.

– Бу ишда айрим шахслар фикрининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, – деди Сергей Иванович, – бутун Россия, бутун халқ ўз раёини билдириб турган бир пайтда, айрим одамларнинг фикрларига эҳтиёж қолмайди.

– Йўқ, кечирасиз мени. Мен бундайлигини кўраётганим йўқ. Халқ бунинг етти ухлаб тушида ҳам кўргани йўқ, – деди князь.

Доли гапга кулоқ солиб ўтирган эди, у:

- Йўқ, дадажон. Нега ундай дейсиз? Якшанба куни черковда кўрмадингизми? - деди. Кейин болаларга қараб, кулимсираб турган чолга гапирди: - Мумкин бўлса, сочиқни берсангиз. Ундай эмасдир, нимагаки, ҳамма...

- Ҳа, якшанба куни черковда нима бўла қопти? Пошта буюришган, поп ҳам дуо қилган-да. Ҳар сафар хутба ўқилганда қавм ҳеч нарсага тушунмайди, хўрсиниб қўя қолади, бу сафар ҳам шундай бўлди-да, - деди князь сўзини давом эттириб. - Иннайкейин, уларга черковда хайри эҳсон йиғилади деб айтишди, улар ҳам бир чақа, икки чақадан чиқариб беришди. Нимага беришди - буни ўзлари ҳам билишмайди.

- Халқнинг билмаслиги мумкин эмас; халқ ўз тақдирини ҳамиша билиб туради, бундай пайтларда эса халқ тақдири ўзига ойнадай равшан кўринади, - деди Сергей Иванович, асалари боқувчи чолга қараб.

Мош-гуруч соқолли, кумуш ранг қалин сочли хушрўй чол, бу гапларга тушунмаётган, тушунишни ҳам истамаётган бўлса керак, кўлида асал тўла коса билан баланд қоматини ростлаб, қимир этмасдан юқоридан бу жанобларга қараб турар эди.

Чол бошини маъноли бир тарзда чайқаб, Сергей Ивановичнинг сўзига:

- Ҳа, худди шунақа, - деди.

- Ҳа, баракалла, мана бундан сўранг. Бу ҳеч нима билмайди ҳам, ўйламайди ҳам, - деди Левин. Сўнгра чолдан сўради. - Михайлич, сен уруш тўғрисида ҳеч нима эшитдингми? Черковда ўқилган дуони-чи? Сен нима деб ўйлайсан? Насронийларга тарафкашлик қилиб урушишимиз керакми?

- Биз ўйлаб нима қиламиз? Бизнинг ўрнимизда император Александр Николаевич ўйлапти-ку, ҳамма тўғрида бизни бир ёққа қўйиб ўзи ўйланди. У кўпроқ билади. - Кейин, ноннинг жилдиши еб бўлаётган Гришага ишорат қилиб, Дарья Александров-

надан сўради: – Яна нон олиб келайми? Ўғилчага яна берайми?

Сергей Иванович:

– Менинг сўраб ўтиришим керак эмас, – деди, – биз ҳақ ва адолат йўлида хизмат қилиш учун ҳамма нарсасини ташлаб, Россиянинг ҳар тарафидан келаётган, ўз фикрларини, мақсадларини очиқ-ойдин билдираётган юзларча одамни кўрдик, кўриб турибмиз ҳам. Улар ё чақаларини иона қилишяпти ёки ўзлари кетишяпти; нимага кетишаётганларини ҳам очиқ айтишяпти. Хўш, бунинг маъноси нима бўлди?

– Менингча, бунинг маъноси шуки, – деди Левин қизиша бошлаб, – саксон миллионлик халқ ичидан, ҳозиргидек юзлаб эмас, балки жамият орасида мавқеини йўқотган, бебошлик билан кун кўраётган ўн минглаб одам ҳамма вақт топилади; бундай одамлар Путачёв шайқасига киришдан ҳам, Хивага, Сербияга жўнашдан ҳам тоймайди...

Сергей Иванович худди ўзининг сўнгги бойлигини ҳимоя қилаётгандек тутақиб:

– Мен сенга юзлаб одам деганим йўқ, бебошлик билан кун кўрувчилар ҳам деганим йўқ, мен сенга халқнинг энг яхши вакиллари деяпман! – деди. – Хўш, ионалар-чи? Бу масалада бутун халқ ўзининг муносабатини билдирди.

– Бу «халқ» деган сўзингиз жуда ҳам мужмалда, – деди Левин. – Бўлис мирзолари, муаллимлар, минг мужикдан биттаси нима гаплигини билса ажаб эмас. Саксон миллиондан қолгани эса, Михайличга ўхшаш, ўз хоҳишини билдириш у ёқда турсин, балки нима тўғрида хоҳиш билдириш кераклигини заррача ҳам тушунмайди. Шундай экан, буни халқ иродаси деб айтишга қандай ҳақимиз бор?

XVI

Сергей Иванович, диалектикада тажрибали бўлса ҳам, эътироз билдирмай, гапни дарров бошқа соҳага буриб юборди.

– Ҳа, агар сен халқнинг руҳини арифметика йўли билан билмоқчи бўлсанг, у ҳолда, албатта, бунга эришиш жуда қийин. Иннайкейин, бизда овоз бериш қондаси жорий қилинмаган, жорий қилиш ҳам мумкин эмас, чунки бу нарса халқнинг хоҳишини билдирмайди, лекин буни билишнинг бошқа йўллари бор. Буни мавжуд вазиятдан, юрак сезгисидан билиб олишади. Мен ҳали жим ётган халқ денгизида ҳаракатга келган ва ҳар қандай беғараз кишига ойдин бўлган сув ости жараёнларини гапираётганим йўқ; чуқур ўйлаб жамиятга назар ташла. Зиёлилар оламининг барча хилма-хил партиялари авваллари бир-бирларига душман билганларига қарамай, энди бирикиб кетди. Ҳар қандай ихтилоф хотима топди, ижтимоий органларнинг ҳаммаси фақат бир нарсадан дам уради, ҳаммани қамраб олиб, бир томонга олиб бораётган табиий кучни сезиб қолди.

– Ҳа, бу газеталарнинг ҳаммаси бир тилда сайрашади, – деди князь. – Буниси тўғри. Момақалди роқ олдидан ҳамма бақалар бир хил қуриллашганидек, булар ҳам шунақа бир хил сайрашади. Буларнинг дастидан ҳеч нимани эшитиб бўлмайди.

– Бақами, бақа эмасми, менга бари бир, мен газета чиқармайман, шунинг учун уларни ҳимоя ҳам қилиб ўтирмайман; лекин мен зиёлилар оламидаги ҳамфикрликни гапиряпман, – деди Сергей Иванович укасига қараб.

Левин жавоб бермоқчи бўлиб турган эди, қари князь сўзини орзидан илиб кетди.

– Хайр, бу ҳамфикрлик тўғрисида ҳам бошқа бир нарса дейиш мумкин, – деди князь. – Мана, маса-

лан, менинг куёвчам Степан Аркадьични олинг, сиз уни танийсиз, у ҳозир комиссия комитетидан аъзолик вазифасини оляпти. Яна нима балони ҳам, буниси эсимдан чиқди. Фақат у ерда қилинадиган ҳеч иш йўқ. На чора, Долли, бу сир эмас ахир! Лекин саккиз минг сўм даромади бор. Қани, сиз ундан бир сўраб кўринг-чи: шу хизмати фойдалимикан? Ҳа, сизга энг фойдали хизмат деб исбот ҳам қилиб беради. Яна у ростгўй одам тўғри, саккиз минг сўмнинг фойдали эканига ишонмай ҳам бўлмайди.

Сергей Иванович князнинг гапларини ноўрин ҳисоблаб нафси оғриди, кейин:

– Айтмоқчи, хизматга кирганини Дарья Александровнага айтиб қўйсангиз деб илтимос қилган эди, – деди.

– Газеталарда ҳукм сурган ҳамфикрлиликнинг маъноси шу. Менга айтиб беришди: уруш чиқса, даромадлари икки барабар ортар экан. Бундай бўлгандан кейин нима учун ҳам халқ славяналарнинг тақдирларини... яна нима балоларни карнай қилиб чалишмасин?

– Мен кўп газеталарни хушламайман, лекин бу адолатсизлик, – деди Сергей Иванович.

Князь сўзини давом эттирди:

– Мен фақат битта шарт қўймоқчи эдим. Alphonse Karr¹ Пруссия билан қилинган уруш олдида: «Нима, сиз урушни зарур деб ҳисоблайсизми? Жуда соз. Кимда-ким урушни тарғиб қилса, уни олдинда жанг қиладиган махсус легионга юбориш керак, ҳамманинг олдига тушиб ҳужум ва ҳамла қилсин!» деб жуда боғлаб ёзган.

Катавасов таниш муҳаррирларни бу терма легионда тасаввур қилиб:

– Бу муҳаррирлар «иш» кўрсатарди! – деди шарақлаб кулиб.

¹ Альфонс Карр (франц.).

Долли:

– Эй, ҳаммаси қочиб кетади, фақат халақит беришади, холос, – деган эди, князь:

– Агар қочишса ё орқасидан ўққа тутиш ёки казакларга қувдириб қамчилатиш керак, – деди.

Сергей Иванович бўлса:

– Мени маъзур кўрасиз-да, князь, бу-ку бир ҳазил, лекин ёмон ҳазил, – деди.

– Мен бунинг ҳазиллигини кўрмайтман, бу... – Левин сўз бошлаган эди, Сергей Иванович бўлиб қўйди.

– Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзига муносиб иш қилиши керак, – деди Сергей Иванович. – Шунинг учун фикр одамлари ҳам жамият фикрини баён қилиш билан ўз бурчларини адо этишяпти. Яқдиллик ва афкор оммани тўла ифода этиш бир томондан газеталарнинг хизмати бўлса, иккинчи томондан, қувончли бир ҳолдир. Йигирма йил аввал биз орзимизни ҳам очолмасдик, ҳозир эса рус халқининг овози чиқиб қолди, бу халқ бир тан, бир жон бўлиб қўзғалишга, асоратдаги биродарлари учун жонини қурбон қилишга тайёр; бу улур қадам, бу куч нишонасидир.

– Лекин фақат жонини қурбон қилишгагина эмас, туркларни ўлдиришга ҳам тайёр, – деди Левин ҳадиксираб. Кейин суҳбатни ўзини машғул қилган фикрларга борлаб, галига қўшиб қўйди: – Халқ одам ўлдириш учун эмас, ўзининг охирати учун қурбон беришяпти, қурбон беришга тайёр ҳам.

Катавасов кулимсираб:

– Ия, охират учун? Мен сизга айтсам, бу табиатшунос бир одамнинг тилига келиши қийин сўз. Охират учун деганингиз нимаси? – деди.

– Эй, қўйсангиз-чи, ўзингиз биласиз-ку!

– Вой, тирноқча ҳам тушунсам худо урсин! – деди Катавасов кулиб.

Сергей Иванович Инжилнинг Левинни ҳамisha ҳамма нарсадан кўпроқ хижил қилиб келган ерини

энг равшан бир нарсадай соддагина мисол келтириб эътироз этди:

– Исо: «Мен тинчлик келтирмадим, қилич келтирдим», деган.

Улар ёнида турган чол ўзига иттифоқо ташланган назарга жавоб тариқасида:

– Бу тўғри гап, – деб яна бояги сўзини такрорлади.

Катавасов бўлса:

– Йўқ, отам, енгилдингиз, енгилдингиз, бутунай енгилдингиз! – деб қичқирди.

Левин алаמידан қизарди, лекин енгилгани учун эмас, ўзини тутолмай мунозарага киришиб кетгани учун алам қилиб қизарди.

«Йўқ, улар билан мунозара қилолмайман, уларда ўқ ўтмайдиган зирқ бор, мен эса яланғочман», деб ўйланди.

Левин акаси билан Катавасовни ўзининг иддаоларига ишонтира олмаслигини қанчалик кўриб турса, улар баён қилган фикрларга ўзининг қўшилишига ишончи йўқлигини ҳам шунчалик кўриб турарди. Улар тарғиб қилаётган нарса Левинни ҳалок қилиб қўяёзган ўша ақл тақаббурлиги эди. Ўнлаб одамнинг, шулар жумласидан акасининг ҳам, пойтахтга келган ҳовлиқма кўнгиллилардан эшитган сўзларига суяниб, биз халқнинг фикр ва иродасини газеталар орқали ифода қиляпмиз, дейишларига, иннайкейин, қасос олиш ва одам ўлдириш ҳақидаги фикрларни баён қилишларига Левин қўшила олмас эди. У бу нарсага шунинг учун қўшила олмас эдики, ўзи бирга яшаб турган халқ ичида бундай фикрлар борлигини кўрмаган, ўзи ҳам бундай фикрда бўлмаган эди (у эса ўзини рус халқини ташкил этган одамлардан бири деб ҳисобларди), асосан шунинг учун қўшилолмасдики, умумнинг бахти нимадан иборатлигини халқ билан бирликда ўзи ҳам билмас, билишга қодир ҳам эмас эди, лекин ҳар бир кишининг қўлидан келади-

ган саховат қонуни қаттиқ туриб бажарилгандагина бу умум бахти-саодатига эришиш мумкинлигини аниқ биларди, шунинг учун урушни хоҳлай олмас, ҳар қандай умумий мақсад учун урушни тарғиб ҳам қила олмас эди. У Михайлич билан, варяглар (келгиндилар)нинг чақирилиши тўғрисидаги ривоятларда ўз фикрини баён қилган халқ билан бирликда: «Бизнинг хонимиз ва хоқонимиз бўлинг. Биз сизга тўла итоат қиламиз, биз бунга жону дилимиз билан ваъда берамиз. Бутун заҳматни, бутун ҳақирликни, бутун қурбонни ўз зиммамизга оламиз; лекин биз ҳукм қилолмаймиз, қарор ҳам қилолмаймиз». деярди Сергей Ивановичнинг сўзига қаралса, шунча қиммат тушган ҳуқуқларидан халқ энди юз ўтирмоқда эди.

Левин: «Агар афкор омма гуноҳлардан пок бир ҳакам бўлса, у ҳолда нима учун инқилоб билан коммунна ҳам славянлар фойдасига қилинаётган ҳаракат сингари қонуний эмас?» демоқчи ҳам бўлди. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳеч нарсани ҳал қилолмайдиган фикрлар эди. Аммо бир нарса шубҳасиз аён эди, шу тобда қилинадиган мунозара Сергей Ивановичнинг жаҳлини чиқарарди, шунинг учун мунозара қилиш яхши эмасди; Левин жим бўлди-ю, меҳмонлар этиборини кўкда йирилган қора булутларга жалб этиб, ёмғир ёрмай туриб тезроқ уйга қайтишини маслаҳат кўрди.

XVII

Князь билан Сергей Иванович аравага тушиб жўнашди; қолганлар эса шахдам одимлар билан уйга яёв кетишди.

Лекин гоҳ оқариб, гоҳ қорайиб турган булутлар кўк юзини шу қадар тез қоплаб борардики, ёмғир куйиб юбормасдан уйга этиб олиш учун одимларини яна ҳам илдам босишлари керак эди. Ис аралаш

тутунга ўхшаган олдиндаги қоп-қора булутлар кўк юзида ҳаддан ташқари бир шитоблик билан пастлаб сузиб келарди. Уйга икки юз одимча қолганда бирдан шамол турди, энди ҳар дам сел қуйиб юбориши мумкин эди.

Болалар ҳам қўрқиб, ҳам суюниб чинқиришиб югуришарди. Дарья Александровна ҳам, оёқларига ўралашиб қолаётган юбкасини зўрға-зўрға тузатиб, болаларидан кўзларини узмай чопиб борарди. Эркаклар бўлса, шляпаларини ушлаб олиб, катта-катта қадам ташлаб боришади. Улар зинапоя олдига келиб етишлари биланоқ каттакон бир томчи тунука тарнов қиррасига урилиб парчаланди. Болалар, булар орқасидан катталар, чақ-чақ уришиб ўзларини том панасига олдилар.

Левин ўзларини даҳлизда қўлида дурра ва рўмол билан кутиб олган Агафья Михайловнадан:

– Катерина Александровна қани? – деб сўраган эди, Агафья Михайловна:

– Сизлар билан деб ўйловдик, – деди.

– Митя-чи?

– Колокда¹ бўлса керак, энагаси ҳам ўша ерда.

Левин каттакон жун рўмолни унинг қўлидан юлиб олиб, Колокка қараб югурди.

Шу қисқа муддатда қора булут қалин жойи билан қуёш юзини шу қадар тўсиб олдики, худди кун тутилгандай, ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлиб кетди. Шамол, худди жўрттага қилаётгандек, ўжарлик билан йўлини тўсиб Левинни тўхтатар, липа дарахтларининг япроқлари билан гулларини узар, оқ қайишларнинг шохларини хунук, валаги бир кепатада яланғочлаб, ҳар нарсани: акацияларни ҳам, гулларни ҳам, кўкатларни ҳам, дарахтларнинг учларини ҳам бир томонга эгарди. Бояда ишлаётган қизлар, чирқирашиб, ўзларини хизматкорлар уйига урди-

¹ Колок – чул ўртасидаги кичкина ўрмон.

лар. Қаттиқ жаладан ҳосил бўлган оқ парда узоқдаги ўрмон билан яқиндаги даланинг ярмини тўсиб қўйиб, энди шиддат билан Колок томон бостириб келмоқда эди. Ҳаводан майдалаб ёраётган ёмғирнинг рутубатли иси сезилиб турарди.

Левин бошини эгиб олиб, қўлидаги рўмолни юлиб олмоқчи бўлган шамол билан олиша-олиша Колокка яқинлашганда дуб орқасида оқариб кўринган нарсани энди кўрган ҳам эдики, бирдан ҳамма ёқ чарақлаб кетди, ер юзини оловга ўхшаган бир нарсга қоплади, боши устида осмон гумбази қарсиллаб сингандай бўлди. Левин қамашиб қолган кўзларини очди-ю, ўзи билан Колок ўртасига ёмғир тортиб қўйган қалин парда орасидан қараб, ўрмон ўртасидаги таниш эман дарахтининг учи жуда ҳам галати ўзгариб қолганини кўрди. Левин даҳшатга тушди, «Наҳотки синиб тушган бўлса?» – деб ўйлади тобора қадамини тезлатиб; эман бошқа дарахтлар орқасида кўздан ғойиб бўлди; Левин каттакон бир дарахтнинг бошқа дарахтлар устига гурсиллаб йиқилганини эшитди.

Чақмоқ, момақалдироқ гулдуриси Левинни даҳшатга солди, бир онда вужуди муздек бўлиб кетди.

– Худоё! Худоё, уларнинг устига йиқилмаган бўлсин-да! – деб илтижо қилди у.

Эман аллақачон йиқилиб бўлган эди; ана шундан кейин эман уларни босиб қолмасин-да, деб қилган илтижоси бемаънилик эканини Левин дарҳол хаёлидан ўтказган бўлса ҳам, ҳозир шу бемаъни илтижодан бошқа бирон нарсга қилишга қодир эмаслигини билгани учун илтижосини яна такрорлади.

Левин Китилар ҳар доим ўтирадиган жойга чопиб бориб уларни тополмади.

Улар ўрмоннинг нариги томонида, қари липа дарахти тагида Левинни чақиринишга эди. Қорамтир кийимли (ҳалигина кийимлари оқ рангда

эди) икки киши аланарса устида энгашиб турарди. Булар Кити билан энага эди. Левин улар ёнига чопиб келганда, ёмғир аста-аста тиниб, ҳаво ёриша бошлаган эди. Энага кўйлагининг этаклари қуруқ бўлса ҳам, Китининг кўйлаги жиққа ҳўл бўлиб, баданига ёпишиб қолган эди. Боя момақалди роқ гулдурлаганда қандай мақомда туришган бўлса, ҳозир ёмғир тинганига қарамай, яна ўша мақомда туришарди. Иккаласи ҳам яшил соябон арава чанинг устига энгашиб олган эди.

Левин ичи сув билан тўлиқ ботинкасини ҳали ер шиммаган кўлобда шало платиб югуриб келди-ю:

- Тирикмисизлар? Соғмисизлар? Худога шукур!
- деди.

Кити ивиб, бетлари қизариб кетган эди; у юзини Левинга ўтириб, бужмайиб қолган шляпаси остидан кўрқа-писа қулимсираб турарди.

Левин аламга чидолмай хотинини койиб кетди:

- Уят эмасми ахир! Ҳайронман, одам деган шунчалик ҳам беғам бўладими?

- Худо ҳақи, менда айб йўқ. Энди кетамиз деб турувдик, булғаниб қолди. Тозалаш керак бўлди-да. Биз ҳам ҳозиргина... - дея Кити узр айта бошлади.

Митя соппа-соғ, қуруқ эди, гишиллаб ухлаб ётарди.

- Хайр, худога шукур! Нималар деганимни ўзим ҳам билмай қолдим!

Ҳўл йўрғақларни йириштиришди; энага болани аравачадан чиқариб кўтариб олди. Левин хотинининг ёнида борди, жаҳли чиққани учун ўзидан койиб, энагадан яшириқча Китининг қўлини қисиб қўйди.

XVIII

Левин турли-туман суҳбатларда ақлининг фақат ташқи томони билан иштирок этгандек кўринган бўлса ҳам, ўз ичида юз бериши лозим булган ўзга-

ришдан ҳафсаласи пир бўлса ҳам, яна қалби кун бўйи шодлик билан тўлиқ эканини сезиб турди.

Ёмғирдан кейин ер жуда лой бўлгани учун айлангани чиқиб бўлмасди; бундан ташқари, булутлар ҳалигача уфқдан кетмай, осмоннинг дам у четида, дам бу четида гулдураб, қорайиб ўтиб турарди. Шунинг учун улар кундузнинг қолган қисмини уйда ўтказишди.

Ўртада ортиқ мунозара чиқмади, аксинча, тушлик овқатдан сўнг ҳамманинг кайфи очилиб кетди.

Катавасов олдин хонимларни ўзининг қизиқ ҳазиллари билан кулдирди; у билан биринчи марта танишганда бу ҳазиллар ҳаммага жуда манзур бўларди. Кейин у Сергей Ивановичнинг қутқуси билан, уй пашшалари тўррисидаги қизиқ кузатишларини, эркак пашшалар билан урочи пашшаларнинг характерларини, ҳатто башаралари ҳам ҳар хил эканлигини гапириб берди. Сергей Иванович ҳам очилиб ўтирди; чой маҳалида укасининг қутқуси билан шарқ масаласининг келажаги тўррисидаги ўз қарашларини жуда содда, жуда чиройли қилиб гапириб берган эди. ҳамма диққат билан қулоқ солиб ўтирди.

Фақат Китигина унинг гапларини охиригача эшитолмади, уни Митяни чўмилтиргани чақириб чиқиб кетишди.

Кити чиқиб кетгандан сўнг, бир неча дақиқа ўтгач, Левинни ҳам болалар бўлмасига чақиртириб кетишди.

Левин чойни ярим-ёрти қолдирди-да, қизиқ суҳбатни охиригача эшита олмаганига афсус еб ва нима учун чақирганларидан ташвишланиб болалар бўлмасига чиқиб кетди; одатда уни фақат муҳим пайтлардагина чақирарди.

Сергей Ивановичнинг озод қилинган қирқ миллионли славянлар дунёсининг Россия билан бирликда тарихда янги давр бошлаши кераклиги тўррисидаги

режаси бутунлай янги бир нарсадай Левинни жуда кизиқтирган эди; у шу режани охиригача эшитолмаганига ва ўзини нима учун чақирганларини билмай, ҳам ташвишланиб, ҳам ҳайрон бўлиб турганига қарамай, меҳмонхонадан чиқиб холи қолар-қолмас, дарҳол шу бутун эрталаб миясига келган ўйларини эслади. Славянлар масаласининг бутун дунё тарихида тутган ўрни тўғрисидаги бутун бу мулоҳазалар қалбида юз бераётган нарсаларга нисбатан шу қадар аҳамиятсиз бўлиб кўриндики, Левин буларнинг ҳаммасини бир лаҳзадаёқ унутди-ю, яна эрталаб қалбида уйронган ҳис-туйғуларга берилди.

У миясида кечган фикрларни илгаригидек, бошдан-оёқ эслаб ўтирмади (бунга эҳтиёж йўқ эди), ўзига раҳнамо, ўйларига алоқадор бўлган ўша ҳисларга дарҳол берила қолди; натижада қалбидаги бу ҳиснинг бурунгидан анча кучли, аниқ эканлигини сизди. Илгари ўзини тинчителиш учун бирон нарса ўйлаб топиш мақсадида миясига келган фикрларни бошдан-охир эслаши ва ахтарган ҳиссини шу йўл билан топиши керак бўларди, ҳозир эса бундай қилмади. Ҳозир, аксинча, шодлик ва фароғат ҳисси аввалгидан жонлироқ эди, фикри эса ҳиссидан орқада қолиб борарди.

Левин пешайвондан ўтиб кетаётиб, қорая бошлаган осмонда кўзга чалиниб турган иккита юлдузни кўриб, бирдан эски ўйларини эслади: «Ҳа, кўкка қараб, осмон гумбазини кўрганимда, мен унинг ёлғон эмаслигини ўйлар, шу билан бирга ниманидир ўйлаб тагига етолмас, ниманидир ўзимдан яширар эдим, – деб ўйланди. – Лекин у ерда нима бўлганда ҳам, бари бир, инкор қилиб бўлмайди. Ўйлаб кўрсанг бўлди, ҳамма нарса равшан бўлади-қолади!»

Болалар бўлмасига кириб кетаётганда, ўзидан яширган нарсанинг нимадан иборатлигини эслади. Бу шундан ибодат эди: агар оллоҳнинг ҳақлигига

асосий исбот унинг ўзи кашф этган саховат бўлса, у ҳолда бу кашфиёт нима учун фақат насроний дини билангина чегараланди? Буддистлар билан мусулмонларнинг бу кашфиётга қандай алоқаси бор, ахир улар ҳам саховатни тарғиб қилишади, саховат йўлидан боришади-ку!

Левин бу саволга ўзида жавоб бор деб биларди, лекин жавобни кўнглидан ўтказишга улгурмай, болалар бўлмасига кириб қолди.

Кити енгларини шимариб олиб, ваннада сувни шопирлатиб ётган чақалоқ устида қараб турган эди; у эрининг оёқ дупурини эшитиб ўтирилди-ю, кулимсираб, уни ёнига чақирди. У орқаси билан сузиб, оёқчаларини типирчилатаётган дўмбоққина чақалоқнинг боши тагидан бир қўлни ўтказиб ушлаб турар, иккинчи қўли билан эса губкани бола устида бир меъёрда сиқиб сув оқизарди.

Эри яқин келганда, Кити:

– Буни кўр! – деди. – Агафья Михайловна тўғри айтибди. Одамни танийдиган бўлиб қолибди.

Гап Митянинг бугундан эътиборан яқин кишиларининг ҳаммасини танийдиган бўлиб қолгани устида экан.

Левин ваннага яқин келиши биланоқ Митянинг танишини тажриба қилиб кўришди; тажриба тўла муваффақиятли чиқди. Жўрттага шу мақсадда чақирилган ошпаз хотин бола устига энгашган эди, у қовоқларини солиб, унга боришни истамай, бошини тебратди. Кити энгашган эди, чақалоқ жилмайди, митти қўлларини губкага узатди, лабларини чўзди, суюнганидан шундай бир вазият овоз чиқардики, Кити билан энагагина эмас, Левин ҳам ўзида йўқ севиниб кетди.

Чақалоқни ваннадан бир қўлда кўтариб олишди, устидан тоза сув куйишди, чойшабга ўрашди, ар-

тишди, кейин қулоқларни битириб чинқираётган болани онасига келтириб беришди.

Кити кўкрагида чақалоғи билан одатдаги ўрнига хотиржам ўтириб олгандан сўнг:

- Бунга меҳр қўя бошлаганинг учун хурсандман, - деди эрига. - Жуда хурсандман. Бўлмаса, жуда хафа бўлиб юрувдим. Сен унга ҳеч меҳрим йўқ, девдинг-да.

- Йўғ-э, наҳотки мен меҳрим йўқ деб айтган бўлсам? Мен фақат ҳафсалам пир бўлди деган эдим, холос.

- Вой, Митядан ҳафсаланг пир бўлганми?

- Йўқ, ундан эмас, ўзимнинг ўйимдан ҳафсалам пир бўлган; мен бундан кўпроқ нарсани кутган эдим. Мен вужудимнинг кутилмаган янги, ёқимли ҳислар билан тўлишини кутган эдим. Қарабсанки, бунинг ўрнига юрагимда бирдан жирканч ҳисси пайдо бўлди, аянч ҳисси...

Кити кучоғидаги боласини чўмилтириш учун боя чиқариб қўйган узукларини нозик бармоқларига тақиб туриб, эрининг сўзларига диққат билан қулоқ солиб ўтирди.

- Юрагимда хурсандликдан кўра, ваҳима, аянч ҳислари айниқса кўпроқ эди. Бугун момақалдироқ маҳалида юрагимни қамраб олган ваҳимадан кейин уни қанчалик яхши кўрганимни англадим.

Китининг чеҳрасини табассум чарақлатди.

- Жуда қўрқиб кетдингми? - деб сўради Кити. - Мен ҳам ёмон қўрқиб кетдим, лекин ҳозир момақалдироқ ўтган бўлса ҳам, жуда ёмон қўрқиб турибман. Бориб, эман дарахтини кўриб келаман. Катавасов қандай дилкаш киши экан-а! Умуман, бутун кунимиз бугун жуда яхши ўтди. Хоҳласанг, сен ҳам Сергей Иванович билан жуда яхши гаплашар экансан... Хайр, уларнинг олдига чиқ, йўқса ваннадан кейин бу ер ҳамма вақт исиб, буғ босиб кетади...

XIX

Левин болалар бўлмасидан чиқиб, ўзи ёлғиз қолгандан сўнг, ўша мужмал ўйларини яна дарҳол эсига олди.

Одамлар гурунги эшитилиб турган меҳмонхонага кириш ўрнига, пешайвонда тўхтади-да, тирсакларини панжарага суяб, осмонни томоша қила бошлади.

Бутунлай қоройғи тушган эди; у жануб томонга қараб қолди, у томонда қора булут кўринмасди. Булутлар қарши томонга йиғилган эди. Ўша томонда чақмоқ чақар, узоқ-узоқлардан момақалди роқ гулдуриси эшитиларди. Левин бордаги липа дарахтларидан бир меъёрда томиб турган томчи овозига қулоқ солар, бурчак шаклидаги таниш юлдузлар туркумига, бу учбурчак ўртасидан ўтган Сомон йўлига ва унинг тармоқларига қараб томоша қиларди. Ҳар гал яшин чақди дегунча, чақнаган юлдузлар кўздан ғойиб бўлар, яшин сўнди дегунча, худди эпчил бир кўл сочиб юборгандек юлдузлар яна жой-жойларидан пайдо бўларди.

Левин ҳали ўзига маълум бўлмаган шубҳаларини қалбида аллақачон ҳал қилиб қўйганини олдиндан ҳис этиб, ўз-ўзидан: «Хўш, юрагимни нима сиқяпти?» – деб сўради.

«Ҳа, художўйликнинг очиқ-ошкор, шубҳасиз нишонаси – хайру саховат қонунларидир; худойи таоло ҳақиқатни очиб шу қонунларни бу дунёга ҳадя қилди, хайру саховат қонунларини мен ҳам кўнглимда сезиб турибман; мен бу қонунларни эътироф этиш билан бошқа одамларга қўшиламан, балки ўз хоҳишимдан қатъи назар, диндорлар черков деб атаган ягона ташкилотга шу одамлар билан бирликда аллақачон борланганман. Хўш, яҳудийлар, мусулмонлар, конфузичилар, буддапарастлар – хўш, булар

кимлар? – Левин хавфли кўринган мана шу саволни ўзига берди. – Наҳотки мана шу юз миллионлаб кишилар энг яхши неъматдан маҳрум бўлса, ахир бу неъматсиз ҳаётнинг маъноси йўқ-ку! – Левин ўйланиб қолди, лекин дарҳол хатосини тузатиб: – Ия, мен нимани сўраяпман? – деди ўзига. – Мен бутун башарият орасидаги хил-хил эътиқодларнинг худогамуносабатини сўраяпман. Мен туманли дорлар билан тўлиқ бу оламдан олоҳнинг умумий зухурини сўраяпман. Мен нима қиляпман? Ақл билан етишиб бўлмайдиган маъно шахсан менга, менинг қалбимга аён бўлса-ю, тагин мен бу ақл билан, сўз билан шу нарсани баён қиламан деб ўжарлик қилсам!»

Левин оқ қайиннинг энг юқориги шохига нисбатан ўрнини анча ўзгартирган ёруғ сайёрага қараб, ўздан сўради: «Юлдузларнинг юрмаслигини, нима, мен билмайманми? Лекин юлдузларнинг ҳаракатига қараб туриб, ернинг айланишини ҳеч тасаввур қилолмайман, шунинг учун ҳам юлдузлар юради десам ҳақлиман.

Агар астрономлар ернинг бутун мураккаб, хилма-хил ҳаракатларини ҳисобга олишса, у ҳолда бирон нарсани тушунишар, бирон нарсани ҳисоблаб чиқишармиди? Самовий жисмларнинг масофалари, оғирликлари, ҳаракатлари, ўз йўлидан четга бурилиши тўғрисидаги ҳаётратомуз хулосалари қимирламайдиган ер атрофидаги сайёраларнинг кўзга кўриниб турадиган ҳаракатларига, ҳозир ўзим ҳам кўриб турган ҳаракатларига асосланган; асрлар бўйи миллионларча одамлар бу ҳаракатни кўриб келган, самовий жисмлар ҳамма вақт бир хилда ҳаракат қилиб келган, бундан кейин ҳам шундай ҳаракат қилади ва ҳар қачон текшириб кўрилса бўлади. Шунинг учун астрономларнинг кўзга кўринган осмоннинг бир меридианга, бир уфқий чизиққа нисбатан қандай ўрин тутганига суянмай чиқарган

хулосалари қанчалик беҳуда, қанчалик омонат бўлса, менинг ҳам ҳамма учун ҳамма вақт аён бўлган, бундан кейин ҳам аён бўладиган, менинг қалбимга насронийлик жо қилган ва қалбимда ҳар маҳал си-наб кўрилиши мумкин бўлган саховат тушунчаси-га суйанмай чиқарадиган хулосаларим ҳам, худди ўшандай, беҳуда, омонат бўлиб чиқарди. Бошқа эъ-тиқодлар ва уларнинг худога муносабати масаласи-га келсак, бу масалани ечишга менинг ҳақим ҳам, имконим ҳам йўқ».

Кити ҳам ўша йўл билан меҳмонхонага ўтиб ке-таётган эди, унинг бирдан:

– Ия, ҳали ҳам шу ердამисан? – деган овози эши-тилди. Кейин юлдузлар ёруғида эрининг юзига ти-килиб туриб сўради: – Ё бирон нарсадан хафа бўл-дингми?

Лекин шу он бирдан яшин чақнади; агар яшин юлдузларни тўсиб, Левинни ёритиб юбормаганда, Кити унинг юзини бари бир кўролмаган бўларди. Кити яшин ёғдусида унинг юзи тамомила хотир-жам, шод эканини кўриб, эрига қараб жилмайди.

•У тушунади, нималарни ўйлаётганимни билади, – деб ўйлади Левин. – Унга айтайми-йўқми? Майли, айтаман». Лекин у энди айтаман деб турганда, Кити гапириб қолди.

– Менга қара, Костя! Барака топкур, бурчакда-ги хонага бориб қара, Сергей Ивановични қандай жойлашибди экан, – деди Кити. – Мен борсам, уят бўлади. Қара-чи, янги умивальникни келтириб қў-йишибдими?

Левин қаддини ростлади-да, унинг қўлини ўпиб:

– Хўп, бораман, албатта бораман, – деди.

Кити ўзининг олдига тушиб кетганда, Левин: «Йўқ, айтиш керак эмас, – деб ўйлади. – Бу фақат ўзим учунгина вожиб, муҳим ва сўз билан таъриф қилиб бўлмайдиган сир».

Ўғлимга нисбатан кутган ҳиссим каби, бу янги ҳис ҳам мен орзу қилган даражада мени узгартирмади, бахтиёр қилмади, бирдан кўзимни очмади. Кутилмаган ҳеч қандай нарса ҳам бўлмади. Эътиқодим эса, – бу эътиқодми-йўқми, – нима эканлигини ўзим ҳам билмайман, лекин бу ҳис сира сездирмасдан изтиробларим билан бирга қалбимга кириб, ўша ерда маҳкам жойлашиб олди.

Иван кучерга яна аввалгидек зарда қилавераман, яна гап талашавераман, яна ноўрин гапиравераман, қалбимнинг энг муқаддас нуқтаси билан ўзгалар, ҳатто хотиним кўнгли ўртасидаги девор аввалгидек қолаверади, ўз ваҳимим учун хотинимни қоралаб, бунинг учун яна пушаймон бўлавераман, нима учун ибодат қилганимни ақлим кучи билан англамасам ҳам, яна ибодат қилавераман, – лекин энди менинг ҳаётим, бутун ҳаётим унинг ҳар бир дақиқаси, бошимга нималар тушишидан қатъи назар, илгаригидек бемаъни ҳаёт бўлмайди, балки унинг мазмуни, моҳияти шубҳасиз хайру саховатдан иборат бўлади, мен ҳаётимни хайру саховат билан тўлдиришга қодирман!»

МУНДАРИЖА

| | |
|-----------------------|-----|
| БЕШИНЧИ ҚИСМ | 3 |
| ОЛТИНЧИ ҚИСМ | 183 |
| ЕТТИНЧИ ҚИСМ | 371 |
| САККИЗИНЧИ ҚИСМ | 528 |

Зийрак китобхонларимиз диққатига!

Ҳурматли китобхонлар!

Нашриётимиз томонидан чоп этилаётган китобларимизнинг янада сифатли, юксак савия ва даражада бўлиши ўқувчиларимиз фикр-мулоҳазасига боғлиқ. Шу боис, китобларимизда учраётган имло хатолар ва матбаа сифати юзасидан бизнинг электрон манзилларимизга муурожаат этишингизни сўраймиз. Миннатдорчилигимиз рамзи сифатида фаол китобхонларимиз учун махсус совраларимиз бор.

Муурожаат учун электрон манзилларимиз:
yangiasravlodi@mail.ru

Адабий-бадий нашр

ЛЕВ ТОЛСТОЙ

АННА КАРЕНИНА

Роман

Иккинчи китоб

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусахриҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Бадий муҳаррир
Суннат МУСАМЕДОВ

Саҳифаловчи
Озода БОТИРОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишта 2016 йил 20.12 да рухсат этилади.

Бичими 84x108 ^{1/32}.

Босма тобори 19,0. Шартли босма тобори 31,92

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қороз.

Адади 5000 нуска. Ғуюртма № 259.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда таяёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими - 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими - 128-78-43; 397-10-87;

факс - 273-00-14.

e-mail: yangiasravlodk@mail.ru